

PROCEEDINGS OF  
THE INTERNATIONAL CONFERENCE  
**«ISSUES OF CREATING  
THE BASIS OF THE SPIRITUAL  
HERITAGE AND III RENAISSANCE:  
STUDY, RESEARCH, PERSPECTIVES»**

January 2023, Samarkand

*On the occasion of the 50<sup>th</sup> anniversary of the birth of Shovosil Ziyodov the  
Director of the Imam Bukhari International Scientific-Research Center*

**«МАЬНАВИЙ МЕРОС ВА  
III РЕНЕССАНС АСОСИНИ ЯРАТИШ  
МАСАЛАЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР,  
ТАДҚИҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР»**

2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА  
ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН  
ХАЛҚАРО АНЖУМАН МАҶОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ

Самарқанд - 2023

«Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари: изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар» мавзудаги халқаро конференция тўплами. Самарқанд. «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази» нашриёти, 2023. 612 бет.

Масъул муҳаррирлар:

**Бахтиёр ТУРАЕВ, ф.ф.д., профессор,**  
**Бахтиёр КАРИМОВ, ф.ф.д., профессор,**  
**Отабек МУҲАММАДИЕВ, PhD**

Нашрга тайёрловчилар:

**Барот АМОНОВ, Жонибек ЖУМАЕВ**

2023 йилнинг 17 январида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Марказ директори Шовосил Юнусович Зиёдов таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан “Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари: изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар” мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти, Самарқанд давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (OIC)нинг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCICA), Германиянинг Гамбург университети хузуридаги Осиё-Африка тадқиқотлари институти, Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти, Малайзия Миллий университети қошидаги Ислом цивилизацияси институти, Ахмад Яссавий номидаги Қозоқ-Турк халқаро университети ва Нур-Муборак Миср ислом маданияти университети хузуридаги Абу Ҳанифа илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари раҳбар ва олимлари, мустақил тадқиқотчилар маъруза қилди.

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан Ш.Зиёдовга билдирилган эътирофлар, тилаклар ҳамда анжуман иштирокчилари илмий мақолалари ушбу тўпламдан жой олган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази  
Илмий кенгашининг 2023 йил 1 февралдаги 1-сонли йигилиши  
Қарори билан нашрга тавсия қилинди.*

© «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази» нашриёти, 2023

---

## **ПЕРВООТКРЫВАТЕЛЬ УНИКАЛЬНЫХ РУКОПИСЕЙ**

**Аширбек МУМИНОВ,**

*Исследовательский центр по исламской  
истории, искусству и культуре (IRCICA),  
советник Генерального директора по программам,  
профессор, доктор исторических наук*

После завершения своей кандидатской работы по истории ханафитской школы в Бухаре и Самарканде у нас было желание продолжить изыскания по данной теме на материале новых источников. Однако наша преподавательская деятельность на кафедре исламоведения в Ташкентском государственном университете востоковедения давала мало возможностей на поездки внутри большого города. Дело в том, что, работая в Туркестанском государственном университете, в ноябре 1993 года мы получили приглашение от академика Нематуллаха Ибрагимова и профессора Валерия Семеновича Кима перейти в специальное востоковедное ВУЗ с направлением исламоведческих исследований.

В свободное от кафедральной работы время я старался попасть в Институт востоковедения имени Бируни, где кипела научная жизнь. Именно на этот период приходится мое знакомство с Шовосилом Зиёдовым. Его текущая работа по творчеству Абу Мансура аль-Матуриди (ум. в 944-945 г.) вызвала мой интерес. Потому что ташкентские списки его трудов, как и других ханафитских ученых, были мало знакомы широкому читателю. Рассматривая

вместе Шовосилом старинные списки трудов аль-Матуриди, мы впервые столкнулись с оттисками печатей вакфной библиотеки Ходжа Мухаммада Парса (ум. в 1420 г.). Мы знали о публикации профессора Анаса Бакиевича Халидова (1929-2001) про рукописи из этой библиотеки. Работы нашего учителя всегда вызывали у нас истинный восторг и уважение своей отточенностью академического стиля, полнотой и завершенностью. Как раз после выхода названной выше статьи Шовосил поделился со мной информацией об одной рукописи, которая не была учтена в статье А. Б. Халидова<sup>1</sup>. Я срочно позвонил учителю и поставил его в известность о новой находке. Анас Бакиевич рассказал нам о своей прежней командировке в Ташкент специально для работы с этими рукописями. Однако он не был допущен в фонд. Вместо этого ему предложили ознакомиться с 11 томами «Собрания восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР<sup>2</sup>, где якобы рассмотрены полностью все рукописи из этого фонда с оттисками печатей этой библиотеки. Сообщив это, учитель посоветовал нам подвергнуть весь фонд новой проверке на предмет наличия в книгах оттисков искомых шести печатей. По ходе нашей работы мы ознакомились с публикациями доктора Лолы Додхудоевой, которая внесла большой вклад в дело изучения этой библиотеки<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Халидов А.Б. Рукописи из библиотеки Мухаммада Парса // Петербургское востоковедение, выпуск 6. Санкт-Петербург, 1994, с. 506-519.

<sup>2</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Ташкент, 1952-1977.

<sup>3</sup> Додхудоева Лола. Рукописи с печатью вакфа Мухаммада Парса из арабского отдела фонда восточных рукописей Национальной библиотеки Франции // Книга в развитии культуры народов Востока: история и современность. Тезисы докладов международного симпозиума. Душанбе, 1990, с. 31-33; Dodkhudoeva, Lola. La bibliotheque de Khwaja Mohammad Parsa//Cahier d'Asie centrale, № 7-8, 1998.

---

## Первая наша совместная публикация

Начало наших совместных поисков было очень плодотворным: мы обнаружили массу новых рукописей. Вскоре был накоплен такой объем нового материала, что нам дало возможность высказать и обосновать новые положения. Наше научное сообщение на научном собрании во Французском институте центральноазиатских исследований вызвало интерес у научного сообщества. Ученый секретарь ИФЕАК доктор Мария Шупе (Maria Szuppe) предложила нам поучаствовать в очередном номере журнала «Центральноазиатские тетради» с нашей совместной статьей<sup>4</sup>. Нужно отметить, что процесс оформления статьи, ее перевод на французский язык под руководством доктора Мария Шупе, включение ее в состав номера журнала, сборника статей стал для нас школой. Она дала много для понимания международных стандартов, ознакомления с традициями французской школы востоковедения на деле. В дальнейшем наши поиски не останавливались, на их каждом этапе мы старались обобщать их результаты, сообщать дальнейшие перспективы по расширению базы данных о рукописях из этой библиотеки. К нашим поискам подключились наши коллеги – археолог Е. Г. Некрасова<sup>5</sup>, крупный специалист по библиотечному делу в странах Ближнего Востока и СНГ А. Хабибуллаев.<sup>6</sup>

<sup>4</sup> Muminov Ashirbek; Ziyadov Shovosil. L'horizon intellectuel d'un e

<sup>5</sup> Muminov Ashirbek; Nekrasova Elizaveta; Ziyodov Shovosil. La «Bibliothèque de Khwaja Muhammad Parsa» revisitée // Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turco-iranien, X<sup>e</sup>-XIX<sup>e</sup> siècles / sous la direction de Francis Richard et Maria Szuppe. Paris: Association pour l'avancement des études iraniennes, 2009, – pp. 17-41.

<sup>6</sup> Некрасова Е. Г., Муминов А. К., Хабибуллаев А., Зиядов Ш. Ю. Библиотека Мухаммада Парса: обобщение новых данных // Казахстанская интеллигенция: история и современность: Сборник материалов международной научной конференции,

---

## **Проект описания рукописей, созданных до начала массового книгопечатания**

Древнейшие рукописи из библиотеки Ходжа Парса вызвали интерес у профессора Франсуа Дерош (François Deroche), который предложил опубликовать их описания в его проекте. Профессор Дерош основал виртуальный каталог арабских рукописных книг, созданных до 1501 года, то есть до периода начала массового книгопечатания в Европе. Рукописи, не включенные в европейские издания и каталоги инкунабул, вызывали великий интерес у специалистов восточной палеографии и кодикологии. В каталог включались только те рукописи, которые имели колофоны с точной датой переписки. Большое значение кроме дат переписки придавалось именам переписчиков, местам создания рукописей – городам, мечетям, медресе, заказчикам, особым региональным особенностям в искусстве изготовления и оформления восточной книги. Несколько рукописей из этого собрания были описаны и опубликованы в Париже<sup>7</sup>. В ходе работ мы обратили внимание на то, что французская школа обращает большое внимание к описанию внешних данных рукописей – к бумаге, переплету, каллиграфическим почеркам, традициям оформления рукописной книги, оттискам печатей, количеству тетрадей в книге и т. д. Мы понимали, что это было связано с традициями изучения латинских рукописей. Однако наш последующий опыт показывает, насколько они были правы в том, что технические

---

посвященной памяти доктора исторических наук, профессора Кушима Лекеровича Есмагамбетова, 28 сентября 2018 г., Алматы. Алматы: Издательский дом «Мир», 2018, сс. 195-204.

<sup>7</sup> Muminov Ashirbek; Ziyadov Shavasil. Fiches № 235-240 // Nouvelles des Manuscrits du Moyen-Orient &

данные играют большую роль в определении аутентичности или поддельности текстов.

## Генеалогии

В наших беседах я часто делился своим туркестанским багажом – генеалогиями центрально-азиатских ходжей. Такие же документированные генеалогии широко бытовали и в ташкентской среде. В подтверждение этому Шовосил обнаруживал новые документы и списки. Со временем накопленный материал нам дал возможность подключиться к проектам, разрабатываемым профессорами Анке фон Кюгельген (Anke von Kügelgen, Девин ДиУис (Devin DeWeese) и Михаэлом Кемпером (Michael Kemper). В итоге нам удалось собрать и издать редакции генеалогии потомков Мухаммада ибн аль-Ханафийа, составленные с XIV в. по XXI в. на обширной территории от Сибири до Северной Индии и Ирака с эпицентром событий в Центральной Азии<sup>8</sup>. Первый том издания вышел несколько позже<sup>9</sup>. Генеалогия

<sup>8</sup> Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях. Том 2: Генеалогические грамоты и сакральные семейства XIX-XXI веков: насаб-нама и группы ходжей, связанных с сакральным сказанием об Исхак Бабе / Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложения и указатели: А. Муминов, З. Жандарбек, Д. Рахимджанов, Ш. Зиядов. Ответственные редакторы: Аширбек Муминов, Анке фон Кюгельген, Девин ДиУис, Михаэль Кемпер. Алматы, Берн, Ташкент, Блумингтон: Дайк-Пресс, 2008 [Muminov Ashirbek, Anke von Kuegelgen, Devin DeWeese, Michael Kemper (eds.). Islamization and Sacred Lineages in Central Asia: The Legacy of Ishaq Bab in Narrative and Genealogical Traditions. Volume 2: Genealogical Charters and Sacred families: Nasab-namahs and Khoja Groups Linked to the Ishaq Bab Narrative, 19<sup>th</sup>-21<sup>st</sup> Centuries. Almaty, Bern, Tashkent, Bloomington: Daik-Press, 2008]. – с.368.

<sup>9</sup> Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: Наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях. Том 1: Открытие пути для ислама: рассказ об Исхак Бабе, XIV-XIX вв. / Ответственные редакторы: Девин ДиУис, А.К. Муминов. Исследование, составление текстов, переводы на русский и английский языки, комментарии и указатели: Девин ДиУис, А.К. Муминов, Д.А. Рахимджанов, Ш.Ю. Зиядов. Приложение А.К. Бустанов. Алматы-Блумингтон: Дайк-Пресс, 2013

Ходжа Ахмада Йасави увлекла исследователя в область изучения его хикматов<sup>10</sup>. Данный проект был реализован совместно с Центром йасавийских исследований (Туркестан) и Институтом востоковедения имени Беруни.

## Проект изучения суфийских рукописей

Увлеченность генеалогиями родственников суфийского шайха Ходжа Ахмада Йасави открыла путь Ш.Ю.Зиёдову к участию в проекте профессора Юргена Пауля (Jürgen Paul). Этот проект преследовал цель дать возможность молодым начинающим исследователям ознакомиться с опытом работы немецких кодикологов. В этих целях для них была организована научная стажировка в Федеративную Республику Германию. После стажировки были выполнены и изданы два прекрасных каталога суфийских произведений XVIII-XX вв.<sup>11</sup>. Второй том каталога был издан в известной немецкой серии каталогов<sup>12</sup>. В ходе работ по данному проекту

---

[DeWeese, Devin; Muminov, Ashirbek (eds.). Islamization and Sacred Lineages in Central Asia: The Legacy of Ishaq Bab in Narrative and Genealogical Traditions. Volume 1: Opening the Way for Islam: The Ishaq Bab Narrative, 14<sup>th</sup>-19<sup>th</sup> Centuries. Almaty-Bloomington, 2013]. – 640 стр.

<sup>10</sup> ӨзР FA Шығыстану институтындағы Қожа Ахмет Иасауи хикметтерінің қолжазба каталогы. Құрастырушылыр: Ф. Каримов, М. Қасаний, Н. Тошев, С. Есентемір, Ш. Зиёдов, Д. Расулов. Жауапты редакторлар Б. Бобојонов, А. Муминов. Баспаға дайындаған Д. Кенжетай. Түркістан: ХҚТУ баспаханасы, 2006. – 328 бет.

<sup>11</sup> Гуломов С., Зиядов Ш., Каримов Г., Мадраимов Х., Муминов А., Тошев Н., Тошева Ш. Краткий каталог суфийских произведений XVIII-XX вв. из собрания Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан им. аль-Беруни / Редакционная коллегия: Б. Бабаджанов, А. Кремер, Ю. Пауль [Handlist of Sufi manuscripts in the holdings of the Oriental Institute, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan]. Berlin: Das Arabische Buch, 2000. – 237 стр.

<sup>12</sup> Бабаджанов Б., Гуламов С., Зиядов Ш., Камилов М., Каримов Г., Муминов А., Тошев Н., Тошева Ш. Каталог суфийских произведений XVIII-XX вв. из собраний Института Востоковедения им. Абу Райхана аль-Бируни Академии Наук Республики Узбекистан // Verzeichnis der orientalischen Handschriften in Deutschland. Supplementband 37. Herausgeber Jürgen Paul. Stuttgart: Franz Steiner Verlag, 2002. – 358 стр.

Ш.Ю.Зиёдову удалось открыть уникальный список сочинения «Религиозные подвиги Дукчи-Ишана» и конфискованную библиотеку этого ишана. Издание новых материалов было осуществлено под руководством профессора Б. М. Бабаджанова<sup>13</sup>.

## Полевые исследования

Ш.Ю.Зиёдов принимал участие во многих экспедициях, завоевывал многочисленные гранты для участия с докладом в международных научных симпозиумах и форумах. Однако следует отметить два полевых исследования, которые дали оригинальные результаты. Первое из них касается составления каталога восточных рукописей, хранящихся в Краеведческом музее Каракалпакстана в Нукусе. Фонд уникален по содержимым в нем рукописям и по своему географическому расположению<sup>14</sup>. Второе касается изучения эпитафий из самаркандского кладбища исламских ученых Чакар-Диза. Оно было проведено после издания специальной монографии. Его результаты на 42 страницах цепны тем, что показывает на продолжение перспективных исследований по данному направлению<sup>15</sup>.

<sup>13</sup> Зиядов Ш. Ю. при участии А. К. Муминова. Библиотека Дўкчӣ-Ҷашана // Манәқиб-и Дўкчӣ Йашân (Аноним жития Дўкчӣ Йашана – предводителя Андижанского восстания 1898 года) / Введение, перевод и комментарии: Б. М. Бабаджанова. Издатель: А. фон Кюгельген. Ташкент, Берн, Алматы: Дайк-Пресс, 2004, с. 344-385.

<sup>14</sup> Muminov, Ashirbek; Szuppe, Maria and Idrisov, Abdusalim (avec la collaboration de Ziyodov, Shovosil). *Manuscripts en écriture arabe du Musée régional de Nukus (République autonome du Karakalpakstan, Ouzbékistan) : Fonds arabe, persan, turkī et karakalpak*. Istituto per l’Oriente “C.A. Nallino” – CNRS “Mondes Iranien et Indien”. Roma, 2007, 282 p. (*Series Catalogorum* n 2).

<sup>15</sup> Муминов А., Зиёдов Ш., Мухаммадиев О. Кайраки Самарканда: новые открытия // Proceedings of the International Workshop on Islamic Studies in Uzbekistan: Achievements and Perspectives, June 2020, Tashkent / Edited by Halit Eren and Ashirbek Muminov; prepared to publication by Shukhrat Yovkochev and Zokhidjon Islamov. Istanbul: Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2020, с. 321-360.

## **Международное сотрудничество**

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари имеет положительный опыт сотрудничества с ИРСИКА в области развития научных связей с международными организациями и научно-исследовательскими центрами. В этом деле немалая заслуга директора центра. За последнее время совместно было проведено несколько конференций, форумов и выставок, реализованы научные проекты. Например, в 2019 г. в Самарканде были организованы международная выставка исламской каллиграфии (*International Exhibition of Islamic Calligraphy*) и научно-практический семинар «Рукописные фонды Узбекистана: состояние сохранности, каталогизация и повышение квалификации специалистов» (*Manuscript Funds of Uzbekistan: Preservation, Cataloguing and Personal Training*). Труды семинара впоследствии были опубликованы<sup>16</sup>. Тема изучения рукописного наследия была продолжена в 2022 г. организацией в Самарканде II международной конференции «Вопросы улучшения системы сохранения и исследования древних восточных источников». Перед этим была организована международная онлайн конференция «Роль суфийских течений в общественной жизни Центральной Азии» в Самарканде 22 сентября 2022 г.

---

<sup>16</sup> Proceedings of the International Workshop. Manuscript Funds of Uzbekistan: Preservation, Cataloguing and Personnel Training. June 2019, Samarkand // Edited by Halit Eren, Shovosil Ziyodov. Prepared for Publication by Ashirbek Muminov, Otabek Muhammadiyev. Istanbul: IRCICA, 2020. – XXIX, 464 p.

---

## **Заключение**

Наш опыт сотрудничества с профессором Ш.Ю.Зиёдовым показывает его результативность, поступательный рост качества выполняемых проектов и нацеленность на будущее. Мы рассчитываем добиться новых высот в сотрудничестве между отдельными исследователями, творческими коллективами и организациями – Исследовательским центром по исламской истории, искусству и культуре и Международным научно-исследовательским центром Имам Бухари. Конечно, мы ждем новых открытий в области изучения исламских рукописей. Известный профессор Бекир Топалоглу (Bekir Topaloğlu; 1936-2016) говорил, что второй, более полный список «Китаб ат-таухид» Абу Мансура аль-Матуриди, чем тот единственный, с отдельными дефектами, обязательно должен обнаружиться в городе Самарканде и его окрестностях! Первооткрыватель уникальных рукописей Шовосил Юнусович Зиёдов со своими сотрудниками порадуют нас новыми открытиями, находками и достижениями.

# БҮЮК АЖДОДЛАР ДАВОМЧИСИ

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ,**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
проректори, филология фанлари  
доктори, профессор*

Мустақиллик диний маърифий соҳада улкан ўзгаришлар даври бўлди. Бу ислоҳотлар натижасида кўплаб диний таълим муассасалари, илмий марказлар очилди. Имом Термизий, Имом Бухорий, Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари, Ҳадис илми олий мактаби, Мир Араб олий мадрасаси ўз фаолиятини бошлаб, ўтмиш маънавий меросимиз дурдоналари бўлган асарлар таржима қилиниб, тадқиқотлар амалга оширила бошланди, дастлабки нашрлар дунё юзини кўрди. Албатта, бу марказлар учун шарқ маданияти, алломаларимиз ёзма илмий меросини мукаммал биладиган нодир мутахассислар зарур эди. Мана шундай мутахассислардан бири сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Шовосил Юнусович Зиёдов майдонга чиқди.

Самарқандда 2008 йили очилган Имом Бухорий халқаро марказига Шовосил Зиёдов 2014 йил директор этиб тайинланди. Унга қадар Ш. Зиёдов 2003 йил академик М.Хайруллаев раҳбарлигида "Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва «Китоб ат-таъвилот» асари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган ва тарих фанлари номзоди илмий даражасини олган эди. Диссертация мавзуси ҳам жуда муҳим ва долзарб бўлиб, маълум тарихий жараён ва воқеалар билан боғлиқ. Ўзбекистон мустақиллигининг

дастлабки йиллариданоқ диний-маърифий соҳага бўлган эътибор юртимиз алломаларининг фиқхий-ақидавий меросини қайта тиклаш вазифасини қўйди. Хорижий мамлакатларда дикқат қилинаётган, унинг аҳамияти хақида ёзилаётган бу даврда немис олими Ульрих Рудольфнинг “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик ақидаси мактаби” мавзусидаги тадқиқоти маълум бўлди. Мазкур тадқиқот ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилган. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб айнан Абу Мансур Мотуридий ва унинг илмий мероси хусусан, “Таъвилот ал-Қуръон” асарига бағишлиланган тадқиқот Шовосил Юнусович томонидан амалга оширилди. Унда мотуридийлик таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридий даври муҳити, шахсияти, илмий меросига бағишлиланган батафсил маълумотлар келтирилган.

2017 йили марказ олдига қўйилган муҳим вазифалар ортди ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига айлантирилди. Шовосил Зиёдов директорлигини давом эттирилди. Энди раҳбар, ёш олим олдига янги вазифалар, маънавий мерос, аждодларимиз илмий меросини ўрганиш асосида фундаментал тадқиқотлар яратиш, диний-маърифий ҳаёт билан замонавий масалаларга ечим берадиган изланишлар олиб бориш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш каби долзарб вазифалар қўйилди.

Ш.Зиёдов ўз жамоаси билан кўплаб йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Уларнинг натижаси ўлароқ алломалар илмий мероси, китобат тарихи, ислом маданияти ва санъатига доир ўнлаб йирик асарлар чоп этилди. Олим сифатида Ш.Зиёдовнинг илмий фаолияти доираси кенгайди ва ҳозирда мотуридийлик калом мактаби, шарқ китобати, палеографияси, кутубхоналар тарихи, ислом тарихи, маданияти ва санъати йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб

бормоқда. Кенг қамровли тадқиқотлар натижаси ўлароқ Шовосил Зиёдов 2022 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги Илмий кенгашда “XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўллўзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)” мавзусидаги 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича тарих фанлари доктори (DSc) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олди.

Тарих фанлари доктори Ш.Зиёдов нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз илмий салоҳияти, маърузалари, асарлари билан танилган. Олим араб, форс, рус, инглиз тилларини яхши билади ва шу тилларда илмий тадқиқот олиб бориш салоҳиятига эга. Бунга унинг хорижий тилларда чоп этилган китоблари, мақола ва тезислари яққол мисол бўла олади. У Франция, Германия, Буюк Британия, Россия федерациясидаги шарқшунослик марказларида илмий стажировка, малака ошириш курсларида таҳсил олган. АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия мамлакатларида ўтказилган илмий анжуманларда маъруза билан қатнашган, кўплаб хорижий мамлакатлардаги илмий лойиҳаларда иштирок этган. Бу соҳадаги фаолияти билан олим пешқадамлардан саналади.

Ш.Зиёдовнинг серқирра фаолияти фақатгина илмий тадқиқотлар билангина чекланмайди. Ҳозирги кунда у янги монографиялар, каталоглар тайёрлаш устида изланмоқда. У педагогик фаолият ҳам олиб боради, шогирдлар тайёрлашга киришган. Унинг раҳбарлигига 1 нафар PhD, 9 та магистрант ва 22 та бакалавр ўз илмий ишларини ҳимоя қилган. Тарих фанлари доктори Шовосил Зиёдов раҳбарлигидаги халқаро илмий тадқиқот маркази хорижий мамлакатларнинг йирик илмий тадқиқот марказлари билан кенг қамровли халқаро

ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ўзбекистон илмий жамоатчилиги хусусан шарқшунослар, тарихчилар ёш иқтидорли олим Шовосил Юнусовичнинг илмий салоҳиятини юксак баҳолайдилар.

Тарих фанлари доктори Шовосил Юнусович Зиёдов навқирон эллик ёшни қаршилаётган эканлар, у кишига мустаҳкам соғлик, илмий барқамоллик, шарқшунослик, манба-шунослик, маънавий мерос ривожи йўлида ҳормай-толмай узоқ йиллар баракали ижод қилишларини, ўзига хос илмий мактаб яратиб, илм тарихи зарварақларидан муносиб ўрин олишини тилаб қоламиз.

---

## ИСТЕДОДЛИ ШАРҚШУНОС ОЛИМ, РАҲБАР ВА ВАТАНПАРВАР ИНСОН

**Бахтиёр КАРИМОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими,  
фалсафа фанлари доктори, профессор*

Тарих фанлари доктори Зиёдов Шовосил Юнусович билан 25 йиллар аввал Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида буюк мутафаккирларимиз Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Улугбек илмий меросига ва юбилейларига бағишлиаб ўтказилган илмий анжуманларда танишганман. Ш.Ю.Зиёдовнинг устозлари халқаро миқёсда таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор, академик Музаффар Мухиддинович Хайруллаев кўп йиллар Шарқшунослик институти директори бўлиб ишлаган эди. М.М.Хайруллаев аввал кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори бўлиб ҳам ишлаган эди.

Ш.Ю.Зиёдов кўп йиллардан давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида турли лавозимларда фаолият олиб борган. Мен эса кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ишлаганман. Институтларимиз бир-бирига яқин жойлашган эди ва кўп анжуманлар, тадбирлар ҳамкорликда

ўтказиларди. Ш.Ю.Зиёдовнинг Устозлари академик М.М.Хайрулаев менинг устозим – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаевич Файзуллаев билан узоқ йиллар давомида дўст ва бир Устознинг – буюк олим, академик Иброҳим Мўминович Мўминовнинг шогирдлари бўлишган. Уларнинг кўп илмий сұхбатларида мен ҳам қатнашганман. Ҳалқимизнинг икки таниқли олимларининг қомусий билимларидан, изчил, мантиқли исбот ва далилларидан, ҳақиқатгўйликларидан ибрат олар ва руҳланар эдим. Устозим профессор О.Ф.Файзуллаев Шарқшунослик институтидаги диссертациялар химоя қилинадиган кенгашга кўп йиллар аъзо бўлган эди. Устозим ва Шарқшунослик институтидаги дўстларим мени ушбу институтда ўтказилаётган қизиқарли диссертация химояларига ва ташкил этилаётган кўп илмий анжуманларга таклиф этишарди, мен маъruzаларим билан иштирок этар ва шу билан бирга муҳокамаларда қатнашар эдим. Шарқшунослик институтига боргандаримда кўп таниқли олимлар, жумладан Ш.Ю.Зиёдовнинг келажакда иккинчи устози бўлган Роик Мажидович Баҳодиров билан ҳамда истедодли ёш олимлар билан, жумладан Ш.Ю.Зиёдов билан ҳам, танишганман, улар билан тарихий меросимиз ва замонимиз масалаларига оид турли илмий масалалар ҳақида фикр алмашганман. Ш.Ю.Зиёдов устози М.М.Хайрулаев раҳбарлигида ташкил қилинган барча тадбир ва анжуманларда жуда фаол, ақл ва одоб билан қатнашар эди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти буюк даҳоларимиз Хоразмий, Бухорий, Термизий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мотуридий, Навоий,

Бобур, Улугбек ва миллатимизнинг маънавий оламини яратган барча буюк ижодкорлар асарлари, ғоялари ва руҳи яшаётган табаррук маскан. Ш.Ю.Зиёдов ушбу масканнинг мухитида шаклланган истедодли олим, содик шогирд, юксак ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбар, ватанпарвар инсон.

2013 йили Имом Бухорий халқаро марказининг директори ўринbosари лавозимида ишлаб турган дўстим, фалсафа фанлари доктори, профессор Тураев Баҳтиёр Омонович ушбу марказнинг директори вазифасини бажарувчиси этиб тайинланди. Айни вақтда у ўзининг аввалги вазифаларини ҳам бажариши керак эди, ҳамда қўшимча равишда “Имом Бухорий сабоқлари” журналининг бош муҳаррири вазифасини ҳам бажариши лозим эди. Шу вазиятда у мени ёрдамга чақирди ва мен таҳминан бир йил ушбу журналнинг бош муҳаррири ўринbosари вазифасини бажариб турдим.

2014 йили Ш.Ю.Зиёдов Имом Бухорий халқаро марказининг директори этиб тайинлангандан сўнг ушбу журналнинг ташкилий ва таҳририй ишлари бўйича муайян вақт бирга ишлашдик. Ш.Ю.Зиёдов ва Б.О.Тураев ҳамкорликда, қадрдон бўлиб, жуда яхши ишлашиб кетишди, марказ ва журналнинг ишлари яхши юришиб кетди, ёрдамимга эҳтиёж қолмади ва мен асосий эътиборимни ўзимнинг илмий ишларимга қаратдим.

Ш.Ю.Зиёдов марказ директори сифатида жуда яхши фаолият олиб бормоқда, ушбу масъулиятли лавозимда унинг ташкилотчилик салоҳияти юксак савияда эканлиги намоён бўлди. Ш.Ю.Зиёдов бу масалада ҳам устози академик М.М.Хайруллаев мактабида ўқиганлиги ва асосий ўйтларини уққани сезилиб туради.

Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Замахшарий, Улугбек, И.М.Мўминов, О.Ф.Файзуллаев, М.М.Хайруллаев

туғилган кунлари, юбилейларига бағишлиланган кўп илмий анжуманларни Ш.Ю.Зиёдов ва Б.О.Тураев билан ҳамкорликда ўтказдик. Ушбу тадбирларнинг барчасида Ш.Ю.Зиёдовнинг Ватанимизнинг буюкларига, боболаримизга, Устозларга бўлган ҳурмати ва эҳтироми сезилиб турар эди.

2021 йили ўтказилган академик М.М.Хайруллаевнинг 90 йиллик юбилейига бағишлиланган илмий анжуманда Ш.Ю.Зиёдов ва Р.М.Баҳодиров айниқса фаол қатнашдилар ва ўзларининг Устозлари ҳақида дил сўзларини айтдилар.

Ш.Ю.Зиёдов шарқшунослик соҳасида долзарб ва аҳамиятли тадқиқотлар олиб бораётган, истеъдодли, кенг замонавий дунёкарашга эга олим, камтарин, самимий инсондир. Ш.Ю.Зиёдов билан жамият ҳаётининг кўп соҳалари бўйича сухбат қилиш борасида менда шундай фикр пайдо бўлади: агар шундек инсонлар Ўзбекистонда кўпроқ бўлса, Ватанимиз янада юксак ютуқларга эришар эди.

Ш.Ю.Зиёдов кенг қамровли билимлари, етук илмий салоҳияти, ватанпарварлиги, бағрикенглиги, инсонпарварлиги, меҳнатсеварлиги, масалаларга масъулият билан ёндашиши, юқори даражадаги ташкилотчилик қобилияти ва инсонийлик фазилатлари туфайли мамлакатимиизда ва халқаро миқёсда таниқли шарқшунос олим сифатида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди.

Шовосил Юнусович Зиёдовга илмий ишларида ижодий муваффақиятлар, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ҳамиша меҳр-муҳаббатли фарзандлари, садоқатли шогирдлари ва содик дўстлари ардоғида бўлишини, олиб бораётган ўта муҳим фаолиятида катта муваффақиятларга, илмий-ижодий ютуқларга эришишини тилайман.

---

## **ОТАЛАР ДУОСИГА САЗОВОР БЎЛГАН ЙИГИТ...**

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ўрол АБИЛОВ,  
фалсафа фанлари доктори, профессор**

Зиёдов Шовосил Юнусович ҳақида гап кетганда мен уни «ота-боболарнинг эзгу дуоларига сазовор бўлган йигит» деб таърифлайман. Бу фикримни янада аниқроқ далиллаш мақсадида Шовосилнинг ёшлигидан мисол келтираман. У Тошкентдаги Себзор маҳалласида жойлашган араб тилини ўргатувчи 22-ўрта мактабни битиргач, Тошкент давлат Шарқшунослик институтига ўқишига кириши олдида унинг отаси Юнус ака “Ўғлим, мана мактабни битириб, шу мактаб йўналишидаги ўқишига ҳам кирдинг. Энди олган билимларингни чуқурлаштириш ва келгуси мустақил ҳаётга тайёр туриш, нафақат ўзинг, балки оиласиз ташвишлари ҳам сенинг зиммангга тушади. Сенга Аллоҳнинг ўзи қуч-қувват ва баҳт-иқбол бағишласин! Илоҳо Аллоҳнинг ардоғида бўлгин, ўғлим!”, деб дуо қилган эди. Иқтидорли журналист Юнус ака ҳар доим ўзининг яқин дўстлари ва обрўли биродарларидан, бир нарсани фарзандига – Шовосилга баҳтиқбол сўраб, дуо қилишларини сўрар эди.

Кунлардан бир куни, – мен у пайтда Президент девонида ишлар эдим, – хизмат юзасидан “Ўзбекистон овози” бош муҳаррири ҳузурига бордим. Ўша жойда бош муҳаррир ўринbosари ва маслаҳатчиси Юнус акани учратиб қолдим. Бош муҳаррир қандайдир топшириқ билан қўшни идорага

кетган экан. Келгунicha бош муҳаррир маслаҳатчиси Юнус аканинг ширин лимонли чойидан ичиб, суҳбатлашиб ўтиридик. Шунда мезбон менга кичик ўғли Шарқшунослик институтида таълим олаётгани, келажакда арабшунос бўлиши ҳақида гапириб қолди ва мендан унга дуо қилишимни илтимос қилди. Албатта дуо қилдик.

Юнус ака ўша пайтдаги “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринbosари Норбобо Шакаровнинг сўзларига қараганда, камсуқум, камтарин, лекин ўта одамохун, кишилар билан тез тиллашиб кетадиган, инсоний фазилатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштира олган, ҳаётий тажрибага бой, билимдон ва бу соҳада ҳаммага баробар, бегараз маслаҳатгўй, таҳририят ходимлари ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор инсон экан. Биз қисқа вақт у киши билан бўлган биргина суҳбатда бунга тўлақонли амин бўлдик. Кейинчалик у кишининг суҳбатларидан баҳраманд бўлганмиз.

Шовосил Юнусович ота тарбияси ва унинг ўгитларига амал қилган ҳолда Шарқшунослик институтини муваффақиятли битиргач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида дастлаб катта лаборант, кейин кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Ўша институтда аспирантурага кирди. Иқтидорли ва топширилган ишларга масъулият билан ёндашгани учун Шовосил институт директори ва илмий раҳбари бўлган табаррук инсон – академик М.М.Хайруллаевнинг дусини олишга мушарраф бўлган.

Шовосил Юнусович 2003 йилда “Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва «Китоб ат-Таъвилот» асари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳимоя пайтида кўпгина табаррук илмий кенгаш аъзолари уни яхши ният билан дуо қилишди. Айниқса, шу кенгаш аъзоси, фал-

сафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев ҳам дуо қилиб, “Шовосил ҳалқимизнинг имон эътиқодини ҳимоя қилган Мотуридий бобомиз ҳақида диссертация ёзиб жуда улуғ ишга қўл урган. Ишонамизки, бу йигитга буюк бобокалонларимизнинг руҳи мадад беради. Биз ҳам унинг иқболи учун дуо қиласиз”, деган эдилар.

Мотуридий бобомиз даврида Марказий Осиёда Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлик қилган. Уларнинг даврида қабрларга қайроқ тошлар қўйилиб, шу тошларга марҳум ҳақидаги хотира маълумотлар ёзилар эди. Шовосил шу манбаларни ўрганиш учун бир неча маротаба хориждаги ва республикадаги ҳалқаро илмий анжуманларда: (Италия-нинг Болонья шаҳрида икки маротаба: 2000 й. 4-6 октябр, 2002 й. 26-28 сентябр), АҚШ (Нью-Йорк, 2008 й. феврал), Германия (Халле, 2008 й. 11-12 декабр, Фрайбург 2022 й. 14-17 октябрь), Франция (Париж, 2009 й. 6-ноябр), Туркия (Истанбул, 2009 й. 22-24 май) маъруза ўқиди ва тажриба орттириди. Кўп вақтини Мотуридий давридаги адабиётларни ўрганишга бағишилади. Китоблардаги белгилар, муҳрлар тарихий фактларни аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли Шовосил кейинги изланишларини китоб белгиларини аниқлашга бағишилаган.

2014 йилда Ш.Ю.Зиёдов Имом Бухорий ҳалқаро маркази директори лавозимига тайинланди. Мен шу йили январь ойида ушбу марказда “Соғлиқни сақлаш бўйича республикамида олиб борилаётган ислоҳотлар” ҳақида маъруза ўқиш учун бордим. Шунда мен директор лавозимида Ш.Ю.Зиёдовни кўрдим. У очиқ чехрали, самимий ва билимдон инсон экан. Тушлик пайтида у билан сұхбатлашдим ва унга сиртдан дуо қилганим, яъни Юнус аканинг ўғли эканини эсладим.

Ш.Ю.Зиёдов марказ фаолиятини жонлаштиришга астой-

дил киришди. У ҳар сафар Имом Бухорий халқаро маркази тингловчилари бўлган 70 нафар имом-хатиблардан дуо оларди. Бу дуоларнинг хосияти катта. Тез орада 2016 йили Ш.М.Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари Бош вазирлари саммитида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот Марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифни ўртага ташлади. 2017 йилда ёқ янги марказнинг қурилиш ишлари бошланаб кетди ва шу йил охирида янги марказ ўз ишини бошлаб юборди. 2018 йил бошида марказ ходимлари замонавий шароитларга эга янги бинога кўчиб ўтди.

Шовосил Юнусович фан доктори диссертацияси устидаги изланишларни ғайрат билан бошлаб юборди. Бу диссертацияга академик М.М.Хайруллаевнинг севимли шогирди фалсафа фанлари доктори, профессор Р.М. Баходиров раҳбарлик қилди ва Шовосилга самимий, хайрли дуо қилди. 2022 йил 6 август куни Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Илмий Кенгашда «XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)» мавзусида 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилди. Бу ютуқлар ижобатида маълум даражада Ш.Ю.Зиёдовга табаррук инсонларнинг самимий дуолари ҳам сабаб бўлган деб ўйлаймиз. Шунинг баробарида биз ҳам эзгу тилакларимизни билдиримоқчимиз:

Шовосил Юнусович! Аввало, эллик, яъни ярим асрлик ёшинингиз муборак бўлсин! Ҳаётда доимо соғ-омон бўлинг. Илмда, ижодда ва оиласвий ҳаётда шу кунгача эришган ютуқларингиз бардавом бўлсин. Аждодларимизга муносиб ворис бўлишингизни Яратгандан сўраб қоламиз.

---

## ФАОЛ ТАШКИЛОТЧИ ВА БИЛИМДОН РАҲБАР

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,**  
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

Жамият тараққиёти кўпинча раҳбарларнинг тадбиркорлиги ва билимдонлигига боғлиқ бўлади. Бу ҳақда алломаларимиз ўзларининг насиҳатномаларида қайта-қайта таъкидлаганлар. Бу борада Марказимиз раҳбари Шовосил Юнусович Зиёдов намунадир. Яхиси, фикримизни узоқроқдан бошлайлик.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллари, аниқроғи 1994 йил эди. Биз дўстим, Урал Абилов билан биргаликда яна бир дўстимиз “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири Азим Суюннинг ҳолидан хабар олиш учун газета таҳририятига бордик. Азим ҳукумат йиғилишига кетган экан, бизни очиқ чеҳрали, самимий бир инсон хурмат билан кутиб олди. Биз ўзимизни таништирдик, улар ҳам бизга ўзини Юнус ака деб таништирди. Азимнинг таҳририй ва ташкилий йўналишидаги ўринбосари, ёрдамчиси ва маслаҳатчиси экан. Улар очиқ кўнгиллик билан бизга чой қуиб берар экан, “Азим ҳам тезда келиб қолади. Бир оз сұхбатлашиб турайлик” – деб биз билан анча вақт сұхбатлашди. Гап орасида ўзининг бир ўғли Шарқшунослик институтида араб тилини ва тарихи бўйича ўқиётганини, у Себзордаги араб тилини ўргатишга ихтисослашган 22-мактабни битирганини қистириб ўтди. Анча вақт Юнус аканинг ширин сұхбатидан баҳраманд бўлгач, Азим ҳалибери келмаслигига қўзимиз етиб, мезбондан узр сўраб, рухсат олдик. Шунда, Юнус ака,

яхши ният билан, “менинг ўғлим ҳам сизлардек эл хизматида бўлишига фотиҳа берингизлар”, – деб илтимос қилди. Биз ҳам чин кўнгилдан, Юнус аканинг ўғли истиқболи учун фотиҳа бердик. Ўша пайти келажакда ҳаёт йўлиминиз унинг севимли ўғли билан туташиши мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Анча йиллар ўтиб, 2013 йил профессор Убайдулла Уватов раҳбариятдан қайта-қайта илтимос қилиб, Имом Бухорий халқаро Марказини топшириб, Тошкент Ислом университетига кетгач, Марказга манбаларни яхши тушунадиган, салоҳиятли раҳбар топиш муаммо бўлиб қолди. Ўша даврда камина Марказни бошқариб туришимга тўғри келди. Бу иш ниҳоятда масъулиятли ва кўп қиррали иш эди. Республикаиз масжидларининг 70 нафар етакчи имом-хатибларини ўқитиш, бошқариш, уларнинг шарт-шароитини жойига қўйиш, бу борада вилоят ва туман раҳбарлари билан тил топишга ҳаракат қилиш ўта мashaққатли иш эди. Ниҳоят 2014 йилнинг бошида шундай раҳбар топилди. 2014 йилнинг 9 январида Дин ишлари қўмитаси ва Президент девони раҳбари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан биргаликда келишиб, янги раҳбарни жамоамиз билан таништирди.

Бу йигит – мен ўн йил илгари танишган ажойиб инсон Юнус аканинг ўғли Шовосил Зиёдов эди. Бу йигитнинг фамилияси ва исми шарифи 2000 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илғор ёш олимлар танловида мен кўриб чиқиб, юқори баҳолаган анкета эгасини эслатди. Мен конкурс Ҳайъати аъзоси сифатида танловда қатнашган ёш олимлар орасида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими Шовосил Зиёдовнинг эълон қилган мақолаларини, мазмунан юқори савияда ёзилгани ва фикрларининг мантиқий

изчилиги юқори бўлгани учун конкурс Ҳайъатига юқори балл билан тавсия этган эдим.

Шовосил Марказга раҳбар бўлиб келиши билан зийрак, ҳаракатчан, билимдон мутахассис эканини намойиш қилиб, тезда жамоа билан тил топишиб кетди. У араб, инглиз ва турк тилларини яхши эгаллаган, Буюк Британиянинг Оксфорд университети ислом тадқиқотлари Маркази таълими ни олган, Германия, Франция сингари илғор Европа мамлакатларида тадқиқотлар олиб бориб, малакасини оширган инсон эди. Унинг билим ва малакаси Марказни бошқарища жуда қўл келди. Шовосилнинг яна бир жихати, у Самарқанд шароитини олдиндан яхши билар экан. Самарқандда жойлашган Археология институтига кўп бор келиб, у жойдаги билимдон мутахассислар билан яқиндан танишган, ушбу шаҳардаги ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё мамлакатлари тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш маркази ходимлари билан ҳам мулоқотда бўлган эди. Бу жихатдан Шовосил ўзини Самарқандда бегона ҳис қилмасди. Унинг очик кўнгиллилиги Марказ ходимлари билан ҳам тез тил топишиб кетишига йўл очди. Бундан ташқари, Марказимизда фаолият олиб бораётган бир неча ходимлар Шовосилнинг собиқ талабалари бўлган экан.

Раҳбарга яна бир керакли сифатлардан бири – ишларни тўғри режалаштириш, фойдасиз харажатлардан тийилиш. Бу сифати ҳам Шовосилга жуда қўл келди. У амалга ошириш мумкин бўладиган, имконияти етадиган ишларниги на режага киритар, яъни халқимизнинг “сувни кўрмасдан этикни ечма” деган доно нақлига риоя қилиб иш юритарди.

Имом Бухорий халқаро Маркази Самарқанд шаҳридан 25 км узоқликда жойлашган бўлиб, у Пойариқ туманининг ҳам чет ҳудудида жойлашгани сабабли электр, газ ва сув таъминотида ҳам узилишлар бўлиб турадиган ҳудудда жойлаш-

гандир. Шу сабабли Марказда ва тингловчиларимизнинг турар жойида хилма-хил муаммолар бўлиб тураг эди. Уларни ечиш учун туман, вилоят ва Республика раҳбарияти билан мулоқотда бўлишимизга, уларга дардимизни тўғри тушунтириб бера олишимизга тўғри келарди. Бундай пайтлари Шовосил энг аввало, ички имкониятларимизни чамалаб чиқар, шундан кейингина юқори турувчи давлат ташкилотларига мурожаат этишни лозим топарди. Чунки, бирдан юқори давлат идораларига мурожаат қилинганида, қуйи поғонадаги давлат идоралари бу масалани ўзимиз ҳам ҳал қиласр эдик-ку, нега бирдан юқорига “шикоят” қилдинглар деб биздан норози бўлар эди.

Шовосил Зиёдов илмий-тадқиқотларни ташкил этишда ҳам жуда рационал ёндашади. Марказга келиши билан 2008 йилдан буён охирига етказилмаган ўта муҳим топшириқни, яъни қўлёзма ва тошбосма асарларни каталогглаштириш ишини тезда жонлантириб, охирига етказди. 2016 йилда “Кўлёзмалар каталоги” тузиш якунланди. Ўша йили “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси” босмадан чиқди. У Марказда нашр этиладиган “Имом Бухорий сабоқлари” журналининг сифат жиҳатдан янгиланишига, сермазмун бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Унинг мазмуни, ҳажми, мақолалар сони кенгайди, дизайнни такомиллашди. Шовосил илмий-тадқиқот йўналишига, айниқса қўлёзмаларни таржима қилиш ишларига кучли эътибор қаратди. Таржи-монларга аниқ ва режали топшириқлар берар ҳамда бу режаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олар эди.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари” ҳақидаги Қарори қабул қилинди. Янги марказ Низомини ишлаб чиқиши,

унинг атрибутларини ва муҳрини давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бошланиб кетди. Айни пайтда, бу Қарорга биноан янги марказ биносини қуриш ишлари ҳам бошланиб кетди. Янги бинонинг ички мазмуни, концепцияси, марказ музейи концепцияси, музей экспонатлари ва безакларини тасдиқлаш масалалари ҳам шахсан янги марказ директори Шовосил Зиёдов зиммасига юкланди. Бу борада тажриба тўплаш учун директорнинг ўзи дунёдаги бошқа ислом тадқиқотлари биноларини қўриб келиш учун бошқа мамлакатларга хизмат сафарларига бориб келди. Марказ музейининг безалиши ва ундаги экспонатлар, жуда ихчам, кўргазмали, тиник ва сермазмун қилиб ишланди. Мазкур музей деворининг шипга яқин қисмида Ш.Зиёдовнинг юртимизда тарихий тараққиёт мобайнида амал қилиб келган ёзув графиклари акс этган безаклари ўзининг оригиналлиги билан ажralиб туради. Бу гоя шахсан Шовосил Зиёдов томонидан илгари сурилган эди.

2018 йилнинг бошларида янги бинога кўчиб ўтдик. Бу жойдаги шароитлар ҳозирги кўплаб илмий-тадқиқот марказларида йўқ. Илмий ходимлар алоҳида-алоҳида тадқиқот кабиналари, мукаммал компьютер ва унга керакли жиҳозларга эга. Марказ Wi-Fi ускуналари ходимларни катта тезликдаги интернет тизимиға улаб беради. Ходимлар дунёнинг хоҳлаган нуқтасидаги қутубхоналар билан боғланиб, тегишли адабиётлар билан танишиши мумкин. Марказ қутубхонасида қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳам, шарқ мамлакатларида нашр қилинган факсимиллар ҳам бор. Хуллас, бу жойда эркин тадқиқот олиб боришга ҳамма шароитлар мавжуд.

Бундай шароитларни вужудга келтиришда марказ директори Шовосил Зиёдов бевосита қатнашган.

Бу янги Марказда илмий-тадқиқотларни, таржима ишла-

рини, юқори идоралардан келувчи Ҳукумат топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун ижрочилик маданиятини йўлга қўйиш, ходимларнинг масъулиятини янада ошириш учун раҳбардан бошқарув маҳоратини, тадбиркорлик ва ишбилармонлик сифатлари талаб қилинади. Шовосилда бундай сифатлар юқори даражада. У ходимларга ўзининг яқин қадрдон қариндошидек муомалада бўлади. Ҳар бир ходимнинг эҳтиёж ва қизиқишини, имконият ва қобилиятини яхши билган киши сифатида уларнинг ҳар бирига ўзига хос топшириқ беради. Ҳар бир ходимнинг айни пайтда нима билан машғул эканини қандайдир бешинчи сезгиси орқали ҳис қила олади.

Шовосил билимдон йигит. У назарий билимлар билан чегараланиб қолмасдан, уларни амалиётга татбиқ этишни яхши билади. Биз амалий илмий тадқиқотлар бўйича грант олмоқчи бўлганимизда унинг назарий хulosаларни қай даражада амалий тадқиқотлар билан боғлай олиш маҳоратини билиб олганмиз.

Шовосилнинг биринчи илмий раҳбари таниқли файласуф олим, академик Музаффар Мухиддинович Хайруллаев бўлган. Шу инсон Шовосилга калом таълимоти тараққиётида Имом Мотуридийнинг ўрнини кўрсатиб беришни вазифа қилиб берар экан, келажакда унинг теран тафаккурли олим бўлиб етишишига ишонган. Шовосил назарий тадқиқотлар устида бош қотиришдан кўра, амалий натижалар берувчи тадқиқотларга қўпроқ қизиқар эди. Шу сабабли дастлаб қадимий қўллэзма китобларга қўйилган муҳрларга, яъни сфрагистикага (юончча “сфрагис” муҳр деб таржима қилинади), сўнгра қабрга қўйиладиган қайроқ тошлардаги ёзувларга қизиқади. Чунки Имом Мотуридий дафн қилинган қабристондан асосан Қораҳонийлар даврида расм бўлган қайроқ тошларда кўплаб тарихий маълумот-

лар мужассамлашган эди. Бу иккала соҳага қизиқиш ҳам Шовосилга илмий изланишларда жуда қўл келган.

Унинг фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясига академик М.М.Хайруллаевнинг шогирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Ройиқ Мажидович Баҳодиров раҳбарлик қилди ва унга китоблардаги муҳрлар ва белгиларни ўрганиш орқали кутубхоначилик тарихини ёритишни маслаҳат беради. Юртимиз тарихида жуда қўп тарихий кутубхоналар бўлган. Шовосил қўп жойлардаги китоб белгиларини ўрганиш пайтида қўп жойларда Муҳаммад Порсо (1345-1420) кутубхонасидан олинган қўллёзма китобларга дуч келади. Шундай қилиб, Шовосил Зиёдов Марказий Осиёда (XV-XX асрлар) кутубхоначилик тарихини тадқиқот обьекти қилиб олади. Бу амалиёт билан бевосита боғланган тадқиқот эди.

Шовосил кутубхоналар тарихи ҳақида жуда қўп оригинал (ноёб) маълумотларга эгадир. Агар ҳақиқат нуқтаи назаридан қарасак, Шовосилнинг фикрича, Самарқандда иккинчи Ренессанснинг қад ростлашида қоғоз тайёрлаш технологияси ва китобат санъати муҳим роль ўйнаган. Иккинчи Ренессанснинг биринчи қаноти Самарқандда бўлса, иккинчи қаноти Ҳиротда ривожланди. Айнан Ҳиротда миниатюра санъатининг ривожланиши Самарқандда ишлаб чиқарилган турли хилдаги қоғозларга боғлиқ бўлган. Самарқандда темурийлар даврида ёзиш, сурат чизиш, муқова ясаш учун турли хилдаги қоғозлар ишлаб чиқилган ва қоғоз савдоси энг сердаромад ҳисобланган.

Шовосил кутубхоналар ва улардаги белгилар, муҳрлар орқали тарихдаги очилмаган қирраларни очиш мумкин эканини тўғри таъкидлади.

Шовосилнинг раҳбарлик қобилиятига келсак, у 2014 йилдан буён дастлаб Имом Бухорий халқаро марказида,

кейин Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказида бир гурӯҳ ёш тадқиқотчиларга раҳбар ва раҳнамо бўлиб келди. Унинг раҳбарлик тамойиллари: ишчанлик (мехнатсеварлик), интизомлилик, принципиаллик (қатъият), самарадорлик, топшириқларни ўз вақтида бажариш, адолатлилик. Бу жамоа билан муваффақиятли ва самарали ишлаш имкониятини вужудга келтирди.

Шовосил қўл остидаги ходимларга доимо ўзи намуна бўлиб келади. Ҳар бир ишни бошлишда биринчи бўлиб, шу ишни ўзи бажариб кўрсатади. Мақола ёзиш, дейсизми, таржима қилиш дейсизми, жойларда тарғибот олиб бориш дейсизми, радио ва телевиденияда чиқишилар қилиш дейсизми, ҳатто ҳалқаро хизмат сафарларида ҳам унинг ўзи ибрат кўрсатиб, намуна бўлади. Шу сабабли ходимлар ҳар доим ўз жойида ва вазифасини билиб бажаради. Бу эса табиийки, Марказ обрўсига ижобий таъсир қиласди.

Марказда бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ўзининг мазмундорлиги, салмоғи ва аҳамияти билан кенг жамоатчилик ва юқори ташкилотлар эътиборига ва таҳсинига сазовор бўлди. Бу борада Марказ директори, тарих фанлари доктори Шовосил Зиёдовнинг ташкилотчилик ва етакчилик фаолиятининг ўрни каттадир.

Шовосил оилавий ҳаётда ҳам баҳт-саодатга эришган инсонлардан биридир. Унинг рафиқаси Нозимахон шифокор, фарзандлари Шоаслиддин, Робия, Рихсия ва Шоафзаллар олий маълумот олиш учун таълим олишмоқда. Шоафзал Туркиядаги Памукккале университетида ўқиёдиди. Унинг 6 та невараси бобосининг қувончиидир. Шу жиҳатдан Шовосил Юнусович Зиёдовни пиру бадавлат инсон дейиш мумкин.

## ИҚТИДОР СОҲИБИ

Роиқ БАҲОДИРОВ,  
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

Илмий фаолият билан шуғулланувчилар кўп йиллик тадқиқотлари ва муайян мashaқатни енга олиш орқали маълум ижобий натижаларга эришишлари исбот талаб қилмайдиган ҳолат – аксиомадир. Бу ҳолат, айниқса, 2022 йилда **фан доктори** илмий даражасини олган Зиёдов Шовосил Юнусовичнинг илмий изланишларининг ютуқлари самарасига тааллуқли.

Ш.Зиёдов ўзининг илмий фаолиятга мойиллигини Тошкент давлат шарқшунослик институти Араб филологияси бўлимидағи ўқиб юрган даври ва қейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институтида олиб борган илмий фаолияти давомида кўрсатган.

Ш.Зиёдовнинг кўп йиллик илмий изланишларни алломаларимизнинг асарлари, ўрта асрлар илмининг Марказий Осиёда Мотуридия калом мактаби, Араб ёзувидағи кўлёзмалар китобати ва палеографияси, Марказий Осиёда ўрта асрларда кутубхоналар тарихи (XVI-XX асрлар) асосидаги илмий тадқиқотлари бўйича эришган натижаларини зикр этишимиз жоиз.

Мазкур ўйналишлардаги илмий фаолиятининг маҳсулни унинг томонидан ёзилган ва нашр эттирилган 130 дан ортиқ илмий мақола, монография, рисола ва каталогларда акс этган.

Ш.Зиёдов Республикамиз ҳудудида яшаб ижод этган алломаларимизнинг илмий мероси, хусусан уларнинг Ислом

цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасига оид илмий изланишларини диёrimиз ва қатор хорижий мамлакатларда олиб боргани ҳамда тарғиб этгани алоҳида эътиборга ва таҳсинга лойиқ.

Ўз билимини мукаммаллаштиришга интилиш ёш олимни Буюк Британия, Германия ва Франциядаги шарқшунослик марказларида малакасини ошириш курсларидаги олган таҳсили унга илмий изланишларини олиб боришда янги илмий имкониятлар яратди.

Айни пайтда хорижий давлатлардаги бир неча олим билан ҳамкорликда нашр эттирган монографик тадқиқотлари ва илмий мақолалари аждодларимиз ютуқларини жаҳон миқёсида кенг илм ахлига етказишга хизмат қилганини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Ш.Зиёдов илмий фаолиятининг яна бир йўналишидаги муваффакияти 2014 йилдан Имом Бухорий халқаро маркази директори ва бу марказ 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази даражасига кўтарилигани ҳамда унинг директори вазифасини самарали ижро этиб келаётганидадир.

Ш.Зиёдовнинг илмий изланишлари мобайнида, хусусан докторлик диссертациясини ёзишида илмий раҳбар бўлганим боис, унинг илмий салоҳияти ва илмий тадқиқот ўтказишида мавжуд иқтидорини шу изланишларга йўналтиригани ва зиммасига қўйилган барча вазифаларни ўз вақтида ҳамда юқори малакада бажариб борганини зикр этиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шовосил мен илмий раҳбари бўлган шогирдларим орасида илмга масъулиятли ёндашиши билан ажралиб турарди. Докторантурা йиллари олиб борган тадқиқотларини илмий мақолаларни чоп эттириш, халқаро ва республи-

ка миқёсидаги конференция ва анжуманларда маъruzalар ўқиш ҳамда хорижий мамлакатлардаги манбалардан унумли истифода этгани Илмий раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни самарали бажарганининг далили сифатида эслатиб ўтиш керак, деб ҳисоблайман.

Шовосил Зиёдов докторантурада илмий изланишлар олиб бориш жараёнида иқтидорини намоён этиб, илмий раҳбари томонидан қўйилган барча вазифаларни ўз вақтида ва самарали қилиб бажарганини диссертациясини муддатида бажаришида катта роль ўйнади.

Диссертацияни ҳимоя қилиш, яъни уни юридик жиҳатдан расмийлаштириш бир оз чўзилиб кетгани Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори сифатида зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларни бажаришга астойдил ижро этишга берилгани, яъни аввал масъулиятли расмий ишлари ва сўнгра илмий ишига эътиборида акс этди.

Унинг мазкур илм даргоҳига раҳбарлиги асносида юқори Раҳбарият томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ўтказилган халқаро ва республикамиз миқёсидаги илмий ва илмий-амалий конференция ҳамда симпозиумлар орқали Имом Бухорий илмий меросини Республикамиз ва Халқаро афкор оммага етказишдаги саъй-ҳаракати ўз натижаларини бераётгани сўзларимизнинг ёрқин далилидир.

Хорижий мамлакатлардаги илмий ва маданий муассаса ҳамда ташкилотлар билан ўтнатган шахсий алоқалари, илмий хизмат сафарлари асносида нафақат маъruzalар ўқиш, балки ўша мамлакатлардаги юртимиздан етишиб чиқсан аллома ва мутафаккирларимизнинг мероси, аниқроғи илмий асарларининг қўллёзма нусхаларидан баъзи бирларини, мазкур мавзуга оид каталоглар ҳамда илмий тадқиқотларни ўз ичига қамраб олган нашрларни олиб келиб, Имом Бухорий

халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхонасининг бойишига ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Бундан уч-тўрт йил олдин тамомланган диссертациясини юридик жиҳатдан 2022 йилда расмийлаштиргани, уни илм аҳли томонидан кутилаётган тадқиқотига, яъни ўзининг илмий ишига фурсат топгани устози каби масъулият ва илмга фидойи инсон сифатида гавдалантиради.

Бунинг барчасини, табиийки, ўз илмий изланишлари фидойиси бўлган иқтидор соҳиби – Шовосил Зиёдов моликлиги айтиб ўтиш, унинг юбилейи, яъни, том маънода, 50 йилда бир нишонланувчи тантана кунлари кенг илм аҳлига етказишни жуда ўринли деб ҳисоблаймиз.

Бу воқелик катта илмий тажриба орттирган ва илмий фаолиятининг чўққисига чиқиб бораётган ёш олимнинг биринчи қадами деб ҳисоблаган ҳолда унга келажакда янада юксак мэрралар эгаллаши учун қулай заминдир. Шу билан бирга шогирдим Шовосил Зиёдовга сиҳат-саломатлик, янги илмий натижаларга эришишда куч-ғайрат, шижаот билан фаолият олиб бориши ҳамда буюк аждодларимизнинг месросини нафақат Республикада, балки жаҳон миқёсида янада кенг тарғиб этишида янги муваффақиятларга эришишини тилаб қоламан.

---

## ҲАМИША НАВҚИРОН, ЁШ ВА ХУШЧАҚЧАҚ

**Ўқтамбек СУЛТОНОВ,**  
*тарих фанлари доктори*

Шовосил Юнусовични илк бор 2003 йилда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институтига аспирантурага кирганимизда таниганмиз. Ўша пайтда эндиғина номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ёш фан номзоди сифатида кўпчилик эътиборига тушган эди. Эрталаб ишга келганда ихчам тери сумкасини елкасига ташлаганча тўғри институт лифти орқасидаги кабинетига кириб кетар, кун бўйи кутубхона, фонд ва кабинетига қатнаб нималар биландир банд бўларди. Доим хушбичим кийимда юрувчи бу ёш олим хушчақчақ ва тенгдошларига нисбатан анча ёш кўринарди. Кейин яқиндан танисак, бу ёш олим деганимиз номзодлик диссертацияси ҳимоясига қадар бир қатор хорижий лойиҳаларда иштирок этган ва нуфузли нашрларда ҳаммуаллиф сифатида қатнашиб улгурган экан. Хусусан, 1999 йилда Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ ёш тадқиқотчилари қаторида Германиянинг Ҳалле-Виттенберг университети, Йена ва Берлин қўлёзмалар фондларида ма-лака оширган. У мазкур лойиҳа якуни сифатида Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалар асос қилиб олинган “XVIII-XX асрларга оид тасаввуфга оид асарлар. Қисқа каталог”нинг иккита нашрида иштирок этган (2000, 2002 йй.). Бу нашр постсовет республикаларда халқаро ҳамкорликда чоп этилган ислом тамад-

дунига оид қўлёзмаларнинг дастлабки ва йирик каталоггарида бири эди. Каталог бугунги кунгача Марказий Осиёда ислом ва тасаввуф тарихини ўрганувчи мутахассислар учун муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Шовосил Юнусович кейинги йилларида халқаро майдонда кенг қўламли изланишлар олиб бориб, 2002, 2006 ва 2011 йилларда Франциянинг бир қатор илмий даргоҳларида, 2006 йилда “Ином Бухорий авлодлари” стипендиати сифатида Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари марказида илмий тадқиқотлар олиб борди. Бир неча халқаро лойиҳаларда иштирок этиб, “Аҳмад Яссавий ҳикматлари қўлёзмалари каталоги” (Туркистон, 2006), Нукус ўлкашунослик музейидаги қўлёзмалар каталоги (Рим, 2007), Марказий Осиёда исломлашув ва сакрал наслабномалар (2-жилд, Олмаота, 2009) каби қўзга кўринган нашрларда ҳаммуаллиф сифатида қатнашиб, халқаро илмий доираларда танилиб борди. Тарихий ҳужжатлар ва муҳрлар борасидаги тадқиқотлари якуни сифатида 2009 йилда F.Каримов ва П.Сартори билан ҳаммуаллифликдаги “Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар” номли китоби нашр этилди. Муҳршунослик йўналишида эса маърифатпарвар Сидқий Хондайликий томонидан жамланган муҳр излари коллекциясияни тадқиқ этиб, “Ўрта Осиё сферистикаси материаллари (Тошкент, XIX-XX аср боши)” номи билан 2020 йилда Самарқандда нашр эттирди.

Шовосил Юнусович “Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаларида мұхрлар асосида)” мавзусидаги тадқиқоти учун 2006-2008 йилларда Германиянинг Герда Хенкел фонди стипендиати сифатида изланиш олиб борди. Лойиҳа доирасида у Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондидаги юз-

лаб қўлёзмаларни варақлаб, улардаги муҳрларни ўрганиб чиқди. Қўлёзмалардаги муҳрларни аниқлаш орқали мазкур китобларнинг эгалари, ўтмишда мавжуд бўлган баъзи кутубхоналар тарихига аниқлик киритишга муваффақ бўлди. Мазкур тадқиқоти доирасида 2022 йилда “XV-XX аср бошлирида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шовосил Юнусович илмий фаолиятида фаоллик, сергайратлик алоҳида ажralиб туради. Бу унинг Ўзбекистонда ўtkazилган халқаро ва республика миқёсдаги илмий анжуманлардан ташқари, Болонья (Италия, 2000, 2002), Ўш (2004), Туркистон (2005), Қозон (Россия, 2005), Бишкек (Қирғизистон, 2006), Симферополь (Украина, 2007), Нью-Йорк (АҚШ, 2008), Халле-Заале (Германия, 2008), Истанбул (2009, Турция), Париж (Франция, 2009, 2011), Сакария (Турция, 2010), Неаполь (Италия, 2012), Берлин (Германия, 2014) шаҳарларида бўлиб ўтган нуфузли конференциялардаги иштирокида ҳам яққол кўзга ташланади.

2014 йилдан буён Шовосил Юнусович илмий фаолият билан бир қаторда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказида раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ўринда сўнгти йилларда Марказдаги илмий тадқиқот ишлари, нашрлар, халқаро ҳамкорлик ва малакали ёш кадрларни тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Шовосил Юнусович бу йил қутлуғ эллик ёш билан юзлашди. У ушбу ярим асрлик ҳаёти илмга бағишилади. Бундан кейин ҳам Шовосил Юнусовичнинг илм йўлида толмай хизмат қилишига тилақдошман. Келгусида соғлиқ-саломатлик, оиласвий хотиржамлик ва илмий фаолиятига барака тилаб қоламан. Доимгидек, навқирон, ёш ва хушчақчақ бўлиб юришини тилаб қоламан.

---

## КАМТАРГА КАМОЛ ЁХУД САРИҚ “ЖИГУЛИ”

**Иброҳим УСМОНОВ,**  
*Абу Райҳон Беруний номидаги*  
*Шарқшунослик институти докторанти,*  
*т.ф.н., доцент*

Шовосил Зиёдов мустақилликнинг илк йиллариданоқ чет элларда яхши танилган ўзбек олимидир. Ўзининг ҳаётдаги муваффақиятларидан кеккайиб кетмаган, такаббурликка берилмаган, камтар ва самимий, зиёли инсон. Қадимги шарқ мутафаккирлари каби Ш.Зиёдов кўплаб сафарларда бўлиб, халқаро конференцияларда иштирок этади.

Анча йиллар олдин нуфузли таълим даргоҳининг раҳбарларидан бири Шовосил Зиёдов ҳақида гап кетганда, унга “гастролёр олим” деб бежиз таъриф бермаган эди. Дарҳақиқат, ёш олимларда чет элга чиқиши, у ерда фаолият олиб бориш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этиш рағбати кучли бўлади. Илк фаолиятимизни бошлиган вақтимизда Шовосил Зиёдов чет эл илмий лойиҳалари, халқаро конференцияларда иштирок этиш бўйича “чемпион” эди. Бизга унинг маслаҳатлари, тавсиялари, топширган ишларининг қоралама лойиҳалари зўр мотивация берарди. Айниқса, ҳар ойда бир келиб қолиб, ҳамкасбимиз доцент Сайдмуҳтор Оқилов тили билан айтганда: “Чорсуга тушиб чиққандек” чет элма-чет эл юриб кечеётган илмий фаолияти ҳақидаги сухбатлари хорижий ҳамкорликка рағбатимизни оширас,

энг асосийси, ўзимизга ишончни пайдо қилар эди. Шу даврда унинг самимий ёрдами, амалий маслаҳати ва беминнат кўмаги билан кўплаб ёш тадқиқотчилар халқаро илмий соҳага кириб борди. Кейинчалик ва ҳозир ҳам халқаро илмий тадқиқот марказининг раҳбари вазифасида тавсиянома, тақриз ва қўллаб-қувватлов хатлари билан ўзбек ёш олимларини чет эл илмий марказлари билан боғланишида фаол кўмак бериб келмоқда. Ш.Зиёдовнинг ўзбекистонлик ёш шарқшунос тадқиқотчиларни чет эллик мутахассислар билан илмий мулоқотини ўрнатишдаги қўшган ҳиссаси салмоқли.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ш.Зиёдовнинг ҳар қандай муваффакияти ортида унинг маشاққатли илмий изланишлари билан бир қаторда у кишининг содда-камтаринлиги туради, деб ҳисоблайман. “Камтарга камол” деб, бежиз айтмайди доно халқимиз. Бир вақтлар Ш.Зиёдовнинг сариқ рангли “Жигули” машинаси бўларди, машина анча “ёши улуғ” бўлса ҳам, ранги ёрқин сариқ бўлгани учун кўп машиналар орасида ажралиб туради. Ишхонамиз олдига келганда шу машинани кўрсам ичимда илиқлиқ пайдо бўлар эди, яна кўпчилик ҳамкабларимда шу ҳолат бўлган десам, хато қилмайман. Эски сариқ “Жигули” ўша пайтдаги янги чиққан DAEWOO машиналарига teng келмаса-да, институтга келган энг юқори даражали хорижий олимларга беминнат хизмат қилишда пешқадам эди. Бошқалар “интуристларни” олиб юришга “машинам етарлича посон эмас” деб тортиниб турса, Шовосил aka учун бундай “тўсиқ” мавжуд эмас эди. Зеро, бу инсон одамларни борича содда-самимий қабул қиласиди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Ҳатто нуфузли Оксфорд Исломшунослик илмий тадқиқот маркази директори Ўзбекистонга ташриф буюрганда, биз уни қаерга олиб бориш, қайси ресторонда кутиб

олиши билмай қолганимизда, ўта ҳассос меҳмон – Фарҳан Низамийни Шовосил Зиёдов Себзордаги квартиralарида ўзбекона дастурхон устида меҳмон қилган ва меҳмон билан тушган суратларини бизга кўрсатиб лол қолдирган эди. Аслида ҳақиқий олимлар шундай бўлади: камтар ва самимий. Шунинг учун ҳам дунё уларга тавозеъ ва самимилик билан боқади.

Ярим асрлик таваллуд кунини нишонлаётган акамиз, дўстимиз, ҳамкасбимиз Шовосил акага илмий фаолият ва оиласвий ҳаётда фамилияларига ҳамоҳанг тарзда зиёдалик тилайман.

## БАГРИКЕНГ ИНСОН

**Дурбек РАҲИМЖОНОВ,**  
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
доценти, т.ф.н.*

Шовосил Зиёдов билан 1990-1991 йилларда Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида 1991-1995 йилларда эса Тошкент давлат шарқшунослик институтида бир босқичда ўқидик. Шовосил билан илмий ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига номзодлик ишимдаги илмий раҳбарим тарих фанлари доктори, профессор Аширбек Мўминов томонларидан хорижий ҳаммуаллифлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида амалга оширилган халқаро миқёсдаги грант лойиҳаларида бирга ишлашимиз сабаб бўлди. Табиатан қувноқ, бағрикенг, катта хайрли ишларга таваккалчилик билан шартта киришиб кетадиган инсон бўлган Шовосил иш жараёнида ўзининг фаоллиги, тушкун кайфиятга берилмаслик, ўзини ҳам, дўстларини ҳам “хафа қилмаслиги” билан ажралиб турарди.

“Яхши илмий ижод қилиш, илҳом келиши учун яхши таомланмоқ лозим”, деган шиори бор эди Шовосилнинг. Бу эса биз каби энди талабаликнинг ҳамма нарсада, овқатланишда ҳам “иқтисод қилиш” йилларини тутатган ёшлар учун “катта бир янгилик”дай туюлар эди. “Ўйчи ўйини битиргунича, таваккалчи ишини битиради”, деган мақолга амал қилган Шовосил Зиёдов мана бугун шарқ қўлёзмалари бўйича етук мутахассис, тарих фанлари доктори илмий даражаси соҳибидир.

Бугунги кунда илмий фаолият билан шуғулланаётган ёш-

лар юбилияримиздан мавжуд ижобий хислатларини олишса, кўп муваффақиятларга эришган бўлар эди. Шовосил Зиёдов шогирдларига билганларини ўргатиб, бугунги кунда ўз мактабини шакллантириди десак, муболага бўлмайди. Устоз, сиёсий фанлар доктори, профессор Зоҳидулла Мунавваров, мархум устоз Убайдулла Уватов каби етук олимларнинг ишини давом эттираётган бу олимнинг Имом Бухорий илмий меросини ўрганиш, халқимизга, хусусан, ёшларга яқиндан етказиб беришда хиссаси катта бўлмоқда.

Юртимизда сўнгти йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юзага келган имкониятдан фойдаланиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини халқаро миқёсда танитишда ҳам унинг халқаро грантларда иштирок этиб, хорижий давлатларда, хусусан, Англия, Франция, Германия каби мамлакатларда бўлгани, у ерлардан кўплаб дўстлар орттиргани қўл келди. Ушбу дўстлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, илмий алоқаларни ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун уларнинг ишончини оқлаш, илмий талабларига жавоб бериш, илмнинг “машаққатли нонини” ейищдан қочмай, уйқусиз тунларни компьютер олдида ўтказиш керак бўлади. Ўз уйидан, оиласидан узокда мусофирик синовларини енгиб ўтиб, барча имкониятлардан илмни ривожлантириш йўлида фойдаланиш, аллома аждодлар бой ва сермазмун илмий-маънавий меросига садоқат кўрсатиш Шовосил Зиёдовнинг мансаб ва мартабаларининг юқори бўлишида муҳим омил бўлди.

Дўстимизни ярим асрлик юбилейи олдида уни муборак-бод этар эканмиз, Яратгандан унга шундай хайрли ишларида куч-қувват, ишларида муваффақиятлар, оилавий ҳаётда омад, фарзандлар ва набиралар бахту роҳатини кўриб, кўзлари қувнаб юришини, икки дунё бахту саодатига лойик инсон бўлишини тилаб қоламиз!

---

## **БАГРИКЕНГ РАҲБАР ВА САМИМИЙ ИНСОН**

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот  
маркази директор ўринбосари, PhD*

Устоз Шовосил Юнусович Зиёдов билан илк бор 2009 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалар марказида БААдаги “Жумъа ал-Можид” қўлёзмалар маркази ҳамкорлигига ўтказилган конференцияда танишган эдик. Ўша пайтда мен 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро марказида Ахборот-ресурс маркази бошлиғи вазифасида фаолият олиб бораётган эдим. Ушбу конференцияда Марказ Қўлёзмалар фондида сақланаётган нодир асарлар ҳақида маъруза қилган эдим.

Тақдир тақозоси билан 2013 йилда Ш.Зиёдов биз фаолият олиб бораётган Имом Бухорий халқаро марказига раҳбар этиб тайинланди. Бу пайтда мен бошқа муассасада ишлаётган эдим. 2016 йилда эса яна марказга қайтиб, Шовосил ака раҳбарлигига фаолиятимни Нашрлар бўлими раҳбари вазифасида давом эттира бошладим. Шу билан 2017 йилгача Имом Бухорий халқаро марказида, 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида бирга ишлаб келмоқдамиз.

Устоз билан ишлаш жараёнида у кишидан кўп нарсаларни ўрганишга муваффақ бўлдим. Хусусан, инсонлар билан мuloқot қилиш, самимийлик, ҳар қандай муаммони оҳир ва босиқлик билан ҳал этиш ва ҳоказо. Ш.Зиёдов билан

хорижий сафарларда ҳам ҳамсафар бўлганмиз. Жумладан, 2019 йилда Марказ кутубхона фондини бойитиш мақсадида Миср ва Туркия давлатларига сафар қилдик.

Мени хурсанд қиласиган яна бир жиҳат шуки, устоз раҳбарлигига биринчилардан бўлиб тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлдим. Бунда, албатта, Ш.Зиёдовнинг хизматлари беқиёс.

Фурсатдан фойдаланиб, Шовосил Юнусовични 50 ёши билан ўзим ва оиламиз номидан табриклайман. Аллоҳдан устозга мустаҳкам соғлик, куч-қувват ва илмий зафарлар тилайман. Фарзанду набиралар роҳатини, баҳту камолини кўриб, яна кўп йиллар давомида бирга ишлаш насиб қилишини Яратгандан сўраб қоламан.

*Устоз қадрин билур ҳар қалби салим,  
Ҳаёт дарсларидан бергайдир таълим,  
Диллар ардоғида – азиз муаллим,  
Кимса сардор бўлмас, устоз бўлмаса.*

*Маърифат, иқтисод, санъат турлари,  
Осмон эшиклари, ер унсурлари,  
Устоз-ла очилгай Куръон сирлари,  
Ҳадис ошкор бўлмас, устоз бўлмаса.*

**М.Кенжабек**

# ИЛМ-ФАНГА САДОҚАТ ЙҮЛИ

Мехрөжиддин АМОНОВ,  
тарих фанлари бүйіч  
фалсафа доктори (PhD)

Илм-фан фидойилари ҳақыда сўз айтмоқ кишидан катта куч ва ғайрат талаб қиласы. Уларни изидан пойма-пой бормоқлик кишига завқ бағишлиайды. Борган сари қувват ошиб, рухият құтарилади.

Илм-фан дарғалари эътибори ва хизматида бўлиб, замонамизнинг “илм-фанга садоқат тимсоли” бўлган ҳожи Шовосил домла Юнусович серхиммат, вазифасига садоқат билан ёндашиб, дурдона сатрлар билан ўтмиш воқеаларига “муҳр” қўя олган фидойи олимлардан саналади.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган вақтдан бошлаб, исломшунослик борасида янги, тизимли тадқиқотларни белгилаб олишда, улуғ алломаларимиз илмий меросини таржима қилиш ишларини янада яхшилаш, Марказда қўлёзмалар фондини ташкил этиш ва унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда жуда катта амалий ишларни йўлга қўйди. Халқаро миқёсда бу борадаги ишларни кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда етакчилардан бири бўлди.

Марказда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ҳимоя қилиш жараёнида, тадқиқотларни синчиклаб ўқиб, зарурий кўрсатмаларни бергач, диссертацияларни ҳимоя қилишгacha бўлган босқичда назорат ва маслаҳатда бўлиб турганликлари, бу ишларга сабр билан ёндашиб, баъзи ҳолларда тадқиқотчилар кутмаган вақт ва жабҳаларни енгиг ўтишда холис кўмакчи бўлганлиги диққатга сазовордир.

Шу ўринда “қалам” қуидаги мисраларни битди:

*Аждодлардан мерос қолган китоблар,  
Маърифатда зебу зийнат бисотлар.*

*Толеинг баланд бўлсин дейишар мудом,  
Мартаба рутбалар қиласи инъом.*

*Шовосил домланинг илм йўлига боқинг,  
Доимо нур сочган толе қуёши.*

*Аввалида Мотуридий каломин битиб,  
Аждодлар тарихига муҳрлар босиб.*

*Илм-фан хизматида сабитқадамдур,  
Ҳиммати садоқатда соҳибқадамдур.*

*Устозлар ўғитига камарбастадур,  
Шогирдолар тарбиясига эътиборлидур.*

*Аллоҳдан сўрайман икки оламда,  
Шовосил Зиёдов бўлсинлар омон.*

*Яқинлари, дўстлари билан доимо,  
Хонадони бўлсин кўркаму обод.*

Хурматли Ҳожи Шовосил домла, 2019-2022 йилларда сиз билан бир даргоҳда илмий тадқиқот ишларини олиб борганимдан фахрланиб, келгусида ҳам янгидан-янги тадқиқотларни биргаликда олиб бориш насиб этишини Яратгандан сўраб қоламан. Кириб келган 2023 йилда 50 йиллик сермазмун умр ҳаётингизни нишонлар экансиз,

Аллоҳ ўтган даврларда олиб борган эзгу ишларингизни зиёдаси билан қабул айласин. Келгусида бундан-да кўп хайрли ишларни бажаришга куч-қувват ва сабр-қаноат ато қилсин. Аллоҳ икки оламда йўлларингизни нурафшон айлаб, ҳидоятида саодатманд айласин.

---

## МЕҲРИБОН УСТОЗ!

**Йўлдошхон ИСАЕВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот  
маркази илмий ходими*

Зиёдов Шовосил Юнусович 1973 йил 17 январь куни Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. Илк бор у киши билан 2014 йил Имом Бухорий халқаро марказига директор этиб тайинланган кунда танишганман. Ўша пайтда “Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва “Китоб ат-Таъвилот” асари” мавзуисидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган ва тарих фанлари номзоди илмий дараҷасини олган эди.

Марказдаги дастлабки иш кунларидан бошлаб Марказ манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китобларни ўрганиш даражаси ва уларнинг сақланиш ҳолати билан қизиқа бошлади. Кўп йиллардан бери қўлёзма китобларнинг каталогини тайёрлаш ишлари чўзилиб келаётган эди. Кунларнинг бирида Ш.Зиёдов барча илмий ходимларга йиғилиш ўтказди ва Марказ манбалар хазинасида сақланаётган нодир қўлёзма китоблар каталогини тайёрлаш учун 8 кишидан иборат (Йўлдошхон Исаев, Ихтиёр Қўшшақов, Нодир Қобилов, Қодирхон Маҳмудов, Ирода Даурбекова, Олим Джураев, Ҳасан Расулов, Оловхон Нематов) ишчи гурух тузди. Ишчи гурухга мени раҳбар этиб тайинлади. Ўша пайтда Марказда “Ҳадисшунослик бўлими” мудири сифатида фаолият юритар эдим. Шу кундан бошлаб каталогни тайёрлаш мақсадида Ш.Зиёдов билан биргалиқда яқиндан ишлай бошладик. Ишчи гурух аъзолари бу борада ҳали катта тажрибага эга эмас эди. Шу боисдан

кўп йиллик тажрибага эга Шовосил Юнусович бизга устозлиқ қилиб, каталогглаштиришнинг нозик деталларигача ўргата бошлади. Олдин қилингандай каталогимиз жуда қисқа, бор йўғи 10 та тавсифга эга эди, Ш.Зиёдовнинг кўрсатмасига кўра уни дунё стандартларига мос келадиган 32 та тавсифда тайёрлай бошладик. Хуллас, олдин тайёрлаган ишларимизни бошидан қайта кўриб чиқишимизга тўғри келди. Орадан кўп ўтмай 688 бетдан иборат “Кўлёзмалар каталоги” пайдо бўлди. Ундан 107 алломанинг қаламига мансуб 207 номдаги 534 қўлёзма асарнинг аннотацияси ўрин олди. Каталог охирида 50 хаттот, 41 саҳҳоф, 3 нафар китоб соҳиби ва 23 муҳрнинг кўрсаткичи ҳам келтириб ўтилди. Орадан бир йил ўтиб, ушбу “Кўлёзмалар каталоги” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг буюртмасига кўра чоп этилди. Бу Ш.Зиёдов бошчилигида амалга оширган дастлабки ишларимиздан бири эди.

2017 йил 27 марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 10 июля Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди.

2017 йилда мазкур Марказ раҳбарлигига бир неча номзодлар орасидан Ш.Зиёдов муносиб топилди. Орадан кўп ўтмай барча шароитларга эга янги маърифат масканни ўз иш фаолиятини бошлади.

2018 йил март ойининг охирида Ш.Зиёдовнинг қабулига кириб, бу масканда ишлаш истагим борлигини билдиридим. Шунда Ш.Зиёдов: “Бироз шошмай туринг, ўзим ўрганиб

чиқиб сизга жавобини айтаман”, деди.

Орадан кўп вақт ўтмай Марказ директорининг илмий тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари Ш.Умаров билан бирга директор хузурига кирдик. Шунда Ш.Зиёдов: “Марказнинг олдига қўйилган масъулиятли иш бор, шуни сизга ишониб топширмоқчимиз”, деди. “Бу қандай иш экан”, деб сўрадим. “Марказ қўлёзмалар фондини бойитиш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган ислом динига оид қадимий, ноёб қўлёзма асарларни харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлатиш ва шу асосда харид қилишни ҳамда Кўлёзмалар билан ишлаш шўъбаси фаолиятини йўлга қўйишдан иборат”, деди Ш.Зиёдов. “Агар ишонч билдириб, қўллаб-куватласангизлар бажарса бўлади”, дедим.

Шундан сўнг, яъни 2018 йил 16 апрель куни мен Кўлёзмалар билан ишлаш шўъбаси мудири лавозимига ишга қабул қилиндим. Шу кундан бошлаб Ш.Зиёдов бошлигига Бўлим фаолияти йўлга қўйилди. Тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда “Жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган ислом динига оид қадимий, ноёб қўлёзма асарларни харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Марказда ислом динига оид қадимий, ноёб қўлёзма асарларни харид қилиш ва уларни баҳолаш мақсадида соҳага оид малакали мутахассислардан иборат эксперталар гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ хулосасига кўра ҳазирга қадар жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган 285 та ислом динига оид қадимий, ноёб қўлёзма китоблар ва 114 та тарихий ҳужжатлар харид қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ш.Зиёдов 2022 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги Илмий кенгашда “XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар

таҳлили асосида)" мавзусидаги тарих фанлари доктори (DSc) диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қилди.

2022 йилнинг бошида "Абу Ҳафс Бужайрий илмий меросининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни" номли тарих фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси бюллетенида эълон қилинди. Ҳозир устоз Ш.Зиёдов раҳбарлигига ушбу мавзу доирасида тадқиқот ишимни давом эттиряпман.

Устоз раҳмдил, кечиримли, қўл остидаги ходимларга меҳрибон раҳбар сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, доимо изланувчанлиги, шогирдларига қимматли маслаҳат бериши билан етакчилик қобилиятини намоён қилиб келмоқда.

Устозимизни ярим асрлик (50) ёши билан муборакбод этар эканмиз, Аллоҳ таолодан узок умр, сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт-саодат ва хотиржамлик, амалга ошираётган хайрли ишларига муваффакият, етук шогирдлар тайёрлашда куч-қувват ва шиҷоат, фарзанд ва набираларинингроҳатини кўриб юриш ҳамда икки дунё саодатига эришиш баҳтини тилаб қоламиз!

---

## **МЕХРИ ДАРЁ ОЛИМ, БАГРИ КЕНГ ИНСОН ВА ФИДОИЙ МУРАББИЙ**

**Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-  
тадқиқот маркази бўлим бошлиги*

2007 йил Тошкент давлат Шарқшунослик институти (ҳозирги Тошкент давлат Шарқшунослик университети) нинг 4-курс талабаси эдим. Ноябрь ойида институтнинг 10 нафар талабаси Миср Араб Республикасидаги “Ҳелвон” университетига малака ошириш учун юбориладиган бўлди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Мисрдаги малака ошириш ўқувларини 2008 йилда тугатиб, ватанимизга қайтдик. Иккинчи семестрда бўлажак шарқшунослар учун “Манбашунослик-матншунослик” фанидан дарс қўйилган экан. Устозим Шовосил Юнусович Зиёдов билан илк бор танишувимиз шу дарс жараёнида бўлди. Домла қўлёзма манбаларга жуда қизиқарди. Мухрлар ва қабр тошларидағи ёзувларни осонлик билан ўқиб берар эди. Шовосил ака бир куни дарсда “Мисрда малака ошириб келган сизмисиз? деб сўради. Мен “ҳа менман” деб жавоб бердим. Шунда домла ўзим ҳақимда, қайси тилларни билишим, манбалар билан қай даражада таниш эканимни синчковлик билан текшириб кўрди. Шу йилларда домла “Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва “Китоб ат-Таъвилот” асари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган эди. Шовосил ака “Самарқандда жуда кўп алломалар ўтган, уларнинг илмий меросини ўрганиш, асарларини она тилимизга таржима қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Мотуридийнинг қабри

бор, ҳеч зиёрат қилғанмисиз деб” сўраганда роса уялиб кетганман. Чунки Самарқанд вилоятида туғилиб ўсганим билан Имом Мотуридий ҳазратларининг қабрини зиёрат қилмаган эдим. Арабча манбалар айниқса қўллэзмаларни ўқишга қобилиятинг бор экан, ўз устингда кўпроқ ишла деб насиҳат қилди. Менинг фанимдан сенга беш баҳо деб кўнглимни кўтарди.

Шу бўлдию Шовосил ака билан ҳам шогирд, ҳам ака-ука-дек бўлиб кетдик. Шовосил ака дарсларни жуда қизиқарли, эркин услубда олиб борар эди. Бошидан ўтган синовлар, илм йўлидаги қийинчиликлар ва илмий сафарлари ҳақида гапириб, талабаларга мотивация берар эди. Шундай қилиб 2008 йил ёз ойида ўқишни битириб, биринчи фаолиятимни Тошкентдаги хусусий тил курсида араб тилидан дарс бериш билан бошладим.

2008 йил октябрь ойида Самарқанд вилоятида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан Имом Бухорий халқаро Маркази очилди. Мен Марказнинг ўша пайтдаги директори, профессор Убайдулла Уватов билан бир куни Тошкент ислом университетида тасодифан сұхбатлашиб қолдим. Убайдулла ака менга “Самарқандда сизга иш бор, Президентнинг шахсан ташабbusлари билан Имом Бухорий мақбараси ёнида Марказ очилган, ёш, илмли, ғайратли араб тилини биладиган мутахассислар керак” деди. Мен иккilanмай 3 кун ичидаги бораман деб пойтахтдаги барча ишларимни йиғишириб, Самарқандга ишга келдим.

Орадан олти йил ўтиб 2014 йилнинг 9 январида ушбу Марказга янги директор тайинланди. Бу киши устозим Шовосил ака Зиёдов эдилар. Шовосил акани Марказ жамоасига ўша пайтдаги Президент девони масъул ходими М.Аҳмаджонов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси

О.Юсупов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, раҳматли муфтий У.Алимовлар таништириди.

Шу кундан эътиборан Шовосил ака билан ишлаб келяпмиз. Мен диний соҳа ходимларини малакасини ошириш бўлими раҳбари лавозимида фаолият олиб борардим. Марказда 70 нафар Республикализнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган имом хатиблар малака оширап эди. Маъruzачиларнинг энг кўп қисми Тошкентдаги турли идора ва ташкилотлардан келарди. Имом хатибларнинг бу ерда 9 ҳафталик ўқув режаси асосида малака ошириши Диний қўмита ва идора томонидан назоратга олинарди. Уларнинг яшashi, уч маҳал овқатланиши ва дарс жараёнларини ташкил этишда Шовосил ака жуда катта меҳнат қилди. Айниқса имом хатибларни яшаш шароитини яхшилаш учун тингловчилар турар жойида катта таъмирлаш ишлари бошланди, ўқув заллари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди.

Имом хатиблар Шовосил аканинг камтарлиги, олижаноб хислатлари ва бағрикенглигидан доим у киши ҳақида яхши фикрларни билдиришарди. Ўқувлар якунида тўлдириладиган “ёпиқ сўровнома” да ҳам Шовосил акага имом хатиблар энг юқори баҳо беришган жадваллар ҳозирда ҳам менда сақланиб келяпти.

Шовосил ака тажрибали раҳбар, фидоий мураббий ва бағрикенг инсон сифатида жамоани аллақачон меҳрини қозонган эди. Шовосил ака Марказга раҳбар бўлиб келиши билан бу ердаги илмий жамоани дунёдаги илмий-тадқиқот марказлари ва турли халқаро конференцияларга боришга шижаотлантириди. Чет тилларида илмий мақолалар ёзиш, конференция ва симпозиумларда маъруза қилиш сирларини эринмай ўргатди. У кишининг ташаббуси ва ёрдами билан БАА, Миср, Туркия, Малайзия, Франция, Германия,

Англия, Россия, Қозоғистон ва Қыргизистондаги турли марказлар ва тадқиқот институтлари билан алоқалар боғланди, күшма халқаро конференция ва семинарлар ташкил этилди ҳамда илмий ходимлар иштирокидаги малака ошириш ўқувлари кенг йўлга қўйилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори қабул қилиниб, Шовосил ака ушбу янги Марказга директор этиб тайинланди. У киши яна қадрдан жамоа ва яна янги ходимларни ишга жалб қилиб, эндиғи фаолиятини янада кенгроқ, каттароқ доирада бошлаб юборди.

Кисқа муддат ичida Марказ нашриёti томонидан етмишга яқин китоб чоп этилди. Халқаро ҳамкорлик ишлари муттасил йўлга қўйилди. Шовосил ака ҳозирда ҳам Марказни бутун дунё танийдиган, халқаро илмий майдонларда ўз ўрнига эга бўлишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Шовосил ака баҳтиёр хонадон бошлиғи, турмуш ўртоғи билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб, олий маълумотли, эл-юрт корига ярайдиган қилиб тарбиялаган инсон. Ҳозирда олти набиранинг бобоси бўлишдек баҳтга сазовор бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Шовосил ака – зиёли авлод давомчиси, маърифатли келажак асосчиси ва нодир асарлар ғамхўри десам ҳечам муболаға бўлмайди.

---

## ҚАЛБИ ТОЗА ВА СЕРҚИРРА ИЖОД ЭГАСИ

**Жамшид ОЧИЛОВ,**

*ЎзХИА ҳузуридаги Малака оширии  
марказининг Самарқанд вилояти  
минтақавий филиали директори,  
PhD, доцент*

**Хусан ДЖУРАКУЛОВ,**

*ЎзХИА ҳузуридаги Малака оширии  
марказининг Самарқанд вилояти  
минтақавий филиали  
кафедра мудири, DSc, доцент*

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ўзининг инсонийлик, меҳнатсеварлик, мураббийлик, олимлик, ташкилотчилик, серқирра ижодкорлик намуналари билан бошқалардан ажralиб туради. Улар билан суҳбатлашган сайн сени яна ҳам ўзига тортади. Мана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, доцент Зиёдов Шовосил Юнусовичдир.

Ш.Зиёдов ўзининг камтарлиги, сабр-тоқатлилиги, меҳрибонлиги, ишга бўлган талабчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан барчанинг қалбидан жой олган етук олимлардан бири ҳисобланади. Ш.Зиёдовнинг илмга бўлган жўшқинлик ва интилиши натижасида 2003 йили академик М.М.Хайруллаев илмий раҳбарлигида “Абу Мансур ал-Мо-

туридий ёзма мероси ва “Китоб ат-Таъвилот” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қиласади. Илмий изланишларини давом эттириб, у 2022 йил профессор Р.М.Баҳодиров раҳбарлигига 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича “XV-XX аср бошлиарида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишини ҳимоя қиласади. Бу орада олимнинг долзарб мавзуларга оид бир қанча китоблари, тўпламлари ва илмий мақолалари чоп этилди.

Дарҳақиқат, Ш.Зиёдов масъулиятли лавозимда ишлашига қарамай илмни ташлаб қўймади, аксинча ўзидағи конструктив илмий ғояларни илм аҳлига етказишга ва бу орқали илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. У Марказий Осиёда Мотуридийа калом мактаби, Араб ёзувидағи қўлёзмалар китобати ва палеографияси, Марказий Осиёда ислом ҳозирда ва тарихда, Кўчманчилар мұхитида хўжалар шажараси, Марказий Осиёда ўрта асрларда кутубхоналар тарихи (XVI -XX асрлар), Шарқ муҳрларини ўрганиш (сфрагистика) каби илмий тадқиқот йўналишларида ижод қилган серқирра тафаккур эгаси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ш.Зиёдов Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали тингловчилариға, яъни имомхатиблар ва ноиб имомларга ўзининг диний ва дунёвий билимини моҳирона бериб келмоқда. Филиалда ўтказиладиган тадбирларга олимнинг бой илмий ва ҳаётий тажрибасидан оқилона фойдаланган ҳолда жалб қилинганда доимий равишда ўзининг фаоллигини кўрсатиб келганлиги ва бу билан у ҳамманинг қалбига кира олганлигини эътироф этиш керак. Шунингдек, олимни кўпчилик манбашунос-

лик тадқиқот методлари муаммоларини чуқур ёритиб берган етук олим, серқирра ижодкор, юксак маънавият эгаси, ақл-заковат соҳиби, қалби пок, иймон-эътиқодли, тўғрисус, бағри кенг, оилапарвар ва ўта меҳнаткаш инсон сифатида эътироф этади. Ҳар бир киши олимнинг сермазмун, бой маънавий меросини ўрганиб, уни таҳлил қилас экан, унинг бир неча тилда ижод қилганлигига гувоҳ бўлади.

Умуман олганда, олим томонидан олиб борилаётган сермазмун илмий тадқиқотлар бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Янги Ўзбекистонда мутафаккирларнинг илмий-маънавий мероси асосида ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Бу борада олиб борилаётган илмий-назарий ва амалий-фундаментал тадқиқотларда Ш.Зиёдовнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга сўнгги йилларда Ўзбекистонда ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасининг кенг ривожланиб боришида ушбу етук олим томондан олиб борилаётган самарали изланишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Зиёдов Шовосил Юнусович илм-фан тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилиб, Республика ва дунё илмий жамоатчилиги олдида таниқли манбашунос, исломшунос ва етакчи жамоат арбоби сифатида бугунги баркамол авлодни тарбиялашдаги ишларидан мамлакатимиздаги барча илм аҳли чексиз фахрланади, десак муболаға бўлмайди. Ш.Зиёдов етук олим сифатида ўзининг бой илмий-маънавий мероси билан ёшлар қалбига эзгулик ғояларини сингдиришга ва мамлакатимиз илм-фан қудратини оширишга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиб бораверади.

---

## ЎРТА ОСИЁ СФРАГИСТИКАСИГА ОИД МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

**Бахтиёр ТУРСУНОВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-  
тадқиқот маркази масъул котиби*

Тарихшуносликда сфрагистика – (юон. – муҳрканлик) ёки сигиллография (лат. *sigillum* – муҳр), муҳрларни тарихий манба сифатида ўрганадиган фан йўналишига доир маҳсус адабиётлар камлиги боис Шовосил Юнусович Зиёдовнинг “Ўрта Осиё сфрагистикасига оид материаллар (Ташкент. XIX охири – XX аср бошлари) муҳрлар каталоги” номли монографияси<sup>1</sup> минтақадаги сфрагистик ёдгорликларни тадқиқ этиш, таҳлил ва таснифлашнинг самарали усуларини ўзида ифода этган асар сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф ўз олдига тош, металл, суяқ ва бошқа қаттиқ материалларга қолип сифатида ўйиб ёзилган муҳрларни муҳим тарихий манба сифатида тадқиқ этиш вазифасини қўйган ва буни муваффақиятли уddaлаган. Хусусан, турли даврларга оид ёзма тарихий хужжатлар, қўллёмсалар, китобларга қўйилган муҳр ва тамғалар сфрагистик ёдгорликлар сифатида давлатчилик институтлари фаолиятига оид муҳим манба ва амалий санъат асари сифатида қимматли эканини очиб берган.

Монографиянинг таркибий тузилиши муқаддима, машхур муҳркан Сидқий Хондайлиқийнинг интеллектуал қиё-

---

<sup>1</sup> Материалы по среднеазиатской сфрагистике (Ташкент. XIX - начало XX вв.) Каталог оттисков печатей. Составитель Шовосил Зиёдов. Самарканд: МИЦАИ, 2020. – 176 с.

фаси, кириш, каталог, қози ва унинг авлодлари, муфтий ва унинг авлодлари, шахсий муҳрлар, муддарис ва қорилар, мансабдор шахсларга тегишли муҳрлар, рангли иллюстрациялар (барча ҳужжатлар факсимиле), кўрсаткичлар ва адабиётлар рўйхати каби қисмлардан иборат. Китобда Қурбонов F., Кун А., Диваев А.А., Ахмеров П.Н., Веселовский Н.И. каби соҳа мутахассисларининг араб ёзувидаги муҳрканликка оид тадқиқотлари асосида Ўрта Осиё сфрагистика фанининг ўтмиши ва бугунги ҳолати қисқача умумлаштирилган, минтақа сфрагистикасига оид янги манбалар таҳлил қилинган. Монографиянинг рус, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилгани ишнинг ютуғи бўлиб, бу унинг тез оммалашувига хизмат қилган.

Монографияда қайд этилишича, XX аср бошларигача минтақада мавжуд барча расмий ҳужжатларга, васиқа ва насабномаларга, қўлёзма китобларга муҳрлар қўйилган. Жумладан, китобларга босилган муҳрлар воситасида ўша давр кутубхоналари фаолияти, ўлкада қандай шахсий ва жамоат кутубхоналари бўлгани, уларда сақланган қўлёзма китобларнинг тури ва сони ҳақида маълумот олиш мумкин. Монографияни тайёрлаш жараёнида муаллиф Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидағи 13526 та қўлёzmани синчиклаб ўрганиб чиқиб, 2605 та қўлёzmага 1652 турдаги муҳрларнинг қўйилганини илмий асосда исботлаган. Олиб борилган ушбу тадқиқотлар натижасида XIV аср иккинчи ярми - XV аср бошларига оид Хўжа Муҳаммад Порсо кутубхонаси китобларига ҳам шундай муҳрлар қўйилгани ва ушбу кутубхонага тегишли 81 та қўлёзма китоб мавжудлиги аниқланган.

Монографияда машхур шоир, ёзувчи, таржимон ва муҳркан Сирожиддин Сидқий Хондайлиқийнинг ҳаёти ва

фаолияти тўғрисида маълумот келтирилган. Эътироф этилишича, Сидқийнинг муҳрканлик фаолияти Ўрта Осиё сферагистикаси тарихида муҳим ўрин тутган. Афсуски, минтақада яшаб ўтган машхур муҳрканлар ҳаёти ва фаолияти ҳануз етарлича ўрганилмаган ва бу масала тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Муҳрлар каталогида Ўрта Осиёнинг XIX аср охири - XX аср бошларига оид кўплаб тарихий ҳужжатларида учратиш мумкин бўлган 187 та муҳр нусхалари жой олган. Муҳрларда акс этган битиклар мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг 48 таси қозилар ва уларнинг авлодларига, 36 таси муфтий ва унинг авлодларига, 86 таси хусусий шахсларга, 13 таси мударрис ва қориларга, 4 таси бошқа мансабдор шахсларга тегишли экани аниқланган. Хулоса қилинишича, муҳрлар қайси ижтимоий тоифа вакилига тааллуқлигидан келиб чиқиб гулчамбаракли, бодомсимон, думалоқ, квадрат, кўпбурчак, овал, тўғри тўртбурчак, олти бурчак, саккиз бурчак, ромб, ярим доира каби шаклларда ясалган.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўрта Осиё минтақасидаги сферагистик ёдгорликлар тадқиқига оид ушбу монографияда таклиф этилган тадқиқот усуллари қизиқарли, ишончли ва самарали бўлиб, улар муҳршунослик фани ривожига хизмат қиласади.

---

## **50<sup>th</sup> BIRTHDAY WISH**

**Prof Dato‘ Dr Fariza Md Sham,**  
Director of Institute Islam Hadhari,  
Universiti Kebangsaan Malaysia (UKM)

On behalf of the Institute Islam Hadhari, Universiti Kebangsaan Malaysia (UKM) we would like to wish happy 50th birthday. 50 years is a long and accomplished milestone you have achieved. Dr Shovosil Ziyodov melds a scientific researcher's intellect with an awakened heart. You are well recognized by us as an organizational transformation expert who empower history, scientific and cultural heritage of the peoples of Central Asia. You have helped break through Islamic cultural differences and bring them up to greater heights. You have shown great leadership and such greatness is reflected towards your contribution towards the members of Institute Islam Hadhari, UKM. We have accomplished many of our long-term goals through persistence, consistency and by working closely together. We wish to express our sincerest appreciation for the academic network and cooperation between our two institutions in carrying out various programs to strengthen our bilateral relations. Even with the challenges ahead of us, I am confident in our ability to continue growing. We hope that our great collaboration would continue to many more years. In light of this New Year and your 50th birthday, may you be blessed by Allah with good health, improved wealth and elevated piety.

Your Sincerest,

**Prof Dato‘ Dr Fariza Md Sham**

---

## 50<sup>th</sup> BIRTHDAY WISH

**Prof. Dr. Jürgen Paul**

let me join all those who congratulate you today on your birthday – wishing you further success in your scholarly work, and happiness in your personal life, strong health and much energy for all your tasks! Over the last years, we have mostly seen each other and talked online, in the framework of the lecture series your Institute organises together with Asien-Afrika-Institut in Hamburg. But I remember very well how you came here as a member of an official delegation from Uzbekistan seeking to explore new venues for scientific cooperation. You did not have to remind me of the advantages and indeed the value of scholarly cooperation – many years ago, in 1998-9 to be precise, we embarked on one of the most ambitious cooperative projects I have ever been part of. With only very limited funding from the German Gesellschaft für Technische Zusammenarbeit (Society for Technical Cooperation, in fact the German institution responsible for running and funding projects in international cooperation, today it is called Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit, Society for International Cooperation), we started a project devoted to the cataloguing of Sufi manuscripts from the eighteenth to twentieth centuries kept in the Institute of Oriental Studies of the Uzbek Academy of Sciences (Beruni). The most important point was that we did not start cataloguing right away, but that there was a six-month period during which a group of younger Uzbek scholars was trained in Germany, under the supervision of Annette Krämer. This was completely new and was possible of course only because many of the restrictions of the Cold War period had

fallen. Nevertheless, there was some haggling over who should be sent to Germany, and I remember very well how the then director of the Beruni Institute, Dr. M. M. Khayrullaev, insisted that you be part of the group. He was right, he knew that you were a very promising young scholar.

The entire group did a magnificent job, we were able to publish the “Handlist of Sufi manuscripts” (Berlin 2000) as well as the “Katalog sufischer Handschriften aus der Bibliothek des Instituts für Orientalistik der Akademie der Wissenschaften, Republik Usbekistan” (Stuttgart 2002), and you contributed in many ways, of course above all by writing quite a deal of descriptions of Arabic manuscripts for both the Handlist and the Detailed Catalogue. This project was the basis for another large project, funded by Gerda-Henkel-Stiftung, which aimed at the establishment of an Electronic Catalogue of large parts of the holdings of the Beruni Institute, the entire Basic Collection. You were no longer part of the Beruni staff at that point, but nevertheless you participated in the work: I remember your contributions at a number of occasions, for instance when the Scientific Council of the project convened in Tashkent and the issue was what to do about the seal imprints in so many manuscripts.

Both these projects were housed, on the German side, at my home institution, the Oriental Institute of Martin-Luther-Universität Halle-Wittenberg, and the end of the last project, the one which was behind the electronic catalogue, ended even after I retired from my position there. But this did not mean the end of cooperation...

So there was a long history of scientific cooperation already when you came to Hamburg as part of that official delegation, and I am really glad that Professor Heidemann, chair of the Asien Afrika Institut, was ready to accept the offer and organise,

jointly with the Imam Bukhari International Scientific Research Center, the lecture series mentioned above.

I am glad that scholarly cooperation continues in Oriental Studies between institutions in Germany and Uzbekistan, so to say in the younger generation, and I wish you good luck in all situations which may occur in such cooperation – I am confident that you will be able to overcome all obstacles, with the kindness and determination which I have so often seen in you.

With all best wishes,

**Prof. Dr. Jürgen Paul**

---

## CONGRATULATORY NOTE FOR PROF. ZIYODOV

**Dr. Mohd Farid Mohd Shahran,**  
*Director, Center of Shariah, Laws and Politics,  
Institute of Islamic Understanding Malaysia (IKIM),  
Kuala Lumpur, Malaysia*

The Institute of Islamic Understanding Malaysia (IKIM) would like to congratulate Prof. Dr. Shovosil Ziayadov for his excellent achievement in leading the Imam Bukhari International Scientific Research Center Uzbekistan. It has been 5 years since the establishment of the Center, yet despite the historically short period, it has developed in a convincing manner and numerous projects implemented by the Center have contributed towards the development of Islamic civilization in Uzbekistan and Islamic world at large.

IKIM as an institution that play important role in Malaysia in promoting proper understanding of Islam, we consider Imam Bukhari International Scientific Research Center as one of our strategic partners especially in bridging the gap between Malaysia and Uzbekistan, two important Muslim countries that are playing pertinent role towards reviving Islamic Civilization globally.

We believe that in the future, our close cooperation in many areas will further enhance the process of sharing precious and valuable resources of knowledge and intellectualism between these two nations. Through the collaborations between IKIM and Imam Bukhari Institute led by Prof. Ziyodov a lot of the scientific heritage of Mawaraunnahr scholars were being shared

and exposed to the Malaysian intellectuals and academic community.

For the last few years, IKIM and Imam Bukhari Center have collaborated in various programs including international seminar, online webinars and radio programs. We strongly believe under the leadership of Prof. Ziyadov, the center will develop further into stronger and formidable institution and will become among excellent intellectual centers in the Muslim world.

Prof Ziyodov himself has shown tremendous achievement throughout his academic journey. This is reflected among others in his extensive intellectual and academic works in books publications and article journal writings in his fields of specialization.

Finally we wish Prof Ziyodov in the commemoration of his 50th birthday great success in the future and may God bless his life and shower him with barakah and bounties in this world and in the hereafter. And may the center that he lead continue to flourish and excel in the future.

With all best wishes,

**Dr. Mohd Farid Mohd Shahran**

---

# **ON THE OCCASION OF THE 50<sup>TH</sup> BIRTHDAY OF DR. SHOVOSIL ZIYODOV**

**Florian Schwarz,**  
*Director of the Institute of Iranian  
Studies, Austrian Academy of  
Sciences Corresponding Member of  
the Austrian Academy of Sciences*

In the name of all members of the Institute of Iranian Studies of the Austrian Academy of Sciences in Vienna, I congratulate Dr Shovosil Ziyodov on the occasion of his 50th birthday. We send our warmest greetings and best wishes for many years to come!

I have had the privilege to become acquainted with Dr Ziyodov's work, and to meet him for the first time, when we were both young researchers in the late 1990s. I am not sure if we first met in person in Tashkent in 1998 or perhaps during his stay in Germany in 1999. What I do remember for sure, however, is the strong impression that Dr Ziyodov's deep knowledge of manuscripts and his approach to the cultural and intellectual history of Uzbekistan and Central Asia through the study of manuscripts made on me. Even during the years in the early 2000s when I was focusing more on other Islamic manuscript traditions, I continued to closely follow Dr. Ziyodov's publications and to benefit from his innovative research. Together with a small number of fellow scholars from his generation, Dr. Ziyadov has introduced novel and original aspects into codicological research and manuscript studies in Uzbekistan. He has played a central role in cataloguing regional manuscript collections, in

studying historical libraries and demonstrating their importance for the cultural and intellectual history of Uzbekistan and far beyond, and drawing the attention to less developed areas of manuscript-related research, in particular sphragistics. With these achievements he has made an invaluable contribution to the study and preservation of the cultural heritage of Uzbekistan, and he has earned the gratitude of the national and international scientific community. In his recently completed habilitation thesis, he combines and further develops these aspects into a full-scale history of books and libraries in Central Asia from the Timurid period to the early 20th century. This is a truly pioneering work, and it is not difficult to predict that it will be a standard reference work for a long time to come.

I consider it a privilege that together we have been able to develop a formal partnership between our Institutes. In the years to come, this partnership will facilitate our cooperation in the field of manuscript studies and more broadly the cultural and intellectual history of Uzbekistan and Central Asia. For our Institute, the research partnership with the IBISRC is of central importance. This is quite natural, cosidering the important collections, the intellectual resources, and the international outlook of the IBISRC. But it also has a lot to do with the personality of its director, Shovosil Ziyodov. Cooperation and research partnerships cannot thrive without excellent inter-personal relations between the involved researchers. Dr Ziyodov not only is an outstanding, passionate scholar and inspiring and professional intellectual leader. His amicable, open and generous personality makes him a great colleague and a wonderful host. No wonder the IBISRC has developed under his leadership into an international intellectual pilgrimage destination and meeting point!

I look forward to many more years of working together with Shovosil, a great scholar and friend. Many happy returns!

---

## **50<sup>th</sup> BIRTHDAY WISH**

**Prof. Dr. Stefan Heidemann**

Dear Prof. Ziyodov,

It is my great honor and pleasure to congratulate you to your 50th birthday. Your international achievements in recent years are exceptional, not only as director of the Imam Bukhari International Scientific Research Center but also as a researcher of Central Asia. Your cooperation with German Institutions goes back a long time ago to your successful codicological studies of manuscripts. You had become an authority of the heritage of al-Maturidi, and Central Asian manuscripts. I am naturally very proud of your co-operation with the Asien-Afrika-Institut which you initiated. We run jointly now in a lecture series on Central Asian history and civilization in its third year which attracted a worldwide audience. I sincerely hope that we continue this fruitful co-operation and find ways to deepen it.

Thank you for this kind and generous cooperation

Kind regards

**Prof. Dr. Stefan Heidemann**

---

## **СІЗДІ 50 ЖАС ТОЛУ МЕРЕЙТОЙЫҢЫЗБЕН**

**Проф. Шамшадин Керим,**  
*Нұр-Мұбәрак университеті*  
*Әбу Ханифа ғылыми зерттеу*  
*орталығының директоры*

Өзбекстан Республикасы Министрлер комитетіне карасты Имам Бухари халықаралық ғылыми зерттеу орталығының директоры, тарих ғылымдарының докторы Ш.Ю. Зиёдов мырзага Аса кадірлі Шовосил Юнусович!

Сізді 50 жас толу мерейтойыңызбен өз атымнан, Нұр-Мұбәрак университеті атынан шын жүректен күттүктаймын!

Сіздің өмір жолынызды жаксылып шолып шыкканда осы жасқа келгенше өмір мектебінен етіп, белестерден етіпсіз. Университетте шығыстанушылық, араб тілі мамандығы бойынша білім алған сон ғылым жолын тандапсыз. Шығыстану инситутында жұмыс істеп, қындығы мол колжазба саласында кызмет аткарыпсыз. Шет елдердің гранттар ұтып алған Германия; Франция, Ұлы Британияда т.б елдердің колжазба корларында жұмыс істеп, тәжірибе жинақтауыныз, біліктілігінізді арттыруыныз - Сіздің артықшылығыныз, табысыныз. Кандидаттық және докторлық диссертациясыныз да ислами мұра; колжазбаларға катасты. Сол себепті біз Сізді жасының кіші болса да ислами мұра, колжазба салалары бойынша ете білікті маман ретінде бағалаймыз: күрметтейміз.

Сіз басқаратын Имам Бухари халықаралық ғылыми

зерттеу орталығымен біз тығыз байланыстамыз. Бұл құрылғанына аз уақыт болса да танымал гылыми орталықка айналуда.

Сіз елу жаска табыспен, жеміспен келіп отырсыз. Казақтар «елу ердің жасы» дейді. Әлі береріні алда, шығар белестеріннің көп болатына сенемін.

Сізге денсаулық, отбасынызга амандық тілеймін. Ғылыми-шығармашылық жетістіктерінің азаймай, мәртебеніз, дәрежені есіп, абыройыңыз арта берсін!

Курметпен,

**Шамшадин Керім**

# МЕҲРИБОН ВА ЖОНКУЯР РАҲБАР

**Шавкат ТҮЙҒУНОВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари*

Шовосил Юнусович Зиёдов кўп йиллардан бери Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда. Ушбу давр мобайнида тинимсиз изланишлари туфайли илмий фаолиятда катта ютуқларга эришиб, марказ нуғузини оширишда ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди. Ҳозирги кунда марказимиз директори Имом Мотуридий илмий меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш ишларида пешқадам олимлардан ҳисобланади. Бу бўйича кўплаб илмий ишлар, монографиялар ва рисолалар эълон қилиниб, кенг оммага тақдим қилинган. Олимнинг тинимсиз изланишлари ва саъй-ҳаракатлари Имом Мотуридий илмий меросини ўрганиш ва уни халқ оммасига содда тилда тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Илмий тадқиқот ишларида шогирдлари ва марказда фаолият олиб бораётган тадқиқотчиларга ўрнак бўлмоқда. Шу ўринда биз у кишида мужассам бўлган раҳбарлик сифатлари тўғрисида ҳам гапирмоқчимиз.

Маълумки, ҳар бир раҳбарнинг қўл остидаги ходимларига нисбатан ғамхўрлиги, уларнинг муаммоларини ҳал қилишдаги қатъийлиги ва бағрикенглиги муассасада иш сифатининг ошишишига, ходимлар меҳнатининг самарали бўлишига сабаб бўлади. Бундай олийжаноб фазилат ҳамма раҳбарда ҳам бўлавермаслиги барчамизга кундай равшан. Аммо, марказимиз директори, Шовосил Юнусовичда эса

бундай олийжаноб фазилатлар мужассам бўлиб, бу эса марказ ходимлари иш фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Жонкуяр олим, ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида ҳар бир ходимнинг дунёқараси, характери, интеллектуал қобилиятига қараб муомала қиласди. Ходимларни доимий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларига бефарқ қарамаслик, ишонч билдириш, жузъий камчиликларга кўз юмган ҳолда, бундай ҳолатларнинг такрорланмаслигига эришиш, камчиликларни тушунтиришда ҳеч қачон одоб чегарасидан чиқмаслик ва ҳалимлик у кишининг энг асосий сифатлари десак муболага бўлмайди.

Мехрибон устоз гарчи нуфузли марказ раҳбари бўлишига қарамасдан, Президентимиз таъбири билан айтганда, “оёғи ердан узилмаган” раҳбар ҳисобланади. Ўзини ходимлардан олиб қочувчи, улар билан бир дастурхонда ўтиришни ўзига эп қўрмайдиган айрим раҳбарлардан фарқли ўлароқ, марказимиз раҳбари оддий инсонлар билан бирга бўлишни, уларнинг ғам-ташвишлари ва кечинмаларига шерик бўлишни хоҳлайди. Бу нафақат чин инсонийлик белгиси, балки раҳбар учун ниҳоятда зарур бўлган хислатлардан биридир. Устознинг оддий инсонлар билан доимий бирга бўлишга интилиши ходимларнинг кайфиятидан доимий хабардор бўлишга, “кўйи” поғонадаги ҳақиқий ҳолатни билишга ва шу орқали мавжуд муаммоларнинг самарали ечимини тошишга ёрдам беради.

Фидойи олимнинг яна бир фазилатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яъни у киши ходимларга ишонч билдириш орқали уларни қўллаб қувватлайдилар. Ҳеч бир ходимга имконияти ва салоҳиятидан ортиқ вазифа юкламайдилар. Ўзига ишонч билдирилган ходим ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиласди. Бу эса унинг иш сифатига ижо-

бий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, раҳбаримизнинг ҳар бир ходимни бажарган ишига қараб эътироф этишлари ҳам мақташга арзигулик фазилатларидан биридир.

Хулоса қиладиган бўлсак, жонкуяр олим ҳозирги кунда Президентимиз томонидан олиб борилаётган диний – маърифий соҳани ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтариш ишларига самарали меҳнати билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган раҳбардир. Бундан ташқари, ўзининг илмий салоҳияти ва фидойилиги билан нафақат марказ жамоаси, балки мамлакатимиз илм аҳли ҳурматига сазовор бўлаётган инсон ҳисобланади.

Биз меҳрибон ва жонкуяр устоз, ўз соҳасининг билимдени, йирик олим, оиласапарвар, комил фарзандлар тарбиячиси Шовосил Юнусович Зиёдовнинг 50 ёшлик юбилейи билан чин қалбимиздан табриклаймиз, бундан кейинги ишларида улкан зафарлар тилаймиз. Оиласи, яқинлари ва шогирдлари баҳтига доимо саломат бўлишини Яратгандан сўраймиз.

# “ТУҒМА” ИШТИЁҚ СОҲИБИ

Анвар БОБОЕВ,  
*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиги*

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Нашрлар бўлимида ишлаган киши ўз-ўзидан тадқиқотчиларни икки тоифага бўлар экан. Булар, тиббиёт истилоҳи билан айтганда, “туғма” ва “орттирилган” иштиёқ билан тадқиқот олиб борувчилардир.

Биринчи тоифа тадқиқотчилик фитрати билан дунёга келади. Ҳамма нарсанинг моҳиятини билишга интилади. Фақат ўзи танлаган маҳсус мавзуга эмас, бошқа соҳаларга ҳам қизиқади. Дейлик, тарих бўйича изланиш олиб бораётуб, алгебра, геометрия, астрономияга оид айрим нарсларни ҳам ўрганиб чиқади, қайси олим шу соҳаларга оид қандай қизиқарли китоб ёзганини аниқлаб, ўша адабиётларни топади ва ўқиб чиқади. Бирор янги, нотаниш атамани (у тиббиёт, ё физика, ё қишлоқ хўжалиги, ё исталган бошқа соҳага тегишли бўлиши мумкин) кўриб ё эшитиб қолгудек бўлса, албатта, ўша термин ҳақидаги маълумотлар билан бафуржа танишиб олади. Бу тоифа табиатан тадқиқотчи бўлиб, дунёдаги ҳеч бир аҳамиятли воқеа-ҳодиса, шахс ё ашё унинг эътиборидан четда қолмайди.

Иккинчи тоифа тадқиқотчилик иштиёқини ҳаёт тақозоси туфайли орттиради.

Буларни айтишдан мақсад Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори Шово-сил Зиёдов биринчи тоифа вакили эканини таъкидлашдир. Бу инсон, ҳақиқатан ҳам, тадқиқотчилик фитрати билан та-

валлуд топган.

Келинг, 50 йиллик юбилейи нишонланаётган ушбу айёмда Шовосил Зиёдов босиб ўтган илмий йўлга бир назар ташлайлик. Олим 1995 йили Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг араб филологияси бўлимини тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта лаборант (1995), кичик илмий ходим (1995-2002), аспирант (2002-2003), катта илмий ходим (2004-2008, 2011-2014) бўлиб ишлаган. 2008 йилдан 2011 йилгача шу институт докторанти (“XVI-XX асрларда Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзмалар ва улардаги маълумотлар асосида)” мавзуси бўйича) бўлган. 2009-2014 йилларда – Тошкент ислом университети Исломшунослик кафедраси ўқитувчиси, 2014 йилдан 2017 йилгача – Имом Бухорий халқаро маркази директори. 2017 йил 27 сентябрдан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Энди унинг илмий ютуқларига ўтсак. Шовосил Зиёдов 2003 йили, аспирантлик пайти “Абу Мансур Мотуридийнинг ёзма мероси ва “Китобут Таъвилот” асари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу шунчаки ютуқ эмас. Бу жасорат намойиши эди. Негаки, ўша кезлари халқимиз Имом Мотуридийни энди-энди таний бошлаган, лекин ҳали у зот ҳақида, илмий мероси, хусусан, шоҳ асари бўлмиш “Таъвилотул Куръон” асари тўғрисида бирорта ўзбекча маълумот йўқ эди. Шунга қарамай, тадқиқотчи ўта мураккаб мавзуда илмий изланиш олиб боришга жазм қилди ва ўзининг азму шижаати, қатъияти, журъати ва мустаҳкам иродасини намойиш эта олди – мазкур мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кейинчалик, 2020-2022 йилларда Имом Бухорий халқаро

илмий-тадқиқот марказида Имом Мотуридийнинг “Таъви-лотул Қуръон” асарини ўзбек тилига ўгериш ташаббусини илгари суришига ҳам ана шу илмий иш илҳомлантирган бўлса, ажаб эмас. Чунки, Имом Мотуридийнинг мероси бит-мас-туганмас хазина бўлиб, Шовосил Зиёдов унга йигирма йил аввал улкан эҳтиром ва ўзгача қизиқиш билан қарап эди. Халқимизни асрлар оша долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келаётган бундай мерос билан танишириш ни-ятини ўша пайтлар қўнглига тугиб қўйган бўлса, эҳтимол. Бундай хайрли тадбирни эса, алломанинг шоҳ асаридан бошлаш мантиқан энг тўғри йўл бўларди. Шу тариқа “Таъ-вилотул Қуръон”нинг 30-жузи – Мусҳафи шарифнинг одам-лар энг кўп сурा ёдлаган қисми халқимиз тарихида илк бор ўзбек тилига таржима қилинди.

Навбатдаги илмий ютуқ 2022 йилда қўлга киритилди. Шовосил Зиёдов тарих фанлари доктори (DSc) илмий дара-жаси учун “XV-XX асрларда Марказий Осиёда кутубхоначи-лик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида)” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб, яна бир илмий чўққини забт этди.

Ушбу сатрлар муаллифи олимдан илтимос қилиб, унинг мазкур диссертацияси билан танишиб чиқишига мұяссар бўлган. Шу асосда камина қуйидаги хulosага келган: мазкур диссертация маъно-мазмун ва таркиб жиҳатидан шу да-ражада бойки, унинг ҳар бир параграфи алоҳида илмий иш учун асос бўла олади. Бу ерда муболагага йўл қўйилаётгани йўқ, бу, илмий қилиб айтганда, факт констатация қилиняпти, холос. Яъни, бор нарса эътироф этиляпти. Кимда бу фикр шубҳа уйғотадиган бўлса, унга мазкур илмий ишнинг иста-ган жойидан 10-15 бет ўқиши тавсия этилади. Ўшанда у юқоридаги фикр нақадар асосли эканига шахсан амин бўла-ди.

Шовосил Зиёдовнинг илмий изланишлари исломшунослик ва манбашунослик соҳаларига бағишиланган. Хусусан, олим “Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китобут Таъвилот” асари” номли монография муаллифидир. Шу билан бирга, мамлакатимиз ва хорижда калом илми тарихи, Шарқ қўлёзмаларига оид юз элликка яқин илмий мақола, бир неча рисола ва каталоглар нашр эттирган. Жумладан, Германиянинг Халле университети ва Франциянинг Илмий тадқиқотлар олий мактаби билан ҳамкорликда каталоглар чоп қилган (Берлин – 1999, Штутгарт – 2002, Рим – 2007).

Олим фақат Имом Мотуридийнинг мероси билан чекланиб қолгани йўқ. Шу чоққача Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари унинг бевосита раҳбарлигига 56 китоб ва халқчил рисолани нашрга тайёрлади. Марказ кутубхонасида сақланаётган нодир асарларни босқичма-босқич ўзбек тилига ўтириш ишлари жадал давом этмоқда. 2020-2022 йилларда буюк алломаларимизнинг 14 йирик асари таржима қилинди. “Таъвилотул Қуръон”нинг 30-жузи таржимасида Шовосил Зиёдовнинг шахсан ўзи бош муҳаррир вазифасини бажарди.

Олим “Самарқандлик алломалар”, “Имом Бухорий маҷмуаси китоб-альбоми”, “Мовароуннарда мотуридия калом илми мактаби”, “Материалы по среднеазиатской сфрагистике”, “Ўрта аср Шарқ алломалари” каби китоблар тасниф этган.

Юқорида Шовосил Зиёдовда тадқиқотчиликка “туғма” иштиёқ борлиги бежиз таъкидлангани йўқ. Бир неча марта хориждаги халқаро грант ва стипендиялар соҳиби бўлгани ҳам буни тасдиқлайди. Жумладан, Германия ёш шарқшунос олимларининг “Шарқ қўлёзмалари тавсифи” ва Франциядаги “Марказий Осиё қўлёзма мероси” дастурлари доирасида, шунингдек, Буюк Британиядаги Оксфорд Ислом

тадқиқотлари марказининг “Имом Бухорий авлодлари” йўналиши бўйича стипендиати сифатида малака ошириди. Эътироф этиш керакки, етарли даражада илмий салоҳиятга эга бўлмаган, илм-фанга лаёқатсиз, чин тадқиқотга қурби етмайдиган инсон бундай натижаларга эришиши жуда қийин, ҳатто имконсизdir. Негаки, Ўзбекистонда “отанг яхши, онанг яхши” билан, ё таниш-билишлар орқали, ё пора ёрдамида иш битириш эҳтимол мумкинdir, лекин Германия, Франция каби давлатларда бундай найранг ўтмайди. Бу мамлакатлардаги илмий марказлар инсонга унинг ақлзаковати, иқтидор ва истеъодига қараб баҳо беради, шунга яраша муносабат билдиради.

Бу далилларнинг барчаси ва ҳар бири, шубҳасиз, Шовосил Зиёдовни юқорида қўрсатилган икки тоифадан биринчисига киритиш учун ишончли асос бўла олади.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори IRCICA, ISESCO каби халқаро илмий ташкилотлар, хориждаги кўплаб илмий-тадқиқот марказларининг раҳбар ва олимлари билан шахсий дўстона муносабатлар ўрнатган. Бундай етук шахслар эса, дуч келган киши билан дўстлашмайди, муносиб инсон билан алоқа боғлайди.

Бу олим ҳақида сўз кетганда, Шовосил Зиёдов ташаббускор раҳбар эканини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Шу чоққача Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида 23 халқаро конференция ва 54 семинар ташкил этилди. Марказ жаҳондаги 34 етакчи илмий-тадқиқот маркази ва университет билан ҳамкорликка оид меморандумлар имзолади. 22 нафар ходим Буюк Британия, Германия, Франция, Саудия Арабистони, Туркия, Миср, Малайзия, Россия каби давлатлардаги турдош марказлар ва университетларда ташкил этилган малака ошириш ва ўкув курсларида иштирок

этди. Шуларнинг ўзиёқ юқоридаги фикрнинг ёрқин далили бўлади.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг қўлёзмалар фондини бойитишда ҳам Шовосил Зиёдовнинг ташаббускорлиги, музокарани манфаатли тарзда олиб бориш қобилияти, хорижлик олимлар билан яқин дўстлиги муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Мисрдан 130 минг ноёб қўлёзма асарнинг электрон нусхаси келтирилди. Мисрдан 4 997, Туркиядан 614 китоб олиб келинди. Саудия қўлёзма фондларидан Имом Бухорий асарларининг 34 электрон нусхаси келтирилди. Муҳадислар сultonининг шоҳ асари – “Ал-Жомиъус саҳих” қўлёзмаларининг 796 электрон нусхаси тўпланди. Бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

Камина Шовосил Зиёдов билан 2019 билан бўён таниш. Ўтган даврда бу инсондан яхшилик кўрса қўрдики, асло ёмонлик кўргани йўқ. Олим ҳақида бошқалардан ёмон гап ҳам эшитгани йўқ. У чин олим бўлмаганида, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига “отанг яхши, онанг яхши” йўли билан, ё таниш-билишлар ёрдамида, ё пора орқали, ё яна бошқа чоралар воситасида раҳбар бўлиб қолганида эди, камина буни муқаррар билган бўларди. Негаки, қингир ишнинг доим қийифи чиқади. Шовосил Зиёдов ҳақида эса, таъкидланганидек, бирор номаъкул гап каминанинг қулоғига чалинмади. Мухтасар айтганда, чин олим, улкан салоҳиятга эга тадқиқотчи, моҳир раҳбар ва камтар инсон. Унга келгусида янада улкан илмий зафарлар, оиласвий баҳт, мустаҳкам соғлик тилаб қоламиз. Аллоҳ умрини баракотли қилиб, мартабасини зиёда қиласерсин!





PROCEEDINGS OF THE INTERNATIONAL  
CONFERENCE

**«ISSUES OF CREATING  
THE BASIS OF THE SPIRITUAL  
HERITAGE AND III RENAISSANCE:  
STUDY, RESEARCH, PERSPECTIVES»**

January 2023, Samarkand

*On the occasion of the 50<sup>th</sup> anniversary of the birth of Shovosil Ziyodov the  
Director of the Imam Bukhari International Scientific-Research Center*

---

**«МАЊНАВИЙ МЕРОС ВА  
III РЕНЕССАНС АСОСИНИ ЯРАТИШ  
МАСАЛАЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР,  
ТАДЌИҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР»**

2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА  
ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДЌИҚОТ  
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН  
**ХАЛҚАРО АНЖУМАН МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Самарқанд – 2023

## **МУНДАРИЖА / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ**

<b>Шаҳноза МАДАЕВА.</b> Илк ўрта аср Шарқ Ренессансида фалсафа мактаблари анъаналари ва кутубхоначилик тарихи.....	92
<b>Гулчехра НАВРЎЗОВА.</b> Баҳоуддин Нақшбанд камолотида ҳадис илмининг ўрни.....	98
<b>Очил БЎРИЕВ.</b> Абу Наср ибн Ироқ – Абу Райхон Берунийнинг садоқатли устози.....	110
<b>Шокир ҒАФФОРОВ.</b> Темурийлар даври таълим тизимида мадрасалар фаолияти.....	117
<b>Nazar НАКИМОВ, Dilrabo AMRIDINOVA.</b> Socio-philosophical views of Ishoqxon Ibrat.....	128
<b>Э.М. ИЗЗЕТОВА.</b> Феномен неопределенности в контексте философского дискурса.....	141
<b>Хусан ДЖУРАКУЛОВ.</b> Бугунги глобаллашув жараёнида экологик муаммоларнинг олдини олишда ислом манбалидан оқилона фойдаланиш йўллари.....	150
<b>Ойгул ШАРИПОВА.</b> Абдулхолик Фиждувоний ва Ориф Ревгарий.....	157
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий – мотуридийлик мактаби вакили.....	169
<b>D.ERNAZAROV, F.USMONOV.</b> Falsafa tushunchasining etimologik va tarixiy kelib chiqishi.....	182
<b>Маърифат ХАНДАМОВА.</b> Ал-Хоразмий илмий меросида қадимги ҳинд ва юнон илмларининг аҳамияти.....	189

<b>Мавжуда ГУЛАМОВА.</b> Кумушхонавий васиятномасида одоб-ахлоқ ғоялари.....	196
<b>Лола МУХАМЕДЖАНОВА.</b> Бухоро жадид-маърифат-парваларининг таълим-тарбия ва маориф соҳасидаги ислоҳотлари.....	204
<b>Мустафо БОЗОРОВ.</b> Глобаллашувнинг маънавий жараёнларга таъсири.....	212
<b>Ш.МАМАТҚУЛОВ.</b> Янги Ўзбекистонда замонавий кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалалари.....	218
<b>Олмос ТУРСУНОВА.</b> Истеъмолчи хуқуқининг ҳадиси шарифларда кафолатланиши.....	223
<b>Абдухолик ТАШАНОВ.</b> Бузғунчи ғояларнинг моҳияти ва тараққиётга таҳдиди.....	228
<b>Давронбек ҚОДИРОВ.</b> Қушайрийнинг “Рисола фи-тасаввуф” асарига асос бўлган манбалар таснифи.....	239
<b>Махмуд ОРЗИЕВ, Зафар АРТИКОВ.</b> Шайбонийлар Сибир хонлиги асосчилари.....	244
<b>Отабек ОРТИҚОВ.</b> Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....	250
<b>Нигора ДЖУРАЕВА, Шаҳзод ХАБИБУЛЛАЕВ.</b> Некоторые аспекты учения Абу Насра аль-Фараби о диалектике.....	257
<b>Бектош РАХИМОВ.</b> Туркистон генерал-губернаторлиги Каспийорти вилояти хорижий фуқаролари тарихи (XIX аср охири – XX аср боши).....	263
<b>Юнус ХОЛИҚОВ.</b> Янги Ўзбекистонда бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда Ислом динининг ўрни.....	270

<b>Ислом ҲАМДАМОВ.</b> Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-фалсафий ғоялар.....	277
<b>Илҳом РИЗАЕВ.</b> Ижтимоий тизимларнинг ривожланиши: барқарорлик ва беқарорликнинг ўзаро таъсири.....	285
<b>Умида КУДРАТОВА.</b> Замонавий таълимда инсонпарварлик тамойиллари.....	290
<b>Дилбар РУСТАМОВА.</b> Ўзбекистонда оила масалаларини илмий-амалий тадқиқ этиш муаммо ва ечимлари.....	297
<b>Мавлуда РАХМОНОВА.</b> Фитрат баркамол инсон ҳақида..	302
<b>Йўлдошхон ИСАЕВ.</b> Абу Ҳафс Бужайрийнинг ҳадис илмида тутган ўрни.....	307
<b>Бахтиёр ТУРСУНОВ.</b> Алишер Навоий маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти (синергетик таҳлил).....	314
<b>Жонибек ЖУМАЕВ.</b> Диний тафаккур эволюцияси: исломий дунёқарааш ва тасаввуф таълимоти.....	322
<b>Сухроб ЭРГАШЕВ.</b> XX аср бошларида Самарқанд таълим тизимидағи ўзгаришлар.....	331
<b>Бахромжон ҒОФУРОВ.</b> Бобурийлар маънавий меросида ахлоқий ва сиёсий масалаларнинг айрим жиҳатлари.....	337
<b>Эштемир ЖУМАЕВ.</b> Ёшларимиз онгиға миллий маънавиятни сингдириш орқали “Оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш.....	345
<b>Жамол ШОНАЗАРОВ.</b> Ислом таълимотида инсон тарбияси ва ахлоқий фазилатларининг улуғланиши.....	349
<b>Шерахон ХАШИМОВ.</b> Ўзбекистоннинг халқаро имиджи юксалишида миллий туризмдаги ворислик жараёнлари....	354
<b>Ибодат САТТОРОВА.</b> Имом Бухорий мажмуаси тарихи....	366

<b>Шавкат ХАМЗАЕВ, Нилуфар ТУВАЛОВА.</b> Яссавийлик таълимотида маънавий фазилатларнинг улуғланиши....	373
<b>Mamlakatxon NURMATOVA.</b> Shaxs haqidagi nazariyalarni o‘rganish ahamiyati.....	378
<b>Қаҳрамон АҲМЕДОВ, Нозлия ЮНУСОВА.</b> Интеллектуал ривожланишда ортда қолаётган ўқувчиларда молиявий саводхонлик ҳамда ижтимоий–маданий фаолиятни шакллантириш.....	382
<b>С.А.ПАРМАНОВ.</b> Сиёсий маданиятнинг ижтимоий–тарихий табиати.....	390
<b>Matluba TO‘QLIYEVA.</b> O‘quvchilarning o‘qish malakalarini takomillashtirishda PIRLS topshirig‘idan foydalanish.....	395
<b>Сардор КЕНЖАЕВ, Санжар ҲАСАНОВ.</b> Ҳирот миниатюра мактаби (Камолиддин Беҳзод портретига чизгилар).....	399
<b>Saodat JABBOROVA.</b> XX asrning boshlarida Buxoro amirligida jadid harakatining vujudga kelishi.....	410
<b>Насиба ИБОДОВА.</b> Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафаси таҳлили.....	421
<b>Isomiddin JO‘RAYEV.</b> Mirzo Salimbekning “Kashkuli Salimiy va Tavorixi muttaqadimin va muttaaxirin” asari xususida.....	426
<b>Алишер РАЖАБОВ.</b> Мирбобо Нақшбандий ҳаёти ва маънавий меросининг ўзига хос хусусиятлари.....	434
<b>Дилишод ШАРИПОВ.</b> Янги дунё тартиботида тинчлик ва тамаддуний (цивилизацион) ёндашув таҳлили (С.П.Хантингтоннинг “Тамаддуналар тўқнашуви” концепциясининг таҳлили асосида).....	441

<b>Orifjon BERDIYEV.</b> Ya'qub Charxiyning "Asma' - ul Husnaning sharhi" asari va uning insonni ma'rifatli bo'lishiga ta'siri.....	449
<b>M.B. YAKUBOVA.</b> Markaziy Osiyoda bo'lgan nemis tadqiqotchilari.....	455
<b>Э.УЛУҒМУРОДОВ, Шахзода ОРТИКОВА.</b> Сўфизм гносеологиясининг фалсафий таҳлили.....	461
<b>Ma'ruf G'OSSIDINOV.</b> Y.E.Bertels asarlarida Jomiy falsafiy qarashlari tahlili.....	473
<b>Э.Т. РАҲМАТОВ.</b> Хожа Алоуддин Аттор ҳикматлари....	480
<b>Набижон ҲАҚҚУЛОВ.</b> Сиддиқий – Ажзий қарашларида Ватан мадҳи.....	487
<b>Aziz SHADMONOV.</b> Yangi O'zbekistonda fuqarolik jamiyatini qurishda erkinlik g'oyasining ahamiyati.....	491
<b>Иноят ЭШПУЛАТОВ.</b> Араб мусулмон тафаккурида камолотга етган инсон масаласи.....	496
<b>Асилбек ХЎЖАЁРОВ.</b> Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Насаф воҳаси алломалари меросининг аҳамияти.....	503
<b>Сайёра ХАШИМОВА.</b> Ислом динида ва дунёвий давлатда имконияти чекланган инсонларга муносабат масалалари...	509
<b>У. НАЗАРОВ.</b> Маърифатпарвар Сайд Ризо Ализода фалсафий қарашларининг жамиятдаги ўрни.....	519
<b>Баҳодир ЭШБЕКОВ.</b> Очиклик сиёсати янги Ренессанс мезони.....	525
<b>Bunyod ESIRGAPOV.</b> Qo'qon xonlari arxivining O'zbekiston tarixini o'rganishdagi o'rni.....	530

<b>Барно МАТЧАНОВА.</b> “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғоясининг инсонпарвар моҳияти.....	541
<b>D.GULAMOVA.</b> Imom Buxoriyning barhayot merosi.....	552
<b>Nozima ABDUG‘AFUROVA.</b> G‘arb falsafiy-huquqiy tafakkurida tabiiy huquq va g‘oyalar rivoji.....	557
<b>Islombek SODIQOV.</b> Yangilanayotgan jamiyatimizda “Milliy yuksalish” konsepsiyasining ahamiyati.....	565
<b>Муҳаббат САМАДОВА.</b> XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигига жадидларнинг ислом динига муносабати тарихидан.....	573
<b>Bekmurod AMRULLAYEV, Nusrat MIRZAYEV.</b> The problem of malnutrition among young children on the african continent and the relationship between various infectious diseases in the region.....	579
<b>Nafosat AKTAMOVA, Shahzoda MAQSUDJONOVA.</b> Classification of military-legal issues in the management of Amir Temur’s army (in the example of Temur’s laws).....	592
<b>Севинч ОРЗИҚУЛОВА, Шохинабону ПЎЛАТОВА.</b> Амир Темур салтанати ижтимоий-сиёсий ҳаётида сарой маликаларининг ўрни.....	600
<b>Zumrad KENJAYEVA.</b> Uchinchi Renessans asosini yaratishda yetuk kadrlarni tayyorlash masalalari.....	603

# ИЛК ЎРТА АСР ШАРҚ РЕНЕССАНСИДА ФАЛСАФА МАКТАБЛАРИ АНЬАНАЛАРИ ВА КУТУБХОНАЧИЛИК ТАРИХИ

Шаҳноза МАДАЕВА,  
ЎзМУ “Фалсафа тарихи ва мантиқ”  
кафедраси мудири,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Марказий Осиё ва Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи мактабига асос солган олимлардан бири Шовосил Юнусович Зиёдов таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан “Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари: изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар” мавзусида ташкил этилган халқаро конференция Янги Ўзбекистон ва III Ренессанс сиёсати фонида янги тарихий, илмий ва методологик масалаларни кун тартибига қўйди. Ўзбекистонда III Ренессанссиёсатининг келажагига қанчалик умид, мақсад ва истиқбол режалар қўйилаётган бўлса, унинг тарихий илдизлари шунчалик чуқур, серқатлам ва ҳали қирралари ўрганилмаган илмий томонлари мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз. Юртимизда III Ренессанс ижтимоий сиёсати бошланишидан аввалроқ мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан адабиёт ва санъат намоёндалари ижодини ёш авлодга чуқурроқ танитиш, китобхонлик маданияти орқали фарзандларимиз маънавий дунёсини бойитиш ва тафаккур даражасини оширишга бўлган хайрли ишлар бошланди. Бу катта маданий ҳаракат маълум маънода инсоният тарихида содир бўлган Ренессанс даврларининг

қонунияти, яъни ҳудудлардаги китоб ва кутубхоначилик тарихи, китобхонлик маданиятининг уйғониш даврлари тараққиёти билан параллел ривожланиши қонуниятининг рамзий ифодаси эди.

Ўзбекистоннинг тарихий, илмий, маданий илдизлари ўз анъаналарини Илк Ўрта аср Ренессансидан олади. Илк Ўрта аср Ренессанси илмий метод ва қашфиётлари билан инсониятнинг XXI асрга қадар ўз аҳамиятини сақлаб қола олган ва парадигмал равишда ҳали ундан ортиқ ва мукаммал илмий тизим ишлаб чиқилмади. Илк Ўрта аср мусулмон цивилизациясининг бошқа тараққиёт моделларидан фарқли равишда оламшумул аҳамият касб этишида олим Ф.Роузенталнинг фикрича, ислом давлатлари тараққиётидаги дунёвийлик принциплари билан диний билимларнинг ўзаро бирлаша олганида, деб баҳоланади<sup>1</sup>. Ислом нафақат дин, балки сиёсий идеология сифатида ўзи кириб борган мамлакатларнинг илм-фани, маданияти, давлат бошқарувидаги прогрессив тамойилларни ўзига сингдира борди. Бу ҳақдаги фикрни кутубхоначилик тарихи билан боғлаб ривожлантирган олим А.Б.Халидов: “Китоблар қўлда кўчирилишига қарамасдан катта ҳажмда чоп этилар эди, бу ҳолат ҳатто ўрта аср Европасига ҳам хос эмас эди. Балки, мутахассислар ҳам араб китоб маҳсулотининг ҳақиқий ҳажми ҳақида ўзларига тегишли ҳисоб бера олишмайди, чунки тарихнинг барча чириқларидан ўтиб келган энг ноёб ва қадимги қўллэзма дурдоналарининг энг кичик қисми ҳам бизга юз минглаб нусхада мавжуд бўлганидан хабар беради”, дейди<sup>2</sup>. Ислом халифалигида ёзма маданиятнинг энг гуллаб-яшнаган даври эрамизнинг 750-850 йилларига тўғри келади. Бу маданият Илк Ўрта аср Ренессансигача

<sup>1</sup> Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука. 1978. – С.324.

<sup>2</sup> Халидов А.Б. Очерки истории арабской культуры. 1982. – С.215.

китобат маданиятига бўлган катта интилиш ва ихлосни шакллантирди. Адам Мең ўзининг машҳур “Мусулмон ренессанси” китобида Кордова, Қохира, Боғдод, Марв масжидларида кутубхоналар бўлиб, улар аксарияти халқ томонидан топширилган китоблар эвазига бойиб борган. Бу кутубхоналар номи “Ҳикматлар хазинаси”, деб номланиб, кичик шаҳарларда китоблар сони 120 мингдан 200 минггача, катта шаҳарларда эса 400 минггача бориб етган. Подшоҳлар, сарой аъёнлари, қозилар ўргасида китоб йифиш, йилнинг маълум санасида уларни умумий кўргазмасини ташкил этиш, чоп этилган китобларни шаҳарма-шаҳар етказиб берувчи хизматлардан фойдаланиш урф бўлган<sup>3</sup>.

Катта оқим сифатида вужудга келган кутубхона ва китобхонлик маданияти ўз-ўзидан илм-фан тизимида ҳам сифат ўзгаришларини ҳосил қиласлиги мумкин эмас эди. Аббосийлар халифалигининг Дамашқдан Боғдодга кўчирилиши ислом халифалигида бу давргача кисқа муддатда эришилган цивилизацион ривожланиш тажрибасини амалга ошира бошлади. Аксарият тарихчи олимлар тадқиқотларида мазкур даврда олимлар “адиб”, яъни мумтоз адабиёт ва ҳаёт қонуниятлари ҳақидаги бадиий ифодаланган билимлар вакили ва маҳсус табиий фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилган “олим”лар гуруҳига туркумлашган. Табиий соҳага қизиққан олимлар “ҳикмат” илми вакиллари деб ҳам эътироф этилган. Ҳикмат аслида Илк Ўрта аср шарқида Аристотель фанлар туркумигача мавжуд бўлган табиий илмлар бирлашмасини англатган бўлса, Шарқнинг аристотелизмни мусулмон дунёсига олиб кирган бир қатор файласуфлари таълимотидан кейин ҳикмат ва фалсафа деярли бирлашди. Чунки Боғдод, Исфаҳон, Дамашқ каби

<sup>3</sup> Қаранг: Мең А. Мусулманский Ренессанс. – М.: Наука. 1966. – С.145.

йирик илм марказлари кутубхоначилик анъаналарида қадимги юонон файласуфлари асарларини несторианлар орқали араб тилига таржима қилиш, уларга шарҳлар ёзиш билан бирга, Аристотель мантиғи усулларини шарқона китобларга сингдиришга бўлган ҳаракатлар ҳам мавжуд эди. Бунда араб адабиёти жанрларига янги рухни, янги маданий усулни олиб кириш, араб ва юонон маданиятини адабий жанрда бирлашиши рўй беради. Таржима пайтида баъзан муаллиф усулидан чиққан ҳолда қайта мулоҳаза қилиш, унинг ўрнига таржимоннинг номи асар муаллифи сифатида қайд этилиши ҳам содир бўлди<sup>4</sup>. Таржимонлик касби билан кенгтарқалган янабир муҳим иш китоб кўчирувчилик эди. Бу касб Уммавийлар давридаёт мавжуд бўлиб, Хорун ар-Рашид ва Халифа ал-Маъмун даврида кутубхонадаги муаллифлар ва таржимонлар китоб нусхасини кўчирувчилар билан таъминланганлар. Кордовадаги Ибн Футайс кутубхонасида доимий равишда олтига нусха кўчирувчи фаолият олиб борган.

XI асрларга келиб эса вақф кутубхоналари вужудга кела бошлади. Ислом дунёси иқтисодиётида ўзига хос мулкчилик шаклининг пайдо бўлиши вақф, ундан тушган даромад хайрия мақсадларига, давлат муассасалари, масжидлар, шифохоналар, мактаблар, кутубхоналар ва уларнинг ходимларини таъминлаш тизимини йўлга солди.

XI-XIV асрларда Миср, Боғдод, Дамашқ ва Қоҳирада юздан ортиқ вақф кутубхоналари ташкил этилган. Бу кутубхоналар турли даврларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти доимий равишда кенгайиб борган.

Мусулмон маданияти Александр Македонский давридан кейин биринчи марта катта тарихий давр ва ҳудудий маконга эга Шарқ ва Фарб, эллинистик Ўрта Ер денгизи

<sup>4</sup> Бу хақда қаранг: Халидов А.Б. Очерки истории арабской культуры. 1982. – С.258.

ва ҳинд-эрон дунёси маданиятларини бирлаштирган ҳолда янги цивилизация яратди. Юқори китобхонлик ва кутубхоначилик малакаси ҳамда маданиятига эга бўлган мусулмон дунёси ўзи яратган давлатчилик тизимида илм-фанинг ақлий кашфиётлар билан узвий алоқадор бўлган астрономия, медицина, математика фанларини олимлар фаолияти натижасида ривожлантирди. Чунки давлат бошқарувида ушбу фанлар иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Антик фалсафа элементларининг таржималар орқали китоб дунёсига кириб келиши мусулмон фалсафаси мактаблари яратилишига асос бўлди.

Илк Ўрта аср мусулмон Ренессансининг ажralmas қисми Марказий Осиёга тўғри келади. Марказий Осиёning Бухоро, Хива, Самарқанд, Марв шаҳарларида дунёга машҳур кутубхоналар ислом кириб келгунгача мавжуд бўлиб, улар йирик сулолавий кутубхоналар, масжид-мадрасалар қошидаги кутубхоналар сифатида фаолият олиб борган. Мовароуннахрда олимлар мактабларининг вужудга келишида айнан кутубхоначилик маданиятининг ўрни катта бўлган.

IX аср Бухоро амирлиги кутубхонаси жуда бой фондга эга бўлиб, у Ўрта Осиёning сиёсий ва маданий маркази ҳисобланган. Аксарият китоблар тиббиёт, мантиқ ва фалсафага доир бўлиб, тиббиётга оид китоблар ичида қадимги юонон табибларидан Гиппократ асарлари, Узоқ Шарқлик табиб Дискуридус (Педаний Диоскорид), II асрда яшаган табиб Жолинус (Клавдий Гален) асарлари, римлик табиблардан Архиген, Троян魯фус, искандариялик Бавлус (VII аср) асарлари сақланиб келинган. Шунингдек, Абу Бакр Муҳаммад бин Закарийё ар-Розий (865-925), Аббосийлар сулоласининг сарой табиби Ибн Мусовайх, бағдодлик

Исо ибн Али (IX аср), Исо бин Яхё (IX аср), ҳинд табиби Чарак Ҳиндий (I аср), яхудий табибларидан Басрали Ибн Мосаржовайх (IX аср) ва бошқаларнинг асарлари мавжуд эди.

Мовароуннахр кутубхоналарида Афлотун ва Арастулинг араб тилига таржима қилинган асарлари, Ҳусайн бин Исҳоқ томонидан араб тилига ўгирилган юонон файласуфлари китоблари, Ар-Розий, Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср Форобий ва бошқа мутафаккирларнинг қўллөзмалари сақланган.

Хоразм Маъмун академияси ҳам дорул ҳикма ва китоблар хазинасини бирлаштирган йирик илмий марказ сифатида фаолият олиб борган.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмон Ренессанси илмий толерантлик, маданий тараққиётдаги прагматик характер эвазига ўз давригача бўлган бутун инсониятда яратилган илмий, маданий, маърифий, прогрессив диний анъаналарни бирлаштирди. Лекин бушунчаки қоришма эмас, конструктив жиҳатдан янги даража ва сифатга эга бўлган цивилизацион босқич эди. Ренессанс маданиятининг илмий–методологик асосини яратган фалсафий мактаблар ислом илоҳиёти ва фалсафаси негизида бирлашди.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД КАМОЛОТИДА ҲАДИС ИЛМИНИНГ ЎРНИ

Гулчехра НАВРЎЗОВА,  
*Бухоро муҳандислик-технология  
институти профессори,  
фалсафа фанлари доктори*

Умуминсоний қадриятларнинг муҳим таркибий қисми ҳадислардир. Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ҳам ҳадис илмининг аҳамияти салмоқлидир. Бутун умри давомида ҳадисларни йиғиб, уларнинг ишончлисини жамлаган ва ҳадисшунослик илмида саҳих йўналишини бошлаган Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳих” (Ишонарли тўплам) ва “Ал-адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарлари таржима қилиниб, нашр этилгани мустақиллик берган олий неъматлардан биридир.

Имом Исмоил Бухорийнинг издошларидан бири сифатида бухоролик Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ни тилга олиш мумкин. Баҳоуддин руҳий камолот йўлини увайсийлик дейдилар. Чунки у ўзидан олдин ўтган Абдулхолик Ғиждувоний руҳониятидан таълим олган. “Мақомот” ва қолган манбаларда ёзиладики, Абдулхолик Ғиждувоний у кишига шундай буюрганлар: “Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо (С.А.В.)нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ (С.А.В.) ва унинг улуғ саҳобалари (р.а)

асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!”<sup>1</sup> Баҳоуддин Нақшбанд маънавий устозининг ўгитларига тўла амал қиласи ва айтадики, “Расул (С.А.В.) ҳадисларини ўрганиш ва саҳобаи киром (р.а) ишларига амал қилишга буюрилганим учун уламоларга мулозамат қилар ва ҳадис ўқир эрдим. Саҳобаларнинг йўл-йўриқларини ўргандим ва ҳар бирига амал қилардим. Буларнинг натижасини Илоҳий иноятлар туфайли ўзимда мушоҳада қилар эдим”<sup>2</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳадис илмини ўргатган устози ҳақида Носириддин Тўрани “Тўхфат уз-зоирин” асарида маълумот берилган. У кишини Баҳоуддин Қишлоқий деган ном билан тилга олиб қуидагиларни ёзган: Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ўз даврининг муқтадоси (раҳбари) бўлгандирлар. У киши зоҳирий (ақлий мантиқий) ва ботиний (руҳий) илмларда олим, шунингдек, каромат соҳиби эдилар. “Мақомот”да Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган қуидаги сўз келтирилган: “Ҳазрати Мавлоно Баҳоуддин Деггароний қошида бир неча вақт ҳадис ўқиган эдим”<sup>3</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳадис илмини ўрганган ва ўз ҳаётида қўллаб, яхши натижалар беришини кузатган. У бу ҳақда шундай ёзади: “Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса кафил бўламанки, у мақсадига етади”. Масалан у: “*Ман Аслаҳа жавориҳаҳу аслаҳаллоҳу жавонибаҳаҳу*”, яъни “*Кимки қўл-оёгини тўғри ишлатса, Тангри таоло унинг насибасини тўғри қилиб беради*”, ҳадисига амал қилса, кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқин йўлида охирига етади”<sup>4</sup> деган. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд инсон

<sup>1</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳ ва лугат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: О‘zbekiston. 2019. – Б.39-45.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.45.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.61.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б.149.

ўзига берган олий неъмат бўлган қўл ва оёғини тўғри, Ҳақ йўлида ишлатса, дини ҳам охирига етади ва яқин, яъни маърифатга етиб, оламнинг асл моҳиятини билиб олади, дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзи ҳам шу ўгитга амал қилиб, “Назар бар қадам” рашҳа – ўгити ва доим “Дил ба Ёр, даст ба кор” шиорига риоя этган ва тариқат аҳлини ҳам шунга чорлаган. Халифалари Алоуддин Аттор нақл қиласидики, “Ҳазрат Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочиши, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирадилар. Суҳбатларда доимо *“Ибодат ўн қисм, ундан тўқиз қисми ҳалол талабида бўлиши, бир қисми эса бошқа ибодатdir”*<sup>5</sup>, ҳадисини айтар эди. Бу ҳадисни такрорлаб, Баҳоуддин Нақшбанд ибодатнинг ўзини ўн қисм десак, унинг тўқиз қисми ҳалол луқма талабидаги амаллар, қўл ва оёғини ҳаракати, меҳнат қилиш, тил ва дилдаги ҳалол ниятини киритади. Бир қисмини эса фарз қилинган ибодатлар, дейди. Демак, фарз ибодатларни бажариб, ҳалол меҳнат қилмаса, омонатга хиёнат қилса, тили, кўзи, қулоғи, қўл, оёғини ҳаромдан эҳтиёт қилмаса, унинг барча ибодатини Оллоҳ қабул қилмас экан. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳадисга амал қилиб доимо, ўзи ҳам, тариқат аҳлини ҳам, ҳалоллик талабида бўлишга ун DAGАН.

Ином Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳих” асарининг биринчи қисми бўлган “Иймон” китобининг 40-бобида шундай ҳадис келтирилган: *“Ҳалол билан ҳаром бор нарсадир. Аммо иккаласини фарқлашда ноаниқликлар мавжуд. Одамларнинг кўни уларни билмаслар. Шунинг учун кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийгайдир, динини*

<sup>5</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳ ва лугат муаллифи Махмуд Ҳасаний. – Т.: O’zbekiston. 2019. – Б.83.

камчиликлардан, обрўйини таънадан сақлагайдир ва кимки шубҳали нарсалардан тийилмагайдир, у бирорвнинг экини чеккасида қўй боқаётган чўпонга ўхшиандир. Унинг қўйларини экинга тушириши эҳтимоли бордир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подшоҳнинг ўз чегараси бордур. Оллоҳнинг ердаги чегараси ҳаром қилинган нарсалардир. Киши баданида бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларининг барчаси тузалгайдир, агар у бузилса, аъзоларининг барчаси бузилгайдир, у қалбдор!»<sup>6</sup>. Имом Бухорий келтираётган бу саҳих ҳадисда ҳалол, ҳаром ва қалб беҳудага бир жойда келтирилмаётир. Чунки ҳалол луқма ва ичимлик қалб кўзини очишга, маърифатли бўлишга имкон беради. Ҳаром луқма ва амаллар қалбни бузади ва ундан ўтадиган қон орқали бутун вужудга тарқалади. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд қалбни асраш лозим, деб “Вуқуфи қалбий”, яъни қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини тариқат талаби сифатида киритган.

Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳих” асарининг иккинчи қисмидаги “Савдо-сотиқ китоби”да ҳам шубҳали ишларни қоралаган, 14-боби эса “Кишини касби ва ўз қўли билан меҳнатқилиши” ҳақидадир. Унда шундай ҳадис келтирилган: “Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайгамбари Довуд (а.с.) ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар”. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва Нақшбандия тариқати назария ва амалиёти тўла ҳалоллик ва шубҳали нарсадан узоқлашишга асосланган. Имом Бухорий каби Баҳоуддин Нақшбанд ҳадисларни ёд билган, сухбатларда уларни айтган. У ҳадисларни билиш билан бирга, уларни шарҳ

<sup>6</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳих. I том. – Т.: Қомуслар. 1991. – Б.26.

<sup>7</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳих. II том. – Т.: Қомуслар. 1997. – Б.9.

қилгани манбаларда келтирилган.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган тариқат Қуръон ва ҳадисларга уйғундир. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанддан “Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?” деб сўралганда: “Шариатни маҳкам тутиш ва Расули Оллоҳ (С.А.В.) суннатларига тўлиқ амал қилиш билан<sup>8</sup>”, деб жавоб беради. Бошқа жойда Баҳоуддин айтади: “Бизнинг тариқатимиз урват-л-вусқо (кучли тутқич)нинг нодир қўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо (С.А.В.) суннатининг тобелик этагига уришдир ва улуг саҳобалар изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиласиз. Бу тариқатда гарчи озгина амалда бўлса ҳам, файзу футух кўпдир. Аммо суннатга риоя этиш улуг ишдир”<sup>9</sup>.

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг биринчи қисмидаги “Иймон” китоби олтинчи бобида “Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизгараво кўрмагунингизга қадар ҳеч бирингиз чинакам мўъмин бўла олмайсиз”<sup>10</sup> деб ёзилган. Дарҳақиқат, инсонлар орасидаги муносабатда нафс бўлмаса жамият тараққий этади.

Баҳоуддин Нақшбанд касаллигининг охирларида дўстлар учун мана бу ҳадисни ўқиган эдилар: “Мўъмин эмас ул кишиким ўз ҳавою нафсини тобиъ қилмаган бўлса”, яъни нафсини тўла идора қилиб, уни руҳий камолот йўлида хизмат қилдирган кишигина мўъмин бўлиши мумкин. Мўъмин – қалби ила ғайб оламига ишонувчи, фароизларни бажарувчи, иймон эгасидир. Модомики, инсон нафс илкида

<sup>8</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Махмуд Ҳасаний. – Т.: O’zbekiston. 2019. – Б.121.

<sup>9</sup> Ўша манба – Б.120-121-бетлар.

<sup>10</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. I том. – Т.: Қомуслар. 1991. – Б.15.

екан, у ҳақиқий мўъмин бўла олмайди. Бу мазмунларни очиб, Баҳоуддин қуидаги байтни ўқиган:

*To насўзад барнаёд бўйи уд,  
Пухта донад, к-ин суханро хом не<sup>11</sup>.*

Мазмуни:

*To куймагунча уdnинг ҳиди чиқмайди,  
Бу сўз хом эмаслигини пухта одам билади.*

Яъни уд тўла куйганидан кейин ўзидан хушбуй ҳид таратади. Худди шундай нафсининг ҳою ҳавасларини жиловлаб олган, оддий одамлардан устун бўлган, руҳи bemalol камолот сари парвоз этадиган киши мўъмин бўлади. Буни тушуниш – пухта бўлиш, ботин илмидан огоҳ бўлиш, дил ахлидан бўлиш лозим. Бундай одам бўлганда аниқ, пишиқлигини билади.

Нақшбандия тариқати асосчиси, комил инсон, валийлик рутбасига Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган “Аврод” рисоласи учун ҳадислар ғоявий манба бўлганини гувоҳи бўлдик. “Аврод” инсоннинг ўз руҳини камол топтириш учун Оллоҳга муножоти тарзида ёзилгандир. Унда ёзилади: “Сўзларимни тўғри рост қил (бехуда сўзлардан асра)! Нафрат, ёмон кўришни юрагимдан узоқлаштиргин. Кина, фасод, ғазабни қалбимдан кетказгин!”<sup>12</sup>. Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарининг 182-бобидаги 391-ҳадисда Абу ад-Дардодан ривоят қилинади. У киши айтдилар: Расулуллоҳ (С.А.В): “Мен сизга намоздан, рўзадан ва садақадан ҳам даражаси ортикроқ нарсани айтиб берайми?” – дедилар. Саҳобалар: “Айтиб беринг, ё Расулуллоҳ” – дейшиди.

<sup>11</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳ ва лугат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: O’zbekiston. 2019. – Б.157.

<sup>12</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г.Наврӯзова. – Т.: Sano-standart. 2019. – Б.53-54.

**Расулуллоҳ (С.А.В):** “У эса кишиларнинг ораси тузук бўлишидир. Унинг бузук бўлиши ҳамма яхшиликларни тароишлагувчиидир”, дедилар<sup>13</sup>. Демак, кишилар ўртасидаги муносабатларни тўғри бўлиши учун қилинган амални Муҳаммад (С.А.В) намоз, рўза ва садақадан афзал дедилар. Чунки агар ибодат қилинса-ю, лекин инсонлар ўртасида нифоқ солинса, муносабатларни бузса, бу ёмонлиги барча қилган яхшиликларни ўчириб ташлайди. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” биринчи қисмида “Иймон” китоби 3-боби “Бирорвга зарари тегмаган киши мусулмондир” деб аталади. Унда шундай ҳадис ёзилган: “Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир, Оллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган киши худо йўлида жиҳод қилган кишиидир”, дейилган<sup>14</sup>. Демак, киши қўлини тўғри ишлатиши, тилини тўғри қилиши ва муносабатларни яхши қилиши ҳақиқий мусулмонлиги белгилари экан. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳга: “Сўзларимни тўғри рост қил”, деб муножот қилиб, бехуда сўз билан бирорвга озор беришдан ва муносабатларга путур етказишдан уни сақлашни сўрайди.

“Аврод”да Баҳоуддин инсонлар ўртасидаги муносабатларни бузувчи, уни залолатга олиб борувчи нафрат, ёмон кўриш, гина, фасод, ғазабни қалбимдан кеткиз деб муножот қиласди. Ҳадисларда ҳам булар ёмон сифатлар деб қораланганд. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг 4-томидаги “Адаб китоби”да бу масалага оид ҳадислар тўпланган. Унинг 57-боби “Бир-бирига ҳасад қилмоқ ва бир-биридан аразламоқ ман қилинганлиги ҳақида”дир. Унда шундай ҳадис келтирилган: “Бадгумон бўлманглар, бадгумонлик –

<sup>13</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: 1990. – Б.118.

<sup>14</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. I том. – Т.: Қомуслар. 1991. – Б.14.

энг ёлгон сўздирип (яъни бадгумонлик бирлан айтилган сўз – энг ёлгон сўздирип), тирноқ остидан кир қидирманглар, гап пойламанглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар ва нафратланманглар. Ака-ука тутиниб, Оллоҳнинг (солих) бандалари бўлинглар!”<sup>15</sup>. Китобнинг 76-бобида ғазабни босмоқ ҳақида қуйидаги ҳадислар келтирилган: “Бирорни (курашиб) йиқитган полвон эмас, балким газабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир!” Шунингдек, Абу Ҳурайра ривоят қиласидар: “Бир одам Расулulloҳ (С.А.В)га “Менга насиҳат қилингиз”, деб эрди. Жаноб Расулulloҳ (С.А.В) “Ғазабланмагил!” – деб бир неча бор айтдилар”.

“Аврод”да Баҳоуддин “Сенинг ҳузурингда камтарин бўлиш – хушуъни насиб эт!”<sup>16</sup>, деб муножот қиласидар гуноҳлардан паноҳ сўрайди. Шу билан бирга, “Бизни бир-бirimизга иттифоқ этгин. Сен бизнинг бирлашув, ягона бўлишимизнинг асосисан”, деб Оллоҳга мурожаат этади.

Имом Бухорий шундай ҳадис ҳақида маълумот берадилар: “Мўминларни ўзаро раҳмдиллик, дўстлик ва ҳамдардлик қилмоқликда бир аъзоси оғриса қолган барча аъзолари биргаликда уни ҳимоя қилиб дардан халос бўлмогига кўмаклашуви бир тана янглиг деб билгил”<sup>17</sup>. “Ҳар бир эзгу амал садақадир”, “Ширин сўз садақадир”, “Ораларингизда энг яхшингиз –хулқи яхшингиздир” ҳадислари инсон амалларини эзгу бўлишга чорлайди. Ҳадисларда ғийбат ёмон иллат сифатида қораланади ва у ўлган биродари гўштини ейиш билан тенглаштирилади. **“Ғийбатчи жаннатга кирмагайдир”** ҳадиси бу иллатдан

<sup>15</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. IV том. – Т.: Қомуслар. 1992. – Б.100-101.

<sup>16</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Тўлдирилган кайта нашр). Макола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г.Наврӯзова. – Т.: Sano-standart. 2019. – Б.53-54.

<sup>17</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. IV том. Т.: Қомуслар. 1992. – Б.89.

узоқлашишга асос бўлади.

Инсонлар ўртасидаги муносабатни бузувчи амаллар чақимчилик, сўкиш, тухмат ҳадисларда қораланади. “*Кимки тухмат қилмоқ ва тухматга ишониб иши кўрмоқдин тийилмай, жоҳилликда давом этаверар экан, унинг ебичмоқдин тийилмогининг (рўза тутмогининг) Оллоҳ Таолога ҳожати йўқдир*”<sup>18</sup> – деб ёзилади. “*Аҳли дўзах кимлар эканини (ҳам) айтайми? Ҳар бир қўпол, қуруқ, гердайган, беканоат ва димогдор одам аҳли дўзахдир*”<sup>19</sup>. Ҳадисларда инсонлар ўртасида муносабатни яхшилашга ёрдам берувчи фазилат сифатида сабр мақталади.

Баҳоуддин Нақшбандэнголий гўзаллик Оллоҳэканинитан олиб, “Сен бизларни гўзал ахлоққа ҳидоят эт!”, деб муножот этади. Баҳоуддин: “Бизни юзимизни ҳаётдан мунаvvар эт, қалбимизни завқ ва шавқинг билан тўлдир”, деб сўрайди. Шу билан бирга, “Саховатли, шариф нафс соҳиби қил! Бахил, гуноҳ билан яшовчи, мутакаббир, одамлар орасини фисқу фасод билан бузувчи, чақимчи ва фийбатчи қилма! Ё Оллоҳ! Сендан баднафс, кўп беҳуда сўзловчи бўлиш, кибр, ҳирсу ҳавас, ҳасад, дунёга берилиш, ёмон гумонли бўлиш, тамаъ, қўполлик, май ичиш, бемаҳал марғ, қаттиқ фитна ва оғир яшашдан паноҳ сўрайман”, дейди<sup>20</sup>. Ҳадисларда ҳам шунга ҳамоҳанг ҳикматлар мавжуд. Масалан, “*Ҳаёй иймондандир*”, дейилган. Баҳоуддин баднафс бўлишдан паноҳ сўраб, Оллоҳдан саховатли, шариф нафс тилайди. Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳих”нинг “Латиф сўзлар китоби”да ёзади: “*Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас,*

<sup>18</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳих. IV том. – Т.: Қомуслар. 1992. – Б.98.

<sup>19</sup> Ўша манба.1992. – Б.102.

<sup>20</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г.Наврӯзова. – Т.: Sano-standart. 2019. – Б.58.

**балки нафси тўқ одам бадавлатдир”<sup>21</sup>. Шариф нафс бойликни ҳалол меҳнати билан топган молига қаноат қилиши, унинг баракотини Оллоҳдан сўраш одамлар кўлидаги бойликка тама қилмасликдир.**

Ҳадисларда хушмуомала ва яхши хулқ энг гўзал фазилат экани таъкидланиб, “Мўмин киши асло лаънат этувчи бўлмаслиги лозим”, дейилади. Муҳаммад (С.А.В) ўзлари айтганларки, “Мен дуои бад қилувчи, лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман”. У Зотдан шундай ҳадис бор: “Мўмин киши одамларни таъна қилувчи, уялтирувчи, кишиларга лаънат ёғдирувчи, ёмон иборалар билан сўкинувчи ва уятсиз, тили аччиқ бўлиши мумкин эмас”.

“Аврод”да Баҳоуддин Нақшбанд “Эҳсон мақомида бизни гувоҳлигимизни мустаҳкам қил”,<sup>22</sup> деб айтадилар. Имом Бухорий ишонарли тўпламининг “Иймон китоби”да ёзиладики, Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В)дан “Эҳсон надур?” деб сўралганда, “Оллоҳга уни қўриб турганидек ибодат қилмогингдир. Агар сен қўрмаётган бўлсанг, У сени қўриб турибдир”, деганлар. Демак, Баҳоуддин ҳар бир амални Оллоҳ қўриб турганидек холис амалга оширган. Бу амалларнинг замирида Имом Бухорийдан сақланган қуидаги ҳадис турибди: “Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнгак ва бўгинлар бор. Улар шу сўнгак ва бўгинлар учун ҳар куни бир садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз бир садақа, киши биродарига ёрдам қилмоғи ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириши ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги нарсаларни четга олиб ташлаш ҳам

<sup>21</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳих. IV том. – Т.: Қомуслар. 1992. – Б.204.

<sup>22</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шархлар муаллифи ва таржимон Г.Наврӯзова. – Т.: Sano-standart. 2019. – Б.59.

*бир садақа ҳисобланади”.*

Демак, юқоридагиларга таяниб қуийдаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Баҳоуддин Нақшбанд ўз ватани Бухорони жаҳонга танитган муҳаддис Имом Бухорий меросини ўқиб ўрганган ва уларни назарий асос қилиб, ўзининг Нақшбандия таълимоти ва “Аврод” рисоласини ёзган. Бу манбалар ҳозирги кунда ҳам маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва шу руҳда тарбиялаш жараёнида умуминсоний қадриятларнинг бири сифатида хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, манбалар таҳлили Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва камолотида ҳадис илмининг ўрни катталигини кўрсатади. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбандни Имом Бухорийнинг издоши дейиш мумкин. Буюк муҳаддис ёшлигидан ҳадисни ўрганиб тадқиқ этгани каби, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Хожай Жаҳон ўғитларига амал қилиб, ҳадисларни ўрганган ва уларга тўла амал қилган. Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга амал қилган ҳолда Нақшбандия тариқатига асос солган. Бу камолот йўли ҳозиргача жаҳонда маълум ва машҳурдир.

Учинчидан, Баҳоуддин Нақшбанд Имом Бухорийдек олим сифатида намоён бўлади. Имом Бухорий саҳих ҳадисларни йиғиб ҳадисшунослиқда янги илмий йўналишни бошлагани каби, Баҳоуддин Нақшбанд ҳадисларнинг ботинидаги мағзини, моҳиятини чақиб, уларни шарҳлаган ҳолда комил инсонларни тарбиялаш йўлларини кўрсатган. Демак, Баҳоуддин Имом Бухорий йиғган ҳадисларни халққа етказиб, улардаги ғояларни амалда тадбиқ этиб, уларни ўрганишни янада юксак босқичга кўтарган.

Умумий хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд асос солган таълимот ва маънавий мерос Имом

Бухорий ғояларига таянган ва уларни ривожлантирган.  
Бунга қўйидагилар асос бўлади:

1. Баҳоуддин Хўжай Жаҳон ўгитларига амал қилиб, ҳадисларни ўргангандан уларга амал қилган.
2. У асослаган Нақшбандия таълимоти ва тариқати тўла суннатга мос келади.
3. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласида ҳам Имом Бухорий йиғган сахих ҳадислардаги ғоялар ривожлантирилган.
4. Имом Бухорий умрини бағишлиб йиғган ҳадисларни Баҳоуддин Нақшбанд ўрганиб, уларнинг ботиний моҳиятига етган ҳолда шарҳлаган ва амалиётда қўллаган.

## АБУ НАСР ИБН ИРОҚ – АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ САДОҚАТЛИ УСТОЗИ

Очил БЎРИЕВ,  
*Қарши давлат университети  
профессори*

Маълумки, ҳар бир инсон устозидан сабоқ олиб, камолга етади ва эл-юртга танилади. Ҳаттоки, буюк жаҳонгир Искандар Мақдуний ҳам ўз устози Арастудан таълим олиб, доимо эъзозлаган. Устозсиз вояга етган инсонни асло тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар”, “Устоз отангдек улуг”, “Устозингдан айрилма” каби ҳикматли нақллар мавжуд. Демак, устоз ота каби ҳурмат қилинган ўзбекларда устоз-шогирд анъаналари жуда олис тарихга бориб тақалади. Бу эса алоҳида илмий тадқиқотни талаб қиласди.

Жаҳон илм-фан намояндлари “XI аср – Беруний асли” деб эътироф этган. Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг устози машхур олим Абу Наср ибн Ироқ бўлиб, уларнинг устоз-шогирд муносабатлари минг йил ошса-да, ҳамон барчага ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Қўйида ана шу икки улуг сиймонинг устоз-шогирд алоқалари ҳакида бальзи фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ёшлигига устози машхур олим Абу Наср ибн Ироқдан таълим олган, илм-фан сирларини ўрганиб, қўпгина асарларини мутолаа қилган. Ибн Ироқнинг ҳам Абу Райҳон Берунийга меҳри

кучли бўлиб, астрономия, геометрия ва математикага оид 12 та асарини унга бағишилаб ёзган. Устознинг таваллуд санаси номаълум бўлиб, 1034 йил Ғазнада вафот этгани манбаларда қайд этилган.

Абу Наср ибн Ироқ Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништирган. У шогирдининг ниҳоятда истеъодди эканини таъкидлаб, Беруний ёшлигига мустақил астрономик кузатиш ишларини олиб борганини (994-995), бунинг учун маҳсус астрономик асбоб ихтиро қилганини ёзиб қолдирган. Фазовий тригонометрия асосчиси деб тан олинган, астрономия соҳасидаги қомусий олим Абу Наср ибн Ироқ ҳисобланиб, уни ҳақли равишда “Иккинчи Птолемей” деб аташган [1:288].

Ёш Абу Райхоннинг болалиги ва ўспиринлигидаги устози ўз даврининг етук алломаси Абу Наср Муҳаммад ибн Ироқ африфий хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳнинг амакиваччаси эди. Ибн Ироқ сиёsat билан шуғулланиб, бой кутубхонадан фойдаланиши, олимлар суҳбатида қатнашиши, илмий мунозараларда иштирок этиши билан машҳур эди. У 25 ёшида ёш Абу Райхонни ўз ҳомийлигига олган, чунки устознинг астрономия, сфера геометрияга оид асарлари довруқ қозонган эди.

Абу Райхон ўсмирлигига илмга қизиқиб, олим Абу Наср ибн Ироқдан математика, фалакиёт (астрономия) Абу Сах ал-Масихийдан фалсафа илмини ўрганганди. У 17 ёшида мустақил астрономик кузатишлар олиб бориб, шаҳарнинг географик кенглигини ўлчаган. 994 йил 21 ёшида эклиптика текислигини қанчалик яқинлигини аниқлаган, жаҳонда биринчи бўлиб глобусни яратган [2:128]. Абу Райхон 16–17 ёшида астрономия ва математика бўйича етук олим бўлиб шаклланган, 20 ёшида учта асар ёзган. 20-21 ёшида довруқ

қозонган.

1017 йилда Абу Наср ибн Ироқ ўзининг яқин шогирди Абу Райхон Беруний билан бирга Султон Маҳмуд Ғазнавий саройига келган ва умрининг охирига қадар шу ерда хизмат қилган. Аммо бўлажак буюк олим ҳаётининг ilk палласини – болалик ва ўсмирилик йилларини ўзининг туғилиб ўсган Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида ўтказган. Берунийнинг қандай оиласдан келиб чиққани ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Чунки ўзининг сўзларига кўра, у отасини ҳам, бобосини ҳам билмаган. Буюк аллома ёзадики: “Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, мен очигини айтганда насл-насабимни билмайман. Ахир мен аслида бобомни ҳам билмайман, Зотан отамни билмаганимдан кейин қай тариқа бобомни билай?”.

Демак, Абу Райхон болалик йиллари диёқ ота-онасидан етим қолган, лекин ўзининг ўткир зехни ва истеъоди сабабли у Котнинг Ироқий ҳукмдорларини ўзига жалб қилган. Бу ҳақда олим бундай ёзган эди [3:8]:

Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,  
Ўтди неъмат соясида кўп оним.  
Боқди Ироқ оиласи сут билан,  
Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним.  
Ироқийлар оиласи мени боқди ўз сути билан,  
Уларнинг Мансури эса мени ўстирди.

Ушбу мисрада Ибн Ироқ, яъни юқорида эслатилган Хоразмшоҳ амакисининг ўғли ҳақида сўз юритилган. Берунийнинг гувоҳлик беришича, ана шу Ибн Ироқ биринчи ўқитувчиси ва мураббийси бўлган. Устозининг туғилган йили номаълум. Аммо биобиблиограф Хайдиддин аз-Зириклининг маълумотига кўра, у 1034 йили Ғазнада вафот этган. Лекин баъзи манбаларда бу сана 1036 йил деб ҳисобланади. Агар Абу Насрнинг бобоси Ироқ X аср

бошида хоразмшоҳ бўлгани, унинг ўғли, яъни Абу Насрнинг амакисини машҳур сайёҳ ва географ Ибн Фазлон 921–922 йиллар Хоразм таҳтида кўрганлиги эътиборга олинса, у ҳолда Абу Наср X аср охирларида 50 ёшларда бўлган, деб таҳмин қилиш мумкин. Шунда Беруний туғилганида у 25 ёшда эди. Абу Наср ибн Ироқ ўз замонасиининг йирик математиги ва астрономи эди. Умар Ҳайёмнинг маълумотига кўра, “У математика билан шугулланган олимларнинг энг буюги бўлган” [4:104].

Берунийнинг ёшлик йилларида Кот шаҳрида Ироқийлар сулоласиининг сўнгги вакили хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ ҳоким бўлган. Унинг амакиси Али ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ Абу Райҳоннинг биринчи ва бош тарбиячиси ҳамда устози ҳисобланади. Беруний кўпгина асарларида устозининг унга ёшлигидан бошлаб илм берганини чуқур мамнуният билан қайд этган. Ибн Ироқ замонасиининг машҳур олими бўлиб, у ўзининг математика ҳамда астрономияга доир илмий ишлари ва қашфиётлари билан Хоразмдагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам машҳур эди.

Устознинг қаламига мансуб асарлар сони 15 тага яқин бўлиб, 12 тасини ўз шогирди Абу Райҳонга бағишлиланган. Шулардан олтитаси ўрта аср математикасиининг ўта муҳим масаласига – синуслар теоремасига бағишлиланган ва уларда ўша теореманинг исботи келтирилган. Аллома “Менелай “Сферика”сининг ислоҳи” (“Ислоҳ китоб Манаลาус фи ал-Курият”), “Менелай “Сферика”сидаги шаклини ислоҳ қилиш” (“Мақола фи ислаҳ шакл Маналаус фи курият”), “Осмон сферасидаги ёйларни бирини бошқаси орқали кесишувчи шакллар ва ташкил қилинган нисбатлардан фойдаланмай аниқлаш ҳақида рисола” (“Рисола фи маърифя

ал-киси ал-фалакий баъзуҳо мин баъз би тариқфайр тариқ маърифатиха фи шакл ал-қитъа ван-нисба ал-муаллафа”), “Яssi ва сферик синуслар теоремаси тўғри бурчакли ва ўткир бурчакли учбурчаклар учун”, “Шоҳий Алмагестет” (“Ал-Мажист аш-Шоҳий”), “Азимутлар китоби” (“Китоб ас-сумит”) каби рисолаларни ёзган.

Устозининг бу тўпламлардаги асосий гояларини биринчи бўлиб, ўз ижодига шогирди Абу Райхон Беруний сингдирган. Сферик синуслар теоремаси ташқи кўринишидан анча содда кўринса ҳам, у сферик астрономиянинг турли муаммоларини осонлик билан ҳал қилиш имконини берган. Масалан, географияда унинг ёрдамида географик пунктлар координаталари топилган. Сферик астрономияда эса унинг ёрдамида турғун юлдузлар ва сайёralарнинг экваториал ва эклиптик координаталарини топиш мумкин бўлган. Беруний ўзининг “Геодезия” ва “Қонуни Маъсъудий” асарида бу теорема формуласидан ниҳоятда унумли фойдаланган [1:288-289]. Ибн Ироқнинг асосий астрономик асарларидан бири “Шоҳи Алмагест шоҳи” ҳисобланади. Бундан ташқари, у араб тилида ёзилган қўлланмалар муаллифи ҳамdir.

Ўз даврида дунё тан олган олим Абу Наср Ироқнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси Паул Люк (Германия), Э.Кеннеди (АҚШ), Ю.Самсо (Испания), К.Иенсен (Голландия) каби олимлар томонидан юқори баҳоланган. Унинг “Геометрия бўйича саволларга жавоб трактати” немис тилига таржима қилинган ва 1910 йил Г.Зютер томонидан нашр этилган.

XI асрда Хоразмда шаклланган ва кейинчалик Маъмун академияси номини олган илмий муассаса тез орада Марказий Осиёдаги йирик илм-маърифат марказига айланган. Бу илмий марказ анъаналари қадимги Хоразм илмий-маданий масканлари ва афригийлар давридаги Кот удумларига узвий боғлиқдир. Маълумки, Кот Хоразмнинг

қадимги пойтахти бўлиб, у ерда азалий қоида бўйича олимлар гурӯҳи тўпланган эди. Улар орасидаги энг таниқли сиймо Абу Наср ибн Ироқ бўлиб, аниқ фанлар соҳасида юксак ютуқларга эришган ва қатор илмий рисолалар ёзган. Шу билан бирга, у Берунийдек буюк алломани етиштириб берганустозэди. Ибн Ироқ ўзининг “Сферика” номли асарида текис ва сферик учбурчаклар учун синуслар теоремасини исбот қилган. Шундан кейин сферик астрономиянинг ва умуман телескоплар ихтиро қилинишига қадар бўлган само илмининг барча масалаларини ҳал қилиш имконияти юзага келган. Беруний ана шу ютуқлар ва анъаналарни тўла ўзлаштирган Ибн Ироқнинг салоҳиятли ягона шогирди эди.

Абу Райхон Берунийнинг Хоразм Маъмун академиясидаги ўрни ҳам бекиёсdir. У фақатгина устозидан ўрганган илм билан чегараланиб қолмай, балки ўша давр илм-фанининг бошқа кўплаб соҳалари билан ҳам машғул бўлган. Шулар орасида қадимги ҳалқларнинг тарихи, дини ва улар ўртасидаги илмий муносабатлар масаласи муҳим ўрин тутган. Унинг илмий ижодида Ҳиндистон тарихи, этнографияси ва дини ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши ва равнақ топиши ҳам буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний ҳаёти ва фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ушбу илмий муассасада Беруний билан бирга, устози Ибн Ироқ, Ас-Саолибий, Ибн Мисковайх, Абул Хайр Ҳаммор, Абу Саҳл Масиҳий, Ибн Сино каби етук олимлар ҳам самарали фаолият кўрсатган.

Демак, минг йилдан ошса-да, устоз Абу Наср ибн Ироқ ва шогирд Абу Райхон Беруний ўртасидаги устоз-шогирд анъаналари тарих зарварағига муҳрланган. Ҳозирги даврда ана шу эзгу анъаналарга риоя қилинса, бу ибратдан сабоқ олиб, тегишли хулоса чиқарилса, жамиятимизда маънавий юксалиш жараёни янада тезлашади. Янги Ўзбекистонда

Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Беруний каби жаҳонда шуҳрат қозонганд олимлар салмоғи янада ошади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хоразм тарихи янги тадқиқотларда. – Т.: Наврӯз, 2019.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
3. Булгаков П. Г. Абу Райҳон Беруний. – Т.: Фан. 1973.
4. Омар Хайям. Тракаты. – М.: 1964.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАДРАСАЛАР ФАОЛИЯТИ

**Шоқир ГАФФОРОВ,**

*Самарқанд давлат университети, тарих факультети, Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори*

Баъзи маданият ва таълим тарихига оид асарларда муаллифлар ислом ўлкаларида мадрасаларнинг майдонга келиш тарихини X асрга тегишли деб, биринчи мадрасалар Нишопурда бунёд этилган, тарзида мулоҳаза юритади. Аммо тарихий манбаларнинг, жумладан, Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида эслатилишича, X юз йилликнинг аввалидаёқ Бухорода мадрасалар бўлиб, улардан бири мадрасаси Форжак 937 йилда содир бўлган ёнгин вақтида анча зарар кўрган [1].

Демак, таълим тизимининг муҳим босқичларидан бири бўлган мадрасаларнинг диёримиздаги икки муazzам шаҳар – Самарқанд ва Бухорода, эҳтимол, ислом дунёсида биринчилардан бўлиб бунёд этилиши VIII юз йилликнинг охири ва IX юз йилликнинг бошларига тўғри келади.

Ўлкамизда қадимда таълим-тарбия тизими уч босқичдан, яъни ибтидоий мактаб, ўрта ёки ўрта маҳсус маълумот берувчи мадраса ва мадрасаси олиялардан иборат бўлган. Ўрта маҳсус таълим мадрасалари “мадрасатун ҳарбия” (ҳарбий билим юрти), “мадрасатун муаллимин” (педагогика институти) шаклида, юқори босқич илм маскани-университетлар эса “мадрасаси улум” (“илмлар мадрасаси”

– дорилфунун) номи билан мавжуд бўлгандир[2].

Буларнинг ҳаммаси Ватанимиз ҳамда бошқа Туркистон халқлари ўтмишидаги таълим тизими мукаммал ва етук бўлганидан ва у ўша давр ҳаёти талабига тўлиқ жавоб берганидан дарак беради.

Ватанимиз таълим тизими тарихининг энг порлоқ ва такомилга етган босқичи, шубҳасиз, буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади.

XIV юз йилликнинг охирида Мовароуннахрда Амир Темур салтанати ўрнатилгач, мамлакатни бирлаштириш ва турли юришлар уюштириш билан бир қаторда пойтахт сифатида белгиланган Самарқандни обод қилиш мақсадида турли хилдаги қурилишларни амалга ошириш ҳамда таълим тизимини яхшилаш, унга дахлдор бўлган билим ўчиқларини қуриш соҳасида ҳам кенг қўламдаги фаолият бошлаб юборилди. Бунинг натижасида Самарқанд атрофида Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”сида тасвиrlаган 12 та боғ ва қасрлар, шаҳар Арки, жомеъ масжиди, Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг амакилари Аббоснинг ўғли Қусам – Қусам ибн Аббос мақбараси (ҳозирда бу Шоҳи Зинда номи билан машҳур) ва унинг атрофида қатор мақбараалар, Самарқанд тош кўрғони – Чақар мавзеида Оқсарой кабилар Амир Темурнинг бевосита топшириги билан бино қилинди. Худди шу даврда Амир Темурнинг оила аъзолари - хотини, набиралари ҳамда амиру амалдорларининг ҳам кўпчилиги мадраса ва савдо расталарини (тимларни) қурдиришга киришиб кетдилар. Натижада Амир Темурнинг хотинлари – маликалардан Сароймулхоним (мадраса), Туман оқо (хонақоҳ ва қулоҳфурушон тими), амирларидан Идигу Темур, Фирузшоҳ (мадраса), набираси Муҳаммад Султон (мадраса), амалдорларидан Самарқанд садри мавлоно

Кутбиддин (мадраса) ва бошқалар томонидан қатор иншоотлар, хусусан, мадрасалар бунёд этилди.

Бу мадрасаларнинг қурилиши бежиз эмасди. Чунки Амир Темур салтанатига асос солиниб, ҳудуди кенгайтирилар экан, уни янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган амалдорлар, зиёлиларни етиштиришга бўлган эҳтиёжи ҳам пайдо бўлган эди. Иккинчидан эса, Амир Темур муҳташам иморатларни, боғларни барпо этиш билан салтанатнинг улуғворлиги, куч-қудрати ва иқтидорини намойиш этишни ҳам назарда тутган эди. Бу мақсадларини амалга ошириш учун эса қайси мамлакат ва ўлкада бўлмасин у ерлардаги машҳур олим, табиб, ҳунарманд ва иқтидори баланд мутахассисларни ўз пойтахти Самарқандга олиб келарди<sup>1</sup>. Шунинг учун Самарқандда Мовароуннахр, Хуросон, Рум, Эрон, Шом, Ҳиндистоннинг турли шаҳар ва кентларидан бўлган мутахассислар тўпланиб қолган эди. Жумладан, олимлардан Саъдиддин Масъуд Тафтазоний, Сайид Шариф Журжоний, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Абу Сайид ибн Бурҳониддин Соғаржий, мавлоно Камолиддин Кеший; ҳунармандлардан меъмор ва муҳандислар Фахри Али, олим Насафий, Зайниддий Шамс Табризий, Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний; нақош ва хаттотлар Юсуф Шерозий, Муҳаммад бин Ҳожи Бандгир ал-Тугро-и Табризий ва бошқалар. Бу мутахассислардан унумли фойдаланиш учун эса барча соҳаларда, жумладан, таълим тизимини янада жонлантириш, янги-янги асарлар ёзиб, Амир Темур ва темурийзодалар шуҳратини баланд кўтариш мақсадида

<sup>1</sup>Шахзода Халил Султон Буюк Соҳибқироннинг вафотидан кейин Самарқанд таҳтига ўтиргач, унинг илк фармонларидан бири Туркистон шаҳарларига жойлаштирилган олим, уста ва ҳунармандларнинг ўз юртига қайтишига жавоб бериш ҳақида эди. Улар ўз ватанига қайтганидан кейин ҳам маҳаллий олим ва ҳунармандлар миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг бетакор асарларини яратишни давом эттириди – *Муаллиф*.

мадрасаларнинг қурилишига ҳам катта эътибор қаратилган эди.

Соҳибқирон даврида қурилган мадрасаларнинг айримлари 20-25 толиби илмга мўлжалланган бўлса, (Муҳаммад Султон мадрасаси), баъзилари 100 тагача толиби илмга мўлжалланган (Идигу Темур, Кутбиддин Садр, Сароймулхоним мадрасалари). Мадрасалар маълум даражада ихтисослаштирилган кўринади, жумладан, бошқарув кадрларни тайёрлаш (Мавлоно Кутбиддин Садр мадрасаси), умумий мутахассислар (зиёли, имом, олим, мактаб ўқитувчиси...) тайёрлаш (Идигу Темур, Сароймулхоним мадрасалари) ва бошқалар.

Мадрасаларда дарслар ўқитиладиган илмлар хусусиятига кўра уч тилда – араб, форс ва туркий (ўзбек) тилларида олиб борилган. Ҳар бир мадрасада унинг вақфномасида белгиланган даромадларга ҳамда ихтисосига қараб толиби илмлар сони – миқдори белгиланган. Шунга мувофиқ тарзда уларда садр-мутавалли, мударрис, муъид, ҳофиз, имом, муқри, ноқит, мужовири, фаррош, мусдир ва бошқалар сони ҳам белгиланган. Садр-мутаваллига мударрислар ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, мадрасани таъмиrlаб туриш вазифалари ҳам юклатилган[3].

Туркистон халқлари таълим тизимидағи “олтин аср”, шубҳасиз, Мирзо Улуғбек (1409-1449) давридир. Улуғ олим ва давлат арбоби, буюк бобокалони каби илм-фан ва маърифат ҳомийси Мирзо Улуғбек Мовароуннахрда хукмронлик қилган 40 йил давомида ўлка ўша давр дунё цивилизациясининг энг пешқадам ўринларини эгаллаган эди. Олим ва хукмдорнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Туркистон бутун мусулмон Шарқининг илм-фан ва маданият марказига айланди. Буюк жаҳонгир Амир Темур ўз салтанатининг маданий-маърифий ва илмий қудратини

ошириш учун ўзгалар юртидан олиму хунармандларни кўчиритириб келтирган бўлса, Улуғбек Мирзо даврида Арабу Ажам, Руму Ҳиндистоннинг толиби илмлари Туркистонга ўз ихтиёри билан ёпирилиб келди.

Тарихий манбаларда Улуғбек қурдирган ўнлаб мадрасаю масжид, мақбараю хонақоҳ, бозору ҳаммомлар хусусида кўплаб маълумотлар келтирилади.

Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси 1417 йилда қурилган бўлиб, унинг меъмори Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳонийдир.

Мадраса ҳажми жиҳатидан кичик (тарҳи 50x40 метр) бўлиб, унда гўзал кириш пештоқи, ҳовлида эса икки қаватдан иборат хужралар, масжид, дарсхона мавжуд. Мадрасанинг кириш дарвозаси ўнг табақасининг юқоридаги диласида машҳур ҳадис – “Илм талаб қилиш (ўрганиш) барча муслим ва муслималарга фарзdir” – гўзал настаълиқ хати билан ёзиб қўйилган. Бундай ёзув – ҳадиснинг Амир Темур томонидан қурдирилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги (Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳрида) ёзувлар ичida ҳам борлиги маълум.

Шу мазмунга уйғун бўлган иккинчи ёзув дарвозанинг биринжий (бронза) халқасида битилган қуйидаги сўзлар ҳам дикқатга сазовордир: “Китобий билимга интилувчилар учун Аллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очиқдир”.

Шуни айтиш жоизки, Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси кириш эшигига илм, билимга ташвиқ ва тарғиб этувчи бундай ёзувларнинг битилгани Мирзо Улуғбекнинг таълим тизимига, унинг ўчоқларидан бири бўлмиш мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради.

Мадраса фаолиятига доир маълумотларнинг камлиги кўп мадрасалар устида аниқ сўз юритишга имкон бермаса-да,

аммо унинг умумий йўналишдаги мадраса эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Мадраса ҳозирги кунда сақланган. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1993-1994 йилларда таъмирланган.

Мирзо Улуғбек 1433 йилда шайх Абдулхолик Фиждувоний қабрининг кун ботар томонида бир қаватли кичик бир мадраса (Фиждувон шаҳрида) қурдирди. Мадраса пештоқ, ҳовлида эса масжид, дарсхона ва хонақоҳдан иборат бўлган. Бу бежиз эмас эди. Мирзо Улуғбек бу мадрасани қуриш билан ўзининг Ҳожагон тариқатининг бонийси Абдулхолик Фиждувонийга нисбатан бўлган ҳурматини изҳор этган эди.

Ҳозирги кунда бу мадраса – хонақоҳнинг пештоқи ва олд қисми сақланиб қолган. Кейинги юз йилликларда ёзги масжид биноси қурилиб, унга ёпиширилган ҳамда ёнида кичик минора (Бухородаги Минораи Калоннинг кичик нухаси) қурилган.

Мирзо Улуғбек Самарқандда тўпланган илм аҳли, моҳир муҳандислар маслаҳати билан мамлакатда, жумладан, пойтахт Самарқанддатाълимтизимивайлмийтадқиқотларни самарали тарзда амалга ошириш мақсадида кенг кўламли қурилиш ишларини бошлаб юборди. Шуниси борки, бу ишларни бошлашдан олдин, таълим тизими ва илмий тадқиқотлар учун мадраса ва унинг мажмуалари мақсади, вазифаси, жойи, меъморлари ҳамда ҳар бир иншоотнинг ўша даврда қўлга киритилган тажрибалар ва назарий жиҳатдан асосланган бўлишига катта эътибор қаратилган. Бу ишда эса муҳандислар султони Фиёсиддин Коший, машхур меъмор ва наққошлар Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний, Исломий бин Тоҳир бин Маҳмуд Исфаҳоний, Юсуф Шерозий, Муҳаммад бин ҳожи Бандгир ва бошқалардан иборат гуруҳ мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий ва Мирзо Улуғбекнинг

бевосита раҳбарлигига истиқболли режаларни яратди. Ана шу асосда Бухоро (1417 йил) ва Ғиждувонда (1433 йил) мадрасалар қуриш, Самарқандда эса мадраса мажмуасини (комплексини) яратиш режаси тасдиқланган эди.

Абдураззок Самарқандий (1413-1482) ўзининг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асарида шундай ёзади:

“(Мирзо Улуғбек) Самарқанд шаҳрининг ичида, унинг ўртаси ва майдонининг марказида, Арки Олийга яқин жойлашган Сар-и давоник деб аталган мавзеда бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилди”.

Мадрасанинг қурилиши Бухородаги мадраса қурилиши билан бир вақтда бошланган бўлса-да, Бухоро мадрасаси 1417 йилда қурилиб битказилди. Самарқанддаги мадраса ўз кўлами ва иншоотларининг кўплиги туфайли 1417-1420 йилларда қуриб битказилган.

Мадраса меъморий жиҳатдан ниҳоятда муҳташам бўлиб, наққошлик хаттотлик, тошйўнарлик, ёғочкорликнинг энг олий намунасиdir. Мадраса эгаллаган майдон сатҳининг тарҳи 81x56 метр бўлиб, унинг олд томони – пештоқи кун чиқарга қаратилган. Пештоқда юлдузли осмон – қўқ тасвири, кириш дарвозаси ёғочда ўймакорлик санъати асосида тайёрланган. Олд қисмининг жануб ва шимол томонларида уч қаватли иккита гулдаста минора, уларнинг ёнларида иккита гўзал гумбаз, мадрасанинг жанубий ва шимолий ён томонларида пештоқли кириш дарвоза ва айвонлар, мадраса ҳовлиси кун ботар томонининг жануб ва шимолида эса яна иккита гулдаста-минора ҳамда иккита гумбаз бор.

Мадрасада икки қаватда 55 ҳужра бор. Ҳар бир ҳужра ўз навбатида, икки қаватдан иборат. Биринчисида қозноқ ва мутолаа, сұхбат ўрни жойлашган бўлиб, иккинчи қават – ётоқхонадир. Бир ҳужра икки кишининг яшаси учун

мўлжалланган.

Мадрасанинг тўрт томонида тўртта дарсхона, кун ботар томонида эса масжид мавжуд. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадраса мажмуасининг бошқа мадрасалардан фарқ қилувчи хусусияти унинг расадхонани ҳам ўз таркибида олганида, деб уқтирилган эди. Шу фикрнинг тасдиғи сифатида XVII юз йилликда яшаб ижод этган шоир, адабиётшунос ва муаррих мавлоно Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асаридан қуидаги маълумотни келтириш ўринлидир. Мавлоно Мутрибий шундай ёзади: (*мазмуни*) “Аторуд фатинатли расад боғловчилар ва Муштарий хислат Қамар сурат ахтаршунослар етти иқлим ва Ер маъмураси суратини султони шаҳид Улуғбек Кўрагоннинг Самарқанди фирдавсмонанддаги мадрасасини деворига шундай тасвир этганлар (алоҳида бетда етти иқлим харитасининг бу сурати берилган)”. Мавлоно Мутрибийнинг ёзганларига ишонмоқ керак. Улардан кўринадики, мадрасада етти иқлим харитаси суратининг чизилгани расадхона ишга тушиб, етти иқлим самтлари аниқлангандан сўнг унинг харитаси тузилган ҳамда унинг нусхаси мадраса деворига чизилган. Мадраса даврлар ўтиши билан бир неча марта таъмирлангани натижасида бу сурат йўқолган – ўчиб кетган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда мадраса деворида чизилган етти иқлим харитаси сурати сақланмаган.

Мадраса иш бошлаганда толиби илмларнинг билим савияси – даражаси аниқланиб, улар уч гурухга – аъло (юқори), авsat (ўрта) ва адно (паст) га ажратилган. Бу ўринда шуни ҳам эслатиш жоизки, толиби илмнинг қайси гурухга мансублигини билиш мақсадида, улар имтиҳон қилинган. Имтиҳонни мавлоно Қозизода Румий раҳбарлигидаги маҳсус ҳайъат ўтказган. Толиби илмларни имтиҳондан

ўтказиш маросимида баъзан Мирзо Улуғбек ҳам қатнашган.

Мадрасада ўқув жараёни етти ой давом этган. У мезон ойининг биринчи куни (21 сентябрь) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи кунигача (21 март) давом этган. Ҳамал ойидан (21 мартдан) мезон ойигача (21 сентябрь) бўлган муддат таътил ҳисобланиб, толиби илмлар турли ишлар (дехқончилик, хунармандчилик, масжид имомлиги ва бошқалар) билан шуғулланган.

Мадрасада таълим олиш муддати уч босқични – адно, авsat, аълони назарда тутган ҳолда саккиз йил белгиланиб, шу муддат ичida толиби илмга ойлик ва улуфа белгиланган.

Ўзининг қобилияти ва истеъоди билан алоҳида ажралиб турган толиби илмларга дарс ўтишга ижозатномалар берилиб, мадрасанинг ўзида мударрис сифатида олиб қолганлар (масалан, Али Қушчи, Абдураҳмон Жомийлар).

Мадрасани хатм қилган толиби илмларга дарс ўқиши, яъни мударрислик қилиш мумкинлигини билдирувчи ижозатнома – диплом берилган. Ижозатнома – дипломда толиби илм томонидан ўзлаштирган илм ва ўргангандараслар номи ёзилган. Ана шундай ижозатнома – дипломлардан бири, яъни мирзо Улуғбек мадрасасининг бош мударриси Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий томонидан 1435 йил тарихи билан берилган ижозатнома ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўллўзмалар фондида сақланади.

Мирзо Улуғбек вафотидан (1449) сўнг ҳам мадраса ўз фаолиятини давом эттириди. Мавлоно Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида (1487 йил) хабар беришибча, бу даврда (1487 йилда) Мирзо Улуғбек мадрасасида 100 дан қўпроқ толиби илм таҳсилни давом эттирган. Бу толиби илмларга эса Хожа Фазлуллоҳ Абу

Лайсий, Али Қушчилар билан бирга, Мир Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоиси”да ёзилишича, мавлоно Хожа Хурдхам мударрислик қилган. Жумладан, Мир Алишер Навоий Самарқандда бўлиб, таълим олган вақтда (1465-1469 йиллар) Мирзо Улуғбек мадрасасининг бу мударрисидан ҳам таҳсил олган. Мир Алишер Навоий ёзади: “Хожа Хурд – Самарқанд таҳтининг яккаlama қозиси ва Улуғбек Мирзо мадрасасининг мударрисидур. Бовужуди фазлу камол ақл ва дониш ҳулласи била орастадур ва бовужуди зухду тавқо хусни аҳлоқ зевари била пийростадур... Фақир (Мир Алишер Навоий) нинг “Вақфия”сининг тасҳехин қилурда “мин вақф-и Алишер” тарих топибдур”.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач (1991 йил), тарих ва меросга янгича муносабат бошланди. Натижада Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳам ўз ҳолига келтириш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек мадрасаси Самарқанд Регистон майдонининг шукуҳли ва азамат обидасига айланган.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиздир. Ўлкамиз дунёning энг қадимий олий таълим тизимиға эга масканларидан бири экан, биз нега бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд университет ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг бошланғичини 1917 йилдан кейинги даврга олиб бориб боғлашимиз керак? Акад. Б.Н.Валихўжаев жуда ҳақли ва ўринли таъкидлаганидек, жумладан, Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасасининг бевосита вориси бўлиб, унинг ташкил этилиш тарихига (1420 мелодий йил) бориб тақалади. Бу гап барча шаҳарларда (Тошкент, Бухоро, Хива...) мавжуд бўлган мадрасаси олиялар ва уларнинг ворислари бўлмиш университетларга ҳам тааллуклидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: 1966. – Б.84.
2. Валихўжаев Б. Н. Темурийлар қурғон мадрасаи олиялар // Маърифат, 2001 йил, 4-апрель.
3. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. /Вакф-наме/ –Т.: Наука. 1966. –С.66.
4. Мутрибий. Тазкиратуш шуаро. Қўллўзма. ЎзР.ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Инв.2253. –Б.158 а-в.
5. Валихўжаев Б. Сурати ҳафт иқлим дар мадрасаи Мирзо Улуғбек // Овози Самарқанд, 1992 йил, 18 апрель.
6. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Илмий танқидий матни. –Т.: Фан. 1961. –Б.182. (араб алифбосида).
7. Валихўжаев Б.Н. Темурийлар қурган мадрасаи олиялар // Маърифат, 2001 йил, 4 апрель.
8. Бертельс Д.Е. Мусулманский Ренессанс. –М.: Наука. 1966.
9. Бартольд В.В. Сочинения. Т.П, ч.2. – М.: 1964.

## **SOCIO-PHILOSOPHICAL VIEWS OF ISHOQHAN IBRAT**

**Nazar HAKIMOV,**

*Tashkent State University of Economics,*

*head of the department “Social*

*Humanities and Exact Sciences”,*

*Doctor of Philosophical Sciences, professor*

**Dilrabo AMRIDINOVA,**

*University of Tashkent for Applied Sciences,*

*Department of History, DSc, professor*

**Introduction.** In our country, the reforms on the in-depth study and promotion of the scientific and spiritual heritage of the great scholars, and the education of the young generation in the spirit of the noble traditions of the ancients are continuing. Special attention is being paid to the development of spiritual and educational spheres, which are of great importance in the social life of our country. In particular, systematic work is being carried out to study and translate the scientific heritage of modern thinkers, to create a reading culture for young people, to raise creative thinking, and to educate them in the spirit of patriotism and respect for our universal values. Such processes serve as an important factor in the formation of the methodology of spiritual and philosophical discourse in the science of philosophy.

“Following the wise traditions of our ancestors, realizing their ideas, we are carrying out strict reforms, we are on the way to form a new image of our country” [1]. In this regard, it is important to reveal on a scientific basis the content of the

ideas of the Jadids, such as love and loyalty to the Motherland, tolerance, honoring and strengthening the family as a sacred value, spiritual awareness, tolerance and respect for Islamic values, and educating a perfect person, which are recognized not only in our country, but also in the world. In this article, based on the study of the scientific heritage of the enlightener Ishoqhan Ibrat, the examples of education in the spirit of loyalty to the values of our motherland are analyzed.

In today's era of globalization, the rich spiritual heritage left by the late Is'haqhan Ibrat serves as an important resource in educating the current young generation to be knowledgeable, literate, and enlightened. This idea was put forward in more than ten scientific-historical and educational works of Ishoqhan Ibrat, such as "Olti Tilli Lug`at", "Majlatar Majmui", "Tarixi Ferghana", "Tarihi Kusult", "Zamon Tarozusi". literate, knew seven foreign languages.

The President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoev, in his address to the Oliy Majlis on January 24, 2020, states that "We must deeply study the legacy of the revolutionary movement and our enlightened forefathers. The more we study the spiritual treasure, the more we find answers to many questions that still concern us today. The more actively we promote this priceless wealth, the more our people, especially our youth, will realize the value of today's peaceful and free life" [2]. Therefore, among modern thinkers, Ishoqhan Ibrat's creative work, philosophical views, and social content ideas put forward by him have not lost their importance even today. At the current stages of his society's development, taking a step into the future with a deep understanding of the way of life on the way to the development of the nation, is of great importance in forming an active citizenship position in young people.

**Literature analysis.** The study of Ishoqhan Ibrat's socio-

philosophical thoughts and conceptual views was carried out by foreign scholars, such as American Adib Khalid, [3] E.Alworth, [4.] German I. Baldauf [5], orientalist and historical scholars. The work of representatives of the Jadid movement, the study of the works of Ishoqhan Ibrat in the countries of the Commonwealth of Independent States by Posadsky A.V., Posadsky S.V. It was carried out by scientists such as [6], R. Hodizoda, [7] N. Gafarov [8]. It should be noted that the above authors are mostly contemporary artists who analyzed the content of his works, pamphlets, books and socio-political activities devoted to the history of society. Also, among the philosophers, historians, sociologists and pedagogues of Uzbekistan Sh.Radjabov, [9] I.Mominov, [10] D.Alimova, [11] B.Kasimov, [12] in the scientific research works of U.Dolimov [13], K.A.Vokhidova [14], the content of the studies of the moderns on the parables of the human social and spiritual world was studied based on an independent approach.

**Methods.** Historical, critical, analysis, and synthesis methods of philosophical research were used in preparing the article for publication, using Ishoqhan Ibrat's scientific and spiritual works, sources, summarizing materials and summarizing independent conclusions. The methodological basis of the article is the works of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev, his Decrees, the conceptual ideas described in the work of the head of our state "New Uzbekistan Strategy". The recommendations of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on the in-depth analysis of the heritage of the past, the great reality in the spiritual and scientific history of our country, the scientific achievements of the first and second Renaissance, the works of authors of worldly knowledge related to social and economic development, and the Decisions dedicated to the creation of the foundation of the third Renaissance are of great importance

is enough. Also, in order to analyze Ibrat's social views and thoughts related to the Jadid movement, to draw independent conclusions, monographic studies on the doctrine of Jadid, materials of scientific and practical conferences held on the republican scale, scientific articles, works of foreign scientists were used. Also, in the new era of social development, mass media, including philosophical opinions published on the Internet, aimed at revealing the content of various aspects of the Jadid movement, opinions of Uzbek and foreign philosophers and sociologists were used.

**Results obtained.** The role of the thinker Ishoqhan Ibrat's scientific heritage in the society and in the enrichment of individual spirituality is incomparable. Based on his philosophies, he dreamed of seeing the development of the country and the future of the country among the developed countries, and his visions leading to achieving it lie. A certain part of Ishoqhan Ibrat's life is spent in foreign countries. From this experience and conclusions, the scientist made a good use of many foreign languages, as well as deeply studied the reasons for the development of the cultural and philosophical heritage of other nations. His scientific articles are devoted to the analysis of the problems of that time. An important aspect of the educational literature is that most of them are written in the spirit of enlightenment. Ishoqhan Ibrat encourages the youth and the whole nation to strive for culture, enlightenment, innovation, and development. The leading thought in Ibrat's philosophy calls to save the people of Turkestan from illiteracy, slavery, and poverty, and at the same time emphasizes that the youth was the main force for achieving freedom. Ishoqhan Ibrat emphasizes the role of knowledge and enlightenment in enriching the spirituality of a person and shows that the personal responsibility of intellectuals is important in this regard.

**Discussion.** Ishoqhan Ibrat was born in 1862 in the village of Torakorgan, near the city of Namangan, in an intellectual family. His parents, Junaydullahojah and Huribibi, were literate intellectuals of their time. Ishoqhan first studied in a village school based on the Hija method, but he learned literacy at the hands of his mother. He writes about it like this: “In the old neighborhood school, I studied 3 times in 5 years with a teacher, and in the end I didn’t get any reading, then in the girls’ school, in our house, I learned reading from my late parents. I practiced reading from my Qiblah for two days” [15].

Ishoqhan Ibrat is the author of several works that truthfully express people’s life on social and political topics. The poet’s satirical works such as “Bolubtur”, “O‘lursan”, “Shikoyat”, “Siymu zardur” are among them.

Ishoqhan Ibrat left a rich cultural legacy as a philosopher and historian. A skilled calligrapher who used a pen in ten types of letters, he was one of the Uzbek publishers who founded “Matbaai Ishaqiyah” under his name.

Ibrat continued his work as an advanced pedagogue, and in 1907 he expanded the school based on the “usuli savtiya” method in his home. He taught 30 village children. He conducted the study and teaching of the subjects taught at the school based on the program he had drawn up. The school was located in a large room with a bright window, and it was equipped with new educational equipment – desks, tables and chairs, textbooks, blackboards, notebooks, etc. Ibrat invited Husain Makaev, a pedagogue who was aware of new teaching methods, to his school. Husayn Makaev and his wife Fatima Makaeva worked as teachers at Ishoqhan Ibrat school.

Ishoqhan Ibrat’s series of articles dedicated to the “old method” and “old method” schools were published in “Turkiston viloyatining gazeti”. Ishoqhan Ibrat tried to make the

representatives of the nation enjoy every advanced innovation created in world science and culture.

It should be noted that the practical results of education based on the new method were visible in the activities of modern schools. Ishoqhan Ibrat writes that in demonstrating the possibilities of the new educational system, it is based mainly on the achieved achievements and the new methods he has put into practice. For example: “I myself took ten-fifteen children under my care, who did not get any benefit in the old school, and I got a teacher from Kazan and made them a school. It has not been three months since the school started, more than twenty small children, fifteen people “what is alif?” Those who answered “beat” to the question became completely literate and could write everything down. Four, five, seven and eight days, the mullahs, who knew nothing, were able to communicate in Arabic and read all the books. That’s why we experimented with our eyes and devoted ourselves to this teaching” [15] he says.

It can be explained by the fact that the enlightener Ishoqhan introduced the weekly lesson schedule as a place in the new education system of the Ibrat school. In 1896, alloma wrote a work entitled “Lug‘ati sitta alsina” (“Dictionary of six languages”), which included six languages. In 1901, the progressive Ishoqhan Ibrat, who knew seven languages, published a work called “Lug‘ati sitta alsina” bringing Russian words into one system of Arabic writing.

The work encourages the nation’s youth to learn a foreign language and bring them closer to the achievements of world science and culture. Ishoqhan Ibrat tried to educate young people by inviting Husain Makaev, a connoisseur of the Russian language, to the school founded by him.

The 20th century is the age of enlightenment and science and technology, and the main emphasis was placed on the

problems of the illiterate nation, and it was emphasized in most of the publications that it is necessary to educate the public on European science and tradition, craft and art. In the articles written from the point of view of development, questions were raised as to why the people of the Turkestan region faced such a crisis, and in many cases the “black clouds of unhappiness”, “raining down the rains of toil and hardship” are “lazy, sleeping wrapped in the thickest blanket of laziness” [16]. The people of the Turkestan region were called to quickly learn from the “European culture standing in front of them”. At the same time, he notes with regret that the youth of the Turkestan region, while learning the advanced science and technology of Europe, are also quickly absorbing their negative vices and habits. “Even if they were satisfied with very little imitation of the useful things of Europe, they made too much effort in fashion, drinking and similar things. It is true that the European culture entered the Japanese with its head, but it entered our Muslims with its tail and back [16].

First of all, the progressives made recommendations, realizing that the representatives of the local people will protect the interests of the nation by learning foreign languages, and they will create a foundation for acquiring and mastering scientific and technical innovations. For example, they were well aware of the importance of learning the Russian language in order to achieve economic development and protect the interests of the nation under colonial conditions.

The President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev states that “the greatest wealth is intelligence and knowledge, the greatest heritage is good education, and the greatest poverty is ignorance” [1]. It should become a necessity to be the owner of enlightenment and high culture. For this reason, the question of demand for innovative sciences has gained urgent importance

in the views of our ancestors, especially Ishoqhan Ibrat.

Major modern representatives of the Turkestan region started their activities not in isolation, but in mutual cooperation, cooperation, and close communication. Munavvarqori Abdurashidkhanov published his works in Behbudi's "Oyna" magazine, "Sadoyi Turkistan" led by Ishoqhan Ibrat Tashkent, and "Sadoyi Fergana" newspapers in Ferghana.

Ishoqhan Ibrat tried to make his people enjoy every advanced innovation created in world science and culture. With this, Ishoqhan paid special attention to the training of personnel necessary for the development of the country. The only way to solve this problem is to send students to foreign countries and resettle those who have returned from studies. In order to start from the foundation, we need to continue education, get students, send students to courses, replace the old ones, and then our culture will emerge" [17.130]. It is known from these opinions that Ibrat considered it necessary to eliminate illiteracy and ignorance first of all for the development of the country. He explained that it is possible to achieve social and economic development of the state only when educated intellectuals who know the basics of science and technology emerge from among the representatives of our people.

As a result of Russian invasion, along with capitalist relations, extremely negative vices and heresies entered the life of Turkestan. These vices had a strong negative effect on the morals of the local people. In particular, there have been cases of indulgence in hotels, restaurants, and "always being drunk". Academician V.V.Barthold writes the following: "As a result of getting closer to the Russians and learning the Russian language, the rural population also mastered the external, negative aspects of Russian life. They learned to lead a promiscuous life, to drink wine and beer..." Moreover, the Russian government also

created great opportunities for the influx of prostitutes in order to destroy the spirituality and religious beliefs of the peoples of the colonial lands.

The leading idea in Ishoqhan Ibrat's work is the idea of promoting the innovations of science, culture and technology. The essence of Ibrat enlightenment is that it is science in his poems calling for enlightenment, human destiny was in the first place. He promoted science and technology that serve the economic and cultural life of the people, alleviate their problems, and bring the distance closer. From this point of view, his "Tarihi Chopkhana", "Culture about Masnavi", "Gazeta Xususida", "Address to Turkistan", "Tabrik Namangondin", "Kalam", "Tarihi Manzumai Vagon Ibratdin Yodgor", "Muhammasi Ibrat" poems are noteworthy. In these poems, the poet sharply exposed the bigots and old-timers who drag the country and people into age-old backwardness [18].

Also, enlightener Ibrat paid great attention to weddings from folk ceremonies, including weddings of boys, races, weddings, blessing weddings, weddings of girls, dowries [15.44-45] was criticized by scholars. The author says that if five hundred are spent on blessings at weddings, then two thousand will be spent on the next wedding day, and there is no benefit to the son and daughter from these expenses, if they do commercial or part-time jobs instead, it would be an initial help for them [15.45-46]. focused on the problems of economic protection of a young family.

Ishoqhan Ibrat criticized characteristics such as idleness, laziness, laziness in the work "Mezon uz-zaman". In particular, Ibrat criticized the "choyxona" that have become part of tradition and painting. Ibrat also criticizes the youths who are idle and wasteful in the sasr, they talk about the idleness of the three months of winter as a wedding and talk, and he admits

that if they read books and issues, the outlook of the youth can be expanded [ 15.48]. Ishoqhan Ibrat, while expressing these views, advised the youth to be skilled, saying that no prophet or saint was without a skill, and concluded that the youth would have been on the right path if they had worked and had a skill for their household [15. 48-49].

Ibrat commented on the establishment of a girls' school based on the national customs and traditions in the villages, and said that this work might take place a little later: "Now we have said that the school is only a male school, but it seems to be closer to a girls' school" [17.135]. Then, explaining the reasons for this, he wrote: "The barbarity of the people and the fact that the parents do not take care of their daughters and do not send them to a man or a place, especially the women are drowning in regret, and it seems that it will take them fifty years to lose this regret" [17.135]. For example, girls He hoped that in order to attract women and girls of that time to the school as soon as possible, it is necessary to use the literate women in the villages, so that "within five to ten years... five to ten teachers will be ready in each village" [17.136]. He said that more women teachers should be involved in this work and considered it the most convenient way to educate girls. It can be seen that Ishoqhan was a supporter of active participation of women in the social life of the nation.

This, in turn, requires consistent implementation of the belief that "Giving knowledge to women is to make the society knowledgeable, enlightened and capable" [1:250].

**Conclusion.** As a conclusion, it should be noted that Ishoqhan Ibrat raised the actual issues in the social life in which he lived and reacted to them. The poet attached great importance to newspapers and magazines in educating the people, and he himself tried to publish a newspaper. That's why

in the current globalization period, the importance of forming patriotic qualities in the next generation, as the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev noted, “Educating our children as independent-minded, modern knowledge and professional, truly patriotic people with a strong life position is a matter of urgent importance for us” [20].

For this reason, it should be an urgent issue to convey to the students during the lessons the works of Ishoqhan Ibrat, the great representatives of the Jadid doctrine, philosophical heritage, spiritual and moral education during his life and work, and to educate them in the national spirit.

### **LIST OF REFERENCES:**

1. Mirziyoyev Sh.M. New Uzbekistan strategy. –T.: Uzbekistan. 2021, –P.464.
2. Missive of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyev to the Oliy Majlis, January 24, 2020. www. president.uz .
3. Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. –Berkeley.: University of California Press. 1998. <http://ark.cdlib.org/ark:/13030/ft8g5008rv>.
4. Edward A. Allworth. Evading Reality: The Devices of Abdalrauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist. –Boston.: Brill Leiden. –P.367.
5. Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within reformism and modernism in the muslim world // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar ., 2001).
6. Posadsky A.V., Posadsky S.V. Journal of the institute. –Moscow.: 2021/3(26).
7. Rasul Khadiza. К не звезды падают: Ist. novel /. – Dushanbe.: Adib. 1991. –P.431.

8. Гафаров Н.У. Книго товарищество джадидов в Средней Азии. Вестник. РТСУ.
9. Radjabov Sh. Jadidism in Turkestan (1905-1917). Abstracts for a dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. –Leningrad.: 1937.
10. Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане конца XIX – начало XX вв. –Т.: 1957.
11. Alimova D.A. (otv.ed.) History and history of Uzbekistan in the XX century. –T.: Navruz, 2014. –P.428.
12. Kasimov B., Yusupov Sh., Dolimov D., Rizaev Sh., Akhmedov S. Uzbek literature of the period of national renaissance. –T.: Morality. 2004.
13. Далимов У. Жизн и творчество узбекского поэта – просветителя Ибрата. Введение: анн. дис. кандидат наук. Филологические науки. –Т.: 1971.
14. Vokhidova K.A. Ishoqhan Junaidullah Khoja's son Ibrat and his historical-scientific heritage. Dissertation written for obtaining a degree in History. – T.: 2002.
15. Ishoqhan Ibrat. The criterion is time. Book II , – P.36-37.
16. Budaily M. A scene from the life of Muslims // Sadoi Turkestan. May 6, 1914 issue.
17. Ibrat I. Historical culture. Own RFAShI.Q. inv No. 11616, No. 10117. B 128.
18. Ishoqhan Tora Ibrat. Selected works/ Ibrat Ishoqhan Tora; responsible editor: Begali Kasimov. – T.: Spirituality. 2005. – P.200.
19. Jakbarov M. Ishoqhan Ibrat's work and philosophical views // History of Uzbek philosophy (Volume III). – T.: Muharrir, 2020. – P.328.
20. Mirziyoyev Sh.M. We will build our great future together with our brave and noble people. –T.: Uzbekistan. 2017. – P.488.

21. Amridinova D.T. Evolution of the concept of perfect man in national philosophy. Monography. –T.: Navruz. 2020. – P.112.
22. Amridinova D.T. Philosophical and social essence of the concept of a harmoniously developed personality in Jadid teaching. Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract. 2021. – P.66.

# ФЕНОМЕН НЕОПРЕДЕЛЕННОСТИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОГО ДИСКУРСА

Э.М. ИЗЗЕТОВА,  
*д.филос. н., ТаиГУВ*

Реалии двадцать первого века свидетельствуют о том, что наибольшую актуальность приобретает проблема неопределенности, которая затрагивает человека и все сферы существования человечества. В динамично развивающемся мире происходят радикальные изменения в системе “природа-человек-общество-культура”. “Неопределенность является определяющим элементом культуры. Условием для создания человеком какого-либо продукта деятельности, в том числе и творческой.... Неопределенность является неотъемлемым условием свободной, продуктивной и счастливой жизни человека”<sup>1</sup>. Изменения непосредственно связаны с ускорением развития человечества. В этой ситуации возрастает роль и значимость принципа неопределенности. Для современного человека и общества этот феномен обретает статус “вызыва неопределенности”<sup>2</sup>. В современном мире продуцируется и обостряется ситуация неопределенности через такие факторы – вызовы, как: “усиливающиеся...угрозы, ...радикализм, экстремизм, терроризм, торговля людьми, наркомания, к сожалению, не обходят стороной

<sup>1</sup> Вульф К. Вместо предисловия: неопределенность как условие человеческой жизни. В кн.: К. Вульф, В. Савчук (Ред.), Неопределенность как вызов. Медиа. Антропология. Эстетика.- СПб.: РХГА, 2013. – С.6.

<sup>2</sup> Леонтьев Д.А. Вызов неопределенности как центральная проблема психологии личности//“Психологические...psystudy.ru/index.php/num/2015v8n40/1110-leontiev40.html?tmpl=component&print=1&page=4/11

и нашу страну”<sup>3</sup>.

В науке на протяжении долго времени существовала парадигма картины мира, построенная на принципах: прочности, стабильности, предсказуемости, определенности, управляемости и детерминированности. “На смену принципу детерминизма и определенности, утвердившемуся благодаря позитивизму, приходит принцип неопределенности, включенный в научно-методологический аппарат В.Гейзенбергом<sup>4</sup>, бифуркации как одного из факторов развития. Поиск “равновесия” вынуждает исследователей искать компромисс в описании социокультурного пространства и научно-познавательной деятельности. Важную роль в воспроизведении неопределенности играют бифуркационные механизмы. При этом роль бифуркационных механизмов и неопределенности как продукта их функционирования заключается в обеспечении тенденции к переменам в развивающейся системе в периоды резких изменений и кризисов<sup>5</sup>. Сегодня наблюдается тенденция трансформации понимания мира в большей ее части, как неуправляемого, непредсказуемого, недетерминированного, неоднозначного, неопределенного. Наиболее ярко эта тенденция проявляется в трех ведущих сферах: изменение образа человека, изменение образа науки и изменение статуса ценностей. Д.А.Леонтьев дает следующую интерпретацию этим феноменам<sup>6</sup>. XX век скомпрометировал все ранее известные

<sup>3</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. 20 декабря 2022 года. <https://yuz.uz/ru/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqiga-m>

<sup>4</sup> Дунаева Е. Социальная неопределенность как характеристика образовательного пространства молодежи. <http://www.zpu-journal.ru> > ... > №1(2) 2008

<sup>5</sup> Моисеев Н.Н. Универсальный эволюционизм (позиция и следствие) // Вопросы философии. 1991. №3. – С.13-14.

<sup>6</sup> Леонтьев Д.А. Вызов неопределенности как центральная проблема психологии личности//“Психологические...psystudy.ru/index.php/num/2015v8n40/1110-leontiev40.html?tmpl=component&print=1&page=4/11

образы человека. Человек по своей природе добр (гуманен, милосерден, трудолюбив, любит свою Родину) или зол (свое корыстен, эгоцентричен, меркантилен и не заслуживает доверия)? В культурном поле эти два образа на протяжении длительного времени находились в конфронтации. Однако XX век показал, что ни тот, ни другой образне выдерживает проверку реальностью. Выдающиеся мыслители пришли к заключению, что природа человека не обладает фиксированным признаком<sup>7</sup>. Человек – всегда разный, он не идентичен самому себе и тем более не идентичен другому. Сущность его бытия заключается в трансценденции<sup>8</sup>. Следовательно, здесь имеется в виду трансформация образа человека – это во-первых.

Парадигма науки кардинальным образом изменилась на протяжении XX века. Выдающийся методолог науки И.Пригожин доказал, что наука в предшествующие периоды описывала детерминированные, равновесные, устойчивые, стабильные процессы. По мере познания законов природы классическая наука все больше отдалась от реальной картины универсума. Особое внимание он уделил в своем открытии в области неорганической природы бифуркационным процессам, которые полностью не детерминированы<sup>9</sup>. Пришел к выводу, что всеобщая и исчерпывающая детерминированность материального мира и человеческого поведения оказывается заблуждением. Исключительно в неравновесных системах, которые описываются нелинейными уравнениями, имеющими альтернативные варианты решения, возможно появление уникальных, нестандартных

<sup>7</sup> См.: Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика. 1992; Фромм Э., Хирау Р. Предисловие к антологии “Природа человека”. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – М.: Прогресс. 1990. – С.146–168.

<sup>8</sup> Giorgi A. Whither Humanistic Psychology? The Humanistic Psychologist. 1992. 20(2–3). –Р.422–438.

<sup>9</sup> Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М.: Прогресс. 1986.

событий. Соответственно, в данном случае речь идет о изменении образа науки - во-вторых.

Существовавшая на протяжении веков общая картина мира все вопросы практической философии и этики формулировалана основывала на традиционных устоявшихся ценностей. Эта система ценностей исторически сложилась в контексте данной культуры. Со временем модернистскую картину мира сменила постмодернистская картина мира. Постмодернизм подвел философскую аргументативную базу под тезис, что эти ценностные системы лишены объективного основания. Последователи этого течения популяризовали идеи о полной относительности всех ценностных критериев. Тем самым был дан импульс к разрушению регуляции социальной жизни. Согласно позиции М.Эпштейна “мир не просто усложняется. Усложнение мира осуществляется такими высокими темпами, что отдельно взятый человек уже не в состоянии за ним угнаться, усвоить общечеловеческий опыт, который растет все быстрее. Разрыв между совокупным опытом всего человечества и индивидуальным опытом каждого отдельного человека увеличивается по экспоненте. Это часто вызывает у современных людей переживания, напоминающие симптоматику посттравматического стрессового расстройства<sup>10</sup>. На языке Эпштейна подобное расстройство называется “травма постмодерна”<sup>11</sup>. Данное описание относится к третьей сфере трансформации статуса ценностей.

Главным атрибутом жизни в нестабильном, неустойчивом мире является неопределенность. Можно сказать – это экзистенциальная составляющая бытия человека и общества. Экзистенциальный путь не только труден, но ищен

<sup>10</sup> Эпштейн М. Постмодерн в русской литературе. – М.: Высшая школа. 2005. – С.45-51.

<sup>11</sup> Там же. – С.45-51.

альтернативы. В жизни очень много неопределенности, и она абсолютна, а отрезки определенности – относительны. Этот феномен, безусловно, напрягает, настороживает, беспокоит, тревожит и вызывает к жизни стремление защищаться от неопределенности. Комплексный анализ проявления фактора неопределенности в конкретных ситуациях был проведен Н.Л.Смакотиной. Во-первых, это связано с выбором и формированием ценностных позиций, ценностных установок восприятия, мотивации. Во-вторых, определяется возникновением ценностно-ориентированных структур “бытийного мира” человека и общества. В-третьих, динамика активности фактора неопределенности проявляется при формировании темпорально-ценостных структур идентичности сознания личности и общественного сознания, а также разрушения идентичности во время конфликтов, стрессов, духовных кризисов и др.<sup>12</sup>

Неопределенность не является гомогенным образованием. Исследователи выделяют в нем различные аспекты: а) онтологический; б) гносеологический; в) антропологический; г) экзистенциальный; д) психологический; е) этико-эстетический; ж) коммуникативный; з) социальный. В частности, В.О.Фаберне определенность интерпретирует как философскую категорию, которая отражает не существующую упорядоченность любого типа: материальный или идеальный. Он пишет, что “онтологически неопределенность есть отсутствие, размытость границ сущего, гносеологически – неясность, сомнительность, неполнота познания”<sup>13</sup>. Все разнообразие существующих определений

<sup>12</sup> Дунаева Е. Социальная неопределенность как характеристика образовательного пространства молодежи// Информационный гуманитарный портал. Знание. Понимание. Умение. 2008. – №1 (2). [http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/1\(2\)/Dunaeva/](http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/1(2)/Dunaeva/)

<sup>13</sup> См.: Фабер В.О. Проблема неопределенности в структуре философского знания (онтологический, гносеологический, антропологический аспекты). Дис/ канд.

неопределенности в любом случае сводится к анализу ее гносеологического компонента. В данном случае имеется в виду понимание ее прежде всего качестве неизвестности, недостоверности, непредсказуемости, нелинейности бытия человека и несовершенства его познавательных способностей. Неопределенность связывают с сомнением в возможности релевантного, точного, полного отражения прогнозирования объективной действительности в процессе познания.

В орбиту неопределенности включается экзистенциальный компонент. Экзистенциальная составляющая неопределенности проявляется в незавершенности, открытости бытия человека, который способен трансцендировать за собственные пределы. Неопределенность неустранимый атрибут любого общества и любой деятельности человека. Этот феномен проявляет себя в открытом вероятностном будущем и становится максимальной в ситуации кризиса культуры, альтернативности путей развития, сложностей формирования и укрепления морально-этических ценностей. Положение человека в такой культуре также является маргинальным, неоднозначным, неопределенным<sup>14</sup>.

Стоит обратить внимание на психологический аспект неопределенности, который проявляется через отношение к ней. Психологическая проблема отношения к неопределенности заключается в том, что в картину мира большей части людей само понятие трудно вписывается. Н. Талебов своей книге “Черный лебедь” выявил многие механизмы упрощения человеком картины реального мира. Например, приследовании Гераклиту, допускается редуцирова-

---

филос.н. – Саратов.: 2004.

<sup>14</sup> Дорожкин А.М., Пакинат А. Феномен научной неопределенности: анализ проблемы. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. Серия Социальные науки. 2011. №4 (24). – С.105.

ние неопределенности к определенности, сомненного к несомненному. “Наш разум – превосходная объясняющая машина, которая способна найти смысл почти в чем угодно, истолковать любой феномен, но совершенно не в состоянии принять мысль о непредсказуемости”<sup>15</sup>. Для более глубокого понимания состояния современного мира он раскрывает значимость психологических характеристик, для этой цели вводит понятие “антихрупкость”. Природа антихрупкости, ее оригинальность, нестандартность “состоит в том, что она позволяет нам работать с неизвестностью, делать что-то в условиях, когда мы не понимаем, что именно делаем – и добиваться успеха”<sup>16</sup>. Исследователь А.А.Грякалов рассматривает этико-эстетический аспект. Считает, что именно здесь заложены и раскрываются наибольшие возможности для ее рефлексии и прогностики освоения действительности.

О.Б.Соловьева анализирует неопределенность через призму коммуникационного подхода. В этом контексте исследователь неопределенность интерпретирует как нарушение системы коммуникационного взаимодействия. “Сложность выстраивания коммуникации напрямую зависит от того, что понимание как феномен находится “на границе между миром внешнего (экстерiorизированного) и миром внутреннего (интериоризированного). Это точка проникновения мира внутреннего, субъективного в мир внешний, объективный. Но это также и точка обратного перехода, когда внешний мир становится внутренним, строится в феноменальном, символическом пространстве мыслящего “я”. Первый переход осуществляется как объек-

<sup>15</sup> Талеб Н.Н. Черный лебедь: под знаком непредсказуемости. – М.: Колибри. 2012. – С.41.

<sup>16</sup> Талеб Н.Н. Антихрупкость: как извлечь выгоду из хаоса. – М.: Колибри. 2014. – С.20.

тификация субъективного содержания мыслительной деятельности, второй -как идентификация субъекта с объективно данным ему культурой смысловым содержанием предметной деятельности и коммуникации”<sup>17</sup>.

В реальной обстановке разрушения коммуникационной связи между субъектами диалога - полилога возникает “эффект неопределенности”. “Неопределенность может быть преодолена в результате доступа субъекту коммуникации социальных кодов, “социокультурного плана объективной предзаданности понимания индивидуальному человеческому сознанию и ментального плана субъективной интерпретации смысла”<sup>18</sup>. Значит, неопределенность интерпретируется как нарушение коммуникации и результат непонимания.

Исследователи Е.Дунаева, Е.А.Белая свой научный интерес сфокусировали на социальной неопределенности. Социальная неопределенность, по мнению Е.А.Белой, представляет собой тот формат, которая характеризует условия жизнедеятельности человека в постинформационном пространстве. Этот особый феномен явился следствием динамики трансформации всех сфер социального бытия. “Социальная неопределенность является следствием ускорения темпов научно-технического и социального развития и отражает новые подходы к взаимодействию человека с окружающей средой, основанные на принципах открытости и постоянной новизны”<sup>19</sup>. Е.Дунаева раскрывает причины возникновения и распространения неопределенности в обществе. “Неразвитость социальной дифференциации

<sup>17</sup> Соловьев О.Б. Неопределенность: интенциональные и аспектуальные горизонты понимания // Вестник НГУ. Сер.: Психология, Т.2, вып.1. 2008. – С.63.

<sup>18</sup> Там же. – С.66.

<sup>19</sup> Белая Е.А.. Социальная неопределенность как фактор трансформации образования // Развитие территории. 2017, №2(8). <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnaya-neopredelennost-kak-faktor-transformatsii-obrazovaniya>

и интеграции также как и “недостаточность” адаптационных ресурсов социальных субъектов, нарушают устойчивость социальной системы, смещая ее в сторону хаоса, т. е. неопределенности, охватывает социум и его элементы”<sup>20</sup>. В науке не существует однозначного определения категории “социальная неопределенность”. Описательный подход характеризует ее, как “неустойчивое состояние, в котором находится общество или социальная группа в условиях кризисов, социальных реформ, характеризующихся деформацией всех привычных структур и морально-нравственных устоев”<sup>21</sup>.

Наше краткое резюме. Категория неопределенность по своей природе является гетерогенным феноменом, обладающим своей структурой, имеющий разнообразные аспекты и типы. Неопределенность в концепции постнеклассического детерминизма рассматривается как неотъемлемая характеристика нелинейного развития систем разной природы. В данном феномене локализованы незаданные и не-предсказуемые заранее хаотические состояния и движения, исключающие возможность точных предсказаний, являются закономерными и неизбежными в широком круге систем. Мир во всем многообразии его феноменов оказывается неопределенным, неустойчивым, подвержен разного рода рискам, подчиняющимся скорее случайностям в функционировании систем, чем четким детерминистским законам развития.

<sup>20</sup> Дунаева Е. Социальная неопределенность как характеристика образовательного пространства молодежи// Информационный гуманитарный портал. Знание. Понимание. Умение. 2008. – № 1 (2). [http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/1\(2\)/Dunaeva/](http://www.zpu-journal.ru/e-zpu/1(2)/Dunaeva/)

<sup>21</sup> Социологическая энциклопедия. Т. 2. – М.: Мысль. 2003. – С. 42.

# БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМ МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Хусан ДЖУРАКУЛОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
ҳузуридаги Малака оширии марказининг  
Самарқанд вилояти минтақавий филиали  
“Ижтимоий ва мутахассислик”  
фанлари кафедраси мудири,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

Бугунги кунда дунёning глобаллашуви, ахборот технологияларнинг жадаллик билан тарақкий этиши, саноатнинг ривожланиши, аҳоли сонининг мунтазам ошиши натижасида мисли кўрилмаган экологик муаммолар вужудга кела бошлади. Албатта, технология ва саноатнинг ривожланиши, геология ва бурғулаш ишларининг жадаллашиши, атом энергиясининг пайдо бўлиши аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Лекин табиатга кўр-кўронга аралашиш, унинг бойликларидан чексиз фойдаланиш, завод-фабрикалар чиқиндиларини сувга оқизиши натижасида ер юзидағи ҳаётнинг инқирозга юз тутиш эҳтимоли орта бошлади. Бу экологик муаммолар инсониятни жар ёқасига олиб келди, десак асло муболаға бўлмайди.

Гарчи ушбу ҳодисалар дунё ҳамжамиятини глобал

экологик муаммолар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш, тадқиқотлар олиб бориш, бу масалаларни бартараф этиш борасида амалий чоралар кўришга ундан келаётган бўлса ҳамки, кўпчилик давлатлар ва халқлар бу муаммолар кўламини сезишмаяпти ёки ўзларини мутлақо хабарсиздек тутмоқда. Энг ачинарлиси дунё миқёсида йилига қарийб 6 миллион гектар ер чўлланишга учраётган бўлса, 60 мингга яқин ўсимликлар, 7 мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолмоқда, ахоли кўпайиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувга, айниқса, ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда<sup>1</sup>.

Табиийки, она табиатга бўлган бундай муносабат Ислом динида қаттиқ қораланган. Аллоҳ таоло дуёни яратганда, барча нарсаларни ўта аниқлик, ўзаро боғлиқ ҳамда ер юзидағи наботот ва маҳлуқотларнинг хусусияти, сифатлари, таркиби, ададини ниҳоятда гўзал ва ҳикматли қилиб яратган. Ҳар бир яратилган нарса ўзининг бетакрор табиатига эга. Ҳар бир нарсанинг Аллоҳ таоло тарафидан ўзига хос замон ва маконда яратилиши белгилаб қўйилган.

Атрофимизни ўраб турган барча нарсалар, гўзал табиат чин мўминлар учун катта ибрат ва Аллоҳнинг қудратига мисолдир. Ҳар куни умр дафтаримиздан янги бир саҳифа очилгани каби, атрофимиздаги оламнинг ҳам сурати ҳар куни янгиланади ва энг қизиги шундаки, бу янгиланишлар асло бир-бирини такрорламайди. Кеча ва кундуз доим алмashiб туради. Бири узайса, иккинчиси қисқаради. Биз умримиз давомида буларнинг барчасини кўзимиз билан кўрамиз ва бошимиздан ўтказамиз. Вақтни, умримизнинг ҳисобини шу кеча ва кундузлар билан ўлчаймиз.

<sup>1</sup> Проблема опустынивания на глобальном уровне. <https://carececo.org/main/news/obzor-problema-opustynivaniya-na-globalnom-i-regionalnom-urovnyakh/>

Кунлар алмашиш жараёнида фасллар ҳам янгиланади. Қиши гўёки тинчлик ва ҳордик чиқариш, баҳор эса янгиланиш ва ерга қайта ҳаёт бахшида этиш фасли бўлиб, Аллоҳ таоло ерни қайта тирилтиради. Агар Аллоҳ кеча ва кундузни айлантирмаса, осмондан сувларни тушириб ерни тирилтирмаса, ер юзида ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир мусулмон атрофга ибрат назари билан қарамоғи ва табиатга ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи лозим.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Абаса” сураси 24-32-оятларида шундай марҳамат қиласди:

**“Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан) боқсин! Биз (осмондан) сувни мўл ёғдирдик. Сўнгра Биз унда донларни ундиридик, узум ва кўкатларни, зайдун ва хурмоларни, қалиндаражтзор боғларни меваю гиёҳларни ҳам. Булар сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаатдир”.**

Демак, барчамиз ўзимиз яшаб турган жойларга, маҳалла-кўйга турли дарахт кўчатларини экиб, обод қилсак, бундан нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар ва қушлар ҳам манфаат топади. Ҳадиси шарифда айтилишича, экилган ҳар бир дарахтнинг айтиётган тасбехи, ўша дарахтни эккан кишининг номаи аъмолига ёзилади ҳамда унинг мевасидан бошқалар еса ёки соясида ўтирса, эккан кишининг амал дафтарига садақа савоби ёзib қўйилади.

Шунингдек, Қуръони карим “Тоҳо” сурасининг 53-оятида Аллоҳ ерни шундай таърифлайди:

**“У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини ундириб чиқардик”.**

Энди туғилган ва ўсиб улғаядиган бола учун бешик

қандай қароргоҳ бўлса, ер ҳам инсон учун шундай қароргоҳdir. Ени бешик қилиб, ундан ризқлантирган ҳолда ювиб-тараб турган, осмондан сув тушириб дараҳт ва гиёхларни ундириб қўйган зот Аллоҳ таолодир. Ҳаётимизда шу ер устида яшаётган бўлсак, вафот этганимиздан кейин ҳам шу ер бағрида ётамиз. Ўзимизнинг узоқ муддат масканимиз бўлган ени асраб авайлаш ва обод қилиш, ўзимиз учун фойдадир. Атрофимизни турли зарарли нарсалардан ва ифлосланишдан сақласак, ўзимиз ва келажак авлодимиз ҳаётини, саломатлигини сақлаган бўламиз. Атрофни ўраб турган табиат биз учун шундай мослаштирилганки, табиатдаги барча нарсалар фақатгина инсон манфаати учун хизмат қиласи. Аммо мана шу гўзал табиат шунчалар нозикки, унга келтирилган биргина оддий зарар ҳам келажакда ўнглаб бўлмас хатоларга олиб келиши мумкин. Буни биз кундалик ҳаётимизда, атроф муҳитнинг ифлосланишида кузатиб боряпмиз. Биз учун оддий бўлган ва унчалиқ эътибор бермайдиган сувларга чиқинди ташлаш, ўсиб турган экинларни ва дараҳтларни бехудага синдириш ҳам шулар жумласидандир. Булар оддий эътиборга лойик бўлмаган ишлардек туюлиши мумкин, аммо айнан мана шу беэътиборлик натижасида биз яшаётган экология қанча зарар кўришини яхшилаб ўйлаб кўрмоғимиз лозим.

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Учта жойга: сув ўзанларига, серқатнов йўлларга ҳамда соясалқин ерларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан кўрқинглар*”, – деганлар (Абу Довуд ривояти)<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, агар тушунган, диёнатли ва ўқимишли инсон ҳадисда зикр этилган ишларни қилишга ботинмайди, аксинча, бундай ишни қилаётган кишини кўрган вақтда

<sup>2</sup> [http://islomiy.info/hadis/index.php?act=book&sec=&b\\_id=23&s\\_id=2214](http://islomiy.info/hadis/index.php?act=book&sec=&b_id=23&s_id=2214)

дарҳол унга танбех беріб, бундай қилиш исломда ман этилганини тушунтиради.

Парвардигор инсоннинг мўътадил ва фаровон ҳаёт кечириши учун лозим бўлган моддий бойликларни яратиб қўйган. Она табиатни муҳофаза қилиш Ислом динининг таълимотларидан биридир. Динимиз яшаб турган жойимизнинг озода бўлишига, ичимлик сувимизнинг бегубор, ўзимизнинг эса покиза юришимизга буоради. Поклик инсон зеҳни ва иродасини мустаҳкамлайди.

Инсон ўз уйига қандай эътибор берса, пок сақласа, экологияга ҳам худди шундай муносабатда бўлиши лозим. Чунки бутун ер юзини Аллоҳ таоло инсонлар учун маскан қилиб бердики, буни “Зориёт” сураси 48-оятида шундай билдириб қўйган: **“Ва ерни тўшаб қўйдик. Биз қандоқ ҳам яхши тайёрлагувчи дирмиз”**. Табиатни асраш, уни пок сақлашга ҳаракат қилиш инсонийликнинг юксак чўққисидир.

Инсоннинг бу дунёдаги масъулияти ҳақида кўплаб ҳадиси шарифларда келтирилган, улардан бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бас, барчангиз масъулдорсиз ва барчангиз ўз масъулиятингиздан сўралурсиз”**, дейдилар. Бу қисқа сўзларда олам-олам маъно бор. Масъулиятдан сўраладиган кун келишидан олдин, табиат, атроф-муҳит олдидағи масъулиятимизни тўғри адо этишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам ислом дини ҳар нарсадан аввал инсонни руҳий-маънавий ва жисмоний покликка даъват этади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда пок кишиларни хуш қўришилигини бир неча ўринларда марҳамат қилган. Хусусан, Тавба сураси, 108-оятда шундай марҳамат қиласи: **“Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир”**.

Тозаликка риоя қилиш масаласига соғлиқни сақлашнинг муҳим омили сифатида Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам катта эътибор берилган. Имом Муслим Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Поклик иймоннинг ярмидир”**, дейдилар. Мусулмонлар оммаси орасида эса “Поклик иймондандир” деган ҳикмат кенг тарқалган. Бошқа бир ҳадисда эса: **“Поклик кишини иймонга чақиради, иймон эса ўз соҳиби билан жаннатда биргадир”** деб марҳамат қилганлар. Мутахассисларнинг ўрганишича, кўпгина микроблар инсон аъзосига тери орқали кирап экан<sup>3</sup>. Шунинг учун тиббиётда қўлларни ва бошқа аъзоларни тез-тез ювиб туриш тавсия этилади. Бугунги кунда кенг тарқалган коронавирус касаллигини енгишда ҳам мунтазам таҳоратда юриш ва тана аъзоларни поклаб туриш касалликни юқтирмаслиқ, юқсанларга эса тезроқ тузалишида ёрдам беради.

Юртимизда ва бошқа Ислом давлатларида нашр этилган юзлаб фиқҳ ва ҳадис китобларини очишингиз билан биринчилар қатори унинг “Поклик ва тозалик” бўлимларига кўзингиз тушади. Ҳар бир мусулмон эркак ва аёл ўзининг биринчи дарсини покликни ўрганиш билан бошлаши лозим. Исломдаги ибодатларнинг барчасига банданинг бадани, кийим-боши ва макони покиза бўлиши асосий шартлардан бири қилиб олинган.

Покликнинг фазилати унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти борасида улуғларимиздан кўплаб ибратли сўзлар келган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам ўзининг “Арбаъин” китобида покликка алоҳида ургу бериб, бир ҳадисни шеърий ифодалаган:

*Гар ҳамиша таҳоратинг бўлса,  
Аригай фоқа чирки ул сувдин,*

<sup>3</sup> Миртазаев О. Эпидемиология дарслиги. – Т.: 2016. – Б.666.

*Тоҳир ўл, истасанг фузун рўзий,  
Хосир улким, итурди бу сўдин...*

“Агар доимо пок бўлсанг, қашшоқлик сендан арийди. Ризқинг мўл-кўл бўлишини истасанг, пок бўл. Озодаликка эътибор бермаган инсон ҳақиқий зиёндадир”<sup>4</sup>.

Экологик ва табиатдаги муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётгани инобатга олиниб, юртимизда сўнгги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизими, атроф-муҳитни бекарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши, уларни бу соҳа бўйича ўқитиш зарурлиги билан белгиланади.

Бироқ табиатга бўлган этиборсизлик, чиқиндиларнинг ортиб бориши муаммолари мактабгача таълим, мактаб, олий ўқув юртларида ўқитиш тизимли таҳлил этилмаганлиги экологик таълимниташкил этишвабу борадаги ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг учун эса:

- барча турдаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган экология ўқувининг мажбурийлигига оид талабларни етарли даражада бажариш;
- экологик таълимга оид веб-сайтлар, электрон дарсликларни ишлаб чиқиш ва улар имкониятидан кўпроқ фойдаланиш талаб этилади.

<sup>4</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/allomalar/alisher-navoiy-1441-1501/>

## АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ ВА ОРИФ РЕВГАРИЙ

Ойгул ШАРИПОВА,  
*БухДУ, Ислом тарихи ва манбашинослиги,  
фалсафа кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари доктори (DSc)*

Хожагон-нақшбандия тасаввуфий тариқатининг дунёга кенг ёйилиб, машҳур бўлишига юртимиздан етишиб чиққан улуғ зотларнинг хиссаси бекиёс. Бу борада Бухорои шарифнинг дунёга машҳур етти пири: Хожа Абдулхолик Фиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Хожа Сайид Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари катта аҳамиятга эга.

Ислом тасаввуфининг бу машҳур тариқат вакиллари ҳалоллиги, суннатга риоя этиши, халқпарварлиги, меъёрий ҳаёт тарзига даъвати билан барчани ўзига жалб қилган. Чунки улар юксак илм-маърифат соҳиби сифатида, халқ билан ҳамнафас муршид, марҳаматли устоз, ахлоқи комил инсон бўлганликлари учун ҳам эътиборга лойиқ эди.

Тасаввуфда “иродат силсиласи”<sup>1</sup> деб, муршид<sup>2</sup> (шайх, пир) томонидан муридга<sup>3</sup>, ўз навбатида, муршид (шайх, пир)га айланган мурид томонидан муридларига узлуксиз узатиб бориладиган ворислик асосидаги муршидлик – муридлик занжирига айтилади. Шунингдек, баъзида

<sup>1</sup> Силсила – (арабча: занжир, катор, тизим), 2) бирор таълимотнинг устоздан шогирдга узлуксиз тартибда узатиб бориш тизими.

<sup>2</sup> Муршид – (арабча) иршод қилувчи, тўғри йўлга бошловчи

<sup>3</sup> Мурид – (арабча) иродат қилувчи, истовчи) муршидга шогирд тушган, толиби илм.

“иродат силсиласи“ деганда, бирор муршид (шайх, пир) нинг ўз муршиди (шайх, пири)ни ва ўз муршиди (шайхи, пирининг муршиidlари (шайхлари, пирлари)ни ушбу занжирининг охирги ҳалқаси бўлмиш ўзидан бошлаб мазкур занжирнинг бошига қараб узлуксиз тарзда номмамон айтиб боришидан ҳосил бўлган муршиidlар (шайхлар, пирлар) рўйхати тушунилади<sup>4</sup>.

Хожагон-нақшбандия тариқатида унинг вакиллари ўз иродат силсилаарини Пайғамбаримиз (С.А.В.)дан бошланган дейишади.

“Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, (“Оби-ҳаёт томчилари”) асарида ҳам муршидлик-муридлик риштаси беш йўл орқали Хожагон-Нақшбандия пирларига етиб келгани айтилса ҳам, қуидаги силсилани асосий йўл хисоблашган: Мұҳаммад (С.А.В.); Абу Бақр Сиддиқ; Солмони Форсий; Қосим бин Мұҳаммад Жаъфари Содик; Боязид Бистомий; Абдулҳасан Ҳарақоний; Абу Али Формадий; Ҳожа Юсуф Ҳамадоний; Абдулхолик Ғиждувоний. Ушбу силсилани мазкур тариқат шайхлари “Силсилат уз заҳаб” (“Олтин силсила”, “Олтин занжир”) деб атаган. Абдулхолик Ғиждувоний бу борада устозининг қуидаги фикрларини баён этган: “Бу (тариқат) йўли ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ розияллоҳу анхудан бизгача етиб келган ва қиёматга қадар давом этажакдир. Шу боис барча мўъминлар ва солиҳлар бу танланган йўлга эргашиши, бу хонадон билан сухбат қуриши, уларнинг йўлига сулук этиб, улар билан бирга бўлишдан ва унсиятдан узоқ қолмаслиги керак”<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Қаранг: Акимушкин О. Силсила//Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука. 1991. – С.206-209; Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ// Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2017. – Б.418-419.

<sup>5</sup> Абдулхолик Ғиждувоний. Рисолалар. Сайфуллоҳ С., Ҳасан Н. – Т.: Моворауннахр. 2018. – Б.17.

“Эй Абдулхолиқ! Билгинки, Ҳақ йўлининг йўлчилиги, яъни сулук икки қисмдир: сулуки зоҳир ва сулуки ботин. Биринчиси, сулуки зоҳир бўлиб, у ҳар ҳолу корда илоҳий амр ва таъқиқларга риоят этиш, имкон доирасида диний мезонларни сақлаш ва нафс орзуларидан қочишdir. Ўз аъзоларини ҳавою нафсдан сақлаб, шариат ҳудудида муҳофаза қилишdir. Иккинчи қисм бўлган сулуки ботин эса қалбни поклашга ҳаракат қилиш ва нафсоний ёмон сифатларни йўқотиш учун ғайрат сарфлашdir. Ботиний таҳорат – қалбнинг Ҳақ зикри билан гўё бўлишилиги учун зикрда беҳад жидду жаҳд килиш. Бу зикр талқини дастлаб ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг қалбига, ундан Салмон Форсийга<sup>6</sup>, ундан Жаъфари Содикқа, ундан Султон Боязид (Бастомий)га, ундан Шайх Абул Ҳасан Харақонийга, ундан буюк шайх<sup>7</sup> Абу Али Формадий Тусийга ва ундан эса бизга қадар етиб келган” дейилган<sup>8</sup>.

1. Абу Бакр Сиддиқ замонидан Боязид Бистомий давригача – сиддиқия;

2. Боязид Бистомий замонидан Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний даврига қадар Бистомийнинг “Тайфур” деган исмидан келиб чиққан ҳолда тайфурия;

3. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний замонидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд давригача Хожагон;

4. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд давридан Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) замонигача Нақшбандия;

5. Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрордан кейин Нақшбандия ёки ахрория;

6. Сайид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний (1464- 1549) давридан кейин Нақшбандия ёки даҳбедия.

<sup>6</sup> Абдулхолиқ Гиждувоний. Рисолалар. С.Сайфулоҳ., Н.Ҳасан. – Т.: Мовароуннахр. 2018. – Б.17.

<sup>7</sup> Ўша ерда.

<sup>8</sup> Ўша ерда.

Ушбу тариқат Мовароуннахрдаги бутун тарихи давомида, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳордан кейин ҳам Ҳожагон номи билан аталган<sup>9</sup>.

Юсуф Ҳамадоний Ҳурисонга кетганидан сўнг Абдулхолик Ғиждувоний бир муддат нафс тарбияси билан шуғулланади. Натижада валий<sup>10</sup> даражасига етишади. Ўзининг валийлиги ва қароматларини<sup>11</sup> бошқалардан яширади. Ҳожагон-Нақшбандия тариқатига оид манбалар Ғиждувонийнинг валийлик даражасини кўрсатиш мақсадида унинг бир намозни ўқиши учун ҳам Каъбага бориб келгани тўғрисидаги ривоятни эслатади<sup>12</sup>.

Абдулхолик Ғиждувоний ҳаётининг кейинги босқичида Ҳожагон силсиласига раҳбарлик қилади. Манбаларда келтирилишича, Ҳожа Юсуф Ҳамадоний ўлимидан аввал ўзидан кейин унинг ўрнига Ҳожа Абдуллоҳ Баракий, ундан кейин Ҳожа Ҳасан Андақий, ундан сўнг Ҳожа Аҳмад Яссавий халифа бўлиши, Ҳожа Аҳмад Туркистонга кетгач эса унинг ўрнини Абдулхолик Ғиждувоний эгаллаши лозимлигини васият қилади<sup>13</sup>. Ҳамадонийнинг васиятига мувофиқ Ҳожа Аҳмад Яссавий маълум муддат Бухорода тариқат раҳбарлигини амалга оширгач, Туркистонга кетар чоғи барча муридларини Ҳожа Абдулхолик Ғиждувонийга топшириб кетади<sup>14</sup>. Шундан сўнг Абдулхолик Ғиждувоний муридлар тарбиялаш ва муршидлик қилиш билан

<sup>9</sup> Ўша ерда

<sup>10</sup> Валий (арабча, дўст) тасаввуфда: комилликка эришган, Ҳақ мушоҳадаси билан машғул бўлган, Худонинг дўсти даражасига эга бўлган киши.

<sup>11</sup> Нафаҳотул унс. – Б.383; Насойим ул мұхабbat. – Б.254; Маноқиби Ҳожа Абдулхолик Ғиждувоний. – Б.19; Раشاҳот айнул ҳаёт.1-ж. – Б.36.

<sup>12</sup> Заринкўб Абдулхусайн. Эрон тасаввуфи борасида изланиш. – Техрон.: Амири Кабир. 1997. – Б.206-207.

<sup>13</sup> Макомоти Юсуф Ҳамадоний. – Б.8; Раşaҳot айнул ҳаёт. 1-ж. – Б.14-19.

<sup>14</sup> Нафаҳотул-унс. – Б.383; Насойимул-мұхабbat. – Б.253; Раshaҳot айнул ҳаёт. 1-ж. – Б.18.

шүғулланади. “Рашаҳот айн ал-хаёт” муаллифи бу тўғрида ёзади: “Ул ҳазрат бир қанча вақт халқни *ириод* ва *даъват* этиш (тўғри йўлга чорлаш ва йўллаш) мақомида қаттиқ туриб, толиблар ва содикларга Ҳақ йўлини кўрсатишга машғул бўлдилар”<sup>15</sup>.

Манбаларда Хожагон таълимотининг Мовароуннахрдан анча узоқда жойлашган Шом ўлкасида ёйилиши тўғрисида ҳам сўз боради. Жумладан, Шомда кўплаб кишилар Фиждувонийга мурид тушади ва улар бу ўлкада ўз пирлари таълимотини ёйиш учун хонақоҳлар барпо этишади<sup>16</sup>. Хожагон-нақшбандия тариқатининг суриялик издоши Абдулмажид Хоний(1847-1900)эса“Ал-Хадойиқал-вардия” асарида Фиждувонийнинг, ҳатто бир муддат Шомга бориб яшагани, ушбу ўлкада ўз таълимотини ёйиш учун хонақоҳ барпо этгани ҳамда у ерда кўплаб муридлар тўплаганини ёзади. “Орифнома” асарида Абдулхолиқ Фиждувонийнинг бир марта уч йиллик ҳаж сафарига кетгани, бу муддатда унинг кўрсатмасига кўра, шогирди Ҳожа Мухаммад Ориф Ревгари тариқат раҳбарлигини амалга оширгани тўғрисида маълумот келтирилади<sup>17</sup>. Ҳожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар тарбиялаган ҳамда улардан юқорида эслатиб ўтилган тўрттаси – ушбу силсила кетма-кет раҳбарлик қилган Барақий, Андакий, Яссавий ва Фиждувонийлар унинг асосий шогирдлари ҳисобланган. Шундай бўлсада, улардан кейин силсила раҳбарлигини ўз зиммасига олган Яссавий ва Фиждувонийгина Хожагон таълимотини ривожлантирган. Шунингдек, улар ушбу силсилани сўфийлик тариқатига айлантиришга, яъни ўз мустақил тариқатлари – **Хожагон-нақшбандия** ҳамда Яссавия

<sup>15</sup> Рашаҳот айнул ҳаёт. 1-ж. – Б.37.

<sup>16</sup> Нафаҳотул унс. –Б.383; Насойимул муҳаббат. –Б.254; Маноқиби Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувоний. – Б.19; Рашаҳот айнул ҳаёт. 1-ж. – Б.36.

<sup>17</sup> Орифнома. – Б.14.

тариқатларига асос солган. Хожагон-нақшбандия тариқати манбалари ҳам айнан Хожа Абдулхолик Ғиждувонийнинг ушбу тариқат асосчиси эканини таъкидлайди. Жумладан, ушбу тариқат назариётчиси Хожа Мұхаммад Порсо (749/1348-822/1420) ўзининг “Фаслул хитоб” асарида “Ул ҳазратнинг фаолияти тариқат учун қонун бўлиб, барча тариқатлар томонидан маъқуллангандир”<sup>18</sup>, деб айнан Ғиждувоний сўфийлик фаолияти Хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти учун асос бўлганини таъкидлайди. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” муаллифи эса Ғиждувонийни “Хожагон занжири бош ҳалқаси”<sup>19</sup>, “Хожагон табақаси асосчиси ва ушбу улуғлар силсиласи бошловчиси”,<sup>20</sup> деб унинг тариқат асосчиси эканини эслатади.

Абдулхолик Ғиждувоний ўз асарларида шахсий сўфийлик амалиёти мисолида Хожагон-нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий асосларини яратиб берди.

Саййид Амир Кулолнинг невараси Мавлоно Шаҳобиддин “Маноқиби Саййид Амир Кулол” рисоласида Хожагон тариқатига оид фикрларни келтириб, Абдулхолик Ғиждувонийни шундай таърифлайди: “У зот (Абдулхолик Ғиждувоний) тариқат сultonи, ҳақиқат ҳужжати, мұхаққиқлар қутби, солиҳлар раиси, мушоҳада соҳиби, жисмоний мукошафат эгаси, ҳалқни Ҳаққа бошловчи, Ҳақнинг ҳалқа ҳужжатидир”<sup>21</sup>.

Абдулхолик Ғиждувонийдан сўнг бу ворислик Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Мұхаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз

<sup>18</sup> Орифнома. – Б.14.

<sup>19</sup> Орифнома. – Б.14.

<sup>20</sup> Орифнома. – Б.14.

<sup>21</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир (Дунё муршиidlари). – Т.: Ўзбекистон. 2019. – Б.38.

даврининг машхур шайхлари томонидан давом эттирилди.

Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат”да Абдулхолик Ғиждувонийнинг учта халифаси борлигини ёзади. Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Ориф Ревгари, Хожа Авлиёи Калон, шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд номлари келтирилган. Лекин кейинги ишончли манбалардан у кишининг кўплаб мурид-мухлислари ва тўрт халифаси борлиги маълум.

Хожа Аҳмад Сиддик – Абдулхолик Ғиждувоний вафотидан кейин унинг мақомига ўтган биринчи халифаси, Хожа Авлиёи Кабир – иккинчи халифаси ва уларнинг муридлари ҳақида ҳам манбаларда ёзилган<sup>22</sup>.

Фазлуллоҳ ибн Рузбеххон “Маноқиби Хожа Абдулхолик Ғиждувоний” асарида Абдулхолик Ғиждувонийнинг *иршодга*<sup>23</sup> ижозат олган уч халифаси – Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгари тўғрисида эслатади. Унинг ёзишича, Хожа Абдулхоликдан сўнг унинг ўрнига Хожа Аҳмад Сиддик ўтиради. Қолган икки халифа, гарчи муршидликка рухсат олган бўлса-да, Хожа Аҳмад Сиддик вафотига қадар унинг ҳурматини қилиб, иршодга киришмай туради. У вафот этганидан кейин эса Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгари бир вақтнинг ўзида ўз муридларини тарбиялашга киришади<sup>24</sup>. Бироқ “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” муаллифи Абдулхолик Ғиждувоний ўз халифаларидан тўрттаси – Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Салмон Карминий ва Хожа Ориф Ревгариини “даъват ва иршод мақомига лойик” топганини маълум қиласди. Яъни Кошифий Ғиждувонийнинг иршод рухсатини олган халифалари қаторида юқоридаги уч

<sup>22</sup> Орифнома. – Б.84.

<sup>23</sup> Иршод (арабча – тўғри йўлга бошлаш) – *масаввифда* муридларнинг (соликларнинг) сайру сулук босқичларини босиб ўтишларида уларга устозлик, раҳнамолик ва йўлбошчилик қилиш, муршидлик.

<sup>24</sup> Маноқиби Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. – Б.20; Рашаҳот айнул ҳаёт. 1-ж. – Б.50-59.

сўфийдан ташқари, Хожа Салмон Карминийни ҳам эслатиб ўтади. Унинг ёзиича, гарчи ушбу тўрт халифанинг барчаси муршидлик қилишга рухсат олган бўлса-да, Ғиждувоний вафотидан сўнг Хожа Аҳмад Сиддиқ тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олади. У вафот этгандан кейин эса унинг муридлари Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгарий муршидлиги остига ўтади.

Хожа Ориф Ревгарий (тахминан 1165-1262) Хожагон силсиласинингиккинчири, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ишининг давомчиси, “Моҳитобон” (Ёғду сочиб турувчи ой) ва “Пешвои орифон” (Орифлар пешвоси) номлари билан машҳур бўлган. Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий Бухоро яқинидаги Ревгар қишлоғида (ҳозирги Шофиркон тумани худудида) дунёга келган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ёшлик чоғлариданоқ сўфийлик йўлига кириб, Абдулхолик Ғиждувоний муридлари қаторидан жой олади<sup>25</sup>. Ревгарий Абдулхолик Ғиждувонийнинг бошқа шогирдлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб турган. Абдулхолик Ғиждувоний хузурига келган Хизр (а.с.) Хожа Ориф Ревгарийнинг уни кўриш мақсадида ухлаб қолмаслик учун кўзига туз солиб олганини кўради-да, келажакда ориф<sup>26</sup> бўлиб етишишини Худодан сўраб дуо қиласи<sup>27</sup>. У кейинчалик ориф бир зотга айланади.

Абдулхолик Ғиждувоний муршидлигига тариқат одобларига риоя қилиб, Ревгарий бора-бора унинг энг буюк муридларидан ва халифаларидан бирига айланади. Манбаларда унинг кароматлари билан боғлик кўплаб

<sup>25</sup> Макомоти Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. – Б.57.

<sup>26</sup> Ориф (арабча – чуқур ва батафсил билувчи) – Худога етишиш йўлида Аллоҳни, унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни Худо ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган киши; Худони билиш учун ирфон йўлига кирган ва унинг босқичларини босиб ўтаётган киши; Худонинг зоти, исмлари ва сифатларини чуқур билувчи киши.

<sup>27</sup> Макомоти Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. – Б.57.

ривоятлар келтирилади. Хожа Ориф Ревгарий Абдулхолик Фиждувонийнинг *ириодга* ижозат олган уч (Хожа Аҳмад Сиддиқ ва Хожа Авлиёи Кабир билан биргаликда) ёки тўрт (Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Салмон Карминий билан биргаликда) халифасидан бири бўлиб, Фиждувонийдан кейин тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган. Хожа Аҳмад Сиддиқ вафотидан сўнг Хожа Авлиёи Кабир билан бир замонда ўз **муридларини** тарбиялашга киришади<sup>28</sup>. Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тахминан 1262 йили ўзи туғилиб ўсган Ревгар қишлоғида оламдан ўтади ва шу қишлоқнинг ўзида дафн этилади.

Хожа Ориф Ревгарий ўзидан “Орифнома” номли асар қолдирган. Ушбу китоб 1225 йилда Ревгарийнинг муридларидан бири, “соликларнинг сараси Хожа Наим илтимоси билан Нурота шаҳрида ушбу тариқат аъзоларига мурожаат ва насиҳат тариқасида ёзилган. Унда муаллифнинг сайру сулук босқичлари, маърифат, орифлик ва валийлик ҳамда сайру сулук одоблари борасидаги қарашлари акс этган. Бундан ташқари, асарда Хожа Ориф Ревгарийнинг устози Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг ҳаёти, кароматлари ва қарашлари билан боғлиқ айрим маълумотлар жой олган. Шунингдек, асарнинг айрим ўринларида тасаввуф тарихининг илк даврларида яшаб ўтган машхур сўфийлардан Ҳасан Басрый (ваф.110/728), Суфён Саврий (ваф.161/777), Робиа Адавия (ваф.185/801), Фузайл ибн Иёз (107/725-187/802), Шақиқ Балхий (ваф.194/810), Абу Туроб Нахшабий (ваф.245/854), Яҳё ибн Муоз Розий (ваф.258/871), Боязид Бистомий (ваф.262/875) ва бошқаларнинг ҳаёти ва қарашлари тўғрисида қисқа қисса ва ривоятлар келтирилган.

<sup>28</sup> Макомоти Хожа Абдулхолик Фиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. – Б.57.

Хожа Ориф Ревгарий ўз муридларини Хожагон-нақшбандия тариқатининг Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний томонидан шакллантирилган асослари ва қоидаларига мувофиқ тарбиялашда ҳамда ўз устози таълимотини тарғиб қилишда давом этиш билан биргаликда, ўзи ҳам ушбу таълимотга айрим янгилик ва тўлдиришлар киритди.

Хожа Ориф Ревгарий ўз муридларини барча ҳолларда, биринчи навбатда, Мухаммад (С.А.В.) шариатига амал қилишга чорлаш орқали уни тасаввуфнинг илк шарти сифатидаги ўрнини кўрсатиб беради. Шунингдек, у киши сўфийлик йўлига кириб бориши учун қуийдаги қатъий кетма-кетликда келадиган босқичларни босиб ўтиши лозимлигини таъкидлайди:

- 1) Шариатга қаттиқ риоя қилиш;
- 2) Аллоҳнинг унга нисбатан белгилаган ҳар қандай тақдирига рози бўлиш;
- 3) Ўз ихтиёри ва иродасидан воз кечиб, Худонинг унга нисбатан қиласидан ҳар қандай иродасига рози бўлиш. Киши шариат билан бошланадиган ушбу йўлни босиб ўтганидан кейин сайру сулук босқичларига қадам қўяди.

Хожа Ориф Ревгарий наздида солик йўлининг боши **тавба**, сайру сулукдаги мақомларга эришишининг шарти эса **толиблик**dir Унинг фикрича, толиб **ҳиммат** (уриниш), **таважжусуҳ** (дикқат), **риёзат** (машаққат) **ва мужсоҳадат** (тиришиш) орқали ўзидағи ёмон хислатлардан халос бўлиб, яхши хислатлар касб этади ва охир-оқибат **висол** (Худога етишиш) шарафига муюссар бўлади. Бироқ толиб бунинг учун қуийдаги мақомларни босиб ўтиши лозим:

- **важд** (ўзини йўқотиб қўйиш);
- **кашф** (очиш);
- **маърифат** (Худони билиш);
- **мушоҳадат** (ғайбни кўриш).

Солик мушоҳадат мақомига етганидан кейингина уни ғайб оламини кўришдан тўсиб турган пардалар кўтарилиб, ушбу оламнинг сирлари унга аён бўлади. Хожа Ориф Ревгарий сайру сулук ҳосилаларидан бўлмиш **маърифат, орифлик ва валийлик** ҳодисаларини таърифлаб ўтади.

Ревгарий наздига маърифат мохиятини қалбнинг Аллоҳ ягоналигини тасдиқлаши, унинг асосини Худога бўлган сидқ ва эътиқод ташкил этади. Маърифат самараси эса банданинг тамомила Худога юз тутишидан иборатдир<sup>29</sup>.

Ревгарий ориф деганда, Аллоҳдан тилаб оловчи ҳар бир нафасида қалбини яратгувчисига тамомила бағишлайдиган, бу ҳол сўнгги нафасигача давом этадиган, бироқ унинг бу ҳоли одамларга яширин қоладиган кишини тушунади.

Ревгарийнинг айтишича, валий Худонинг дўстини дўст, душманини душман билувчи кишидир. Тариқат одоби масаласида:

- нафсга қарши курашиш;
- бойлика ўч бўлмаслик;
- борига қаноат қилиш;
- бойиб кетганда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик, қўнгил поклиги, одамларга хизмат қилиш, аммо ҳеч кимга хизмат буюрмаслик каби ўғитларда Хожаи Жаҳон таълимотининг намоён бўлганини кўрамиз.

Ревгарий “Орифнома”асарида Хожаи Жаҳон фикрларини изчил давом эттирди. Солик сулук сайрида эътибор бериши зарур бўлган барча жиҳатларни таъкидлаб тушунтириди. Ислом арконларига амал қилган ҳолда тариқат йўли талабларини ўзлаштириш, англаш ва унга амал қилишга чақириди.

<sup>29</sup> Макомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. – Б.7-9.

Хулоса қилиб айтганда Абдулхолиқ Ғиждувоний муриди Ориф Ревгарий тариқат ишини давом эттириди, ривожлантириди, ўзига хос янгиликлар қўшди. Хожай Жаҳон ўгитларига амал қилган ҳолда ҳаёт кечиришга ундади. Ушбу ўгитлар ёш авлодни баркамол бўлиб улғайишида хизмат қиласидиган маънавий мерос экани билан аҳамиятлидир.

# АЛОУДДИН АЛ-УСМАНДИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ – МОТУРИДИЙЛИК МАКТАБИ ВАКИЛИ

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**  
*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари, PhD*

Мовароуннахрга VIII асрда кириб келган ислом маданияти VIII-X асрларда юксак даражада ривожланди. Ислом билимлари Мовароуннахр уламолари томонидан асрлар давомида ривожлантирилди. VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда бир неча мингдан зиёд йирик дунёвий фанлар соҳасидаги алломалар, муҳаддис, фақих, муфассир, ақида илми олимлари яшаб, фаолият кўрсатган. Заминимизда туғилиб, камол топган мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси эътироф этилиб, чуқур тадқиқ этиш бошланмоқда.

Мовароуннахр Ўрта Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий жиҳатдан тараққий этган маркази ҳисобланган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шош, Термиз каби марказларда бир неча мадрасаларга асос солиниб, илм-фанинг турли соҳалари ривожланган.

Маҳаллий аҳолининг ислом дини ва араб тилини ўрганишга иштиёқи ошиб, бу жараён Қуръони карим илмлари, фикҳ, ҳадис, аниқ ва табиий фанлар тараққиётини энг юқори чўққига олиб чиққан. Бу эса ўз навбатида илмнинг турли соҳаларида ўз ижодий фаолиятини олиб борган бир қанча фақих, муҳаддис, каломшунос ва қомусий алломаларнинг Шарқ заминида етишиб чиқишига туртки

бўлди.

Мовароуннаҳр тарихи, маданияти ва маънавиятини юксак даражага кўтаришда самарқандлик алломаларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлган. Бу соҳада нафақат Самарқанд шаҳри, балки унга қарашли бир қанча қишлоқлардан етишиб чиққан муҳаддис, фақих, мутакаллим ва дунё илмфани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган алломаларни ҳам тилга олиш мумкин.

Самарқанд қишлоқларида яшаб илмий фаолият олиб борган жуда кўп алломаларнинг номлари аниқланган. Самарқандга қарашли қишлоқлардан чиққан олимлар ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш Самарқанд тарихи, ислом илмлари ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, улар билан танишиб боришимиз қалбимизда аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросига нисбатан ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қиласди.

Аждодларимизнинг маънавий, маърифий, илмий ва диний соҳаларда қолдирган мероси ёш авлод тарбияси ва маънавий камолотига хизмат қилувчи муҳим омиллардан биридир. Кўп минг йиллик тарихий-хуқуқий меросимизга, ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиё ислом дини кириб келганидан кейин фикҳ, қалом, тафсир ва ҳадис илмлари, араб тили фани ривожи марказига айлангани ва ушбу фанлар бўйича буюк алломалар етишиб чиққанига гувоҳ бўламиз.

Мовароуннаҳрхалқарининг маънавий меросиҳазинасида муҳим ўрин тутган фақих ва мутакаллимларнинг меросини ўрганиш халқимизнинг бугунги маънавий уйғонишида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Марказий осиёлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуқи, айниқса, ҳанафий

мазҳаби ривожи йўлида салмоқли хизмат қилиб, ўзларидан барҳаёт асарлар қолдирган. Шундай алломалардан бири, ўз даврининг етакчи факих ва мутакаллим олими, мутафаккир Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандийdir. Аллома ўзидан ҳозирги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган улкан илмий мерос қолдирди. Хусусан, унинг қаламига мансуб “Лубоб ал-калом”, “Тариқат ал-хилоф байн ал-аслоф”, “Базл ан-назар фи ал-усул”, “Ҳаср ал-масоил ва қаср ад-далоил” ва “Мухталаф ар-ривоя” асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Олимнинг тўлиқ исми – Абу-л-Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн Умар ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Усмандий ас-Самарқандий бўлиб, туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда “Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган”,<sup>1</sup> деб келтирилса, кўпчилик манбаларда “У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири “Усманӣ”да таваллуд топиб, 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган”<sup>2</sup>, дейилади.

Табақот асарларида Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Ҳамза ал-Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб, “Оlamning ustunu” (“ал-Ало ал-олам”) сифати билан машҳурdir<sup>3</sup>, деб келтирилади.

Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг “Асманӣ”<sup>4</sup> ёки “Усманӣ”<sup>5</sup> деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. Баъзи

<sup>1</sup> Атаев М. Жиззах алломалари. – Т.: Adib. 2014. – Б.85.

<sup>2</sup> Кураший. ал-Жавоҳир ал-музийа. – Байрут: Muассасату-р-рисола. 1993. Т.2. – Б.74.

<sup>3</sup> Абу Сайд Абду-л-Карим ас-Самъоний. Насабнома. (Арабчадан Абдулғаффор Рazzoқ таржимаси). Ж.1. – Бухоро: Бухоро, 1999. – Б.156.

<sup>4</sup> Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон.

<sup>5</sup> Самъоний. ал-Ансоб./ Кураший. ал-Жавоҳир ал-музийа./Ибн ал-Асир. Лубоб.

олимлар бу жой “Асманد” деб номланган ва алломанинг нисбати Асмандий<sup>6</sup> бўлган, деб келтирса, бошқалари қишлоқнинг номини “Усманд”, яна баъзилари эса “Саманд” шаклида баён этган.

Аллома Самарқанднинг “Усманд” қишлоғида туғилгани ёки оиласи ушбу қишлоқдан бўлгани учун Усмандий нисбаси билан танилган.

Хозирда Жиззах вилояти ҳудудидаги Бахмал туман (1994 йилдан) марказининг Усмат номи билан юритилиши масалага бир қадар ойдинлик киритади.

“Усманд” атамаси вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида “Усмат”га айланган. Буни вилоят марказидан 70 км.<sup>7</sup> узоклиқда жойлашган шу номдаги шаҳарча ҳамда туман марказида, Кўрғонтепа пойида “Ўсмат Ота” зиёратгоҳининг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бахмаллик ёзувчи Сайид Азим тарихчи олимлар Олимжон Жўраев ва Жалолиддин Жўраев фикрига таяниб, Ўсмат ота қабрини ўсматлик машҳур фақих, ўз даврида шариат қонунларининг йирик билимдони Абу-л-Фатҳ Мұхаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий номи билан боғлади<sup>8</sup>.

Аллома туғилган жойга қараб унга *ал-Асмандий* ёки *ал-Усмандий* нисбасининг берилишида ҳам ихтилофлар мавжуд. Юқорида келтирилганидек, баъзи манбаларда унга *ал-Асмандий* деб нисбат берилса, кўпчилик манбаларда *ал-Усмандий* (араб тилида биринчи ҳарфи ҳамзали алиф заммали ўқилади)<sup>9</sup> деб келтирилган.

<sup>6</sup> Каранг: Абдуллоҳ Абд ал-Ҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази. 2007. – Б.35.

<sup>7</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.9. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2005. – Б.134.

<sup>8</sup> Оға Бургутли (Қорабоев С.). Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. – Т.: Фан. 2008. – Б.11.

<sup>9</sup> Абу Саъд Абду-л-Карим Самъоний. Ал-Ансоб. / Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийа. – Байрут: Муассасату-р-рисола. 1993.

Алломанинг отаси – Абд ал-Ҳамид ибн Умар ал-Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва моҳир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган. Тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Абд ал-Ҳамид ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тоҳир ал-Усмандий бўлиб, манбаларда унинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина келтирилган. Унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, ҳаттоқи түғилган ёки вафот этган йиллари ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган<sup>10</sup>.

Кўпчилик манбаларда аллома отасининг исми Абд ал-Ҳамид, баъзисида Абд ал-Мажид ёки Абд ар-Рашид шаклида қайд этилган. Баъзи табақот муаллифларининг ал-Усмандий ўрнига ар-Розий нисбасини қўллагани ҳамда Абу Ҳомид, Абу Бақр каби куняларни зикр этгани истинсоҳ (нусха қўчириш) даги хато туфайли юзага келганини айтишимиз мумкин. Отасининг исми ва кунясидаги тартибсизлик сабабидан Каҳҳола ўзининг “Муъжам ал-муаллифиин” асарида бу исм билан иккита алоҳида кишини зикр этиб келтирган<sup>11</sup>.

Аллома отасининг кучли муҳаддис ва ҳадис ровийси бўлгани ёш Алоуддиннинг ўзига хос илмий муҳитда камол топганига далолат қиласи ҳамда келажақда ўз даврининг етук фақихи ва мунозарачи олими бўлиб етишишига мустаҳкам замин яратган эди.

Алоуддин Усмандийнинг ҳаёти ва илмий мероси асосан хорижлик олимлар, жумладан, немис олими – Карл Брокельман<sup>12</sup>, турк олими – доктор Муҳаммад Сайд Узерварли<sup>13</sup>, араб олимлари – Муҳаммад Закий Абдулбарр<sup>14</sup>,

<sup>10</sup> Атаев М. Жиззах алломалари. – Т.: Adib. 2014. – Б.74.

<sup>11</sup> Умар Ризо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифиин. Ж.2. – Б.387, 409.

<sup>12</sup> Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. No. 441, 10. S. 111/ 1221.

<sup>13</sup> Узерварли Др.Муҳаммад Сайд. Алоуддин Усмандий ва унинг Лубоб ал-калом асари. – Истанбул: Исам яйинлари. 2005.

<sup>14</sup> Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Усмандий. *Тариқат ал-хилоф фи ал-фиқҳ байн ал-*

Шайх Аҳмад Фарид ал-Мазидий<sup>15</sup>, Доктор Навзат Содик Сулаймон<sup>16</sup>, Др. Абдурраҳмон ибн Муборак ал-Фараж<sup>17</sup>, Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд томонидан ўрганилган<sup>18</sup>.

Юртимиз олимлари томонидан алломанинг ҳаёти ва илмий мероси устида тўлиқ тадқиқот олиб борилмаган. Алоуддин Усмандий ҳақидаги баъзи маълумотлар Убайдулла Уватов, Сайдмуҳтор Оқилов<sup>19</sup> ва Муслим Атаев<sup>20</sup> каби олимлар томонидан ёзилган илмий мақола, китоб ва диссертацияларда қисқа библиографик кўринищда берилган.

Абдал-Каримас-Самъоний, Ибн Аби-л-Вафо ал-Қураший, Абдулҳай ал-Лакнавий, Хайруддин аз-Зириклий ва ас-Сафадий каби табақот ва тарожим муаллифлари асарларида ҳам асосан Алоуддин ал-Усмандийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили, Самарқанд аҳлидан экани, ўз даврининг кучли мунозарачи ва фақих олими бўлгани ҳақидаги қисқа маълумотларни учратиш мумкин.

Ёзма манбаларда Алоуддиннинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот келтирилган. Фақат унинг 64 йил умр кўриб, айммат ал-аслаф. Др. Муҳаммад Закий Абдулбарр таҳқики ва тадқиқи. – Қохира.: Дору-т-турош. 2-нашр. 2007.

<sup>15</sup> Алоу-л-олам Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий ал-Ҳанафий. Базл ан-назари фи усул ал-фикҳ. Шайх Аҳмад Фарид Мазидий таҳқики. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 2015.

<sup>16</sup> Шайх Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ас-Самарқандий. Ал-Мийзон фи усул ал-фикҳ. Др. Навзат Содик Сулаймон таҳқики. – Уммон: Дор Дажла. 2009.

<sup>17</sup> Абу Лайс ас-Самарқандий. Мухталаф ар-ривоя. Алоу-л-Олам ас-Самарқандий ривояти ва тартиби. Др. Абдурраҳмон ибн Муборак ал-Фараж таҳқики. – Байрут: Мактаба ар-ружд. 2005.

<sup>18</sup> Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Абу ал-Фатҳ Ал-Усмандий ас-Самарқандий. Таріқат ал-хилоф байн ал-аслоф. Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳқики. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 1992.

<sup>19</sup> Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. Монография. – Т.: 2008. / Оқилов С. Мовароуннахрда Мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. Монография. – Т.: 2012.

<sup>20</sup> Атаев М. Жиззах алломалари. – Т.: Adib. 2014.

552/1157 йилда (баъзи манбаларда Бухорода) вафот этгани қайд этилади<sup>21</sup>, холос.

Аксар тарихчи олимларнинг асарларида алломанинг илм талабида кўплаб мамлакатларга сафар қилгани ҳақида ҳам қайд этилади. Абу Саъд Абд ал-Карим ас-Самъонийнинг таъкидлашича, Муҳаммад ибн Абд ал-Карим аш-Шаҳристоний аллома билан Марвда бир неча бор учрашган. Бундан ташқари, Усмандийнинг Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий, Абу-л-Муъйин ан-Нашвоний, Алоуддин ас-Самарқандий ва Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Собуний каби мотуридия мазҳабининг йирик намояндалари билан бир асрда яшагани ҳақида келтирилади<sup>22</sup>.

Таниқли араб олими Абу-л-Вафо ал-Қураший ўзининг “ал-Жавоҳир ал-музийа фи табақот ал-ҳанафийа” (“Ҳанафий уламолар таржимаи ҳолларидағи ёрқин жаваҳарлар”) асарида келтиришича, аллома 552/1157 йилда Шамс ибн Ҳисом ибн Бурҳон<sup>23</sup> билан биргаликда муборак ҳаж ибодатини адо этган<sup>24</sup>.

Алломанинг таржимаи ҳоли кўпгина табақот асарларида зикр этилган, жумладан:

- Ас-Сафадийнинг “ал-Вофий би-л-вафаёт” (Ж.1. – Б. 385);
- Абд ал-Карим ас-Самъонийнинг “ал-Ансоб” (Ж.1. – 156-бет);
- Жалолуддин ас-Суютийнинг “Табақот ал-муфассирийн” (Ж.1./ – 92-бет);
- Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Тарих ал-ислом” (Ж.1.

<sup>21</sup> Узерварли Др. Муҳаммад Саид. Алоуддин Усмандий ва унинг Лубоб ал-калом асари. – Истанбул: Isam yayinlari. 2005. – Б.19.

<sup>22</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>23</sup> Тўлиқ исми – Шамсуддин Абу Жаъфар ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Моза. Устози “Бурҳон ал-аймма” лақаби билан машҳур Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийнинг ўғли (У ҳаж сафари ҳақида китоб ёзган. 2013 йилда Эронда нашр этилди. Ягона нусха асосида. Кўлёзмаси Душанбеда сакланади).

<sup>24</sup> Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж.2. – Байрут: Muassasat ar-risola. 1993. – Б.114.

- 3859-бет);
- Ал-Адирнавийнинг “Табақот ал-муфассирийн” (Ж.1. – 186-бет);
  - Ибн Қутлубуғонинг “Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийа” (1/– 19-бет);
  - Хайруддин аз-Зириклийнинг “ал-Аълом” (Ж.6. – 187-бет);
  - Умар Ризо Каҳдоланинг “Муъжам ал-муаллифийн” (Ж.10. – 130-бет);
  - Абдулҳай ал-Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-баҳийя” (–2-бет).

Алоуддин ал-Усмандий илмий фаолиятини асосан, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида олиб борган бўлиб, шунингдек, ўша даврдаги кўпчилик замондошлари каби илм талабида кўпгина мамлакатларга сафар қилган.

Манбаларда унинг Ҳижоз мамлакатларига, хусусан, ҳаж ибодатини адо этиш мақсадида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага сафар қилгани, қайтиш чоғида Бағдод, Марв ва шу каби ўша даврнинг кўзга кўринган илм ўчоқларида бўлиб, уламолар билан турли масалалар бўйича илмий баҳс-мунозараларда қатнашгани қайд этилади.

Манбаларда келтирилишича, аллома фиқҳ илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавийдан ўрганган. Имом Ашраф ал-Алавий эса фиқҳ бўйича таълимни отаси Абу-л-Ваззоҳ Муҳаммад ал-Алавийдан, у эса отаси Абу Шужъо ал-Алавийдан олган ҳамда ундан ҳадис ривоят қилган.

Ас-Самъоний “аз-Зайл” асарида зикр қилишича, у ҳақда Марв қозиси Қози Муҳаммад ибн Утба ас-Сойифий ривоят қилган<sup>25</sup>. Имом Ашраф ал-Алавийнинг отаси Самарқанддаги Кусам ибн Аббос розияллоҳу анху мадрасаси<sup>26</sup>да таҳсил

<sup>25</sup> Самъоний. Ийзоҳ ал-макнун фи аз-зайли алаа Кашф аз-зунун. – Б.177.

<sup>26</sup> Бир ривоятга кўра, ҳазрат Кусам Ширинкет (Самарқанд музофоти) деган мавзеда шаҳид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидан кечиб ўтказиб, Бану Ножия қабристонига кўмдилар. Султон Санжар Мозий (1118-1157) замонасида ўша қабристонда “Кусамия” деб аталган бир мадраса солинган эди. У Мадраса

олган. Ҳижозга сафар қилиб, Бағдодда ҳожи бўлиб келган ва Самарқандга қайтиб умрининг охиригача дарс бериш ва илмни ёйиш билан шуғулланган. 491/1098 йилнинг шаввол ойида 54 ёшида вафот этган ва Самарқанддаги машхур “Чокардиза” қабристонига дафн қилинган<sup>27</sup>.

Маълумотларга қўра, улуғ алломалар дафн этилган Чокардиза (баъзи манбаларда Жакардиза, Шакаржиззаба деб ҳам аталади) қабристони X-XI асрларда пайдо бўлиб, Самарқанднинг жануби-ғарбида жойлашган. Тарихчи Комилжон Каттаевнинг таъкидлашича, бир вақтлар ўша ерда ҳарбий истеҳком – қалъа бўлган. Чокардиза номи ҳам шундан келиб чиққан. Чокар – лашкар, диза – қалъа дегани. Шу мавzedан Чокардиза арифи ҳам ўтган<sup>28</sup>.

Шомийнинг (Иbn Обидийн) “*Ар-Радд ал-мухтор*” асарида келтирилишича, бу қабристонга 400 га яқин Муҳаммад номли фақиҳлар дафн этилгани учун “*Турбат ал-Муҳаммадиййин*” (“*Муҳаммадийлар қабристони*”) номи билан машхур бўлган<sup>29</sup>.

Шунингдек, манбаларда алломанинг Али ибн Умар ал-Харротдан ҳадис тинглагани ҳақидаги маълумот келтирилади.

Алоуддин Усмандий ҳадис борасидаги илмларини “*Садр аш-шахид*” лақаби билан машхур бўлган Ҳусомиддин Умар ибн Абд ал-Азиз ибн Моза ал-Бухорий<sup>30</sup>дан ўрганганд. Аллома

Самарқанд кўргони ўрнига тепа устида, Оби машҳад аригининг яқинида, кунботар томонида эди. Ҳозирда ундан бир нишона қолмагандир. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. – Т.: Камалак. 1991. – Б.30.

<sup>27</sup> Ўша асар.

<sup>28</sup> Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Таржимон, сўзбоши, изоҳ ва лугат муаллифи К.Каттаев. – Б.76.

<sup>29</sup> Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. – Б.10.

<sup>30</sup> Ҳисомуддин Садр аш-шахид Умар ибн Абд ал-Азиз (1091-1142) усул ва фуруъ бўйича Ҳанафий мазҳаби имомларидан. У маъқул ва манқул бўйича даврининг буюк олимларидан бўлиб, илмул хилоф ва мазҳаб муаммолари соҳасида катта салоҳиятли олим. Аллома Бурхониддин Марғинонийнинг буюк устозларидан бири

устозининг “Шаҳид” деб номланишига сабаб, 536/1141 йил Султон Санжар ва қорахитой Гурхон ўртасида рўй берган “Қатавон” жангига қатнашиб, унда Султон Санжар мағлубияти туфайли душман қорахитой Гурхон қўлидан вафот топади<sup>31</sup>. Шу сабабли, у шаҳидлик мартабасига эришади. Ушбу жангда уламолардан бир жамоаси ўлдирилган бўлиб, аксар олимлар томонидан уларга “шашид” даражаси берилган. *Ҳисом аш-шашид, Садр аш-шашид, Саффор аш-шашид*<sup>32</sup> кабилар шулар жумласидандир.

Алоуддин ал-Усмандий қатор исломий илмларда, айниқса, фикҳ, ҳадис ва қалом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган маҳсус соҳа ҳисобланган *илму-л-хилоф* бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳли орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида “ал-Ало ал-олам”<sup>33</sup> (“Оламнинг устуни”), “ал-Ало” (“Устун”), “ал-Ало ас-Самарқандий”, “Алоуддин”<sup>34</sup> (“Диннинг устуни”) каби юксак лақаблар билан машҳур бўлган.

Алоуддин Муҳаммад ал-Усмандий биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилган. Куйида алломадан бизгача етиб келган бой илмий-маънавий мерос намуналари ҳақида қисқача тўхталамиз:

---

бўлган. Шайх А. Мансур. Ҳидоят. 2013/1. – Б.29.

<sup>31</sup> Деххудо. Лугатнома. “Ҷ” ҳарфи томи. – Техрон: 1338 ҳ. – Б.534.

<sup>32</sup> Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийа. Ж.2. – Байрут: Миассасат ар-рисола, 1993. – Б.375.

<sup>33</sup> Самъоний. Насабнома. (Арабчадан А. Раззоқ таржимаси). Ж.1. – Бухоро: Бухоро. 1999. / Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. *ал-Фавоид ал-баҳийя фи табақот ал-ҳанафийя. (кейинги ўринларда Лакнавий. ал-Фавоид ал-баҳийя).* – Қозон: Матбаат ал-хизона. 1903.

<sup>34</sup> Кафавий. *Китоб у-аъломи-л-ахёр.* Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўллэзмалари маркази. №91-ашёвий рақамли қўллэзма/ *Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя.* – Қозон: Матбаат ал-хизона. 1903.

1. “Ҳасрал-масоилвақасрад-далоил” (“Муайянмасалалар ва қисқа далиллар”). Бу асар Нажмуддин Умар Насафийнинг “Ал-Манзума фи илм ал-хилоф” номли китобига ёзилган шарҳ<sup>35</sup> бўлиб, унинг учта қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланади. Алломанинг ушбу асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Имом ас-Суғдий, Абу-л-Мафохир Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Судайсий томонидан ёзилган шарҳлар шулар жумласидандир<sup>36</sup>.

2. “Тариқат ал-хилоф фи ал-фиқҳ байн ал-а’иммат ал-аслоф” (“Ўтган алломалар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилоф йўллари”) асарида фиқҳ илмида фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган. Ушбу қимматли асар мисрлик тадқиқотчи олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан тадқиқ этилиб, 1990 йилда Қоҳирадаги “Дор ат-туроқ” матбаасида нашр этилган. 1992 йилда эса Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд каби олимлар томонидан таҳқиқ қилиниб, Ливан (Байрут) да “Дор ал-кутуб ал-илмийя” матбаасида нашр этилган.

3. “Базл ан-назар фи ал-усул” (“Фиқҳ асосларига чуқур назар”). Бу асар ҳам мисрлик тадқиқотчи олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан илмий тадқиқ этилиб, 1992 йилда, аввалги асар сингари, Қоҳира шаҳридаги “Дор ат-туроқ” матбаасида чоп этилган.

4. “Оламий” номи билан машҳур “Ат-Таълиқа фи ал-фиқҳ” (“Фиқҳ илмида изоҳ”) номли асари фиқҳ илмининг фуруъ (тармоқлари) масалаларига бағишлиланган бўлиб, қатор муаллифларнинг ёзишича, у бир неча жилдан иборат йирик асардир.

<sup>35</sup> Зириклий Хайруддин. Ал-Аълом. Ж.17. – Қоҳира: Ношир кўрсатилмаган. 1954. Ҳожи Халийфа ҳам Ибн Шаҳинадан иктибос келтирган. Ж.2. – Б.1187.

<sup>36</sup> Насафий Абу Ҳафс Умар. Тилбат ат-талаба фи истилоҳот ал-фиқхийя. Ж.1. – Б.4. <http://www.shamela.ws>

5. “Ал-Амолий фи ат-тафсир”<sup>37</sup> (“Тафсир илмида имло қилинган масалалар”). Ёзма манбаларнинг далолат қилишича, алломанинг бу асари Қуръони каримга бағишиланган тафсир хисобланади.

6. “Мухталаф ар-ривоя”<sup>38</sup> (“Ривоятларнинг турлилиги”). Бу асар фиқҳ илмига оидdir. Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасидаги Ҳанафий фиқҳи бўлимида 1815-рақамлиқ ёлёzmанинг 41789-рақамостида сақланади. Микрофильм нусхасида: “Мухталаф ар-ривоя” Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасанга тегишили” деб ёзилган. Асарнинг дастлабки бетлари йўқ. Яна бир бошқа нусхаси Мисрнинг “Мустафо Фозил” кутубхонасидаги Ҳанафий фиқҳи бўлимида (119-рақами қўлёzmанинг 8356-рақамли микрофильми) сақланмоқда.

7. Ҳанафий мазҳабига оид “Ал-Муътариз ва ал-мухталиф”<sup>39</sup> асари.

8. Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ҳанафий фуруъул фиқҳи (фиқҳ илми тармоқлари)га доир “Уйун ал-масоил” китобига шарҳ.

9. “Ал-Фавоид ал-Алоийя” асари.

10. Шайх Нуруддин Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Собуний ал-Ҳанафийнинг “Ал-Ҳидоя мин усул ал-эътиқод ва илм ал-калом” асарига шарҳ<sup>40</sup>.

11. “Лубоб ал-калом” (“Калом илмининг жавҳари”) асари.

12. Насафийнинг “Манзума”сига шарҳ. Ушбу асар илму-л-хилофга бағишиланган;

<sup>37</sup> Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. – Байрут: Muassasatu-r-risola. 1993. (1:143)/ Кутлубуго Зайниддин Қосим ибн Ибн. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. – Бағдод: Аъни. 1962.

<sup>38</sup> Ҳожи Ҳалийфа. Каиф аз-зунун ан асомиъ ал-кутуб ва ал-фунун. (2: 1636). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 1992. – Б.1636.

<sup>39</sup> Атобикий. Ан-Нужум аз-зоҳира/ Ибн Имод. Шазарот аз-заҳаб.

<sup>40</sup> Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Абу-л-Фатҳ ал-Усмандий ас-Самарқандий. Тариқат ал-хилоф байн ал-аслоф. Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 1992. – Б.31.

13. “Ал-Мийзон фи усул ал-фиқҳ” (“Усулу-л-фиқҳда мезон”) асари. Асар уммонлик тадқиқотчи олим Доктор Навзат Содик Сулаймон томонидан ўрганилиб, 2009 йилда “Дор Дажла” нашриёти томонидан нашр этилган.

Манбаларда алломанинг турли соҳалар бўйича йигирмага яқин асар ёзгани қайд этилади. Ҳозирда уларнинг қўлёзма ва микрофильм нусхалари дунёнинг қатор кутубхоналари асосан, Туркия, Миср ва Саудия Арабистони қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Алломанинг “Лубоб ал-калом”, “Тариқат ал-хилоф байна ал-аслаф”, “Мийзон ал-усул фи ал-фиқҳ” ва “Базл ан-назари фи ал-фиқҳ” каби асарлари бизгача етиб келган ва асосан Туркия, Миср ва Уммон тадқиқотчи олимлари томонидан ўрганилиб, нашр этилган.

Аллома ўзининг “Лубоб ал-калом” асаридаги калом илмига оид муҳим масалаларнинг таҳлилида, кўриниб турганидек, мотуридия ақидавий мазҳаби амал қилган тамойилларга таянган. Бу эса ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос халқимиз, хусусан, ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, айниқса, ақидавий масалалар ҳақида баҳс юритувчи калом илмининг мотуридийя йўналиши қарашларини баён қилиш, ботил даъволарни илгари сураётган айрим оқим ва фирқаларга ғоявий зарба беришда дастуриламал ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, муаллиф ўз ғоялари ва фикрларини асарларида баён қилишда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, мутақаддим ўтган улуғ олимлар, хусусан, буюк ватандошимиз Имом Абу Мансур ал-Мотуридий каби аждодларимиз асарларидан кенг ва унумли фойдаланган.

## FALSAFA TUSHUNCHASINING ETIMOLOGIK VA TARIXIY KELIB CHIQISHI

D. ERNAZAROV,

TDIU “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti,  
Siyosiy fanlar doktori (PhD)

F. USMONOV,

TDIU “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi  
falsafa doktori (PhD)

Falsafa tushunchasining etimologik kelib chiqishiga nazar tashlaganimizda, falsafa so‘zining grekcha (filosofiya) so‘zining yaxshi ko‘raman, sevish ma’nolari (φιλία) philia [1] iborasi hamda donolik ma’nosida kelgan (σοφία) sophia iborasidan kelib chiqqanligini ko‘rishimiz mumkin. Heraklid Pontikos bu so‘zni birinchi bor qo‘llagan kishi Pifagor ekanligini o‘z asarida keltirib o‘tadi. Pifagor o‘zining man bir “Philosophos”man” deb aytar ekan, bu bilan o‘zining bilish va donolikning ixlosmandi ekanligini tushuntirishni xohlagan. Faqat bugungi tadqiqotlar esa bu so‘zni birinchi bo‘lib qo‘llagan kishi Geraklit (miloddan avvalgi 535-475) ekanligini belgilab bermoqda. Shundan xulosa qilinsa, falsafaning va falsafa ismining ham otasi Geraklit. [2]

Yunonlarda, xususan, miletlik faylasuflardan, so‘ngra “bo‘lish” tushunchasiga aniqlik kiritgan Geraklit soyasida falsafa universal holatga ega bo‘ldi. Suqrot qarashlariga ko‘ra esa, falsafa bilmagan narsalarni bilishdir. Aflatun esa falsafani to‘g‘rilik (haqiqat)ni topish yo‘lidagi intellektual fikrlardir. Arastuga (Aristotel) ko‘ra esa, falsafa prinsiplar yoki birinchi sabablar haqidagi fan sanaladi. Epikur bo‘lsa falsafani hayot

haqidagi ilm yoki baxtli hayotni ta'minlash uchun mo'ljallangan universal tizim deb ta'riflagan. [3]

O'rta asrlarga nazar tashlasak, Avgustinning tushunchasida falsafa Tangrini bilish bo'lib, haqiqiy falsafa din bilan oziqlangan tizim sifatida qaraldi. Avliyo Anselmus esa falsafani ishonchning nima ekanligini tushunishga harakat, deb bilgan.

Scottus Eruigenga ko'ra, falsafa yaxlit ilmdir. Bundan tashqari, boshqa mutafakkirlarning tushunchasida falsafaning bu fikrlarga yaqin ta'riflariga guvoh bo'lish mumkin. [4] O'rta asr Islom mutafakkirlaridan al-Kindi falsafaga olti xil ta'rif berish bilan birga umimiy o'laroq shu ta'rifni tilga olgan: "Falsafa, insonning qudrati yetganligicha borliqning haqiqatini bilmoqligidir. Insonning o'zini tutishi esa, haqiqatga muvofiq harakatda bo'lishdir". Al-Forobiy falsafani ilmlarning ilmi, hikmatlarning hikmati va san'atlarning san'ati deb tariflaydi. [5] Ibn Sino esa o'z asarlarida "falsafa" ila "hikmat" kabi tushunchalarni sinonimdek ishlatish bilan birga umumiy ma'noda falsafani "insonning, ashyoning haqiqatiga voqif bo'lishi soyasida kamolotga erishmoqligi" deb tariflagan.[7]

Dekartga ko'ra, falsafa bir fan bo'lib, uni geometrik metodlari orqali metafizikaga o'tishi lozim. Fixtening fikriga ko'ra esa, falsafa bu "o'zlik haqidagi" bilimdir.

Prof. Dr. Bedia Akarsuning falsafa haqida bildirgan tariflari ham falsafaning ahamiyati borasida eng muhim tariflardan biri sanaladi.

1. Fanlarning onasi qatorida falsafa: a) Ashyolarning asosiysiga erishish uchun harakat qilgan fanlarni harakatga olib borguvchi kuch. b) Fanlarning ilk va asosiy toshi, ilmi.

2. a) Olam haqida butun tasavvurga ega bo'lishda fan va ilmlar o'rtasida munosabatlarni barpo qilish. b) Ilm orqali bilishning usul va asoslari, gipotezalari va metodlari ustida analitik, tanqidiy ravishda tushuncha olib borish. c) Ilmiy tadqiqodlar ila

insonlar orasida munosabatlar barpo qilish.

3. Falsafaning fenomenalogik, germenevtik va ekzistensialist jihatdan o‘ziga xos analitik metodlari.

4. a) Qarama-qarshi tomonlarning butunlikka borishi. b) irratsional, kishiga xos tarangliklardan unib chiqqan va diqqatga sazovor qiymatga ega hayot falsafasi. c) ekzistensialist falsafa; Borliqning mustaqilligi va tarixiyligi asosida harakat qilgan holda mutlaq bo‘lgan borliqqa erishish [8].

Falsafa tarixi, nafaqat falsafiy tushunchaning tarixi, ayni zamonda ilmlarning kelib chiqishi va rivojlanishi to‘g‘risida, ularning tayangan asoslari haqida ma’lumot bergen eng asosiy fanlardan biridir.

O‘rta yer dengizi sharqida, Xitoy va Hindistonning janubi va shimolida ba’zi dono kishilar o‘zлari duch kelgan xaotik tuzilishga yoki tartibga asoslanib, madaniyatlarining odatlari, diniy va mifologik e’tiqodlari bilan kifoyalanmay, yangi tartibni yaratishga harakat qildi. Fikr mavhum bo‘lishiga moyil bu donishmandlar yoki faylasuflar yanada chuqurroq savollar berdi va berilgan savollarga yanada qat’iy, spekulyativ javoblar qaytardi. Falsafa tushunchasining boshlanishi haqida alohida madaniyatlarga mansub ushbu donishmandlardan beshtasini ajratib ko‘rsatish mumkin: Zaratustra (miloddan avvalgi 628-551), Fales (miloddan avvalgi 625-547), Siddxarta Gautama (miloddan avvalgi 563-545), Konfutsiy (miloddan avvalgi 551-479) va Lao-Tsu (miloddan avvalgi 6-asr)[10].

Falsafaning kelib chiqishi haqida hech qanday aniq ma’lumot yo‘q. Chunki, falsafaning kelib chiqishi sifatida ba’zi tadqiqotchilar qadimgi yunon, ba’zilari Hind, ba’zilari esa Eron, Misr, Ioniya va Mesopotamiya bilan bog‘laydi. Ularga asoslanib falsafaning kelib chiqishi to‘g‘risida uchta asosiy qarash mavjud. Ulardan birinchisi, falsafa Qadimgi Yunonistonning mahsulidir – fikri. Ikkinchisi, falsafa har qanday millatning hosilasi emas,

balki bu umumiy qiymatga ega ekanini ta'kidlaydigan nuqtai nazar. Uchinchidan, falsafaning ilohiy kelib chiqishi haqida ilgari surulgan qarashdir.

Birinchi nazariyaga qaraganimizda, ko'plab G'arb mutafakkirlari nafaqat falsafaning Qadimgi Yunoniston mahsuli deb biladi, balki boshqa bilimlarning ham bulog'ini "Yunon mo'jizasi" qatorida qaraydi. Ushbu qarashni himoya qiladiganlardan biri Ernest Renan va Sumner Meyndir. Renanning so'zlariga ko'ra, quyosh zaminida Mo'jiza bor va bu yunon mo'jizasi. Meynning fikriga ko'ra, tabiat kuchlaridan tashqari, koinotda har qanday harakat bor bo'lsa, barchasining bulog'i Yunoniston ekani ma'lum.[11] G'arblik boshqa bir mutafakkir Bryan Mageye ham G'arb falsafasining boshlanishini Suqrotgacha (mil. avv. 399) bo'lgan falsafaga, boshqacha qilib aytganda (mil. avv. VI asrda yashagan) Fales va boshqa tabiatchi faylasuflarning davri bilan bog'lab asoslashga urinadi. Bu mutafakkirlarning umumiy tushunchasidagi xulosa Sharq va uzoq Osiyo madaniyatlarida juda chuqur fikrlar bor, lekin bulardagi tushunchalar falsafiy bo'lishdan yiroq, qat'iy diniy tushunchalar bo'lgani haqidadir. Ushbu asarlarda bilim, yunon faylasuflari singari, mustaqil izlanishlar mahsuli emas, ular dinga asoslangan sharhlardan iborat bo'lgan. Ikkinci nazariyani olib qaraganimizda, bu borada ko'pgina falsafa tarixchilarining fikriga ko'ra, falsafaning manbasini nafaqat Qadimgi Yunonistondan, balki madaniyat taraqqiy etgan manzillardan axtarish kerak. Misol uchun, Misr va Mesopotamiya, Uzoq Osiyo – Hind va Xitoy, O'rta Osiyo, Amerikadagi Inka, Maya va Aztek madaniyatları va Avstraliyadagi Aborigenlarning madaniyatlarini ham inobatga olishimiz kerak. Chunki falsafaning kelib chiqish markazlarini yoki hatto ulardan birini "yunon mo'jizasi" deb ta'kidlash mumkin emas. Shuning uchun biz xalqning o'z madaniyatini "barbarlar" (varvarlar)

ga tayanib, ularni sivilizatsiya asoschilari sifatida maqtashga bo‘lgan munosabatiga juda ehtiyyot bo‘lishimiz kerak.

Xitoy faylasuflari, xususan, bugungi kunda dunyodagi eng maxsus va murakkab madaniyatning bulog‘i bo‘lishi mumkin. Ma’lumki, ularni o‘rab turgan deyarli barcha qabilalar, shu jumladan, yaponlar ham “Varvarlar” edi. Shu yerda o‘rinli savol tug‘iladi. Asrlar davomida rimliklar shimoldan kelgancharni va yevropaliklar turklarni “varvar” deb atashganmi? Inglizlar yillar davomida fransuzlarga, fransuzlar nemislarga, nemislar polyaklarga, polyaklar ruslarga, ruslar Sibirga yaqinlashmadimi? [12]

Ba’zi tadqiqotchilar qadimgi yunon falsafasining asl vatani Kichik Osiyo, ya’ni qadimgi Ioniya mintaqasi deb hisoblaydi. Qaysidir ma’noda Ioniya G‘arb va Sharqning uchrashish nuqtasidir. Ushbu mintaqada yashovchi odamlar qo‘sni viloyatlarning millatlaridan iborat. Chunki, bu hudud tarixiy davrlarda ko‘plab qabilalarni qabul qilgan. Shuning uchun yunon falsafasi Sharqning ta’siri bilan tug‘ilgan bo‘lishi mumkin. Tadqiqotchi Erdogan hamda bir guruh misrlik ruhoniylar, shu jumladan, taniqli yahudiy faylasufi Filonning fikricha, falsafaning kelib chiqishi Misr va Bobilga borib taqaladi. Ularning fikriga ko‘ra, yunon ilmi va falsafasi asosan Sharq bilan madaniy almashinuv amalga oshiriladigan Ioniyada rivojlana boshladi. Shuning uchun Ioniya yunon tafakkurining ulkan yutuqlari beshigiga aylandi.

Volter taxallusi bilan tanilgan fransuz faylasufi falsafaning shakllanishi borasida quyidagi fikrlarni bildirmoqda: “Yunonlar, Kichik Osiyo, Misr, Finikiya va Lidiya kabi mintaqqa xalqlari ham tijoriy, ham madaniy aloqada bo‘lishgan, shu tufayli ular bugungi kunda “falsafa” sifatida qabul qilingan g‘oyalarini shakllantirdilar. Bu mintaqqa nafaqat dinlar va sivilizatsiyalar beshigi, balki doimiy madaniy dinamizm mavjud bo‘lgan geografiyadir. Hatto hazrati Muso davrida ham Finikiya

faylasuflari borligi haqida eslatib o‘tilgan.” [14]

Eduard Zellerning bergan ma’lumotlariga ko‘ra, falsafaning vatani qadim yunon emas, balki qadim Misr bo‘lib sanaladi. Uning fikricha Yunon (Helen) madaniyatini rivojlantirishga nafaqat qadimgi Misr Kaldoniylari sabab bo‘lgan, qolaversa Magi va Brahmanlarning ham ta’siri ko‘p. [15] Yunonlar matematikani Misrdan va astronomiyani Bobildan olgan. Ba’zi mutafakkirlarga ko‘ra esa, Falesning Cosmogony ixtirochisi bo‘lgan yoki bo‘Imagani haqida shubhalar mavjud. Bu shubhalarni Fales Bobilga sayohat qilgan va Misrda astronomiya, ruhoniylar va geometriya ilmini o‘rgangan, Kichik Osiyodagi Kresus qo‘shinlari bilan birga sayohat qilgani bilan asoslaydi. Yana bir ajoyib dalil Diogenes Layertius tomonidan keltirilgan. Unga ko‘ra, Misrning donoligiga asoslangan Aflatun, Timos dialogiyasida u Pifagor ta’limotining ba’zi g‘oyalarini to‘plagan. Bu tomonidan olib qaralganda Aflatunning ko‘plab g‘oyalari bu falsafa ta’sirida paydo bo‘lgan degan nazariyalar mavjud[16].

Islom olamida falsafaning kelib chiqishi to‘g‘risida fikr bildirganlardan biri al-Forobiy Kaldoniylarni falsafaning asoschilari sifatida ko‘rsatgan. Uning so‘zlariga ko‘ra, Kaldoniylarda rivojlangan donolik (faylasuflik) navbati bilan Misr, Yunonlar, Ossuriya va Arablarga o‘tgan. Biroq falsafa fanlari terminologiyasi yunoncha, keyin suriyalik, so‘ngra arabchada shakllangan. [17]

Ba’zi falsafa tarixchilari Sharqiy Osiyoni falsafaning vatani deb biladi. Misol uchun Tohir Xarimiy va Volter, Alfred Veber kabi mutafakkirlarning fikricha, ilm-fan va madaniyatning beshigi Hindiston edi. Taxminan o‘ttiz asr oldin Hindistonda matematika, astronomiya va tib fanlari rivojlangan. Hindlar tomonidan ixtiro qilingan ushbu birikma vaqt o‘tishi bilan kaldoniylarga, ulardan misrliklarga, keyinroq Yunonlarga o‘tgan.[18]

## **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Φιλία, qadimgi yunonlarning to‘rtta sevgi so‘zlaridan biri (filiya, storge, agape va eros), ko‘pincha “birodarlik muhabbatı” deb tarjima qilingan. Aristotelning “Nikomaxiya axloqi” asarida filiya ko‘pincha “do‘stlik” yoki sevgi deb tarjima qilingan.
2. Orhan Hançerlioğlu, Felsefe Ansiklopedisi, Kavramlar ve Akımlar, Cilt 2 (E-I), Remzi Kitabevi, İstanbul 1977. –S.147.
3. Orhan Hançerlioğlu, Felsefe Ansiklopedisi, –S.148.
4. Orhan Hançerlioğlu, Felsefe Ansiklopedisi, –S.148.
5. Şenol Kurt, “Meşşai Geleneğin Kurucu Filozofu: Farabi”, İslam Felsefesi Tarihi, Editör Bayram Ali Çetinkaya, Grafiker yayınları. –Ankara: 2017, –S.129.
6. Al-Farobiy, al-Jam beyne re’ye yi’l-hakîmeyn (tahr. Albert N.Nader), Beyrut 1968, –P.80.
7. İbn Sina, Mantığa Giriş, eş-Şifa el-Mantık: el-Medhal, Arapça metinle birlikte, çev. Ömer Türker. –İstanbul: Litera Yayıncılık, –S.11.

# АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ҚАДИМГИ ҲИНД ВА ЮНОН ИЛМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маърифат ХАНДАМОВА,  
*Самарқанд давлат чет тиллар  
институти доценти,  
фалсафа фанлари доктори (DSc)*

Буюк математик, астроном ва географ, “хозирги замон алгебрасининг отаси” Мухаммадал-Хоразмий VIII аср охири IX аср биринчи ярмида яшаб ижод этди. Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусийдир. Бу ерда исмнинг “Абу Абдуллоҳ Мухаммад” қисми исломга янги ўтганларга бериладиган анъанавий исмдир, “Ибн Мусо” – “Мусонинг ўғли” демакдир; “ал-Мажусий” лақабига кўра, хоразмийнинг аждодлари мажусий коҳинларидан, яъни муғлардан бўлиб, исломни отаси қабул қилган кўринади.

Олимнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳамда ҳаёт йўли ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. У туғилган йил 783 йил деб тахмин қилинади. Хоразмийнинг бошланғич таълими ва қандай шароитда Хоразмни ташлаб кетгани ҳам фан учун ҳозирча аниқ эмас. Маълумки, мажусий коҳинлари қадимий диний урф-одатлардан хабардор бўлган, ерли халқ ёзувини билган ҳамда диний ва илмий адабиётлар уларнинг қўлида сақланган. Шунга кўра, хоразмий бошланғич маълумотни ўз уйида олганига ишониш мумкин. Хоразмий ватаниниташлабкетишигакелсак, айримтадқиқотчиларнинг фикрича, унинг отаси мажусий коҳинларидан бўлгани учун

араб мутаассибларининг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишига мажбур бўлган ва Хуросонга, кейинроқ эса Бағдодга келиб қолган<sup>1</sup>.

Иbn ал-Қифтий келтирган хабарга кўра Хоразмийнинг илк бор Бағдодга келиб, у ердаги Қутраббул маҳалласида яшагани ва у “Байтул Ҳикма”нинг кутубхонасида мудирлик қилгани ҳақидаги хабарларни келтиради<sup>2</sup>. Агар Берунийнинг Қутайба ҳақида келтирган хабарлари нуқтаи назаридан қаралса, бу фикрга қўшилиш мумкин. Лекин бизнингча, бошқа бир мулоҳаза ҳақиқатга яқинроқ. Бу мулоҳаза халифа Ҳорун ар-Рашиднинг Хуросондаги ноиби, ўз ўғли Маъмун билан боғлиқ. Бунга кўра, Маъмун Хуросондаги ноибликнинг пойтахти Марвга, атроф ўлкалардан, жумладан, Хоразм, Шош, Фароб, Афғонистон ва бошқа қўшни ерлардан олимларни тўплаб, ўз саройида уларнинг илмий ишларига шароит яратиб берган. Марказий Осиёлик олимлардан Жавҳарий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Фарғоний ва бошқалар бўлган.

813 йили халифалик лавозимига Маъмун (813-833) ўтиргач, у ўзи билан Бағдодга Марвдаги сарой олимларини ҳам олиб келади.

Бу ҳақда Ал-Хоразмий шундай фикрларни келтиради “Аллоҳ ал-Маъмунга унга мерос бўлиб ўтган халифалик лавозимини инъом қилиб, мурувват этганлиги, бу лавозим либосини кийдириб, уни безаганлиги ва шу билан бирга, унда фанларга муҳаббат ва олимларни ўзига яқин тутишга интилиши менга жасорат ато қилди, у ўз ҳомийлик қаноатини ёзиб, уларга ноаниқ бўлган нарсаларни ёритишига ва улар учун мушкул нарсаларни осонлаштиришига ёрдамлашарди. Шунинг учун мен арифметиканинг оддий ва мураккаб

<sup>1</sup> Салье М. Мухаммед аль-Хорезми – великий узбекский учёный. – Т.: 1954. – С.5.

<sup>2</sup> Иbn ал-Қифтий.

масалаларини ўз ичига олувчи “Алжабр ва муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китобни таълиф қилдим”, дейди. Бундан кўринадики халифа ал-Хоразмийни ҳар томонлама қўллаб-куватлаган. Яна фикрини давом эттириб – “чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишида, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир” дейди. Бундан кўринадики, алломанинг асарлари аниқ фанларни ривожлантириш билан бир қаторда, халифаликнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Халифа ал-Маъмун томонидан саройга келтирилган бу олимлар Шарқда “алмаровиза”, яъни “марвликлар” номи билан машҳур бўлади. Улар орасида, табиийки, Хоразмий ҳам бор эди. Маъмун “дамашқликлар” ва “марвликлар”ни “Маъмун академияси” номи билан машҳур ақадемияга бирлаштиради. Маъмун академиясида қўплаб олимлар, таржимонлар ва хаттоллар хизмат қиласи. Ғарб олимларидан Ҳ.Зутер томонидан тузилган математик ва астрономлар рўйхатидаги олимларнинг “деярли барчаси Ҳурсон, Мовароуннаҳр, Бақтрия ва фарғоналиклардир”. Демак, “Маъмун академияси”да олиб борилган илмий изланишларга асли Марказий осиёлик бўлган олимлар муҳим ҳисса қўшган дейиш мумкин.

Халифаликда илмий кашфиётларнинг тарқалишида савдо муносабатлари муҳим роль ўйнаган. Халифалик Ҳиндистон, Хитой, Византия, Ҳазария, Булғор, Русь ва Ўрта дengiz bўйидаги мамлакатлар билан савдо муносабатларига эга эди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Бағдодда астрономия билан шуғулланишга туртки бўлган сабаблардан

бири бағдодликларнинг ҳинdlар билимидан хабардор бўлганликлариdir<sup>3</sup>.

Ал-Хоразмий қадимги ҳинд илмларининг Шарқда ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгаллаган олимдир. Халифа ал-Мансур саройида фаолият олиб борган астрономлардан бири олим пандит Катка (Канка) бўлиб, у ўзи билан бирга жадваллик астрономик рисола ҳам олиб келган. Шарқда “Китоб ас-Синдҳинд” ёки “Катта Синдҳинд” деб аталган бу асар, кейин маълум бўлишича, VII аср ҳинд астрономи Браҳмагупта 628 йили ёзган “Браҳмаспхута-сиддҳонта” экан<sup>4</sup>. Хоразмийнинг “Китоб ас-Синдҳинд”ни қисқартириб тузган зижи эса Шарқда “Ас-Синдҳинд ас-сағир”, яъни “Кичик Синдҳинд” деб машҳур бўлди.

Халифа Маъмун ва ал-Восиқлар даврида китоб йиғиши учун Хоразмий бошчилигига учта экспедиция уюштирилади. Уларнинг бири 830 йилда Ғарбий Ҳиндистонга уюштирилган эди<sup>5</sup>. Бизнингча, Хоразмий ўз экспедициясидан ана шу маълумотларни олиб келган ва шунинг учун ҳам уларни ўзининг “Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида” (Арифметика) асарида акс эттирган.

“Мен ҳинdlар 9 та ҳарфдан, уларни ўzlари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра, истаган сонларни тузатишларини кўрганимдан кейин, агар Худо хоҳласа, ўрганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил бўлишини кўрсатишни азм қилдим. Агар ҳинdlар худди менга шуни хоҳлаган бўлса ва бу 9 та ҳарфнинг улардаги маъноси менга очилган маънонинг ўзгинаси бўлса, тангри мени шунга

<sup>3</sup> Юшкевич А.П. История математики в средние века. – М.: 1961. – С.171.

<sup>4</sup> Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч-я. Т.IV, М. – Л.: 1957. – С.66.

<sup>5</sup> Солиҳ Закий. Осори боқия (туркча). I-жилд. – Истанбул: 1329 х. / 1911. – С.237; Яна қаранг: Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан. 1983. – Б.11.

қарата йўллаган”<sup>6</sup> дейди.

Ҳиндларнинг бу муҳим кашфиёти ҳақида суриялик рухоний Север Себохтнинг ўз даврида айтган ажойиб фикрларини келтириш жоиз. “Мен сурёнийлардан фарқ қиласиган ҳиндларнинг фани ҳақида, уларнинг юнонлар ва бобилликларнинг кашфиётларига қараганда чуқурроқ бўлган астрономиядаги ажойиб ихтиrolари ҳақида ва уларнинг барча тавсифдан ҳам ортадиган ҳисоб системалари ҳақида айтмоқчи эмасман. Балки мен фақат улар ҳисобни тўққизта белги ёрдамида бажаришлари ҳақида айтмоқчиман. Агар фақат юнонча сўзлашишнинг ўзи билан фаннинг барча ниҳояларига етдим деб ўйлайдиганлар бу ҳақда билганларида эди, улар бирор нарсани билувчи бошқалар ҳам борлигини билган бўлардилар”, деб ҳинд маданиятига юқори баҳо беради<sup>7</sup>. Албатта ушбу ҳинд рақамларининг бутун Шарқ ва Ғарбга ёйилишида ал-Хоразмийнинг хизматлари буюkdir.

Хоразмийнинг арифметик рисоласида ҳинд арифметикасигина эмас, балки қадимги юнон фалсафасининг аксланиши ҳам сезилади. Бундай фикрларни унинг қуидаги сўзлари тасдиқлайди: “Мен кишиларга ҳисоблашда нима кераклигини текшириб қараганимда, бунинг ҳаммаси сон эканлигини кўрдим. Мен барчасонлар бирлардан тузилишини ва бир барча сонларнинг таркибига киришини топдим”<sup>8</sup> дейди. Мутафаккирнинг ушбу фикрлари милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида яшаган Элей мактабининг вакили Пифагор қарашларига жуда яқиндир. У сонларни оламнинг бирламчи асоси деб билади. Пифагорчилар сонда гармоник уйғунликни ва унинг аҳамиятини кўрди. Ёки Аристотел бирнинг сонлардан ташқарида экани, яъни

<sup>6</sup> Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан. 1983. – Б.59.

<sup>7</sup> Ўша манба. – Б.139.

<sup>8</sup> Ўша манба. – Б.78.

сон эмаслиги ҳақидаги фикрларни айтган бўлса, Евклид “Сон эса бирлардан тузилган тўпламдир” деган таърифи Хоразмийнинг “ҳар қандай сон бирлардан тузилган” деган фикрларига жуда яқиндир. Бундан кўринадики, мутафаккир юонон олимларидан Пифагор, Евклид, Аристотелнинг асарлари билан жуда яхши таниш бўлибгина қолмай, балки уларнинг қарашларини ривожлантирди ва ҳаётга татбиқ этди.

Ал-Хоразмий нафақат буюк математик, балки унинг ислом динига чуқур эътиқод қилган шахс ҳамдир. Буни биз асарларида кўришимиз мумкин. Мутафаккирнинг “Алжабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” (Алгебра) асарида – “Биз У Раббимизни тан оламиз, унинг улуғворлиги олдида тиз чўкамиз ва Унинг қудрати олдида итоат қиласиз. Анча вақтлардан бери пайғамбарлар бўлмай, ҳақиқат тан олинмаган ва тўғри йўл аллақачонлар унутилган бир пайтда, у пайғамбар қилиб, Мухаммадни – унга ва унинг қариндошларига Аллоҳнинг марҳамати ва саломлари бўлсин - юборди”. Бу туфайли У қўрларнинг қўзини очди, бу туфайли одамларни ҳалокатдан халос қилди, бу туфайли озни кўпайтирди, бу туфайли сочилиб ётганни тўплади. Раббимиз Аллоҳ марҳаматлидир, унинг қудрати буюк, исмлари муқаддас ва ундан бўлак илоҳият йўқдир<sup>9</sup>.

Ал-Хоразмий фан тарихида илмий кузатишлар олиб борган ва улардан назарий хulosалар чиқарган йирик олимдир. Унинг билиш масаласига оид фикрлари мухим ҳисобланади. У оламни инсон сезгиси ва билимининг манбаи деб билади. Унинг айтишича, оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли жараёндир. Лекин инсон бу масалада ҳам битмас-туганмас

<sup>9</sup> Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан. 1983, – Б.77.

имкониятларга эга.

Професор О.Файзуллаевнинг фикрига кўра, Ал-Хоразмий илмий кузатиш тадқиқотларини уч соҳада олиб боради<sup>10</sup> ва улар қуидагилардан иборат:

Биринчиси – осмон жисмларидан Қуёш, Ой, юлдузлар, планеталарнинг самовий фазодаги ҳаракатлари, ўзаро силжишлари, уларнинг траекториялари, тезликлари, геометрик элементларини аниқлади;

иккинчидан – ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни кузатиш. Ўрта асрларда мерос тақсимлаш муаммоси долзарб ҳисобланиб, бу оиласарда хуқуқий масалаларни ҳам мураккаблаштирган. Хуқуқ амалиётига математиканинг ёрдамини жалб этган олим ал-Хоразмийдир. У математикани ривожлантиришда хуқуқ амалиётидан фойдаланади ва буни “Васиятлар” рисоласида исботлаб берди;

учинчидан – ер ўлчаш, каналлар ўтказиш, қурилиш ишлари, архитектура соҳасидаги тажрибаларни кузатди ва тегишли назарий хулосаларни асослаб берди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ал-Хоразмий “Байтул-ҳикма”нинг илмий фаолиятида мунтазам иштирок этиб, фанлар соҳасида муҳим кашфиётларни амалга ошириди ва ҳаётга татбиқ эта олди. Шарқда илк уйғониш даврини бошлаб берган мутафаккирдир.

<sup>10</sup> Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: Фалсафа ва хуқуқ. 2006. – Б.41.

## КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАСИДА ОДОБ-АХЛОҚ ҒОЯЛАРИ

Мавжуда ГУЛАМОВА,  
*Бухоро давлат тиббиёт институти  
доценти, кимё фанлари номзоди*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларининг бирида: “Хозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда”, деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Демак, асосий мақсадимиз бир-бирига меҳр-оқибатли, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялашдир.

Бундай одоб-ахлоқли, иймон-эътиқодли, меҳнатсевар, билимдон, довюрак, шиҷоатли, вафодор фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигиdir. Ёшларни тарбиялашда буюк алломалар панд-насиҳатлари ўрни бекиёс.

Нақшбандия таълимотини дунё бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлган, замондошлари томонидан “Раббоний олим, зоҳирий ва ботиний илмлар билан ораста, фахрул машойих, хотиматул муҳаддисин, орифи комил, шайхи комил” деб таъриф берган, “Силсилаи шариф”, яъни “олтин занжир”да 32-ҳалқанинг пири муршиди Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий (1813-1897) Холидия-кумушхонавия

<sup>1</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/renaissance/>.

тариқати асосчиси ҳисобланади<sup>2</sup>. Кумушхонавий тасаввуф, ҳадис, фикҳ, сарф, нахв ва бошқа мавзуларда араб тилида 60 га яқин қимматли асар битган табаррук инсондир<sup>3</sup>.

Кумушхонавийнинг қимматли асарларидан бири “Мажмуатул-аҳзоб”, яъни “Катта дуо ва зикр” китоби ўзбек тилига таржимон олимларимиздан Абдумурод Тилавов, Сумайро Холмуродова ва Мубина Холмуродова томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрланган. Ушбу китоб 2020 йилда “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриётида чоп этилган. Бу китобда Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг “Мажмуатул аҳзоб” номли икки минг саҳифалик дуо китобидан энг зарур дуолар саралаб олинган. Китобнинг йигирма саккизинчи бўлимида Кумушхонавийнинг “Васиятномалари” келтирилган.

“Васият” луғатда етказиш маъносини англатади. Чунки у билан васият қилгувчи бу дунёдаги яхшилигини охиратига ҳам етказади. “Васият” шариат бўйича, ўлимидан кейин қўшимча ҳақ сифатида ихтиёрий садақа тайин қилишдир<sup>4</sup>. Исломнинг аввалида ота-она ва яқин қириндошлар фойдасига васият қилиш вожиб бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) умматларига васият қилганлар. Устоз шогирдларига, ота-она фарзандларига панд-насиҳат қилиб васиянома ёзганлар.

Хожа Абдулхолик Фиждувоний қудиса сирруху маънавий фарзандлари “Хожа Авлиёи Кабир”га васиятнома ёзиб қолдирганлар<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Гуламова М.Т. Идеи Ахмада Зиёуддина ал-Кумушхонавий о знании Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. 2020. № 3(63). URL: <http://7universum.com/ru/social/archive/item/9169>; Гуламова М.Т. Мушку анбар хидли валоят ғунчаси Зиёуддин Ахмад Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2020. – № 2. – Б.28-29.

<sup>3</sup> Гуламова М.Т. Концепция разума Кумушхонави в работе Джомиуль-Мутун // Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. – 2020. № 5(65). – С.8-10 URL: <http://7universum.com/ru/social/archive/item/9500>

<sup>4</sup> <https://islom.uz/maqola/1012>.

<sup>5</sup> <https://ahlisunna.uz/xojai-jahon-vasiyatnomasi/>.

Абул Қосим ал-Қушайрий ўзининг рисоласини шогирдларига васият қилиш билан яқунлайди<sup>6</sup>. Ҳақиқатан ҳам шогирдларнинг камолотга етиши учун васиятлар мухим аҳамият касб этади.

Мақолада ана шундай васиятномалардан бир Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг васиятномаларини кўриб чиқамиз.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий васиятномаларида шогирдлари ватасаввуфаҳлига қуйидаги панд-насиҳатларни ёзиб қолдирган<sup>7</sup>:

Асло ёмонлар билан дўст бўлма, мўминлардан душманинг бўлмасин.

Бу васиятга қуйидаги масални мисол келтирамиз. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард дўст бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ов қилиб юриб, шерга дуч келибди. Шер унга ташланмоқчи бўлганида тулки унга ёлборибди: Эй ҳайвонлар сultononi! Менга шафқат қилинг, бунинг эвазига шу яқин ўртада ўтлаб юрган азиз дўстим тияни кўрсатай. У сергўшт, мен эсам қоқсуякман. Тулки тияни кўрсатибди. Аммо шер аввал унинг ўзини бурдалаб еб, сўнг тияга ташланибди.

Дарҳақиқат дўст танлашга шошилмаслик керак. Бевафо дўстларнинг бошига тияни куни тушади<sup>8</sup>.

Дунё ва сармоянг тақво бўлсин.

Кумушхонавий ўз даврида дунё пойтахти “тақво” бўлиши керак, деб эълон қилган.

Баъзи сўфийлар тақвони тарки дунё қилиш, қоронғи хонага кириб зикру ибодат билан машғул бўлиш, деб тушунади. Аслида, “тақво” сўзи “сақланмоқ”, “эҳтиёт бўлмоқ” маъно-

<sup>6</sup> Абул Қосим Кушайрий: муридларга васият. И.Бабаназаров. <https://zamaxshariy.uz>.

<sup>7</sup> Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий. “Мажмуатул-аҳзоб” – “Катта дуо ва зикр” китоби.  
– Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази. 2020. – Б.537.

<sup>8</sup> <http://t.me/durdonadur>.

ларини англатади. У “виқоя” сўзидан олинган бўлиб, бир нарсани унга зарап берувчи бошқасидан сақлашни англатади. Ҳазрати Умар розияллоҳу анхудан: “Тақво нима?” деб сўралғанда, “Араблар сертикон майдондан ялангоёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишини тақво деб атайди”, деганлар<sup>9</sup>. Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконга ўхшайди. Ким эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, сақланиб юрган киши эса тақво қилган бўлади. Оқибатда тақво инсон қалбидаги ҳолатга айланади.

Куръони карим тақводорларга бир қанча башоратларни ваъда қилган. Улар жумласига қуйидагилар киради: ёрдам, нусрат, икром, илм, ҳикмат, гуноҳларнинг ювилиши, ажрларнинг кўпайиши, мағфират, осонлик, ишнинг енгил кўчиши, ғам ва ташвишдан қутулиш, бу дунёда ризқнинг кенг бўлиши, охиратда азоб-уқубатдан нажот топиш, тавфиқ, мурод ҳосил бўлиши ва бошқалар. Куръони каримнинг бир юз етмиш бешта оятида “тақво” сўзи келган. Ушбу ояtlарни ўрганиб чиқкан уламолар уларнинг сарлавҳаларга тақсимланишини мулоҳаза қилганлар. Улардан бири: Тақводорларнинг сифатлари ҳақидаги ояtlар. Аллоҳ таоло “Бақара” сураси (2-5 ояtlар)да шундай марҳамат қилади: **“Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир. Улар ғайбга иймон келтирурлар, намозни тўкис ўқирлар ва Биз уларга берган ризқдан нафақа қилурлар. Ва улар сенга ва сендан олдин нозил қилинган нарсага иймон келтирарлар ва охиратга аниқ ишонарлар. Ана ўшалар Роббиларидан бўлган ҳидоятдадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина нажот топгувчилардир”**<sup>10</sup>. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло Куръони каримда **“Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва**

<sup>9</sup> Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Рухий тарбия. Тикланиш. 2-жуз// – Т.: Шарқ. 2008. – Б.137.

<sup>10</sup> Шайх Алоуддин Мансур. Куръони азим мухтасар тафсири. Бақара сураси, 2-5 оят. – Т.: Шарқ. 2019. – Б.29-32.

эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир” (Нахл сураси 128-ояти), деб ҳам марҳамат қиласди<sup>11</sup>. Абу Зарр (р.а.) Расулуллоҳ (С.А.В.)дан Иброҳим ва Мусо (а.с.)нинг сахифа ва китоблари ҳақида сўраганидан кейин яна қоникмасдан: “Ё Расулуллоҳ! Насиҳат қилинг”, деди. Расулуллоҳ (С.А.В.) унга: “Сенга Аллоҳга тақво қилишини васият қиласман, чунки бу ҳар бир ишнинг бошидир”, дедилар. Расулуллоҳ (С.А.В.) бу муборак васиятлари билан: “Ибодатда тақво худди бадандаги боши кабидир, чунки инсон учун боисиз ҳаёт бўлмагани каби тақвосиз ибодатнинг на лаззати бор на роҳати”, деганлар<sup>12</sup>.

Пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг айтганлари Қуръони каримда тасдиқланган: “...Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардордир” (Хужурот сураси, 3-оят)<sup>13</sup>.

Али (р.а.) тақво учун тўрт аркон (устун)ни зикр қилган. Қалбларда дунёга муҳаббат қўйишидан вужудга келган қоронғу зулматни мана шу тўрт аркон билан мустаҳкамланган тақвогина тарқатиб юбора олади. У зот (р.а.) айтади: “Аллоҳ Таолодан қўрқиши, Қуръонга амал қилиш, озга қаноат қилиш ва фоний дунёдан охиратга кўчиш, яъни ўлим кунига тайёргарлик қўриш”.

Тақводорларнинг сифатларини Али (р.а.) қуйидагича таърифган. “Улар фазилат соҳиблари, тўғри сўз, тежамкор, камтар, кўзларини ҳаромдантийган, фойдалиilmva сўзларни эшитувчи, илмига амал қилувчи, кўп гапирмайдиган, нафсларини тергайдиган, қилган амалларидан Яратганинг ризосини тилайдиган кишилардир. Уларнинг аломатлари – динида барқарор, олижаноб, имон ва иродаси мустаҳкам,

<sup>11</sup> Ўша китоб. Наҳл сураси, 128-оят. – Б.397.

<sup>12</sup> Муборак васиятлар: Такво ҳар ишнинг бошидир. <http://old.muslim.uz>.

<sup>13</sup> Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони азим мухтасар тафсири. Хужурот сураси, 3-оят. – Т.: Шарқ. 2019. – Б.764.

илмга ташна, молу дунёсини тежаб ишлатадиган, хушу билан ибодат қиласынан, ораста, қийинчиликка сабр қиласынан, ҳалолдан топадиган, тиришқоқ, тамадан йирок, эзгу амалларга өтпелген, ҳар қандай ҳолатда шукр қиласынан, илм ва ҳилм билан ҳазил қилувчи ва айтганига амал қилувчилардир”<sup>14</sup>.

Кумушхонавий бежиз дунё ва сармоянгиз тақво бўлсин демаган. Куръони каримда, Пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг ҳадисларида, чорёларнинг тақвога эътибор жуда катта бўлган. Куръони каримда тақводорлар учун яна бир хуш хабар келтирилган: “Раббингиздан мағфиратга ва қенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз” (Оли Имрон, 133-оят)<sup>15</sup>.

Нафсингни ўликлардан ҳисобла.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Нафс (арабча нафс – қалб, кўнгил; инсон; мақсад, интилиш; ғурур, мағрурлик). Ейиш-ичишига, мол-дунёга бўлган эҳтирос. Ҳалқ мақолида “Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладир”, деб ҳам айтилган. Нафсга қуидагича изоҳлар ҳам берилган: Нафс бандаси – нафсидан бошқани ўйламайдиган.... Нафси бузук (ёки ёмон) – овқатдан сира қайтмайдиган, нафсими тия олмайдиган; ҳирсли. “Нафси бузук ҳайитда ўлар”, деган ҳалқ мақоли ҳам бор”<sup>16</sup>.

Нақшбандия-холидия-кумушхонавия тариқати давомчиси “Силсилаи шариф” – “олтин занжир”да 39-ҳалқанинг пири муршиди Мухаммад Зоҳид Қутқунинг “Нафс нимадир” китобида: “Сен нафсингни ғафлатда қолдиришдан

<sup>14</sup> Муборак васиятлар: Тақво ҳар ишнинг бошидир. <http://old.muslim.uz>.

<sup>15</sup> Шайх Алоуддин Мансур. Куръони азим мухтасар тафсири. Оли Имрон. 133-оят. – Т.: Шарқ, 2019. – Б.120.

<sup>16</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: 2007; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Б.26.

сақлансанг, бундан қуи бўлмасанг, Аллоҳ таолонинг изни билан буюкларнинг қаторига кирасан”, деб ёзган<sup>17</sup>.

Агар ҳар машаққатнинг олдини олишни ва ҳар турли қийинчиликни даф этмоқ истасанг, истиффор айтишни канда қилма.

Агар хушу (хузу) истасанг, беҳуда боқишиларингни тарк эт.

Кумушхонавийнинг бу насиҳатлари Хожа Нақшбанд таълимотининг “Назар дар қадам” тамойилига асосланган. “Назар дар қадам” (форс тилида назар дар-қадам, ҳар бир қадамини кузатиш) – нигоҳини оёқ бармоқ учига қаратиш, ҳаромдан нигоҳини ҳимоя қилиш; “Назар дар қадам” шуки, назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин<sup>18</sup>. Ҳақиқатан ҳам инсон яхши-ёмон қувватни кўз билан қабул қиласди.

Агар ҳикматга етишмоқ истасанг, беҳуда сўзлашни ташла.

Агар нафсингнинг айбларини бекитмоқчи бўлсанг, инсонларнинг айб-камчиликларини қидиришдан воз кеч.

Ҳар ёмонликдан сақланмоқ истасанг, ёмон гумонни ташла.

Қабр азобидан кутулмоқ истасанг, ифлосликлардан ва ҳаром ризқ ейишдан сақлан.

Инсонларнинг энг бойи бўлмоқчи бўлсанг, қаноат ахли бўл.

Инсонларнинг энг обиди бўлишни хоҳласанг, Расулulloҳнинг суннатларига амал қил. Зеро, Расулulloҳ (С.А.В) бу хусусда бундай марҳамат қилганлар: “Ҳаромлардан қочки, энг яхши ибодат қилувчилардан бўлгайсан. Аллоҳнинг тақсимотига рози бўлки, инсонларнинг энг бойи бўлгайсан. Қўшинингга яхшилик қилки, мусулмон бўлгайсан. Кўп кулма, чунки кўп кулии қалбни ўлдиради”. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий

<sup>17</sup> Муҳаммад Зоҳид Қутку. Нафс нимадир//таржимон Зебунисо Ҳусайн қизи. – Т.: Шарқ. 2021. – Б.275.

<sup>18</sup> ru.wikipedia.org/wiki/ Накшбандия.

“Ромузул аҳодис” – “Ҳадислар денгизи” асарининг 238 бетида 15 та қўшничилик одобини келтирган<sup>19</sup>.

Иймонинг комил бўлишини истасанг, ахлоқингни чиройли қил.

Дуо қабул бўлишини ҳоҳласанг, ҳаром ёйишни ташлагин.

Нақшбандия таълимотида ҳалол луқмага эътибор катта бўлган.

Баҳоуддин Нақшбанд вужуднинг барча имкониятларидан эзгулик, ҳалоллик йўлида фойдаланиш учун унда ҳалолу пок ва ижобий қувватлар жамланиши лозимлигини ҳис қилган ва кўра олган. Баҳоуддин Нақшбанд “инсон файзининг ибтидоси – ҳалол луқмада”, деб айтган<sup>20</sup>. Ҳалоллик шахснинг инсоний ва маънавий фазилатлари асосини ташкил этади. Кимки алломалар панд-насиҳатларига амал қиласа, камолга етади, маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Шунингдек, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи чиройли бўлиб, икки дунё саодатига эришади.

Кумушхонавийнинг “Васиятнома”ларини таҳлил қилиб қўйидаги хulosага келдик:

Кумушхонавийнинг “Васиятнома”лари маънавий меросимизнинг бебаҳо дурдоналаридан биридир.

Кумушхонавийнинг “Васиятнома”ларидаги бебаҳо фикрлар Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўтиладиган “Нафосатшунослик” ва “Одбонома” дарслари дастурларига киритилса мақсадга мувофиқдир.

Кумушхонавий “Васиятнома”лари Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда асос бўла олади.

<sup>19</sup> Мавжуда Гуламова. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий Ромузул-аҳодис – Ҳадислар денгизи // – Бухоро: Дурдона. 2022. – Б.238.

<sup>20</sup> Ҳожагон-нақшбандия тариқати ... <https://www.bukhari.uz>; Гулчехра Наврӯзова. Ҳалоллик-тинчлик ва хотиржамлик асоси//Imom Buxoriy saboqlari. 2022. №1. –10 б.

## БУХОРО ЖАДИД- МАЪРИФАТПАРВАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Лола МУХАМЕДЖАНОВА,  
*Турон Зармед университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Барча давр ва замонда ўз долзарбилигини йўқотмаган, очликка, сувсизликка, қашшоқликка чидаган аждодларимиз илм-фан, маънавият, маърифат, таълим-тарбия йўлида ўз жонини фидо қилган жадид-маърифатпарварларини бугунги ёшлар ҳеч қачон унутмайди. Акс ҳолда бизни келажак авлод кечирмайди.

Бухоро жадидлари маҳаллий мактабларни тубдан ислоҳ қилиш, замон талаблариiga жавоб берадиган олий ўқув юртлари ташкил қилишни асосий вазифа деб билди. Жадид педагоглари ибтидоий мактабларни “усули савтия” (“товуш усули”) методи асосида қайта тиклаш масаласини кўтарди.

Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўринишидир. Шунинг учун биз масала баёнини маърифат ва маърифатпарварлик тушунчаси ва унинг аҳамиятини изоҳлашдан бошлаймиз.

Маърифатнинг лугавий маъноси билиш, тушуниш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда, маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси – маорифдир.

Бухорода маданият, маориф, маънавиятни тарғиб қилишда жадидчилик ҳаракати йирик намояндалари бўлган машхур тараққийпарварларнинг асарлари, хусусан, Мирзо Сирожиддин Ҳаким томонидан 1910 йилда ёзилган “Тухфаи аҳли Бухоро” (“Бухоро ахлига тухфа”) асарида Бухородаги маданий ҳаёт ва мадрасалар хусусида ҳам сўз боради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаевнинг 1926 йилда нашр қилинган ҳамда Бухородаги 1920 йил воқеаларига бағишлиланган асарида Бухоро жадидларининг маънавият ва маърифатни тарғиб қилишдаги хизматлари тўғрисида муҳим маълумотни келтирган.

Буюк мутафаккирларни тарбиялаб стиштирган анъанавий мактаблар сўнгги йилларда жаҳон тараққиётидан бутунлай узилиб қолган эди. Бунингустигамустамлакатузумитуфайли пароканда аҳволга тушган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий мактабларни тубдан ислоҳ қилиш, миллий матбуотчилик ва янги адабиётлар яратиш, замон талабларига жавоб бера оладиган мактаблар, олий ўқув юртларини ташкил қилиш жадид мутафаккирларининг асосий вазифасига айланган эди.

Бу даврда мударрис, умуман, тараққиётдан, дунё цивилизациясидан бехабар, ҳатто жуғрофия каби илмларни чуқур тасаввур эта олмаган. Мударрис ақидасича: “Ҳамма одамлар таҳсили илмга рағбат қиласалар, бошқа ишлар эгасиз қолади”. Демак, ҳамма илм билан машғул бўлса, бошқа касбу-корлар қолиб кетади, дунё хароб бўлади. Мударрис жавобларидан шу нарса аён бўладики, Бухоро уламолари ҳатто Куръони карим ва ҳадиси шариф даъватларидан ниҳоятда узоқлашиб кетган. Улар Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг “Илмни Чиндан бўлса ҳам изланг”, “Бешикдан қабргача илм изланг”, “Илм

дунёning иззати ва охиратнинг шарафидир” каби муборак сўзлари билан умматларини илм-маърифатга даъват этганларини идрок қилишдан маҳрум эди. Уларнинг кўпи ҳатто бирор оят ёки ҳадисни тўғри ўқиб, тўғри шарҳлаб бера олмаган. Шунингдек, 25-30 йил мадрасада араб тилини ўқиб, бу тилда эркин гаплаша олмаган.

Бухоро руҳонийларининг нодонлиги, ислом аҳкомларини бузиб талқин қилишлари, “Абу Али, Форобий, Улугбек, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий кабиларни жаҳонга ҳадя этиб, шу тариқа ўз шарафли довруғини жаҳон халқлари қулоғига зирак қилиб тақсан” Бухорои шарифни зулмат қаърига маҳкум этди. Шунинг учун ҳам улар охундлик, аъламлик ва мударрислик мансабларини эгаллаш учун ҳар қандай қабиҳликдан, ношаръий йўллардан қайтмайдилар.

Бухородаги жадид ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадлари Бухорони ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озодқилиш, ўлкани, халқни, миллатнизамонавийтараққиётга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлигини жорий этиш, миллий қўшин тузиш, рус тараққийпарварлари, маърифатчиларининг Бухорода маърифатпарварликни тарқатиши учун имконият яратиш эди. Шунингдек, жадидлар ўзининг илгор ғояларини халқ орасида тарқатиш учун миллий матбаачиликни ривожлантириш орқали оширишга ҳаракат қилди.

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларида ўқитиш жараёнини самарали бўлишини таъминлаш учун дарслик, қўлланма ва янги адабиётлар шунингдек, иқтидорли муаллимлар зарур эди. Бу вақтда янги усул мактабларини китоб ва муаллимлар билан таъминлаш, ёшларни хорижда таълим олишига кўмаклашиш уларнинг асосий мақсадидан

бири бўлган.

XIX асрнинг 50-60-йилларида Аҳмад Доңиш Бухоро мактаб ва мадрасаларидаги ўқиши-ўқитиши усулларини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кун тартибига қўйган эди. Бухорода жадид ҳаракатининг вужудга келиши янги усулдаги мактабларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, маданий-маърифий мақсадга қаратилган эди. С.Айнийнинг таъкидлашича, ҳали 1900 йилдаёқ Бухоронинг Пирмас туманидан бўлган мулла Жўрабой ўзи туғилган Пўстин-Дўзон маҳалласида хусусий мактабга асос солган эди.

Янги усул мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. 1903 йилда Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди. Бухородаги қўпчилик мактаблар татар ўқитувчилари томонидан ташкил этилган ва 1908-1910 йилларга қадар татар муаллимлари дарс бериб келган.

“Усули жадид” номини олган “усули савтия” (товуш методи)га асосланган мактабларда миллий маънавияти юксак, миллат, Ватан истиқболи учун жон куйдирувчи ёшлиарни тарбиялаб етиштиришда ўқитувчининг обрўси биринчи ўринда турган. Жадид педагогларнинг буюк хизмати шундаки, улар мактабларда ўз она тилида таълимтарбия беришга, миллий адабиёт, мусулмон дини асосларини ўқитишга ҳал қилувчи масала сифатида қараган. Чунки улар миллатнинг ўзлигини сақловчи асосий восита она тили ва миллий адабиётда деб билган.

Жадид педагоглари она тили ва адабиёт ўқитишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқди. Бундай масалалар уларнинг дарслекларида ўз ифодасини топди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу ҳақдаги сўзларига эътибор беринг: “Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб тараққийнинг бошланғичи, маданият ва

саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввало, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб қўпайтурмагунча, тараққий йўлиға кируб, маданиятдин фойдаланмас. Биноан алайх, ер юзидағи барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясиға ва мактабларининг ҳар жиҳатдан интизом ва ақмолига аҳамият бериб, болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал суратда етушдуурлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётга молик бўлуб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муқаддам тутарлар”<sup>1</sup>.

Ҳар қандай таъқиб ва тазиикларга, мутаассиб уламоларнинг қаршиликлариға қарамай, Бухородаги жадид маърифатпарварлари замон талабига жавоб берга оладиган ўқитувчиларни тарбиялаб етиштириди.

1905 йилдан кейин ғайрируслар (туркий халқлар) маорифи муҳокамаси яна жиддий тус олди. Россия маориф вазирлигидаги корчалонлар мусулмонлар учун очилган ва очилаётган давлат тасарруфидаги мактабларида она тилини кирилл алифбосида ўқитиши масаласини қўтардилар. Бунга қарши “Таржимон” газетаси ёзади: “Эй гўспўдалар, ақла мурожаат этинг. Бизим ўз алифбомиз вор: ҳам динийдур, ҳам дунёвийдур. Русча ва франсузча ўқиймиз, лекин ўз алифбомизни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этмаймиз... Бу ишда мантиғсизлиғами таажжуб эдалим ёки изҳор ўлинан ҳақоратами ҳайрон ўлалим?!?”<sup>2</sup>.

1908 йилда шаклланган жадидлар ташкилоти<sup>3</sup> кейинчалик “Ёш бухороликлар” номини олиб, дастлабки пайтда маълум даражада маориф ва маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган. Мирзо Абдулвоҳид Мунзим Бухородаги биринчи жадид мактабининг ташкилотчиси,

<sup>1</sup> Беҳбудий М. Мұхтарам ёшларға мурожаат. Ойина журнали. 1914.

<sup>2</sup> Речь С. Максудова на Гос.Думе // Таржимон. 1909. 10-сон.

<sup>3</sup> Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб ... яна ёниш бор...// Жамият ва бошқарув. 1997. 2-сон. – Б.37.

унинг биринчи муаллими ва таълим-тарбиядаги янги усул асосчиси ҳисобланади.

1909 йилда Россия Давлат думасида “Ғайрирусларнинг давлат тасарруфидаги мактабларда таълим-тарбия қайси тилда олиб борилиши керак?” деган мавзуя яна муҳокама этилади. Унга биноан “туркистонликларнинг адабий тили йўқлиги” сабабли таълим-тарбия фақат рус тилида олиб борилади, агар маҳаллий сўзларга эҳтиёж тутғилган тақдирда эса араб ёзувида эмас, фақат кирилл ёзувида таълим берилади, деган фармойиш эълон қилинади. Бу фармойиш туркийзабон зиёлилар, педагогларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Унга қарши “Таржимон” газетасида эълон қилинган “Чигатой тили” сарлавҳали мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: “Самарқанд, Фарғона, Сирдарё қитъаларининг шевалари эски чигатой шевасидур. Бу шева адабий ўлдиғи бутун жаҳона маълумдур. Ҳатто турк шеваи адабияларининг энг қадими ва мабдаи ўлдуғи лисонион (тилшунослар) олдида масдак (тасдиқланган) дур<sup>4</sup>. Аҳмад Яссавийлар, Али Қушчи, Алишер Навоий ва бошқалар вужуда келтирмиш Туркистон тили нечук “тилсиз”, “адабиётсиз” от ўлинур?! Рус миллатининг лисони адабий ўлмадиги замонда Ломўнўсуф, Пушкин каби рус адабиётларининг вужудидан уч ва тўрт юз сана муқаддам Чигатой, яъни Туркистон тили форсийя фойиқ (голиб) бўлиндиғи даъво ўлинур-да, бугун Туркистон белисондур, дею насыл (қандай) хукм ўлинур?! Киев ва Мўсква балдаларинда рум ва лотин лисонинда бирор раҳбон (роҳиблар) шқоласи таъсис эдилмасдан муқаддам Бухоро ва Самарқандда илми тибб, ҳайъат, фалсафа, таърих, жуғрофия, хандаса ва соира дарс ва таҳсил эдилур. Улуғбеклар, Форобийлар, Ибн Синолар каби турк хукамоси

<sup>4</sup> Чигатой дили. // Таржимон. 1911. 4 март.

етишур-да, буюкларнинг ахфоди (авлоди) бу кун нечук тилсиз от ўлинур?!”.

1909 йилда Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзим) нинг ташаббуси билан эски мактабда 8-10 йил таълим олиб саводи чиқмаган 20-30 ёшли кишилар учун кечки курслар очилиб, ҳар куни улар учун 2 соатлик дарс ўтилган ва 40-50 соатдан сўнг талабалар ўқиши ва ёзиш имкониятига эга бўлган. Янги усул мактаблари учун дарслик чоп этиш мақсадида 1909 йилда Бухоро жадидлари томонидан “Ширкати Бухорои Шариф” номидаги жамият тузилиб, жамиятнинг биринчи қилган ишларидан бири С.Айнийнинг “Тарти-ул-Қуръон” номли дарслигини нашр қилдириш бўлди.

1909 йилда Истанбулда А.Фитрат бошчилигига Бухоро маорифи хайрия жамияти ташкил этилиб, унинг ёрдамида бухоролик болалар учун алоҳида мактаб очилди. 1910 йилда мактабга Бухородан 30 бола, 1911 йилда 15 бола, 1912 йилда 20 бола, 1913 йилда 16 бола ўқишига юборилди<sup>5</sup>. Россияда аксил турк кайфиятининг кучайиши муносабати билан Туркия ва Оренбургда таълим олаётган талабалар Бухорога қайтарилади. Буни Ф.Хўжаев “Жадидларнинг аввалги хаёлпарастлиги энди вазиятга тўғри келмай қолди”, деб баҳолайди<sup>6</sup>.

Жадид мутафаккирлари илм-маърифат йўлида қанчалик саъй-ҳаракат қилмасин, уларнинг фаолияти Бухоро шароитида шунчалик қаттиқ қаршиликка учради. Ҳатто улар ҳаётини хавфга қўйиб ислоҳотни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Бугунги кунда жадидлар орзу қилган озод мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга

<sup>5</sup> Мухамеджанова Л.П. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Бухоро: Дурдана. 2019. – Б.62.

<sup>6</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-том. – Т.: 1976. – Б.94.

катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг 2020 йил 25-январдаги “Мурожаатнома”сида айтган қўйидаги сўзлари билан фикримизга якун ясамоқчимиз: “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз, бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсақ, халқимиз, айниқса, ёшлиаримиз бугунги тинч ва эркин ҳаёт қадрини англаб етади”.

## ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МАЪНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Мустафо БОЗОРОВ,  
*Самарқанд давлат чет тиллар институти  
доценти, фалсафа фанлари номзоди*

Глобаллашув омиллари бўлган интеграциялашиш, либераллашиш ва модернизациясиз жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши амалга ошмайди. Натижада, бу объектив ҳодисалар жамият маънавий ҳаётининг глобаллашуви, жамият ва инсон миллий-маданий қадриятлари йўналишларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Булар инсон маънавий ривожланиши ва эҳтиёжларига таъсир қилиши мумкин. А.Эркаевнинг маънавиятга берган таърифида қўйидаги мезонлар келтирилган. Маънавият – инсоннинг ижтимоий ва маданий ижоди маҳсулидан иборатdir. У инсонга хос бўлган раҳм-шафқат, адолат, тўғри сўзлик, виждонлилик, қаҳрамонлик, гўзалликка муҳаббат каби қўпгина ижобий сифатлар мажмуидан ташкил топган. Инсондаги бу сифат ва хусусиятлар яхлитликда намоён бўлади<sup>1</sup>.

Глобаллашувнинг конструктив ва деструктив таъсири жамият ва унинг субъекти бўлган инсон маънавий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир. Агар бу жараённинг ижобий натижалари жамиятни янада ривожланишига хизмат қилса, унинг салбий оқибатлари эса кўпинча миллий қадриятлардан узоқлашишга олиб келади. Шунинг учун ҳозирги даврда глобаллашув натижасида вужудга келаётган маънавий янгиликларни инсоннинг қандай даражада қабул

<sup>1</sup> Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият. 2009. – Б.10-11.

қилиши долзарб муаммога айланди<sup>2</sup>

Глобаллашув жараёнида жамиятнинг айнан миллий маънавиятга таяниши такозо этилади. Жамият олдида глобаллашув муаммоларига тез ва муносиб жавоб берадиган миллий маънавиятни бойитиш муаммоси турибди. Унинг ўзагини миллатнинг тарихий анъаналари, менталитети, маданияти, турмуш тарзи ташкил этади. Глобаллашув очиқлик ва бағрикенглик ҳисобланади ва шунинг учун маълум даражада беқарорликни англатади. Миллий маънавият барқарор, анъанавийдир. Демак, миллий ўзликни англаш ва ўз менталитетини сақлаб қолиш учун бағрикенглик билан бирга очиқликнинг ҳам маълум чегаралари бўлиши зарур.

Глобаллашув шароитида жамият, муайян вазиятларга қараб, янги илгор ва инсонпарварликни қабул қилиши, баъзан унинг натижаларига мослашиши, шунингдек, керак бўлганда ўзини салбий оқибатлардан химоя қилиши керак. Маънавий ўзгариш ва ривожланиш йўлига кирган одамда бундай қадриятлардан баҳраманд бўлиш имконияти туғилади. Бу эса унинг хатти-ҳаракати ва атрофдаги воқеликка муносабатида намоён бўлади. Замонавий жамиятда содир бўлаётган қадриятларни қайта баҳолаш маънавият муаммоси янада кўпроқ аҳамиятга эга эканини кўрсатади ва уни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаради<sup>3</sup>.

Замонавий ижтимоий тараққиётнинг зиддиятли табиати, унинг жадал глобал фаоллиги оммавий жамоатчилик онгида содир бўлаётган жараёнларни фалсафий тушуниш соҳасида янги вазифаларни қўйди. Бу ҳаракат кўрсаткичларидан

<sup>2</sup> Юлдашева Ф.Х. Особенности духовности в контексте глобализации. Символ науки. Философские науки. №6. 2018. – С.75.

<sup>3</sup> Бокачев И.А. Духовность как высшая жизнеутверждающая ценность. // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Философия. Педагогика. Психология. 2015.Т.15. вып. 3. – С.78-79.

бири маънавият моҳияти, унинг ижтимоий ҳаёт тизимидағи ўрни ва роли билан боғлиқ масалаларга қизиқиши ортишидир. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига жамият ва шахс ўртасида вужудга келган қарама-қаршиликнинг кескинлашуви жамият глобал ҳаёти атрибути ва механизми бўлган маънавиятни бойитиш муаммосини келтириб чиқарди ва бу ҳозирги вақтда долзарб аҳамият касб этди. Маънавият барқарор миллий онгга асосланади. Унинг барқарорлиги миллий тарихий маданият, кўп асрлик анъаналар ва одамларнинг тарихан асосланган маънавий-ахлоқий муносабатлари билан боғлиқдир.

Глобаллашув шароитида миллий маънавият турли миллий маданият унсурлари ва синтезларини ўзлаштиради ва шу нуқтаи назардан қараганда, глобаллашув жамият маънавий ривожланиши ва янгиланиши учун янги имконият очади. Шу муносабат билан миллий ва анъанавий қадриятларни илғор демократик миллий қадриятларга мос равища янада такомиллаштириш вазифаси турибди. Маънавият боқий бўлиб, у инсоннинг маънавий баркамолликка бўлган табиий интилиши, этиёжи ва идеалини ифодалайди. Маънавият ҳам эҳтиёжлар ва идеаллар каби чексиздир. Албатта, у ўзгаради ва ривожланади. Лекин инсоннинг ажralмас атрибути сифатида унинг моҳияти доимо мавжуд бўлади. Глобаллашув замонавий маданият учун муқаррар ҳодисадир. Маданият инсонни ижтимоий мавжудот сифатида юксалтириш учун хизмат қиласи.

Ҳозирги глобаллашув даврида зўравонликка барҳам бериш зарурлиги тўғрисидаги ғоялар муҳим аҳамият касб этиб, амалда кўпгина халқларнинг мустамлака қарамлиқдан холос бўлишига имкон берди. Шу билан бирга, тоталитар тузумлар ағдарилди, ядро қуролларининг тарқалишига қарши жамоатчилик фикри уйғонди. Табиий

ва ижтимоий борлиқ мувозанатини сақлаш, инсоннинг табиатга муносабатини соғломлаштириш масаласи ҳам глобаллашув даврида долзарб муаммога айланди. Буларнинг ҳаммаси фақатгина кишилар ахлоқий онги юқори даражада бўлгандагина амалга ошади. Бу инсониятнинг омон қолишини муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун олий даражадаги маънавият асосларини яратиш гедонизмнинг қўпол шаклларига қарши туради<sup>4</sup>.

Глобаллашув турли маданият ва анъаналар ривожланишини истисно этмайди, балки ўз ичига олади. Чунки улар инсониятнинг янада ривожланиши учун имкониятларни ўз ичига олади. Турли маданият қадриятлари бекиёс ва таққосланмайди. Улар орасида томонлардан бири томонидан ўрнатилган универсал стандартлар бўлиши мумкин эмас. Бироқ мулоқотнинг барча даражаларида умуминсоний қадриятлар, дунё хавфсизлиги ва барча цивилизацияларнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшадиган фазилатларга устувор аҳамият берилиши керак<sup>5</sup>.

Ахлоқий тамойил маънавиятнинг таркибий иерархиясида устуворлик сифатида тан олиниши керак. Айнан шу ижтимоий ва индивидуал мавжудликнинг тўлиқлигини белгиловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи. Чунки ахлоқ нафақат муносабатларни тартибга солиш, балки инсонни “маънавийлаштириш”нинг асосий механизмларидан биридир. Билим олиш, ҳаётний позиция ва идеалларни танлаш жараёнида инсон шахсий ҳаётий тажрибаси асосида фикр юритади. Инсоннинг ўз тақдирни ҳақида қайғуриши янги

<sup>4</sup> Кучко Е.Е. “Жизненный цикл” инновационного процесса: этапы и особенности реализации // Методология социологических исследований. – 2009. – № 3. – С. 75.

<sup>5</sup> Виноградова Ю.В. Роль духовности в стратегии глобализации// Человек постсоветского пространства. Выпуск 3/ Сборник материалов конференции. Под. ред. В.В. Перцевания. – Санкт Петербург: Санкт-Петербургское философское общество. 2005. –С.133.

қадрият ва билимларни излашга ундаиди ва уни таназзулдан сақлади. Шунинг учун маънавият мазмуни ахлоқий асос сифатида нафақат индивидуал, балки ижтимоий мавжудлик сифатида жуда муҳимдир.

Инсоният тараққиёти ҳозирги босқичи жамият ҳаёти барча жабҳаларида глобаллашув жараёнларининг қучайиши билан ажралиб туради.

Глобаллашувнинг иқтисодий, сиёсий йўналиши ахлоқий ва мағкуравий позиция, цивилизация пойдеворини белгиловчи маънавий қадриятлар тизимиға боғлиқдир. Бундай ўзаро таъсир фақат умумий ахлоқий мўлжалларни топиш, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларнинг яқинлашуви билан бўлиши мумкин. Глобаллашувнинг ижтимоий мўлжали ахлоқий позицияга, унинг йўналишини белгилайдиган маънавий қадриятлар тизимиға асосланиши муҳимдир. Глобаллашув жараёнларининг инсонпарварлик характеристи кўп жиҳатдан ахлоқий қадриятлар тизимидағи оқилона йўналиш ва маънавий бойлик устуворлигини англашга боғлиқ.

Маънавият инсоннинг одоб-ахлоқ, билим, истеъдод, қобилият, амалий кўникмалар, виждон, эътиқод, дунёқарашини ўзида жамлаган ҳолда жамият тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатадиган бузилмас тизим яратади. Маънавият жамиятни тараққиётга ундаидиган, давлат қудратини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Инсон маънавияти, эътиқоди, ахлоқида ҳаёт ҳақидаги тушунчалар намоён бўлади. Ватан, халқ олдидағи масъулиятни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир.

Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий йўналишлар қатори маънавий янгиланиш ҳам тараққиётнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу жараённинг асосий тамойили миллий маънавиятни асрраб-авайлаш ва уни илғор жаҳон

маданияти билан боғлаш, маънавиятни глобаллашув талаблари асосида инсонпарварлик ва миллий маданиятга ҳурмат асосида янгилаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Жамият маънавий ривожланиши шахснинг маънавий маданият ва маънавий қадриятларни қанчалик даражада егаллаши билан белгиланади.

Маънавий бой шахс юксак маданияти ва ўзини ривожлантиришга тайёрлиги билан ажралиб туради. Унинг маънавий эҳтиёжлари борлиқнинг боқий қадриятлари, ҳаётнинг мазмуни ҳақида фикр юритишга ундейди. Маънавият – инсон, унинг амалга оширган ишлари, Ватан тақдирни учун масъулиятидир. Маънавияти бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. Аммо у кимлардадир қўйи, ўртача ва юқорироқ даражада бўлиши мумкин. Амалиётда маънавият тушунчаси умумийлик ва яккалик қўринишида мавжуддир. Демак, ҳар бир одам, оила ва жамоада ўзига хос шаклланган маънавият бор<sup>6</sup>.

Демак, глобаллашув жарёнининг ижтимоий-маънавий ҳаётига муайян даражада таъсир кўрсатиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу албатта, ҳозирги ахборотлашган жамиятда глобаллашув жараёни кўлами кенгайиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан бирга, маънавиятни ҳам юксалтириш фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили ҳисобланади.

<sup>6</sup> Каримов И. Ноосфера: геосиёsat ва мафкура. – Т.: Фан. 2007. – Б.77.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ш. МАМАТҚУЛОВ,  
*ТДИУ доценти*

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон хуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамоилилари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир[1]. Шу боисдан, мамлакатимизда бошқарув тизимиға юксак малакали, замонавий билим ва тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган раҳбар кадрлар танлаш тизимини шакллантириш соҳасига доир илмий тадқиқотлар ўтказиш, соҳадаги миллий тажрибани умумлаштириш, муаммоларни ўрганиш ва ечимини топишга доир илмий хулосаларни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев барча чиқишиларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиши ҳам фикримиз исботидир. “Бугун барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр, ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда”[2], дея таъкидлаб келмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган асосий ғоялардан бири – Учинчи Ренессанс пойдеворини

яратишга қодир янги авлодни тарбиялаш, уларга сифатли таълим бериш ва қўллаб-қувватлашдир. Жадал ислоҳотлар даврида трансформациялашув тенденциялари, миллий менталитетимиз ва илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда, замонавий фикрлайдиган ёш лидерларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнига уларни жалб қилиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Сўнгги йилларда ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби, ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. Шунингдек, иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари — “Келажак лидерлари”ни шакллантирамиз”[3]. Бу борада ёшларга оид тузилмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда давлат бошқарувида ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш ва режалаштириш механизмини такомиллаштириш, волонтёрлик фаолиятидан самарали фойдаланиш негизида ёш кадрларни ишга қабул қилишда ушбу фаолиятни ҳисобга олиш тизимини қонунийлаштириш ҳамда ёшлар парламенти моделини янада замонавийлаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ёшлар орасида давлат хизмати жозибадорлигини ошириш, таълим муассасаларида кадрларни мақсадли тайёрлаш ва уларни селекция қилиш масалаларини тизимли равишда йўлга қўйиш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Фаол фуқаролик позициясига эга иқтидорли ёшларни давлат хизматига кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар талаб даражасида олиб борилмаяпти. Замонавий кадрларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини

кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

- ёшларнинг интилишлари, гоялари ва фикрлари, улар дуч келаёган тўсиқ ва муаммоларни ўрганишга йўналтирилган социологик тадқиқотларни ўтказиш тизимли йўлга қўйилмаган.

- ёшлар орасида давлат хизматининг жозибадорлиги, уларнинг мазкур соҳадаги дастлабки билимлари ва амалий кўникмалари етарлича ривожланмаган;

- ёшларнинг ўзи қизиққан йўналиши бўйича назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш учун республика ва худудий давлат ташкилотларида йўлга қўйилган амалиёт ўташ дастурлари фақатгина формал характерга эга бўлиб қолмоқда;

- ёшларнинг давлат ташкилотлари раҳбарлари билан бевосита ўзаро мулоқоти етарлича йўлга қўйилмаган;

- иқтидорли ёшларни излаб топиш, мақсадли тайёрлаш ва давлат хизматига жалб этишининг самарали тизими яратилмаган, ёшларни фаоллаштиришнинг инновацион услуг ва воситалари ишлаб чиқилмаган;

- давлат фуқаролик хизматига янгидан қабул қилинган ёш кадрларнинг амалиётда тажрибасини ривожлантириш учун “Устоз-шогирд” анъанаси тўлиқ шаклланмаган.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганига, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлигига олиб келаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан номзодларни очик, мустақил танлов орқали

сааралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солиши таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун мавжуд эмас.

Қарийб 30 йил давомида мамлакатда давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг мавжуд бўлмаганлиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришига, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришига, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришига ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишигай ўлқўймаётганэди. Бугунги қундабумасала давлат хизматини ривожлантиришагентлигининг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилмоқда. Жойларда ёшлиарнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини баҳолашга қаратилган рейтинг тизимини жорий қилиш орқали давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ёшлиарни қўллаб-кувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг мониторингини юритиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти яратилди. Ёш лидерларни тайёрлаш мақсадида улар учун турли тузилмалар фаолиятини рағбатлантириш зарур. Бу жараёнларда асосий эътиборни ёшлиарнинг уюшмаган, аёллар, ногиронлиги бўлган ёшлиарни қамраб олишга қаратиш зарур. Бунда эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан ажратиладиган мақсадли грант ва субсидиялар орқали қўллаб-кувватлаш мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг энг самарали қўринишларидан ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>. 16.08.2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2020. – Б.177.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 30 июнъ “Ёшлар куни” муносабати билан сўзлаган нутқи. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил, 1 июль, 133-сон. –Б.2.
4. <https://aza.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2022 йил, 20-декабрь.

## ИСТЕММОЛЧИ ҲУҚУҚИННИНГ ҲАДИСИ ШАРИФЛАРДА КАФОЛАТЛАНИШИ

Олмос ТУРСУНОВА,  
Ўзбекистон-Финландия педагогика  
институти доценти

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш турли даврларда долзарб масала бўлиб келган. Ҳозирги глобаллашув жараёни кечётган даврда инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларига хиёнат қилмаслик, саховат ва қўмак бериш нафақат давлатимизнинг, балки дунё муаммоси ҳисобланади. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш юртимизнинг диний, маънавий-маърифий манбаларида ҳам ёритиб берилган.

Жумладан, Нисо сурасининг 29-оятида, “Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз, балки ўзаро розилик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб этингиз”<sup>1</sup>, дейилади. Яъни ўғрилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор ўйнаш каби йўлларни танламаслик уқтирилади. Албатта, бунинг оғир гуноҳлигини ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро яхши англаши шарт.

Ҳадислардан бирида келтирилишича, Набийимиз (с.а.в.) ерда ётган хурмога кўзлари тушади ва уни олиб емайдилар. Чунки уни садақа эмаслигини биладилар<sup>2</sup>. Шу даражадаги

<sup>1</sup> Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон. 1992. – Б.58.

<sup>2</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Тошкент. Қомуслар. 1997. – Б.10.

олижаноблик хислатлари динимизда эътироф этилганини билиш, айниқса, тадбиркорлик, савдо-сотик билан шуғулланувчиларга кони фойда.

Пайғамбаримизнинг ҳадисларида “*Шундай замонлар келадики, инсон ўзи топган мол-дунёсини ҳалол йўл билан топганми ёки ҳаром йўл биланми иши бўлмай қолади*<sup>3</sup>”, дейилади.

Маълумки, ҳозирги кунда айрим кишилар қарз олиш, вақтида қайтармаслик, насияга олишни ўзларига эп кўради. Айниқса, бу жараён кўпроқ машина, уй-жой, олтин савдосида кўзга ташланади. Бир киши Расулуллоҳдан (С.А.В.) олтин ва кумуш билан савдо қилиш ҳақида сўраганларида жанобимиз, “Накдга нақд бўлса майли, лекин насияга сотиш ярамайди”<sup>4</sup>, деганлар.

Ҳадиси шарифларимизда насияга оид нормаларни фақат гаров эвазига олинганини кўриш мумкин. Гаров бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятларни таъминлаш учун беришидир<sup>5</sup>. Шу ўринда Набийимиз (С.А.В.) аҳли аёлларининг емаги учун насияга таом олганлари ва эвазига совутларини гаровга қолдирганларини айтиш ўринли<sup>6</sup>.

Исломий манбаларда истеъмолчилар ва сотувчиларнинг ҳақ-хукуқларива ўзаромуносабатлари кенг ёритиб берилган. Айниқса, бирор нарсани сотишда, харид қилишда ёки бирор хукм чиқаришда, савдо-сотикда енгиллик туғдиришда олижаноблик кўрсатган одамни Аллоҳ ўз раҳматига олиши ҳақида гапирилади. Бугунги кунда, табиийки, ушбу ҳадис ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Сотувчи инсоф билан

<sup>3</sup> Ўша ерда. –Б.7.

<sup>4</sup> Ўша ерда. – Б 7.

<sup>5</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: Адолат. 2010. – Б.604.

<sup>6</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд. Ал-Жомеъ ас-Сахих. – Т.: Қомуслар. 1997. – Б.10.

молини, озиқ-овқатни, маҳсулотни сотиши, тарозидан уриб қолмаслиги, чекни ўз вақтида бериши лозим. Шунингдек, истеъмолчилар ҳам бу жараёнда албатта, четда қолмайди, ҳақини инсоф билан талаб қилиши, қўполлашмаслик, муомала одоби, ҳар бир маҳсулотга тегиб, яна қўйиб, санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаслик, навбат қоидаларини бузиш, маҳсулотни ёки молни қўрмасдан сотиб олиб, кейин қайтариш ҳолатлари учраб туради. Бу биргина савдо-сотиқ жараёни мисолида. Албатта, бу ҳолатларни, сартарошхона, новвойхона, этикдўз, кимёвий тозалаш, аптека, компьютер хизматлари ва бошқа соҳаларда ҳам учратиш мумкин. Шу ўринда, иккала томонни ҳам тушуниш, иймондандир, яъни “Кимки ҳақини талаб қилса, инсоф билан талаб қилсин!”<sup>7</sup>, дейилади ҳадиси шарифда.

Истеъмолчилар хуқуқларидан ҳозирги кунда авж олган қарз масаласи долзарблигича қолмоқда. Аввало, қарз, қарз шартномаси тўғрисида фикр юритиш жоиздир. Биз қарз шартномасини қўйидагича тушунамиз. Қарз шартномаси – қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, шунча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади<sup>8</sup>. Диний манбаларда “Қарзини узишга қурби етадиганларга муҳлат берган, ночорларнинг эса қарзидан кечиб юборганинг гуноҳларидан Аллоҳ ўтади”, дейилади<sup>9</sup>.

Таъкидлаш керакки, ушбу нормани айрим фуқароларимиз

<sup>7</sup> Ўша ерда. – Б.10.

<sup>8</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: Адолат. 2010. – Б.604.

<sup>9</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Т.: Қомуслар. 1997. – Б.10.

замонавийлаштириб, ўзларига мослаб олган, десак муболаға бўлмайди. Қарз олиб қарзни қайтаришни унутиб юборган, фирибгарлик қилиб етим, беваларнинг молларига кўз олайтирган кимсалар ҳам орамизда учрайди. Шу ўринда айтиш мумкинки, қассобдан қарзга қўй олиб қурбонлик қилаётган баъзи “эҳсонпарвар инсонлар”лар ҳам борлиги айни ҳақиқат. Ёки ўзи қарзга ботган бўлса-да, яна дўстининг қарзини тўлашга, савоб талаб бўлишга интилиб, ҳаракат қиладилар. Зеро, қарз қиёматга қолмаслиги кераклиги барчага аён.

Қарз шартномаси ҳақида фикр юритилар экан, албатта, судхўрлик масаласи диққат марказида бўлиши табиий. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, судхўр - форсча, фойдахўр, фойда оловчи маъносини билдириб, пул қарз бериб, фоизи, фойдаси ҳисобига бойлик ортирувчи шахс. Судхўрлик эса, оғир шартлар билан қарз бериб, фойда олинадиган фаолият, деб изоҳ берилган<sup>10</sup>. Куръони каримнинг Оли Имрон сураси, 130-оятида: “Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз!” дейилади<sup>11</sup>. Шунингдек, Бақара сурасининг 275-оятида: “Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: “Байъ (олдисотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку? деганлариdir. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган”<sup>12</sup>.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари борасида, оловчи ва сотувчи борасидаги ҳукмларни диний манбалар асосида қуидагиларни уқиб олишимиз мумкин: Расулимиз (С.А.В.): “Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса ҳамда оловчи ҳам пул беришда фирромлик қилмаса, савдода барака бўлур.

<sup>10</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: – Б.582.

<sup>11</sup> Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон. 1992. – Б.34..

<sup>12</sup> Ўша ерда. – Б.34.

Агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирига ғирромлик қилса, бундай савдода барака бўлмас!” дедилар<sup>13</sup>.

Хулоса қилиб айганда, истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилишда ким бўлишидан, қайси ташкилотда фаолият юритишидан қатъи назар қуидаги Ҳадиси шарифга амал қилмоқ жоиздир.

“Ҳалол аниқ, ҳаром ҳам аниқ. Лекин иккисининг орасида шубҳали нарсалар мавжуд. Кимки бирор нарсанинг ҳалол ёки ҳаромлигига шубҳаланса-ю, аммо унга қўл урмаса, ҳалолга яқин иш қилган бўлур”<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Т.: Қомуслар. 1997. – Б.10.

<sup>14</sup> Ўша ерда. – Б.5.

## БУЗГУНЧИ ГОЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИДИ

Абдухолик ТАШАНОВ,  
ЎзМУ доценти, ф.ф.н.

Бугун жаҳон халқлари тамаддуннинг янги миқдорий ва сифатий ўзгаришлари кузатилаётган янги босқичда яшамоқда. Мағкуравий муаммолар асосий миллий ва умуминсоний қадриятларни аста-секин кундалик истеъмолдан чиқараётгани, вужудга келаётган маънавий инқироз ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган кўплаб жамиятларга салбий таъсир ўтказмоқда. Таҳлилчилар фикрича, янги минг йилликда асосий муаммо жамиятни маънавий юксалтириш бўлади. “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт гоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргалиқда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиласиз”<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, жамият тараққиётини таъминлаш, инсономилиаҳамиятини оширишҳамдаёшларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашнинг кучли механизмлари ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”, деб белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тероризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Бугун дунёда бузғунчи ғояларнинг кенг тарқалиши ва шунга мувофиқ мафкуравий полигонлар ҳамда турли мафкуравий кучларнинг фаоллашуви, постиндустриал мухитдаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Замонавий технологик инқилоб шароитида оммавий ахборот ва коммуникация муаммоларининг авж олиши жаҳоннинг аксарият мамлакатларида миллий ўзликни англашга бўлган таҳдидларнинг қўлами ва таъсир кучининг ортиб бориши билан боғлиқ масалаларни кун тартибига қўймоқда. Бундай шароитда ҳар бир суверен давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзини муайян тамаддун эгаси сифатида сақлаб қолишга ҳаракат қиласи. Шу боис, фуқароларда бугунги дунёдаги воқеа-ходисаларга бефарқ

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон. 2020.

бўлмаслик, жамиятдаги ислоҳотларга дахлдорлик ва миллий ўзликинги англаш туйғусини шакллантириш муаммосини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Айни пайтда мафкураларнинг замонавий зиддиятлари ҳақида сўз юритилганда мутахассислар XX асрдаги ғоялар зиддиятларига хос харакатларнинг (мафкуравий, тарғибот) ошкора бўлмаган, мавҳум хусусияти тўғрисида айтиб ўтади. Мафкураларнинг “жанг майдони” кишилар онги, “куроли” эса оммавий коммуникация воситалари экани борасидаги фундаментал билимларга таянган ҳолда мафкуралар зиддиятларини амалга ошириш усули сифатидаги ахборот урушларини аниқлаш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айни шундай шароитларда ҳар бир суверен давлат ўзини ўзига хос тамаддун эгаси сифатида сақлаб қолиши учун бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг ривожланишини, мафкуравий полигонларнинг чегараси, арсеналини доимий тарзда мониторинг қиласидаги тизимни яратиши, бузғунчи ғояларнинг кенг тарқалишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий характердаги аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.

Бузғунчи ғояларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларда мафкуравий курашнинг “энг сафарбар” қисми сифатида ОАВ ва Интернетнинг ролини алоҳида ўрганиш жоиз. Айниқса, бундай вазиятда оммавий ахборот воситалари ғояларни етказувчи медиум сифатидаги ролини унутмаслик зарур. Ҳар қандай соҳадаги (хусусан, мафкура соҳасида) матбуотнинг, электрон оммавий коммуникацион муносабатларнинг устувор мавқеи замонавий ўзгаришлар ахборотлашган жамият вужудга келаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, бугунги кунда аксарият ОАВ, ҳатто энг фаровон мамлакатларда юз бераётган зўравонлик,

ирқчилик, миллат айириш каби жиноятлар түғрисида ҳар куни хабар етказмоқда. Бузғунчиликни камайтиришга мүлжалланган ахлоқий, диний ва ҳуқуқий меъёрлар ўзининг назорат механизмини тўлиқ ишлата олмаяпти. Ҳатто ҳаётнинг энг қулай шароитлари ҳам бузғунчиликни камайтиришга ёрдам бермаяпти. Шу билан бир қаторда, бундай бузғунчилик кишиларнинг бир-бирига муносабати эмас, балки табиий муҳит, маданий ёдгорликларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда ва энг содда буюмлар бемаъни тарзда вайрон қилинмоқда. Техника ва технологиялар ривожланишининг замонавий даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вактдаги бузғунчилик, бузғунчи ғоялар ва мафкуралар нафақат айrim ижтимоий гурухлар учун, балки бутун инсоният учун таҳдидга айланмоқда.

Одатда бузғунчи ғояларнинг кенг тарқалиши ва уларга мувофиқ ташкилот ёки гурухларнинг фаоллашиши ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, оммавий ахборот-коммуникация воситалари соҳасидаги зиддиятларнинг авж олиши билан боғлиқ. Бузғунчи ғояларнинг ҳам субъект сифатида, ҳам объект сифатида асосини маълум бир гурухлар ташкил қиласди. Айни пайтда бугунги дунёда турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган буюк давлатчилик шовинизми, тажовузкор миллатчилик, неофашизм, террорчилик, экстремизм каби сиёсий оқимлар фаолияти бунга мисол бўлади. Пировардида бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфат келтириб, инсониятнинг тинчлиги ва осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда.

Бузғунчилик ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида кўп қиёфали, зиддиятли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб хусусиятга эга экани билан ҳам характерланади.

Бу эса унинг табиати ва моҳиятини касбий-малакавий тушунишни тақозо этади. Бу ўриндаги муаммо инсон бузғунчилигининг маъносини яхлит тарзда очиб бериш, унинг асослари ва намоён бўлишининг турли-туман шаклларини изоҳлашдан иборатдир. Гарчи “бузғунчилик” постмодернизм фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлса-да, инсоннинг бузғунчилик табиатини талқин қилиш катта қийинчилклар, чалкашликлар билан бирга кечади. Инсон бузғунчилигининг асослари ва намоён бўлиш шакллари энг кўп савол уйғотади. Унинг вужудга келишини, тарқалиш механизмларини аниқлаш қийин. Унинг намоён бўлиш шакллари ҳам шу қадар кўпки, уларнинг сифатини, ривожланиш йўналишларини, ижобий ёки салбий эканини ва бошқа хусусиятларини аниқлаш анчагина мураккаб.

Ўзнавбатида, инсоннинг бузғунчилик фаолияти мумоси гарчи узоқ ўтмишдаги мутафаккирлар томонидан ўзига хос талқин этилган бўлса-да, анча кам ўрганилган ва фақат XX асрда илмий муаммо сифатида шакллантирилган, холос. Кишилар қалбида азалдан ёвузлик мавжудлиги тўғрисида Авесто, хитойлик мутафаккир Сюнь-цзи ва қадимги юонон файласуфи Платон ёзиб қолдирган<sup>3</sup>. Арасту бузғунчилик чегарасини аниқлаб, фазилатлар ортиб кетганда ёки камайганда жаҳолатга айланади, дейди. Масалан жасурлик. Аммо шундай эҳтиросли лаззатлар борки уларнинг ортифи ҳам, ками ҳам ёмондир<sup>4</sup>. Бу ўринда аллома бузғунчиликнинг турли кўринишларига ишора қиласи. Форобий асарларида бузғунчиликнинг манбай инсон қалбидаги қарама-қарши, жуфт қувват, яъни таҳсинга сазовор ва ҳайвоний қувватларнинг иккинчи ҳайвоний қувват сабабидан содир

<sup>3</sup> Человек: Мыслители прошлого и настоящего о его жизни, смерти и бессмертии. Древний мир — эпоха Просвещения / Редкол.: И. Т. Фролов и др.; Сост. П. С. Гуревич. — Москва: Политиздат. 1991. — С.27.

<sup>4</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмуд таржимаси. — Т.: Янги аср авлоди. 2011. — Б.144.

бўлиши таъкидланади<sup>5</sup>. Абдулла Авлоний<sup>6</sup> томонидан эгзу ва ёвуз хулқлар, Мирзо Хайрулло Ҳўқандий<sup>7</sup> томонидан эса фақат ёмон хулқлар таснифлаб берилди.

Илоҳий таълимотлар анъанасида “дастлабки гуноҳ” тушунчасидан фойдаланилади. У ўзига хос тарзида инсон табиатига хос бузғунчилик ибтидосини ифода этади. Инсон табиатидаги бузғунчилик ҳолатларини немис мумтоз фалсафаси вакили И.Кант<sup>8</sup> ҳам тилга олган. Аммо фақат XX асрга келибгина инсоннинг бузғунчилик фаолиятини илмий асослашга уринишлар амалга оширилди. Инсон табиатидаги бузғунчилик ибтидосини изоҳловчи энг машҳур назариялардан бири руҳий таҳлил асосчиси З. Фрейд концепциясидир. У инсонга икки туйғу хос деб ҳисоблаган: Эрос – ҳаётни мустаҳкамлашга, сақлаб қолишга ва яратишга йўналтирилган қудрати (“либидо”) сифатида маълум бўлган ҳаёт туйғуси ҳамда қудрати бузғунчилик ва ҳаётни тўхтатишга йўналтирилган танатос – ўлим туйғусидир. Унинг фикрига кўра, барча инсоний фаолият ушбу икки ҳиссиятнинг мураккаб, ўзаро ҳаракати натижасидир. Шунингдек, у бузғунчилик хусусиятлари барча инсонга хослигини ҳамда аксарият кишиларнинг жамиятдаги феъл-авторини белгилашда бу туйғу анча кучли эканини асослашга ҳаракат қиласиди<sup>9</sup>. З.Фрейднинг қайд этишича, бузғунчи хусусиятларни назардан қочирмаслик лозим, чунки агар танатос қудрати ташқарига йўналтирилмаса, у шахснинг ўзини бузилишига олиб келади. Бузғунчилик билан бирга кечмайдиган экспрессив ҳаракатларни амалга

<sup>5</sup> Абу Наср Форобий. Талхису навомису Афлотун / Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий. 1993. – Б.166.

<sup>6</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи. 1992. – Б.22-23.

<sup>7</sup> Мирзо Хайрулло Ҳўқандий. Ахлоқи замима. – Т.: Ёзувчи. 1994. – Б.46.

<sup>8</sup> Кант И. Собр.соч. в 8 тт. Том 8. – М.: 1994. – С.428.

<sup>9</sup> Ницше Ф., Фрейд З., Фромм Э., Камю А., Сартр Ж. П. Сумерки богов. Серия: Библиотека атеистической литературы. – М.: Политиздат. 1990. – С.96.

ошириш, яъни катарсис бузғунчи қудратни заифлаштириши мумкин<sup>10</sup>.

Машхур психолог ва психотерапевт Э.Берн ҳам З.Фрейд концепциясини қўллаб-қувватлаган, аммо ушбу тадқиқотчилар инсон табиатидаги бузғунчилик тенденцияларини қайд этган ҳолда уларни чукур таҳлил қилмаган. Э.Фроммнинг бузғунчиликни ўрганишга жиддий эътибор қаратган асари “Инсон бузғунчилиги анатомияси”дир. У бузғунчиликни ижтимоий-маданий фарқлаш тарафдори бўлган. Унинг фикрича, бузғунчилик тажовузкорликнинг кўринишларидан биридир. Шунингдек, олим эзгу сифатга ва ёвуз сифатга эга тажовузкорликни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. У тўсатдан пайдо бўладиган бузғунчилик, яъни фавқулодда ҳолатларда фаоллашадиган, яширин, бузғунчи турткilarнинг намоён бўлиши ҳамда феъл-атвор тузилмасига боғлиқ бўлган бузғунчиликни ажратиб кўрсатади. Бу ҳодиса доимо ошкора ва яширин шаклда (садизм, некрофилия) муайян шахсга тегишилдири<sup>11</sup>. Олим бузғунчиликнинг асосий сабаблари сифатида ижодий ўзини намоён этиш учун имкониятлар мавжуд эмаслигини, нарциссизм, чекланганлик ҳамда “ҳеч нарсага арзимаслик”ни хис этишни кўрсатган.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузылик ва жаҳолатга хизмат қиладиган, инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундейдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар мажмуи “вайронкор ғоялар” тушунчаси орқали ҳам ифодаланади. Ўзининг шахсий ёки торижтимоий

<sup>10</sup> Фрейд З. Психология бессознательного: Сборник произведений. Сост., науч. ред., авт. вступ. ст. М.Г.Ярошевский – Москва: Просвещение. 1990. – С.416-417.

<sup>11</sup> Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. Пер. с нем. – Москва: АСТ. 2006. –С.236-280.

манфаатини бошқалар ҳисобига қондириш, босқинчилек ва талончилик, тажовузкорлик ва манфаатпастлик ғоялари шулар жумласидандир<sup>12</sup>.

Террористик мафкуралар таъсирининг асосий хавфи ҳуқуқий муҳит асосларини, яъни ўрнатилган ҳуқуқий тартиб ва амалдаги ҳуқуқий муносабатларни йўқ қилишдир. Коидага кўра, ҳар бир мафкуравий концепция унинг замон, маконда қўлланилиши асосида шаклланади ва муайян одамлар доирасига қаратилган<sup>13</sup>.

Одатда, бузғунчи мафкуравий тушунчалар билан бир қаторда, бу манфаатларни бутун жамият учун қабул қилиб бўймайдиган усуслар билан амалга оширишга қаратилган, назарий жиҳатдан асосланган, озчиликдаги ижтимоий гурухлар манфаатларини кўзлаб амалга оширилган давлатга қарши, ижтимоий хавфли ва жамиятни парчаловчи барча мафкуравий муносабатлар киради. Бузғунчи мафкуравий тушунчалар ижтимоий маконда аҳолининг маълум бир норози қатламлари ёки ташқи салбий кучлар томонидан шакллантирилади. Уларнинг норозилиги тарафдорларни мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий тизимни бузишга ундейди. Шу билан бирга, антагонистик озчилик ўз позициясини жамиятда қабул қилинган фундаментал таълимотларнинг қарзга олинган асосий элементлари шаклида ифодалайди. Барча мафкуравий таълимотлар давлат ва фуқаролик жамияти томонидан етарлича муносабат билдирилмаган ҳолда амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу муносабат билан ҳуқуқий муҳитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарадиган юридик институтларга алоҳида ўрин берилади. Бизнингча, жамиятни бузғунчи мафкуралардан асраш миссияси замонавий шароитда ҳар хил таҳдидларга қарши

<sup>12</sup> Назаров К. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya. 2011. – Б.179-180.

<sup>13</sup> Калинин Л.А. Деструктивная идеология как социальный феномен: социально-философский анализ. – С.11.

туришда ўз фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошираётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлигига асосланган профилактика ишлари орқали амалга оширилиши керак.

Ижтимоий тармоқлар мониторинги профилактика фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Душманлик, бузғунчи таълимотларни экспорт қилиш имкониятини чеклаш ҳозирги босқичда унutilган аксил-тарғибот тадбирлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Россиялик тадқиқотчи М.А. Филиппованинг таъкидлашича, “мафкуравий тушунчалар маълум бир ижтимоий гурӯҳ нуқтаи назаридан воқеликка муносабатни акс эттиради, расмий мафкура соҳасида шаклланади ва оммавий онгта киритилади”<sup>14</sup>. Бизнинг фикримизча, жамиятдаги мафкуравий тушунчаларнинг роли аниқ белгиланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади – оммавий онгга таъсир кўрсатишидир. Бузғунчи мафкура давлат ва жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий қадриятларни йўқ қилишга ва мавжуд ҳуқуқий тартибни беқарорлаштиришга қаратилган мафкуравий муносабатлар йиғиндиси сифатида қаралиши мумкин.

Яна бир россиялик тадқиқотчи Л.А.Калининнинг фикрича, бузғунчи мафкура – бу маълум бир ижтимоий гурӯхнинг манфаатларини акс эттирувчи, ушбу объектив шароитда ривожланиш учун зарур бўлган ижтимоий муносабатларни йўқ қилишга ёрдам берадиган назариялар, қарашлар, меъёрлар, қадриятлар ва усуслар тизимиdir<sup>15</sup>. Вайронкор мафкурани нисбатан бузғунчи ва мутлақ бузғунчига ажратиш мумкин. Нисбатан бузғунчи мафкура

<sup>14</sup> Филиппова М.А. Идеологический концепт “демократия” (на материале лингвокультуры США): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград: 2007. – С.5.

<sup>15</sup> Калинин Л.А. Деструктивная идеология как социальный феномен: социально-философский анализ: автореф. дис. ... канд. филос. наук. –Н.Новгород: 2007. – С. 8-9.

мавжуд ижтимоий муносабатларнинг бузилишига ҳисса қўшувчи мафкурани тушунади. Мутлақо бузғунчи мафкура ҳар қандай ижтимоий алоқалар ва институтларни йўқ қилишга қаратилган бўлиб, бу жамиятнинг ривожланиши ва фаолият юритиш имкониятини истисно қиласди. Масалан, террорга асосланган мафкуранинг ўзиҳам худди либерализм, социализм, консерватизм, анархизм, капитализм, нацизм, миллатчилик ва бошқалар каби муайян ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий шароитларда амалга оширилиши мумкин бўлган муносабатлар йиғиндисидир. Аслида мафкурани фаол босқичга киритиш учун уни истеъмол қилишга тайёр ижтимоий муҳитни шакллантириш зарур.

Тадқиқот жараённида жамият тараққиётининг ҳозирги шароитларида объектив зарурий ижтимоий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳар қандай мафкура бузғунчи мафкура экани исботланди. Айнан мана шундай бузғунчи гоя ва вайронкор мафкуралар жамиятдаги маънавий ва мафкуравий инқироз ҳамда турли ижтимоий бузилишларнинг асосий сабабчиси бўлиб қолаверишини исботлайди. Бундан ташқари, англаб ёки англанмай аҳоли онгига кириб олишга интилаётган мафкуравий идеологемалар, мисолучун, сўнгивақтдатиқиширилаётган ғарбча “оммавий маданият” миллий ўзликни англаш соҳасида ҳам турли мафкуравий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бошқа томондан, ушбу йўналишдаги баъзи мафкуравий издан чиқишлиар ҳам, ўз навбатида муайян фояни жамиятга етказувчи воситаларнинг самарасизлиги натижасида содир бўлмоқда.

Бузғунчи гояларнинг миллий ўзликни англашга таъсири авваламбор, ушбу тарихий-маънавий ҳодисанинг муайян ижтимоий-тарихий маконда, муайян халққа хос бўлган, унинг ўз имкониятлари ва истиқболларини кўришни акс

эттирувчи мавжуд ижтимоий воқеликлар мажмуини озми-  
қўпми муносиб тарзда акс эттирган ҳолда ривожланиб  
бориши жараёнини бузиб юбормоқда. Бу эса, ўз навбатида,  
миллий ўзликни англашнинг ривожланиш даражасига ҳамда  
миллат ҳаётий фаолиятининг объектив кўрсаткичларига,  
яъни унинг геосиёсий, ижтимоий, сиёсий, технологик,  
экологик ва бошқа ҳолатлари, ҳам мазкур халқ томонидан  
тўпланган маънавий салоҳиятига ниҳоятда жиддий салбий  
таъсир кўрсатади.

# ҚУШАЙРИЙНИНГ “РИСОЛА ФИ-Т-ТАСАВВУФ” АСАРИГА АСОС БҮЛГАН МАНБАЛАР ТАСНИФИ

Давронбек ҚОДИРОВ,  
*БұхДУ катта ўқытувчиси, PhD*

Абулқосим Қушайрийгача ҳам тасаввуфға доир күплаб қўлланмалар яратилганига қарамасдан, сўфийлар тасаввуф таълимотини назарий жиҳатдан шакллантириш Қушайрий томонидан якунланган деб ҳисоблаган. Бироқ, тасаввуфнинг сунний мазҳаблар теологияси ва уни шариат билан уйғулаштиришни Абу Ҳомид Газзолий 1099-1102 йилларда ёзган “Ихё улумид-дин” асари билан якунлаган.

“Рисола” асари тузилишида мутафаккир ўзидан олдинги муаллифларнинг баъзилари қўллаган асосий қоидаларга таянгани қўзга ташланади. Тасаввуфни тизимлаштириш мақсад қилинган баъзи дарсліклар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Абу Сайд Аҳмад ибн Зиёд ал-Аъробийнинг (860-952 йй.) “Табақот ун-нуссок” (Зоҳидларнинг даражалари) асари тасаввуфни тизимлаштириш йўлидаги биринчи қўлёзмалардан бўлиб, бизгача етиб келмаган. Уни мақсади тасаввуфнинг шариатга мувофиқлигини асослаб беришдан иборат эди. Бу асар номи ҳам бежиз бундай танланмаган бўлиб, “Зоҳидлар даражаси” атамаси ўша давр илоҳиётшунослари, фикҳшунослари ва уламолари томонидан кўп ишлатилган<sup>1</sup>. Бундай атамани қўллашдан

<sup>1</sup> Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики ислама.– Москва: 2002. – С.107.

мақсад аксарият ортодоксал сунний илоҳиётчилари тасаввуфни ислом эътиқоди доирасидан ташқарида деб ўйлаганлари учун аслида у исломнинг ажралмас қисми эканига ургу бериш эди. Ушбу асардан сақланиб қолган биргина иқтибосга кўра, муаллиф буюк сўфийлар ҳаёти ва таълимотини етарлича тўлиқ тасвиirlаб берган. Абу Сайд ал-Аъробийнинг асари кейинги муаллифларнинг тасаввуф анъаналарини тартибга солишга қаратилган кўплаб китобларини яратишда намуна бўлиб хизмат қилди;

– Жаъфар ал-Хулдийнинг (867-959 йй.) “Ҳикоят ул-машойих” (Тасаввуф шайхлари ҳақида ҳикоялар) асари. Ушбу манбадан кўплаб мутасаввуф ва тасаввуф назариётчилари асарларида иқтибос келтирилади, аммо у бизгача етиб келмаган;

– Абу Бақр Мұҳаммад ибн Довуд Порсонинг (ваф.988.) “Ахбор ус-суфийя” (Сўфийлар ҳақида хабарлар) асари;

– Абул Фараж ал-Варасонийнинг (ваф.982) “Табақотус суфийя” (Сўфийларнинг даражалари) асари;

– Абу Бақр Шазоний ар-Розийнинг (ваф.986) “Ҳикоёт ас-суфийя” (Сўфийлар ҳақида ҳикоялар) асари.

Бироқ, ушбу асарларни том маънода ҳали тасаввуфнинг мумтоз мероси деб бўлмайди. Чунки аксарият ҳолларда улардагитасаввуфга оид билимлартизимлитавсифланмаган. Шундай бўлсада, улар тасаввуф мактаблари ва оқимларини ўрганиш тарихига, шунингдек, айrim сўфийлар ҳаётини ўрганишга катта ҳисса қўшган.

Тасаввуф анъанасининг тўлиқ шаклланиши учун асос бўлган асарларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Абу Наср Абдуллоҳ ибн Али ас-Саррожининг (ваф.988) “Ал-лумаъ фи ат-тасаввуф”<sup>2</sup> (Тасаввуфдаги ёрқин чақнаш) асари. Бу рисола бизгача тўлиқ етиб келган энг қадимги

<sup>2</sup> ابو نصر السراج الطوسي. اللمع في التصوف. القاهرة، دار الكتب الحديثة، 1960.

тасаввуфга оид ҳикоялар жамланмасидир. “Ал-лумаъ фи ат-тасаввуф” асари Абу Саид ибн Аъробий ва Жаъфар Хулдийнинг тартибсиз биографик ёзувларидан аввало, тасаввуфнинг ақидавий асослари ва урф-одатларини илоҳий рисола шаклида баён этиши билан фарқ қиласи. Муаллиф тасаввуф луғатига эътибор қаратиб, тушуниш қийин бўлган атамаларни изоҳлайдивас сўфиylар кароматини тасвирлайди. Шунингдек, Пайгамбар алайхиссаломга тақлид қилиш ва саҳобалар валийлиги мавзусини очиб беради. Бундан ташқари, тасаввуф таълимотидаги тафовутларни муҳокама қилиб, уларни турли мактабларга ажратади. Буларнинг барчасини шеърлар, ҳикматли иборалар, шунингдек, сўфиylарнинг мактубларидан парчалар келтириш орқали далиллашга ҳаракат қиласи. Абу Наср Сарроҳ авлиёларга Худо томонидан берилган кароматларини таърифлашга катта эътибор қаратган. Шу билан бирга, у баъзи сўфиylар томонидан жазба пайтида айтилган сўзлар (шатаҳиёт) ни (жумладан, Боязид Бистомийни) оқлайди. Муаллиф асарни тасаввуф назарияси ва амалиётидаги хатоларни батафсил баён қилиш билан якунлайди. А.Арберрининг фикрига кўра, Абу Наср Сарроҳ бу асарида “адолатли ва яхши хабардордек”<sup>3</sup> кўринади. Чунки у Ҳорис Муҳосибий ва Жунайд Бағдодийга яқин даврда яшаган. Кушайрий “Рисола”сида Сарроҳ асаридан кўплаб иқтиbos келтирилганига қараганда, ўзидан олдинги муаллиф ижодидан таъсирланиб, айрим услубларни ўзлаштирган дейиш мумкин;

— Абу Толиб Муҳаммад ибн Али ал-Маккийнинг (ваф.998) “Қутул қулуб”<sup>4</sup> (Қалблар озиги) асари. Бу асар тасаввуфнинг умумий лойиҳасини яратишга бўлган

<sup>3</sup> Арберри А.Дж. Суфизм. Мистики ислама. – Москва: 2002. – С.108.

<sup>4</sup> ابو طالب المکی. قوت القلوب في معاملة المحبوب. القاهرة، دار التراث، 2010.

уринишидир. Шу билан бирга, ислом тасаввуфи дастлаб Ҳасан Басрий томонидан етказилган Пайғамбар (С.А.В) нинг ҳақиқий таълимоти тимсоли сифатида эътироф этилган. Абу Толиб Маккийнинг тасаввуф душманларига нисбатан очиқ мухолифлиги Қушайрийда кучли таассурот қолдирган. Маккийнинг асари тасаввуф назарияси соҳасида “Рисола” асаридек муҳим ўрин эгаллай олмаган, чунки биринчи навбатда, ундаги маълумот тизимли эмас эди. А.Арберининг фикрига кўра, ушбу асар “диний ҳукуқ бўйича одатий қўлланмаларни бироз эслатиб, унда ислом дини маросимларининг батафсил муҳокамаси жой олган”<sup>5</sup>;

– Абу Бақр Мұхаммад ал-Калабодийнинг (ваф.995) “Ат-таъарруф ли-мазҳаб аҳлит тасаввуф”<sup>6</sup> (Тасаввуф ахли мазҳаби билан танишиш) номли тасаввуфга оид фундаментал рисоласи. Бу асар кичик ҳажмли эканига қарамай, муаллифнинг сунний илоҳиёт ва тасаввуфни уйғулаштириш мақсадини акс эттиради. Калабодий тасаввуф шариат ва илоҳий қонунларнинг ҳар бир ҳарфи ҳамда руҳиятига тўлиқ мос келишини исботлаган. Муаллиф калом масаласида шофеъий-ашъарий ва ҳанафий-мотуридий қарашларини ўзига хос тарзда муросага келтиради. Баъзи тадқиқотчилар, масалан, рус олимаси О.А.Лапицкая Қушайрийни ҳанафийлар билан мухолиф бўлганини сабаб қилиб кўрсатиб, Калабодийга ҳам қарши бўлганини ва “Ат-тааарруф” асарига камроқ таянганини тахмин қиласи;

– Абу Абдурраҳмон ас-Сулламийнинг (937-1021 йй.) “Табақотус суфийя”<sup>7</sup> (Сўфийларнинг мартабалари) ва “Ҳақоик ут-тафсир”<sup>8</sup> (Тафсир ҳақиқатлари) асарлари. Сулламийнинг таъсирида Қушайрий Қуръоннинг аллегорик

<sup>5</sup> Арбери А.Дж. Суфизм. Мистики ислама. – Москва: 2002. – С.109.

<sup>6</sup> ابو بكر الكلباني. كتاب التعرف لمذهب اهل التصوف. القاهرة، مكتبة الخاتمي، 1994.

<sup>7</sup> ابو عبد الرحمن السلمي. طبقات الصوفية. بيروت، دار الكتب العلمية، 2003.

<sup>8</sup> ابو عبد الرحمن السلمي. حقائق الفسیر. بيروت، دار الكتب العلمية، 2001.

ва эзотерик талқинлари билан қизиқади. Бундан ташқари, Сулламий сўфий шайхларининг биографик маълумотларини батафсил ўрганган муаллифлар қаторидан жой олади;

– Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Исфаҳонийнинг (948-1038) “Ҳилйатул авлиё” (Авлиёлар зийнати) асари. Кейинчалик асар ўн жилдда нашр қилинган бўлиб, тасаввуф тарихи ва назариясини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Асар биринчи навбатда, тарихий қимматга эгадир. Унда сўфийларнинг тўлиқ биографик маълумотлари келтирилган;

– Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллаби ал-Ҳужвирийнинг (1009-1072 йй.) “Қашф ул-маҳжуб” (Парда ортида яширинган нарсанинг ошкор этилиши) асари. Тасаввуфга доир форс тилидаги биринчи қомус. Ҳужвирий меросини тадқиқ этган британиялик олим Р.А.Николсон ушбу асарни Қушайрийнинг “Рисола”сидан юқори қўйиб, буни рисоланинг “нақллар, ҳикоялар ва таърифлар тўплами сифатида жуда қимматли, аммо баён этилишига кўра қуруқроқ” экани билан изоҳлайди. У яна: “сўфиёна муаммолар ва қарама-қаршиликлар муҳокамаси муаллиф ўзининг бой шахсий тажрибасидан олган кўплаб мисоллар билан келтирилади”, деб таъкидлайди<sup>9</sup>;

– Абу Ҳафс Умар Шиҳобиддин ас-Сухравардий (1145-1234 йй.)нинг “Аворифул маориф” (Маърифат инъомлари) асари. Бу китоб Қушайрий вафотидан анча кейин ёзилган бўлса-да, барча мактаб сўфийлари хурмат қиласидан асарлар рўйхатидан муносиб ўрин олган.

Юқорида санаб ўтилганлар орасида Сулламий ва Саррожнинг асарлари Қушайрийга катта таъсир кўрсатган. Бу ҳолат “Рисола”да ушбу асарлардан парчалар келтирилишидан ҳам маълум бўлади.

<sup>9</sup> Ал-Ҳуджвири Али ибн Усман Джуллаби. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах. –Москва: 2004. – С.15.

## ШАЙБОНИЙЛАР СИБИР ХОНЛИГИ АСОСЧИЛАРИ

Махмуд ОРЗИЕВ,  
*Турон Зармед университети ўқитувчиси (PhD)*  
Зафар АРТИКОВ,  
*БухДУ таянч докторанти*

Сибир хонлигининг ташкил топиши ва унинг Марказий Осиё тарихи учун асосий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Манбалар, тарихий маълумотлар асосида хулоса қилинадиган бўлса, ўрта осиёлик савдогарларнинг XII-XIII асрларда Тувада савдо уюшмаларини тузгани Сибир билан мунтазам алоқалар ўрнатилган даврни манбавий жиҳатдан асослашга хизмат қиласди<sup>1</sup>. Сибирнинг Ўрта Осиё билан савдо-иктисодий алоқаларининг ўрнатилиши, минтақада ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жараёнларда бир қатор ўзгаришлар олиб келган. Саяно-Олтой худудларида Ўрта Осиё аҳолисининг савдо карvon йўллари XIII-XIV асрларда вужудга кела бошлаган. Шу билан бир вақтнинг ўзида ўрта осиёлик савдогарлар томонидан ислом дини тарғиботи бошланганига оид маълумотлар келтирилишининг гувоҳи бўламиз<sup>2</sup>. Олтин Ўрданинг собиқ ҳудудлари бўлган Сибир хонлиги хусусида рус манбалари илк бор 1407 йилда қайд этган. Сибир хонлиги хусусидаги маълумотлар 1495 йилдан бошлаб адабиётларда

<sup>1</sup> Зияев X. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача) = Узбеки в Сибири, Поволжье и Приуралье (С древних времен до начала XX века) / Масъул муҳаррир: А.Шарафуддинов. – Т.: Шарк, 2003. – Б.3.

<sup>2</sup> Религиозный ландшафт Западной Сибири и сопредельных регионов Центральной Азии. – Т. 1: Поздняя древность – начало XX в. [Текст]: коллективная монография / отв. ред. П.К. Дашковский. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та. 2014. – С.52.

тез-тез тилга олинади<sup>3</sup>. Сибир-Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳам деярли шу даврдан бошланган.

Сибир хонлигининг дастлабки пойтахти сифатида ҳозирги Тюмен шаҳри ўрнидаги Чингиз-тур шаҳри тилга олинади. Кейинги сиёсий жараёнлар, сулола алмашиш жараёнида пойтахт Иртиш дарёси бўйидаги Қишлоқ (Искер) шаҳарчасига кўчирилган. Сибир, асосан унинг жанубий-гарбий қисми шайбонийлар давлати вужудга келишида сулоланинг асосий удел мулки бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхон Тюмен (Чингизтур) шаҳрида хон қилиб кўтарилиган<sup>4</sup>. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Тура сўзи бухороликлар тилида шаҳарча ёки қўрғон маъносини ҳам беради<sup>5</sup>. Бу эса, ўша даврларда ёқ Бухоронинг Сибир билан муносабатлари мустаҳкам асосларга эга эканини англатади.

Қизил-тур шаҳарчаси Сибир хонлигининг дастлабки маркази сифатида тилга олинади. Демак, XV асрнинг 20-йилларида вужудга келган Ишим дарёси бўйида вужудга келган сиёсий жараёнларда Чингизхон ва Шайбон авлодларидан Хожа Муҳаммад Қизил-тур шаҳарчасини ўз қароргоҳига айлантирган ва дастлабки давлат асосчиси ҳисобланган. Ҳожи Муҳаммаддан сўнг Ишим аҳолиси Абулхайрхоннинг ўлпон тўловчилари бўлган. Абулхайрхондан сўнг нўғайлар ёрдамига таяниб ҳукмронлик қилган Ибак асосий қароргоҳ сифатида Қизил тура шаҳрини танлаган ва шайбонийлар сулоласи таянчи

<sup>3</sup> Файзрахманов Г.Л. История сибирских татар (с древнейших времен до начала XX века). –Казань. Фэн. 2002.

<sup>4</sup> Древняя Сибирь: (Макет I тома “Истории Сибири”) / АН СССР, Сиб. отд-ние, Отдел гуманитарных исследований ин-та экономики; Редкол.: А. П. Окладников. – Улан-Удэ. 1964. – С.438.

<sup>5</sup> Миллер Ф.Г. История Сибири. Изд. 2-е, дополненное. Т I. –М.: Восточная литература. 1999. – С.189.

ушбу шаҳар бўлиб қолган<sup>6</sup>. Рус йилномаларида Ибак Султоннинг хукмронлик даври хусусидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, Ибак Султон 1481 йилда хукмронлик қила бошлаганига оид маълумотлар мавжуд<sup>7</sup>. Аммо, Абулхайрхон ва Ибак султон хукмронлиги ўртасида етарлича хронолгик тафовут мавжуд бўлиб, тарихий йилномаларда бу кўп ҳам инобатга олинмаганини кўришимиз мумкин. Абулхайрхон ўз давлатини тузгандан сўнг ҳам Сибир худудларини истило қилишда давом этган. Жумладан, унинг Фарбий Сибирдаги Тура шаҳрини босиб олиши 1428-1429 йилларда содир бўлиб, шайбонийлар давлати таркибиغا кўшгани, Сибирнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади<sup>8</sup>. Бу ўлкадаги табиий бойликлар, хусусан мўйна савдоси давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминлашга хизмат қилган. Сибирда вужудга келган янги хонлик, давлат худудида асосан Сибир, фин-угор қабилалари билан бирга туркийларнинг бир қатор уруғ-қабилалари яшаган. Тарихий адабиётларда улар қипчок, арғун, қарлуқ, қанғли, найман қабилалари эканини кўриш мумкин<sup>9</sup>.

Шайбонийларнинг асосий эътибори Мовароуннаҳр ва кейинчалик Эрондаги Сафавийлар сулоласи билан курашда банд бўлгани сабаб Сибир таҳтини Шайбонлардан маҳаллий Тайбуғалар сулоласи тортиб олган. Тайбуғаларнинг келиб чиқиши хусусида турли маълумотлар мавжуд. Масалан, “Тавориҳи гузидай Нусратнома” асарида Тайбуғалар Сибирда Шайбонхонларга тобе уруғлардан бири номи

<sup>6</sup> Файзрахманов Г.Л. История татар Западной Сибири: с древнейших времен до начала ХХ века. – Казань: Татар.кн. 2007. – С.19.

<sup>7</sup> Файзрахманов Г.Л. История сибирских татар (с древнейших времен до начала ХХ века). – Казань. Фэн. 2002. –С.123.

<sup>8</sup> Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. – Т.: Адолат. 2007. – Б.17.

<sup>9</sup> Ўша манба. – Б.83.

сифатида келтирилган. Шунингдек, 1428 йилда Абулхайрхон Чимги-тур шаҳрини эгаллаганды унинг ҳокими сифатида Ададбек ва Кепакҳожибеклар бўлгани, улар эса, Буркут қабиласининг Тайбуға уруғидан эканига оид маълумотлар мавжуд<sup>10</sup>. Бу эса Тайбуғалар қабила эмас, Буркут қабила таркибиға киравчи уруғ эканини кўрсатади. Сибир тарихидан маълумот берувчи муҳим манбалар ҳисобланган Есипов ва Ремезов йилномалари Тайбуғани тарихий шахс деб кўрсатади ва унинг келиб чиқишини Нўғай давлати билан боғлайди. Шунингдек, В.В.Вельяминов-Зернов фикрича, Тайбуға маҳаллий оқсуяк зодагон хонадонларидан бири бўлиб, бу уруғ асосчиси Он-сон шайбонийларга дахлор бўлган. Бундан ташқари, Сибирда хукмронлик қилган Шайбонийларнинг ёндош вакиллари Шайбонийлардан Беконди-ўғлон авлодлари деб келтириб ўтилади<sup>11</sup>. Ушбу маълумотга кўра, Тайбуғалар ҳам Шайбонийлардан бўлиб, уларга қариндош уруғ вакиллари, деб хulosса қилиш мумкин.

Д.М.Исхаков эса Тайбуға номининг келиб чиқишини Салжугут клани билан боғлаб, Шайбон томонидан Буркут қабиласининг 10 минг жангчиси етакчисининг номи дейди. Бужангчилар Шайбон топшириғига кўра, Кримни эгаллаган. Шайбонийлар даврида Буркут қабиласи вакилларининг Чимги-Турда доруғалик қилгани, Тайбуғалар Шайбонийлар давлатидаги уруғ-қабилавий ва сиёсий-ҳарбий тузилма бўлган деган хulosса мавжуд<sup>12</sup>. Бизнинг фикримизча Тайбуғалар Сибир маҳаллий зодагонлари бўлиб, мўғуллар

<sup>10</sup> Тавориҳи гузидай Нусратнома. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. Наук А.М.Ақрамова. – Т.: Фан. 1967. – С.117.

<sup>11</sup> Ислам на краю света. История ислама в Западной Сибири: [в 3т.].–Т. 2: Сибирский ислам в Средние века и Новое время [коллективная монография]. / под ред. А.П. Ярков. – М.: 2019. – С. 56.

<sup>12</sup> Исхаков Д.М. Новые данные о клановой принадлежности “Сибирских князей” – Тайбуғидов // Этнос. Общество. Цивилизация. II Кузеевские чтения: мат. междунар. конф. – Уфа: 2009. – С.25.

даврида ушбу ҳудудларни улар номидан бошқарган. Ф.Г.Миллернинг ёзишича, Он-сон ва ундан сўнг Сибир тахтига ўтирганлар Тайбуға, сўнг Сибир хони унинг ўғли Хўжа бўлган, ундан сўнг эса, кенжা ўғли Мар (Умар деб қабул қилинади) хон бўлган. Мар вояга етгач, Қозон хони Упакнинг синглисига уйланган. Кейин Упак Чимги (Сибир) ни босиб олади ва Марнинг ўғиллари Обдер ва Ебалаклар ҳам тахтга даъво қилмаслиги учун ўлдиртирган. Обдернинг ўғли Маҳмуд ва Ебалакнинг ўғли Ангишлар Упакни Чимгига келган вақтда қасос олиш мақсадида ўлдиради. Шундан сўнг тахтга ўтирган Маҳмуд қароргоҳни Тура ва Иртиш дарёлари атрофига кўчирган. Шундай қилиб, Тоболскдан 16 вёрст юқоридаги Сибир (Искер) қароргоҳи вужудга келган<sup>13</sup>. Олимларнинг фикрича, Қозон хони Убак (Ипак) аслида Сибир Шайбонийлари вакилларидан Сайид Иброҳимхон (XV аср охири) бўлиб, Мухаммад Тайбуғид уни 1494/95 йилда тахт учун кураш жараёнида қатл этган ва пойтахтни Искер шаҳрига кўчирган<sup>14</sup>. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Сибир хонлиги вужудга келиши билан Қозон ва Бухоро хонликларининг манфатлари тўқнашган ҳудудга айланган.

Шундай қилиб, Ибак Тайбуғалардан Мухаммад (Маҳмуд), яъни Мар (Умар)ни ўлдирган авлодлари томонидан қатл этилган ва Сибирда Тайбуғалар сулоласи тикланган. Аммо, Мухаммад (Маҳмуд) Чимги-Турда ўзини хавфсиз сезмаган ва пойтахтни Иртиш ҳавзасига, Тоболь дарёси бўйига кўчирган<sup>15</sup>. Тарихий адабиётлардаги маълумотлардан 1460-1480 йилларда Сибир хонлиги тахти учун учта сулола

<sup>13</sup> Миллер Ф.Г. История Сибири. Изд. 2-е, дополненное. Т I. – М.: Восточная литература. 1999. – С.190-191.

<sup>14</sup> Сибирские татары. Монография. – Казань: Институт истории АН РТ. 2002. – С.18.

<sup>15</sup> Файзрахманов Г.Л. История сибирских татар (с древнейших времен до начала XX века). – Казань: Фэн. 2002. – С.26.

кураш олиб борганини кўрамиз. Шайбонийлардан Ипак Тюмен жанубий ҳудудларини истило қилган ва Қизил Тур шаҳарчасини марказ қилган кучлар, Нўғай ўрдаси ворислари бўлган Мирза унвонидаги шаҳзодалар ва Тайбуғалар ўзаро кураш олиб борган<sup>16</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Сибир хонлиги ташкил топиши Олтин Ўрда давлатининг қулаши ва мўғуллар билан маҳаллий аслзода уруғлар ўртасидаги курашлар асносида кечган. Тайбуғалар ҳам маҳаллий зодагон уруғлардан бўлса-да, Шайбонийларга қариндош бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

<sup>16</sup> Бояршинова З.Я., Степанов Н.Н. Западная Сибирь в XIV-XVI вв.//Материалы по истории Сибири. – Улан Удэ. 1964. – С.477.

# ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Отабек ОРТИҚОВ,  
*Кўйкон давлат педагогика институти,  
фалсафа фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Тасаввуф таълимотига ислом фалсафасининг таркибий қисми сифатида қараш фалсафа фани бўйича юртимиз олимлари тадқиқотларида ҳам мавжуддир. Диний, исломий илм билан тасаввуф илми ўртасида фарқ мавжуд, “тасаввуфнинг ҳурфикрик анъаналари баъзи тарихий даврларда уни исломий ақидалардан бироз узоқлаштирган”,<sup>1</sup> аммо тасаввуф таълимотида Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш, Қуръони каримни илоҳий китоб деб билиш, шариат талабларига риоя этиш шарт ҳисобланган. Ушбу умумий концептуал асосдан келиб чиқсан ҳолда тасаввуф таълимотини исломнинг таркибий қисми дейиш, уларни уйғунликда ўрганиш лозимдир.

Б.Искандаровнинг “Тасаввуф фалсафаси” асарини тасаввуф таълимотини фалсафий-тарихий нуқтаи назардан янгича ўрганишга ташланган катта қадам дейиш мумкин. Тадқиқотчи буюк мутасаввуларнинг диний-ирфоний меросини янги давр талабларига мувофиқ очиб беради. Улардаги ислом дини, ахлоқ нормалари, шариат талабларига мос келадиган хусусиятларни ёритади. “Комил инсон”

<sup>1</sup> Алиқулов X., Носиров Р., Қодиров М., Омонбоева Р., Ашурев А. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. –Андижон: 2005 – Б.65.

ғоясининг турли тариқат вакиллари ижодида намоён бўлишини, хақни излаш усулларини, ўзини ўзи тарбиялаш борасидаги руҳий изланишларнинг моҳиятини тадқиқ этади.<sup>2</sup>

Г.Н.Наврӯзова, Э.Зоиров, Г.Юнусова, З.Ахмедова, З.Исақова, С.Исмоилов тасаввуп таълимоти, турли тариқатларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти, фалсафа тарихидаги ўрни масалаларини махсус тадқиқ қилган. Масалан, Г.Н.Наврӯзова ўз монографиясида Нақшбандия тариқатининг фалсафий-тарихий негизлари Будда ва Сукрот таълимотларига бориб тақалишини, Юсуф Ҳамадонийнинг хожагон, нақшбандия, яссавия ва қодиря таълимотига, нақшбандиянинг Шарқ герменевтикасига, ҳозирги экзистенциализм ва синергетикага таъсирини очиб берган. Унинг таъкидлашича, нақшбандия мумтоз тариқатларнинг охиргиси сифатида, инсон камолотига ёрдам берувчи таълимотdir. У динга ҳам, турмуш эҳтиёжларига ҳам меъёрида муносабатда бўлиш, мастлик ва жазавага берилмаслик, хурлик ва ижтимоий бурчни тўла адо этиш, хуфия зикрга берилиш, “Кўл ишда – қалб Аллоҳда” шиорига амал қилиш, тушуниш ва тушунтириш йўлидан бориш, инсонга ўз моҳиятини англашга ёрдам бериш, муросада яшашни тарғиб этган.<sup>3</sup>

Шунингдек, Г.Н.Наврӯзованинг Юсуф Ҳамадоний, Абдулқодир Гилоний, Хожагон таълимоти, тасаввупда руҳият масалалари мухокамасига оид асарлари ҳам мавжуддир<sup>4</sup>. У шогирдлари билан биргаликда Ғавсул Аъзам

<sup>2</sup> Искандаров Б. Тасаввуп фалсафаси. – Тошкент: Фан. 1995. – Б.9-10.

<sup>3</sup> Қаранг: Наврӯзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан. 2007. – Б.165-167; Уники. Бухорода Нақшбандия – Мужиддидия таълимоти. –Бухоро: 2007 – Б.12.

<sup>4</sup> Наврӯзова Г., Шарипова О. Абдулхолик Ғиждувоний комил инсон тарбияси ҳакида. – Бухоро: 2002; Наврӯзова Г. Руҳият мақомлари //Тафаккур. 1997. 3-сон. – Б.24-29; Наврӯзова Г. Нақшбандийликда “тажаллий” тушунчаси//Фалсафа ва ҳуқук. 2004.

ва Хожай Жаҳон, зардӯштийлик, буддавийлик, конфуцийлик ва Форобийнинг комил инсон ҳақидаги ғояларини ҳам тадқиқ этган.<sup>5</sup>

Нақшбандия таълимотининг маънавий-ахлоқий ва назарий-фалсафий негизларини С.Исмоилов ҳам маҳсус ўрганган. У шу пайтгача илм ахлига маълум бўлмаган манбалар асосида Баҳоуддин Нақшбанд таржимаи ҳолини ва силсиласи (“Силсилаи заҳоб”)ни тузиб чиқади, алломанинг “уч олтин тариқати”ни, унинг шаҳобчалари ва “амалиёт тизими”ни очиб беради. Энг муҳими шундаки, С.Исмоилов нақшбандия яссавия (Бектоши Вали, Сулаймон Боқирғоний, Байрами Вали), кубровия (Бадриддин Фирдавсий, Нуриддин Исфароний, Рукниддин ибн Шарофиддин, Сайийд Али ал-Ҳамадоний, Муҳаммад Нурбахший, Исок ат-Хутталоний, Неъматулло Вали) билан узвий боғлиқлигини ва ўзи ахрория (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор), мужаддадия (Имом Раббоний), масҳария (Шамсиддин Мазҳар), холидия (Холид Бағдодий) ва мелонурия (Муломи, Нурил Араби) каби шаҳобчаларни яратганини кўрсатади<sup>6</sup>. Бу буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг ислом тафаккурида қанча машҳур бўлганини ва тасаввуф таълимотида қандай муҳим ўрин тутганини билдиради. Айниқса, “нақшбандийликда комил инсон масаласига катта эътибор берилади. Мутасаввуфлар ҳам, мусулмон файласуфлари, яъни ҳикмат илми билан шуғулланувчилар ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В)га

2-сон. – Б.15-17.

<sup>5</sup> Каранг: Наврӯзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолот масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти нашр. 2006; Наврӯзова Г., Юнусова Г. Жоҳагон ва Қодирия таълимoti: муштараклик ва хусусийлик. – Бухоро: 2003; Наврӯзова Г. Инсоннинг иқтисодий камолоти боскичлари, даражалари ва мақоми// Бухоро давлат ун-т. Ахборотномаси. 2005. 2-сон. – Б.17-21.

<sup>6</sup> Исмоилов С. Нақшбандия – буюк таълимот. –Гулистон: 2006; Исмоилов С. Нақшбанднинг диний-ирфоний қарашлари//Фалсафа ва хуқуқ. 2006. 2-сон. – Б.17-18; Исмоилов С. Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. Фалсафа фанлари номзоди...дисс.автореферати. – Т.: 2008. – Б.12-14.

комил инсон намунаси деб қарайди. Лекин тасаввуф аҳли ориф ва валийларни ҳам комил инсонлар деб билади. Чунки улар ҳам рухий камолотга эришган, илохий хислатларга эга зотлардир<sup>7</sup>. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашувда тараққийпарварлик ғояси мавжуд. Биринчидан, бир инсон комиллик погонасига эришган экан унга бошқа шахслар ҳам етиши мумкин<sup>8</sup>. Бунинг учун у маҳсус машқларни, талабларни бажариши, тариқат қоидаларига мувофиқ яшаши лозим. Иккинчидан, бошқаларнинг ҳам комилликка эришиши мумкинлиги тариқатни, тасаввуф таълимотини мафтункор ва кўпчиликка тушунарли, оммабоп қиласди. Натижада комилликни ихтиёр этган, тариқат шартларини бажарадиган ҳар бир киши тасаввуфга эътиқод қўйиши мумкин. Аслида Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Баркамол авлод концепцияси мазкур концептуал ёндашишдан келиб чиқади. Демак, комиллик айрим шахслар фазилати эмас, унга истаган киши етишиши мумкин. Нақшбандия тариқатидаги прогрессив, тараққийпарвар ғоя шундадир<sup>9</sup>.

Ислом фалсафаси ва тасаввуф таълимоти инсоннинг дин, худо ва жамиятга муносабатини объектив ўрганишга ундейди, ушбу муносабат негизида гоҳо зиддиятли ҳоллар ҳам ётишини уқтиради. “Барча динлар, – дейди профессор И.Худойбердиев, – айниқса ислом ҳаёт мазмуни ва инсон ҳаёти қадрини у қанчалик художўйлиги, Худога эътиқоди қай даражада экани, қанча вақти ва кучини Худога хизмат қилишга сарфлаши, қай даражада Худони севишига қараб

<sup>7</sup> Аликулов X., Носиров Р., Қодиров М., Омонбоева Р., Ашурев А. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Андижон: 2005. – Б.25.

<sup>8</sup> Қаранг: Исақова З.Р. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида). Фалсафа фан.номзоди...дисс.автореферати. – Т.: 2007. – Б.7.

<sup>9</sup> Қаранг: Наврўзова Г.Н., Заиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва хукуқ инс.нашриёти. 2007. – Б.15.

баҳолайди. Ислом таълимотига кўра ҳаёт инсонга айнан бир мақсадда, яъни яратганга сажда қилиш, тақдирга тан бериш, сабр билан Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиш ва шулар эвазига абадий роҳатга ноил бўлиш учун берилган”<sup>10</sup>. Бу ўринда тадқиқотчи ўзининг эътиrozини, ислом доктринаси билан келиша олмаслигини очиқ айтмаса-да, фикрлашидан ушбу муносабатни илғаш мумкин. Аммо диний ақидапарастлик, мутаассиблик ижтимоий тараққиётга, халқимиз осойишталиги ва юртимиздаги тинч-фаровон ҳаётга хавф сола бошлагач, илм аҳли ва файласуфлар диндаги консерватив, ғайри ҳаётний, ғайриинсоний жиҳатларни, айниқса, диний фундаментализм ва экстремизмни танқид қилишга ўтди<sup>11</sup>. Демак, дин, эътиқод ижтимоий ҳаётдан, жамият ва инсондан алоҳида қараладиган ҳодисалар эмас<sup>12</sup>. Ўзбекистоннинг дунёвий давлат экани, унинг стратегик мақсади демократик хуқуқий давлат, инсонпарвар, юксак маънавиятли, илм-фан ютуқларига асосланган фуқаролик жамияти қуришдан иборатлиги ҳам дин, эътиқод муаммоларини ушбу вазифалар нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ундейди. Шунинг учун ҳам тадқиқотчиларимиз мамлакатимизнинг стратегик мақсадига, ижтимоий тараққиётига зид бўлган диний фундаментализм ва экстремизмни кескин танқид

<sup>10</sup> Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. – Т.: Ўзбекистон. 1994. – Б.51.

<sup>11</sup> Карап: Нуритдинов М. Диний таассуб ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари// Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.: 1998 – Б.49-53; Бегматов А. Ақидапарастлик манбалари//Ўша асар. – Б.84-90; Хўжамуродов И., Яқубов Ю. Ислом: жамият ва шахс. – Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти нашриёти. 2007. – Б.65-90; Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият. 2009. – Б.429-440; Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва экстремизм. – Т.: Фан. 1999; Холмўминов Ж.Жомий ва ваҳдад ул-вужуд таълимоти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашри. 2008; Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). – Т.: Noshir. 2009. – Б.220.

<sup>12</sup> Карап: Хўжамуродов И., Яқубов Ю. Ислом: жамият ва шахс. – Т.: ТДАУ. 2007. – Б.6-7.

қилмоқда.

Тасаввуф таълимотини фалсафий-тариҳий ва диний-ирфоний ва илмий-назарий англашда Р.Т.Шодиевнинг “Тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётидаги ўрни (IX-XII асрлар)” монографияси, Р.Н.Носировнинг “Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти” рисоласи, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонова, А.Ашуроғалиевнинг бирғаликда тайёрлаган “Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни” ўқув қўлланмаси муҳим аҳамиятга эга. Агар Р.Т.Шодиев тасаввуф таълимотининг фалсафий-тариҳий негизини ва шу аснода ўлкамиз халқларининг маънавий ва ижтимоий ҳаётига таъсири омилларини ўрганса, Р.Н.Носиров дикқатини тасаввуфдаги зиддиятли, аммо ислом фалсафаси нуқтаи назарига, исломнинг концептуал ғояларига қарши бўлмаган жиҳатларини, илм-фан учун қизиқарли мавзуларини тадқиқ қиласди. Жамоавий ўқув қўлланмада эса тасаввуфнинг генезиси ва ёйилиши, нақшбандийликнинг ижтимоий, маънавий тараққиётдаги ўрни, футувват ва унинг тасаввуф оқимларида талқин қилиниши баёни, Бобораҳим Машрабнинг диний-ирфоний қарашлари, Ҳожаназар Ҳувайдонинг маънавий мероси каби мавзулар ҳамда муаммога оид баҳсли масалалар муҳокама қилинади ва очиб берилади.

Ўқув қўлланма ўқувчи-ёшларни нафақат тасаввуф таълимоти билан таништиради, шунингдек, уларда ҳурфикрлик, мустақил изланиш, илм-фанга ихлос, бағрикентлик, умргузаронлик, жавонмардлик ва фидойиликни шакллантиришга ёрдам беради. “Аждодларимиз ижодида кенг ўрин олган бағрикентлик мамлакатлар, халқлар бошига чексиз кулфат келтираётган диний мутаассиблик, ақидапарастлик, бузғунчилик, адоват,

диний жазава, имон-эътиқод масалаларида якка ҳокимликка даъвогарликнинг илдизига болта уради, ҳуррият қадрини биладиган кишиларни бунёдкорликка чорлайди, инсонни буюк қадрият сифатида улуғлайди, уни тангри амр-фармони билан фаришталар қуллук қилган зот, деб мартабасини кўкларга кўтаради”<sup>13</sup>.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Н. Йўлдошев Бухорода яшаган ва ижод қилган, ислом динини маънавий бойлик сифатида тарғиб этган машойих, олим ва авлиёлар тарихини ўрганади. У ўз асарларида ислом фалсафасида шаклланган қалом илми, ақл ал-фаъол, иснод (далил, асос), ижмоъ, зикр (ёдга олиш), гуноҳ, савоб, ваҳдаги вужуд, бақо ва фано, нажот каби тушунчаларнинг маънавий ҳаёт билан боғлиқ хусусиятларини, бухоролик авлиёлар қолдирган ахлоқий меросни очиб беради.<sup>14</sup>

Ислом фалсафасини ўрганишга оид қўплаб китоблар, тўпламлар эълон қилинаётган бўлса-да, у ҳали фундаментал тадқиқот обьекти бўлмади. Фикримизча, ислом яхлит фалсафий-тариҳий, илмий ва маънавий-ахлоқий таълимот, фундаментал аҳамиятга эга тадқиқот сифатида ўрганилиши лозим. Тўғри, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мовароуннахр нашриёти, “Имом Бухорий сабоқлари” журнали ислом тарихи, фалсафаси ва маънавиятига оид қўплаб китоблар, рисолалар ва мақолалар чоп этмоқда. Энди ушбу бой манбалар ва назарий-илмий қарашларни умумлаштириб, фалсафий-тариҳий аҳамиятга эга фундаментал тадқиқот яратиш лозим.

<sup>13</sup> Алиқулов X., Носиров Р., Қодиров М., Омонова Р., Ашурев А. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Ўкув қўлланма. –Андижон: 2005. – Б.68.

<sup>14</sup> Каранг: Йўлдошев Н. IX-XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилилган бухоролик машойих ва олимлар. –Бухоро: Бухоро. 1993; Йўлдошев Н. Ислом ва бухоролик алломалар//Ибн Сино. 1999. З-сон. – Б.17-19.

# НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ УЧЕНИЯ АБУ НАСРА АЛЬ-ФАРАБИ О ДИАЛЕКТИКЕ

**Нигора ДЖУРАЕВА,**

*Старший преподаватель кафедры*  
*“Философия и логика” факультета*

*Социальных наук НУУз. PhD*

**Шахзод ХАБИБУЛЛАЕВ,**

*Магистр 2-курса кафедры “Философия и логика”*

*Факультета социальных наук НУУз*

Вопросы развития мышления начиная с эпохи античности по сей день считаются одними из наиболее важных, непостижимых, но особо притягательных аспектов изучения. Такая сложность, в первую очередь, детерминирована тем, сложностью и противоречивостью природы мышления и речи человека. Мышление и речь же, будучи важными социокультурными кода<sup>1</sup> развития общества, государства, человека вообще, сочетают в себе социальное и биологическое. С одной стороны, и речь, и мышление представляют собой порождение мозга человека, с другой стороны, речь и мышление являются социальными продуктами, поскольку сам человек есть социальное явление. В симбиозе общественного и индивидуально-биологического проявляется наиболее общая специфика речи и мышления. В изучении важных аспектов мышления велика роль науки логики.

<sup>1</sup> Джураева Н.А // Ontological and epistemological issues of studying the development of Uzbekistan in the context of globalization from the point of view of the paradigm of civilizations. -Volume 5, Issue 2. – USA: 2020.– P.29. DOI:10.25046/aj050204

В данной статье авторами проведена попытка анализа логического учения Абу Насра аль-Фараби, основателя исламской философии, философа-перипатетика, мыслителя, роль которого велика в построении философских теорий познания, которые оживили древнегреческую философию, в частности логику Аристотеля. Благодаря созданными им комментариям к трудам Аристотеля, изучению и развитию учения греческого мыслителя, арабский ученый-энциклопедист был удостоен почетного звания “Муаллимус сони”, что означает “Второй учитель”. Более того, Фараби создал собственную концепцию мышления, раскрыл диалектику тождества мышления и бытия.

Мы считаем, что сегодня очень важно изучение великого научного наследия наших предков, которое выступает одним из факторов формирования национального познания в Новом Узбекистане.

Абу Наср аль-Фараби является одним из крупнейших представителей эпохи первого восточного Ренессанса. До сегодняшнего дня сохранилось около сорока сочинений Абу Насра Фараби по логике. Некоторые его труды из этой серии: “Силлогизм”, “Софистика”, “Риторика” и “Об [искусстве] поэзии”, переведенные непосредственно из арабской рукописи, также, были опубликованы множество книг аль-Фараби, касающихся его логических трактатов, учеными Европы и Азии.

Особое внимание арабский перипатетик уделяет вопросам диалектики – как важном направлении в постановке и решении проблемы в споре, диспутах, достижении истины и др. Аль-Фараби называл диалектику “искусством диалектики” – “Сина’аталь-Джадал”. Согласно аль-Фараби, основная категория искусства диалектики “общепринятые посылки” – “Муkadдимат машхура”. В его понимании эти

посылки или суждения есть концентрация знаний всех людей, всего человеческого опыта.

В “Топике” Аристотеля сказано следующее: “Цель этого сочинения — найти способ, при помощи которого мы в состоянии будем из правдоподобного делать заключения о всякой предлагаемой проблеме и не впадать в противоречие, когда мы сами отстаиваем какое-нибудь положение”<sup>2</sup>. Аль-Фараби поясняет это определение, подчеркивая, что при использовании диалектики противоречие будет заключаться не в самом ответе, а между ним и высказыванием, ему противоположным. Из приведенного мы можем видеть, что Абу Наср Фараби объясняет это определение более простым языком и даёт чётко понять ход мысли Аристотеля. В частности, Аристотель в своих трудах делает упор на то, что основной целью диалектики является опровержение высказываний, то, что аль-Фараби подчеркивает, что доказательство является второй, не менее важной целью диалектики.

Аль-Фараби указывает, что диалектический диспут протекает между двумя лицами, из которых один спрашивает, а другой отвечает. Он подчеркивает, что здесь дело обстоит не так, как в риторической беседе, в которой арбитр решает, кто прав, а кто нет, что истинно, а что не истинно. В диалектическом споре нет судьи. Он протекает на основе диалектического метода.

“Муаллимус сони” так же употребляет слово “тебкит” что в переводе означает: брань, ругань, укор, упрек. Используя это слово как логический термин, он обозначает им силлогизм, составляемый вопрошающим из посылок, содержащих противоречия, допущенные отвечающим. Он называет такую конструкцию силлогизмом обличения.

<sup>2</sup> См.: Аристотель. Соч., т. 2, –С.349.

В формальной логике важно правильно расположение посылок, которые именуются Фараби “Суал’аналь-мукаддамат”. При этом вопросе отвечающий проверял посылки силлогизма, чтобы не дать ответ, в посылках которого содержалось бы противоречие. “Суал’аналь-мукаддамат ва ан-натиджама’ан” — вопрос о посылках и заключении вместе, при этом вопросе отвечающий проверял форму силлогизма, чтобы не дать ответ, в форме которого имелось бы противоречие. По мнению аль-Фараби, этот вопрос менее результативен в диалектике, чем вопрос о посылках.

Силлогизмом возражение отвечающего Фараби назвал “ал’-Анад”, что в переводе означает упорство, упрямство, противодействие. В силлогизме возражения обычно выводилось заключение, противоположное посылке или заключению, которое спрашивающий хотел от него получить. Он указывает, что в диалектике есть места, в которых возможно вырабатывание силлогизмов обличения или возражения, и места, где это невозможно. Он утверждал, что первоначалами искусства диалектики являются общепринятые посылки. Аль-Фараби считает, что вероятность диалектических посылок возрастает в зависимости от количества людей, принимающих их. Самыми вероятными диалектическими посылками он считает те, которые принимаются на веру всеми людьми, и указывает, что истинное в них получено через акцидентальное. “Аль-мукаддаматаль-йакинийа” — посылки, содержащие достоверное знание. Согласно аль-Фараби, эти посылки являются началами теоретических наук и в отличие от диалектических подлежат проверке в отношении их соответствия действительности, и применяются только исходя из наличия в них достоверного

знания, без принятия во внимание того, являются ли они общепринятыми, что для них не играет никакой роли. Эти посылки аль-Фараби называет также аподиктическими и научными и указывает, что истинное в них получено через субстанциональное.

Аль-Фараби выделяет следующие типы посылок в качестве первоначал:

- 1) посылки, содержащие чувственное знание;
- 2) посылки, содержащие общепринятое знание.
- 3) посылки, содержащие приемлемое знание;

Макбулат — посылки, содержащие приемлемое знание. Аль-Фараби ставит их ниже остальных, так как, по его мнению, они проверяются и исправляются посылками, содержащими чувственное знание и общепринятое.

Он считает общепринятые (правдоподобные) посылки свойственными только человеку. Аль-Фараби указывает, что общепринятые посылки познаются постепенно и что на них основано воспитание людей и взаимопонимание. По мнению аль-Фараби, общепринятые посылки, содержащие одобрение, равны аподиктическим посылкам, содержащим истинное, а общепринятые посылки, содержащие осуждение, равны аподиктическим, содержащим ложное.

Согласно учению аль-Фараби, только аподейтика разрешает сомнение, устранивая противоположность, имея дело только с одной стороной, в которой заключено истинное. Аль-Фараби разделяет точку зрения Аристотеля, которыйставил искусство диалектики раньше аподейтики.

Процесс диалектического познания, согласно аль-Фараби, протекает так: сначала человек имеет дело с первым знанием, которое заключено в общепринятом воззрении. Затем, по мере продвижения познания вглубь, он обнаруживает, что имеющееся знание противоречит новому

знанию. Последнее обычно указывает на незнание чего-то в вещи, упущенное первым знанием. Далее он обнаруживает противоречие этому знанию и т. д. до познания сущности вещи.

Таким образом, аль-Фараби отмечает, что благодаря искусству диалектики постигаются начала наук, основанных на достоверном знании. Аль-Фараби разделяет точку зрения Аристотеля, указывая на то, что только посредством искусства диалектики можно оградить философию от софистов и устраниТЬ софизмы.

### **Использованная литература:**

1. Абу Наср аль-Фараби. Логические трактаты. –Алматы: Наука. 1975. – С.672.
2. Джураева Н.А // Ontological and epistemological issues of studying the development of Uzbekistan in the context of globalization from the point of view of the paradigm of civilizations. –Volume 5, Issue 2. –USA: 2020. –P.29. DOI:10.25046/aj050204.
3. Аристотель. Соч., т. 2, – С.349.

ТУРКИСТОН  
ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ  
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИ ХОРИЖИЙ  
ФУҚАРОЛАРИ ТАРИХИДАН  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШИ)

Бектош РАХИМОВ,  
*СамДУ катта ўқитувчиси, PhD*

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши Туркистон халқлари тақдирида кескин ва фожиали давр бўлди. Россия империясининг XIX аср 60-80 йилларидаги ҳарбий юришлари натижасида бу ҳудудлар зўрлик билан жорий қилинган хуқуқий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига киритилди. Булар минтақада анъанавий қарор топган муносабатлар ва уларнинг миллий асосда ривожланиш имкониятларига зарба берди. Чоризм ҳуқумати томонидан маҳсус кўчирилганлар, бундан ташқари, ўзбошимчалик билан Туркистонга келганларни ер билан таъминлашда туб аҳолига тегишли ер мулкларни тортиб олиш ҳолатлари бутун ўлка бўйлаб кузатилди<sup>1</sup>.

Стратегик муҳим районларга метрополия фуқароларини жойлаштириш мақсадида айрим вилоятлар маълум муддатга Туркистон таркибидан чиқарилган. Масалан, Каспийорти вилояти Кавказ ноиблигига ўтказилган (1874 й). XIX асрнинг 90-йиллар охиридагина, яъни Россиядан кўчиб келган элатлар ҳамда бошқа хорижий фуқаролар

<sup>1</sup> Исҳаков Ф., Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг). – Т.: 1997, – С.98-99.

билин етарли даражада тўлдирилгачгина яна Туркистон генерал-губернаторлигига қайтариб берилади (1898 й). 1897 йил Лейпцигда нашр этилган “Руслар Марказий Осиёда” китобида немис тадқиқотчиси Георг Крамер Каспийорти вилояти ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Ушбу вилоят Александр III нинг фармони билан 1881 йил 6 (18) майда Россия империяси маъмурӣ бирлиги сифатида таъсис этилган. Вилоят Каспий дengизининг шарқий соҳили, Бухоро ва Хива хонликларининг ғарбий худудлари оралиғида жойлашган. Вилоятнинг шимолий чегараси Урал вилояти, жанубда Форс ва Афғонистон билан чегарадош. Каспийорти вилоятининг географик жойлашуви империянинг бир неча регионал марказлари манфаатларига тааллукли эди”<sup>2</sup>.

Каспийорти вилоятига нафақат рус фуқаролари (рус, украин, рус немислари), балки бошқа хорижликлар ҳам келган. Фикримизни қуйидаги архив маълумоти ҳам тасдиқлайди. 1894 йил Туркиядан Каспийорти вилоятига 3 минг арман қочиб ўтган<sup>3</sup>. XIX аср охири ва XX аср бошида Каспийорти вилоядиги хорижий фуқаролар сони 8146 нафар кишини ташкил қилган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, XIX аср охири ва XX аср бошида Каспийортига келиб жойлашган хорижликларнинг меҳнат фаолияти ҳақида ҳам етарлича маълумотга эгамиз. Масалан, бу даврда Каспийорти вилояти саноат ва савдо вакиллари орасида руслардан ташқари арман, озарбайжон ҳамда бошқа хорижий фуқаролар катта рол ўйнаган. Масалан, шу даврда вилоятда Россия, Австрия, Германия фуқароларидан ташқари поляклар, чех, серб, румин, мадъяр, венгр, афғон, яхудий, форс фуқаролари

<sup>2</sup> Krahmer G.Russen in Mittelasien. (Reprint der Ausgabe Leipzig. 1897) – Muenster; – Hamburg: Lit. 1994. – S.103.

<sup>3</sup> ЎзМА, Ф.И-16, оп.2, 1905-иш, 3-бет.

<sup>4</sup> ЎзМА, Ф.И-1, оп. 4, 466-иш, 28-бет.

яшаб турли ишларда фаолият юритган<sup>5</sup>.

Каспийорти вилояти бошлиғи генерал-лейтенант Г.Л.Боголюбов 1900 йил 9-ноябрда Асхабад шаҳридан Туркистон генерал-губернаторига йўллаган №15273 рақамли ҳужжатида Туркистон ўлкасига хорижий фуқароларни ўтказиш ва уларнинг бу ерда яшавши хақидаги қоидалар лойиҳасининг мазмунига оид хулоса берган. Ушбу хулосадан маълум бўладики<sup>6</sup>, Каспийорти вилоятига хорижий фуқароларнинг келиши ва яшаб қолиши алоҳида рухсатномалар асосида амалга оширилган. Бу вилоятда келиб яшаётган барча хорижликлар ҳақида йилига бир марта тегишли идоралар томонидан маълумот тўпланган. Асосан маълумотли ва амалдор эронликлар устидан назорат олиб борилган.

Каспийорти вилояти Хўжалик қўмитаси журналиниң 1900 йил 19-октябрдаги сонида Туркистон генерал-губернаторининг шу йил 20-сентябрда вилоят бошлиғи номига йўллаган Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларига хорижликларни ўтказиш ва яшавши тўғрисидаги қоидалар лойиҳаси чоп этилган. Ушбу ҳужжат муҳокамасига доир мажлис Каспийорти вилояти бошлиғи ёрдамчиси, генерал-майор Невтонов раислигида, Каспийорти вилоят бошлиғи девонхонаси раҳбари полковник Данилович, Асхабад уезд бошлиғи подполковник Крылов ҳамда вилоят бошлиғи девонхонаси иш бошқарувчisi Позняк иштирокида ўтган.<sup>7</sup> Унда баён этилишича, Туркистон ўлкасига келувчи ва яшовчи барча хорижликлар маҳаллий полицияга маълум бўлиши керак. Уларнинг келишидан кўзлаган мақсади ва машғулотидан

<sup>5</sup> ЎзМА, Ф.И-461, 1-рўйхат, 599 -иш, 2, 8 - бетлар: ЎзМА, Ф.И-461, 1-рўйхат, 1289 -иш, 38-бет: ЎзМА, Ф.И-461, 1-рўйхат, 812 -иш, 33-бет.

<sup>6</sup> ЎзМА.Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш, 26-варак.

<sup>7</sup> ЎзМА.Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш, 27-варак.

полиция хабардор бўлиши лозим. Ҳар бир хорижий фуқаро ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ўлкада яшаши учун рухсатномаси бўлиши шартлиги таъкидланган. Маҳаллий ҳокимият ва полиция талаб қилганда ушбу ҳужжатлар тақдим этилиши лозим бўлган.

Каспийорти вилоятига келиб яшашга ижозат берувчи гувоҳнома Ҳарбий вазир ва Туркистон генерал-губернаторининг алоҳида рухсатномасига эга бўлган шахслардан ташқари, барча хорижий фуқароларга қуидаги масъул шахслар томонидан берилган:

Еттисув, Сирдарё, Фарғона ҳамда Самарқанд вилоятларида маҳаллий ҳарбий губернаторлар томонидан, Каспийорти вилоятида – вилоят бошлиғи томонидан, Бухоро амирлигига – Бухородаги сиёсий агент томонидан, Хива хонлигига – Амударё бўлими бошлиғи томонидан берилган. Ушбу мансабдорлар маҳаллий полиция ҳокимияти орқали рухсатнома берилган хорижий фуқароларнинг миллати, яшаш тарзи ва машғулоти устидан доимий яширин назорат олиб бориши лозим бўлган. Агарда бирон бир хорижлик фуқаронинг Каспийорти вилоятида қолиши хукумат сиёсатига зид деб топилса, маҳаллий органлар ўша шахсни юртдан чиқариб юборишни сўраб генерал-губернаторга мурожаат қилган.

Ўлкага кирувчи хорижликларни рўйхатдан ўтказиш ва паспорт текшируви Лепсинск ва Казалинск шаҳарларида маҳаллий уезд полицияси, Красноводскда эса маҳаллий темир йўл жандарм бошқармасига юклатилган. Каспий денгизининг шарқий соҳили бандаргоҳлари ва қуруқлиқдаги чегара орқали Каспийорти вилоятига келувчи хорижликларнинг паспортини текшириш (Божхона Низоминиг 881-моддасига асосан) маҳаллий божхона

назорати зиммасида бўлган<sup>8</sup>.

Мусулмон хорижликлар бутун сафари давомида ўта қаттиқ назоратда бўлиб, уларга алоҳида эҳтиёткорлик билан рухсат берилган. Туркиядан келадиган руҳонийлар Константинополдаги Россия Вазиридан рухсат олиши керак эди. (Паспортлар хақидаги Низомнинг 250-моддаси)<sup>9</sup>.

Статистик маълумотларга қараганда, Каспийорти вилоятидаги хорижликлар (уларнинг аксарияти форс фуқаролари) сони 8146 кишини ва маълум бир муддатга шаҳарларга келадиган, унда яшаб қоладиган одамлар сони йилига 5000 кишини ташкил қилган. Бу ерда яшайдиган форс фуқаролариниг кўпчилиги қора ишчилар ва савдогарлар эди. Бундай тоифадаги шахслар савдо-сотиқ ва тирикчилик учун зарур пул топиш билан машғул бўлиб, бошқа мақсади йўқ эди. Шунинг учун уларни тўла ишончли деб тан олиш мумкин бўлган. Бундан келиб чиқадики, хорижий форс фуқаролари устидан алоҳида назоратга ҳожат бўлмаган. Вилоятда яшайдиган ва маълум муддатга келадиган форслар миқдори анча катта экани учун бундай фуқароларнинг ҳар бири ҳақидаги маълумотлар жуда катта ёзишмаларни келтириб чиқарган.

Туркистон генерал-губернаторининг В.В.Сахаровга ёзган мактубидан маълум бўладики, хорижий фуқаролар рухсатномасиз ҳам Туркистон ўлкасига ўтиб кетган ҳоллар бўлган. Хорижий фуқарога ўлкага ўтишни умуман ман этиш эса савдо-сотиқ операцияларига зарар етказарди. Шу сабабли хорижликларни ўлкага ўтказиш борасидаги мавжуд қоидаларни қайта қўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Мактубда Туркистон генерал-губернатори Хитой шарқий темир йўли бўйлаб сафар қиласиган хорижликларга нисбатан қўлланадиган мавжуд қоидаларга ўзгартиришлар

<sup>8</sup> ЎзМА. Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш, 27-варак.

<sup>9</sup> ЎзМА. Ф-И.1, 4- рўйхат, 466-иш, 28-варак.

киритиш ва янгисини ишлаб чиқишига тўлиқ хайриҳоҳлигини билдирган<sup>10</sup>.

1908 йилда сенатор, граф К.К.Пален томонидан ўлкада ўтказилган тафтиш натижасида генерал-губернатор ваколатларини яна кучайтириш чора-тадбирлари тавсия этилди. Тафтиш натижаси асосида Туркистон бошқарувида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш режалаштирилди, бироқ ислоҳот амалга ошмади. Туркистон аввалгида Ҳарбий вазирлик ихтиёрида қолаверди.

1913 йил бошида император Вазирлар кенгаши ишлаб чиққан Туркистон ўлкаси бошқарув тизими니 ислоҳ қилишининг асосий тамойилларини тасдиқлади. Бироқ қарор амалга оширилиши охирига етказилмаган. Бу масала давлат Кенгаши ва давлат Думаси муҳокамасига олиб чиқилмаган. Ушбу масала бўйича қонун лойиҳасини тузиш масаласида жонланиш 1916 йил августида, А.Н.Куропаткиннинг генерал-губернатор этиб тайинланишидан бошланади. 1917 йил баҳорига келиб Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом лойиҳасининг асосий қисми ишлаб чиқилган эди<sup>11</sup>. Бироқ 1917 йилдаги инқилобий вазият ушбу жараённи охирига етказиши имконини бермади.

Шундай қилиб, аслида чоризмнинг Туркистонда олиб борган ваҳшиёна мустамлакачилик бошқарув сиёсати бошқа империялар ўз мустамлакаларида олиб борган сиёсатидан фарқ қилмаган. Шундай эканини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг фундаментал асари “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари

<sup>10</sup> ЎзМА. Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш, 39-варак.

<sup>11</sup> Аминов И.И. Этапы развития правового статуса Закаспийской области в составе Российской империи (1834-1917гг.). //Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота. 2013. № 2.Ч. 1.– С.15.

ва тараққиёт кафолатлари”да баён этилган аниқ ва ишонарли мулоҳазалар тасдиқлайди<sup>12</sup>. Ҳа, шубҳасиз, йирик империялар бошқа мамлакатлар ва халқларни босиб олгани ҳамда бўйсундиргани ҳолда, умумжаҳон тараққиётидан орқада қолган мамлакатларда муайян даражада маърифатчилик вазифасини ҳам адо этгандек кўринади. Мустамлакачиликка бундай баҳо берувчилар империялар босиб олинган мамлакатлар инфраструктурасини, айрим ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга, улар аҳолисини фаолиятнинг янги турларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд қилишга қўшган ҳиссасини таъкидлаб кўрсатади. Бундай ҳолат тарих тақозоси ўлароқ юз берди. Лекин буюк империялар билан кам сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг салбий жиҳати ҳам бўлган. Бу салбий оқибат ташқаридан олиб кирилган “цивилизация” натижаларидан кўра бир неча баравар ортиқ эди.

Энг аввало, мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилган. Шу жиҳатдан олганда, қарам халқларнинг манфаатлари ҳамма вақт иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. Империялар қарам мамлакатлар тараққиётини ўз манфаатлари доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ҳамиша қаттиқ чеклаб келган ва муайян йўлдан олиб борган. Хусусан, Марказий Осиёning инфраструктурасидаги ўзгаришлар, йўл қурилиши ва коммуникацияларни ривожлантириш, ана шу мақсадлар учун империяга хизмат қилувчи миллий кадрларни тайёрлаш – буларнинг барчаси империя манфаатларини қондиргани учунгина амалга оширилган.

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б.55-56.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ

Юнус ХОЛИҚОВ,

*Самарқанд давлат чет тиллар  
институти доценти, PhD*

Янги Ўзбекистонда “Тараққиёт стратегияси” доирасида амалга оширилаётган изланишлар барча соҳаларда долзарб илмий баҳс-мунозаралар ва тадқиқотлар олиб боришга кенг имконият яратди. Бундай илмий изланишлар натижасида юртимизда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш, ҳар бир миллат ва элатларнинг бир мақсад йўлида фаолият олиб бориши, жамиятда турли миллат вакилларида бағрикенглик маданиятига бўлган завқий муносабатлари мухим ижтимоий-фалсафий жараён ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, ота-боболаримиз томонидан бизгача этиб келган урф-одатлар, ислом динига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Миллий қадриятларни юксалтиришга эътибор берилиб, шароит яратилмоқда. Айнан оила инсон маънавиятини шакллантиришда катта таъсир кўрсатадиган ижтимоий институтлар орасида биринчи ўринда туради [1:200]. Демак, ҳозирги кунда бағрикенглик муаммосини кўриб чиқиши кўп томонлама маданиятлар концепцияси контекстида, шунингдек, бағрикенглик тамойиллари декларациясида қабул қилинган фарқлар ахамиятини эълон қилиш билан

боғлиқ. Ундаги талқинга кўра бағрикенглик дунёмизнинг бой маданияти, ўз-ўзини ифода этиш шакллари ва шахсиятни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишда акс этади. Ушбу талқинда бағрикенглик мураккаб жамиятларнинг мавжудлиги ва етук шахс позициясининг шарти сифатида кўриб чиқилади. Бу эса муросасизликка фаол қаршилик кўрсатишни англатади. Шу билан бирга, бағрикенгликни ахлоқий ва маданий қадрият сифатида талқин қилиш мумкин.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳалқимиз урф-одати анъаналари ҳалоллик, бағрикенглик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оиласда мұқаддас динимиз, яъни ислом дини асосида шаклланган. Чунки ислом дини ҳам дунёдаги барча динлар қатори “эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади”.[2]

Дарҳақиқат, ҳар бир ёш жамият ва миллатнинг урф-одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олиб, ҳурмат қилган ҳолда бағрикенглик муносабатида бўлиши зарур. Мустақиллик шарофати билан бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган Ўзбекистонда фуқаролар фаровон яشاши учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, барча миллат вакиллари бир-бирининг урф-одатлари, қадриятлари, анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириб келмоқда. Шу ўринда ҳар бир миллатнинг ўзига хос бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда шубҳасиз, оиласнинг ўрни бекиёс.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев динлараро бағрикенглик ғояси юксак маънавий қадрият сифатида

азалдан халқимизнинг онгу шуурида шаклланиб келгани, у мамлакатимизда қучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишининг асосий тамойилларидан бири экани ва жамиятимизда ўта муҳим аҳамият касб этиши түғрисида фикр билдирар экан: “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқатрухида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўз исботини топди”,[4:295] деб таъкидлайди.

XXI асрда ёшларни бағрикенглик маданияти асосида тарбиялашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишимизни бугунги куннинг ўзи талаб этмоқда:

- ёшларда бағрикенглик маданиятини, давлат ва жамиятга хизмат қилувчи анъанавий, ижтимоий-маданий қадриятларни шакллантириш;
- ёшларда миллий қадриятлар асосида бағрикенглик маданиятига нисбатан эҳтиёткорлик, чегараланган прагматизм асосида ёндашиш ва шулар орқали фундаментализм ҳамда экстремизмни келтириб чиқарувчи ходисаларнинг олдини олиш;
- бағрикенглик билан, янги технологияларни қўллаган ҳолда, кириб келаётган янги маданият ва қадриятларни тушуниб этиш ва ўзлаштиришда ёшларга ёрдам бериш;
- ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ёшларни ахлоқий, бағрикенглик маданияти асосида тарбиялаш;
- глобаллашув тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бағрикенглик маданиятини ёшлар онгига сингдириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- умуминсоний ва демократик қадриятлар, тенг ҳуқуқли

плюрализм ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган бағрикенглик маданиятини эътироф эта билиш, мавжуд маданий глобаллашувнинг муқобил шаклларини таклиф этиш.

Ўзбекистон ҳукумати оқилона, диний бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Миллий мағкуранинг асосий ғояларидан бири бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодли инсонларнинг бирзами, ягона Ватан, бирюрга, бирхудудда олийжаноб ғоя, орзу-умид, мақсад йўлида ҳамкор, ҳамфир ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай қилиб, бағрикенглик бор жойда қилинган гуноҳлар кечирилади, ички ва ташки зиддиятларнинг олди олинади, хайрли ва савобли ишларга қўл уриш учун кенг имкониятлар очилади, оиласда тотувлик, инсоннинг маънавий вужудида эса тансиҳатлик ва хотиржамлик ҳукм суро бошлайди, халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қолаверса, дўстлик ва биродарлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораверади.

Диний бағрикенглик ҳам ижтимоий тараққиётда инсонларни эзгулик, яхшилик, тинчлик, бағрикенглик, виждон эркинлигини қарор топтиришга сафарбар қиласди.

Диний бағрикенглик деб хилма-хил диний эътиқодга эга кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва мақсад йўлида чин дилдан очиқўнгиллик билан ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини тараннум этувчи фикрлар ҳамда амалий хатти-ҳаракатлар тизимиға айтилади.

Таъкидлаш жоизки, диннинг асосий вазифаларидан бири

халқларни, миллатларни бирлаштиришdir. Масалан, бир дин вакилларининг қарashi, эътиқоди, бажарадиган амали ва барча маросими, улар дунёning турли ҳудудларида ва турли миллат вакиллари бўлса-да, бир хил кўринишга эга.

2017 йилning 19-сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган дунё халқларини бирлаштиришга қаратилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” маҳсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги ташкилот (БМТ) ташаббуси жаҳон афкор оммасининг диққат марказида бўлган эди. Ушбу ташаббус замирида барча халқлар, миллатларнинг тенг ҳукуқли таълим олишини кафолатлаш, жаҳонда фуқароларнинг саводсизлигига барҳам бериш ва жаҳолатга қарши маърифат асосида қурашиш, жумладан, динлараро бағрикенглик ва фуқаролар ўртасида бир-бирига хурмат-эътиборни ошириш, динлар ўртасидаги эркинлик холислигини таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқишини, ҳаётнинг мазмуни ва маъноси, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга жавоб берувчи дунёқараш шакли бўлиб, у диний дунёқарашни, диний маросимларни ва диний туйғуни ўз ичига олади. Дин инсоннинг тафаккури, маданияти, маънавияти, рухияти, кундалик ҳаёти билан мураккаб тарзда боғланган бўлиб, дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дунёдаги кўпгина динлар одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Жаҳондаги барча йирик динлар инсонни хайрли, савобли ишлар қилишга чақиради. Бу борада “Беруний ўз асарларида Урганч шахрида бундан

минг йиллар аввал ҳам яхудийлар маҳаллалари, христиан черковлари, араб, ҳинд, хитой, славян халқлари уюшиб истикомат қилган алоҳида мавзелар мавжудлигини айтиб кетган эди”[5:137]. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-хуқукий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи баён қилинган.

Бағрикенгликнинг мазмуни янада мураккаб ва катта семантик маънога эга. Фалсафий маънода, бағрикенглик шахснинг ахлоқий жиҳати билан боғлиқ категориядир. Шу маънода, у жамиятда инсоннинг хулқ-атворини бошқарадиган “категорик императив” вазифасини бажаради. Яъни, шахс бошқаларга бўлган муносабатда, инсонларни ўзаро ажратиб турадиган ва ўзига хос тафовутлар, маданиятлар, халқлар ва динларни инобатга олган ҳолда мулоқотга киришади, аммо муносабатларни йўлга қўйишида юқоридаги кўрсаткичлар ҳал қилувчи бўлмаслиги лозим, яъни шахс фақат динидан, миллатидан келиб чиқиб муносабат ўрнатмаслиги талаб этилади. Турли халқлар, маданиятлар, динлар ўртасидаги муносабатлар ва алоқалар зарурат ва кундалик ҳаётга айланган замонавий шароитда бағрикенглик улар ўртасидаги муносабатларнинг нормасига айланиши керак. Бу тараққиётнинг жадал ривожланиши ва глобаллашув жараёнида миллий чегаралари ювилиб кетаётган инсониятнинг тинч яшашини муҳим шартидир. Шу маънода ҳам, бағрикенглик барча одамлар, халқлар, динлар ва маданиятлар учун ахлоқий императив қийматини олиши керак.

Хуроса қилиб айтганда, халқимизга азалдан хос бўлган хислат – бағрикенглик, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар биз учун анъанавийдир. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги

босқичида жамиятдаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш аҳамияти қун сайин ўсиб бормоқда. Зоро, “бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада эркин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда”[5:33]. Бунга сабаб, жамиятимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият экани, давлатнинг ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошираётганидир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Musurmonova O. Oila ma’naviyat-milliy g‘urur. – Т.: O‘qituvchi. 1999, –В.200.
2. Миллий истиқлолғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2018. – Б.295.
4. Карим Т. Миллий тафаккур тараққиётидан. – Т.: Чўлпон. 2003. – Б.137.
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2008.

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФОЯЛАР

**Ислом ҲАМДАМОВ,**  
*Самарқанд давлат чет тиллар  
институти доценти, PhD*

Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланиши иккинчи уйғониш даври, яъни Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади. Маълумки, Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида фақат Марказий Осиёда эмас, балки Ўрта ва яқин Шарқдаги ҳудудларнинг катта қисмини эгаллаган Амир Темур ва темурийлар давлати ўлкаларининг барчасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ривожланиши кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Халқлар ва ўлкалар орасида ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар тобора ривожланиб, интеграциялашди. Амир Темур ҳарбий юришларининг асосий мақсади Марказий Осиёда майда, қабилачилик асосида ташкил топган давлатларни бирлаштириш, улар ўртасидаги келишмовчиликларга чек қўйиш, бирлашган, қудратли давлат тузиш, минтақада тинчлик, барқарорлик ўрнатиш ипак йўлини қайта тиклаб, узоқ-яқин ва хорижий ўлкалар ўртасида савдо-сотик, маданий алоқалар, фан ва маданиятни ривожлантириш эди. Темурийлар даврида турли халқлардаги кўчманчилик аста-секин йўқолиб, ўтроқ турмуш тарзи қарор топди ва шаҳарлаштириш кучайди. Шаҳарлар ободончилигига эътибор кучайди,

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Х.Караматов таҳрири остида. – Т.: Шарқ. 2001.

хунармандчилик, косибчилик, савдо-сотиқ авж олди, қишлоқларда дәхқончилик тараққий этиши билан сув иншоотлари қурилиши ривожланди, жамият манфаати йўлида меҳнат қилиш одат тусига киради. Амир Темур ва темурийлар даврида мамлакатда сиёсий-иқтисодий ривожланишга мос равиша фан, маданият, санъат олдинги даврларга нисбатан бекиёс даражада ўсади. Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда илм-фан ва маданиятнинг юксалиши, айниқса, яққол қўзга ташланди. Бу чинакам буюк юксалиш даври эди. Амир Темур ва темурийлар даври, барча соҳаларнинг бу қадар юксалиши ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бунга биринчидан, IX-XII асрларда кечган буюк Шарқ ренессанс даври илмий ва маданий кашфиётлари; иккинчидан, Амир Темур томонидан Мовароуннахрда бунёд этилган қудратли ва марказлашган давлат тартиб ва қоидалари асос бўлди. Бундан ташқари, Амир Темур даврига келиб яна икки муҳим ижтимоий-сиёсий омил пайдо бўлган эдикӣ, буларсиз XIV-XV асрлар маданиятининг бу қадар гуркираб ривожланиши мумкин эмас. Булардан биринчиси, Амир Темур даври жамият маънавиятининг асоси қилиб Нақшбандия таълимотининг олингани ва иккинчиси, илм-фан, маданият, санъат, маърифат тараққиётига бевосита Амир Темурнинг ўзи раҳнамолик ва бошчилик қилгани эди. Биринчи манба, яъни Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг Амир Темур даври маънавияти асоси этиб танланиши маданият равнақи учун ғоятда улкан аҳамиятга эга бўлиб, моҳияттан Нақшбандия таълимотида инсон жамият саодати учун яшashi, бунёдкорлик билан шуғуланиши, савоб ишлар қилиш ва мукаммал ахлоққа эришишга тарғиб қилар эди. Бинобарин, нақшбандия таълимотида таркидунёчилик қораланган, инсон халқдан, жамиятдан узоқда бўлиш эмас, балки дилни Ҳаққа боғлаган ҳолда, халқ ва меҳнат билан

бирга бўлиши керак, яъни “дил ба ёру, дастба кор”дир.

Шунингдек, Нақшбанд таълимоти бошқалар меҳнати ҳисобига кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм ва истибдодни қоралайди. Бу таълимот инсонларни фақат ўз кучи, ҳалол меҳнати билан кун кечиришга чақирган, одамларни савдо-сотиқ, дехқончилик, хунармандчилик, бунёдкорлик, илм-маърифат каби фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этган. Амир Темурнинг шахсан ўзи меъморчилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданият ривожига раҳнамолик қилганлиги ҳам гоятда катта аҳамиятга молик ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам, темурийлар даври маънавиятининг ривожида, юқоридаги асосий омил илм-фан, маданият, санъат тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилди. Соҳибқирон хукмронлиги даврида илм-фан, маданият юксалиши, темурийлар салтанати даврида ҳам жамият маданиятининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Амир Темур даври маънавияти фақат ахлоқий-маданий ҳодиса бўлиб қолмасдан жамият мафкурасининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам асос бўлди. Амир Темур жамият ҳаётида, ҳақиқат қарор топиб, одил жамият қуриш ғояси амалда ўз тасдигини топди, яъни “Адолат кучда эмас, куч-адолатдадир” деган машхур ҳамда бу давргача давлатлар тажрибасида асосий ғоя сифатида қўлланмаган қоидани кашф этди. Давлат ва жамият бошқаруви ушбу адолат мезони билан баҳолашни тақозо этди. Шу мақсадда давлатни бошқариш масалалари маҳсус ташкил этилган (ҳозирги парламентга ўхшаш) катта ва кичик кенгашлар муҳокамасига қўйиладиган бўлди ва жамият учун аҳамиятли масалалар, маслаҳатлар кенгашларида ҳал этилиши жорий этилди.

Жамиятни, сиёсий-иктисодий, ижтимоий-маданий жи-

ҳатдан тартибга солиб турувчи, адолат мезони, “Темур тузуклари” асосий қўлланма сифатида хизмат қилди. Мамлакатда қатъий тартиб-интизом ўрнатилиб, адолат олдида барча: шоҳ ҳам, фуқаро ҳам тенглаштирилди. Фуқарода таълим-тарбия шу асосда олиб борилди. Буларнинг барчаси асосида Амир Темур даври маънавияти ва унинг мазмунида ташкил топган жамият мафкураси ётар эди. Табиийки, Амир Темур ва темурийлар буюк салтанатидаги қулайшарт-шароитда қўплаб фан ва маданият, санъат ва ҳунармандчилик, наққошлик ва меъморчилик илми ва амалиётининг буюк намояндлари етишиб чиқди. Амир Темур илм-фанга жуда қизиқар эди ва олимлар ижод қилиши учун шароит яратиш мақсадида мамлакатнинг турли худудларида мадрасалар бунёд этган. Идигу Темур, Амир Ферузшоҳ мадрасаси, Муҳаммад Султон мадрасаси,<sup>2</sup> Мир Бурундуқ<sup>3</sup> мадрасаси, Кутбиддин Садр мадрасаси, Бибихоним мадрасаси<sup>4</sup>, Амир Шоҳмалик мадрасаси<sup>5</sup>, Ҳожа Фазлуплоҳ Абулайсий Самарқандий мадраса, Фақиҳ Абулайс мадрасаси<sup>6</sup> каби ўз даврининг олий ўқув юртлари шулар жумласидандир. Унинг бу ишларини авлодлари Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаролар давом эттириди. Амир Темур замонасида шаклланган ва кейинчалик темурийлар даврида ривожланган қуйидаги тўрт йўналишдаги буюк мактабларда ўз ифодасини топди. Булар Мирзо Улуғбек бошчилигидаги аниқ ва табиий

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Б.62; Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илм-у фан ривожи. – Б.11; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б.150.

<sup>3</sup> Самарқанд мадрасалари ва илм-у фан ривожи. – Б.11.

<sup>4</sup> Валихўжаев Б. Ҳожа Аҳрор Валий. – Б.36-45; Ўролов А., Ҳожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданияти. – Б.38-39.

<sup>5</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II-ж, 1-к. – Б.179-182; Массон М. Архитектурный облик Самарканда. – С.22; Каттаев К. Самарқанднома. – 63-64.

<sup>6</sup> Массон М. Архитектурный облик Самарканда. – С.24; Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. – Б.23.

фанлар тараққиёти, Алишер Навоий раҳнамолигидаги туркий адабиётнинг ривожланиши, Абдулқодир Марофий устозлигидаги мусиқа санъати, Камолиддин Беҳзод етакчилигидаги рассомлик санъати мактаблари эди. Бу йўналишлардаги илм-фан, адабиёт, санъат асарларида инсоннинг моҳияти, унинг ижтимоий сифатлари, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, меҳнатсеварлик, санъатга, ҳунарга, маданиятга иштиёқ каби фалсафий гоялар ифода этилади. Шунингдек, бу асарларда жамият фалсафасига оид, одил жамият, одил подшоҳ, инсон эркинлиги, тинчлик, тотувлик, дўстлик, бунёдкорлик, ободончилик каби илғор гоялар тарғиб қилинади. Буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарагай Улуғбек<sup>7</sup> астрономия ва математика соҳаларида жаҳоншумул аҳамиятга эга кашфиётлар қилди. Унинг ҳукмронлиги даврида илм-фан ривожига катта эътибор қаратилди. Ўз замонасида жаҳонда ва шарқда энг йирик Самарқанд академияси ва расадхонасини<sup>8</sup> бунёд қилди. Мирзо Улуғбекнинг нафақат Самарқандда, балки бутун Мовароуннахрда илм-фанни ривожланиши учун улкан ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли 1417 йил Бухорода, 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бунёд этилди. XV аср фанлар академияси ҳисобланган астрономия-математика илмий мактабига асос солди. Унинг “Зижи Кўрагоний” асари жаҳон астрономия<sup>9</sup> фанида ўз ўрнига эга буюк асарлардан биридир. Мирзо Улуғбек ўзининг астрономия ва математика соҳаларидағи тадқиқотлари билан фалсафа фанининг асоси бўлган антология, гносеология, праксиалогия йўналишларини ривожлантирган бўлса, гуманитар фанларга оид маънавий мероси билан фалсафа фанининг асосларидан бўлган аксиология йўналишида

<sup>7</sup> Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарагай. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – Б.3.

<sup>8</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. – Т.: Камалак. 1991. – Б.336.

<sup>9</sup> Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарагай. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – Б.28.

Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий қарашлар ривожига улкан ҳисса қўшди. У аниқ фанларда кузатиш усулига катта эътибор бериб, илмий тадқиқотда математик воситалар ва мантиқий усуллар ролини алоҳида қайд этди. Шуниси диққатга сазоворки, Мирзо Улуғбекнинг астрономик ҳисобкитоблари ҳозирги давр астрономик ҳисоб-китобларга жуда яқиндир ва аҳамиятли даражада фарқ қилмайди. Мирзо Улуғбек буюк маърифатпарвар, илмий ҳақиқатни ечиш инсон учун олий фазилат эканини алоҳида таъкидлайди, ана шу асосда маърифатли ҳаёт, маърифатли жамият ғояларини илгари суради. Мирзо Улуғбекнинг “Илм олиш ҳар бир мусулмон йигит ва қиз учун фарздор”<sup>10</sup> деган ибратли фикри, ғояси, кейинги даврлар маърифати учун ғоят катта маънавий аҳамиятга эга бўлди. Темурийлар даврининг яна бир буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг ижоди бой ва кўп қирралидир. Унда борлиқ ва унинг моҳияти, инсон ва унинг ҳаёти мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар, инсоннинг баҳт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари, адолат ва ахлоқий камолот, комил инсон ва фозил жамоа, уларга етиш йўллари ва чоралари хусусидаги ғоялар ўз ифодасини топган. Алишер Навоий ижоди ўзининг ғоявий мазмунига кўра серқирра бўлиб, унда ахлоқ масаласи муҳим ўринда туради. Жумладан, шоирнинг “Хамса”<sup>11</sup> асарида инсон ахлоқининг бир кўриниши бўлган ишқ-муҳаббатни юксак ижтимоий-ахлоқий тушунча даражасига кўтаради. Алишер Навоий қаҳрамонлари учун ишқ, бу инсон қалбини турли иллатлар ва ҳайвоний ҳиссиётлар таъсиридан тозаловчى, инсонда юксак маънавий туйғулар уйғотувчи қудратли рух ёки ахлоқий кучdir. Хуллас, ишқ-муҳаббат Навоий талқинида инсонни маънавий комилликка олиб келувчи

<sup>10</sup> Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари (рисола), – Б.6.

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Хамса. – Т.: Янги аср авлоди. 2012. – Б.428.

манбалардан биридир. Шоир шунингдек, инсоннинг меҳнатсеварлигини, ахлоқлилигини, донишмандлигини юкори баҳолайди, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, дўстликни улуғлайди. Навоий асарларида XV асрнинг энг прогрессив ғоялари ўз аксини топди. Жумладан:

*Ақл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил.*

Алишер Навоий инсон гўзаллигини халқпарварлик ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этиб, одобли кишининг ёши кичик бўлса-да, унинг эл-юрт орасидаги мартабаси баланд деб хисоблайди. Алишер Навоий кишиларни саховатли бўлишга, одамларга мадад беришга чақиради. Бу хислатларни инсоннинг юксак фазилатларидан бири деб хисоблайди. Алишер Навоий дунёқараши тасаввуф фалсафасининг нақшбандийлик таълимоти таъсирида шаклланди. Тасаввуф фалсафаси бўйича илоҳиёт ва коинот, илоҳиёт ва инсон, илоҳийлик ва дунёвийлик, хуллас, бутун борлиқ ва Аллоҳ бир-бири билан ўзаро узвий равишда боғлиқдир. Бу боғланиш “ваҳдат-вужуд” ёки пантеизм, яъни борлиқ ва Аллоҳнинг бирлиги, бир бутунлиги ғоясида ифодаланади. Навоий ижодининг бутун моҳияти ана шу ғояга – борлиқ ва Аллоҳнинг яхлитлиги, бирлиги ғоясига асослангандир. Бу эса ўша давр ижтимоий-фалсафий қарашлар тараққиёти учун, оддий материалистик тушунчаларнинг ривожи учун катта омил эди.

Алишер Навоийнинг фалсафий дунёқарашида хур-фикрлик ёки Эзгу фикрлилик ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Мутафаккир яратган бадиий образлар соғдил, мард, олижаноб инсонлар бўлиши бирга, эзгулик нуқтаи назаридан фикрловчи шахслардир. Уларнинг бу хусусиятлари инсонга

нишбатан муҳаббатда, мавжуд ижтимоий муносабатларни эзгулик томон ўзгартирилишига қаратилган идеал қураш хусусидаги ғояларда ифодаланади.

Алишер Навоийнинг илғор ижтимоий-фалсафий ғоялари ўз даврида ва ундан кейин ҳам узоқ муддат Марказий Осиёда илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келди. Шундай қилиб, Амир Темур ва темурийлар даврида жамиятда қарор топган маънавият, инсонпарварлик, ободончилик, бунёдкорлик, жамият манфаати учун меҳнат қилиш ғоялари, илм-маърифатга, санъат ва касб-хунарнинг, ҳаётий соҳаларнинг фаоллиги ўз даври фалсафасида ғоятда илғор фалсафий мушоҳадалар ҳамда илмий-фалсафий йўналишларнинг юзага келиши ва ривожланишига асос бўлди.

# ИЖТИМОЙ ТИЗИМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: БАРҚАРОРЛИК ВА БЕҚАРОРЛИКНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Илҳом РИЗАЕВ,  
ТАТУ Самарқанд филиали  
доценти, PhD

Барқарорликнинг акси бўлган беқарорлик тушунчаси кенг маъноли илмий фалсафий категория бўлиб, тизимдаги ўзгарувчан, номувозанатли ҳолатларни акс эттирувчи тушунча ҳисобланади. Барқарорлик ва беқарорлик тушунчалари бугунги кунда актуал категориялардан бўлиб, зарурат ва тасодиф, сабаб ва оқибат, ўзгарувчан ва турғун каби тушунчалар ўртасидаги муносабатни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Жамият ҳам, маданият ҳам бугунги кунда ҳар доимгиданда кучлироқ ўзгариш ва ривожланиш фазасини бошдан кечирмоқда. Уларнинг ҳар иккиси ҳам янгилик ва ижодсиз ривожлана олмайди. Янгиликлар ва турли ижод маҳсуллари вақт синовидан ўтгач, умуминсоний аҳамият касб этади ва барқарорлашиб, умуминсоний қадриятга айланади. Янгилик ва эркин ижоддан қочиш, уларни инкор қилиш, эришилган нарсаларга қаноат қилиш, барқарор ҳолат ҳисобланади. Чунки моҳиятига кўра, тизимнинг муайян тартибини ўзgartирмасдан маълум вақт давомида сақлаб туриши – бу барқарорликдир. Аксинча, номувозанатли, ўзгарувчанлик, ижодкорлик ва интилиш бекарорликнинг элементлариdir. Бекарорлик ҳолатида жамиятда етилиб келган муаммолар кўзга ташлана бошлайди. Лекин ушбу вазиятга одатий

ҳол, тараққиётнинг нормал ҳаракати сифатида қараш, синергетиканинг эътирофи ҳисобланади.

Барқарорлик ва бекарорлик элементларининг ўзаро алоқадорлиги тараққиётнинг ички манбани ҳаракатлантирувчи кучдир. Уларнинг алоқадорлигисиз тизимда хаос юз беради. Гап шундаки, бугунги кунда ижтимоий тизим феноменига муносабат ва ёндашувлар ўзгариб бормоқда. Эндиликда жамият тушунчаси алоҳида бир гурухни англатибгина қолмай, тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, ривожланиб келаётган, нафақат онгга, руҳиятга ва иродага, шу билан бирга, ўз-ўзини ташкиллаштириш, такомиллаштириш ва мукаммаллаштириш имконига эга система сифатида талқин қилинмоқда.

Жамиятда табиатдан ва аждодларидан олганлари қайсиdir маънода барқарорлик ҳисобланади. Сабаби, бизга табиат инъом қилган ташқи кўринишимиз ва физиологик структурамиз ўзгармас, ўз ҳолатини сақлаб турибди ёки аждодларимиздан оладиган ДНК хужайралари аждоддан авлодга ўтадиган ирсий информациялар, бошқача айтганда, генларимиз ҳам барқарор характерга эга. Масалан, кўз, соч ёки тананинг ранги наслдан наслга ўтади. Лекин жамият ҳаёти бир оқим тарзида кечар экан, у узлуксиз равища тартибот ва хаос оралиғида бўлади, унинг ҳаётида доимий тарзда ана шу икки ҳолатнинг гоҳ униси, гоҳ буниси устуворлик қиласи.

Бир томондан ижтимоий тизимдаги ҳаракатчанликнинг, ижоднинг ўз-ўзини ташкиллаштиришга интилишнинг йўқолиши, руҳий маънавий интилишдан тўхтаб қолиш, барқарор ҳолат ҳисобланади. Доимий ҳаракат, ижодий “нотинчлик”, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришга ҳаракат қилиш, турли мубаффақиятларга интилиш ва улардан лаззатланиш –

бу бекарорликдир. Бу икки тушунча бир-бисериз мавжуд бўла олмайди. Улар доимий тарзда бир-бири билан алоқадорликда бўлади.

Демак, бекарорликнинг ўсиши билан “Жамиятда ушбу ходисаларни бартараф килиш ва барқарорликни сақлаш учун кўп энергия сарф қилиниши натижасида энтропия (энергия сочиш оқибатида юз берадиган тартибсизлик) кучаяди”<sup>1</sup>.

Оқибатда ижтимоий тизимда *флуктуация* (лот. fluctuatio – тебраниш) бошланади. Флуктуация ҳар қандай тасодифий жараёнларга тегишилидир. “Флуктуация – тизимнинг тенглик, мувозанат, барқарорликдан спонтан тарзда четга чиқиши ва мувозанат ҳолатидан узоклашиш жараёнидир”<sup>2</sup>.

Ночизиқли тизим структурасида турли стационар, яъни ҳар хил турғун ҳолатлар мавжуд бўлиб, бундай тизимлар истаган йўналиш бўйича ҳаракат қилиши мумкин. Флуктуатив ёки ташқи таъсир натижасида улар стационар ҳолатдан чиқиб, вариатив ҳаракат қиласи. Бундай тизимлар бир шароитда барқарор, бошқа бир вазиятда бекарор бўлиши, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши мумкин. Флуктуациянинг кучайиши, ночизиқли оламда кичик бир сабаб катта оқибатларга олиб боришини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг тенденция йўналишларини аниқ башорат қилиш қийин. Масалан, бир экотизимдаги бўрилар ва қуёнлар популяциясини олиб қарайлик, ёғингарчиллик ва об-хавонинг қулай келиши худуддаги қуёнлар сонининг кўпайишига олиб келади ҳамда ўз навбатида йиртқичлар популяцияси ҳам озука мўл-кўллиги сабабли ортиб боради. Бу ҳолат ўтхўрлар жамоасининг камайишига қадар давом этади ва оқибатда бўрилар жамоасининг

<sup>1</sup> Момджян К.Х. Введение в социальную философию. – М.: Высш. шк. 1997. – С.303.

<sup>2</sup> История цивилизаций. – М.: ПРИОР. 1999. – С.22.

ҳам қисқариши кузатилади. Мазкур “Коэволюция токи экотизимга муайян ички ва ташқи сифатий ўзгаришлар кескин таъсир этмагунча давом этаверади”<sup>3</sup>. Барқарорлик ва беқарорлик коэвалюцияси шу йўсинда намоён бўлади. Жамиятда эса моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ресурсларнинг қай даража эканлиги ижтимоий тизимнинг юксалиш даражаларини белгилаб беради. Буюк цивилизация ва империялар шундай пайдо бўлади ва тарих саҳнасидан кетади.

Ижтимоий тизимдаги флюктуацион жараёнлар кўпроқ диктатура режимида яққол кўзга ташланади. Авторитар бошқарув факат қайсиdir босқичда стабиллик хиссиётини бериши, уни ортидан эса бифуркация ёқасига келиб қолган мамлакат ёки ўзлигини йўқотган жамият қолишига тарих гувоҳдир. Бугунги дунёда диктатура асосан учинчи дунё мамлакатларига хос хусусиятдир. “Авторитаризм ва рационализм муросага келмайди, чунки оқилона фаолиятнинг асоси ўзаро танқидни ўз ичига олган жараён”.

Диктаторлар бошқарадиган мамлакатлар аҳоли бошига ялпи ички<sup>4</sup> маҳсулот бўйича рейтингларда энг охирги ўринларда туради. Унда сўз эркинлиги, шахсий эркинлик кафолатлари, фуқаролик жамиятининг ҳар қандай белгиларига йўл кўйилмайди. Натижада мамлакатда ҳаёт тарзи издан чиқиб, қофозбозлик ва коррупцияга кириб кетган, ноэффектив тизим шаклланади. Инфраструктура издан чиқиб, мамлакат хаос ёқасига келиб қолади. Айнан, шу нарсанинг ўзи демократия учун фуқаролик жамияти шаклланиши, алоҳида шахслар эмас, тизим ишлаши муҳимлигини кўрсатиб туради. Агар халқнинг ўзи ривожланиб, онги ўзгариб, кучли фуқаролик жамияти

<sup>3</sup> Raven Peter Hamilton. Papers on Evolution. – Boston: Little, Brown & Co. 1969. – P.264.

<sup>4</sup> Поппер К. Открытое общества и его враги. – М.: Прогресс. 1992. – С.69.

шаклланмас экан, қанча раҳбар алмашса ҳам, мамлакат диктатура назорати остида қолаверади. Бунинг учун жамият аъзоларининг фаол фуқаролик позицияси талаб қилинади. “Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”<sup>5</sup>.

Деградация, энтропийлик, гомеостазнинг бузилиши, флуктуация, бифуркация, тартибсизлик, стихиялилик хаоснинг аниқ белгилари бўлиб, улар синергетикадан ижтимоий фалсафага ҳам ўтади. “Улар эски тизимни емириб, янги тизимнинг ўз-ўзини ташкиллаштиришга шароит яратади. Улар ҳам бузиш, ҳам тузиш хусусиятига эга”<sup>6</sup>. Демак, хаос бир вақтнинг ўзида ҳам емирувчи, ҳам яратувчанлик вазифасини бажаради. Бундан келиб чиқадики, хаос мураккаб системалардаги ўз-ўзини ташкиллаштиришга ёрдам беради. Мураккаб системаларда унинг аниқ мезонини ҳамда чегарасини аниқлаш қийин кечади.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил, 28 декабрь.

<sup>6</sup> Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной самоорганизации. – СПб.: Лан. 1999. – С.150.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Умида КУДРАТОВА,  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети катта ўқитувчisi, PhD

Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-кувватлаш давлат сиёсатининг долзарб вазифасига айланди.

“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”. Шу боис мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитини яхшилаш 2023 йилдаги асосий вазифалардан биридир.

“Шахсан мен ўқитувчи деганда замон билан ҳамқадам бўлган жонкуяр, зиёли шахсни, мактаб деганда билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган Учинчи Ренессанс пойдевори қўйиладиган табаррук масканни кўз олдимга келтираман”<sup>1</sup>, деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Сифатли таълимни жорий этиш бевосита замонавий технологиялари орқали амалга оширилади. Шу сабабли, уларнинг қанчалик инсонпарварлик тамойилларига мос келиши муаммосини таҳлил қилиш асосида таклифларимизни ишлаб чиқишимиз сифатли таълим омили бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги // Халқ сўзи, 2022 йил 30 сентябрь, 213(827)-сон.

Педагогикада технологик ёндашувнинг шаклланиши сўнгги йиллардаги илмий нашрларда кўп қайд этилган. Ушбу жиҳатдан рус олими М.Е.Бершадский “технологик парадигма” тушунчасини асослаш ва киритиш вақти етиб келди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, “Технологик ёндашув педагогик жараённи тасвирлаш ва юзага чиқаришнинг маълум назарий модели яратилишини тақозо этгани боис, унга тегишли парадигмани классик технологик парадигма, деб аташ мумкин”<sup>2</sup>.

“Дегуманизация” (инсон шахсини ўйламаслик; инсон-парварлиқдан четлашиш) тенденциялари бугунги жамиятда инсоннинг олий, маънавий ва ижтимоий табиатидан бегоналашган шахсга берилган таъриф ҳисобланади. Бу каби воқеликларни ўрганиш аллақачон шаклланиб улгурган ижтимоий-фалсафий анъанага эга. Дунёни идрок этишнинг ушбу турдаги характерли белгилари В.С.Соловьев, М.Хайдеггер, Н.А.Бердяев ва бошқаларнинг илмий ишларида аниқ белгилаб кўйилган. Масалан, Н.А.Бердяев ўзининг “Инсон ва машина” асарида: “Ҳаётни ялпи техник ташкил этиш ҳар қандай индивидуаллашувни, ҳар қандай ўзига хослик ва оригиналликни йўқ қиласи, ҳамма нарса шахснинг иштирокисиз ялпи тарзда, қиёфасизлик билан қилинади... Бизнинг давримизда машинизмдан яралангандар одамлар машина одамни мажруҳ қилаётганлигини гапиришмоқда... Бу ерда инсоннинг ўз маҳсули бўлган машина жавобгар эмас, унинг ҳеч қандай айби йўқ. Машинизмнинг қўрқинчли тарзда хукмрон бўлишида инсоннинг ўзи айбор, инсонни машина тошбағир (қалбсиз) қилиб юбормади (“машина инсоннинг қалбини ўғирлаб қўйгани йўқ”), инсоннинг ўзи қалбини йўқотди. Дунёда

---

<sup>2</sup> Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе// Школьные технологии. 2002. №1. – С.3-19.

ва ҳамма жабҳада дегуманизация давом этмоқда”<sup>3</sup>, деб таъкидлаган эди.

Мазкур дунёқараш ўзгаришларига реакция сифатида жамият онгидга “бозор характери” каби воқелик шаклланди. Ушбу воқелик, яъни “бозор характери” немис олими Э.Фромм томонидан батафсил ўрганилган ва тасвирлаб берилган, унинг фикрича: “Хозирги кун инсонийлик жамиятининг характери ва яширин динини тушуниш учун, энг муҳими, капитализм эраси бошланган даврдан XX асрнинг иккинчи ярмигача, ижтимоий характерда бўлган ўзгариш ҳисобланади... Мен бу воқеликни инсон ўзини товар деб ҳис қилишни бошлаганлиги учун бозор характери деб атадим. Тирик жонзот “шахслар бозори”даги товарга айланади. Бозор характерининг мақсади – керак бўлиш учун тўлиқ мослашиш, шахслар бозорида шаклланувчи барча шароитларда ўзига бўлган талабни сақлаб қолиш. Бозор характерига эга бўлган одамлар, масалан, XIX аср одамлари билан солиширилганда, ўзлари таяниши мумкин бўлган, ўзининг “Мен”ига ҳам эга эмас, чунки уларнинг “Мен”и “Мен сизга қандай керак бўлсан, шундайман!” тамойили туфайли доимий равишда ўзгариб туради”<sup>4</sup>.

Прагматик-бозор ёндашувига кўра, “винтча-одам” хўжалик, давлат, шунингдек, бозор механизмида мақсад эмас, балки воситадир. Бу қараш таълим ва инсон тарбияси соҳасида ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг натижасида дастурланган ўқитиши, эртанги тор мутахассислашувга бўлган тотал интилиш амалга ошмоқда, қолаверса, замонавий компьютер техникаси ёрдамида яратилувчи ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги жонли мулоқотга зиён етказувчи, турли аудиовизуал воситалар ва виртуал оламларга мурожаат этиш кучайиб бормоқда. Технологик

<sup>3</sup> Бердяев Н.А. Человек и машина // Вопросы философии. 1989. № 2. – С.143-162.

<sup>4</sup> Фромм Э. Иметь или быть. – Киев: Ника-Центр. 1998. – С.393.

ёндашув нүктаи назаридан ўқитувчи – ахборотни етказиб берувчи механизм, холос (шундай эканлигини технологик ёндашув тарафдорларининг барчаси тан олади). Билимлар манбаси сифатида ким ёки нима бўлишида катта фарқ йўқ: у хоҳ мураббий сиймоси бўлсин, хоҳ ахборот ёки мульти-медиа қурилмаси бўлсин, деб тахмин этилади. Натижада ўқитувчининг ўрни қадрсизланади, шу жумладан, социум ривожланишидаги ўрни ҳам пасаяди. Шахс ибтидоси шу қадар чекланган ва қучизланган ҳолда намоён бўлмоқда<sup>5</sup>. Таълимда инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳада бўлгани каби ёрдамчи техник воситалар қўлланилишига қарши чиқаётганимиз йўқ. “Масаланинг моҳияти”, техник тараққиётда эмас, балки инсонга нисбатан технократик-сциентистик ёндашувда, яъни машинавий ишлаб чиқариш жараёнида инсондан “энг кўп даражада фойдали ва оптималь фойдаланиш” – уни “машинанинг қисман детали” сифатида қўллаш бўлиб қолмоқда.

Афсуски, бунда мавжуд бўлган “бозор қиймати” инсоннинг энг олий қадриятига айланиб қолмоқда, инсон буюм билан тенглаштирилмоқда<sup>6</sup>. Одатда, технологик йўналиш тарафдорларининг ҳеч бири бу ҳолда ўқитувчининг ўрни (роли, аҳамияти) камайиб кетиши ҳақида фикр билдирамаган, аксинча, унинг жонли, чин юрақдан қилинган муносабати, боланинг қалбини интуитив ҳис этиши ўқитиш жараёнидаги тўсқинлик сифатида тушунилади. Технологик ёндашув доираларида ўқувчи жонли индивид ва шахс сифатида эмас, “педагогик таъсирнинг обьекти”, “тайёр буюмга айланиши керак бўлган қоралама”, “технологияни қуриш учун асос”<sup>7</sup> сифатида намоён бўлади.

<sup>5</sup> Щедровицкий Г.П. Система педагогических исследований (методологический анализ). // Педагогика и логика. – М.: Кастанъ. 1992. – С.16, 201.

<sup>6</sup> Ильенков Э.В. Об идолах и идеалах. – М.: Политиздат. 1968. – С.319.

<sup>7</sup> Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в

И.Н. Каланчина фикрича: “Таълимнинг инсонпарварлик мақсад ва вазифаларига нисбатан “технология” атамасини кўллаш (масалан, шахсга йўналтирилган таълим ва тарбия) у қадар беғараз эмасдек туюлади, чунки педагогик амалиётда “Технологиялар ўқувчилар учун эмас, ўқувчилар технологиялар учун” деган қараш қучайиб бормоқда”<sup>8</sup>. Бунга мисол сифатида мактаб ўқитувчиларининг ҳозирги кун ўқувчилари, педагогик технологияга “тушмаётгандиклари” (“мос келмаётгандиклари”) ҳақида билдираётган фикрларини келтириш мумкин.

М.Е.Бершадский таълимда технологик йўналишнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилиш асносида ҳақиқий шахсга йўналтирилган ёндашувни ўз моҳиятига кўра, бихевиоризмдан келиб чиқсан технологик ёндашув билан бирга қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлаган: “Маълумки, шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий тушунчалари “эркинлик”, “шахс”, “ривожланиш”, “ижод”, “мустакиллик”, “индивидуаллик”, “фаоллик” каби тушунчалар ҳисобланади. Бу тушунчалар классик технологик жараён билан қай даражада нисбатлаша олади? Эслатиб ўтамиз, Б.Ф.Скиннер учун бу тушунчалар хомхаёл ҳисобланади ва ҳар қандай интизомдаги шахсни шакллантириш учун кўлланилаверади... Шундай қилиб, технологик ёндашувни шахсга йўналтирилган таълимда қўллаш даргумон”<sup>9</sup>.

И.Н.Каланчина замонавий таълим тизимида ўқитувчи ролини таҳлил этади. Унинг фикрича, “Необихевиоризм ва дастурли ўқитишнинг асосчиларидан бири Ф.Скиннер инсон ва жамиятнинг янги сциентистик концепциясини яратиш

педагогической литературе // Школьные технологии. 2002. №1. – С.12.

<sup>8</sup> Каланчина И.Н. Социально-философский анализ роли личности учителя в современном образовании: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Барнаул: 2004. – С.6.

<sup>9</sup> Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе // Школьные технологии. 2002. №1. – С.3-19.

асосида бихевиоризмни ўзига хос фалсафий назарияга айлантиришга уринди. “Классик” сциентистик – технократ ёндашувга кўра, фан иқтисодиёт, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ривожланиш имкониятларини таъминлаш воситаси сифатида тасаввур этилган бўлса, Скиннер фанни инсон хатти-ҳаракатини назорат қилиш ва дастурлаш учун маҳсус ишлаб чиқилган ижтимоий-манипулятив восита сифатида талқин этган. Натижада инсон ҳақидаги таълимот Скиннер назарияси бўйича тартиб, интизом ҳақидаги фан”<sup>10</sup>га айланди.

Демак, Ф.Скиннер назарияси инсонда уни ижтимоий аҳамиятли сифат ва мақсадларга эга шахс сифатида тавсифловчи психикадан юқори бўлган маънавий-маърифий жиҳатлар мавжудлигини инкор этади. Психология ва фалсафада инсонпарварлик йўналиши тарафдорлари бўлган А.Маслоу, Э.Фромм, Т.Меган, К.Роджерс, Н.Бранден, С.Л.Рубинштейн, А.В.Брушлинский каби олимлар уни асосли равишда танқид остига олган.

Таъкидлаш зарурки, бихевиоризм қоидаларини киритиш таълимда фақатгина “бошқарилувчи” одам тенденциясини мустаҳкамлайди. Э.В.Семенчонок ўзининг “Инсоннинг операционал-бихевиористик концепцияси” (ёки “Операционал-бихевиористик инсон концепцияси”) мақоласида “Скиннернинг “илмий инсонпарварлигига” инсоннинг ўзи йўқ... Ўзининг бой ва ҳаракатда бўлган ҳаёт кечинмалари билан инсон Скиннернинг схемасига, яъни идеал даражада бошқарилувчан ҳолатга келтирилган жамият механизмига мос келмайди ва инсонга ёт бўлган ўлчамларга нисбатан унинг барча хислат ва хусусиятлари салбий равишида “ностандарт”, “микдорий жиҳатдан

---

<sup>10</sup> Скиннер Б.Ф. Оперантное поведение // История зарубежной психологии (30-60 гг. XX в.) // Под ред. Г.П. Барковой. – М.: Изд-во МГУ. 1986. – С.343.

ўлчаб бўлмайдиган”, назорат ва бошқариш техникасини самарали равишда оммавий қўллашга халақит қилувчи деб баҳоланади.

Таълим фалсафасининг постмодернизм вакиллари (Ж.Ф.Лиотар, Ж.Деррда, Ж.Делез ва бошқалар) таълимнинг табиатига оид ёндашув ва нуқтаи-назарларнинг қўплиги ғоясини тан олишга асосланади. Уларнинг қарашлари асосида ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаолияти иккиламчи аҳамият касб этади. Чунки постмодернистлар Фарб таълим фалсафаси анъаналарини муаммога айлантироқда, таълим амалиётидаги назариялар, тизимларнинг “диктатори” тарафдорлари, шунингдек мактаб ўкув дастурларини плюрализм, демократия ва яхлитликдан воз кечиш тарафдори сифатида ислоҳотларни амалга оширмоқда. Деконструктивистик фалсафа ғоялари (Ж.Деррида) ҳамма нарса – субъективликни, интизомни, ғояларни, метафора ва ҳоказоларни тубдан демонтаж қилишни талаб қиласади. Улар маданият ва куч ўргасидаги кучли ички боғлиқликни кўрсатади. Ҳокимият ва мукаммалликнинг шакллари мафкуравий ниқоблар остида яширган бўлиб, улар ўз навбатида иркий, гендер ва этник иерархияларни яширади. Шундай қилиб, жамият ғояси ҳокимият учун тортишувга айланади. Бу жамиятнинг ўзини ҳамда таълим тизимини ички томондан йўқ қилишга олиб келади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сифатли таълимни жорий қилиш давомида татбиқ этилаётган Фарб таълим технологияларининг барчаси ҳам миллий менталитетимизга мос келмайди. Уларнинг ижобий жиҳатларини мавжуд тарихий таълим анъаналаримиздаги инсонпарварлик та-мойилларига асосланган ҳолда татбиқ этиш орқалигина биз келажак авлодимизни буюк олим ва ватанпарвар қилиб вояга етказамиз.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА МАСАЛАЛАРИНИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Дилбар РУСТАМОВА,  
*ТДИУ ўқитувчиси, PhD*

Жамият асоси бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар ҳамда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш лозим. Бироқ давлат сиёсатини муваффақиятли олиб боришни тўхтатиб турувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борки, улар оила институтини мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ва белгиланган мақсадларга эришишга тўқсинглик қилмоқда. Идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсиран тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада. Шу боисдан ислоҳотларнинг бир бўғини аҳоли бандлиги ва реал даромадини ошириб бориш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7-мартдаги ПФ 87-сон Фармони ва “Оила ва хотин-

қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1-мартдаги ПФ 83-сон Фармони фикримизнинг яққол далилидир.

Ёш авлодни ота-боболаримиз ўгитлари, аждодларимиз турмуш тарзи асосида оиласи Ѹаётга тайёрлаш олий таълим тизими олдида турган муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини дунёдаги энг толеи баланд, маърифатли ва саодатли бўлишини истайди ва бунга эришиш йўлида ҳаракат қиласиди.

Фарзандлар оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Оилада улғаядиган боланинг қандай инсон бўлиб шаклланиши энг аввало ота-онага боғлик. Тарбия шахснинг маънавий ва ақлий қиёфасини, қолаверса, бутун тақдирини белгиловчи омил. Оиладаги маънавий муҳит, шахслараромуносабатлар, болатарбиясидажудакатта роль ўйнайди. Улуғ мутафаккир Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Аллоҳ таоло инсонларни асл ҳилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан заарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Куш уясида кўрганини қиласиди”, дейди.

“Одамга болалиқдан сингдирилган одатлар ёш дараҳт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дараҳт билан бирга ўсади, вояга етади дараҳтнинг таркибий қисмига айланниб қолади”, дейди Виктор Гюго.

Ота-оналар билишадики, энг самарали ёндашув ўз болаларининг яхши сифатларини тан олиш ва эътироф этиш ҳисобланади. Шунингдек, болаларга уйда мажбуриятлар бериш орқали уларда меҳнат тарбияси ва масъулиятни шакллантириш лозим. Бу йўсиндаги тарбия сабаб болаларда ижтимоийлашув шаклланади. Улар мустақил ҳаётга қадам

қўйиши ўрганади. Уй мажбуриятлари масъулият, бурч, ҳамкорлик, меҳнатсеварлик билан боғлиқ муҳим ҳаётий дарсларни болаларга ўргатади. Бундай дарсларни эрта ёшда ўрганадиган инсонлар катта эҳтимоллик билан лаёқатли инсонлар бўлиб етишади. “Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида на саводхонликка, на музика, на гимнастикага, ҳаттоқи инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи номусга ҳам ўрганмаган бўлур эдилар. Одатда номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади”. Буюк файласуф Демокритнинг ушбу фикрида меҳнат барча эзгу фазилатларнинг асоси экани таъкидланган.

Ушбу давр фуқаролик ва психологик етукликка эришиш жараёни ҳамдир. Чунки бу даврда етук шахсга доир ижтимоий ҳуқуқ ва бурчнинг бутун тизими эгаллаб борилади. Бу даврда ўз-ўзини англашнинг ривожланиши асосида ёшларнинг танлаган касби ва уни эгаллашга оид шахсий ҳаёт тарзи ҳамда оила ҳақидаги қарашлари шаклана боради. Аммо ўспиринлик йиллари ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бобида энг асосий даврлардан бири бўлса-да, бизнинг назаримизда бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими жараёни якунида тўхтаб қолаётгандек. Ваҳоланки, ёшларнинг кўпчилиги айнан талабалик йилларида ёки унинг якунида оила қургани туфайли ҳам оила-никоҳ муносабатларида, оила аъзолари билан мулоқотда юқори даражадаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик, турмуш маданиятига эга бўлишни талаб қилмоқда<sup>1</sup>.

Оила барқарорлиги ёшларнинг ақлий ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Зотан, ҳар бир йигит-қиздан

<sup>1</sup> Оила илмий-тадқиқот маркази. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид ижобий кўнималарини шакллантириш масалалари. – Т.: 2021.

ақлий ривожланиш, тафаккур ва интеллектуал қобилият, никоҳга киришнинг моҳияти ва келажакда ўз оиласи олдида масъулиятни ҳис этишини таъминлайди. Бугунги кунда турли ахборот манбалари орқали кириб келаётган европача оилавий ҳаёт тарзи ёшларга салбий таъсир қўрсатмасдан қолмаяпти. Шунинг учун ҳам ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосига Республикаизда мустақиллик йилларида ва айникса бугунги кунда ҳар томонлама эътибор қучайтирилиб, бунга оила билан бир қаторда мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, ҳар бир фуқаронинг масъуллигига эътибор қаратилди ва оила муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Шунинг учун ҳам бундай шароитда олий ўқув юртларида ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳаракатига кўпроқ эътибор бериш керак. Доно халқимизнинг ажойиб ҳикматли сўзи борки: “Фарзанд азиз, тарбияси эса ундан-да азиз”. Фарзандини шахс сифатида камол топишида ота-она ҳар бир ишни донолик ва ҳушёрлик билан амалга ошириши, сабрли бўлиши керак. Миллий қадрияtlарни унутмай оиласига, фарзандига меҳр-муҳаббат билан яшashi керак. Тарбия ота-онанинг изланиши ва меҳнатининг самараси. Фарзандларимиз биз кутгандек инсон бўлиши учун, аввало, тарбияни ўзимиздан бошлишимиз керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: Ўзбекистон. 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Оила вахотин-қизлар биланишлаш, маҳаллавануронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида. 2022 йил 1-март. Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил 7-март. Lex.uz.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий психологик муаммолари. –Т.: 2021.

5. Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари. Маъruzalap матни. 2020.

6. Regulation.gov.uz.

## ФИТРАТ БАРКАМОЛ ИНСОН ҲАҚИДА

Мавлуда РАҲМОНОВА,  
Турон Зармед университети  
катта ўқитувчиси

Абдурауф Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили бўлиб, қомусий билимга эга олим, адабиёт назариётчisi, кучли тилшунос, драматург ва шоир, жанговар публицист сифатида тарихимизда ўз ўрнига эга бўлган алломадир. Фитрат асарларининг деярли барчасида баркамол авлод масаласи марказий ўринни эгаллайди. Шуниси аҳамиятлики, Фитратнинг бу хусусидаги орзу-ниятлари ҳозирги кундаги баркамол инсон концепцияси билан уйғундир. Зеро бизнинг аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққан.

Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.

Ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодни ҳамиша эзгуликка ундейдиган комил инсон ғояси Фитрат асарларидан ўқ илдиз бўлиб ўтгандир. Бу бунёдкор ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун

халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни тенгсиз ютуқларга илхомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Фитрат асарларини мутолаа қилас, ана шундай хуносага келамиз. Аллома ҳар доим ёшлар ҳақида қайғуриб, уларни жисмонан соғлом, илм-фан соҳиби қилиб камол топтириш хусусида фикр билдириди. Унинг ватанпарварлик, халқпарварлик, илм-фан тараққиёти ҳақидаги ғоялари ҳозирги давр учун қимматлидир.<sup>1</sup>

Фитрат ёшларни озод ва обод Ватан барпо этишга, унинг равнақи, халқ фаровонлиги, миллат озодлиги учун курашишга, саждагоҳ каби муқаддас гўша – Ватанин ардоқлашга ундан келди: “Ватан бизнинг валинеъматимиз ва мураббийимиздир; ҳар бир валинеъмат ва мураббийга хизмат қилиш лозим, бас, Ватанга хизмат бурчдир”<sup>2</sup>

Инсон ўзи фитратан<sup>3</sup> қандай яратилган ва тарбия олган бўлса, бошқаларни ҳам шундай бўлишга даъват қиласи. Одамларни комилликка ундан алломанинг ўзи ҳам баркамол шахс эди. Фитратнинг илм-фани бир неча соҳасида баравар фаолият кўрсатгани, биринчи ўзбек профессори бўлиб этишгани, ўзидан қатор китоблар, тадқиқотлар, улкан аҳамиятга эга илмий ва бадиий мерос қолдиргани фикримиз далилидир.

Фитрат ёшларни баркамол этиб тарбиялаш масаласида кенг билим соҳиби ва ўткир мутахассис сифатида намоён

---

<sup>1</sup> Педагогика тарихи. – Т.: 2000. – Б.144-146.

<sup>2</sup> Фитрат. Нажот йўли. – Т.: Шарқ. 2001 – Б.6.

<sup>3</sup> Фитрат арабча сўз бўлиб, луғатларда унга турлича талқин берилган. Фитратнинг биринчи маъноси – “яратилиш”, “хилқат”, иккинчи маъноси – “табиат”, “инсоннинг табиий сифати ва хислати”, учинчи (мажозий, кўчма) маъноси “ақлу - зако” (Фарҳангги забони тоҷики. Жилди 2, Москва, 1969, саҳифаи 437). “Фитрат” туғма истеъдод, порламоқ деган маъноларни ҳам англагади. (Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғатдан)

бўлади. У болаларга ахлоқий тарбия беришдан аввал, уларнинг жисмоний ва фикрий тарбияларига эътибор бериш кераклиги, ахлоқ тарбияси орқали ёш авлодни гўзал фазилатлар соҳиби ҳамда жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб шакллантириш мумкинлиги, уларни яхши амалларга одатлантириб, ёмон амаллардан қайтариб туриш лозимлигини уқтиради. Шунингдек, Фитрат инсон хулқ-авторида юксак фазилатлар шаклланишига ундовчи ички бир туртки, маънавий интилиш бўлмас экан, унинг камолотга эришиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Фитрат инсон ҳаётини кураш майдонига ўхшатиб, унда ғолиб чиқиш учун уч муҳим нарса: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқ бўлиши шартлигини кўрсатади. Унинг фикрича, фарзандининг баҳтли бўлишини истаган ҳар бир ота-она уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишдан олдин мазкур учта аслаҳа билан қуроллантириб қўйиши керак. Бошқача айтганда, баҳт-саодат жисмонан соғлом, соғлом фикрли ҳамда гўзал ахлоққа эга бўлган инсонларгагина насиб этади.

Фитрат тарбияни уч қисмга: бадан тарбияси, ақлий тарбия, ахлоқ тарбиясига бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тадқиқ қиласди: “Бадан тарбияси – баданни соғлом, кучли ҳамда аъзоларни мукаммал даражага етказишдан иборат, бусиз баҳт-саодатга эришиб бўлмайди... Шу ҳам муқаррарки, салим ақл доимо соғлом баданда бўлади<sup>4</sup>”, дейди аллома. Одамзод умри давомида сиҳат ва қувватга муҳтож бўлмаслиги амри маҳолдир<sup>5</sup>, деб таъкидлайди.

Фитрат саломат юриш учун чорбоғларда сайд этиш, мунтазам равища мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиш, овқатланиш интизомига риоя қилиш, бадан тарбия қилиш

<sup>4</sup> Фитрат. Нажот йўли. – Т.: Шарқ. 2001 – Б.152.

<sup>5</sup> Фитрат. Нажот йўли. – Т.: Шарқ. 2001. – Б.151.

каби ўнлаб шартларга тўхталиб ўтади: “Ота-оналар, муаллимлар болаларнинг юз-қўлини доим совунлаб ювиб, тишларини мисвок қилдириб, кийимларни алмаштириб туришларига эътибор беришлари лозим”.

Баркамол авлод орзусида ёнган Фитрат болаларнинг жисмонан бақувват бўлиб улғайиши учун уларнинг доимий ҳаракатчанлигини таъминлаш зарурлиги хусусида бундай ёзади: “Ҳаракат ҳамма учун, айниқса болалар учун жуда зарурдир. Маълумки, болалар тез суръатда катта бўладилар. Ҳаракат ана шу ривожланишни осонлаштиради, шунинг учун болаларни ўйинга машғул қилиш фойдалидир. Ўйин уларга зарар етказмайди, балки бир жойда ўтиришнинг зарари кўп тегади. Ўйиндан болани ман қилиш, уларни ҳаракатдан қолдириб, ўсишига халал бериб, заиф, нимжон қилиб қўяди. Аммо уларнинг ўйинлари одоб ва ахлоққа зид ўйинлар бўлмаслиги шарт. Жадид мактабларида болалар учун илмий йўналтирилган ўйинлар жорий қилинган. Болаларни доим ўйиндан ман қилиш ва калтак зарбидан боланинг жисман ривожланиши сусаяди”.

XX аср бошларида ўлкамизда кенг тарқалган жадид ҳаракати ғоялари асосида мактабларни ислоҳ қилишнинг тарафдори бўлган Фитрат эски усул мактабларини танқид қиласди:

“Бизнинг бечора маъсум гўдакларимиз офтоб тушмайдиган коронгу, бадҳаво, сассиқ хоналарда ҳайвонлар каби тиқилиб олиб, хас-хашак устида ўтириб, саккиз-тўққиз соат давомида дарс ўқийдилар, бунинг устига ҳар куни биз жоҳил муаллимнинг қўлидан мушт, калтак еб, гоҳ бошлар ёрилади, гоҳ оёқлари қонаб, мажруҳ бўлиб, ранглари кўкариб саккиз йилни шу зайлда ўтказади. Шунинг учун мактабни қамоқдан озод бўлган маҳбус каби bemor, суст, беғайрат ҳолда битирадилар”. Жадид ҳаракатининг атоқли

намояндаси, маънавият ва маърифат, нур ва зиё тарғиботчиси Абдурауф Фитрат ўз миллатдошлари фарзандларининг кенг ва ёргуғ, озода ва баҳаво синф хоналарда сабоқ олишини жуда-жуда истаган эди. Мустақиллик йилларида эса аллома адабнинг орзу-умидлари ушалаётгани шубҳасиз.

Хуллас, Фитратнинг инсон саломатлиги, бадан тарбиясига оид фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Мутафаккирнинг маслаҳатларига амал қилган ҳар бир инсон узоқ умр кўриб, соғ ва саломат юради, деган умиддамиз.

## АБУ ҲАФС БУЖАЙРИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Йўлдошхон ИСАЕВ,  
*Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот  
маркази илмий ходими*

IX-XII асрлар ислом оламида илм-фан ривожининг олтин даври деб эътироф этилган. Кўплаб манбаларда айни ўша даврда Бужайрий нисбаси билан танилиб, самарали ижод қилган алломалар ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Улардан бири Абу Ҳафс Бужайрий бўлиб, тўлиқ исми Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадоний Хушуфағоний Самарқандий Бужайрийдир.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Бужайрий нисбаси бирор жой ёки касбга эмас, Бужайр исмли шахсга нисбатан берилган. Бужайр Абу Ҳафснинг бобоси Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадонийнинг исмидир. Бужайрнинг авлодлари, яъни фарзанду набиралари ҳам ўз замонасининг машхур муҳаддис ровийлари бўлган. Уларга Бужайрнинг исми нисбат қилиб берилиб, бу силсила тарих саҳифаларида Бужайрий нисбаси билан ўрин олган.

Мисрлик тадқиқотчи олим Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд томонидан тузилган “Ўрта Осиё олимлари қомуси”да: “Бужайр” сўзи “кичкина қоринчаси бўлган бобо” маъносини билдиради[3: 53], дейилган. “Бужайр” сўзи “кичик қорин” деган маънони ҳам англатади.

Манбаларда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад номи Сўғдий, Хушуфағоний, Самарқандий, Бужайрий нисбалари

билин келтирилган. Айрим манбаларда эса “Бұхайрий” [1:154; 3:145; 7:391] нисбаси билан ҳам келган. Бироқ аксар олимлар ўз асарларида Абу Ҳафс Бужайрий нисбаси билан қайд этганды. Халқ орасида ҳам у айнан шу нисба билан машхур бўлган.

Муҳаддис Абу Ҳафс Бужайрий 838 йили Самарқанднинг Сўғд музофотидаги Иштихон шахрига қарашли Хушуфағон қишлоғида, зиёли оиласида таваллуд топган [4:374; 5:327; 11:60]. У 923 йили вафот этган [2:162; 3:54].

Абдулкарим Самъонийнинг “Ансоб” номли китобида келтирилишича, бир куни Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад Сўғдий Хушуфағон қишлоғидаги ҳовлисида катта дараҳт остида дўстлар даврасида сұхбат қуриб ўтириб, уларга бундай деб сўз қотиби:

– Сизлар дунёнинг энг кўркам ва энг хушманзара жойида ўтирибсизлар.

– Нима учун? – деб сўрабди дўстлари.

Шунда Абу Ҳафс Бужайрий:

– Чунки дунёда Самарқанднинг Сўғди каби кўркам, хушманзара, баҳаво жой топилмайди. Сўғдда Хушуфағонга тенг келадиган жой йўқ. Хушуфағонда менинг бу боғимдан ободроқ жой, боғимда эса бу дараҳтнинг соясига тенг келадиган серсоя ва салқин жойнинг ўзи йўқ, деб жавоб берган экан [2:70].

Абу Ҳафс Бужайрийнинг болалик ва ёшлиқ даври туғилиб ўсан она қишлоғи Хушуфағонда ўтган. У дастлабки таълимни отаси Абу Умар Бужайрдан олган. Кейинчалик Абу Ҳафс Бужайрий илм ўрганиш шижаоти ва Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисларни эшитиш, ўрганишга қизиқиши сабабли ўша даврда илм-фан ўчоғи бўлган Хуросон, Басра, Куфа, Шом, Миср, Ҳижоз каби бир қанча шаҳар ва мамлакатларга

илемий сафар қилган.

Аллома сафари чоғида Дамашқ шаҳрига борганини тарихчи олим Абулқосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абдуллоҳ – Ибн Асокир “Тарихул мадинати Димашқ ва зикри фазлиҳа ва тасмияти мин ҳиллиҳа минал амасил” (“Дамашқ шаҳрининг тарихи, унинг фазилати ва ундаги жойларнинг номланишига мисоллар”) китобида бундай келтиради: “Хофиз Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадоний Самарқандий Бужайрий таълим олиш ва ҳадис жамлаш ниятида Дамашқ шаҳрига бориб, у ерда Аҳмад ибн Абдулвоҳид ибн Уъбуд, Абу Омир Мусо ибн Омир Марий, Ҳишом ибн Холид, Муҳаммад ибн Ҳошим Баълабаккий, Сулаймон Ҳамсий, Аюб ибн Али ибн Ҳайсам Каноний каби кўплаб таниқли олимлардан таълим олган ва ҳадислар тинглаган” [6:320]. Демак, Аллома Дамашққа борганида, у ернинг кўплаб таниқли олимлари билан учрашган, улар билан илемий мулоқотда бўлган.

Абу Ҳафс Бужайрий ҳадис бўйича асосий таълимни Абу Маҳмуд Муҳаммад ибн Муовия (Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримиининг тоғаси) Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримиий Самарқандий, Исо ибн Ҳаммод Зуғба Мисрий, Исҳоқ ибн Шоҳин Воситий, Абу Соиб Силм ибн Жаннода Куфий, Абд ибн Ҳумайд Кеший (Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг “Муснади Кеший” номли китоби бўлиб, у зот Имом Бухорийнинг устозидир) ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий каби кўплаб машхур муҳаддис олимлардан таҳсил олган [5:327; 8:490].

Имом Бухорийнинг “Саҳих” тўпламига ёзилган энг мўътабар шарҳлардан бири бўлган Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Фатҳул борий” (“Ижодкорнинг очиб берган шарҳи”) китобининг Муқаддимасида бундай келтирилади:

“Умар ибн Муҳаммад Бужайрий: “Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг: Мен “Жомеъус саҳих” китобимни Масжидул Ҳарамда тасниф қилдим. Бу китобдаги ҳар бир ҳадисни Аллоҳ таолодан яхшилик сўраб, икки ракат намоз ўқиб, унинг саҳихлигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин киритдим”, деб айтаётганини эшитдим”, дейди”[8:490].

Ушбу ривоят орқали Абу Ҳафс Бужайрий ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратлари билан бир даврда яшаганини, иккаласи бир бири билан учрашганини ва Имом Бухорийнинг мазкур сўзини айнан ўзидан эшитганини англаб олиш мумкин.

Дамашқлик олим Хайриддин ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Зириклий “Аълом” асарида таниқли олим Заҳабийнинг: “Абу Ҳафс Бужайрий замонасининг тенги йўқ алломаси эди. Мен у зотдан олтмиш мингдан ортиқ ҳадис тинглаганман” [11:60], деб айтган эътирофини келтириб ўтган. Аллома кўп ҳадис ёд билгани, уларни жамлашга шижаоти ва тақвоси сабабли “ҳофиз” (Қуръони карим ва кўп ҳадисларни ёддан билган кишига нисбатан айтилади), “тақводор муҳаддис”, “имомул кабир” (Катта имом), “шайх” каби шарафли номларга сазовор бўлган.

Абу Ҳафс Бужайрий ҳадис ўрганиш ва тўплаш билан бирга, кўплаб шогирдлар ҳам етиштирган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғаний Бағдодийнинг “Такмилатул икмол” китобида Муҳаммад ибн Собир Бухорий, Абу Назр Муҳаммад ибн Бакр Дехқон Самарқандий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Имрон Шоший, Муътамар ибн Жибрил Карминий, Аъюн ибн Жаъфар Самарқандий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али Muаддаб Шоший ва Исо ибн Мусо Кошоний каби ўз замонасининг машҳур муҳаддис ва ровийлари Абу Ҳафс Бужайрийдан ҳадис тинглагани ва ундан ривоят қилгани қайд этилган[5:327]. Бундан ташқари,

Абу Ҳафс Бужайрийдан унинг ўғли Абулҳасан Муҳаммад ибн Умар, Имом Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший, Абу Яҳё Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Ҳозим Самарқандий, Муҳаммад ибн Ҳотам Кошоний, Абулфазл Аҳмад ибн Исмоил ибн Яҳё ибн Ҳозим Аздий Самарқандий ва Али ибн Биндор Сайрафий каби олимлар ҳам таҳсил олган ва ҳадис ривоят қилган[6:37].

Шошлик алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш бўйича улкан ишларни амалга оширган Неъматулло Муҳаммедов ўзининг “Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси” китобида: “Абу Бақр Қаффол Шоший Ҳурсонга бориб, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма, Муҳаммад ибн Исҳоқ Сарроҷ, Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр (Манбаларда турлича “Бужайр”, “Буҳайр” ва “Буҳайр” кўринишида келган) Самарқандий каби етук олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан ҳадислар тинглаган”, деб келтириб ўтган[9:52].

Юқоридаги манбалардан кўриниб турибдики, Абу Ҳафс Бужайрий фикҳ, ҳадис, усул ва тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим деб эътироф этилган. Имом Абу Бақр Қаффол Шоший каби бир қанча алломаларга устозлик қилган.

Абу Ҳафс Бужайрий илм-фан жамиятига етук алломаларни етказиб бериш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг бой илмий ижоди билан ҳам улкан ҳисса қўшган. Ҳадис ва тафсир илми соҳасида бир қанча асарлар яратган. Манбаларда келтирилишича, у “Саҳиҳ” ҳадислар тўплами ва “Тафсир” каби асарларнинг муаллифи фидир. “Саҳиҳ” тўпламининг қўлёзма нусхалари хорижий мамлакатларнинг кутубхонасида сақланмоқда [10:206; 11:60].

Алломанинг “Китобус сафина” (“Кема китоби”) номли яна бир асари ҳам бўлган. Бу борада Абдуллоҳ Абдулҳамид

Саъд ўзининг “Ўрта Осиё олимлари қомуси” китобида бундай келтиради: “Абу Ҳафс Бужайрийдан унинг Аҳмад исмли набираси “Жомеъус саҳих” (“Ишончли тўплам”) ва “Китобус сафина” (“Кема китоби”) китобларини ўқиб ўрганган. Ушбу китобларни Абу Ҳафснинг ўзи ёзган”[2:370: 3:145]. Афсуски, “Китобус сафина” бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Хайдиддин Зириклий ўзининг “Аълом” китобида Абу Ҳафс Бужайрий ва “Саҳих” тўплами ning қўлёзма нусхаси ҳақида бундай маълумот келтиради: “Мовароуннаҳрлик муҳаддис, ҳофиз Абу Ҳафс Бужайрий “Саҳих” ва “Тафсир” асарлари муаллифидир. У Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида яшаб ўтган. Ҳозир бу жой “Раъсул қонтара” (“Тўғонбоши”) деб аталади [2:27; 3:145]. Аллома илм олиш ва ҳадис тинглаш мақсадида Хурросон, Басра, Куфа, Шом, Миср ва Ҳижоз каби бир қанча шаҳар ва мамлакатларда бўлган. У кишининг қаламига мансуб “Жомеъул муснад” ва “Тафсир” асарларининг қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда Дамашқ шаҳридаги Зоҳирия кутубхонасида 1067-рақам остида сақланмоқда”[11:60]. Мазкур асарнинг электрон нусхаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази электрон базасида ҳам мавжуд. У 124 варакдан иборат бўлиб, “Жомеъул муснад”нинг ўттизинчи – “Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бетобилари ва вафотлари” бобини ва “Тафсир” китобининг аввалги қисмини ўз ичига олган.

Бу ўринда “Жомеъул муснад”даги биринчи ҳадисни келтириб ўтишни лозим топдик:

Умми Фазлдан ривоят қилинади: “Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан энг охирги эшитган нарсам У зотнинг шом номозида “Мурсалат” сурасини ўқиганлари бўлди”.

Абу Ҳафс Бужайрий ўзининг улкан илмий фаолияти билан

илем-фаннинг ҳадис ва тафсир каби соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган. Лекин шу кунга қадар унинг ҳаёти ва илмий мероси бўйича кенг кўламли тадқиқот ўтказилмаган эди. Марказда “Жомеъул муснад” китобини ўрганиш ва таржима қилиш бўйича муайян ишлар бошлаб юборилган. Тадқиқотлар давомида алломанинг ҳаёти ва илмий меросига оид янги маълумотлар юзага чиқади, деган умиддамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад Рофиъий Қазвиний. Тадвину фи ахбори Қазвин. Ж. 1. – Байрут: 1987.
2. Абдулкарим Самъоний. Ансоб. Ж. 2. Ж. 8. – Байрут: 1998.
3. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий. 2007.
4. Абу Абдуллоҳ Ёқут Ҳамавий. Муъжамул булдон. Ж. 2. – Байрут: 1979.
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғаний Бағдодий. Такмилатул икмол. Ж. 3.– Макка: Жомеъа уммул қуро. 1410/1990.
6. Абулқосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шофеъ. Тарихул мадинати Димашқ ва зикри фазлиҳа ва тасмияти мин ҳиллиҳа минал амасил. Ж. 45. Ж. 69. – Байрут: 1995.
7. Али ибн Ҳисомиддин Ҳиндий. Канзул аъмол. Ж. 2. – Байрут: 1989.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатхул борий. Ж. 2. – Миср: Мирий Кубро. 1301/1884.
9. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. – Т.: ТИУ. 2007.
10. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Захабий. Тазкиратул хуффоз. Ж. 2. – Байрут: 1998.
11. Хайриддин Зириклий. Аълом. Ж. 5. – Дорул илм. 2002.

# АЛИШЕР НАВОЙИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

(СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛ)

**Бахтиёр ТУРСУНОВ,**  
*Ином Бухорий халқаро илмий-  
тадқиқот маркази илмий ходими*

Жаҳонда юз бераётган турли воқеа-ҳодиса, ахборот оқими, бузғунчи ғоялар хуружи ҳаётга янгича нигоҳ билан қарайдиган баркамолавлоднитарбиялашни тақозо этмоқда. Чунки келажак авлоднинг руҳий-маънавий қиёфаси қандай бўлишини бугунги кун ёшларининг дунёқараши, ахлоқ одоби, илмга интилишига қараб тасаввур этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча баҳтли яшайди. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига йўл кўйиб бўлмайди. Барчага аёнки, ҳозирги кунда дунё миқёсида рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодга, оиласијий ва миллий-маънавий қадриятларга путур етмоқда”<sup>1</sup>. Мана шундай мураккаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутки [Электрон ресурс] // <https://www>.

вазиятда замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Зеро, “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”<sup>2</sup>.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшлар тафаккури, мағкураси ва дунёқарашида пайдо бўлаётган бўшлиқларни ўткинчи ғоя ва ахборотлар тўлдирмаслиги учун уларга оила, таълим муассасалари, жамият тўғри тарбия бериши керак. Фарзанд онгига оиласида ҳалоллик, меҳнатсеварлик, одиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховатлилик каби эзгу фазилатларни сингдириб борадиган, шунингдек, ўғрилик, текинхўрлик, порахўрлик, ёлғончилик, дангасалик каби салбий сифатларнинг шахс таназзули манбай эканини тушунтириб берадиган соғлом тарбия муҳитини шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу эса жамиятда ижтимоий назорат ўрнатишни, ота-она ва фарзанд ўртасида доимий конструктив мулокотни йўлга қўйиши тақозо этади. Чунки “Ёмоннинг, ёмонликнинг биттаси ҳам кўп” мазмунидаги ҳалқ мақоли ёш авлод тарбиясида арзимас даражадаги эътиборсизлик ва лоқайдлик ҳам катта салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Алишер Навоий бадиий тимсолий услубда, оламнинг бузилиши, кўнгилнинг бузилишидан бошланишига ишора қилиб, фалсафадаги яна бир муҳим ижтимоий ҳодиса, ахлоқ фалсафасига оид муҳим ҳикматни ифода этади<sup>3</sup>.

---

gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq (Мурожаат санаси: 25.08.2020).

<sup>2</sup> Avloniy Abdulla. Turkiy guliston yohud axloq [Электрон ресурс] // [http://ferlibrary.uz/f/abdulla\\_avloniy\\_turkiy\\_guliston\\_yoxud\\_axloq.pdf](http://ferlibrary.uz/f/abdulla_avloniy_turkiy_guliston_yoxud_axloq.pdf) (Мурожаат санаси: 11.06.2020).

<sup>3</sup> Норов Т.О. Алишер Навоий онтологик қарашларининг фалсафий-концептуал таҳлили: Фалс. фан. док. ... дис. – Самарқанд: 2022. – Б.103.

Хозирда трансмиллий компаниялар ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўзига хос глобал оламни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бунинг ортидан пул ва бойлик орттиришни, қўпорувчиликни мақсад қилган айrim бузғунчи кучлар “оммавий маданият” кўринишидаги маҳсулотларини кенг тарғиб қилмоқда. Натижада дунёning турли бурчакларида яшаётган одамлар, хусусан, ёшлар диidi деярли бир хил истеъмолчига айланмоқда. Бир қарашда бунинг ҳеч ёмон жиҳати йўқдек. Бироқ айrim деструктив мазмундаги “моддий ва маънавий қадриятлар”нинг оммалашуви натижасида миллий маданий қадриятлар завол топмоқда. Чунки тобора кучайиб бораётган истеъмолчилик тенденцияси инсон маънавий дунёсининг муҳим жиҳатлари бўлган маданияти, қадриятлари, ҳаётий қарашлари, қизиқиш ва интилишларини тубдан ўзгартириб, айrim билими саёз, дунёқарashi тор ёшларни таназзулга бошламоқда. Чунки саводсиз ва жоҳил одамларни бошқариш осон кечади.

Мураккаб очиқ система ҳисобланган инсонни синергетик ночизиқли ёндашув воситасида ўрганиш уни хаосдан тартибга, бекарорликдан барқарорликка йўналтириш мумкинлигини кўрсатади. Чунки ташки мухит билан доимий алоқадорлик натижасида унда ўзини-ўзи ташкиллаштириш жараёни рўй беради. Синергетиканинг диққат марказида ривожланаётган ёки мувозанатсизлик ҳолатида бўлган системанинг статик ва динамик хулқатворида рўй берадиган сифат ўзгаришлари туради. Бунда ҳар қандай ўзаро таъсир ўзини-ўзи ташкиллаштириш омили бўлиб хизмат қиласиди. Системанинг атTRACTор (ўзига жалб қилувчи) деб аталган алоҳида компонентлари уни ички томондан тебратиб, бифуркация нуқтасига олиб келади. Бу босқичда система узоқ тура олмайди ва у албатта ўзгарамади. Системада атTRACTор чакирган микрофлуктуациялар

макрофлуктуацияларга айланади ва система сифатнинг янги ҳолатига ўтади<sup>4</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Алишер Навоий шахси ва асарлари атTRACTор сифатида кишининг ўзини-ўзи ташкиллаштиришига, такомилликка йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қиласди. Мутафақкир “Маҳбуб ул-қулуб” асарини ёзишдан мақсади – бошқаларни ўзининг аччиқ ҳаёт тажрибаларидан, жамият аъзолари феъл-авторига хос мураккаб жиҳатлардан огоҳ этиш эканини маълум қиласди.

Шоир атTRACTор сифатида ўзининг бутун ҳаёти, фаолияти ва ижодининг мазмун-моҳиятини халққа, инсониятга хизмат қилишдан иборат, деб билади ва асарларида буни кенг тарғиб қиласди:

*Одамий эрсанг демагил одами,  
Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами<sup>5</sup>.*

Алишер Навоий ижодида жаҳолатга барҳам берувчи куч сифатида илмни улуғлаш йўналиши етакчилик қиласди. Шунинг учун шоир бадиий қаҳрамонларини ёшлиқдан илмга чанқоқ, ҳунарга иштиёқманд кишилар сифатида тавсифлайди. Жумладан, Фарҳод тўғрисида шундай ёзади:

*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм<sup>6</sup>.*

Алишер Навоий инсон ҳаётининг моҳияти ҳақида

<sup>4</sup> Терещенко А.Г. К вопросу о методологии изучения социальной адаптации личности в кризисном обществе // Сибирский психологический журнал. – Иркутск: 2005. – №5. – С.27.

<sup>5</sup> Навоий А. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. 7 т. – Т.: Фан. 1991. Фафур Фулом. 1989. – Б.256.

<sup>6</sup> Навоий А. Хамса: Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 томлик. 8 т. – Т.: Фан. 1991. – Б.74.

фикр юритар экан, умр муваққатлиги туфайли унинг хайрли самараси ҳақида қайғурмок кераклигини алоҳида таъкидлайди. Мутафаккир “Камол эт қасбким” деб даъват қилганида комил инсонга хос ижобий хусусиятларни назарда тутади:

*Камол эт қасбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайніх,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ<sup>7</sup>.*

Мутафаккир эл-юрт баҳт-саодати ва камолотини ақл-идрок ва илм- маърифатда кўради:

*Илми дин қасб қилки, суд эрмас,  
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.  
Лекин ул илм дөги наф этмас,  
Билибон бўлмаса амал қилмоқ<sup>8</sup>.*

Инсон камолоти қасб-хунар эгаллаб, уни такомилга етказиш, илм йўлида машаққат чекиб, маърифатли бўлиш, табиатини тоза сақлаб, хулқини гўзал қилишни назарда тутади. Мутафаккир фикрича, инсон комиллиги негизида илм олиш ва унга қатъий амал қилиш ётади. Илм диний ва дунёвий билимлар уйғунлигига намоён бўлади. Кишилик цивилизацияси тараққиётiga катта ҳисса қўшган аксарият улуғ аждодларимиз диний ва дунёвий билимларни чукур ўрганиб, ҳар икки йўналишда бирдек самарали ижод қилган. Айни бу жиҳат баркамол авлодни тарбиялашда инсоният

<sup>7</sup> Навоий А. Хазойин ул-маоний: Гаройиб ус-сигар. МАТ. 20 томлик. 3 т. – Т.: Фан. 1988.– Б.529.

<sup>8</sup> Навоий А. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томлик. 5 т. – Т.: Фан. 1990. – Б.510.

яратган жами эзгу қадриятлардан самарали фойдаланиш кераклигини күрсатади. Ҳодиса ва жараёнларга қўп муқобилли, ночиликли ёндашув синергетик методологиянинг тадқиқот усусларидан, уйғунлик, яхлитлик ва ҳамжиҳатлик эса тадқиқот обектларидан ҳисобланади.

Инсонга танлаш имконияти берилганда эса, у табиатан мавжуд қарорлардан энг кам куч талаб қиласидиган осонини танлашга ҳаракат қиласиди. Аммо тараққиётнинг мавжуд муқобилларидан қайси бири танланишини омма онгидаги устувор ижтимоий қадриятлар белгилаб беради<sup>9</sup>. Миллий ва умуминсоний қадриятларга юксак ҳурмат руҳида тарбияланган инсон ҳар қандай вазиятда ҳам бурч ва мажбуриятларига мос иш тутади.

Ҳар қандай мураккаб реалликнинг ўз тузилмаси, ривожланиш қонуниятлари бўлиб, синергетик методология тартибсизликдаги тартибни, мураккабликдаги оддийликни кўриш имконини беради. Буни Алишер Навоий ҳикматлари мисолида айтадиган бўлсак:

*Жаҳл аҳли бирла, кимгаки улфат бўлгай,  
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай<sup>10</sup>.*

Навоий ушбу мисралар орқали инсонларни жоҳил кишилар билан дўст ва улфат бўлишдан огоҳ этиб, улардан юз минг офат етиши мумкинлигини ва бунинг чораси улардан йироқ бўлиш ва ақл билан иш тутиш эканини айтиб, тартибсизликда тартиб ўрнатишнинг содда йўлини кўрсатади. Чунки қайта алоқа тамойилига мувофиқ,

<sup>9</sup> Терещенко А.Г. К вопросу о методологии изучения социальной адаптации личности в кризисном обществе // Сибирский психологический журнал. –Иркутск: 2005. –№5. –С.30.

<sup>10</sup> Навоий А. Ҳикматлар. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Муталлибов С. – Т.:Faafur Fулом. 1968. – Б.15.

ижтимоий актордаги ғазаб, жаҳл, зўравонлик унга жавобан янада кучлироқ тажовузни келтириб чиқариши<sup>11</sup> оқибатида ёвузликлар содир бўлишини яхши англаган мутафаккир шундай ёзади:

*Кишига неча келса мушкул ҳол,  
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.  
Кесак отқонга чекар юмрук,  
Тўни йиртуқ дурур, сақоли юлук<sup>12</sup>.*

Объектив реалликни идеал нормативларига мос равища янгилаш қадрият тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, қадрият – бу идеалнинг прагматик аспектини моддий тимсолидир. Исталган конкрет бир жамиятнинг қадриятлар тизими ўша жамиятнинг маданияти даражасига боғлиқ бўлади. Маданият равнақи ва гуллаб яшнаши оддий атTRACTорга тортилиш (хаосдан янги тартибга ўтиш) билан, маданий тушкунлик эса ғалати атTRACTорга томон ҳаракатланиш орқали содир бўлади. Алишер Навоий хайр-саховатга тўла ибратли ҳаёти ва фаолияти, эзгу ҳикмат сингдирилган асарлари билан ўзини буюк атTRACTор сифатида намоён этади.

*Ўн саккиз минг олам ошуви агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур<sup>13</sup>.*

Аслида ҳар бир инсон – бир олам. Буюк шоир буни жуда чиройли таърифлаб, “Ўн саккиз минг ошуви”

<sup>11</sup> Морен Э. Метод. Природа Природы. Перевод с французского Е.Н.Князевой. –М.: Прогресс-Традиция. 2005. – С.17.

<sup>12</sup> Навоий А. Махбуб ул-қулуб. Муншоат. Вакфия. МАТ. 20 томлик. 14 т. – Т.: 1998. – Б.109.

<sup>13</sup> Навоий А. Хазойин ул-маоний. Бадоев ул-васат. МАТ. 20 томлик. 5 т.. – Б.119-120.

инсон эканини ёзади. “Ошуб” сўзи ғавғо, тўполон, деган маъноларни англатади. Демак, бунда ўн саккиз минг олам ғавғосини енгган киши комил инсондир, деган талқин бор<sup>14</sup>.

Навоий инсонда илоҳий етукликни, илоҳда инсоний гўзалликни кўра олган. Мутафаккир ўзи сифинган илоҳий қудрат, навқиронлик, баркамоллик, ҳайратомуз синоатни, жисмоний ва ақлий тенгсизликни йигитлар сиймосида тажассум эттирган бўлса, ажаб эмас. Ҳар қалай, асарга ўн саккиз минг оламни мушоҳада этишга қодир, ўн саккиз минг олам дарди билан яшайдиган, ақлу заковати ўн саккиз минг олам тилсимларини еча оладиган, ўн саккиз ёшли инсон сиймоси сабаб бўлган. Эҳтимол, бу Навоий орзу қилган комил инсондир. Эсли-хушли, заковатли, ғайрат-шижоатли замондош йигит-қизлар олдида шундай улкан муаммо, вазифа, орзу ва мақсадлар туродики, уларни қўлами ва салмоғи ўн саккиз минг олам ошубидан кам эмас. Чинакам инсон учун ўн саккиз ёш – шундай масъулиятли даврдир<sup>15</sup>.

Алишер Навоий инсонни мукаррам зот, ўн саккиз минг оламнинг соҳиби деб улуғлайди, унинг зиммасига улкан масъулият юклайди.

---

<sup>14</sup> Низом Т. “Ўн саккиз минг олам”ми? // [Электрон ресурс] <https://hidoyat.uz/9497> (Мурожаат санаси: 18.10.2022).

<sup>15</sup> Жумахўжа Н. Ўн саккиз ёш ҳайратлари // [Электрон ресурс] <https://m.facebook.com/zyouzcom/photos/a.373223226097960/422685454485070/> (Мурожаат санаси: 18.10.2022).

## ДИНИЙ ТАФАККУР ЭВОЛЮЦИЯСИ: ИСЛОМИЙ ДУНЁҚАРАШ ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ

Жонибек ЖУМАЕВ,

*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот  
маркази илмий ходими*

Маълумки, дин инсонлар юриш-туришини тузатиш, кишиларнинг маънавий-ахлоқий, ички ва ташқи дунёсини тарбиялаш, жамият ахлоқий норма ва қоидасини ишлаб чиқишида концепция вазифасини бажаради. Шу ўринда, ислом дини ва ислом тафаккурини кишилик жамиятининг маънавий ва ахлоқий тараққиётига қўшаётган ҳиссасига тўхталиб ўтамиз.

Барча яхшиликлар, эзгу амалларни кесувчи бўлган иллатлар ғоятда кўпdir. Ислом ахлоқшунослиги мана шу иллатларга қарши қурашади ва инсон фазилатларини юксак даражага кўтаришга ҳаракат қиласди. Масалан, ҳасадгўйлик иллати кишининг ички дунёсини заҳарловчи, унинг ўй-хаёлларини йўлдан урувчи тузалмас дард сингариdir. Худога, қиёматга ва охиратга иймон келтирган банда ўзини ҳасад ўтида ёқмайди, аланга олмасдан олдин уни ўчиради. Чунки Пайғамбаримиз Мұҳаммад (С.А.В) мусулмон умматини: “Ҳасадчи мендан эмас”, деб огоҳлантирганлар. Яна бир ҳадиси шарифда: “Мўмин ҳавас қиласди, мунофиқ эса ҳасад”, дейилган. Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятида Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Олов ўтинни “егани”дек ҳасад ҳасанот (яхшиликларни ейди”, деганлар<sup>1</sup>. Ислом

<sup>1</sup> Юнусхон ўғли Одилхон қори. Эзгулик кушандаси. – Т.: Шарқ. 2018. – Б.5-6.

таълимотини чуқур ўрганар эканмиз, унда қўлланаётган ҳар қандай тушунча ёки сўз алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир мўмин киши мусулмон бўлиши мумкин, аммо ҳамма мусулмон ҳам мўмин бўла олмайди. Бу тўғрида Пайғамбаримиздан қуидаги ҳадис айтилган: саҳобалардан Саъд ибн Абу Ваққос: “Эй Аллоҳнинг Расули! (Мўминларга бериладиган моллардан) фалончига бериб, фалон кишига бермадингиз? Ҳолбуки, у ҳам мўмин эди”, деганида Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам: “Уни мўмин эмас, мусулмон дегин”, дедилар.

Исломий тафаккурнинг вужудга келиши ва уни жоҳилия давридаги қонунлардан рози бўлиб, бундан ўз манфаати йўлида фойдаланган жоҳиллар устун бўлган жамиятда қарор топтириш осон иш эмас эди. Ислом жамоавийликни устун қўювчи, тенглик, хурфикрлилик, инсонпарварлик ва ҳақчилликни олий мақомга кўтарувчи муқаддас динdir. Жоҳилия даврида “фарр” соҳибининг ҳукми мутлақ бўлган ва унга ҳеч ким эътиroz билдира олмаган. “Халқ ҳукми”, “халқ иродаси” деган тушунчалар ўша давр учун нотаниш. Ислом эътиқоди бу қарашларни тубдан янгилади. Қуръони каримда инсоннинг ердаги халифа экани қайта-қайта таъкидланиб, тавҳид эътиқодини қабул қилганлар ўзаро teng, биродар деб қабул қилинди. Мусулмонлар жамоаси маъносини билдирувчи “умма” тушунчаси шаклланди. Унинг ҳеч бир аъзоси Аллоҳ олдида ўзгалардан ортиқ имтиёзга эга эмас эди. Албатта, “умма”нинг моҳияти бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда ҳам тўлиқ англаб етилгани йўқ. Исломдаги умма тушунчаси аста-секин теранлашиб, маънавий, сиёсий ҳаётдаги қатор ўзгаришлар натижасида VIII асрнинг иккинчи ярми – IX асрнинг бошларида минтақада ягона миллат шаклланди.

Пайғамбаримиздан қолган ҳадиси шарифлар ҳам ислом

оламида Куръони каримдан кейинги ўринда туради. Ундаги ҳар бир жумла рационаллик ва диний тафаккурдан далолат берип, ахлоқий дунёқараашни сайқаллаш ва асраб қолишга даъват этади. Хусусан, бир ҳадисда кишиларнинг қандай яшashi кераклиги қуидагича келтирилади:

*“Сизга насиҳатларим шулардан иборатки, аввало, Аллоҳга тақвода бўлинг, чунки тақво барча ҳайрли ишларнинг бошидир. Куръон тиловати ва Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлинг, зеро, зикр сиз учун осмонда шухрат, ер юзида нурдир. Доимо ҳомушилик ва сукутда бўлинг, ҳақ сўзни айтишидагина жсим турманг. Шунда шайтонни қувган бўласиз. Ҳамда динингиз учун тўғри иш тутган бўласиз. Кўп кулишиликдан сақланинг, чунки серкүлгилик қалбни ўлдиради ва юзнинг нурини ўчиради... Мискинларни дўст тутиб, улар билан бирга ўтиринг, молу дунё ва илм юзасидан ўзингиздан паст одамларга боқинг, аммо бу жиҳатдан ўзингиздан юқори одамларга қараманг, акс ҳолда Аллоҳнинг сизга берган неъматларига шукур қилмаган бўласиз. Қариндошлиарингизга силай раҳмда бўлинг, гарчи улар узилишиб кетган бўлса ҳам. Аччиқ бўлса-да, ҳақ сўзни сўзланг. Аллоҳ йўлида маломат этгувчиларнинг маломатидан қўрқманг. Одамлардаги айбларни гапиришиликдан ўз айбингиз тўсиб турсин. Уларга ўзингиз ҳам қиладиган ишларга газаб қилманг. Учта сифатга эга бўлган киши айбли ҳисобланур:*

- ўзидағи айбларни кўрмай, ўзгалардагини кўрса;*
- ўзида ҳам бор (айбли) ишда бошқаларни ҳам айблаб, устидан кулса;*
- сұхбатдошига азият берса.*

*Эй Абу Зарр тадбиркорликдек ақл йўқ, таъмасизликдек тақво йўқ, яхши хулқдек олий насаф йўқ<sup>2</sup>.*

<sup>2</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Минг бир ҳадис. – Т.: Фофор Ғулом. 2017. – Б.101-102.

Исломий тафаккур дунёning ўзгаришига, унинг тараққиётига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Ўрта асрларда кишилик жамиятининг ривожланишига ўзининг юксак илмий мероси билан ҳисса қўшган алломалар, қомусий олимларниң барчаси мусулмон бўлган. Бу ўринда ислом илм дини эканини эслатиш жоиздир. Ислом ҳазораси ўзининг кенг қамровлиги, изчилиги ва креативлиги билан ажралиб туради.

“Цивилизация” сўзи араб тилида “тамаддун” (ҳазора) маъносини англатади ва шаҳарлик мазмунини беради. “Тамаддун” сўзи ҳам луғатда “шаҳарда муқим яшамоқ” маъносини англатади. Арабларда “Фалончи ҳазорий, фалончи бадавий”, деган сўзлар бор бўлиб, “бадавий” деганда сахрова, шаҳардан узоқда истиқомат қиласиганга, “ҳазорий” эса бу тушунчанинг аксиdir. Кейинроқ “тамаддун” ўзаро қўмак ва ёрдамлашиш асосида шаҳардаги ҳаёт тарзи тушунилган. Шунингдек, шахс сабабли пайдо бўлган, ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларида ривожланган билимлар, маънавият, ижтимоий, сиёсий, маданият, шунингдек, давлатнинг ҳар хил соҳаларида маълумот ва фикр алмашинуви тушунилган.

Тамаддун ҳақида Ибн Халдун қуйидагича фикр билдиради: “Инсон ҳаётида зарур бўладиган нарсаларга қўшимча саналган ҳолатлар бўлиб, у ижтимоий ва моддий маданият, фаровонлик кабиларда кўринади”<sup>3</sup>. Ислом тамаддуни кишиларни тенгликка чорлайди. Бу эса ислом ҳазорасининг инсоний томонларидан биридир. Пайғамбаримизнинг “инсонлар одамдан, одам эса тупроқдан яралгандир. Арабнинг ажамга, оқнинг қорага тақводан бошқа ҳеч бир устунлиги йўқдир”, деб Қурайш қабиласи олдида таъкидлаган сўзларидан ислом негизида тенглик ва

<sup>3</sup> Аҳмад Шалабий. Тарих ал-ҳазора ал-исламия. – Қоҳира: Мактабату вахба. 2012.

бағрикенглик тамойиллари борлигини билиш мүмкін.

Исломий тафаккурда яхши кишиларнинг сифатлари ҳақида турли оятлар ва ҳадислар келтирилади. Масалан, минг бир ҳадис китобидаги 537-ҳадисда қуйидагилар келтирилади: *“Нуқсонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, иффатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиласидиган одамга қўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтар олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишиларга нақадар яхши! Илмига амал қиласидиган, ортиқча дунёсидан хайр-эҳсон қиласидиган, бехуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир”*<sup>4</sup>.

Биз юқорида ҳадислардан кўплаб намуналар келтирдик. Ушбу ҳадисларни тўплаган муҳаддис олим И мом Бухорийнинг мероси муқаддас китоблар сифатида қаралади. “И мом Бухорий тўплаган ҳадисларда, – деб ёзади Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, – нафақат Ислом дини таълимотига оид қоидалар акс эттирилган, балки меҳр-муҳаббат, ҳалоллик-поклик, саҳйлик, ота-она, катталарга хурмат, етим-есир, бева-бечораларга муруват, меҳнатсеварлик, ваганга муҳаббат каби олийжаноб инсоний фазилатлар ҳам етарлича баён қилинганд”<sup>5</sup>.

Инсон борлик, жамият ва унинг ахлоқий таянчлари, диннинг ахлоқий тамойиллари ҳақида турли таълимотни ишлаб чиқди ва уни амалиётга жорий қила бошлади. Тасаввуф ана шундай таълимотлардан бири бўлди. Инсонлар Аллоҳ таоло томонидан яратилган мавжудот бўлиб, У билан аҳду паймон қилган. Дунёга келгач, моддий оламнинг

<sup>4</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Минг бир ҳадис. – Т.: Фоғур Ғулом. 2017 – Б.184.

<sup>5</sup> Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: Шарқ. 2005 – Б.49.

ташвишлари, ўткинчи ҳавасга берилиб, келишган аҳдларини ёдан чиқармоқда. Шунингдек, қалбида Аллоҳдан бошқа нарсага меҳр қўйиб, яширин ёки очик ширкка йўл қўймоқда. Шу нуқтаи назар билан ёндашадиган бўлсак, тасаввуфнинг бош ғояси ва мақсади – “Инсонга Аллоҳ билан қилган аҳду паймонни эслатиш, унинг зарурати ва сирларидан хабар бериш ва унинг фитратида мавжуд бўлган Аллоҳга эришмоқ орзусини бу дунёдаёқ рӯёбга чиқармоқ йўлларини кўрсатишдан иборатdir<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз ҳаётлик пайтларида бирор кишида савол туғиладиган бўлса, келиб саволига жавоб топиши мумкин эди. Лекин, У Зотдан кейин ҳам умматлар орасида саволлар пайдо бўлди ва уларга Куръони карим ва ҳадислардан жавоб топилди. Муҳаддислар, мутафаккирлар, мутакаллимлар ва уламолар бу ишларни ўз зиммасига олди. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, тасаввуф таълимоти Пайғамбаримиз ҳаётлиги вақтидан бошлаб юзага келган.

Тасаввуф илмининг негизи Пайғамбаримиз ҳаётлигига пайдо бўлган ва тасаввуфнинг барча тариқатлари ўзини айнан Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) ҳазратлари билан боғлайди. Пайғамбаримиз таълимоти оддий тилда илми сафина – китобий билим ва илми сийна – дилдаги билим деб аталади. Биринчиси уламоларнинг доктринал таълимотида бўлса, иккинчиси сўфийларнинг қатъий эзотерик, мистик таълимотида мужассамлашган<sup>7</sup>.

Дунё илм фанида тасаввуфнинг тури ва йўналиши кўп. Яхудий тасаввуфи, христиан тасаввуфи, буддавийлик тасаввуфи. Ислом тасаввуфи қолганларидан Куръон ва ҳадисларга асослангани билан фарқланади. Бу эса унинг жилосини ва мазмунини янада бойитади. Чунки илоҳийлик

<sup>6</sup> Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол. 1999. – Б.20.

<sup>7</sup> Субхан Джон А. Суфизм. Его святые и святыни. –М.: – С.П. 2005. – С.11.

ҳисси билан бойитилган таълимот инсонга ижобий таъсир этади.

Тасаввуф таълимоти диний тафаккурни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Бу таълимотини ўрганишимиздан мақсад:

Биринчидан, тасаввуф таълимоти қўйидаги илмлар билан бойитилган, яъни мистик, эстетик, маънавий ва ахлоқий. Чунки диний тафаккурнинг шаклланишида мистик билимлар мухим аҳамият касб этади;

Иккинчидан, тасаввуф таълимоти ислом дини ғояларини оддий кишилар жамоаси учун содда тилда билан тушунтириб берган;

Учинчидан, рух ва жон бирлиги, ботиний фазилатларни шакллантириш, қалб гўзаллигига эришиш, нафсни жиловлаш каби ғоялар билан бойитилган.

Тасаввуф ғоялари сарчашмалари ҳисобланган сўфийлар ҳақида сўзюритганда, биринчи сўфийлар кимэди деган саволга ҳам турлича жавоблар мавжуд. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида келтирилишича, биринчи сўфий киши Одам алайҳиссаломнинг ўғли Шиш деган киши бўлган. У оқ пўстин кийиб юргани учун ҳам шу номни олган эди. Шу тоифага ўзини мансуб деб билганларни сўфийлар деб аташган. Алишер Навоийнинг “Насоимул муҳаббат мин шамоилул футувват” асарида эса Увайс Қараний тилга олинган бўлиб, у киши Муҳаммад (С.А.В) нинг замондошлари бўлган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс мин Ҳазарот ул-қудс”да сўфий сифатида Абдуҳошим Куфий тилга олинади<sup>8</sup>.

Тасаввуфда тариқатларнинг қўплиги эътиrozларга сабаб бўлмайди. Чунки Аллоҳга олиб борадиган йўллар банданинг нафас саноғичадир. Шу ўринда тасаввуф

<sup>8</sup> Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. – Т.: Мовоунахр. 2009. – Б.447.

таълимотининг мақсади ва у илгари сурадиган ғоялар ҳақида фикр юритсак. Зоро, бу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Аллоҳни бандаларга севдирмоқлик осон ишдир. Лекин, бандаларни Аллоҳга севдирмоқлик қандай бўлади. Чунки бандаларни Аллоҳга мақтаб севдириб бўлмайди. Банда битмас фазилатлар эгаси, чексиз муҳаббат ва қудрат соҳиби эмаски, уни Аллоҳ севса. Аллоҳ таоло қуидагича амр этади:

**“Айтинг (эй Мұхаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечиргувчи ва раҳмлидир”** (Оли Имрон, 31-оят)<sup>9</sup>. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиргувчи ва раҳмли Зотдир. Аллоҳни севиш орқали У амр қилганларга итоатда бўлишимиз лозим. Чунки Аллоҳга таъма қилиб бўлмайди.

Робия Адвия (714–801) исмли сўфий аёл қуидагича нола қиласр эди: “Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг таъмаида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир – минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!”<sup>10</sup>. Юқоридаги илтижо замирида тасаввуф таълимотининг ғоя ва мақсади мужассамлашган, десак хато бўлмайди. Зоро, ҳақиқий муҳаббатга таъма қилинмайди. Илоҳий ишқ эгалари итоатни муҳаббат билан қарши олади.

Демак, Аллоҳни севиш орқали яхшиликка интилиш мумкин. Тасаввуф таълимотидаги сўфийлар буни қалбан ҳис этган. Илоҳий ишқ инсонни муҳим ишлар қилишга ундейди. Нафснинг ҳар қандай орзуларини жиловлайди.

<sup>9</sup> Абу Ҳомид Фаззолий. Мукошафатул қулуб (Қалблар кашфиёти), – Т.: Фофур Ғулом. 2018. – Б.38.

<sup>10</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: ТошДШИ. 2006. – Б.3.

Банданинг Аллоҳга суюкли бўлиш йўли шу каби ишлардан бошланади. Шу ўринда айтишимиз керакки, тасаввуф худога қўшилиш ёки худо билан бирлашиш тўғрисидаги таълимот эмас, балки худони билиш ва унга етишиш хақидаги таълимотdir.

Тасаввуф Куръондан куч олади. Яъни тасаввуфда мавжуд бўлган қарашларнинг барчаси Куръондаги оятлар билан далилланади. Бу ҳодисани барча муаллифларнинг ижодида кўришимиз мумкин.

Илм эгалари бўлган олимлар ислом динида қадрланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В): “*Инсонларнинг энг фазилатлиси мўмин олимлардир, улар жамиятда бирор нарсага эҳтиёж тугилса, уни қондиришида фойда келтирадилар, агар эҳтиёж бўлмаса, руҳингизни бойитадилар*”, дедилар. Бундан кўринадики, илм эгалари ислом динида гоятда қадрлидир. Инсонни икки нарса ҳалок қилиши мумкин: бири илмсизлик, иккинчиси мол-давлатга ўчлик. Имом Шофеъий бундай дейди: “Ким Куръонни ўрганса, қадри ортади. Ким фикҳни ўрганса, ҳурмати ошади. Ким ҳадис ўрганса, ҳужжати кучли бўлади. Ким ҳисобни ўрганса, фикри ёрқинлашади. Ким ажойиб нарсаларни ўрганса, юмшоқ табиатли бўлади. Ким нафсини тия олмаса, илми унга фойда бермайди”<sup>11</sup>. Тасаввуф таълимоти ҳам айнан нафсни жиловлаш, мол-давлатга ўчлик устидан ҳукм ўтказиш каби гояларни илгари суради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тасаввуф таълимоти “фикҳи ботин” бўлиб хизмат қиласи. Инсоннинг ботинида Аллоҳни топиш ва Унинг ризосига эга бўлиш, ахлоқий фазилатларни шакллантириш учун амал қилиниши керак бўлган қоидаларни ўргатадиган таълимотdir.

<sup>11</sup> Фаззолий Абу Ҳомид. Мукошафатул кулуб (Қалблар кашфиёти), –Т.: Фоғур Ғулом. 2018. – Б.442.

## ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Суҳроб ЭРГАШЕВ,  
*Ином Бухорий халқаро илмий-  
тадқиқот маркази илмий ходими*

Жамият ҳаётининг турли соҳаларини тадқиқ қилиш ижтимоий фан соҳа вакиллари олдидаги энг муҳим вазифа бўлган. ХХ аср бошлари Туркистон таълим тизимидағи ўзгаришлар ҳам кўпчиликнинг диққатини тортган. Туркистоннинг ҳар бир вилояти мисолида маориф тизимидағи ўзгаришларни таҳлил қилиш, ўлка тарихини янада кенгроқ ўрганишга хизмат қилади.

Юртимизнинг ҳар бир худудида, хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам анъанавий таълим муассасалари фаолият олиб борган. Чор империяси тизимида эски мактаб ва мадрасалар билан бирга, рус мактаблари қурилиши кўпайтирилган. Бу типдаги мактаблар орқали аҳоли орасида рус тили ва маданиятини кенг ёйиш ишлари амалга оширилган. 1899 йил Самарқанд вилоятида мавжуд таълим муассасалари сони 1675 та (31 та мадраса, 615 та эски мактаб) ни ташкил этган<sup>1</sup>. 1899 йил вилоятда умумий таълим олувчилар сони 16682 киши бўлса, 1905 йилда ўқувчилар 21627 кишини ташкил этган<sup>2</sup>. 1905 йилда жами 1891 та таълим муассасаларидан 91 таси мадраса, 1755 таси

<sup>1</sup> Обзор Самаркандской области за 1899 год. Издание Самарканского областного Статистического Комитета. –Самарканд: Товарищество. 1902. – С.144.

<sup>2</sup> Обзор Самаркандской области за 1908 год. Издание Самарканского областного Статистического Комитета. – Тошкент: Среднеазиатская Жизнь. 1906. – С.109.

мактаб ҳисобланган. Шу йили рус таълим муассасаларида 2088 нафар, маҳаллий (туземний) мактабларда 19539 нафар ўқувчи таълим олган. 1904 йилга нисбатан муассасалар сони 110 тага ошгани ҳолда, иккала жинс ўқувчилари сони 852 нафарга кўпайган.

Туркистон ўлқасининг бошқа вилоятлари каби Самарқандда ҳам ўқувчилартаркиби ватаълим муассасалари сони йилдан йилга ошгани кузатилади. 1905-1910 ўқув йилини бир-бири билан таққослаган ҳолда ўқувчилар таркибини ўргансак, аҳоли орасида илм олишга рағбат доимо ўсгани кўзга ташланади. Бу ҳолатни 1910 йилда Самарқанд вилояти маориф тизимида таълим муассасалари 2177 тани ташкил этгани ва жами 23861 нафар (шундан 1929 нафар қиз) болалар ўқиши билан банд бўлганидан ҳам кузатиш мумкин<sup>3</sup>.

Таълим муассасалари 1905 йилга нисбатан 286 тага, ўқувчилар сони 4322 кишига кўпайган. Аммо рус ва маҳаллий таълим тизимида фарқ нисбати ажратиб туради. Масалан, 1910 ўқув йили рус ўқув муассасаларида ўқувчилар жами 2606 киши бўлиб, 1905 йилга нисбатан 518 кишига кўпайган. Маҳаллий аҳоли 20142 киши (1910 ўқув йили) бўлиб, 1905 йилга нисбатан атиги 603 кишига кўпайган.

Маълумки, октябрь инқилобидан сўнг, 1918 йил 23-январда совет хукумати черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида фармонни қабул қилган. Фармонга кўра, диний таълим билан боғлиқ мавзулар таълим тизимидан чиқарилади. Бу маданий инқилобнинг асосий вазифаси сифатида “Совет фуқароларининг шахсий эътиқодига марксистик-ленинистик мафкура тамойилларини киритиши” эканини яққол намоён этади. Совет хукумати шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият барпо этишга

<sup>3</sup> Обзор Самаркандской области за 1908 год. Издание Самаркандского областного Статистического Комитета. – Самарканд: Товарищество. 1912. – С.64-67.

киришган. Ҳатто совет хукумати социалистик маданий революция озгина вақт давом этадиган иш бўлмай, балки социалистик маданиятни барпо қилиш ва ривожлантириш узоқ давом этадиган жараён эканини чуқур анлаган<sup>4</sup>.

“Маориф ва ўқитувчи” ижтимоий-сиёсий илмий журнал орқали совет хукумати тарғиботчилари: “Дин-эксплататорлар синфи томонидан меҳнаткашларни эзиш учун қурол бўлганидан, пролетариат синфининг синфий мактаби бўлғон. Шўро мактаби динга юқоридағига том динга қарши асосда қарагони ҳолда буржуазия мактаб ёш ўсмирларни диний тарбия билан заҳарлашга катта аҳамият берадир. Синфий кураш ҳамма тарафда кескинлашган ва чуқурлашгани сари буржуазия меҳнаткашларни дин билан заҳарламак учун яна ҳам кўпроқ урунодир”, деб барчани янги социалистик ғояга даъват этган<sup>5</sup>. 1919 ўкув йили Самарқанд шаҳри мактабларида тахсил олаётган жами 6533 нафар (шундан 1818 нафари қиз) ўкувчилар ҳам социалистик ғоя доирасида таълим-тарбияга йўналтирилган<sup>6</sup>.

1. Руслар шаҳри	Қатнашувчилар сони		
	Ўғил болалар	Қизлар	Жами
Рус мактаблари			
1-босқич	668	693	1361
2- босқич	675	581	1256
3- босқич	103	90	193
Намунавий мактаб	68	56	124
Хунармандчилик мактаби	52	-	52
Боғдорчилик мактаби	145	55	200
Миллий мактаблар	437	160	597
1 ва 2-сон болалар боғчаси	105	105	210

<sup>4</sup> Арнольдов А.И. Коммунизм ва маданият. – Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти. 1961. – Б.6.

<sup>5</sup> “Маориф ва ўқитувчи” ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбиявий, адабий, фанний, илмий журнал. 2-3 сон. – Самарқанд: 1929. – Б.25.

<sup>6</sup> Самарқанд вилоят архиви. Фонд-104, Опис-1. ед.хр -61.

**«Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари:  
изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар»**

<b>Жами:</b>	2253	1740	3993
<b>Махаллий шаҳар</b>	Ўғил болалар	Қизлар	Жами
Махаллий мактаб	2371	49	2420
Яҳудий мактаб №1	91	29	120
<b>Жами:</b>	2462	78	2540
<b>Жами биргалиқда:</b>	4715	1818	6533

1923 йил Маориф Халқ Комиссарлиги таркибида қайта ташкил этилган Бош Вақф бошқармаси барча анъанавий таълим муассасаларини босқичма-босқич қайта рўйхатдан ўtkазиш ишини амалга оширган. Рўйхатдан ўтган мадраса ва мактаблар советлаштирилиб, қайта очилган. Биргина Самарқандда 58 та мадраса ва 45 та мактаб рўйхатга олиниб, булардан 7 та мадраса, 13 та мактаб қайта ташкил этилган<sup>7</sup>. Бош Вақф Бошқармаси баъзи таълим муассасаларига ҳомийлик ишларини ҳам амалга оширган. Масалан, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида жойлашган вақф назоратидаги 1-босқич 5 та мактаб, 1 та намунавий мактаб ва 2 та интернат шулар жумласидан эди.

Бош Вақф Бошқармасининг Самарқанд вилояти бўйича бўлимлари мактаб ва мадрасаларни советлаштириш билан бирга, социалистик гояни кенг тарғиб қилишга шароит ҳозирлаган. Мисол учун, жами 250 талаба Самарқанд, Хўжанд, Кўқон ва Тошкентда шу типдаги қисқа муддатли курсда қайта ўқитилиб, ишга йўналтирилган. Шунингдек, 1923 йил Самарқанд вилоятида шакллантирилган сиёсий ва маърифий ташкилотлар социалистик тарғибот ишларини олиб боришда муҳим ўрин тутган<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Даниил Мелентьев. Роль главного вакфного Управления в советизации Мусульманского образования и становлении советской сети школ в Туркестане. Журналъ: Исламология. Том 8. №1. 2018.

<sup>8</sup> Самарқанд вилоят архиви. Фонд 104, Опис 1 ед. хр 84.

<b>Жой номи</b>	<b>Кутубхона</b>	<b>Сиёсий мактаб</b>	<b>Клублар</b>	<b>Марксистик түгарақлар</b>	<b>Сиёсий түгарақлар</b>	<b>Кизил чойхоналар</b>	<b>Денекон уйи</b>	<b>Фуқаролик бўлими</b>
Самарқанд	3	1. Вокзалда 2. Комсомолда 3. Парк олдида	10	1	5	2	1	10
Хўжанд уезди	3	1	1	-	1	5	-	4
Катта-кўрғон уезди	1	-	1	-	1	2	-	2
Жиззах уезди	1	-	2	-	2	-	-	4
Сулюкта	-	-	-	-	2	-	-	2
Жами	8	4	14	1	11	9	1	22

1924 йил 1-апрелдан бошлаб советлаштирилган таълим муассасалари Маориф Халқ Комиссарлигининг ягона меҳнат мактаби программаси асосида машғулот ўта бошлаган<sup>9</sup>. Эски анъанавий таълимда педагогик иш Вақф бошқармаси дастури асосида шакллантирилиб, 50 фоиз дарс режаси диний ахлоқ ва Қуръон ўргатиш учун ажратилган. Советлаштирилган мактабларда эса 90 фоиз совет ўқитувчи ходимлари билан шакллантирилган. Мутахассисларни қайта тайёрлаш учун биргина Самарқандда 60 киши

<sup>9</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркистане (1865-1924 г). – Москва: Издательство Академии педагогических наук РСФСР. 1960. – С.450.

ва Каттақўргонда 40 киши учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Бу ўқув курсларида эски мактаб ўқитувчилари қайта ташкил этилган совет меҳнат мактабига тайёрланган. Бу ҳолат эски мактаб тизимини бутунлай тугатиб, социалистик маориф ва маданиятини тиклашда асосий восита бўлган.

Хуллас, XX аср бошида Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятлари қатори Самарқанд миллий мактаб дастурида ўзгариш кузатилади. Ўлкада фаолият олиб борган Маориф Халқ Комиссарлигининг Бош Вақф бошқармаси бўлими ёрдамида эски мактаб ва мадрасалар тугатилган. Шунингдек, янги дастур асосида анъанавий таълим советлаштирилиб, социализм ғояси режали асосда жорий этилган.

# БОБУР МАЬНАВИЙ МЕРОСИДА АХЛОҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Бахромжон ФОФУРОВ,  
*ГулДУ кафедра катта ўқитувчиси*

Тарих ўтмишдан, бугунги кун ва келажақдан сўзлайди. Шу маънода ҳар бир миллат, ҳалқ ва давлатнинг ўзига хос тарихи, бугунги қуни ва келажаги бор. Бутун инсоният тарихига эътибор берадиган бўлсак, ўзининг ақл даҳоси билан ўтмишда шуҳрат қозонган буюк алломалар, барпо этган давлати, салтанати билан кўплаб ҳалқлар ҳаётида фавқулодда муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, ўз ҳалқини нурли келажак сари етаклаб, адолатли жамият қуриш йўлида, ҳатто жонини фидо қилган атоқли давлат арбобларининг жаҳон миқёсида ўзига хос ўрин тутганини гувоҳи бўламиз.

Мирзо Бобур ҳам ҳалқимиз маънавияти, илм-фани ривожи ҳамда ўзбек давлатчилиги тарихида ўчмас из қолдирган мана шундай забардаст ва буюк сиймоларимиздан бири эди. Унинг номини Ўзбекистон мустақиллигининг “олтин пойдевори” ни ташкил қилувчи мутафаккирлар: Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби буюк сиймоларимиз қаторига қўяр экан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бу мутафаккир ва давлат арбобларимиз ўзбек ҳалқининг миллий онги, миллий шаъни, фахр-ғурурини ташкил этади<sup>1</sup>, деб кўрсатган эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳалқимизнинг оташқалб фарзанди. Ўзбекистон: миллий истиқлол,

Захириддин Мұхаммад Бобур асос солған бобурийлар салтанати Ҳиндистондек улкан мамлакатни уч юз йилдан ортиқ вақт адл-инсоф ҳамда адолат билан бошқарди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ нафақат Ҳинд халқининг, балки у ерда умргузаронлик қылған бошқа халқларнинг ҳам юксак хурмат эътиборига сазовор бўлди.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг бутун ҳаёти ва ижоди инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. Ҳаёти давомида илм аҳлига ҳомийлик қылған аллома илм-маърифатни юксак қадрлайди. Илмли бўлмоқ учун инсон ўзи ўрганишга киришган илм соҳасига ошно бўлмоғи, унга чин дилдан меҳр қўйиб ўрганмоғи, “илмга толиб” бўлмоғи керак, – деган фикрни илгари суради:

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак<sup>2</sup>.*

Инсон ҳар доим, ҳар нафасда, ҳар қадамда ўз нафсини тия олиши кераклигини, Аллоҳ унга ато этган буюк неъмат – ақл ва тафаккур билан пухта ўйлаб иш юритиши лозимлигини шоир алоҳида таъкидлайди. Чунки нафс ва руҳ муносабатларида нафс хоҳишлари соғ, тоза ва пок руҳнинг душмани бўлиб, унга акс таъсир кўрсатади:

*Нафснинг касбидур ҳаво-ю ҳавас,  
Руҳ олдидаdur булар ярамас,  
Нафс душмани дурур, яқин билгил,  
Дўстим бу сўзимни чин билгил<sup>3</sup>.*

Мутафаккир инсонга берилган ҳаёт деб аталмиш бу улуғ

иқтисод, сиёsat, мағкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – Б.87-88.

<sup>2</sup> Бобур. Танланган асарлар. – Т. Ўқитувчи. 1976. – Б.72.

<sup>3</sup> Хўжаев Ф. Бобур – гуманист, маърифатпарвар. - Т. Ўқитувчи. 1983. – Б.17.

неъматнинг ўзига хос паст-баландликлари, қонуниятлари борлигини, вафо ва жафо, яхшилик ва ёмонлик ҳеч қачон жавобсиз қолмаслигини, ўзининг бутун моҳияти билан фалсафий мазмунга эга бу қарама-қарши тушунчалар доимо инсонни юксакликка, ҳаётсеварликка, яшаш учун курашга чорлашини, ҳар бир киши одамларга нисбатан яхши, самимий, очик қўнгил бўлишини, яхшилик қилиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтади:

*Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!  
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
Ким, кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!*<sup>4</sup>

Эзгу ниятли киши ҳеч қачон ёмонлик кўрмайди, унинг одамларга қилган яхшилиги, албатта, охир-оқибат муносаб тақдирланади, – дейди мутафаккир:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур<sup>5</sup>.*

Маълумки, улуғ бобомизнинг шоҳ асари “Бобурнома” бўлиб, ундан тарих, этнография, тилшунослик, адабиётшунослик, ўлкашунослик, этика, эстетика, фалсафа, сиёsatшунослик, география ва бошқа жуда кўп илм соҳалари бўйича асосий манбалардан бири сифатида фойдаланиш мумкин.

Бобур ўз асарига нисбатан “Вақоеъ” ва “Тарих” атамаларини ишлатган. Рубоийларининг бирида ўз шахсий ҳаёти, кўрган-билгандарини ва руҳий кечинмаларини баён

<sup>4</sup> Бобур. Девон. – Т.: Фан. 1994. – Б.32.

<sup>5</sup> Бобур. Танланган асарлар. – Т.: Ўқитувчи. 1976. – Б.76.

этиб, шундай ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдим,  
Ҳар ким бу “Вақоєъ”ни ўқур билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдим<sup>6</sup>.*

Бобур ўзининг давлат сиёсатида қонунни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси, ижтимоий адолатни таъминлашга Ўрта аср араб-мусулмон жамияти учун анъанавий диний-илоҳий, муқаддас мақом беради. Бобурнинг Фарғона, Самарқандда ҳам, унинг Кобул ва Шимолий Ҳиндистонда тузган давлатида ҳам ҳукмрон мавқе исломий, шаръий, сунний ҳанафий мазҳаби қонунчилик тизимиға мансуб эди. Буни Бобурнинг буйруғи билан Шайҳ Зайн томонидан тузилган “Фиқҳи Бобурий” ва Бобурнинг ўзи ёзган “Мубаййин” асари, унинг Фармонлари ва Ҳумоюнга “Васияти” каби манбаларнинг мазмун-моҳиятидан билиб олишимиз мумкин.

Айни пайтда қонунни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тартибот муҳофазаси ижтимоий адолатни амалга оширишда бир ўзи эмас, марказий хукумат Девонига кирадиган Дорул-қазо маҳкамаси, унинг тобеъ улус, ўлкалардаги қози-ул-куззотлари, вилоят, шаҳар, туманлар қозикалонлар маҳкамаси, шунингдек, Бобурнинг ўзи тайинлаган маҳсус улуғ Ҳожиблар қўл остидаги зиммийлар – насоролар, яхудийлар, зардуштийлар, ҳинdlар ва бошқа қавмларнинг ўз суд-маҳкамалари орқали бошқарилган. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибиди, Мирзо Бобур ўзининг оқилона давлат сиёсатида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби умуминсоний ғояларга ҳам қатъий амал қилган.

<sup>6</sup> Ўша асар. – Б.98.

“Бобурнома”да ҳар бир мамлакатнинг географик жойлашуви, унда истиқомат қилувчи халқлар, миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари, иқтисодиёти ва бошқаларга аниқ таъриф берилади. Масалан, Бобурнинг Фарғона давлати қавмий-миллий таркибида турклашиб кетган форс-тожик унсурлари “Сорт” номи остида “Бобурнома”да, Навоий асарларида ва бошқа тарихий манбаларда учрайди. Хусусан, Риштон, Марғilon минтақаси аҳолисининг миллий-қавмий таркиби нафақат туркийлардан, балки мазкур “Сорт” табақасидан ҳам иборат эди. “Эли сорттур ва муштзан ва пуршару-шўр элдур. Жангарилик расми Мовароуннаҳрда шоєъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангаралар аксар Марғинонийдур. Соҳиби “Ҳидоя” ҳам Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидиндур”<sup>7</sup>.

Форсий миллатидан Бобур биргина Панжоб Нижровидаги тожик қишлоқни ўз хотиротида қайд қилиб ўтган. “Панжшанба отланиб, Нижровда тожиклар кентига тушулди”<sup>8</sup>.

Кобул, Афғонистоннинг этник, демографик, миллий таркиби ва диний этиқодлари таърифини Бобур қуидаги муҳтасар ва мумтоз хотиротларида қолдирган. Айниқса афғонларнинг саркашлиги, аммо ор-номуслилиги ва қатор ўзига хосликлари “Бобурнома”да ёрқин ифодаланган.

“Муҳталиф ақвом Кобул вилоятида бордур. Жулгасида ва тузларида атроқ ва аймоқ ва аъробдур. Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи кентларида ва вилоётида пашойи ва парожи ва тожик ва бараки ва афғондур. Газни тоғларида ҳазора ва накдариждур. Буларнинг орасида баъзи мӯгулий тил била ҳикоят қилурлар. Шарқи шимолий тарафидағи тоғлар коғиристондур, мисли, Катур ва Габрак

<sup>7</sup> Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча. 1989. – Б.7.

<sup>8</sup> Ўша асар. – Б.228.

ва жануби Афғонистондур.

Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, хиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. Мунча муҳталиф ақвом ва муғойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлғай”<sup>9</sup>.

Афғонистон, Кобул минтақасининг бу қадар аниқ, тўлик, лекин муҳтасар, қисқа баёнда ифодаланган таърифи энг аниқ замонавий миллий-этник, этнографик, топографик, айниқса тил-лаҳжавий таркибига оид лугат, харита, маълумотномаларда ҳам учрамас даражада нодир ватоҳсинга сазовордир. Бу Бобурнинг ўзи эгаллаб, давлатини қурмоқчи бўлган Кобул, Афғонистон ва Хуросоннинг миллий-этник, диний лаҳжавий-тил таркиби, ўзига хослигини нақадар чуқур ўргангани, билгани, бу муаммоларга катта давлат масъулияти билан ёндошганини кўрсатади.

Бобур Мирзо ўз тасарруфида бўлган барча ҳалқларнинг урф - одатлари, миллий анъаналари, тили, диний эътиқоди ва ижтимоий турмуш тарзига чуқур ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлди. Буни биз Бобурнинг турли миллат, тоифа, табақаларга муносабати, уларга нисбатан тутган катта давлат ижтимоий сиёсатининг қуидаги бешта фундаментал принципида кўришимиз мумкин:

- 1) Мазҳаб ажратмай адл - инсоф, риоят муносабатида бўлиш;
- 2) Мол, тирик ҳайвон сўймаслик, туб жой ҳинд ҳалқига риоят ва эҳсон муносабатида бўлиш;
- 3) Миллий - этник маъбудларни бузмаслик, эътиқодий бағрикенглик, ўзаро ишонч ва ҳурматда бўлиш;
- 4) Зулм ўрнига ислом, шариат адлу - инсофи, нашъу - намосини гуллаб яшнатиш;

<sup>9</sup> Ўша асар. – Б.120.

5) Сунний ва шиа ихтилофларига йўл қўймаслик, раъияти ким бўлиши, қайси тоифага мансублигидан қатъий назар ийл ўн икки ой унинг шахсий ҳаёти, аҳволи, таъминоти, кафолатини яратиш<sup>10</sup>.

Маълумки, Ҳинд халқи ўзининг қадимий миллий динлари бўлган сикхизм, ҳиндуизм, жайнизм ва бошқаларга эътиқод қиласди. Турли динларнинг таъсир доираси кучли бўлган бу улкан мамлакатни бошқариш, унинг халқини ягона ғоя атрофида бирлаштириш, одилона сиёsat олиб бориб, марказлашган буюк давлатбарпо этиш ўша даврдаги тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ниҳоятда мушқул ва мураккаб иш эди. Лекин тафаккур олами ниҳоятда кенг, тадбиркор, шижаатли, шерюрак, мард ва баҳодир Бобур Мирзо бу мураккаб ишнинг уддасидан чиқа олди. Чунки диний бағрикенглик маълум маънода Бобур Мирзо ўша даврда олиб борган сиёsatининг устувор йўналишларидан бири эди.

Ватанпарварлик, ҳаётсеварлик, она-юрт, эл-улус олдидағи фарзандлик бурчи, шоҳлик масъулияти, доимо яхшилик, эзгулик, гўзаллик ва комилликка интилиш, дунёвий ҳамда диний илмларни ўрганиш, нафақат ўз халқига, балки тасарруфидаги бошқа элатларга ҳам чуқур ҳурмат - эътибор билан қараш Мирзо Бобур ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа, лекин сермазмун умри давомида яратган асарлари ҳамда давлатчилик фаолияти билан ҳалқимизнинг маънавий камолоти юксалишига катта ҳисса қўшди. Шоир, олим, саркарда ва давлат раҳбари сифатида ўзининг бутун ҳаёти давомида инсонпарварлик, ҳалоллик, дўстлик,

<sup>10</sup> Бу принциплар Бобурнинг 1528 йилда ўғли Ҳумоюнга қилган “Васияти”да ўз ифодасини топган эди.

адолат, имон-эътиқод, меҳнатсеварлик, севги-муҳаббат, ватанпарварлик каби илғор ва бунёдкор ғояларни илгари сурди. Бу алломанинг ўзига хос ҳаёт фалсафаси эди.

Ҳозирги пайтда кўп миллатли мамлакатимиз сиёсатининг устувор ғоялари бўлган Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ижтимоий ҳамкорлик, ҳалқфаровонлиги, комилинсон, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳакозолар Мирзо Бобур ижодининг ва амалий фаолиятининг ҳам марказий ғояларидан бўлган. Шу маънода, Бобурнинг маънавий мероси айниқса бугунги Ўзбекистонда юз бераётган янгиланиш, ривожланиш ва юксалиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, бизнинг фикримизча Мирзо Бобур ўзининг катта давлат сиёсатида амалга оширган юқоридаги каби ғоялар нафақат XV-XVI асрлар учун, балки кейинги даврлар учун ҳам, айниқса ҳозирги замон давлатлари ҳамда ҳалқаро ташкилотлари учун ҳам дастуриламал вазифасини бажаради.

# ЁШЛАРИМИЗ ОНГИГА МИЛЛИЙ МАЬНАВИЯТНИ СИНГДИРИШ ОРҚАЛИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИДАН ҲИМОЯЛАШ

Эштемир ЖУМАЕВ,  
*Қарши халқаро инновацион  
университети катта ўқитувчиси*

Ўзидаги жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиқсан ҳолда ёндашади. “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>1</sup>.

Маънавият – ахлоқ-одоб, ростгўйлик, виждон, ҳалоллик, самимият, иймон, эътиқод, ҳақиқат каби тушунчалар ийғиндицидир.

Авлод-аждодларимиз асрлар мобайнида интилиб келган маънавий ахлоқ, баркамоллик аввало, инсоннинг ўз-ўзини англаши бўлиб, у фақат таълим-тарбия орқалигина амалга оширилади. Ўз-ўзини англаш эса, бошқаларни англашга, демакки, дунёни англашга, унинг сир-асрорларини тушунишга йўл очади.

Халқимизнинг, миллатнинг маънавиятини соғломлаштириш бугунги кунда муҳим заруриятга айланди.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – Б.19.

Бу вазифани амалга ошириш учун ҳар бир инсоннинг қалбини, туйғуларини, ҳиссиётларини тарбиялаш, уларни сергаклантириш, лоқайдликдан чиқариш лозим.

Маълумки, ўтмишни ўрганмай, келажакни яратиб бўлмайди. Халқнинг маданияти қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг маънавий илдизи ҳам шунчалик чукур бўлади. Зеро, ҳар қандай маданият, ахлоқ, урф-одатлар катта инсоний фаолият синовлари, хаётий тажрибалари асосида юзага келади ва авлоддан авлодга мерос қолади.

Халқимиз тарихи ва маданияти эса бир неча минг йиллар давомида шаклланиб, бойиб келмоқда. Бу эса бугунги қўлга киритган ютуқларимизнинг асосидир.

Мустақиллик маънавият асосларини ўқувчиваталабаларга ўргатиш, таълим мазмунини эски усул билан ўқитиб бўлмаслиги ҳаммага аён бўлди. Бу борада асосий эътибор – ўқувчи-талабага қаратилиши керак. Ўқувчи-талабанинг дарсда фаоллиги, таълим жараёнида масъулиятни ҳис этиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ. Ўқитувчи ўқиши учун муҳит, шароит, имконият яратади. Ўқувчи-талабанинг қобилиятига яраша билим беради.

Жаҳон маданияти бешигини тебратган, башариятга бебаҳо тафаккур хазинасини, оламшумул билимлар қомусини қолдирган аждодларимиз меросини чукур ўрганмай туриб, бу вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Юқорида баён этилган мустақиллик маънавият асослари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари асосий мағзини ташкил этади. Бу маънавий бойликни ўзлаштириб олиш кучли тарбиявий аҳамиятга эга.

Шу асосда тараққиётнинг ҳар бир даврида ижтимоий тузум шахслар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантириб боради ва идора қиласади.

Кишилар ўртасидаги мұносабатларда инсонийлик фазилатлари мұхим ақамиятта эга. Чунки улар инсонни маңнавий жиҳатдан камол топтириб, ижтимоий мұхитни вужудға келтиради. Кишиларнинг үзаро яқин алоқалари миллий онгда урф-одат, анъана ва қадриятларнинг умумийлиги, феъл атвортар, савиялар үшашшлиги, айниқса, бир тил воситасида мұомала қилишида кузатилади.

Табиийки, ҳар бир инсон жамият фарзанди сифатида олам ҳодисаларини англаш, үтмиш воқеаларни мушоҳада этиш, эски хатоларни тақрорламай, янги ҳаёт бунёд этишда тұхтосиз изланиши лозим. Тарихий хотира маңнавий ва маданий тараққиётнинг мұхим омилларидан бири бўлса, асрлар давомида тўпланган тажрибалар инсоннинг камол топиши, миллий онги шаклланishiда зарур омил ҳисобланади. Ахлоқий камолот маңнавий бойлиқда, амалий бунёдкорлик фаолиятида, ижодий меҳнатда намоён бўлади ва инсон маңнавиятида, руҳиятида миллий онг сифатида ифодаланади.

Аслида миллий ва умуминсоний маңнавият ҳамда миллий онг тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Удумлар, маросимлар жамият тараққиёти негизида вужудға келади ва миллий онг сифатида шаклланади. Улар аста-секинлик билан умуминсоний қадрият ва маңнавиятта айланиб, миллий онг негизини ташкил этади. Умуминсоний маңнавиятта эга бўлган киши барча миллатларнинг тарихига хурмат-эҳтиром билан қарайди. Умуммиллий манфаатлар ва ғояларга бефарқ бўлмаслик, уларга содиқликни эътиқод ва ҳаётий дастурга айлантириш ҳар бир инсонни маңнавий дунёқараши ва миллий онгини бойитиб боришга ундейди. Бугунги кунда миллий маданиятимиз умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш ҳисобига бойимоқда. Шу билан бирга, маданиятимиз тарихий-миллий, диний ва фалсафий негизига қайтмоқда. Бу

борада хукуматимиз юритаётган сиёсат туфайли маънавий ва маърифий меросимизни ўрганиш фахр-ифтихорга айланди. Буюк алломаларимиз ва тарихий сиймоларимизнинг илмий-маданий мероси қайта тикланаётгани, она тилимизга, муқаддас динимизга муносабат ўзгаргани маънавиятимизга куч-қувват бахш этади. Бу эса келгуси тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

Инсон маънавияти ва тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган “Оммавий маданият” масаласи ҳам бугунги кунда долзарб бўлиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг глобал муаммолари ҳали бизга тааллукли эмас дегувчилар қаттиқ адашади. Кеча факат кулоққа айтиш мумкин бўлган гаплар бугун ошкора, оила даврасида, ҳатто оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинаётгани миллий қадриятларимиз чегарасини бузиб киришга жиддий уриниш бўлаётганининг яққол далилидир.

Одатда, бу масалага ечим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги, ёшларни миллий рух асосида вояга етказиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Бунинг учун тўла маънода миллий рухни ўзида мужассам этган жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантириш зарур.

“Оммавий маданият”га қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида фикр билдирап эканмиз, энг аввало, бундай тушунчалар билан умумисоний қадриятлар ўртасидаги тафовутни илғаш муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни “Оммавий маданият” ниқобидаги истилочиликка қарши курашда ўзбек халқининг иммунитети мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, олдимизда маънавий етук инсонни тарбиялашдек вазифа турган экан, айнан миллий онг комил инсонни шакллантирувчи манба эканини унутмаслигимиз лозим.

## ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ТАРБИЯСИ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ УЛУҒЛАНИШИ

Жамол ШОНАЗАРОВ,  
Қарши мұхандислик-иктисодиёт  
институти катта ўқытувчиси

Маълумки, мусулмон аҳлиниңг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, хуқуқининг асоси бўлган Қуръони каримда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, ватанпарварлик, инсонларни бирлаштириш, улар ўртасида юзага келадиган низоларниңг олдини олиш, адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ҳадисларда ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳроқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо-садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ва яхши фазилатли бўлиш йўлларини баён этганлар. Садоқат барча яхшиликларниңг бошланиши, одамларда бир-бирига ишонч ҳосил қилувчидир. Ислом таълимотида вафодорлик садоқат турларидан ҳисобланади. Вафо – энг олий инсоний фазилат. Бу фазилатга эга бўлганлар Қуръонда: “Улар шундай кишиларки, омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар” – деб таърифланади. Вафо ҳаётда обрў-эътибор ва муваффакиятга сабаб бўлувчи фазилатdir.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом меҳнат, илм эгаллаш ҳақида айтган ҳадисларида инсонни ҳалол меҳнат қилиши ва ёшлиқдан илм эгаллаши уни саодатга эришишининг олий йўлидир деб эътироф этганликлари

бежиз эмас. Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Меҳнат инсонга баҳт-саодат, фаровонлик баҳш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожлиқдан. Ислом таълимотида илм ўрганиш ҳар бир инсон учун фарзdir. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввало, ўқиган илмига амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидағи бурчни адо этишdir. Ислом дини илм талаб қилишни ибодат даражасига кўтаради, шунингдек, уни ихтиёрий ибодатдан юқори қўяди. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Исломда ота-она болани дунёга келтиришга сабаб бўлгани учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказгани учун олқишига сазовор экани айтилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди”, дейдилар. Ислом динида оналар мўътабар зот сифатида улуғланади. Пайғамбаримиздан бир сахоба: “Кимга яхшилик қиласай?” деб сўраганда, У зот: уч марта “Онангга”, тўртингчисида “Отангга” деб ва яна “Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир”, дея қўшиб кўйган эканлар<sup>1</sup>.

Ислом таълимотида инсон тарбияси ва унинг камолотига катта аҳамият берилган. Унинг асосий тарбиявий-ахлоқий қарашлари инсонларни ҳамжиҳатликка, инсонпарварлик ва ватанпарварликка чорлайди. Ислом динида бирорнинг ҳақига хиёнат қилиш, ҳалол меҳнат билан топган молини, маблагини зўрлик ва алдов билан олиш, ўғрилик қилиш оғир гуноҳ, қабих одат ҳисобланади. Қуръонда бундай иллатли кишилар ҳаром йўлдан қайтишга, Аллоҳ насиб этган покиза ризқни истеъмол қилишга даъват этилади.

<sup>1</sup> Исломов З. Ином Бухорийдан қирқ ҳадис. – Т.: 2008. – Б.33.

Ислом дини ҳар қандай миллатчилик кайфиятидан юқори турадиган оламшумул таълимот. У барча миллатларни бирлаштириб, тенг, дўст, ёру биродар қилиб, тинч-омон яшашини уқтириб келади. Айни пайтда ислом динида разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, зулм каби иллатлар қораланади. Хуллас, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ислом дини – бу отабоболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласилар ва яхши ўйтларига амал қиласилар. Мехр-оқибатли, ориятли, номусли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласилар”<sup>2</sup>. Деярли ўн беш асрдан бери мусулмонларнинг ахлоқий-маънавий дунёсини мустаҳкамлаб келаётган ислом дини, Қуръони карим, ҳадислар, айниқса, буюк муҳаддислар Имом Бухорий (810-870), Имом ат-Термизий (824-892) ғояларининг аҳамияти бугунги кунда ҳам бекиёсdir. Марказий Осиё ҳалқлари ахлоқий-педагогик фикрлари тарихий тараққиётида VIII аср ўрталарида пайдо бўлган ва IX - XV асрларда минтақамизда кенг ёйилган тасаввуф фалсафаси, айниқса, унинг кўзга кўринган вакиллари Хожа Аҳмад Яссавий (1041-1167), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) таълимотларининг аҳамияти катта бўлди.

Имом Бухорий ва унинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад” асарларида инсон тарбияси ва унинг камолотига муфассал тавсиф берилган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳиҳ) бўлган. VIII-IX асрлар ҳадис илми учун “олтин давр” ҳисобланади. Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олтида ишончли тўпламни яратган

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir. –Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б.36-42.

муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод этган. Булар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож (819-874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (819-892), Имом Довуд Сулаймон Сижистоний (817-880), Имом Аҳмад ал-Насойй (820-915), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа (824-886) каби алломалардир.

“Саҳиҳ” йўналиши асосчиси, буюк ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида “Амир ул-мўминин”, “Имом ал-муҳаддисийн” (“Барча муҳаддисларнинг пешвоси”) деган шарафли номга сазовор бўлган. Имом ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Шубҳасиз, унинг энг етуқ, шоҳ асари “Ал Жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу китоб “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам дунёда машҳур. Имом Бухорий тўрт жилдан иборат “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг биринчи китобида одоб ҳақидаги ҳадисларни жамлаган. Кейинчалик алллома бутун ислом олами одоб-ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағищланган “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) махсус ҳадислар тўпламини яратади. Бу асар 644 бобда баён этилган 1322 ҳадисдан иборат.

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли Имом Бухорий ҳам уни фақат шогирд деб эмас,балки ҳамкор дўст сифатида хурмат қилган. Ат-Термизий ҳам ўндан ортиқ асар яратиб, айниқса, унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамоил ан-Набавия” (“Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари”), “Ал-илал ҳадис” (“Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида”) асарлари машҳурдир.

Ҳадисларда инсоннинг камолуга етиши учун талаб

қилинадиган инсоний фазилатлар акс эттирилган. Мехр күрсатищ, сахийлик, очиқ күнгиллик, ота-она, катталар ва қариндошларга муруват, ғамхўрлик, ҳурмат, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини иллатлардан тийиши, яхшилик сари интилиши кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топган. Буларнинг барчаси Қуръони карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Ҳадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий сифатлар улуғланса, исрофгарчилик, таъмагирлик, очкўзлик, нафсига, шаҳвоний ҳиссиётларга берилиш, баҳиллик, жоҳиллик каби иллатлар қораланади. Шу билан бирга, ҳадисларда кишиларни баҳиллик ва мол-мулкка ҳирс қўйи shadedan сақланиш кераклиги, келажакка умид туйғулари ҳам ифодаланади. Ҳадисларда илм олиш, уни эгаллаш ҳақида қуидагича келтирилган: “Толиби илм бўлиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам”. “Бешикдан то қабргача илм изла”<sup>3</sup>.

Инсон ҳар томонлама етук бўлиши учун у эркин бўлиши кераклиги Қуръони карим ва ҳадисларда ҳам эътироф этилган. Демак, ҳадислар Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) нинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъмин ишончини ва эътиқодини мустаҳкамлайди. Шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қиласида. Ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

<sup>3</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Т.: 1991.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИМИДЖИ ЮКСАЛИШИДА МИЛЛИЙ ТУРИЗМДАГИ ВОРИСЛИК ЖАРАЁНЛАРИ

**Шерахон ХАШИМОВ,**  
*СамДУ катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб боришида унинг халқаро имиджини юксалтириш, ушбу жараёнда миллий туризмни ривожлантириш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Имидж сўзи лотин тилидан олингандан сўз бўлиб, “кўриниш”, “қиёфа”, “тимсол” деган маъноларни англатади. Имидж бирон бир шахс, объект, предметнинг ташқи кўриниши, ҳолатини акс эттиради. Ҳар соҳанинг ўз имиджи мавжуд бўлганидек, Ўзбекистонда миллий туризм ривожланишининг ҳам ўз имиджи мавжуддир.

“Бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсати – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – истиқболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, ҳудудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган. Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидағи энг муҳим вазифалардан бири – яқин йилларда юртимизга

келадиган туристлар сонини 10 миллионга етказишдан иборат”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг туризм соҳасига катта эътибор қаратаетган, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида муносабат шаклланаётган мамлакат сифатидаги имиджи яратилмоқда.

2022 йил 19-сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев раислигига мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада оширишчора-тадбирларигабағишиланган видеоселектор йиғилишида Ташқи ишлар вазирлигига “Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси”, тарғибот компаниясини ўтказиш, Самарқандга сайёҳлар оқимини ошириш бўйича “йўл харита”сини тасдиқлаш ва элчихоналар олдига хорижий мамлакатларда тарғибот кампанияси, хорижий оммавий ахборот воситалари, машҳур туристик блогерлар учун пресс-турлар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда Ўзбекистоннинг туризм соҳасида халқаро имиджи юксалиб боришига хизмат қилмоқда.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28-январдаги Фармонида халқаро майдонда Ўзбекистоннинг имиджини ошириш воситаси сифатида оммавий ахборот воситалари самарадорлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилган. Тараққиёт стратегиясидаги 98-мақсад: Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш, деб номланган. Ушбу мақсадда, Ўзбекистон имиджини жаҳон саҳнасида илгари суришни назарда тутувчи чора-тадбирлар

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон. 2021. – Б.173-174.

мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, жамиятни демократик янгилаш жараёнлари хақида холис ахборот тарқатишни самарали давом эттириш<sup>2</sup> вазифаси белгиланган.

Ўзбекистонда миллий туризмнинг ривожланиши ўзининг тарихий асослари ва ворислик анъаналарига эга бўлиб, халқимиз тарихининг турли даврларида Марказий Осиё ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли асосий тармоқлари орқали кўпгина саёҳатчилар ўз саёҳатларини амалга оширган. Ўзларининг “Саёҳатнома”ларида халқимиз тарихи, маънавияти, маданиятига тегишли бўлган кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирган.

Туризм сўзининг луғавий маъноси француз тилида сайд ва саёҳат деган маъноларни билдириб, инсоннинг фаол дам олиш турларидан биридир. Туризм деганда жисмоний шахснинг ўзи доимо яшайдиган жойидан соғлигини тиклаш, зиёрат қилиш, маънавий-маърифий, маълум қасбга йўналтирилган, амалий ёки бошқа бирор мақсадларни кўзлаб бошқа жойга бориши ва ушбу жой ёки мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда кўпи билан бир йилга жўнаб кетиши ёки саёҳат қилиши тушунилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш жараёнида катта эътибор қаратилаётган зиёрат, маърифий, тиббиёт, этнографик, гастрономик туризм ва унинг бошқа турлари халқимизнинг тарихий тараққиётида мавжуд бўлган ва амал қилган. Шарқ мамлакатларида Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб мамлакатларнинг сайёҳлари турли даврларда ўз саёҳатларини амалга оширган ва кўрган-кечирганларини ўз хотираларида ёзиб қолдирган. Ўрта асрларда яшаган араб географлари Ибн Баттута, Ибн Хурдодбех, ал-Яъқубий, ал-Истаҳрий, ал-Муқаддасий,

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

ал-Маъсудий, Ибн Ҳавқал, Абу Ҳамид ал-Ғарнотий, Ибн Фадлан, Ибн Жубайр кабилар ўз даврида халифаликнинг турли ҳудудларига бориб ўз саёҳатларини амалга оширган ва “Саёҳатнома”ларини ёзган.

IX-XIII асрларда яшаган араб ва форс сайёхлари, савдогар, элчи ватарихчилардан Ибн Руста, Ал-Яъқубий, Ал-Балазурый, Ибн Хурдодбех, Ибн Фадлан, Ал-Мақдисий, Ал-Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Ас-Саолибий, Ас-Самъоний, Ибн ал-Асир, Ёқут Ҳамавий, Гардизий, Байҳақий асарларида Марказий Осиё, Хоразм тарихига оид маълумотлар берилган.

Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих”, яъни “Муфассал тарих” асарида Марказий Осиё ҳалқлари тарихига оид маълумотлар баён қилинган. Асар 12 жилдан иборат бўлиб, асарнинг 7-12 жилларида Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳудудида 924-1231 йилларда бўлиб ўтган воқеалар турли гувоҳларнинг ахборотлари ва муаллифнинг шахсий кузатувлари билан тўпланган аниқ маълумотлар асосида ёзилган. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-булдон”, яъни “Мамлакатлар қомуси” асари қомусий хусусиятга эга бўлиб, унда Марказий Осиё тарихи ва географиясига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Рашидуддин ибн Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абу-л-хайр ал-Ҳамадоний жаҳон тарихини ўз ичига олган “Жомеъ ут-таворих”, яъни “Тарихлар мажмуаси” номли асарида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, Хитой ҳамда Ҳиндистон тарихига тааллуқли бўлган маълумотларни келтирган. Араб сайёхлари, географ ва тарихчилари Табарий, Ал-Истаҳрий, Ал-Мақдисий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Фадлан, Ибн Руста, Ибн Баттута ва бошқалар Марказий Осиё, Хоразм шаҳарлари ҳақида гапирав экан, бу шаҳарларнинг катталиги, гўзал ва улуғворлиги, бозорларининг гавжумлиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланганлиги, аҳолисининг

кўплиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтишган. Хоразмга саёҳат қилган Ёқут Ҳамавий “Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми – бунинг фарқи йўқ. Ўйлайманки, Хоразм сингари бепоён ва кенг ер, шу сингари аҳолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак”, деган бўлса, Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута Урганч ҳақида “Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шахри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки – у мавжланиб турган денгизни эслатади”, деган эди.

Географ ал-Истаҳрий Хоразм пойтахти ва унга борувчи йўллар таърифини берса, X асрда яшаган Аҳмад ибн Фадлан ибн Аббос 921-928 йилларда аббосий халифа Муқтадир элчисининг котиби сифатида “Кумуш йўл” деб аталган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғидан саёҳат қилади ва Бағдоддан Ўрта Волга бўйигача, булғорлар шоҳлигига етиб боради. Араб сайёҳи ал-Ғарнотий Хоразм орқали Россия ва Булғорияга саёҳат қилиши давомида “Йўлнома” тузади ва ушбу йўллар таърифини беради. Ўрта аср араб географлари тузган йўлномалар муаллифларига ал-Ёкуб (IX аср), Балазури (IX аср), Ат-Табарий (X аср), Кудама (X аср), ал-Истаҳрий (X аср), ибн-Хавқал (X аср), ал-Муқаддасий ёки ал-Мақдисий (X аср), “Худудал-Олам” китобининг исми номаълум муаллифи (X аср), Байҳақий (XI аср), Низом ул-мулк (XI аср), Гардизий (XI аср), ас-Самани (XII аср), Исфандиёр (XIII аср), Ёқут (XIII аср), Ҳамави (XIII аср), Ибн ал-Асир (XIII аср) ва бошқалар киради. Йўллар ҳақидағи маълумотларни уларнинг ўзлари саёҳатлари давомида йиғишган ёки ишончли қўлёзмалардан йиғиб олишган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Муродхон Ҳошимов. Буюк Ипак йўлининг Самарқанд вилоятидаги туристик йўл

Шарқ Уйғониш даври IX-XII ва XIV-XV асрларда фаолият олиб борган Марказий Осиёлик мутафаккирлар калом, ҳикмат, ривоят, тавхид ва ақида илми каби диний ва дунёвий илмларни ривожлантириш жараёнида бошқа мамлакатлардаги саёҳат қилган, у ерларда жойлашган кутубхоналардаги қимматли китобларни ўрганган, муқаддас жойларни зиёрат қилган, тиббиёт, мусиқа, табиий ва диний фанларнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган. Ушбу соҳадаги фаолият бугунги кунда маърифий, зиёрат, тиббиёт туризми ва унинг бошқа йўналишлари сифатида эътироф этилмоқда. Шарқ мутафаккирларининг баъзилари мусиқа, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа соҳаларга қизиқкан бўлсалар, тасаввух таълимоти ривожига ўз ҳиссасини қўшган баъзи мутасаввухлар турли-туман касб-хунарларни ўрганиб, фаолият олиб борган. Тижорат туризми ҳам Буюк Ипак йўли ўз фаолиятини олиб борган барча даврларда ривожланиб, савдогарлар Хитой, Ҳиндистон, Сақлаб ва Булғор, Румо ва бошқа мамлакатларга ўз саёҳатларини уюштирган, илгари кўрмаган янги табиий шарт-шароитлар билан танишган. Бу эса ўша даврда экотуризм ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб борганини кўрсатади. Спорт туризми ҳам тарихий асосларга эга бўлиб, турли байрамлар, тантанали маросимларда кўпгина мамлакатлардан полвонлар, чавандозлар келиб, ўзаро беллашган, уларнинг номлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машҳур бўлган. Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳиндистонга бориб кураш тушгани тўғрисидаги ривоят тарихий манбалар орқали бизгача етиб келиб, бу фикрнинг асосли эканини кўрсатади.

Шарқ Уйғониш даври, IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмдан Араб халифалигининг марказий шаҳарлари, Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра, Макка, Мадина ва кўрсаткичи. – Самарқанд: Зарафшон. 2012. – Б.10.

бошқа шаҳарларга бориб таълим оладиган, илм билан шуғулланадиган кишилар қўпайган. IX асрда Бағдодда “Байт-ул-Хикма” (“Донишмандлар уйи”), Шарқнинг ўз давридаги фанлар академияси ташкил этилган бўлса, X аср охирларида Хоразмда ҳам подшо Маъмун ибн Маъмун даврида “Донишмандлар уйи”, “Байт-ул-ҳикма”, “Маъмун академияси”, (Хоразм академияси) ташкил топиб, Бағдод ва Урганчдаги “Донишмандлар уйи”да ўз вақтида номлари дунёга машҳур аллома ва мутафаккирлар – Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, ибн ал-Ҳаммор, Абу Саҳл Масиҳий, ибн Ироқ ва бошқа олимлар фаолият олиб борган эдилар. Бугунги кунда ҳам инсоннинг илм-маърифат олиши билан боғлиқ маърифий туризм жаҳон миқёсида ҳам, Ўзбекистонда ҳам ривожланиб бормоқда.

Буюк Ипак йўли орқали европалик сайёҳлар Плано Карпини, Рубрук, Марко Поло, Афанасий Никитин ва бошқалар Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган. Ғарб мамлакатларидан Мовароуннаҳрга элчи ва сайёҳларнинг сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашиб, Иоанн VII Палеологнинг элчилари Фрэнсис ва Александр 1401 йилда Константинополдан Амир Темурнинг Қорабоғдаги қароргоҳига боришган эди. Амир Темур даврида Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV, Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамаралар билан дипломатик алоқалар ўрнатилиб, ўзаро элчилар алмашинилади. Амир Темур Испаниядан келган элчиларга қўшиб ўз вакили Муҳаммадқозини Испанияга элчи қилиб юборган бўлса, Кастилия қироли Генрих III 1403 йилда Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги элчиларни Амир Темур хузурига Самарқандга жўнатади. Испания элчилари Самарқандда бўлиб, Амир Темур

давлати, унинг табиий шарт-шароитлари, давлат тузуми, ахолисининг урф-одатлари, дини ва қонунлари ҳақидаги маълумотларни ўрганади. Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Темур саройига сафарот кундалиги” номли сафар таассуротлари “Буюк Темур тарихи”, “Темур қароргоҳи”, “Самарқандга сафарот кундалиги” номлари остида испан тилида бир неча бор нашр қилинади. Ушбу асарда этнографик туризм, экологик туризм, агротуризм, гастрономик туризм ва тарихий меъморий обидаларга тегишли бўлган фикрлар учрайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, тарихий моддий ва маънавий мерос, фольклор, миллий кийим-кечаклар, урф-одат ва анъаналар, маросим ва байрамлар, табиий мухит, меъморий обидалар, миллий хунармандчиликнинг тараққий этиши туризмни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ўзбек ҳалқининг тарихий моддий ва маънавий мероси, урф-одат ва анъаналари, маросим ва байрамлари умуман миллий туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи барча омиллар тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, такомиллашиб, аждодлардан авлодларга ўтиб ҳозирги даврга қадар ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётганишлар, Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти, туризм соҳасидаги имкониятларидан сўзловчи сифатли медиа контентларни тайёрлаш, уларни мавжуд барча коммуникация каналлари орқали жаҳон аудиториясига мунтазам тарқатиш яхши самара беради. Ана шу мақсадда Ўзбекистон имиджини жаҳон майдонида илгарисуришни назардатутувчи туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги

дипломатик ваколатхоналари учун мамлакатимизнинг тарихи, замонавий тараққиёти, сайёхлик салоҳияти, маданияти ва санъатига оид юқори сифатли фото, видео ва босма материалларни муңтазам тайёрлаш ва етказиб бериш масаласига ҳам бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиёти, маданияти ва санъати, тарихий шаҳарлари, анъана ва урф-одатлари тарғиб қилинган китоблар, маълумотномалар ва қўлланмаларни хорижда нашр этиш масаласига эътиборни кучайтириш зарур бўлиб, ушбу асарларнинг хорижий давлатларда тақдимотини ўтказиши, уларни чет эл мамлакатлари парламент, ҳукумат ва эксперт доиралари ўртасида тарқатиш мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имиджини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон имиджининг ўлчов мезони сифатида туризмнинг тутган ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Британиялик профессор Ш.Акинернинг фикрига кўра, “туризм миллий имиджни ривожлантириш мумкин бўлган тармоқлардан бири ҳисобланади. Чунки у хорижликларни маҳаллий аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқага киритади. Натижада ана шу сайёҳлар онгида улар ташриф буорган жамиятлар ҳақида ўз шахсий таассуротларининг шаклланишига сабаб бўлади”. Британиялик олим С.Анҳольт фикрига кўра, мамлакат имиджини мустаҳкамлаш жараёнида оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда – бошқарув, экспорт, туризм, маданият ва мерос, инвестиция ва имиграция, одамлар ҳам муҳим роль ўйнайди<sup>4</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро имиджини шакллантиришда туризм соҳасида оммавий коммуникация

<sup>4</sup> <https://beruniyalimov.uz/archives/986>

воситаларидан ташқари турли халқаро форматда ўтказиладиган форумлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, маданий кўргазмалар, спорт мусобақалари, этнографик, диний, экологик мавзуларда ўтказиладиган турли тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари ҳақида чет эл оммавий ахборот воситаларида ва медиамаконида мунтазам мақолалар чоп этиш ва видеоконтентузатиш, шунингдек, туризмни ривожлантириш соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш учун брифинглар, давра сухбатлари, конференция ва семинарлар ўтказиш кутилган натижаларни беради. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари сурадиган хорижий PR-агентликлари, халқаро ахборот майдонида нуфузли ва таъсирга эга хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари ва ютуқларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш мамлакатимизга келадиган туристлар сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг маданияти ва санъатини тарғиб этувчи турли фестиваллар, конференция ва тадбирларни ўтказиш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлашда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг халқаро миқёсдаги алоқалари муҳим ўрин тутиб, мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятларини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади. Туризм равнақи учун маҳсус иқтисодий ҳудудларни тузиш, туристик кластерларни яратиш, соҳага стратегик шерикларни жалб қилиш, сайёҳлик инфратузилмаси ва туризм саноатини жадал ривожлантириш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш,

миллий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларига олиб чиқиши борасидаги фаолиятимизни жадал ривожлантирамиз<sup>5</sup>, – деган эди Шавкат Мирзиёев.

Туризм хизматларини ташкил қилиш бўйича халқаро глобал ахборот тизимларига уланиш ва локал сервисларни яратиш, интернет тармоғида туристик имкониятлари ҳақидаги ахборот ресурсларини мамлакатимизда кенгайтириш зарурдир. Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масала бўлиб, уни ривожлантириш туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва хизмат қўрсатадиган инфратузилмани юқори савияга олиб чиқиши назарда тутади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришга хизмат қиласади.

Туризм натижасида мамлакатнинг ички салоҳияти намоён этилади, тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар обод қилинади, табиий ландшафт, экотуризм, агротуризм, этнотуризм, диний туризм маршрутлари ишлаб чиқилади. Туризм аҳолини иш билан таъминлаш, миллий маданият, хунармандчиликнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини қўрсатмоқда. Туризмни ривожлантиришда ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилиб, туризм хизматларини ташкил қилиш бўйича халқаро глобал ахборот тизимларига уланиш, локал сервисларни яратиш, интернет тармоғида мамлакатнинг туристик имкониятлари ҳақидаги ахборот ресурсларни кенгайтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг эришилган ютуқлари ижодий тарзда ўрганилмоқда. Мамлакатга чет эллик инвесторларнинг маблағлари киритилмоқда, янги туризм инфратузилмасини

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон. 2021. – Б.172.

шакллантиришда хорижий давлатларнинг тажрибаларига таянилмоқда. Ўзбекистонда сайёхларга хизмат қўрсатиш аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ҳунармандчилик, қасаначиликни ривожлантириш, миллий таом, маданият, урф-одат, анъана, удумлар, маросим ва байрамлар каби қадриятларни тиклаш ва юксалтириш асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда миллий туризм тизимиning такомиллашиб бориши иқтисодиёт, сиёsat, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаёт соҳаларига ўзининг ижобий таъсирини қўрсатмоқда. Миллий туризмни ривожлантиришда ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган субъектларнинг инновацион ва креатив ёндашуви талаб этилмоқда. Замонавий туризм индустриясини шакллантириш учун кўплаб имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, соҳани ривожлантиришга комплекс ёндашилмоқда, республикада кўплаб замонавий сайёхлик инфратузилма обьектлари шакллантирилмоқда. Миллий туризмни ривожлантиришда, туризм инфратузилмасини шакллантиришда тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси миллий туризмни Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини юксалтирувчи муҳим омил сифатидаги мавқеи мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

## ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ ТАРИХИ

Ибодат САТТОРОВА,  
Ўзбекистон-Финляндия педагогика  
институти катта ўқитувчи

1991 йил мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов миллий ва диний қадриятларни қайта тиклашга энг устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратди. Дарвоҷе, мустақиллик шарофати билан муқаддас қадамжоларимиз ва зиёратгоҳларимизга эътибор кучайтирилди. Бу албатта, ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон “Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция”ни ратификация қилган мамлакатлардан биридир. Ушбу Конвенция БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 1972 йил 16-ноябрда Париж шаҳрида қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади бутун дунёдаги тарихий ёдгорликларни асл ҳолича сақлаб, келажак авлодларга етказишдан иборат. Конвенция 8 бўлим, 38 моддадан ташкил топган. Ушбу конвенцияни рўёбга чиқариш ва унинг меъёрларини миллий қонунчилигимизга мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни 2001 йил 30-августда қабул қилди. Қонун структуравий жиҳатдан 8 бўлим ва 36 моддадан иборат. Конвенция ва қонунни рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизда, хусусан, Самарқанд вилоятида

бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан 2022 йил март ойида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” китобининг очиқ ҳолдаги кўринишида бунёд этилган халқаро аэропорт фойдаланишга топширилди. Ушбу аэропортда соатига 26 та самолётни қабул қилиш ва минг нафар йўловчига хизмат қилиш имконияти яратилди. Ҳудудда 70 та самолёт, 700 та енгил автомашиналар учун маҳсус бекатлар қурилди.

Самарқандни йирик туризм марказига айлантириш мақсадида “Боқий шаҳар” меъморий ансамбл барпо қилинди. 250 гектар майдонга эга бу маскан, нафакат юртимиз, балки Марказий Осиёда тенги йўқдир.

Бу қўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб иншоотлар бор ва у йилига икки миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ал-Бухорий мажмуасида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам жуда катта бўлиб, келажакда бу жой мусулмонларнинг энг йирик муқаддас қадамжоларидан бирига айланади. Шу мақсадда Юртбошимиз 2022 йил 19-сентябрь куни ўтказилган ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан “Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси“ брендини тарғиб қилиш мақсадида видеоселектр йиғилиши ўтказиб, кўрсатмалар берди. 2022 йил 15-16 сентябрь қунлари Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Саммитини ўтказилишида ҳам рамзий мазмун ва маъно бор.

Буюк олим ва ҳадисшунос бобомиз Имом Бухорий мажмуасини, бу улуғ зотнинг бутун ислом оламидаги юксак обрў ва мақомига муносиб тарзда, қайта қуриш ишлари

олиб борилмоқда. Бу ерда 10 минг ўринли масжид, 21 гектар майдонда улуғ аждодларимизнинг диний мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбон, 3 та меҳмонхона ва 24 та оиласи мажмуаси барпо этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ушбу мажмуани кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб, “Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, Ислом оламидаги мақомига муносаб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмининг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур”, деган эдилар.

Самарқанд Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси бўлиши учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 30-ноябрь – 3-декабрь кунлари Испания пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 24-сессиясида 2023 йилда Бош Ассамблеянинг навбатдаги 25-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш белгиланди. 2022 йил 24-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни “Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди<sup>1</sup>.

2021 йил 31-март куни видеоанжуман шаклида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саммитидаги нутқида “Муштарак тил ва ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган Туркий кенгаш ташкилоти минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб

<sup>1</sup> Янги Ўзбекистон газетаси. 2022 йил 27 декабрь, № 263

бормоқда. Ташкилотимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўяр экан, биз ҳар қандай синов ва таҳдидларни биргаликда енгиб ўтишга тайёр бўлишимиз, мавжуд салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланишимиз зарур... динимиз тарихида беқиёс из қолдирган улуғ боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш эзгу интилишларимизга мосдир.

Бу борада мамлакатимиз ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёратгоҳ” лойиҳасини амалга оширишни таклиф этамиз. Бунинг учун Кенгаш доирасида Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир”, деб таъкидлади.

Имом Бухорий зиёратгоҳини обод қилишга ҳам мустақиллик йилларида аҳамият берила бошланди. Бу зиёратгоҳ Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган бўлиб, у ҳадис илмининг сultonи, ислом дунёсида машҳур Имом Бухорий шарафига бунёд этилган. Имом Бухорий фаолиятига тўхталағидан бўлсақ, ҳижрий 194 йил, шаввол ойининг 13-кунида (милодий 810 йил 20-июль) Бухорода таваллуд топган. Тарихий манбалар ва Имом ал-Бухорийнинг “Тарихи Кабир” (“Катта тарих”) асарида қайд этилишича, у зотнинг отаси Исмоил ибн Иброҳим аҳли муҳаддислардан бўлиб, озгина тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган.

Имом Бухорий авлодларга бой қимматли илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан буюк алломанинг мұхим асари шубҳасиз “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан машҳур<sup>2</sup>. Ислом дини таълимотига қўра, Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган бу беназир асарда етти мингдан ортиқ саҳиҳ (хақиқий, ишончли) ҳадислар

---

<sup>2</sup> Маънавият юлдузлари. Имом ал-Бухорий. – Т.: Маънавият. 2001. – Б.65.

жамланган. Бухорий милодий 868 йилда она шаҳри Бухорога қайтиб келади. Айни пайтда Аббосийлар халифалигининг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Ҳомед аз-Зуҳайлий амирлик саройига келиб, болаларига таълим беришни талаб қилади. Имом ал-Бухорий бу таклифни қабул қилмайди ва “Мен илмни хор қилиб, султони амирлар эшигига олиб бормайман. Илм керак бўлса, уйимга ёки масжидга келсинлар”, деб жавоб қайтаради.

Мана шу воқеа ва баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва иғволари сабабли Амир аз-Зуҳайлий Имом ал-Бухорийни Бухородан кетишга мажбур қилади. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари Имом Бухорийни Самарқанга кўчиб келишини илтимос қилишади. Имом ал-Бухорий бу илтимосни қабул қилиб йўлга отланади. Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги қариндоши Абу Мансур Толиб ибн Жабрилин деган кишиникига келганда бир неча кун бетоб бўлиб, ётиб қолади. Аллома ўша ерда вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Унинг қабри устига ўз даврида мақбара бунёд этилиб, XII асрда яшаган сайёҳ ва тарихчи Муҳаммад ас-Саманий, XIV асрда яшаган сайёҳ ибн Баттута Имом ал-Бухорийнинг мақбарасини зиёрат қилганликларини ёзиб қолдирган. Кейинги даврларда ҳам хукмдорлик қилган хукмдорлар ҳам ушбу зиёратгоҳга эътибор қаратишган, атрофларини ободонлаштиришган. Хусусан, бу ерда мақбарадан ташқари работ ва масжид ҳам бунёд этилган. Аммо XIX асрда Мовароуннахрда юз берган таназзул мақбара, масжид ва работнинг қаровсиз қолишига сабаб бўлади. Шўролар даврида эса мақбара ҳам Бухоро хукмдори Абдуллахон даврида бунёд этилган масжид ҳам вайронага айланади.

Шўролар даврида ливиялик шайх Нодим Жисрий 1956 йилда Москвага меҳмон бўлиб келади ва саёҳатини Имом

ал-Бухорий зиёратгоҳидан бошлашини маълум қиласи. Харобага айланган бу зиёратгоҳ, шу даврдан бошлаб обод қилинади. Унгача маҳаллий аҳолини ҳам бу жойга йўлатишишмаган. Республика раҳбари Шароф Рашидов ҳам 1956 йилда Москвага хат билан мурожаат қилиб, ислом динига эркинлик бериш заруратини тушунтиради. Ўзбекистон ҳукуматининг 1956 йил 23-мартда чиққан қарорига асосан республикамизнинг 13 та зиёратгоҳида масжидлар очилишига руҳсат берилади, жумладан, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига ҳам. Аммо 1959 йил декабрь ойида Москвадан келган қарор билан бу масжидлар яна ёпилади.<sup>3</sup>

1974 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1972 йилдан бошлаб масжид яна фаолият юрита бошлайди. Имом ал-Бухорий қабри устидаги мармар тошнинг ўрнига кафеллардан қабр тоши қўйилади. 1974 йили бўлиб ўтган 1200 йиллик юбилейига 28 та давлатдан 180 киши вакил бўлиб келади. Имом ал-Бухорий мақбарасини тикланиши ва аллома меросини ўрганиш бевосита юртимизнинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ. Хусусан, 1991 йили қомуслар Бош таҳририяти Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” китобининг биринчи нашрини қўп нусхада чоп этди. Шу йили масжид қошида Имом ал-Бухорий номидаги мадраса ўз фаолиятини бошлади.

1997 йил 29-апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвими бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ти Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 1998 йилда буюк аллома таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланиб, унинг ҳаёти ва беназир илмий маънавий

<sup>3</sup> Сатторов А. Самарқанд зиёрати Хартангдан бошланади. Зарафшон газетаси. 2000 йил, 24 август.

меросини ўрганишда эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Саудия Арабистони қироли Фахд ибн Абдулазизнинг таклифига биноан ушбу мамлакатга борганида, ташриф чоғида подшо Фахд ибн Абдулазиз Каъбатуллоҳга ёпиладиган Кисванинг бир бўлagini совға қилган. Ушбу совға Имом ал-Бухорий мажмуасига берилган. Алломанинг қабри устидаги мақбара мурабба шаклида қурилган бўлиб, унинг баландлиги 17 метрни, майдони 9Х9 метрни ташкил қилади. Мақбара деворлари зангори, ҳаворанг, оқ сирли кесмақошинлар, мармар оникс, гранит тошлари билан қопланган. Кошинлар гирих шаклида терилиб, орасида безакка уйғун равишда Қуръон оятлари ва Ҳадисдан битиклар киритилган. Мақбара сатҳини безашда бир-бирига ўхшаш шакллардан моҳирона фойдаланган. Ички безакда ганчкорлик, бўяма нақш ва турли рангдаги кошинкор нақшлар қўшилиб, уйғунлашиб кетган. Ислом таълимоти намоёндалари қабрлари устига ўрнатилган мақбаралар уларнинг ислом динини тўғри талқин қилишдаги бебаҳо хизматлари учун чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида қўйилади<sup>4</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга қаратилган эътибор ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади. Уларни баркамол, буюк аждодлар руҳига садоқатли, ватанимиз тарихини чуқур ўрганишга даъват этади.

<sup>4</sup> Ҳошимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии. САГА. 2001.  
– С.223.

## **ЯССАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ УЛУҒЛАНИШИ**

**Шавкат ХАМЗАЕВ,**  
*СамдЧТИ катта ўқитувчиси*  
**Нилифар ТУВАЛОВА,**  
*СамдЧТИ талабаси*

Маълумки, ҳар қандай миллат маънавият, мутасаввуф хаёти ва тафаккурининг бош асоси – унинг маданий мероси, асрлар синовидан ўтган адабиёт тарихи намуналариdir. Шунинг учун миллатнинг ўзини таниши, ўзининг фикр қувватига ишончи унинг адабиёт тарихини қай даражада билиши ва қадрлай олишига ҳам бевосита боғлиқ. Яссавийни билиш – бу энг аввало шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни билишdir. Яссавийни англаш – бу инсон ақли, қалби ва рухи сир-асрорини чукур тушуниб, комиллик матлабидан огоҳлик эрур. Яссавий ҳикматларига қизиқиш – бу Аллоҳ ва инсон муносабатига қизиқиш, қулнинг Яратувчига бўлган ишқини англашнинг айнан ўзиdir.

Яссавийлик маънавий-умуминсоний қадриятлар тизимини ўзига хос тарзда ифодалайди, яъни яхши ва ёмон хулқларга ажратади. Унинг фикрича, яхши хулқларга – ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, ғамхўрлик, меҳрибонлик, тўғрисозлик, яхшилик, хокисорлик, нафси тийиш, ишқ, ошиқлик, оққўнгиллик каби қадрли хусусиятлар, ёмон хулқларга эса ёлғончилик, ёвузлик, қаллоблик, номардлик каби жиҳатлар мансуб. Умуминсоний

қадриятларнинг намоён бўлиши шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хусусиятларини доимо сақлаб қоладиганлари ва киши ҳётида энг муҳим мавқеига эга бўладиганлари ҳам бор: инсон вужудининг тириклиги, унинг ижтимоийлиги, инсон умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлари саналади.

“Катталарни ҳурмат қилиш, оила, фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик қўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайриҳоҳлик туйғуси – кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳабbat, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон миллатига хос фазилатлардир”, деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди Биринчи Президентимиз<sup>1</sup>. Демак, маънавият ва ахлоқ меъёрлари баркамол инсонни тарбиялашда, унда инсоний сифатларни шакллантирувчи ҳамда уни мукаммалликка эриштирувчи ҳисобланади.

Яссавийлик таълимотида, яъни “Девони ҳикмат”, “Фақирнома”, “Рисола дар одоби тариқат”да инсонларни фақир, етимларнинг бошини силашга, луқма топса уларни меҳмон қилишга ва ўқишига, дилозор бўлмасликка, устозни эъзозлашга, нафсни тийишига, яхши иш қилишга, қаттиқ меҳнат қилишга, сабр айлашга чорлайди.

*Қул Хоҷа Аҳмад, сахиларнинг ўрни жсаннат,  
Дарё-дарё эҳсон қилса қилмас миннат...<sup>2</sup>*

– деган сўзлари билан сахийликка чорлаб, миннат қилмасликни таъкидлайди. **Хоҷа Аҳмад Яссавий**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон. 1992. – Б.11.

<sup>2</sup> Хоҷа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Наврӯз. 2018. – Б.52.

ҳикматларининг ҳозирги ёшларда миллий маънавий фазилатларни шакллантиришдаги аҳамияти зарурлиги таъкидланади.

Маълумки, ахлоқ ижтимоий онг шакллари мажмуасидан ташкил топган бўлиб, у инсонларнинг ўзи, оиласи, дўст-биродарлари, жамоа аъзолари ва табиатга муносабатини тартибга солувчи хулқ, одоб қонун-қоидалардан иборатdir.

Хожа Аҳмад Яссавий яна бир фазилат, яъни миллатидан қатъи назар, одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғусини кишилар ўртасидаги ахлоқий меъёр деб билади. Бу бугунги кундаги асосий глобал муаммолар гирдобига тушиб қолган ва жон-жаҳди билан ундан чиқиб кетишга йўл ахтараётган бизнинг дунёмиз учун малҳам бўладиган тушунчадир.

*Суннат эрмиши, кофир бўлса берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордин Худо безор.  
Аллоҳ ҳаққи андоғ қулга сижжсин тайёр,  
Донолардин эштиб сўзни айдим мано.<sup>3</sup>*

Ушбу сатрларда куйланаётган инсоний фазилатларни ҳосил қилиш – халқлар ўртасида миллатлараро тотувлик, динларабо бағрикенгликка эришиш ғояларини тарғиб этиш таълим–тарбия ишларидаги муҳим вазифаларидан биридир. Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғуси, унинг равнақи йўлида фидокорлик қилиш, тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш ғоялари ҳам Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида муттасил жаранглаб туради. У илм ўрганиш, оламни билиш мақсадида юртидан узоқ-узоқларга сафар қиласи, мусофирикнинг кўп азоб-уқубатларини бошдан кечиради. Бундай сафарлар, ўзга ўлкалардаги ғариблик

<sup>3</sup> Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т: Наврӯз. 2018. – Б.27.

ҳаёти унинг қалбидаги Ватан қадри, юрт соғинчи, халқ мөхри каби олий туйғуларни тарбиялайди. Худди шундай вазиятларда Хожа Аҳмад Яссавийдан ёрдам олиш, унинг айтганларини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш ишнинг анча олдинга силжишига қўмак беради.

Ҳикматларда одоб-ахлоқнинг айрим мезонлари аниқ акс эттирилади. Яссавий ижодининг асосий йўналишларидан бири муҳтоҷ, заиф, мискин ва етим-есирларнинг кўнглини овлаш, мол-дунёга муккасидан кетмаслик, нафс васвасасига учмасликни тарғиб қилишдир. Таълим мобайнида ҳикматларнинг бундай жиҳатларига ёшлар эътиборини қаратиш зарур. Улар ёрдамида ёшлар онгига яхшини ёмондан ажратса билиш хусусиятларини сингдириб бориш жуда муҳимдир.

*Оқил эрсанг гарубларни кўнглин овла,  
Мустафодек элни кезиб етим ковла,  
Дунёпараст ножинслардин бўюн товла,  
Бўюн товлаб, дарё бўлиб тоштим мано.<sup>4</sup>*

Тўртликнинг биринчи сатрида ақлли киши қандай бўлиши кераклигига ургу берилса, иккинчи сатрда Муҳаммад алайҳиссалом каби кўнгли очиқ бўлишга чақириқ, яъни элни кезиш, ҳамиша халқ аҳволидан хабардор бўлиб туришга даъват қилинади. Учинчи сатрда ножинс, ахлоқи бузук кишилардан эҳтиёт бўлишга огоҳлантирилади ва тўртинчи сатрда улардан йирокроқ юрган кишининг кўнгли пок, дарё каби жўшқин бўлиши билан холосаланади. Айниқса, унинг қўйидаги сатрларида бу фикрлар тугал якунланади ва ўқувчининг ахлоқ ҳақидаги тасаввурларини янада тиниклаштиради.

<sup>4</sup> Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т: Наврӯз. 2018. – Б.25.

*Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема.  
Киши молини ема, Сирот узра тутаро.*<sup>5</sup>

Унинг уқтиришича, ким камолотга, яъни ички руҳий меъёрга эришса, сиротдан бемалол, ким меъёр чегараларига яқин бўлса, сал қийналиб ўтади ва биҳишти – бақога етади. Демак, жаннатга йўл ҳар жабҳада меъёрни сақлаган инсонларга насиб этади.

Хожа Аҳмад Яссавий ўзининг қолдирган мероси билан нафақат туркий халқлар маданиятига, балки ислом, ёинки умумжаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган буюк мутасаввиф арбобдир. Унинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини инсоният осмонида чарақлаб, ўз ёғдусини ўн саккиз минг олам узра таратётган қуёшга таққослаш мумкин. Бу шундай саховатли қуёшки, агар кундузи унинг ўзи чарақлаб турса, кечқурун ёғдуси юлдузлар шуъласида акс этиб туради. Бу қуёш олдида хоҳ сунъий, хоҳ табиий булутлар қанчалик ғов бўлишга уринмасинлар, барибир унинг тафтига бардош беролмай охири ўzlари йўқ бўлиб кетади. Бу қуёшдан тўйиб баҳра олган жамият ботинан файзли, зоҳирлан чиройли бўлиб, ҳамиша инсониятга намуна бўлиб қолаверади.

<sup>5</sup> Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Наврӯз. 2018. – Б.172.

## SHAXS HAQIDAGI NAZARIYALARINI O'RGANISHNING AHAMIYATI

Mamlakatxon NURMATOVA,  
*Samarqand davlat chet tillar instituti*  
*kafedra katta o'qituvchisi*

So‘nggi yillarda mamlakatimizda barcha sohalarda bo‘lgani kabi ilm-fan xususan, ijtimoiy-gumanitar soha rivojiga ham katta e’tibor qaratilmoqda. Ma’lumki, insonlarning kundalik ehtiyoji, bir-biri bilan muloqotga kirishishi va o‘zaro munosabatlari bevosita shaxsning bilimi, dunyoqarashi, layoqati hamda tafakkuri asosida yuzaga keladi. Har bir shaxs, u qaysi soha vakili bo‘lmasin, avvalo, hazrati insondir va o‘zligini anglamog‘i lozimdir. Toki inson o‘zini kim ekanini, yaratilishini, o‘z fitratini anglamas ekan, u insoniylikdan yiroqda bo‘ladi. Zero hazrat Alisher Navoiy aytganidek: “El netib topsin menikim, men o‘zimni topmasam”.

Insonning o‘zligini anglashi va tafakkurining shakllanishi uchun bolalikda olgan tarbiyasi katta ahamiyatga ega. Shu o‘rinda Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning: “Bizni hamisha o‘ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so‘z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog‘liq. Bugun zamon shiddat bilan o‘zgaryapti. Bu o‘zgarishlarni hammadan ham ko‘proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o‘z davrining talablari bilan uyg‘un bo‘lsin. Lekin ayni paytda o‘zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug‘ zotlarning avlodimiz, degan da’vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o‘zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan

erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan”<sup>1</sup>, deb aytgan gaplari yodimizga tushadi.

Yosh avlodning ilmli, keng dunyoqarashli bo‘lib yetishishi uchun mamlakatimizda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni<sup>2</sup> asosida ulkan o‘zgarishlar amalga oshirildi.

Shaxs psixologiyasining dolzarbliji ham shundaki, yurtimiz yoshlarining har tomonlama komil inson bo‘lib yetishishida mamlakatimizda va dunyoda sodir bo‘layotgan ijtimoiy munosabatlardagi o‘zgarishlar, muammolar, ziddiyatlarning sababini anglab yetishi lozim. Insonni va jamiyatni qanday motivlar, maqsadlar, kuchlar harakatga keltirishini bilgan kishigina atrofda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlarda o‘z o‘rnini topa oladi. Ayniqsa yangi asrda jahonda yuzaga kelgan voqelik inson va uning borlig‘ini asrashni dolzab masalaga aylantirmoqda. Shunday ekan, inson shaxsining shakllanishidagi murakkabliklar mohiyatini ochib berish muhim ilmiy, tarbiyaviy ahamiyatga ega masala hisoblanadi. Shuningdek, ta’lim va tarbiya tizimidagi islohotlar inson to‘g‘risidagi falsafiy izlanishlarni yangi bosqichga ko‘tarishni talab etmoqda. Zero, inson borlig‘ini chuqur tadqiq etish orqaligina uni o‘zgartirish mexanizmlarini anglab yetish mumkin.

Shaxsni o‘rganish nazariyasi to‘g‘risida konsepsiyalarning o‘ziga xos jihatlarini tahlil qilishdan maqsad ushbu masalalarni o‘rganish samaradorligini oshirish bo‘yicha xulosa va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning ijtimoiy-siyosiy jarayonlar bayon qilingan ma’ruzalari

<sup>1</sup> Prezident Shavkat Mirziyoyevning Tohkent shahri, Uchtepa tumanidagi 78-umumta’lim mактабига ташрифи чоғ‘ида билдирган фикри . 19.06.2017

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-4947-son Farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. Lex.uz.

islohotlar nazariy-metodologik asosi vazifasini o‘taydi. Chunki ushbu ma’ruzalarda ijtimoiy islohotlarning bugungi bosqichida inson manfaatlari ustuvor ahamiyat kasb etayotgani, inson erkinliklari va haq-huquqlarini ta’minalash eng oliv maqsad ekani, buning uchun esa inson borlig‘iga doir bilimlarni o‘zlashtirish zarurligi asoslangan<sup>3</sup>.

Albatta, mavzu yuzasidan tadqiqotlarni amalga oshirayotganda mutafakkirlarning shaxs to‘g‘risidagi qarashlari aks ettirilgan risolalar, maqolalar, qo‘lyozmalar asosiy manba vazifasini o‘taydi. Ushbu asarlarni shartli ravishda ikki guruhga ajratish lozim. Birinchi guruhga taalluqli ilmiy asarlar Sharq mutafakkirlarining inson haqidagi qarashlarini o‘zida mujassam qiladi. Moniylik ta’limotiga ko‘ra, inson moddiylik (zulmat)ning ijodi bo‘lib, o‘ziga ruhni (yorug‘lik uchqunlarini, ijobiylikni) qamrab olgan. Ammo u materiyaning quyoshda ilg‘agan dastlabki inson obrazida yaratilgan. Shuning uchun ham u o‘zida dunyodagi boshqa moddiy jism va jonivorlardan farqli ravishda ko‘proq ilohiylik xususiyatlariga ega.

Shaxs haqidagi konsepsiyalarda ko‘plab bahs-munozaralar mavjud. Turli konsepsiyalarda bunday qarashlarga ilmiy yondashilgan. Shaxsga doirushbubilimlar “Psixologiya”, “Shaxs psixologiyasi”, “Rivojlanish psixologiyasi va pedagogik psixologiya”, “Psixologiya metodologiyasi”, “Falsafa”, “Sotsiologiya”, “Milliy g‘oya”, “Etika”, “Estetika”, “Ilmiy ijod metodologiyasi” kabi fanlardan ma’ruza va seminar

<sup>3</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1.– Т.: Ўзбекистон. 2017. – Б.3-22; Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъий давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1.– Т.: Ўзбекистон. 2017. – Б.233-295; Мирзиёев Ш. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2.– Т.: Ўзбекистон. 2018. – Б.4-40.

mashg‘ulotlarini olib borish jarayonida, shuningdek, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida asos vazifasini o‘tashi mumkin.

Shaxsning mohiyatini tushuntirishdagi turli xil oqimlarning qarashlari biogenetik va sotsiogenetik konsepsiyalardan iboratdir. Bular Bexivorizm, Freydizm va hakozolarda yozilgan ilmiy asarlarda batafsil izohlab o‘tilgan. Shaxs jamiyatning faol a’zosi bo‘lishi bilan birga, uning taraqqiyotiga ham hissa qo‘sishi lozim. Shaxs ijtimoiy tajribani faol ravishda tahlil qiladi, o‘zlashtiradi, o‘zi uchun o‘zgartiradi. Bu jarayonda o‘zi ham shaxs sifatida shakllanadi. Shaxsning faolligi hayot uchun yo‘l tanlashida, uni egallashida, o‘z mavqeい va o‘rnini anglashida ifodalanadi. Shaxs shakllanib borgani sari tashqi ta’sirlar, shu jumladan, ijtimoiy ta’sirlar ham ichki dunyosi, psixologiyasiga qarab turli odamlarga turlicha ta’sir qiladi. Shaxsning individualligi uning xarakteri, temperamenti, psixik jarayonlarining dinamikasi, hissiyotlari, faoliyatining motivlari, qobiliyati va boshqalarning yig‘indisiga bog‘liq. Shaxsda individuallik ham mavjud bo‘lib, temperament va xarakter xususiyatlarda, odatlarda, ustun darajadagi qiziqishlarda, bilish jarayoniga oid fazilatlar (idrok, xotira, tafakkur, tasavvur)da, qobiliyatda, faoliyatning shaxsga xos uslubida va hokazolarda namoyon bo‘ladi.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШДАН ОРТДА ҚОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАРДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ҲАМДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ

Қаҳрамон АҲМЕДОВ,  
ЎзМУ катта ўқитувчиси  
Нозлия ЮНУСОВА,  
ЎзМУ талабаси

Кейинги йилларда “Ногиронлиги бор шахслар” тушунчасига ижтимоий ёндашувнинг ошиб бориши бундай шахсларнинг биринчи галда жамиятда шахслараро одатий муносабатларга қўшилиши ва уларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча кўринишларида имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлади, деб қаралмоқда. Ногиронлиги бор болаларда ижтимоий тажрибанинг пайдо бўлиши ва такомиллашуви нормал болаларга нисбатан мураккаброқ кечади. Сабаби улардаги жисмоний ва психик нуқсонлар ҳаёт фаолиятининг турли жабҳаларида, яъни билим ва кўникмаларни эгаллашга бевосита тўсқинлик қиласи.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти уставида “саломатлик” тушунчаси инсоннинг касаллик ёки жисмоний нуқсонлардан холи бўлган ҳолатигина эмас, балки унинг тўлақонли жисмоний, рухий, ижтимоий фаровонлиги сифатида таърифланади. Шу сабабли бугун замонавий олигофренопедагогикада ақли заиф болалар билан олиб бориладиган коррецион-тарбиявий ишларнинг асосий мақсади ҳам уларга керакли билим ва кўникмаларни ўргатиш

ҳамда ҳаётга ижтимоий мослашиш учун кўмаклашиш сифатида кўрсатилади. Олигофренопсихологияда ақли заифликнинг учта даражаси ҳақида тўхталиб ўтилган. Булар ақли заифликнинг енгиллик даражаси – дебиллик, ўртача даражадаги ақли заифлик – имбесиллик ҳамда ақли заифликнинг оғир даражаси – идиотлик, деб юритилади. Шунингдек, бу соҳада ногиронларнинг олий маълумотли бўлиши уларнинг эртанги ҳаёти учун зарур ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар яққол кўзга ташланди ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган эътибор муҳим аҳамият касб этди. Шу ўринда савол туғилади: молиявий-иктисодий саводхонлик ўзи нима? Молиявий-иктисодий саводхонлик – бу элементар иқтисодий билимлар, иқтисодий ҳодисаларга йўналтириш усуллари, турли хил ҳаётий вазиятларда иқтисодий танлов бўйича онгли қарор қабул қилиш қўникмасидир. Молиявий-иктисодий саводхонликни шакллантириш иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун замин яратади. Бунда, яъни ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг, малакасини ошириш ижтимоий ва касбий тайёргарлиги ҳамда молиявий-иктисодий саводхонлигини шакллантиришда “Математика”, “Иқтисодий билим элементлари” фанлари бўйича таълим мазмунидаги синтез, интегратив боғланишлар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ақлий нуқсонлари бўлган мактаб ўқувчиларининг жамиятдаги ижтимоий мавқейи масаласи кўплаб мамлакатларда долзарб масала ҳисобланади. Бироқ уларни камайтириш тенденцияси ҳанузгача мавжуд эмас.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамбелясининг 1992 йил 14-октябрдаги резолюциясига

мувофиқ, ҳар йил 3-декабрь бутун дунёда “Халқаро ногиронлар куни” сифатида нишонланиб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳимоя қилишдан иборат.

Ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилимоқда. Бунинг тасдиғини “Инсон қадри учун” тамойили асосида Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатламлари учун тенг хуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларнинг амалга оширилаётганида кўришимиз мумкин.

Интеллектуал ногиронлик бошқа тиббий ва хулқатвор белгилари билан боғлиқ бўлган, синдромли ақлий ногиронлик ва ақлий нуқсонлари бошқа аномалияларсиз намоён бўладиган синдромли бўлмаган ақлий ногиронлик турларига бўлинади. Бунга мисол тариқасида Даун касаллиги, ҳақиқий микроцефалия, олигофрениянинг моддалар алмашинувинг наслий бузилиши билан боғлиқ бўлган энзимопатик турлари (бунинг таркибиغا айнан галактоземия, сукразурия, фелипировиноград киради). Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ақлий ривожланишдан ортда қолиш – наслий, эндоген-органик ва микро-ижтимоий муҳит омиллар сабабли келиб чиқади. Бу каби хасталикка чалинган ёшлар учун молиявий таълим онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради, хавфларни камайтиради ва шу билан бирга, уларнинг молиявий хавфсизлигини оширади. Жамиятимизда ёшлар ва оиласлар ҳам ўз бюджетини қандай тақсимлашни билмаслиги, жамғарма шакллантирмаслиги, қарздорлиги ва шу каби бошқа муаммолар кўпайиб бормоқда. Аммо бу каби

муаммолар, таълим ташкилотлари битиравчилари, айниқса ақли заиф ўсмирлар билан боғлиқлиги долзарбилигича қолмоқда. Улар мустакил равишда маълумот олишда қийналади. Ўзларини қизиқтирган хизматни қаердан олиш ва саволни қандай тӯғри шакллантиришни билмайди.

Методологик жиҳатдан интеллектуал ривожланишда ортда қолаётган ўкувчилар ва уларнинг молиявий саводхонлигини ривожлантиришда юзага келадиган муаммолар педагогик, иқтисодий, тиббий ҳамда маҳсус психосоциал адабиётларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш каби усуллар орқали ўрганилган. Бугун Ўзбекистонда имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида қонун-қоидалар мавжуд бўлса-да, бундай инсонлар жамиятдаги стереотиплар туфайли унинг фаолиятида тўлиқ иштирок эта олмайди. Биз имконияти чекланган инсонларга муаммо сифатида эмас, балки улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида қарашимиз керак.

Долзарб масалалардан бири сифатида ёшларда молиявий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида инклузив таълим асосида мактаблар ва олий ўқув юртларида ихтисослаштирилган синфлар жорий этиш уларнинг янада ўз устида ишлашига ҳамда интеграцияси учун туртки бўла олади. Янги аср информацион технологияларнинг шиддатли ва катта масштабли ривожланиши билан бошланди. Бу борада етук мутахассислар ва айниқса янги бошловчи-тадқиқотчилар ва ахборот технологияларини ўрганувчилар ҳам унинг тараққиётига ва имкониятларига етиб олиш мушкул эканини ҳис этмоқда. Ахборот технологиялари техник имкониятлари, интеллектуал салоҳияти ва технологик кўп қирралиги билан локал ривожланишда жаҳон фани тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Локал, яъни

алоҳида давлатлар ва илмий марказларда рақобатли ривожланиши, кенг маънодаги тараққий этиши, ўша давлатнинг ёки марказнинг том маънодаги гегемонлигига олиб келмоқда. Бундай тараққиёт ҳар бир давлат ва ҳатто ҳар бир мутахассисдан доимо изланишда бўлишга ва бу тараққиёт-ўсиш пойгасида ўз ўрнини топа билишини тақозо этмоқда. Бундай рақобат ахборот технологияларининг барча соҳаларида кузатилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшларнинг молиявий саводхонлигини оширишга кўпроқ эътибор қаратишимиш керак. Масалан, мактаб ва олий ўкув юртларида ихтисослашган синфларни жорий этишимиз, уларни керакли етук мутахассислар билан таъминлашимиз, ёшларни молиявий саводхонлигини ривожланишига туртки бўлади. Ногиронлар учун замонавий шароитларда олий таълим ва молиявий саводхонлик уларнинг кейинги ҳаёти учун зарур шартдир. Сўнгги пайтларда инклузив таълим кўп қўлланила бошланди, яъни ногиронларнинг оддий, ихтисослашмаган таълим муассасаларида ўзларининг соғлом тенгдошлари билан биргаликда, таълим олишларидир. Айнан бу инклузивликнинг моҳияти – тўсиқсиз муҳитни яратиш ҳисобланади. Чунки барчамизга маълумки, ҳар қандай жамиятда келажак ворислари бўлмиш фарзандларни, масъулиятни ҳис этадиган, уларни давлат тараққиёти ва гуллаб-яшнашига салмоқли ҳисса қўшадиган муносиб фуқаролар бўлиб етишишларига катта умид билан қаралади. Бундан кўришимиз мумкинки, Янги Ўзбекистонда ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда мактаб, коллеж, гимназия кабилар билан бир қаторда маҳсус мактаб, интернатлар, меҳрибонлик уйлари фаолият олиб бораётгани ёки инклузив таълим талабга жавоб берадиган даражада кўзга кўринаётгани фикримиз исботидир. Президентимиз Шавкат

Мирзиёев 2017 йил 1-декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли Фармонига 2020 йил 13-октябрдаги ПҚ-4860 сонли “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим–тарбия бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида Ўзбекистонда эҳтиёжга эга болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга таълим бериш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда ўз ўрнини топишларида кўмаклашиш масаласи кўндаланг қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавий барқамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу ўринда имконияти чекланган болалар билан ишлашнинг турли йўллари ва методларини аниқлаш, улардаги узвий боғлиқлик ва ҳамкорликни ташкил қилиш, ижтимоий омиллардан самарали фойдаланиш муҳим ва долзарб масаладир. Айниқса имконияти чекланган болалар билан ишлашда, нафақат уларнинг молиявий саводхонлиги, балки бадиий ижод воситаларидан кенг фойдаланиш, имконияти чекланган болаларни ижтимоий-маданий фаоллаштиришнинг устувор йўлларидан биридир. Мактаб битирувчилари орасида айнан ногиронлиги бўлган ёшларга янада қулайлик яратиш мақсадида давлат имтиҳонларини, исталган тарзда танлаб олиши ва ушбу фан бўйича давлат имтиҳонларини топшириши учун керакли шарт-шароит яратиб беришимиз керак. Олий таълим муассаларида ногиронлиги бўлган талабалар орасида, иқтидорли ёшларни, хусусан, Президент Қарорига асосан, етакчи хорижий таълим муассаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловда иштирок этишини таъминлаш,

интеллектуал салоҳияти паст бўлган ёшлар орасида ҳам танлов, фестивал, форумлар каби тадбирларни ташкил этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бутун дунё бўйлаб ногиронлиги бор – ақли заифлар, интелектуал салоҳияти ортда қолаётган, таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бўлган шахсларнинг керакли ижтимоий ёрдамни олишда қийинчиликларга дуч келаётгани, тиббий ресурсларнинг етишмовчилиги юзасидан курбон бўлаётганини кўриш мумкин. Жаҳон иқтисодий Форуми сайтида ёзилишича Буюк Британияда ишлаш ёшига етган имконияти чекланган шахсларнинг ишга олиниш кўрсаткичи соғлом одамларникига қараганда 28,6 фоизга кам. Бизнес эгаларининг бор-йўғи 4 фоизи иш жойида инклузив шароит яратишга хайриҳоҳлик билдиради.

Бундан бир-неча йиллар олдинга назар ташлайдиган бўлсак, ақли заиф кишилар учун карантин ёлғизлик ҳиссини кучайтирди. Соғлом ахоли қатламиининг 10,5 фоизи пандемияни ёлғизлик ҳисси билан бошдан кечирган бўлса, руҳий ривожланишда нуқсони бор одамларнинг 45 фоизи шундай муаммога дуч келган. Бу даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ахолининг заиф қатламлари билан карантин даврида қандай ишлаш кераклиги борасида кўлланма ишлаб чиқсан эди. Кўлланмада имконияти чекланганлар, шунингдек, ақли заиф инсонлар билан пандемия даврида қандай ишлаш кераклиги ёзилган эди. Бундан кўришимиз мумкинки, интеллектуал салоҳияти паст бўлганлар ҳамиша эътибор марказида бўлиши кераклигини, ижтимоий ёрдам улар учун доим кераклигини тушунамиз. Шундай бўлса-да, ҳануз тезкор қарор қабул қилиш керак бўлганда руҳий носоғлом кишилар тиббий ресурслардан бебаҳра қолиши мумкинлиги ҳолати сақланиб қолмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб, умуман

олганда, таълим ташкилоти алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ўқувчи ёшларни қабул қилишга ҳамда уларга ўзларининг имкониятини намойиш этишга имкон берадиган қулай муҳит яратишга тайёр бўлиши керак. Бундан ташқари, мамлакатимизда ногиронлар учун “Имкониятлар маркази”ни ташкил этишимиз ҳамда ушбу марказда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний мафаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқсан ҳолда касб-хунарга ўқитишга кўмаклашиш каби қулайликларни яратиб беришимиз мақсадга мувофиқ.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосидаabituriyentlarни қабул қилиш умумий сонининг икки фоизи асосида қўшимча қабул квотаси ажратилиши нуқтаи назардан, улар учун имкониятнинг яна бир эшиги очилганини қўришимиз мумкин. Дунё мамлакатларининг инсон тараққиётидаражаси бўйича гурӯхланиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Тараққиёт Дастури ҳар йили Инсон тараққиётини тўғрисида маърузалар нашр этиб келмоқда. Бундан ташқари, Буюк Британияда уйсизлар учун автобусларда молиявий саводхонлик курслари очилган, Бандликка кўмаклашиш маркази эса уларни иш билан таъминлаб келмоқда. Бундан кўриниб турибдики, нафақат ногиронлар, балки соғлом инсонлар учун ҳам молиявий саводхонликнинг ўрни жуда ҳам муҳим.

## СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ ТАБИАТИ

С.А. ПАРМАНОВ,  
ЎзМУ катта ўқитувчиси

Сиёсий маданият алоҳида олинган шахс, ижтимоий, этник гурухлар, жамиятнинг сиёсат, сиёсий муносабатлар билан боғлиқ эҳтиёжлар ва манфаатларнинг инъикоси сифатида шаклланадиган билимлар, қадриятлар, мақсадлар ва улар асосида олиб бориладиган фаолиятининг ифодасидир. У ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг сиёсий ҳаёти билан узвий боғлиқ маданият шакли ҳисобланади.

Кўп асрлик ривожланиш тарихига эга сиёсий маданиятнинг илдизлари жамият социал структурасида ўзининг ўрни ва мавқеига эга бўлган гурухлар ва уларнинг фарқланувчи манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи давлатнинг пайдо бўлиши даврига бориб тақалади. “Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равища шу мамлакат ҳалқи ҳисобланади”<sup>1</sup>. Шу маънода сиёсий маданиятнинг пайдо бўлиши ҳалқнинг сиёсий манфаатларини ва кишилар фаолиятига қучли таъсир кўрсатишининг натижаси эди.

Сиёсий маданият доимий ривожланиб борувчи тизимдир. Бу жамият социал структурасидаги ўзгаришларга мос равища сиёсий маданиятнинг янги шакллари пайдо бўлиб ёки йўқолишида ҳамда ҳар бир тарихий давр доирасида ўз

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. –Т.: Ўзбекистон. 2017. –Б.132.

субъектлари билан биргаликда ўзгариш, такомиллашиш жараёнини бошдан кечиришида яққол күринади.

Сиёсий маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланган сиёсий билимлар қундалик ҳаётий тажриба, маҳсус назарий тайёргарлик ҳамда мақсадга қаратилган ғоявий-сиёсий тарбия таъсирида шаклланиб боришини таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарих ва замонавий воқелик ҳар бир гурӯҳ ўз сиёсий манфаатларини рӯёбга чиқариш мақсадида кишиларни муайян йўналишда тарбиялашга алоҳида эътибор беришидан далолат беради. Бу улар манфаатига мос келадиган дунёқарашни шакллантириш, муайян сиёсий назариялар, дастурлар, идеалларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кенг тарғиб қилишга интилишда айниқса ёрқин намоён бўлади. Мазкур жараёнда сиёсий мафкурунинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Сиёсий маданият таркибида сиёсий жиҳатдан аҳамиятли ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабатни муайян баҳолар шаклида ифодалайдиган қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. Сиёсий билимлар қанчалик чукур ва кенг қамровли бўлса, унинг замирида шаклланган қадриятлар шунчалик мустаҳкам бўлиб, фаолиятдаги событликни таъминлайди. Билимларга нисбатан сиёсий қадриятларнинг секин ўзгариши ва нисбатан консерватив харakterи эса сиёсий маданиятдаги нисбий барқарорликни таъминлашга замин яратади.

Айни пайтда, бундай қадриятлар ҳаётий тажриба, эҳтиёж ва манфаатларни англаш билан уйғунлашган ҳолда фаолиятдаги изчиллик ва мақсадлиликни таъминлашга хизмат қиладиган эътиқоднинг шаклланишига олиб келади. Такрор ва такрор танқидий ўзлаштирилган, манфаатлар тарозисида ўлчанганд, қарор топган ёки шаклланиб

бораётган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган билимлар асосида шаклланган қадриятларгина эътиқод мустаҳкамлиги учун замин яратади.

Сиёсий маданият фақат сиёсий режалар ва қарорларни ишлаб чиқиши, ижросини ташкил этиши, кадрларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиши, тарбиялаш, ташкилотлар устидан зарурӣ сиёсий раҳбарлик ва ғоявий-тарбиявий, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартиб ҳамда институтларни такомиллаштириш ёки ўзгартиришга йўналтирилган ишларни амалга ошириш каби шаклларни ўз ичига оладиган фаолият орқалигина ўзлигини намоён қиласи. Айнан шундай фаолият давомида у мустаҳкамланади, ривож топади ёки инқирозга юз тутади.

Лоқайдлик, сиёсий пассивлик жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишини хоҳламасликда ифодаланадиган сиёсий индифферентлик (лотинча бефарқлик) ҳам сиёсий маданиятнинг даражасини кўрсатувчи муҳим индикатор ҳисобланади. Бу сиёсий пассивлик мавжуд ҳокимият ёки унинг вакиллари фаолиятидан норозиликнинг ифодаси, ўзига хос протест сифатида чиқадиган ҳолларга ҳам тегишлидир.

Сиёсий маданият, бир томондан, маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида маданият ривожланиши қонунларига бўйсунса, иккинчи томондан, у конкрет сиёсий тизим таъсири остида бўлади, кишиларнинг иқтисодий манфаатлари ҳамда давлат ва ҳокимият масалалари билан чамбарчас боғланиб кетади. Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Биринчидан, сиёсий маданият жамиятда ва миллий манфаатларни руёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу вазифанинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формациянинг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. Иккинчидан,

сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гурухлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда тадбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб этиш билан боғлик. Учинчидан, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. Тўртингчидан, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксакмақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик масъулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўнималарини шакллантиради. Бешинчидан, сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда у фуқаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқа шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Олтингчидан, сиёсий маданият олдиндан айтиб бериш вазифасини бажаради. Таъкидлаш жоизки, сиёсий маданият ҳақида гап кетганда жамият сиёсий маданияти деган тушунчаларга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Жамият сиёсий маданияти, турмуш маданияти, жамият барча тузилмалари ҳаёт фаолиятининг кўзгуси бўлиб, ижтимоий ривожланиш субъектидаги ҳамма сиёсий маданиятларнинг умумлашмасидир. У ўзида барча илгор ва инқирозли ҳодисаларни (масалан, давлатчилик, миллатчилик, бой-феодалларча психология) мерос қилиб

олиши мумкин. Шунингдек, “сиёсат ахлоқнинг давлат ва жамият билан боғлиқ бир қисми бўлиб, ҳукуматнинг шахс олдидағи ахлоқий-маънавий мажбуриятларини қамраб олади.”<sup>2</sup> Шахснинг сиёсий маданияти сиёсий онг, анъаналар, принциплар, сиёсий фаолият заминида, шахсий ва фуқаролик хатти-харакатлар, синфлар, ижтимоий қатлам ва гурухлар, миллатлар ва миллий тузилмалар даражасида намоён бўлади. Жамиятнинг янгиланиш жараёнида сиёсий маданиятга қўйиладиган талаблар ҳам ошиб боради. Сиёсий маданиятга хос талабларга қўйидагилар киради:

- жамиятдаги воқеа, ҳодисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш;
- воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш;
- воқеа-ҳодисаларга нисбатдан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш;
- шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун қўймаслик;
- давлат сиёсати, давлат тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига ҳурмат билан қараш.

Хуллас, сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам юқори бўлади. Сиёсий маданият инсоннинг умумий билим даражаси, дунёқарashi, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқ. Сиёсий маданият жамиятдан ташқарида ёки умуммаданиятдан узилган ҳолда амал қилмайди. Сиёсий маданият кишилар ва жамоалар, синфлар ва фуқароларнинг аниқ мақсадга онгли интилиши, шу мақсадларни амалга оширишда, эҳтиросга берилмай олға интилишни таъминловчи муҳим омилдир.

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ. 1998. – Б.83.

# O'QUVCHILARNING O'QISH MALAKALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA PIRLS TOPSHIRIG'IDAN FOYDALANISH

Matluba TO'QLIYEVA,  
*Qarshi xalqaro innovatsion  
universiteti o'qituvchisi*

*“Odamlar qachonki o‘qishdan to‘xtasa,  
tafakkur qilishdan to‘xtaydi” – Deni Didro.*

Tarbiya-uzluksiz jarayon bo‘lib, u pand-nasihat berish bilan cheklanmaydi, balki o‘yin, uy yumushi va ta’lim jarayonida hayot va turmush saboqlarini qiyosiy tushuntirish qolaversa, shaxsiy o‘rnak ko‘rsatish orqali amalga oshiriladi. O‘qish darslarida asar ustida ishlashni shunday tashkil etish kerakki, uning mazmunini tahlil qilish o‘qish malakasini takomillashtirishga yo‘naltirilishi kerak. Bolalarning nasriy asarlarda aks ettirayotgan voqeahodisalariga, mukammalroq tushunchalariga, unda ishtirok etayotgan qahramonlar o‘rtasidagi to‘qnashuvlar sababi haqida mustaqil xulosa chiqarishiga va boshqalarga alohida ahamiyat berish lozim.

Boshlang‘ich sinflarning o‘qish darslari o‘z mohiyati, maqsad va vazifalariga ko‘ra ta’lim tizimida alohida o‘rin tutadi. Negaki, uning zaminida savodxonlik va axloqiy-ta’limiy tarbiya asoslari turadi. Shuning uchun ham boshqa predmetlar ta’limini o‘qishsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. O‘quvchi matnni to‘g‘ri, tez, tushunib o‘qish, mazmunini o‘zlashtirish bilan ilk bor o‘qish darslarida yuzlashadi. O‘qish ta’limida insonning, avvalo,

o‘zligini, qolaversa olamni anglashga bo‘lgan intilishlariga turki beriladi. O‘quvchilarining o‘qish savodxonligi bu – yozma tilning shakllarini idrok etish va amaliyotda qo‘llay olish qobiliyatidir. Ushbu nuqtayi nazar o‘quvchilarining o‘qishdan olingan ma’lumotlardan foydalanish qobiliyatiga tobora ko‘proq e’tibor qaratadigan zamonaviy jamiyatda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Asosiy e’tibor tushunishni namoyon qilishdan o‘zlashtirilgan ma’lumotni yangi loyiha va vaziyatlarda qo‘llay olish qobiliyatini namoyon qilishga qaratilmoqda.

Mamlakatimiz o‘quvchilarining o‘qish savodxonligini aniqlashda xalqaro baholash tadqiqoti – PIRLS xususida so‘z yuritamiz. PIRLS (inglizcha – Progress in International Reading Literacy Study – matnni o‘qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tadqiqot) xalqaro tadqiqotining maqsadi turli xil ta’lim tizimidan iborat bo‘lgan davlatlar boshlang‘ich maktab o‘quvchilarining matnni o‘qish va qabul qilish bo‘yicha tayyorgarligini aniqlash va baholashdan iborat. Albatta, bunday tadqiqot xalq ta’limi sohasidagi xodimlar, olimlar, metodistlar, o‘qituvchilar, ota-onalar va jamoat vakillari uchun katta ahamiyatga ega.

Bundan ko‘rinib turibdiki, PIRLS – boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘qib tushunish ko‘nikmalarini qay darajada rivojlangani haqidagi ma’lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o‘qish va o‘qitishni yaxshilash uchun ta’lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma’lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturi hisoblanadi. Dars jarayonida hamda sinfdan tashqari mashg‘ulotlarda boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining har biri PIRLS topshiriqlarini dars jarayoniga tatbiq etishi lozim. Bunga Afrika afsonasi hisoblangan “Uchaqol Burgut uch!” matnnini misol keltirsak.

Uchaqol Burgut uch!(Afrika afsonasi)

Kristofer Gregorovskiy tomonidan hikoya qilindi.

Kunlardan bir kun, bir dehqon yo‘qolgan buzog‘ini izlab topish uchun yo‘lga otlandi. Chunki bir kun oldin podachilar buzoqsiz qaytgan edi. O‘sha kecha dahshatli bo‘ron bo‘lgan edi. U vodiya borib, buzoqni, daryo bo‘yidan, qamishzorlar o‘rtasidan, toshlar orqasidan va suv bo‘yidan qidira boshladи. U baland tik qoyali tog‘ yonbag‘irlariga chiqdi. “Buzoq bo‘rondan qo‘rqib, katta tosh orqasiga yashiringandir”, deb katta tosh orqasiga qaradi. O‘sha damda u bir on to‘xtadi. Bu yerda, toshning bir burchagida, g‘ayritabiyy bir ko‘rinish aks etgan edi. Dahshatli shamol bir yoki ikki kun oldin endigina tuxumdan yorib chiqqan burgut bolasini inidan uchirib yuborgan edi.

Dehqon unga yaqinlashib, ehtiyojkorlik bilan ikkala qo‘liga oldi. U burgut bolasini uyiga olib borib, unga g‘amxo‘rlik qilmoqchi bo‘ldi. Bolalar otasini kutib olish uchun tashqariga chiqqanlarida, u deyarli uyida edi. “Buzoqning o‘zi qaytdi!”, deb qichqirishdi ular.

Dehqon juda xursand bo‘ldi. U burgut bolasini oilasiga ko‘rsatdi, keyin uni tovuq va jo‘jalarning oldiga ehtiyojkorlik bilan joylashtirdi.

Burgut qushlar podshohidir, – dedi u, lekin biz uni tovuq bo‘lishga o‘rgatamiz, deb ta’kidladi. Shunday qilib, burgut tovuqlar orasida yashab, ularning yashash tarzini o‘rganibdi. U o‘sib-ulg‘ayganida, tashqi ko‘rinishidan ular ko‘rgan boshqa tovuqlardan tamomila farq qilar edi.

1. Matnda dehqon hikoyaning boshida nimani qidirish uchun yo‘lga otlangan edi?

A) Buzoqni.    B) Podani.    C) Toshli qoyani.    D) Burgut bolasini.

2. Dehqonning burgut bolasiga ehtiyojkorona munosabatda bo‘lganini matnda qaysi holat ochib beradi?

A) U burgut bolasini ikkala qo‘li bilan ehtiyojkorlik bilan

oldi.

- B) U burgut bolasini uyiga olib kelgan edi.
- C) U burgut bolasini iniga qaytarib qo‘ygan edi.
- D) U daryo bo‘yidan burgut bolasini izlagan edi.

3. Dehqon burgut bolasini uyiga olib kelganida uni nima qildi?

- A) Burgutni uchishga o‘rgatdi.
- B) Burgutni ozod qildi.
- C) Burgutni tovuq bo‘lishi uchun shug‘ullantirdi.
- D) Burgutga yaxshi uya qurib berdi.

O‘quvchilarning o‘qish savodxonligini rivojlantirishda dars va sinfdan tashqari o‘qish soatlari, to‘garak mashg‘ulotlarida, takrorlash darslarida yuqorida qayd etilgan topshiriqqa o‘xshash vazifalardan foydalanish muhim omil sanaladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori: “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”. 2017 yil 6-aprel. Lex.uz.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori: “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”. 2018 yil 8-dekabr. Lex.uz.

3. Ismailov A., Norboyeva D., Kucharova K., Kosimova Z., Aminova N. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘qish savodxonligini baholash. – T.: 2019.

## ҲИРОТ МИНИАТЮРА МАКТАБИ

*(Камолиддин Беҳзод портретига чизгилар)*

**Сардор КЕНЖАЕВ,**

*БухДУ ПИ ижтимоий фанлар*

*кафедраси ўқитувчиси.*

**Санжар ҲАСАНОВ,**

*БухДУ ПИ тарих таълим*

*иўналиши талабаси*

Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида Амир Хисрав Дехлавийнинг икки нусхада сақланаётган “Лайли ва Мажнун” достонига ишланган суратлар ҳам Беҳзод қаламига мансуб. Унда Лайли ва Мажнуннинг мадрасада ўқиши пайти тасвирланган ва у 1495 йилда бажарилган. Бу ерда ҳам бинонинг меъморий безаги, нақшлар жуда аниқ ва гўзал ишланган. Беҳзод табиат манзарасини тасвирлашда ўз даври учун ноёб маҳоратини намоён этган. Камолиддин Беҳзод портрет санъатида ҳам самарали ижод қилиб, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Султон Ҳусайн Мирзо портретларини чизган. Масалан, Париждаги шахсий коллекцияда сақланаётган Султон Ҳусайн Мирзо портретида у шоҳона кийимда тасвирланган. Мусаввир унда подшонинг барча хислатларини ифодалашга ҳаракат қилган. Қиёфасидан кучли ирода, жисмоний қувватга эга бўлгани сезилиб туради. Тўладан келган гавдаси, ҳоргин юзи, қисиқроқ кўзлари, узук тақсан нозик қўллари тасвирдаги ҳукмдор умрининг кўп қисми фақат майшат билан ўтганига далилдир.

XVI асрнинг дастлабки йиллари яратилган Беҳзод мўйқаламига мансуб суратлардан мусаввирнинг юксак камолоти, шу билан бирга, хиссий кечинмаларнинг мураккаблаша бошлагани, ички дунёсида пайдо бўла бошлаган руҳий маъюсликнинг акси кўрина бошлади. Унинг буюқ мураббийи ва устози Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан сўнг бошланиб кетган низолар Муҳаммад Шайбонийхонга Ҳиротни осонликча қўлга киритишига ёрдам берди. Ана шу нотинчилклар Беҳзод ижодига ҳам таъсир этмай қолмади. Беҳзод Шайбонийхон хизматига ўтди. XVI аср бошларида Беҳзод ижодида мазкур ҳодисалар чуқур ўйчанлик, нозик лирик кечинмаларни ифодаловчи сахналарда ўз аксини топди. Бундай суратлар Хусрав Дехлавийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида мавжуд. Беҳзоднинг Лайли ва Мажнуннинг сахродаги висол чогини тасвирловчи сурати ўрин олган. Сахрода Лайли ҳижрон азоби туфайли ҳолдан тойган севгилисисининг бошини авайлаб тиззаси устига қўйган. Инсон азобига табиатдаги тинч ҳаёт ҳамоҳангдек. Сахро қаъридан ўтган зилол сувли ариқ қирғоқлари турли-туман гуллар билан қопланган. Харсанг тошлар орасидан кўм-кўк буталар икки ошиқ севгиси барҳаётлигига гувоҳдек. Сахро ҳайвонлари: шер, қоплон, тоғ бўриси, тuya икки инсон юрагини ғарқ қилган улкан севги қучи билан сеҳрлангандек сукутда, дардига шерикдек. Руҳий кечинмалар оҳангি улкан мўйқалам соҳиби томонидан моҳирона очилган.

Беҳзод Шайбонийхон хизматида бўлган кезлари унинг портретини ҳам ишлади. Тасвирда Шайбонийхон оёқларини чалиштириб болишига (ёстиққа) суюнган ҳолда икки қўлини тиззасига тираб, алланималар ҳақида ўйлаб ёзишга тайёрланган пайти тасвирланган. Унинг кийимлари оддий, гавдаси пишиқ, ҳийла қорин солган.

Унинг олидида турган ёзув ашёлари: сиёҳдон, қалам, китоб Шайбонийхоннинг ўқимишли билимдон, ҳар бир ишни пухта ўйлаб амалга оширадиган шахс сифатида тасвирлайди. Асарда тасвирланган қамчи эса унинг қаттиқ қўллиги, моҳир чавандозлиги рамзи сифатида идрок этилади. Шайбонийхоннинг мазкур сурати ҳозир АҚШда шахсий коллекцияда сақланади.

Беҳзод ҳаётининг сўнгти йилларидағи шоҳ асарларидан бири икки туюнинг олишуви акс этган суратдир. Унинг ижоди Шарқ халқлари, айниқса, Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон маданияти ва санъати ривожига катта таъсир ўтказди. Бунда унинг кўп сонли муҳлислари муҳим ўринни эгаллади. Улар Беҳзод ижодини давом эттириб, Шарқ миниатюра маданияти ва санъатининг кенг қирраларини очища етакчилик қилди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Ҳирот миниатюраси ҳам кенг ривожланди. XV аср Эрон, Мовароуннаҳр ва Хуросон миниатюраси мусулмон мамлакатлари маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Қўлёзма китоб санъати, аниқроғи, Ҳирот миниатюраси муҳим ўрин эгаллайди. XV асрда Ҳирот темурийлар салтанатининг сиёсий ва маданий маркази сифатида гуллаб-яшнади. Бу Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунғур Мирзо номи билан бевосита боғлиқдир. Бойсунғур Мирзо шоирлар, мусаввирлар, тарихнависларга ғамхўрлик кўрсатиб, ҳомийлик қилган. Қори Аҳмаднинг қайд қилишича, Бойсунғур Мирзо “Хаттотликда ноёб усталардан бири” Мавлоно Шамснинг шогирди бўлган. Алишер Навоий ҳам Бойсунғур Мирзо Ҳиротда хукмронлик қилган даврда яшаган ва унинг маданият ва санъатни ривожлантиришдаги бекиёс хизматларини алоҳида таъкидлаган. Жумладан, “Бойсунғур Мирзо саройида шоир, хаттот, мусаввир, созандалар шунчалик кўпки, ҳеч

бир замонда хукмдорлар саройида бунчалик бўлган эмас”, деган. Алишер Навоий Бойсунғур Мирзо “адолатли, бағри кенг, истеъдодли кишиларни эъзозлайдиган, кишилар фаровон яшашини истайдиган хукмдор” бўлганини қайд этган. Давлатшоҳ Самарқандий Бойсунғур Мирзо шеърлар ёзиб, форс ва туркий тилда битилган шеърларга энг тўғри баҳо бера олгани ва олти хил усулда ҳусниҳат ёза олганини эслатган. У шунингдек, Бойсунғур Мирзонинг катта кутубхонаси борлиги ва унда қадим замонлардан ўрта асрларгача яратилган энг сара асарлар сақланганини маълум қилган. Бойсунғур Мирзо даврида Ҳиротда китобларни кўчириш ва қўлёзмаларни бадиий безайдиган устахоналар ташкил этилган.

Темурийлар салтанатида жуда кўп хаттот, мусаввирлар устахоналарда ишлаш учун жалб этилган. Искандар Султон вафот этганидан сўнг Шоҳруҳ Шероздан унинг хазинасини Ҳиротга келтирган. Бу хазинада қимматбаҳо буюмлар билан бирга кўпгина қўлёзмалар ҳам бўлган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Ҳиротдаги устахоналарда хаттотлар китобларни кўчириш ва қўлёзмаларни безатиш билан шуғулланган. Уларнинг аксарияти табризлик ва шерозлик бўлган. Масалан, Мавлоно Фериддин Жафар Табризий, Сайид Аҳмад Наққош, Ҳожа Али Мусаввир, Қиёмиддин Табризий табризлик бўлса, хаттот Мавлоно Маъруф Боғдодий, Маҳмуд Али Ҳусайн шерозлиkdir. Бу Бойсунғур Мирзонинг маълум муддат Табризда ҳукмронлик қилгани билан боғлиқ. У Ҳиротда устахона ташкил этгач, Табриз, Шероз сингари ўлкалардан хаттот, мусаввирларни ишга жалб этган. Албатта, Ҳиротдаги устахоналарда маҳаллий хаттот ва мусаввирлар ҳам иш олиб борган.

Кутубхонада китобларни кўчириш, безатиш билан бирга, асл матнни тиклаш бўйича илмий тадқиқот ишлари

ҳам олиб борилган. Бу ерда Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома”сининг яхлит матни яратилган. Бойсунғур Мирзо тарихга жуда қизиққани учун тарихнависларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Ҳофизи Абрў (Мавлоно Нуриддин Абдулла) Бойсунғур Мирзонинг яқин кишиларидан бири бўлган ва унга бағишлиб “Зубдат ат-таворихи Бойсунқур” асарини битган. Ушбу асарнинг бир нусхаси 1425 йилда Ҳиротда расмлар билан безатилган. Бойсунғур Мирзонинг топшириғига қўра, Рашиддин машҳур “Жоме ат-таворих” асарини ёзган. Ушбу асар темурийлар даврида тарихий манбаларни ёзиш тартиб-қоидаларини бошлаб берган. Ҳудди шу асардан кейин тарих тўғрисидаги тадқиқотларни расмлар билан безаш анъана тусини олган. Бундан ташқари, Бойсунғур Мирзо наққош Устод Сайид Аҳмад, Хўжа Али мусаввир ва жилдоз Қовимиддин Табризийга Аҳмад Боғдодий мураққосини кўчиришни буюради.

У Амир Темур томонидан Самарқандга келтирилган Абдуллоҳ мусаввирнинг шогирди эди. Аҳмад Боғдодий томонидан тузилган суратлар мураққоси ўша пайтда ягона нусха бўлиб, баъзи суратлар давр ўтиши билан ўз латофатини йўқота бошлаган эди. Бойсунғур Мирзога аталган ушбу мураққога машҳур хаттот Мавлоно Фариддин Жаъфар қасида ёзади ва ёзувларини кўчиради. Жилд ясашни Устод Қовимиддинга, безаш Амир Холикга топширилади. Аммо мураққо кўчирилиб тамом бўлмасдан Бойсунғур Мирзо дунёдан ўтади. Мураққони кўчиришни унинг ўғли Алоуддавла Мирзо давом эттиради.

Ҳиротда Шоҳруҳ ва Бойсунғур Мирзо хукмронлиги даврида саройда қўлёзмаларга миниатюраларни чизишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилган. Сақланиб қолган кўпгина расмлар ва хомаки чизмалар қўлёзмалар

узоқ тайёргарлик асосида безатилганидан далолат беради. Қўлёзмалардаги эркак ва аёл қиёфаси, гаройиб ўсимлиқ, дараҳт манзаралари тасвири композициясининг энг мақбул вариантини топишга жиддий эътибор қаратилган. Турли миниатюра марказлари мусаввирларининг бир жойда тўпланиши юз йиллар мобайнида шаклланган услубларни ўзаро уйғунлаштириш асосида янги услугуб яратишга имкон берган. Натижада XV аср биринчи ярмида Ҳирот миниатюра мактаби вужудга келган.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, Ҳирот миниатюра мактаби XV аср 20-йилларида шакллана бошлаган. Аммо XV аср биринчи ўн йиллигигида ёқ бу ерда Бойсунғур Мирзонинг топшириғи билан тарихий асарлардан нусхалар олина бошлаган. 1410 йилда Тожиддин Салмоннинг “Шамс ул-хусм” асари кўчирилган, 1412 йилда Шомий Зуилнинг “Зафарнома”, “Зафарномаи шомий” асарларидан нусха кўпайтириш давом эттирилган. 1414 йилда “Мунтаҳибин ат-таворизи Муиний” (Муиний ва муиниддин Натанзанийнинг танланган солномаси) асари нусхалари яратилган. Бу каби далиллар устахонада асарнинг дастлабки ўн йиллигигида иш бошланган ва унда ўнлаб хаттот, мусаввирлар фаолият олиб борганидан далолат беради. Шунинг учун бაъзи тадқиқотчилар Бойсунғур Мирзо кутубхонасини “Академияга” қиёслашади. Чунки унда жуда кўп мутахассислар ўз ихтисослиги бўйича қўлёзмаларга манзара ишлаган бўлса, кимдир кишиларнинг қиёфаси, юз кўринишини чизган.

Шоҳруҳ даврида яратилган миниатюра қўлёзмалар суратларнинг нафислиги, манзараларнинг ўзига хос янгича услубда чизилгани билан эътиборни тортади. Шоҳруҳ ташкил этган кутубхонада 1414-1516 йилларда Ҳофизи Абрўнинг “Қуллиёти тарихи” асарига 20 та расм

ишланган. Хаттот Мұхаммад ибн Шамсiddин Бойсунғурий томонидан 1426 йилда күчирилган “Девон” 7 та миниатюра билан безатилган. Хожа Кирмонийнинг “Ҳимой ва Ҳимоюм” асарини ҳам шу хаттот күчириган. 1427 йилда күчирилган ушбу асарга 3 та миниатюра ишлаган. 1425 йилда Ҳофизи Абрўнинг “Мажмуа ат-таворих” (Зубдат ат-таворихи Бойсунқур) асари ҳам миниатюралар билан безаб күчирилган. 1425-1450 йилларда күчирилган китобларга ишланган 61 та миниатюра аввалги даврга мансуб миниатюраларга қиёслаганда муайян даражада устун экани яққол сезилади. Ушбу даврга оид миниатюралардаги меъморий иншоотлар ва табиат манзаралари тасвирида Жунайд Султон миниатюраларидаи услуг кўринади. Албатта, Бойсунгур Мирзо кутубхонаси мусаввирлари миниатюраларида ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу уларнинг иккинчи даражали персонажларни тасвирлаш (Ҳимой ва Ҳимоюн боғда миниатюрасида боғда қўй гўштини қабоб қилаётган хизматкорлар), композициянинг барча қисмлари мутаносиб бўлишга эришиш, табиат ва инсон, табиат ва меъморий иншоотлар уйғунлиги намоён бўлади. Миниатюраларда воқелик шартли тарзда акс эттирилсада, улар ҳаётнинг ўзидаги каби тасаввур беради.

Илк Ҳирот миниатюраси ривожининг кейинги босқичи 1430 йилларда ишланган миниатюралар билан боғлиқ. Хаттот Шамсиддин Бойсунғурий күчириган “Калила ва Димна” асарига 25 та миниатюра ишланган. 1431 йилда хаттот Маҳмуд Низомийнинг “Ҳамса”сига күчирилган нусхасига 98 та миниатюра чизилган. Хаттот Жафар Бойсунғурий 1429-1430 йилларда күчириган “Шоҳнома” кўпгина миниатюра билан безатилган. Бойсунгур Мирзо кутубхонасида күчирилган “Калила ва Димна” асарига ишланган миниатюралар рангларининг нафислиги,

манзараларнинг жозибалиги билан алоҳида ажралиб туради. Миниатюраларда кўк, яшил, оч кўк, кулранг, кумуш рангдан кўп фойдаланилган. Уларда жонзотлар билан бир қаторда, хукмдорларнинг табиат қўйнида дам олиши тасвирланган.

Бойсунғур Мирзо саройи кутубхонаси хаттот ва мусаввирлари ижодида 1430 йилда Фирдавсийнинг “Шоҳномаси”га ишланган миниатюралар туркуми ҳам алоҳида ўрин тутади. Техрондаги Гулистон саройида сақланадиган ушбу асар биринчи саҳифасидан охиригача китобат санъатининг ноёб намунасидир. Уни хаттот Мир Зафар Табризий Бойсунғурни кўчирган. Китоб муқовасининг нағислиги, саҳифаларидағи ёзуви, расмлари, нақшлари ва албатта миниатюраларнинг бекиёс гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади. Китобат санъатининг бу нодир намунаси кейинчалик хаттотлар, мусаввирлар, муқовасозлар учун ибрат намунасига айланди. Қадимий қўлёзма шоҳнинг ов қилиши тасвирланган икки бетли фронтиспис (китобнинг биринчи олдинга бетдаги ёки биринчи бет матни юқорисидаги сурат) билан очилади. Ушбу қўлёzmани безатишда достоннинг энг муҳим ўринлари миниатюралар учун мавзу қилиб олинган. Яъни хукмдорларнинг ов қилиши, саройдаги зиёфати (Кайкосув, Кайхусрав, Исфандиёр, Ануширвон), паҳлавонларнинг яkkама-якка олишуви, баҳодирларнинг жангдаги жасурлиги (Рустам, Зол), лирик саҳналар (Зол, Рудоба) чизилган. Суратларда ҳайвон, одам, дараҳт, ўсимлик, турли нарса-буюм ва персонажлар турган макон манзараси ниҳоятда жонли тасвирланган. Қизғиш, кулранг, пистоқи (баргикарам) рангларни ўзаро уйғунлаштириш орқали дикқатни бирданига жалб этадиган манзара яратилган. Умуман Бойсунғур Мирзо давридаги Ҳирот миниатюраси ҳар жиҳатдан – макон, табиат манзараси ёки одамлар

образини гавдалантириши жиҳатидан ғоятда мукаммалдир.

1540 йилларда ишланган миниатюралар ҳам ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. Хаттот Юсуф ал-Жалол 1445-1446 йилларда кўчирган Низомий “Хамса”си нусхасига мусаввир Хожа Али Табризий ишлаган миниатюралар хусусида худди шу фикрни айтиш мумкин. “Хамса”нинг ушбу қўлёзмаси Шоҳруҳнинг ўғли Муҳаммад Жўкийнинг хотини Исмат ат-Дунё буюртмаси билан ишланган. Фирдавсий “Шоҳнома”си Муҳаммад Жўкий буюртмаси асосида 1440 йилларда кўчирилиб, 31 та миниатюра билан безатилган. Ушбу нодир қўлёзма Лондондаги кутубхоналардан бирида сақланади. Миниатюралар билан безатилган ушбу қўлёзмалар санъатнинг бу йўналишида темурийлар даврига хос услуг шаклланганини намоён этади. Бу услубнинг энг муҳим жиҳати композициядаги барча қисмлар аниқ ва равshan уйғунлик ҳосил қилгани, воқеиликнинг нафис чизгилар орқали жонли акс эттиришида кўринади. Бойсунгур Мирзо кутубхонасида ишланган миниатюраларда меъморий иншоотлар ва одамлар билан бирга ҳайвонлар, паррандалар, дараҳт, ўсимликлар, нарса-буюм, либослар ҳам аниқ гавдалантирилган. Улар худди жонлидек кўриниб, ҳаракатланаётгандай таассурот уйготади. Майсазор, гуллаган дараҳт, буталар кишини беихтиёр мафтун этади. Миниатюраларда макон ечимида Эрон ва Яқин Шарқ миниатюрасига хос услуг уйғунлашган. Эрон мусаввирлари миниатюрасида макон яssi, Яқин Шарқ мусаввирлари расмида эса вертикал бўйлаб ичкарига олиб кўрсатилади. Бойсунгур Мирзо кутубхонаси мусаввирлари жалойирлик мусаввирлар услубини ижодий бойитиш асносида маконни кўрсатишда янгича услуг яратишга эришди.

Ҳиротлик мусаввирлар миниатюраларида макон юқорига

ва ичкарига қараб, кенгайиб боради. Унда одамлар ва ҳайвонлар тасвири ўлчами кичрайтирилиши ҳисобига интеръер ва экстеръер аниқ кўрсатилади. Шу тарзда миниатюраларда маконнинг космонинг ечимига эришилади. Гўё мусаввир воқеликни юксакдан туриб тасвирлагандай туюлади. Миниатюрада умуман рангтасвирда маконни кўрсатишда ранг муҳим ўрин тутади. Темурийлар даври мусаввирлари рангларнинг турлича жилоланишидан фойдаланган ҳолда, ихчам макон ҳосил қиласиди ва унга барча рангларини тўлиқ сақлаган ҳолда, кенг табиат манзарасини, катта меъморий иншоотларни жойлаштиради. Улар тилла рангда олов, куёшнинг бутун моҳиятини мужассам этганидан бошқа ранглар унинг фонида ўзининг бутун жилоси билан кўринади.

XV асрнинг биринчи ярмидаги илк Ҳирот миниатюраси Шарқ рангтасвири ривожига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Ҳиротлик мусаввирлар Шероз, Боғдод ва Табриз мусаввирлари эришган энг муҳим ютуқларни ўз асарларида яхлит ҳолда мужассамлаштириди. Лекин уларнинг миниатюралари образни ифодалаш, макон ечими жиҳатдан ғоятда ўзига хос экани тадқиқотларда алоҳида таъкидланади.

Илк Ҳирот миниатюра рангтасвири мавзуси бой ва ранг-баранг. Темурийлар даври миниатюрачилари тарихга бағишлиланган асарларни безашда юксак ижод намуналарини яратиб, тарихий воқеликни суратларда гавдалантириш концепцияси ривожини белгилаб берди. Ўша даврда тарихий воқеаларни кўрсатишда қамал, жант, ғалаба, зиёфат, яккама-якка олишув манзаралари (“Зафарнома”, “Мажмуа ат-таворих”) миниатюралари учун асосий объектга айланди. Адабий-бадиий асарлар (“Шохнома”, “Хамса”, “Калила ва Димна”, девонлар, достонлар), диний мавзудаги

асарлар (“Меърежнома”), илмий ишлар, юлдузлар жадвали, шажараларга суратлар ишлашда ҳам улардаги энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш кенг тус олган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат.  
– Т.: F.Ғулом. 1996. – Б.88.
2. Асқаров А., Оқилов О. Темур ва Улугбек даври тарихи.  
– Т.: Qomuslar. 1996. – Б.264.
3. Аҳмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур: жизнь и общественно-политическая деятельность. – Т.: Университет. 1999. – С.263.
4. Берзиков Ё. Буюк Темур: Роман-бадиа. – Т.: Шарқ. 1996. – Б.368.
5. Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Т.: Voris. 2019. – Б.367.
6. Kenjayev S.N. Amir Temur's ambassadorial activity in diplomatic relations with China (Min state) (in the case of Fu An) // Impact Factor: 9.2, ISSN-L: 2544-980X.- Miasto Przyszlosci Kielce,2022.112-114 P.
7. Кенжав С.Н. Trade and economic relations between Amir Temur's state and the Min dynasty// International symposium of young scholars. –USA. 2021. –P.480-481.

## XX ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA JADID HARAKATINING VUJUDGA KELISHI

Saodat JABBOROVA,  
*Turon Zarmed universiteti*  
*o‘qituvchisi*

XX asr boshlarida Buxoro amirligi har biri o‘nlab, ba’zilari yuzlab mavze, qishloqlarni o‘zida birlashtirgan amlokadorliklardan tashkil topgan 10 tuman va 25 beklikdan iborat edi. Rossiya imperatorlik siyosiy agentligi uchun Qushbegi Devoni tomonidan tuzilgan hujjatga ko‘ra, amirlik hududi 125 amlokadorlik, mavze, 4946 masjid va 10000 dan ortiq aholi manzilgohlariidan iborat bo‘lgan<sup>1</sup>. Amirlikning maydoni 225.000 kilometr kvadratga teng edi<sup>2</sup>.

Manbalarning guvohlik berishicha, Buxoro aholisining asosiy mashg‘uloti dehqonchilik va chorvachilikdan iborat agrar mamlakat bo‘lib, ishlov berishga yaroqli yerlar 2.700.000 desyatini tashkil etgan<sup>3</sup>.

1866-1868 yillarda Rossiya bilan urushda Buxoro amirligining mag‘lubiyati natijasida mamlakat tarixida yangi davr – yarim mustamlaka davri boshlandi.

<sup>1</sup> Астанова Г.Ю. Документы из архивов Узбекистана по истории Таджикистана XIX начала XX века // Общественные науки в Узбекистане. -№8. 1991.–С.58-59. Бошка манбада XX аср бошида Бухоро амирилиги 28 беклик, 9 тумандан иборат бўлгани хақида маълумот бор. Қаранг: Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. – Душанбе: 1997. – С.25. Амир Олимхон ўз хотираларида Бухоро мамлакати 28 бекликка бўлинган деб ёзди. Қаранг: Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Т.: 1991. – Б.27.

<sup>2</sup> Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Т.: 1991. – Б.27.

<sup>3</sup> Губаревич-Радобылский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СпБ. 1905. – С.18

1873 yilgi Rossiya-Buxoro shartnomasiga binoan rus fuqarolarining amirlik hududida ko‘chmas mulk sotib olish va boshqa turdag'i iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini olishi natijasida Rossianing Buxoroda iqtisodiy hukmronligi yanada kuchaygan.

1873 yil 28 sentabrdagi “Do‘stlik haqida”gi shartnomaning 16-moddasiga ko‘ra, 1885-yilda tashkil etilgan Rossiya imператорлик siyosiy agentligi Buxoroda imperiyaning mustamlakachiliksiyosatinio‘tkazuvchimarkazedi. Bumarkazga 1886-yil 1-yanvaridan imperator Aleksandr III Farmoni bilan ta’sis etilgan siyosiy agent rahbarlik qilgan. U bevosita markaz – Peterburg, ya’ni tashqi ishlar vazirligi tomonidan tayinlangan. Siyosiy agent xizmat yo‘nalishi bo‘yicha Turkiston general-gubernatoriga bo‘ysunar, ammo mohiyat jihatdan harbiy hamda tashqi ishlar vazirliklari vakolatlari doirasida ish yuritgan.

Siyosiy agentlik Buxoro amiri va uning amaldorlari ustidan maxfiy nazorat va kuzatuv olib boruvchi markaz vazifasini o‘tagan. Natijada amir shunday qaram holga tushganki, Turkiston general-gubernatori uni ruslar oldidagi itoatkor uezd boshlig‘iga qiyoslagan.

1895 yil 1 yanvardan Buxoroning Rossiya bojxona tizimiga kiritilishi ham xuddi shu siyosatning bir ko‘rinishi bo‘ldi. Imperiyaning Buxoroda o‘tkazgan pul islohoti ham ana shu maqsadga qaratilgan edi. Boj sohasida amirning mustaqilligi yo‘qotilishi hamda tanganing rus rubli va kopeykasiga bo‘ysundirilishi Buxoroni xomashyo makoniga, Rossiya bozoriga aylantirishda muhim bosqich bo‘ldi. Bu siyosat butun O‘rta Osiyo hududida qo‘llangan.

Buxoro Rossiya sanoati uchun xomashyo manbai vazifasini bajara boshladi. Chunonchi, 1850-1860 yillarda eksport uchun 50 ming pud paxta yetishtirilgan bo‘lsa, XX asr boshlarida uning miqdori 1,2 million, 1916 yilda esa 2 million pudga yetdi.

Qorako'l teri, jun va boshqa qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish ham yildan yilga oshib bordi.

Buxoro amirligidagi eksport-import operatsiyalari yettita xususiy bank tomonidan moliyaviy jihatdan ta'minlangan edi. Banklar Buxoroning ishbilarmon kishilarini o'z atrofiga birlashtira boshladi.

Tovar-pul munosabatlarining rivojlanishi milliy burjuaziya shakllanishini tezlashtirdi. Shu bilan birga, azaldan mavjud bo'lgan sudxo'rlikning ham rivojlanishiga ma'lum darajada ta'sir etdi.

Sudxo'rlar yuqori foizlar bo'yicha qarz berishdan manfaatdor edi. Bu esa dehqon va kosiblarning yanada qashshoqlashib, xonavayron bo'lishiga olib keldi. Sudxo'rlik iqtisodiyotni taraqqiy ettirishda asosiy to'siq bo'lib, amirlik tuzumi ag'darilgunga qadar hukm surdi.

Buxoro aholisi ko'p millatli edi. Bu yerda o'zbeklar, tojiklar, qozoqlar, qirg'izlar, turkmanlar, qoraqalpoqlar, yahudiylar, forslar, arablar istiqomat qilar edi<sup>4</sup>. Amirlikda aholining ko'pchiligini, ya'ni 1,5 million kishini o'zbeklar tashkil etgan. Mamlakat aholisining asosiy qismini dehqonlar, chorvadorlar va shahar hunarmandlari (kosiblar) tashkil etar edi.

Buxoro amirligi Rossiya tasarrufiga o'tgandan keyin ham siyosiy tuzum eskicha qolaverdi. Amir Olimxon davlat boshlig'i bo'lib, faoliyat doirasi cheklanmagan hokimi mutlaq edi. U yana mamlakatning eng katta savdogari ham bo'lgani va xalqaro savdoda faol ishtirok etgani ham ma'lum. Rossiya Davlat bankida amir sarmoyasi 27 million rubl (pul)ni, xususiy banklarda esa 7 million rubl (pul)ni tashkil qilgan. Qorako'l savdosi bo'yicha u jahon bozorida uchinchi o'rinda edi. Amir Rossiyada eng katta ko'chmas mulk egasi ham bo'lgani. Shu bilan bir qatorda, amir Rossiya imperatori general-adyutanti sifatida Peterburg Oliy

<sup>4</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПБ. 1843. – С.17.

amaldorlar doirasiga ham kirgan edi.

Said Abdulahadxon imperator saroyida katta obro‘-e’tibor qozongan edi. Imperianing eng oliv mukofoti – “Andrey Per vozvanniy” ordeni bilan taqdirlangan general-adyutant Said Abdulahadxon harbiy unvoni – kavaleriya generali (rus armiyasidagi eng oliv generallik darajasi) sifatida o‘zining bevosita boshlig‘i Turkiston general-gubernatoridan ham baland mavqeda turgan. Rus tilida erkin gaplashadigan va sovg‘a-salom, amirona tortiqlari bilan podsho amaldorlari ko‘nglini ola biluvchi Abdulahadxon o‘z faoliyati bilan Buxoroni butun bir rus guberniyasiga aylantirish borasidagi harakatlarga chek qo‘yishga muvaffaq bo‘lgani, mamlakatning yarim mustaqilligini saqlab qolganini tan olish tarixiy adolatni tiklaydi. Buxoro amirlari orasida u o‘zining bilimi va vaziyatga ancha xolis baho berishi bilan ajralib turgan. Abdulahadxon Ojiz taxallusi bilan she’rlar yozgan. Taxallusining o‘zi ham amirning voqelik oldida ojiz bo‘lganini ko‘rsatishga ishora bo‘lgani ham o‘z-o‘zidan a’yondir. She’rlaridagi ichki afsus-nadomatlari ham shundan dalolat beradi<sup>5</sup>.

Amirlikda ruhoniylarning roli alohida ajralib turgan. Bir tomondan, ular amir hokimiyatini mustahkamlashga, ikkinchi tomondan, mamlakatdagi butun siyosiy va iqtisodiy, shuningdek, ma’naviy hayotga ta’sir o‘tkazishga harakat qilar edi.

Davlat boshqaruvida ulamolardan tashqari, mulkdorlar tabaqasi ham muhim o‘rinni egallagan. Boshqaruv apparatida an’anaviy hokimiyat pillapoyasi mavjud bo‘lib, unga muvofiq bahodir, mirzaboshi, jebachi, qorovulbegi, miroxo‘r, to‘qsabo, shikorboshi, biy, dodxoh, parvonachi, devonbegi, qushbegi, otaliq kabi xizmat lavozimlari joriy etilgan. Biylardan yuqori pillapoyaga ko‘tarilganlar oliy amaldorlar toifasiga kiritilib,

<sup>5</sup> Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Абдулаҳадхоннинг “Рўзномаи сафари Феербурх” 2869-рақамли ва яна унинг Петербургга қилган яна бир сафар таассуротлари 4316-рақамли кўлёзма сифатида сақланмоқда.

одатда ular bek lavozimini egallar (viloyat hukmdori) yoki Buxoro arkida ishlardi.

Mavjud bo‘lgan manbalarga tayangan holda Buxoro amirligining Osiyocha boshqaruv organlari tuzilishi haqida quyidagilarni bayon qilish mumkin. Davlat hokimiyati tepasida amir turar, uning huzurida doimiy ravishda 100 kishidan iborat maslahatchilar mavjud edi. Davlatni 125 amaldorlardan iborat apparatga ega qushbegi boshqargan.

Qushbegi tasarrufida quyidagi bo‘limlar mavjud bo‘lgan: to‘pchiboshi (50 amaldordan iborat apparat), lashkarboshi, mirshab (70 amaldordan iborat), qushbegi poyon-zakotchi (100 amaldordan iborat), qozi kalon (150 amaldordan iborat), rais (ruhoniylilik unvoniga ega 100 amaldordan iborat apparat).

Tarixiy adabiyotlarda Buxoro davlatida amirdan keyingi muhim o‘rinni egallagan Qushbegi lavozimi to‘g‘risida turli xil fikrlar mavjud. Chunonchi, P.Shubinskiy qushbegini vitse-kanslerga, ark komendantiga, Buxoro shahrining gubernatoriga<sup>6</sup>, V.V.Krestovskiy esa, uni turklarning buyuk vaziriga, Yevropa davlatlarining davlat kansleriga tenglashtirgan<sup>7</sup>. A.A.Semenov qushbegining amirlikdagi roliga ancha radikal baho berib, uni amir davlatidagi birinchi ma’mur va uning yordamchisi deb ataydi<sup>8</sup>.

Ayrim manbalarning guvohlik berishicha, Qushbegi davlatdagi butun hokimiyatni o‘z qo‘liga to‘plab olgan. Uning mahkamasi amirlikdagi davlat boshqaruvining oliy farmoyish beruvchi va ijro etuvchi organi hisoblangan. Davlat ahamiyatiga ega ba’zi masalalarda, ya’ni urush olib borish, moliya, daromadlar va sarf-xarajatlarni nazorat qilish, oliy darajadagi amaldorlarни ishga tayinlash va ishdan bo‘shatish, tanho yoki faxriy un-

<sup>6</sup> Шубинский П.Очерки Бухары. // Исторический вестник. – 1875.

<sup>7</sup> Крестовский В.В. В гостях у Бухарского эмира. – СПБ. – 1887. – С.286.

<sup>8</sup> Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства.// Труды САГУ. Серия истории; - вып. 1. – Т.: 1929. – С.35.

vonlarni taqsimlash amir vakolati doirasida bo‘lgan.

Markaziy hokimiyatni ushlab turish ko‘p jihatdan dunyoviy va diniy hokimiyatni qo‘shib olib borish bilan bog‘liq edi. *Aholining huquqiy turmushi shariat bilan qat’iyan belgilangan bo‘lib, u amalda amirlikda jinoiy va fuqarolik kodeksi hisoblangan.* Kishilarning yurish-turishini va xatti-harakatini tartibga solib turish aynan ruhoniylarga ishonib topshirilgan.

Shariatni sharhlash, talqin etish, sud-politsiya (mirshab) ishlarini olib borish ularning qo‘lida edi. Ruhoniylar savdo-sotiqni, bozorni va eng asosiysi aholi tomonidan diniy urf-odatlarga rioya etishni nazorat qilardi. Ruhoniylar ham dunyoviy hokimiyat vakillari kabi o‘zlarining kelib chiqish shajarasiga ega bo‘lib, sayidlar, xo‘jalar, qozikalon, a’lam, shayxul-islom, viloyatlarda esa faqat qozi lavozimiga tayinlanardi. Joylarda ruhoniylarning qolgan barcha lavozimlari mahalliy bekning tasarrufida bo‘lgan.

Markaziy davlat boshqaruvi tizimida ruhoniylarning quyidagi oliv mansablari mavjud edi: doimo amirning yonida turadigan, shariat ishlari bo‘yicha unga maslahat beruvchi – shayxul-islom; amirlikning butun hududida huquq-tartibotni amalga oshiruvchi, adliya vaziri maqomida bo‘lgan oliv sudya – qozikalon; shariat me’yorlari bajarilishini, mozorlar, masjidlar, madrasalar va maktablar ishini nazorat qilish vazifasini bajaruvchi – rais.

Raislik obro‘li lavozimlardan biri bo‘lib, payg‘ambarlar avlodni asosan sayidlardan tanlangan. Amalda u diniy qoidalarga rioya qilmagan va shariat qoidalari buzganlarni jazolash bilan shug‘ullangan. Faxriy unvonlarga ega bo‘limgan mulkdor tabaqa tarxonlar toifasiga kiritilar va davlatga to‘lanadigan soliq, to‘lovlardan ozod etilardi. Navkarlar toifasi avloddan-avlodga meros sifatida o‘tar, davlat apparatining amaldorlari shular orasidan yetishib chiqardi.

Amirlikda osiyocha boshqaruv bilan bir qatorda, mahalliy boshqaruvning ham hokimiyat pillapoyasi tashkil etilgan edi.

Bek – amirning maxsus farmoni bilan tayinlanib, o‘z huduvida mutlaq nazoratsiz va mustaqil hukmdor bo‘lgan.

Beklikni boshqarish uchun bek huzurida quyidagi lavozimlar joriy etilgan: soliqlarni yig‘ish bilan shug‘ullanuvchi devonbegi yoki zakotchi; amir bilan yozishmalarni yurituvchi – shaxsiy kotib (mirzoi munshiy); mirshab – qal’a, qamoqxona va qurol-aslaha omborida tartibni saqlash va qo‘riqlash bilan mashg‘ul bo‘lib, politsiya vazifasini bajargan; amin – shahar va qal’a xo‘jaligini, qurilish ishlarini olib borgan, bek va amaldorlar foydasiga mehnat majburiyatlarini bajarish uchun aholini safarbar qilish bilan mashg‘ul bo‘lgan; poychirmi – sotilgan moldan zakot yig‘uvchi vazifasini bajargan. O‘z navbatida ularning har biri ixtiyorida ma’lum miqdorda xizmat qiluvchi o‘z odamlari bo‘lgan.

Yerga egalik qilishning asosiy va keng tarqalgan shakli davlat yerlari bo‘lib, ular quyidagilardan iborat edi: amlok yerlari, mulki sulton, zamin sulton (podshohlikka qarashli yerlar). XX asrning boshlarida Buxoroda yerga xususiy mulkchilikning to‘rt ko‘rinishi mavjud bo‘lgan: mulki-xurri-xolis, mulki xiroj, amloki-zamini podshohi, zamini vaqf.

Mulki xirojdan dehqonlar ommasi foydalanar, bunday yerlarning egalari yerni sotishi, in’om etishi yoki garovga qo‘yishi mumkin edi. Undan olinadigan yer solig‘i hosilning 1/3 qismidan 1/5 qismigacha belgilangan. Mulki ushr, dahyak deb atalgan yerlardan olinadigan soliq, hosilning 10 foiziga teng bo‘lgan. Buxoroda “mulki xurri-xolis” yerlari – 40,2 foizni, “mulki xiroj” yerlari esa, 15 foizni tashkil etgan.

Davlat xazinasi asosan soliqlar va turli shakllardagi to‘lovlar hisobidan to‘ldirilgan. Asosiy soliq – zakotni to‘lash har bir mo‘min-musulmon uchun majburiy bo‘lib, har 40 bosh qo‘ydan bir qo‘y miqdorida olinar edi. Buxoroda soliqlarni yig‘ish bilan shug‘ullanuvchi amaldorlar ishi ustidan hech qanday nazorat

o‘rnatilmagan edi. Soliqlar har bir kichik amaldor tomonidan shunday tartibda yig‘ib olinganki, uning miqdori amaldorning yaxshi yashashi uchun va nihoyat, amirga keragicha to‘lab turish uchun qancha zarur bo‘lsa shuncha edi. Zakot bilan bir qatorda soliqning umumiy miqdoriga kiruvchi sovg‘a-sarpo ham yig‘ib olinib, poytaxtga jo‘natilgan. Soliqning miqdori viloyatlarda bir-biridan keskin farq qilgan. Agar Baljuvon viloyatida uning miqdori 225 ming tangaga teng bo‘lsa, Denov viloyatida bor-yo‘g‘i 75 ming tangani tashkil etgan.

Yerdan olinadigan xiroj amirlikning soliq tizimidagi ikkinchi asosiy soliq hisoblanardi. Xirojni yig‘ib olishda azaldan turli-cha tartib va qoida o‘rnatilgan bo‘lib, qishloq xo‘jalik mahsulotlaridan ayrim joylarda hosilning 1/10 dan – 1/5 qismigacha miqdorida, boshqa bir joylarda 1/3, 3/10 qismi miqdorida belgilangan, ba’zi tumanlarda esa mutlaqo olinmagan. Bundan tash-qari, amirlik hududida yana o‘nlab turli soliq shakllari mavjud bo‘lib, ular asosan mehnatkash xalq yelkasiga og‘ir yuk bo‘lib tushgan.

Birinchi jahon urushi yillarida Buxoro amiri Olimxon (1910-1920) podsho Nikolay II ga o‘z sadoqatini rubl (pul)ni urush xarajatlariga hadya qilish bilan bildirib, undan Aleksandr Nevskiy ordenini olishga va unvonini general-leytenant darajasiga ko‘tarishga sazovor bo‘lgan.

Amirlik aholisi yelkasiga tushgan og‘ir yuklardan yana biri amir va amaldorlarning shikorga chiqishi edi. Qishloq aholisi o‘n kunlab sarbozlar va amaldorlarga katta ziyofat berishga majbur bo‘lgan.

Ayniqsa, Sharqiy Buxoro aholisi amir va beklar dastidan ko‘p ozor chekkan. Bu yerdagi og‘ir ahvol odamlarni O‘rta Osiyo-ning boshqa hududlariga ish axtarib ketishga yoki Afg‘oniston-ga o‘tib ketishga majbur etgan. Natijada mamlakatdagi bunday beboshliklar va fuqarolarning og‘ir ahvoli xalq noroziliginining

kelib chiqishiga sabab bo‘lgan.

XIX asrning oxiri – XX asrning boshlaridayoq amir va uning amaldorlari hokimiyati va mustamlaka zulmiga qarshi xalq om-masining chiqishlari bo‘lib o‘tgan edi. Dehqonlarning chiqishlari yakka-yakka holda ham, uyushgan holda ham sodir bo‘ldi.

1889 yil may oyida Kalifda soliq to‘lashga qurbi yetmagan kambag‘alni azoblagan bekka qarshi qo‘zg‘olon ko‘tarildi. Hamqishloqlar va boshqa aholi or-nomusi toptalgan inson uchun bekka qarshi kurashga qo‘zg‘aldi. Bu faqat bir amaldor-ga emas, balki uning timsolida gavdalangan ikki tomonlama zulmga qarshi isyon edi. Shuning uchun ham Rossiya bojxona-nasi soqchilari bekni o‘z himoyasiga olib, isyonni bostirdi. Bu Buxoroning ichki ishlariga bevosita aralashuvning o‘zginasi edi. Aslida esa, Buxoro amirligidagi bojxona boshliqlariga yuborilgan ko‘rsatmada amirlikning ichki ishlariga aralashish qat’iyan ta’qiqlangan edi<sup>9</sup>.

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida O‘rta Osiyodagi xalq harakatlari Eron, Jazoir, Turkiya, Afg‘onistonidagi voqealar-ning ta’siri kuchli bo‘lgan. 1905-1907 yillarda Rossiyadagi in-qilob Buxorodagi siyosiy hayotning faollashuviga va rivojla-nishiga katta ta’sir ko‘rsatdi. Rossiya va mahalliy hokimiyat-ning zo‘ravonligiga qarshi kurashda aholining iqtisodiy, milliy, diniy manfaatlari mujassamlashdi.

Shuni alohida ta’kidlash joizki, 1905 yilning yanvaridayoq Chorjo‘ydagi miting va yig‘ilishlar qatnashchilari rus ishchi va dehqonlarining chorizmga qarshi kurashini qo‘llab-quvvatladi. O‘sha yilning fevral oyida Chorjo‘y temir yo‘lchilari ma’muriyatni yon berishga majbur qilib, ishchilarining ayrim talablari ni qondirishga erishdi. Shuningdek, 1905 yil oktabr-noyabr va 1906 yil fevralida Buxoro paxta tozalash zavodi, Kogon paxta tozalash zavodining rus va mahalliy millatdan iborat ishchilari

<sup>9</sup> Ўзбекистон МДА. И-3-фонд, 1-рўйхат, 63-иш, 12-варак.

ham ish tashladi va shu bilan mavjud tartib-qoidalardan o‘z noroziligini bildiradi. 12 mingdan ortiq to‘quv dastgohiga ega bo‘lgan Buxoro to‘qimachilik korxonasi dagi ish tashlash 15 kunga cho‘zildi, natijada ishchilar ish haqining qisman oshirilishiga erishdi.

1905-1907 yillar davomida Ko‘lob va Hisor bekligi qishloqlarida xizmat yuzasidan hamda to‘lovlarni yig‘ishga kelgan bek va uning amaldorlariga xalq tomonidan tez-tez hujum uyushtirildi. 1907-1908 yillarda Sharqiyy Buxoroning ko‘pgina bekliklarida dehqonlar g‘alayonlari bo‘lib o‘tdi. Jumladan, Ko‘lob, Darvoz, Baljuvon, Qorategin, Shug‘non va Rushonda ana shunday xalq g‘alayonlari sodir bo‘ldi. Ayniqsa, Mo‘minobodda yirik g‘alayon bo‘lib, uning hokimi Muhammad Nazirbek va fuqarolar o‘rtasida kelishmovchilik kelib chiqdi. Ushbu mojaroni bartaraf etish uchun amir tomonidan Miroxo‘r Hazratqul yuboriladi. Xalq noroziligining asosiy sababi – amir hukumati tomonidan tayin qilinib, shariat aqidalariga zid ravishda to‘planadigan soliqlarning ko‘pligi edi.

Ko‘p holatlarda muzofotda tinchlik o‘rnatish uchun navkarlardan foydalanilgan. 1908 yilda Qorategin bekligidagi g‘alayonga Qalandarsho degan kishi boshchilik qildi. G‘alayonning boshlanishiga Qorategin begi Abdulmo‘minning xalqqa nisbatan o‘tkazgan zo‘ravonligi sabab bo‘ldi. 1910 yilda Ko‘lob bekligida dehqonlarning yana bir yirik g‘alayoni bo‘lib o‘tdi. Bu voqeя Ko‘lob hokimi mulla Ahmadbiyni shunchalik qo‘rkitib yubordiki, u g‘alayonni bostirish uchun rus chegara xizmati polkovnigi Gaydaburovdan 30-40 nafar qurollangan soldatni jo‘natishni iltimos qilishga majbur bo‘ldi. G‘alayon bostirildi. Uning kelib chiqishi sabablarini o‘rganish uchun bu yerga amirning maxsus vakili – mahrami yetib keldi va tekshirishdan so‘ng u Ahmadbiyni egallagan lavozimidan chetlashtirdi.

XX asr boshlarida Buxorodagi siyosiy jarayonlarning rivojida 1910-yil yanvarida bo‘lib o‘tgan voqealar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu yerda gap shia va sunniylar o‘rtasidagi mojarolar haqida bormoqda. Bu voqealarning o‘sha davr matbuotida ancha batafsil ko‘rsatilgan<sup>10</sup>. Shuningdek, Buxorolik tarixchi Mirzo Salimbek asarida ham bu voqealarning to‘g‘risida ma’lumot berilgan: “Amir Abdulahadxon sultanatining oxirgi yillarida eroniylar Buxoro talaba va ulamolari bilan jang qilib, ikki tomondan ham ko‘p kishilar o‘ldirildi. Ostonaqul Qushbegi ishdan chetlashtirildi<sup>11</sup>.

Amirlik hududida yashovchi ko‘pchilik – o‘zbeklar, tojiklar va turkmanlar sunniy, ozchilik – eronliklar esa shia mazhabida edi.

Buxoro Qushbegisi, shia mazhabidagi Ostonaqul amir Abdullahadxonga sodiqlik bilan xizmat qilib, ba’zi bir obro‘li va daromadli lavozimlarga o‘ziga yaqin odamlarni tayinlagan edi. Buxoro qozikaloni (sunnyi) Baqoxo‘ja va rais Burxoniddin Qushbegi siyosatidan norozi bo‘lib, uni saroydan chetlashtirish chora-tadbirlarini qidirgan.

<sup>10</sup> Антонович М. Причины волнения в Бухаре // Туркестанский курьер. 1910; Белинский. Финал Бухарских событий // Туркестанский курьер. 1910. № 28; Беспорядки в Бухаре // Туркестанские ведомости. 1911. – № 159; Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. 1987.

<sup>11</sup> Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. Таворихи муттақадамии ва Муттахирин. – Бухоро: 2003. – Б.304.

## МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ФАЛСАФАСИ ТАҲЛИЛИ

**Насиба ИБОДОВА,**  
*Бухоро табиий ресурсларни бошқарши  
институти ўқитувчиси*

Бедил асарлари, айниқса, XIX асрдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Улар фалсафий фикрга бойлигидан Бедил Туркистанда “Абулмаъоний” (“Маънолар отаси”) деб ном олган. Унинг китобларини ўқиб берувчилар “бедилхонлар” деб аталган. Боқий – ўзбек адабиётшуноси (манбашунос), шоир бўлиб, Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билган. Бу инсон халқ орасида навоийхон, бедилхон деган ном олган. Мана шунинг ўзиёқ Бедил ижодининг халқ орасида қанчалар кенг тарқалганини, Бедилни билганлар алоҳида ҳурмат-эътиборга лойик кўрилганини билдиради.

Шимолий Ҳиндистонда форсий ва туркий тилларда, Марказий Ҳиндистонда урду тилида сарой поэзияси тараққий этган, қатор насрый ва назмий асарлар (Бобур, Байрамхон, Омулий, Соиб Табризий, Зебунисо, Бедил, Мирзо Ғолиб ва бошқаларнинг асарлари) яратилган. Ижодда “ҳинд-мусулмон услуги” (шоирлар ўз асарларида Ҳиндистон табиат манзараларини, воқеа-ҳодисаларини тасвирласалар-да, форс-тожик шеъриятининг анъанавий шакл ва образларидан фойдаланган) вужудга келган (Файзий “Нал ва Даман”, Бедил “Комде ва Мудан” ва бошқ.) ва унда маҳаллий халқ билан мусулмон аҳоли ўргасидаги дўстлик, муҳаббат ғоялари тараннум этилган.

Файласуф М.Абдуллаева келтирган маълумотга кўра, “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” мавзусидаги асар И.Мўминов томонидан 1946 йилда ёзилган ва илк бор Самарқанд давлат университети томонидан нашр қилинган. Сўнг тузатиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда 1958 йилда, 1974 йилда эса “Мирзо Бедил дунёқараши” номи билан айрим тузатиш, қисқартириш ва тўлдиришлар киритилган ҳолда Тошкентда чоп этилган [1:91]. И.Мўминов 1935-1944 йилларда Бедил ижоди устида жиддий тадқиқотни амалга оширди. “Ирфон” асари таркибида “Комде ва Мудан” достони борлигини аниқлади. 1946 йилда “Философские взгляди Мирза Бедиля” рисоласида ушбу достон ҳақидаги маълумотни биринчи марта эълон қилди. Бедил асарларини синчковлик билан ўрганган олим улардаги ижтимоий-фалсафий йўналишларни таҳлил қилди ва ижодкорнинг илмий-ижодий биографиясини яратишга муваффақ бўлди. И.Мўминов фикрича, Бедил ҳинд фалсафасининг форс тилига таржима қилинган нусхаси “Упанишад четырех Вед”дан ҳам ўрганган. У маълум бир мuddат ўша даврда оммавийлик касб этган дарвешлар билан яқин муносабат ўрнатади, аммо бундан унинг ўзи қониқиши ҳосил қилмайди. Ҳақиқий ҳаётдан узилган, таркидунёчиликни тарғиб қилувчи ғояларга асосланган бу тоифа билан алоқаларини тезда узади ва Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳга навкарлик хизматига киради. Аммо орадан кўп ўтмай ҳаётини тўлалигича фан ва адабиётга бағишлиш мақсадида бу ишдан ҳам кетади.

Бедил сўзга, ўз маслақ, эътиқодига ўта садоқатли эди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Аъзамшоҳнинг ўзига бағишилаб мақтовли шеърлар, касидалар ёзib бериш ҳақидаги таклифини кескин рад қилиб, шундай муносабат билдиради:

*Бедил, моро ҳарза даро ишон нест,  
Маҳди миру ситоиши султон нест.  
Зин даст қаломе, ки зим о мешунави,  
Гайр ва исҳори хизмати ёрон нест [2:31].*

Яъни, “Бедил бемаза гапиришлик менинг шаънимдан эмас. Мен султонларни мақтамайман, шахзодалар шарафига мадҳ айтмайман. Менинг шеърларимда бироннинг мадҳига айтилган мисралар бўлса, дўстлар ва маслакдошларим шаънига айтилгандир”. Кўриниб турибдики, Бедил ўз сўзи ва фикрида сабит, қатъиятли, иродаси кучли шахс бўлган. Ҳақиқий ижодкор учун шахс ва қиёфа муҳим аҳамиятга эга. Қатъиятли, матонатли, жасоратли бўлмаган ижодкор ҳеч қачон ноёб асар яратса олмаслиги аён. Бедил шундан кейин Азимободдан пойтахтга – Дехлига кўчиб келади ва ҳаётининг қолган қисмини Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий марказида ўтказади. Бу даврда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда вазият бир-бирига жуда ўхшашиб, ички урушлар авж олган, саноат, ишлаб чиқариш, дехқончилик, ҳунармандчилик соҳалари оқсаган, халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти оғирлашган давр эди. 1658 йилда Аврангзеб Ҳиндистоннинг каттагина қисмини бирлаштириди, отаси шоҳ Жаҳонни қалъага қамашни буюрди, акаси Доро Шукуҳни таҳтни эгаллашга ҳаракат қилишидан чўчиб, уни исломни ҳинд фалсафаси билан мослаштиришда айблаб қатл эттириди. Бир сўз билан айтганда, Ҳиндистонда гуллаб-яшнаган Бобурйлар империяси таназзулга юз тута бошлади. Бу ҳақда Жаваҳарлал Неру: “Буюк мўғуллардан энг кейингиси – Аврангзеб соат стрелкасини орқага бурмоқчи бўлди ва бу уринишида соатни тўхтатиб қўйди ҳамда уни синдириди”, деб ёзган.

Мирзо Бедил ана шундай мураккаб, зиддиятли даврда яшади ва албатта, ўз асарлари билан ҳукмрон мафкурага ўз муносабатини билдириди. Халқпарварлик руҳи билан суғорилган, адолат ва чин инсонийлик қуйланган ижоди билан ўзининг асл халқ фарзанди эканини намоён қила олди. И.Мўминов буни қуидагича изоҳлайди: “Бедил ўз фикр ва идеяларини очиқдан-очиқ изҳор қила олмади ва шунинг учун ҳам диний спекулятив-метафизик қоидаларни ишлатишга, ўз фикрларини теологик либосга буркашга мажбур бўлди” [2:33].

Бедил ярим асрдан кўпроқ даврни қамраб олган ижод жараёнида мураккаб эволюция йўлини босиб ўтди ва бу жараён турфа шаклларда унинг асарларига ҳам муҳрланди. Фитрат Мирзо Бедилнинг мураккаб услубдаги шеърларини шарҳларкан, қуидаги олти мисрани шундай тушунтиради:

*Сурати адли хусравон ин аст,  
Зулм дар олами гараз ки наст.  
Адол аз ин ранг тухмираъфат кошт,  
Вой агар зулм тигме бардошт.  
Ҳама зулмаст, адлу эҳсон ку?  
Худпарастаст нафас, имон ку?*

“Подшоҳларнинг адолат деганлари мана шудир. Бунлар зар эгалари, зулм бунларнинг динидир. Адолатларининг марҳамат уруғлари эккани шу экан, зулмлари қилич чекса эди, нима қилар эдик? Бунларнинг бутун ишлари зулмдир. Адолат, яхшилиқ кутма бунлардан! Бунлар ўз фойдалариғи топиналар! Имон излама бунлардан!”. Аллома Фитратнинг ниҳоятдазаколик, нуктадонликва файласуфонашарҳларидан кўриниб турибдики, Мирзо Бедил ўз даврининг ижтимоий-сиёсий тузумини инобатга олиб, зулм ва зўравонликка,

ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши исёңкорона, муросасиз қарашларини санъат пардасига ўраб бера олган. И.Мўминов ҳам худди Фитрат каби Мирзо Бедилнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ирфоний қарашларини чуқур идрок этиб, ўз даврининг фарзанди сифатида талқин қилишга ҳаракат қилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаева М. И.Мўминов Бедилнинг ижтимоий-фалсафий тадқиқотчиси. Бедил ва ўзбек маънавияти. – Техрон-Тошкент: 2005. Ал-ҳудо, Мовароуннахр. –Б.91-103.
2. Мўминов И. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Т.: Фан. 1958. – Б.31.
3. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан. 1993.
4. Фитрат А. Юрт қайғуси. – Т.: F.Ғулом. 2008 – Б.9.
5. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук. 2007. – Б.82-86.
6. Фитрат А. Юрт қайғуси. – Т.: F.Ғулом. 2008. – Б.9.
7. I.N.Komilovna - Ziyo Distributed from Tezguzar. Journal NX, 30-33.

# MIRZO SALIMBEKNING “KASHKULI SALIMIY VA TAVORIXI MUTTAQADIMIN VA MUTTAAXIRIN” ASARI XUSUSIDA

Isomiddin JO‘RAYEV,  
*Turon Zarmed universiteti o‘qituvchisi*

Tarixchi, olim, shoир, fozil inson Mirzo Salim Buxoriyning “Kashkuli Salimi” asari ma’naviy merosimizning durdonalaridan biridir. Muallif “Kashkuli Salimi” asariga payg‘ambarlar, shohlar tarixini, shuningdek o‘zi guvoh bo‘lgan mang‘it amirlari tarixini kiritgan. Ta’bir joiz bo‘lsa, “Kashkuli Salimi” qomusiy asarlar sirasiga kiradi desak, xato qilmagan bo‘lamiz.

Bu kitobning yana bir ma’rifiy qimmati shundaki, unda Payg‘ambarimiz Muhammad (S.A.V)ning, shuningdek, tariqat pirlarining rivoyat, hikoyatlari bor. Mazkur hikoyatu-rivoyatlar yoshlarga odob-axloqni o‘rgatishda, ular ongida milliy mafkurani shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

“Kashkuli Salimi”da muallif har bir voqeа, hodisadan ibratli xulosa chiqaradi. Asarda muallifning o‘zi guvoh bo‘lgan voqealar anchagina bo‘lib, xususan, Buxoroi-sharifga yevropaliklarning munosabati, u yerning qanday joy ekani to‘g‘risida ulardan birining so‘rashi va Salimbekning unga bergen munosib javobi muallifning aqli, farosati, e’tiqodi, ma’naviy olamining kengligidan dalolat beradi.

Nafaqat O‘zbekistonni, balki butun Markaziy Osiyo mintaqasini dunyoga mashhur qilgan Qadimiy Buxoroga Buxoroi-Sharif degan nom bejiz berilmagan”, degan edi.

Darhaqiqat, Buxoroni sharif etganlardan biri Mirzo Salimbekdir.

Mirzo Salimbekning “Kashkuli Salimi” asarining topilishi va tarjima qilinishi haqida tarixchi olim Naim Norqulov: “1958 yilda Buxoro muzeyida nazoratchi bo‘lib ishlagan Mirzo Salimiyning qizi Salimova (Xudo rahmat qilsin) “Kashkuli Salimi” asarini menga taqdim qilgan edilar. Bu voqeanning tafsiloti shunday edi: “Men ham o‘sha yillarda Buxoro muzeyida ilmiy xodim bo‘lib ishlar edim. Haftada bir yoki ikki kun bozorga borib, eski kitob sotuvchilardan tarix, adabiyot va boshqa masalalarga doir qo‘lyozma kitoblarni o‘z shaxsiy kutubxonamga sotib olar edim. Bir kuni uch-to‘rtta qo‘lyozma kitoblarni bozordan ishxonamga olib keldim. Salimova qo‘limdagi kitoblarni ko‘rib: “Siz bu kitoblarni o‘qiy olasizmi?”, deb so‘radi. Bu savolga men “yoshligimda onam rahmatli o‘rgatgan edilar”, deb javob berdim. Shunda u kishi otam rahmatlidan qolgan bir kitob bor, uni o‘zлari yozganlar, qancha qiyinchiliklar bilan kitobni saqlab qolganman. Siz o‘sha kitobni hozirgi xatga o‘girib tarjima qilsangiz, – deb menga ertasi kuni aytilgan kitobni keltirib berdi. O‘sha kitob chiroyli nasta’liq xati bilan yozilgan Mirzo Salimbekning “Kashkuli Salimi” va “Tavorixi muttaqadimin va muttaaxirin”, ya’ni Salimbek yozgan ikki asarning bir kitobda o‘z dastxati bilan ko‘chirilgani edi. Kitob fors-tojik tilida bo‘lib, sovetlar davrida bunday kitobni nashr qilish amri mahol edi. O‘zbekiston mustaqillikka erishganidan so‘ng bu kitobni o‘zbekchaga mazmunan tarjima qilishga kirishdim”<sup>1</sup>, deb izoh bergen.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning shu mazmundagi quyidagi so‘zlaridan bilib olishimiz mumkin: “Odamlar hamma narsaga chidashi mumkin, lekin adolatsizlikka chiday olmaydilar”<sup>2</sup>, deb bejiz aytmaydi.

<sup>1</sup> Mirza Muhammad Salimbek. Kashkuli Salimi. – Buxoro: 2003. – B.7.

<sup>2</sup> Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: O‘zbekiston. 2018. – B.193.

“Kashkuli Salimiy va Tavorixi muttaqadimin va muttaaxirin” kitobi ikki mustaqil asardan tashkil topgan. Birinchi kitob “Kashkuli Salimiy” bo‘lib, 49 bobdan iborat. Birinchi bob Auzibillahi minashshaytonir rojimning fazilatlari haqida<sup>3</sup> bo‘lib, unda “Imom Hasan roziyollohu anhudan keltiriladiki, har kim “A’uzu billoh”ni to‘liq aytsa, Olloh taolo u banda bilan shayton orasida bir parda paydo qilsinki, bir parda bilan ikkinchi parda orasi besh yuz yillik yo‘ldir” kabi fikrlar keltirilgan.

Ikkinchi bob Bismillohi rahmonir rahimning fazilatlari haqida, uchinchi bobi Imom va Islom haqida, to‘rtinchi bob La ilaha illalloh qavli haqida aytib o‘tilgan. Masalan “Hazrat sallollohu alayhi vasallam hadisi shariflarida keltirilganki, buzruk vor xudovand aytadiki “la ilaha illalloh” mening jismim bo‘lib, har kim jismimga doxil bo‘lsa mening g‘azabimdan omon saqlangay” kabi hadislar to‘rtinchi bobda ko‘plab uchraydi.

Beshinchi bob “Tobe va Tamjid” va al duo bayoni, to‘qqizinchil bob “Durudi sharif” (Muqaddas ibodat) bayoni haqida, o‘ninchil bob “Qur’on o‘qishning fazilati”, o‘n birinchi bob “Ilm fazilati” bayoni, o‘n ikkinchi bob “Farishtalarning sifatlari” bayoni, o‘n uchinchi bob “Odam alayhissalom xilqati” haqida, o‘n to‘rtinchi bob “Nuh alayhissalom” haqida, o‘n beshinchi bob “Hazrat Ibrohim alayhissalom qissasi va Namrud alayhi la’na voqeasi” haqida hikoyat, o‘n oltinchi bob “Ayub alayhissalom” qissasi, o‘n sakkizinchil bob “Baytul muqaddas masjidi binosining bayoni”, keyingi boblar tavba va istig‘for bob haqida, vuzu bob haqida, namoz bayoni to‘g‘risida, juma kuni fazilati to‘g‘risida, ro‘za haqidagi bob, Hajning fazilati haqida bob, zakot va sadaqa bayoni deb nomlanadi. Yigirma to‘qqizinchil bob “Faqirlik fazilati haqida bayon”, o‘ttizinchi bob “Dunyo malomatlari va Xudoga umid qilish”, o‘ttiz birinch bob “Ixlos

<sup>3</sup> Епифанова Л.П. Рукописные источники по истории Средней Азии период при соединения её к России. – Т.: 1965. – С.46.

va munofiqlikning tarki” haqida, o‘ttiz ikkinchi bob “Fazilati haqida” va keyingi boblarda malomat, hasad, notavonlik xokisorlik va kalongirlik, gina, g‘iybat va boshqa ofatlar bayoni haqida, ochlik fazilati, to‘qlik ofati haqida Payg‘ambarimiz Muhammad (S.A.V) va sahabalar tomonidan g‘aroyib rivoyatlar bayon etilgan bo‘lib, ularning hammasi pokiza axloq, imonli bo‘lish, odamiylik, insonparvarlik, ilm olishning fazilatlari kabi tarbiyaviy ahamiyatga ega.

Xususan, “Bob dar bayoni fazoili ixvat<sup>4</sup> va huquqi al validayn<sup>5</sup>” deb nomlanuvchi bobda quyidagilar keltirilgan: “Xabar beradilarki, Isom ibn Ziyod roziyolluhu anhudan: Rasul salollohu alayhi vasallamdan so‘radilarki, yo Rasulolloh bandaga qanday ato behroqdir? Rasul alayhissalom buyuradilarki, bandaga husni odob va shirin til behroq. Rasul alayhissalom buyuradilarki, bir shaxs do‘smini ko‘rish uchun uydan chiqib boshqa bir qishloqqa borar edi. Alloh taolo farishtani amr qildi, farishta u shaxs oldidan chiqib “qayerga ketyapsan?” deb so‘radi, shunda ul shaxs do‘smini ko‘rish uchun ketayotganini aytди. So‘ng farishta shunday dedi: ”Sen birodaring muhabbat uchun, uning ahvoldidan xabar olish uchun borayapsan. Shu xayrli ishing uchun sen jannatiy bo‘lding”. Payg‘ambarimizdan banda uchun eng yaxshi nima deb so‘raganlarida, u kishi chiroyli odob va shirin til, deya javob qaytarganlarini ko‘rdik. Xuddi shunga o‘xshash jumlanli muqaddas kitobimiz bo‘lmish Qur’oni Karimning “Baqara” surasidagi 83-oyatda ham uchratish mumkin: “Faqat Ollohgagina ibodat qilasizlar, ota-onal, qarindosh-urug‘, yetim va miskinlarga yaxshilik qilasizlar. Kishilarga chiroyli so‘zlar so‘zlangiz va namozni to‘liq ado qiling, zakotni bering”.

Mirza Salimbek mazkur asarning “Ochlik fazilati, to‘qlik ofati bayoni haqida”gi bobida: “Keltiriladilarki, taom yeish

<sup>4</sup> Ixvat – birodar, yoronlar, musohaba.

<sup>5</sup> Validayn – ota-onal.

farzdir, nafs halokatini yo‘qotish uchun namozni ustuvor qilib, ro‘zani tutish joizdir, haddan ortiq to‘yib yemoq haromdir. To‘yib yegandan so‘ng yana yemoq makruhdir. Ertasiga ro‘za tutish uchun ovqatni isrof qilmaslik kerak”, degan purma’no fikrlarni keltirib o‘tadi. Nafs haqida yozuvchi Tohir Malik ham o‘z asarida : “Odamning eng zo‘r dushmani nafsdir. Kishi tirik ekan nafsi bilan kurashda mag‘lub bo‘lmasligi kerak. Nafs shunday g‘animki, manmanlik va qaysarlik uning shiori, kibr-u havo esa uning doimiy hamrohidir” kabi fikrlarni keltirib o‘tgan.

Kitobning ikkinchi bo‘limi “Dar bayoni Tavorixi muttaqadimin va muttaaxirin az kitobi “Navodir al-ma’oniy” degan sarlavha bilan berilgan bo‘lib, uning birinchi qismidagi bir necha bob Payg‘ambarlarning faoliyati haqida, ayniqsa, Odam alayhissalomdan Shis alayhissalom, Idris, Nuh, Som, Ayub, Ibrohim, Ayoz, Yaqub, Ilyos, Yusuf alayhissalom va boshqa Payg‘ambarlarning qilgan ishlari haqida qisqacha ma’lumot beradi. Quyida “Nuh ibn Malik Manusahl ibn Idris alayhissalom zikri”dan keltirib o‘tmooqchimiz: “Aytadilarki, Nuh alayhissalom ikki yuzu ellik yoshda ediki, Xudoyi taolo uni Payg‘ambar qildi. Uning Alloh taoloning yagonaligi haqidagi targ‘ibotlariga amal qilishmadi va to‘qqiz yuz ellik yil xaloyiqni da’vat qildi. Bu muddatda sakson nafar erkak va ayol kishilardan unga imon keltirdilar, boshqalar zillat (zabunlik, izzat qilmaslik) va makrhoy (turli makrlar) qilar edilar. Nuh alayhissalom duoyi bad qildilar. Hamma suvgaga g‘arq bo‘lib, do‘zax otashiga doxil bo‘ldi. Nuh alayhissalom olti oy muddatda kishtida bo‘lib, to‘fondan keyin, kishtidagi sakson nafar ham kasallikdan vafot etdi. Dunyo yuzida Nuh alayhissalom va uch o‘g‘лини, ular Som, Xom, Yofas va ularning xotunlaridan boshqa hech kim qolmagan edi.

Jahondagi hamma xaloyiq Nuh alayhissalomning uch o‘g‘lidan bir ming to‘rt yuz ellik yoshida intiqol (vafot ) etib,

Baytul muqaddasda dafn qilingan. To‘fondan keyin dunyo yuzini uch o‘g‘illariga taqsimlab berdi. Shom viloyati va arab oroli, Fors, Xurosonni Somga berib, demak tamomi arab va Rum va Fors xalqlari Somning ma‘murligida bo‘ldi, Mag‘rib diyorini va Zanji, Habash, Sind, Hind, Sudan viloyatlarini ikkinchi o‘g‘li Xomga berdi. Chin iqlimi va Saqaliya va Turkistonni Yofas, ya’ni o‘zining uchinchi o‘g‘liga berdi.”

O‘sha asardagi ikkinchi kitobning ikkinchi bobi “Guftar dar zikri tabaqayi peshdodiyon” (Peshdodiyon tabaqasi zikri haqida hikoyalar) bo‘lib, ularning birinchi podshosi Abu al-Mulk Kayumars ibn Som binni Nuh alayhissalom haqida. U odil podsholardan bo‘lib Forsda bir qancha shahar va qishloqlar bino qiladi. O‘g‘li Siyomakka poshsholikni topshirib, ibodat bilan mashg‘ul bo‘ladi. Ammo devlar Siyomakni o‘ldiradi. Kayumars qo‘sish to‘plab devlar bilan jang qiladi, ularni yengib o‘g‘lining qotili bo‘lgan devni o‘ldirib, uning jasadini olovga tashlaydi. Siyomakdan bir o‘g‘il qolgan edi. Uni Hushang deb atar edilar. Hushang jundan mato to‘qishni, otlarga abzol-u anjom yasashni kashf qiladi. Tulkining terisidan po‘stin to‘qishni birinchi bo‘lib joriy qiladi. Qirq yil podsholik qilib toj-u taxtni o‘g‘li Tahomars devbandga topshiradi. Undan keyin Jamshid ibn Tahomars zikriga ko‘proq o‘rin berilgan. Uning davrida hatto o‘lim va kasallik barham topadi. Jamshid umrining oxirida shaytonning gapiga kirib, to‘g‘ri yo‘ldan adashadi. Parvardigorning xohishi bilan Zahoki Tozi Jamshed bilan urush olib borgani, Jamshed undan qochib nom-u nishonsiz g‘oyib bo‘lgani haqida hikoya qilinadi.

Zahoki Tozi podsholigi zikriga ham kitobda anchagina o‘rin berilgan bo‘lib, u Jamshedning xoharzodasi (singlisining o‘g‘li – jiyani) deb yozilgan. Unga zolim, berahm podsho edi, deya ta’rif berilgan. U saffok<sup>6</sup>, durushtgo‘y<sup>7</sup> kishi bo‘lib, hech

<sup>6</sup> Saffok – qonxo‘r, xunrez.

<sup>7</sup> Durushtgo‘y – badmuomala.

kimga rahm qilmas edi. Irodasiz, baxil va hirsga berilgan edi. Yangi qonunlar chiqarib, shar’iy ishlardan yuz o‘girdi. Millat ahkomi va adlni, inson huquqlarini poymol qilib, taftish-u tergovni kuchaytirdi. Kishilarning mol-mulkini zo‘rlik bilan musodara qilib odamlarni nohaq jazolash uning asosiy shiori bo‘lgan edi. Yetti yuz yil muddatida odamlarning simuzar va boshqa qimmatbaho narsalarini ola boshlaydi<sup>8</sup>. Shundan so‘ng Xudoning g‘azabiga duchor bo‘lgani uchun uning ikki kiftidan ikki ilon o‘sib chiqib, shayton tabib qiyofasida kelib, bu ilonlarni har kuni ikki odamning yuragi bilan boqiladi, deydi.

Zahok juda ko‘p odamlarni nobud qiladi. Hatto o‘zining ikki o‘g‘lini o‘ldirtirib, ularning yuragini ilonlarga yediradi. Nihoyat navbat uchinchi o‘g‘liga kelganda xalq Kova Ohangar boshchiligidagi isyon ko‘taradi va Zahoki Tozini o‘ldirib, uning o‘g‘lini o‘limdan saqlab qoladi.

Shu bobda Faridun, Manuchehr, Navzur va boshqa podsholarning qilgan ishlari haqida gapirilib, Turon podshosi Afrosiyobning Eron shohlari bilan olib borgan urushlari, Eronni Afrosiyob o‘z tasarrufiga olgani, o‘z birodarini Eron hokimi qilib, Eronning sobiq amaldorlari bir qismini o‘ldirib, boshqalarini zindonband qilgani, Zabiston podshosi Zol Zarin Afrosiyob bilan ko‘p yillar urush olib borib, nihoyat sulh tuzilgach, Eron amaldorlarini Afrosiyob zindonidan ozod qilgani bayon qilingan. Tahmasb bin Manuchehr podsholigi bilan Peshdidiyonlar sulolasiga tugagani, ularning saltanat muddati ikki ming to‘rt yuz yil bo‘lib, ulardan o‘n nafar podsho bo‘lgan.

Undan keyin podsholik Kayoni (Kayhoniy)lar sulolasiga o‘tadi. Ularning birinchi podshosi Kaykobut bo‘lib, Afrosiyob bilan ko‘p urushlar olib borgan. Nihoyat sulh tuzishga majbir bo‘lgan. Undan so‘ng Kaykovus binni Kaykobut podsho bo‘lib, Mozandaronga borib urush qilgani, shikast yeb asirga

<sup>8</sup> Mirza Salimbek. Kashkuli Salimi. – Buxoro: 2016. – B.223.

tushgani, Rustami Zol borib uni asirlikdan qutqargani, Yaman podshosining qizi Sudobaga sirtdan oshiq bo‘lgani, u yerga lashkar tortib mag‘lubiyatga uchragach, asir tushgani, yana Rustam borib uni asirlikdan ozod qilgani va boshqalar hikoya qilinadi.

Xulosa qilib aytganda, Mirza Salimbekning “Kashkuli Salimiya va Tavorixi muttaqadimin va muttaaxirin” asari faqatgina Buxoro tarixini yoritibgina qolmasdan, Markaziy Osiyo xalqlari hayotini, urf-odat va an'analarini o‘rganishimizda muhim manba hisoblanadi. Bundan tashqari, bu asarda payg‘ambarlar, avliyolar ularning hayot yo‘li to‘g‘risida ibratli so‘zлari keltiriladi. Ushbu manba o‘z davrini yoritib berishda mukammal asarlardan biri bo‘lib, tariximizni haqqoniy yoritishda uning o‘rnini nihoyatda beqiyosdir.

# МИРБОБО НАҚШБАНДИЙ ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Алишер РАЖАБОВ,  
*БухДУ Педагогика институти  
ўқитувчиси*

Маълумки, Нақшбандия тариқати вужудга келганидан ҳозирга қадар катта тарихий йўлни босиб ўтди. Ўтган давр нақшбандия тариқатининг янада ривож топишига, унинг кўплаб халқлар орасига тарқалишига, шунингдек, ушбу тариқатнинг издошлари кўпайишига асос бўлди. Унинг тараққий этишига албатта, тариқат пирлари, намоёндалари, мутасаввуф назариётчилари салмоқли ҳисса қўшди. Шубҳасиз, улар ўз ҳаракати, изланиши ва асарлари орқали бу тариқат яшовчанлигини таъминлади.

Тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанддан олинган тасаввифий-ладуний илм унинг энг яқин шогирдлари томонидан нафақат кейинги шогирдларга етказилди, балки кейинги авлодлар учун улуғ ёдгорлик сифатида асарлар қўринишида ёзиб қолдирилди. Баҳоуддин Нақшбанд билан бевосита мулоқотда бўлган ва унинг энг яқин шогирдларидан Хожа Муҳаммад Порсо устози айтган ҳикматли гапларни, тасаввуф тариқатларида мавжуд “фано ва бақо”, “талвин ва тамкин”, “қабз ва баст”, “жалол ва жамол” каби турли истилоҳларни шарҳлаб билдирган фикрларини тўплаб, “Рисолаи қудсия” (“Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари”) номли асарни битади. У биринчилардан бўлиб нақшбандшунослик

асосларини яратади.

Муаллиф асарнинг дебочасида шундай ёзади: “Бу заиф мазкур маъноларни тақдим қилишни ўз-ўзича бошламади. Аммо бу ишга шариф ишорат хукми... Хожа Алоулҳақи вад дийн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий хукми билан бўлдиким, у зот Аттор номи билан машхурдир”<sup>1</sup>. Мана шу таъкиднинг ўзи нақшбандия тариқатига алоқадор асарлар бу тариқат пирлари томонидан назоратга олингани, тариқат назарий асослари яратилишига ғамхўрлик қилинганини исботлайди.

Ушбу анъана кейинги даврда ҳам давом этди. “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд”, “Рашаҳот”, “Нафаҳотул унс”, “Рисолай унсия” ва бошқа кўплаб асарларни шулар қаторида санаб ўтиш мумкин. Нақшбандияга эргашувчилар сони ортгани ва улар яшаётган ҳудудлар кенгайгани сари бу каби асарларга эҳтиёж ошиб борди.

Нақшбандия тариқати Бухородан ўтиб Мовароуннахрга, Амударёдан ўтиб Хурсонга, ундан Ҳинд диёригача ёйилди ва шимолий Ҳинdistон нақшбандия ўчоқларидан бирига айланди. Бу жойлардан етишиб чиққан муршиidlар ислом ўлкаларига танилди. Масалан, Имом Раббоний номи билан танилган Аҳмад Форуқий Сирҳиндий (1639-1684) буларнинг энг машҳур намоёндаларидан эди. У “Мужадиди алфи соний” (“Иккинчи минг йилликнинг тасаввуфийдиний илмларини янгиловчиси”) номи билан танилди. Унинг “Мактуботи” ҳозирга қадар бутун дунё нақшбандия тариқати намоёндалари учун асосий қўлланма ҳисобланади. У нақшбандийлар силсиласининг йирик йўлбошловчиси сифатида ўзидан олдин ўтган пиру муршиidlар анъанасини давом эттириши билан бирга, бу таълимот ривожига бекиёс

<sup>1</sup> Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолай қудсия. (А. Болтаев таржимаси). – Т.: Мовароуннахр. 2020. – Б. 23-24.

хисса қўшди. Нақшбандия тариқати унинг хизмати эвазига Ҳиндистон ва ҳозирги Покистон ҳудудларида катта шуҳрат топди.

Шу сабабли, у ерларда сони ўсиб бораётган нақшбандийларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида таълимотнинг назарий жиҳатларини Қуръон ва суннага мувофиқлигини асословчи асарлар юзага кела бошлади. Шундай асарлардан бири Имом Раббонийнинг невараси ва издоши Сайфуддин Раббоний (1639-1684) муриди ҳисобланган Мир Бобо ибн Мир Дарвеш Нақшбандий (ваф.XVIII асрнинг биринчи ярми) томонидан ёзилган “Миръотус соликийн”<sup>2</sup> (“Тариқат соликларининг ойнаси”) номли асаридир.

Ушбу асарнинг бир дона қўлёзма нусхаси Эроннинг Техрон университети марказий қутубхонасида 5629 рақами остида сақланмоқда.

Ушбу асар нақшбандия тариқати тўғрисидаги асарлардан, мақомот ёки рисолалардан ўзининг таркибий тузилиши ва мавзуни баён қилиш услуги билан фарқланади. Унда мавжуд боб ва фаслларнинг мазмуни ва қурилиши аниқ мантиқий изчиликка эга. Бу ўз навбатида муаллифнинг катта салоҳият эгаси эканидан дарак беради.

Асар тўртта бобдан иборат ва уларнинг ўз ичига яна тўрттадан фаслни қамраган. Асарнинг бундай қурилиши бежиз эмас. Инсон жисмининг устқурмаси тўрт унсур, инсон ҳаётининг тўрт фасли, валийликнинг тўрт қутби ва шу каби бошқа диний-фалсафий ва тасаввуфий маъноларни ўзида мужассам этган тушунчалар мавжуд. Асарнинг бундай тузилишга эга бўлиши шу тушунчалар доирасида эди.

Биринчи боб “Инсоннинг ҳақиқати ва шарафи ҳамда Худойи таборака ва таоло одамзотда дарж қилган барча

<sup>2</sup> مرآت‌السلکین میر‌بابا بن‌میر درویش نقشبندی کتبخانه‌مرکز بیرونی استاد دانشگاه تهران: / ۹۲۶۵

оламлар ва нафснинг борлиги ҳамда барча нарсанинг моҳияти тўғрисида”<sup>3</sup> деб номланишининг ўзи фалсафанинг бош категорияси бўлган “олам ва одам” масаласини кўтариади. Бу бобнинг бутун моҳияти инсоннинг вужудга келиш жараёнидан тортиб, унинг яратилишидан кўзланган ҳикматларни диний-тасаввуфий талқин қилади. Масалан, ушбу бобнинг илк фасли “Нутфанинг етилиши тушунчаси, вояга етишнинг ҳақиқати ва табиий, наботий, ҳайвоний ва инсоний нафснинг баёни, уларнинг қувватлари ва хизмат қилувчи нарсалар тўғрисида”<sup>4</sup> деб номланиши бошқа нақшбандийлик тариқати баён қилинган асарларда учрамайди. Бунда муаллиф ўғил ва қиз боланинг балоғатга етиш ёшини белгилаб беради. У кўрсатган ёшдан олдин бўладиган никоҳлар хайрли бўлмаслиги, агар фарзанд туғилса, тўлақонли ривожланмаслигини айтади. Иккинчи фаслни Вожиб ал-вужуд, Мумкин ал-вужуд, Мубдиъ, Мумтаниъ ва Меъёр тушунчалари деб номлайди. Бу тушунчалар орқали у борлиқнинг моҳияти, унинг одам ҳаётида тутган ўрни ва ўзига хослиги тўғрисида сўфиёна талқин беради. Учинчи фасл “Одам яратилишидан кўзланган ҳикмат ва ҳайвоний вужуднинг ҳолатлари баёнида”<sup>5</sup>, деб номланган. Ушбу фасл инсониятни ўйлантириб келаётган бу азалий масалага диний-тасаввуфий жиҳатдан жавоб беради. У ўзининг фикрларини Куръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуф шайхлари сўзларидан мисол келтириш орқали асослашга ҳаракат қилади. Биринчи бобнинг тўртинчи фасли номланиши ҳам мантиқан аввалгиларнинг давоми бўлиб, унда инсон микро оламми ёки макро оламми деган саволга жавоб изланади. Бу фасл “Катта олам ва кичик

<sup>3</sup> مرآتالسلکین میربابا بن میر درویش نقشبندی کتبخانه مرکزی بومرکز استاد انشگاه تهران: ۸۲-ص

<sup>4</sup> مرآتالسلکین میربابا بن میر درویش نقشبندی کتبخانه مرکزی بومرکز استاد انشگاه تهران: ۸۲-ص

<sup>5</sup> مرآتالسلکین میربابا بن میر درویش نقشبندی کتبخانه مرکزی بومرکز استاد انشگاه تهران: ۵۶-ص

олам, яъни одамзотни жисмоний оламга тенглаштириш”<sup>6</sup> деб аталган.

Асарнинг учинчи боби ўзининг тариқатдаги пири Сайфуддин Раббоний Форуқийнинг манқабасига, нақшбандия тариқати ва унинг ўзига хос жиҳатларига бағишлиланган бўлиб, унда муаллиф устозининг тариқатда ва руҳий камолотда тутган ўрни тўғрисида гапириб ўтади. Шунингдек, устозининг дин ва тасаввуф йўлидаги хизматига алоҳида эътибор қаратади. Нақшбандия тариқатининг афзаллик жиҳатлари, зикр турлари ва бундаги бошқа руҳий ва қалбий амалиётлар тўғрисида тўхталади. Бу бобнинг охирги, яъни тўртинчи фаслини яна сўфийлар назидаги энг муҳим инсон моҳиятининг маркази бўлган қалбга бағишлиайди. У бу фаслни “Қалбнинг ҳақиқати, унинг вазифаси ва бу тариқат бузрукворлари баёнида”<sup>7</sup>, деб номлаган ва қалбни тарбиялаш, тозалаш йўллари тўғрисида ҳамда бу борада нақшбандия тариқатининг улуғ пирлари амалга оширган руҳий тажрибалар, уларнинг мақом ва даражалари ҳақида тўхталиб ўтади.

Асарнинг учинчи фасли ҳам нақшбандия тариқатининг энг муҳим масалалари – зикр, сир, рух, ориф ва Ҳаққа етган восил қабиларнинг сифати ва хусусиятини баён қиласиди. Бунда муаллиф нақшбандия таълимоти тамойилларидан ва бош ғоясидан келиб чиқсан ҳолда хуфя зикрнинг моҳияти, уни амалга ошириш йўллари ва усувлари, инсоний рух ва унинг ўзига хослиги, зикрнинг рухга таъсири каби масалалар ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, Ҳаққа эришган “восил”нинг ҳоллари ва Ҳақни таниган “ориф” нинг ҳақиқати борасида ҳам гапириб ўтади.

Асар шу каби катта фалсафий ва тасаввуфий аҳамиятга

<sup>6</sup> مرآت‌السلکین میربابا بن میر درویش نقشبندی کتبخانه‌مرکزی موزه استاد دانشگاه تهران: ۶۸-ص

<sup>7</sup> مرآت‌السلکین میربابا بن میر درویش نقشبندی کتبخانه‌مرکزی موزه استاد دانشگاه تهران: ۶۰۲-ص

эга масалаларни қамраб олади. Бу масалаларнинг кульминацион ва хulosавий нуқтаси асарнинг тўртинчи бобида баён қилинади. Ушбу боб “Олам ва осмон аҳли орасида инсоннинг ҳақиқати ва бу тўғридаги ақидалар ҳамда нафл намозлари, бу ҳақда олий тариқат бўлмиш нақшбандияда гапирилган гаплар”<sup>8</sup>, деб номланган ва асар услугига кўра, у ҳам ушбу бобга тааллукли тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг номидан инсон бутун коинот даражасида бош масала экани кўринади. Муаллифнинг диний-тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашиб, масаланинг ечимини бериши асарнинг қимматли эканини англатади.

Муаллиф ўз гоясини ривожлантириб, инсоннинг улуғланишига сабаб бўлувчи воситалар – ибодат, нафл намозлари, симоъ каби амалиётларни алоҳида фасллар орқали ёритади. Энг сўнгги тўртинчи фаслда нақшбандия тариқатининг бу борада тутган ўрнини шу тариқат муршидлари фикрлари ва хulosалари асосида якунлайди. Тўртинчи бобнинг сўнги фасли “Бу олий тариқат бузрукворларининг одамзот барча нарса экани, қолган нарсалар эса унинг бўлаклари экани тўғрисидаги қудсий сўзлари”, деб номланиши нақшбандия тариқати тамойиллари том маънода инсон учун энг олий қадрият эканини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, Мирбобо Нақшбандий бу асарини жуда кўп китоблардан иқтибосларни келтириш орқали манбавий хусусиятини оширган бўлса, кўплаб сўфийларнинг ҳикматли сўзлари, ибораларини ҳамда сўфиёна руҳда ижод қилган шоирларнинг назмий ижодидан парчалар келтириш орқали жозибадорлигини оширган. Бу эса муаллиф ўз даврининг катта мутасаввуфларидан бири бўлганини, назарий жиҳатдан соҳанинг етук вакили

<sup>8</sup> مرآت‌السالکین. میربابا بن‌میر درویش نقشبندی. کتبخانه‌مرکز بومراکز استاددانشگاه تهران: ۹۸۲-ص

эканини кўрсатади.

Мир Бобо Нақшбандийнинг “Миръотус соликийн” асари янгича услуг ва бўёкларда ёзилган бўлиб, бу уни илм аҳли учун ҳали кўплаб тадқиқотлар обьектига айлантиради.

# ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБОТИДА ТИНЧЛИК ВА ТАМАДДУНИЙ (ЦИВИЛИЗАЦИОН) ЁНДАШУВ ТАҲЛИЛИ

(С.П.Хантингтоннинг “Тамаддуналар тўқнашуви”  
концепциясининг таҳлили асосида)

Дилшод ШАРИПОВ,  
Бухоро давлат педагогика  
институти ўқитувчиси

1993 йил ёзида АҚШнинг “Форин эффейрс” журнали сиёсий фанлар доктори, Гарвард университети профессори, Джон Олин номидаги Стратегик тадқиқотлар институти директори, Гарвард Халқаро ва минтақавий тадқиқотлар Академиясининг раҳбари Сэмюэл П.Хантингтоннинг “Тамаддуналар тўқнашуви?” номли мақоласини нашр этди. Г.Киссинджер ушбу мақоланинг китоб нусхасини<sup>1</sup> “совук уруш” тугагандан кейинги энг муҳим асарлардан бири” деб баҳолади<sup>2</sup>. С.П.Хантингтоннинг “Тамаддуналар тўқнашуви” номли концепцияси кўп баҳсларга сабаб бўлди. Унинг гипотезасига кўра, янги дунёда конфликтларнинг асоси сифатида мафкура ва иқтисод эмас, балки, маданиятлар ўртасидаги фарқлар бўлади. Дунёвий ишларда миллий-давлатлар энг қудратли фаолиятдаги кучлар бўлиб қолаверади. Янада муҳим конфликтлар ҳар хил цивилизацияларга тааллуқли миллатлар ёки уларнинг

<sup>1</sup> С.П.Хантингтоннинг таъкидланган китоби 1996 йилда нашр этилган. Муаллиф китобининг илова қисмида ер шари сиёсий харитаси бўйича тузган геосиёсий прогнозини акс эттирадиган хариталарини келтирган.

<sup>2</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.67.

гурухлари ўртасида бўлади, деб таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, цивилизациялар ўртасидаги йўналиш синиқлари келажакда оловли нуқтага айланади.<sup>3</sup> “Совуқ уруш” тугаши билан халқаро сиёsat ўзининг ғарбий фазасидан чиқди ва унинг марказини ғарб ва ғарбий бўлмаган цивилизациялар, шунингдек, айнан ғарбий бўлмаган цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқалар ташкил этмоқда. “Совуқ уруш” даврида инсоният биринчи, иккинчи ва учинчи дунёга бўлинган эди. Давлатларни сиёсий ёки иқтисодий критериялар бўйича эмас, балки, маданий ва у ёки бу цивилизацияга тааллуқлилигидан келиб чиқиб баҳолаш вақти келди, деб таъкидлайди.

“Цивилизация – бу маданий феноменdir”. Шундай қилиб, цивилизация деганда бир маданиятга тааллуқли инсонларнинг энг катта гурухи тушунилади.<sup>4</sup> С.П.Хантингтоннинг фикрига кўра, цивилизация кишиларни ўзга мавжудотлардан фарқловчи юксак маданий ўзига хослик ҳисобланади. “Цивилизациялар ўзгарувчандир: улар юзага келади ва қулайди; бўлинади ва қўшилади”<sup>5</sup>. Янада кенгроқ маънода инсон тарихи цивилизация тарихидир. С.П.Хантингтон фикрига кўра, дунё келажакда еттига ёки саккизта цивилизациялар ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Булар кўйидагилар:

- 1) Ғарб цивилизацияси;
- 2) Конфуцийчилик цивилизацияси;
- 3) Япон цивилизацияси;
- 4) Исломий цивилизация;
- 5) Ҳинд цивилизацияси;
- 6) Славян – ортодоксал цивилизация;
- 7) Лотин америка; ва эҳтимол,

<sup>3</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.67.

<sup>4</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.67-68.

<sup>5</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.68.

8) Африка цивилизацияси<sup>6</sup>.

С.П.Хантингтон “Нима учун цивилизациялар ўртасида тўқнашув рўй беради?” деб савол қўяди ва қуйидагича жавоб беради:

Биринчидан, цивилизациялар ўртасидаги фарқ нафақат ташқи, балки ички тафовутлардир. Улар бир – биридан тарих, тил, маданият, анъана ва энг муҳими динлар билан ажратилган. Кишилар ҳар хил цивилизацияларга таалуқли бўлгани сабабли уларнинг Худога, ўзга кишиларга, давлатга, ота – оналар ва болалар, эр ва хотин, шунингдек, хуқуқ ва мажбурият, озодлик ва ҳокимият, тенглик ва иерархияга бўлган муносабатлари ҳар хилдир. Бу фарқлар кўп асрлик тарих самарасидир. Ва улар яқин келажакда йўқ бўлиб кетмайди. Улар мағкуралар ва сиёсий тизимлар фарқларидан ҳам кўра янада фундаментальдир. Бир хил ҳодисага ҳар хил муносабат ҳар доим ҳам конфликт эмас, конфликт эса ҳар доим ҳам куч ишлатиш эмас. Фақатгина қўргина асрлар давомида цивилизациялар ўртасидаги қарама-қаршилик кўп давом этди ва давомли, оғир конфликтларни юзага келтирди.

Иккинчидан, дунё янада яқинроқ (узвий) бўлмоқда. Цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар кучайиб бориши натижасида улар ўртасида фарқ мавжудлиги ва унинг ташқарисида умумий жиҳатлар борлиги аёнлашмоқда. Масалан, Францияда Шимолий Африка иммигрантларига нисбатан душманлик кайфияти ўсиб бормоқда, европалик поляк – католикларининг иммиграцияси эса “яхши” кутиб олинмоқда... Ҳар хил цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар халқларда унинг мавжудлигини тушунишни кучайтиromoқда. Шу билан бирга, тушунмаслик ва ҳаттоқи душманликни уйғотмоқда.

---

<sup>6</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.68.

Учинчидан, дунё бўйлаб содир бўлаётган иқтисодий модернизация жараёнлари ва ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг кўп асрлик ўзига хос маҳаллий қадриятларни йўққа чиқармоқда. Шунингдек, бу ҳолат миллат ўзига хосликнинг асоси экани ҳақидаги тушунча аҳамиятини камайтиromoқда. Ушбу бўшлиқни сайёрамизда дин тўлдирмоқда.

Тўртингидан, цивилизацияларнинг ўзини англиши Гарбнинг ўрнини иккиланишга дучор қилмоқда<sup>7</sup>. Бир томондан ғарб қудратнинг бошида турибди. Айни пайтда эҳтимолдан холи эмаски, ушбу ҳодиса масхули сифатида ғарб ўзининг ғарбий бўлмаган илдизларига қайтмоқда... Ғарб ўз ҳокимиятининг юқори босқичида туриб, ғарбий бўлмаган мамлакатларга қарши турибди, қайсики охиргилар янада кўпроқ хоҳиш билан ёнишмоқда ва бунинг учун дунёни ноғарбий кўринишда ўрашлари мумкин... Шу билан бирга, ғарбий бўлмаган давлатлар оддий аҳолисининг кўпчилиги маҳаллий маданият руҳида тарбия топган...

Бешинчидан, маданий ўзига хосликлар ва фарқлар ўзгариши камроқdir, демак, сиёsat ва иқтисодиётдан ҳам кўра, компромиссга келишмайди. Собиқ Иттифоқда коммунистлар демократ бўлиши, бойлар камбағал бўлиши, камбағаллар бой бўлиши мумкин, аммо руслар эстон бўла олмайди, озарбайжонлар арман бўла олмайди. Синфий ва мафкуравий қарама-қаршилиқдаларда “Сиз кимнинг томонидансиз?” деган асосий савол турарди. Одамлар қайсиdir томонни танлаш имконига эга эди ва уни қабул қилиб, бир қарорга келар эди. Цивилизациялар ўргасидаги қарама-қаршилиқда эса асосий савол: “Сиз кимсиз?”. Унга аллақачон жавоб берилган ва ўзгартириб бўлмайди. Ва биз Босния, Кавказ ва Судан тажрибасидан биламизки, саволга жавоб бермаслик келажакда салбий ҳолатга олиб боришини

<sup>7</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.68.

аңглатади. Янада күпроқ аҳамиятга эга масала шуки, бирор этник гурухга тегишли бўлишни қиёслаш қайсиdir динга тааллуқли бўлишни англатмоқда. Инсон ярми француз ва ярми араб бўлиши мумкин. Аммо ярми католик ва ярми мусулмон бўлиши мумкинми?<sup>8</sup> ...

Шунга кўра, инсонлар ўзининг ўзига хослигини этник ва диний мансублик бўйича белгилагани каби “Биз ва улар” муносабатларини кўришади... Маданият ва динлар ўртасидаги фарқ сиёсий масалаларни ҳал этишда ҳам намоён бўлади. Масалан, инсон ҳуқуқлари ва иммиграция, савдо ва атроф-муҳитга оид масалаларда қўринади. Барча цивилизациядаги ҳалқларнинг географик жиҳатдан яқинлиги Босния ва Минданаода бўлгани каби ҳудудлар учун қарама-қаршиликни юзага келтиради<sup>9</sup>.

Шундай қилиб, цивилизациялар тўқнашуви икки асосда кечади. Кичик даражада: цивилизациялар кесишган ҳудудда (чегарасида) жойлашган давлатлар у ёки бу минтақани бошқариш ёки бир-бирининг устидан ҳокимиятга эга бўлиш учун доимо қаттиқ курашади. Катта даражада: ҳар хил цивилизациялардаги давлатлар ҳарбий ва иқтисодий қудрат ўрнатиш, ҳалқаро институтлар ва учинчи томон давлатларини назорат қилиш учун, шунингдек, ўз сиёсий ва диний қадриятларини тарқатиш учун кураш олиб боради<sup>10</sup>.

Умуман олганда, С.П.Хантингтоннинг ушбу концепцияси инсоният келажагини маданиятлар асосидаги цивилизациялар тўқнашувида кўради ва ҳаттоқи, “кейинги жаҳон уруши цивилизациялар ўртасидаги уруш бўлади”,<sup>11</sup> деб таъкидлайди. Айрим миллатлар ва маданиятларга мансубликдан келиб чиқиб, цивилизациялар ўртасидаги

<sup>8</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.69.

<sup>9</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.69-70.

<sup>10</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.70.

<sup>11</sup> Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.73.

муносабатлар, хоҳ у давлат, хоҳ у бутун бошли давлат гурухини қамраб олишига қараб келажакдаги йўналишларни белгилашга ҳаракат қилган. С.П.Хантингтон ўз мақоласи сўнгида ғарб цивилизацияси учун айрим сиёсий маслаҳатларни беради. Масалан, ғарб цивилизациясининг Россия ва Япония билан ҳамкорлигини сақлаб қолиш, ислом ва конфуций цивилизациялари ўртасидаги фарқлардан самарали фойдаланиш ва ғарб цивилизациясининг илдамлашига сиёсий жиҳатдан нималар асос бўлишини баён қилган. С.П.Хантингтоннинг “Цивилизациялартўқнашуви?” мақоласи ва шу асосда 1996 йилда нашр этилган китоби етарли даражада ёзилмаган. Бунинг сабаби биринчидан, ҳозирги XXI асрда маданиятлар ва динлар асосидаги цивилизациялар ўртасидаги фарқлар ҳеч қандай қарама-қаршиликка сабаб бўлаётган эмас. Аксинча, цивилизация ёхуд маданият, эътиқод ва динлардаги фарқларга қараб сиёсий мақсадлар рўкач қилинган. Мисол тариқасида ўша концепцияда илгари сурилган анча йиллардан бери ҳалқаро сиёсатнинг бош мавзуси бўлиб келаётган Истроил ва ислом давлатлари ўртасидаги муносабатларни мисол қилиш мумкин. Аслида эса цивилизация, маданият, дин, иқтисодий ўсиш, миллий ривожланиш ҳамкорлик ва мансублик ҳисобланади. Демак цивилизациялар – ҳамкорлик ва ўзаро бағрикенглиқ, ишонч, Ер шари учун ягона тартиб, яшаб қолиш ва ўзаро ҳимоя деганидир.

Ҳалқаро сиёсат ҳар доимгидек миллий манфаатлар ва миллий қудрат асосида мавжуд бўлаверади. Франция ва Германия Европа Иттифоқининг teng ҳукуқли аъзолари бўлса-да, ўз мустақил ташқи сиёсат стратегиясини илгари суради. Демак, бир цивилизацияга мансуб бўлиш ҳали бир хил ривожланиш концепцияларига эга бўлиш дегани эмас. Бундан ташқари, бир хил цивилизацияга мансублик ҳали этник,

сиёсий қарама-қаршиликларга асос бўлади, дегани ҳам эмас. Ахир Макка шаҳрида азон айтиш билан Мадина шаҳрида намоз ўқиш ўртасида сира ҳам фарқ йўқ – мақсад биттадир.

Японияни техникавий тараққиётига қараб ғарб цивилизациясига ёки ғарб деган тушунчага қўшиш умуман тўғри эмас. Бунинг сабаби япон кишисининг ўз уйида сизга узатган бир пиёла чойидаги лутфни, Европа ёки Америкадаги япон ошхонасида узатилган чойга қиёслаб бўлмайди. Чой ичиш маросимининг нозик императорлик маъносидаги анъанаси фақатгина Япония ва японларда сақланиб қолган. Ёки устозга император даражасида ҳурмат билан караш туйғусини олайлик. Демоқчимизки, япон миллатининг ўз табиати ҳеч вақт қандайдир цивилизация тушунчасига қўшиб қўйилишига муҳтож эмас. Японлар учун ўз сакэси рус водъасидан, ёки Париж Наполеон виносидан, ёки Америка вискисидан тотлироқ туюлади. Сабаби миллий ўзлик миллатнинг ҳам тарихи, ҳам келажаги ҳисобланади. Ҳар нарсадан кечиши мумкин, аммо миллий ўзликдан эмас. С.П.Хантингтон эса айнан ушбу масалани йўққа чиқармоқчи – цивилизациялар тўқнашуви концепцияси орқали миллий ўзликни маданияти билан чегара қўймоқчи ва бу ишини замон талаби ёки замонавийликка йўймоқчи. Бу сира ҳам мумкин эмас.

Сиёсатни маданият, эътиқод, дин ёки таъкидланган тушунчалардан ҳам улканроқ тушунча – цивилизация билан хаспӯшлаб бўлмайди. Тўғри, универсал цивилизация мавжуд эмас. Аммо ҳар бир қумғон ўз эгаси учунгина қадрлидир, ҳар бир ўчоқ ўз эгаси учунгина тириклик асосидир. Буни на маданият ва на цивилизация билади. Демак, ҳали маданият ва цивилизациянинг ўзи ривожланиш ва ички қувват манбаларини тўлалигича яратган эмас. Кишилик жамиятининг инқирози миллий рўзгорни миллий рух асоси сифатида кўрмасликдир. Сиёсат эса ўчоқ иши эмасдир.

С.П.Хантингтоннинг шу оддий ҳаётий қадриятларнинг кишилиқ жамиятидаги аҳамиятини айнан кўрсата олмагани унинг сиёсий қарашларини йўқقا чиқармоқда.

Агар дин маданият цивилизациясининг асоси бўлса, унда бу маданият кишиларнинг кишилиқ жамиятида чиройли кийиниш маданиятию, хулқ, асл онг ва онгости ҳолатидаги чиройни, гўзалликни сақланиб қолишидир. Ёки миллатнинг тарихи – буюк тарихий шахслар, буюк аждодларнинг ҳаёт ва ибрати билан яшаш, ўрганиш, ўrnак бўладиган авлодни тарбиялашдир.

Япония ўз миллий қадриятларини мустаҳкамлаш йўлидан ўзгасини танлагани йўқ. Бунинг учун Япония Хитой, Россия, Ҳиндистон, АҚШ, Европа билан сиёсий қарама-қаршиликка боргани йўқ. Аксинча, ўз компаниялари Франция ва Германия каби давлатларда ўз филиал заводларини очган. Япон руҳи геоиқтисодий омилларга таянади. Японлар цивилизация бизда зўр, деб кўз-кўз қилмайди. Ғарбни ёки ғарб цивилизациясини олдинга суриш энг катта сиёсий хатодир. Тўғри, ҳар қандай сиёсат ўзининг у ёки бу ифтихор қилишига арзигулик ишларни ҳар доим кўз-кўз қилиб келган. Масалан, Ф.Фукуяманинг “Ғарб ғалаба қозониб бўлди”<sup>12</sup> номли мақоласи ҳам худди С.П.Хантингтон йўналишида ёзилган. Бу ерда сиёсий омиллар, мақсадлар ва тактик жиҳатларни инобатга олмай туриб, аниқ бир тўхтам ёки хulosа бериш жуда кам самара беради. Бундай “идеалистлар”ни фақатгина популист сифатида баҳолаш мумкин, холос. Агар популизм мақсад бўлса, унда популистик сиёсий қарашлар қандайдир инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш мактаби учун тадқиқ қилиниши мумкин, холос. Аммо сиёсатнинг моҳиятини очиб бера олмайди.

---

<sup>12</sup> The West has won. Francis Fukuyama. Thursday, October 11.2001. The Guardian.

## YA'QUB CHARXIYNING “ASMA’ - UL HUSNANING SHARHI” ASARI VA UNING INSONNI MA'RIFATLI BO'LISHIGA TA'SIRI

**Orifjon BERDIYEV,**  
*Mir Arab oliv madrasasi o'qituvchisi*

Butun borliqni yo‘qdan bor qilgan, odamni mavjudotlar ichida mukarram qilib yaratgan<sup>1</sup>, unga qalam bilan ilm o‘rgatgan<sup>2</sup> Alloh taologa hamd-u sanolar, asosiy qabul bo‘lajak duosini ummatlarini Qiyomatda shafoat qilish uchun saqlab qo‘ygan Payg‘ambarimiz (S.A.V.) va u zotning oila a’zolariga salavot-u salomlar bo‘lsin.

Ya’qubi Charxiy ibn Usmon ibn Mahmud ibn Muhammad G‘aznaviy 1363 yilda Afg‘onistonning Charx degan joyida tug‘ilgan. Shu qishloqda tug‘ilgani uchun Charxiy taxallusini olgan. Manbalarning guvohlik berishicha, u o‘z davridagi ilmlarni egallagach, ko‘nglida tasavvufga nisbatan xohish paydo bo‘lib, Buxoroga keladi va Xoja Bahouddin Naqshband bilan uchrashadi. Bu voqealarning tafsiloti uning “Risolai unsiya” (Do‘stlik haqida risola) nomli kitobida bayon qilingan.

Bir necha sinovlardan so‘ng, Xoja Bahouddin Naqshband Charxiyni shogirdlikka qabul qilib, so‘fiylik ta’limoti bilan tanishtiradi. Buxoroda Ya’qub Charxiy tasavvuf sohasida tez orada ma’naviy kamolot topadi. U Naqshband ko‘rsatmasiga muvofiq xalqni Haq yo‘liga da’vat qila boshlaydi.

Charxiy XV asrda temuriylar davridagi tasavvuf, xususan, Naqshbandiya ta’limotining yirik vakillaridan biri sifatida nom

<sup>1</sup> Shayx Abdulaziz Mansur. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. Isro surasi, 70-oyat. – T.: Munir. 2021. – B.289.

<sup>2</sup> Shayx Abdulaziz Mansur. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. Alaq surasi, 4-oyat. – T.: Munir. 2021. – B.597.

qozonadi. Bu haqda turli manbalarda ma'lumotlar keltiriladi. Abdurahmon Jomiy o'zining "Nafahot ul-uns" kitobida Ya'qub Charxiy faoliyatini va tasavvufni targ'ib qilish sohasidagi xizmatlarini alohida ta'kidlab o'tadi. Charxiy 1447 yil 1 may, hijriy 851 yil safar oyining beshinchisida vafot etgan. Qabri Dushanbedan besh kilometr masofadagi Rudakiy nohiyasida bo'lib, Hazrat Mavlono nomi bilan mashhur obod ziyoratgohdir.

Hozirgi kungacha Ya'qub Charxiyning quyidagi asarlari saqlangan:

1."Tafsiri Ya'qubi Charxiy". 2."Naynama" yoki "Risolai Noiya". 3."Risolai Abdoliya". 4."Risolai Unsiya". 5."Risolai sharhi asma-ul-husna". 6."Risolai Havvroiya" yoki "Risolai Jamoliya". 7."Kitob-ul-faroiz". 8."Tarixi xatmi ahzob". 9."Risolai qudsiya". 10."Risola dar siyrati Mustavafiya va tariqai mustaqimiya". 11."Risola dar aqid". 12."Muxtasar dar bayoni silsilai Naqshbandiya".

Asarlaridan ko'rinish turganidek, Ya'qub Charxiy juda ko'p yo'nalishlarda kitob yozgan. "Asma-ul-husnaning sharhi" asari Alloh taolonning go'zal ismlariga yozilgan sharhdir. Alloh Qur'oni karimda: "**Allohnинг go'zal ismlari bor. Bas, Unga o'sha (ism)lar ila duo qiling**"<sup>3</sup>, deb marhamat qilgan. Hazrati Payg'ambarimiz (S.A.V): "**Allohnинг to'qson to'qqizta ismi bor. Kim uni yod olsa, jannatga kiradi. Allah toqdir, toqni yaxshi ko'radi**"<sup>4</sup>, dedilar. Ya'qub Charxiy mana shu go'zal ismlarni juda zo'r mahorat bilan tarjima qilib, izohlagan.

Asarda Allohnинг 99 ismini ma'nosи va ularning izohlari yoritilgan. Mo'minlikning avvali imon keltirish bo'lsa, imonning avvali Allohn'i tanishdir. Bizga Allohn'i tanitadigan eng oson va yaqin amal – bu Robbimizning ism hamda sifatlarini o'rganishdir. Bunda Ya'qub Charxiy kabi olimlarimizning

<sup>3</sup> Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. 2-juz. A'rof surasi, 180-oyat. – T.: Sharq. 2008. – B.422.

<sup>4</sup> Oltin silsila: Sahihi Muslim. 6-juz. – T.: Hilol-nashr. 2020. – B.145.

asarlari bizga ko‘makdosh bo‘la oladi. Inson bu ism va sifatlarni o‘rgangani sari imoni mustahkamlanadi. “Asma-ul-husnaning sharhi” asarida Alloh taoloning go‘zal ismlarini ayrimlari ozroq izohlangan bo‘lsa, ayrimlariga kengroq ta’rif berilgan. Hatto Allohning ba’zi ismlaridan oddiy kishi qanday manfaatlanishi, orif<sup>5</sup> kishi qay tarzda foyda ko‘rishiga ham alohida-alohida to‘xtalib o‘tilgan.

“Ar-Rohman”. U do‘stga ham, dushmanaga ham, avomga ham, xosga ham juda ko‘p ne’mat in’om qiladigan, karami keng bo‘lgan zotdir. Kimki har namozdan keyin 100 marta aytsa, uning qalbidan g‘aflat, qattiqlik va unutuvchanlik yo‘qoladi.

“Ar-Rohim”. U mo‘minlarga imon va abadiy jannatni in’om qiluvchi nihoyatda rahmli va ne’mat beruvchidir. Kimki har kuni 100 marta aytsa, mehribon va mushfiq bo‘ladi. Orifning nasibasi shuki, bu ikki ism (zikri)dan butun jismi va qalbi bilan Unga (Allohga) yuzlanadi. Qalbini zikr bilan, jismini ibodat bilan mashg‘ul qiladi va Uning bandalariga rahm qiladi. Mazlumni zolimdan va zolimni mazlumdan to‘sib, ya’ni ajratib qo‘yadi.

“Al-Basir” – ko‘rvuchni, lekin Uning ko‘rishi hech bir kishi yoxud jonzotning ko‘z bilan ko‘rishiga o‘xshamaydi. Chunki hech bir zot hech bir jihatdan Alloh taologa o‘xshamaydi. Bu ism Zotning sifatidandir. Bu shunday ismki, nabiyilar (alayhimus-salomi ajma’in) shu ismning barakotidan me’roj topganlar, valiylar shuning azamatidan Allahga yaqin bo‘ldilar. Kimki to‘g‘ri e’tiqod bilan Juma namozining sunnati va farzi o‘rtasida yuz marta “Al-Basir” desa, maxsus ilohiy inoyat nazariga tushadi va sirlarga mahram bo‘ladi. Orifning nasibasi o‘z ahvoli, af’oli (xatti-harakatlari) va so‘zlariga diqqatli bo‘lish va muxolifatning (qarshi bo‘lishning) oldini olish.

Ya’ni kimki Allohning ushbu sifati ma’nosini yaxshi anglasa,

<sup>5</sup> Ilm-ma’rifat sohibi.

Alloh taolo uni doim ko‘rib turganini his qilsa, tez orada o‘zini o‘nglab oladi va gunohlardan o‘zini tiyadi. Banda o‘zini pok tutgani sayin Allohnинг rahmati, inoyati va muhabbatи unga yaqin bo‘laveradi. Shunda banda haqiqiy farog‘atni his qiladi va Allohga bo‘lgan rag‘bati hamda muhabbatи oshadi. Qaysi bir jamiyatda, yurtda butun xalq Allohnинг doimiy kuzatuvida ekanini va hech bir gunoh uning e’tiboridan qolmasligini, aksincha, odamning o‘zi sezmagан gunohlarini ham kuzatib turishi hamda Qiyomat kuni savol-javobga duch kelishini his qilib yashasa, ushbu jamiyat eng totuv va namunali bo‘ladi. Bunday yurt esa har qanday sohada dunyodagi yetakchi davlatga aylanadi. Bunga tarixdan misol keltiramiz. Bor-yo‘gi ikki yarim yil xalifalik qilgan Umar ibn Abdulaziz davrida butun boshli xalifalikda zakot<sup>6</sup> oladigan odam qolmagan. Ya’ni boyligi nisob<sup>7</sup> darajasiga yetmagan kishi qolmagan. Shunda boylar o‘z zakotini qo‘shni davlatdagi kishilarga chiqarib bergen.

Al-Qoviyy. Har bir ishga qodir, quvvatli bo‘lgan iloh. Al -Matin. O‘xhashi yo‘q mustahkam. Har ikkala ism U zotning sifatlaridandir. Orifning nasibasi shuki, o‘zini ojiz, zaif, holsiz deb bilsin hamda quvvat va qudratni Undan qidirsin. Al - Qodir. Barcha ishni qila oladigan zot. Al-Muqtadir. Hamma narsalar ustida yaxshilik bilan amal qiluvchi. Orifning nasibasi shuki, batahqiq Undan boshqada qodirlik mavjud emas. O‘zini va Allohdan boshqa barchani U (Alloh) ning qudrati asiri deb bilsin. Demak, yuqoridagi to‘rt ismning ma’nolaridan ko‘rinib turganidek, butun kuch-quvvat, mutlaq qudrat va qodirlik Allah taolodagina bor. Odatda, kishi o‘zini boshqalardan qaysidir jihatdan sal ortiqroq ekanini ko‘rsa, boshqalarga zulm qilishni boshlaydi. Aslida shu ortiqchalikni ham Allah beradi. Lekin noshud inson bu ne’matni tan olish o‘rniga boshqalarga jabr

<sup>6</sup> Boylarning berishi farz bo‘lgan mablag‘i.

<sup>7</sup> 85 gramm oltin miqdoridagi bir yil saqlangan ortiqcha mablag‘.

qiladi, hech bo‘lmasa, napisand munosabatda bo‘ladi. Zulm va kibr gunohi kabiralardan hisoblanadi. Payg‘ambar (S.A.V): “Qalbida zarra misqolicha kibri bo‘lgan odam jannatga kirmaydi”, dedilar. Shunday ekan, barchamiz o‘z holimizni bilishimiz, bandaligimizni tan olishimiz va hech qachon kibr qilmasligimiz kerak.

Al-Avval. Borligining boshlanishi bo‘lмаган va hamisha bor bo‘lgan zot. Al-Oxir. Hamisha bor bo‘luvchi va nihoyasi bo‘lмаган zot. Orifning nasibasi shuki, hamma narsaning boqiy va foniyligini U bilan ko‘rsin. Vujud Undandir va barcha yana Unga qaytadi. Alloh shunday zotki, uning boshlanishi va nihoyasi yo‘q. Balki u hamisha bor bo‘lgan va boqiy qoladigan zotdir. Ammo qolgan barcha borliq Uning izni bilan ma’lum bir paytda paydo bo‘ldi va bir kun kelib o‘z nihoyasiga yetadi. Jumladan, inson ham o‘tkinchidir.

Az-Zohir. Osmon va Yerdagi dalillar bilan oshkor bo‘lgan zot. Al-Botin. O‘z zotida pinhon bo‘lgan zotki, Uning haqiqatini aql va taxmin bilan topib bo‘lmaydi. Orifning nasibasi shuki, olamning barcha zarralarida Uning borligi dalillarini ko‘rsin va jami maxluqotning mavjud bo‘lishi U bilan ekanini bilsin. Agar banda sof imon bilan olamga nazar solsa, olamda Allohning borligiga cheksiz dalillar mavjudligini ko‘ra oladi. Astronomlar aniqlagan galaktikalar yuz millionlab bo‘lib, ularning bir me'yorda harakatlanishi, shubhasiz, cheksiz ilm va qudrat sohibi tomonidan boshqarilayotganiga yetarli misol bo‘la oladi. Yoxud birgina odamning ko‘z qorachig‘idek kichkina bir a’zosida qirqta parda borligi ham bunga yorqin dalildir. Bunday alomat-u belgilari son-sanoqsiz.

Charxiyning “Asma-ul-husnaning sharhi” asari qimmatli manba bo‘lib hisoblanadi. Biz bu asar orqali butun mavjudotni, xususan, bizni yo‘qdan bor qilgan Xoliqimizni tanib olamiz. Bu esa imonning aslidir. Biz insonlikni da’vo qilar ekanmiz,

albatta, imon sohibi bo‘lishimiz shart. Alloh Qur’onda: “... Albatta sizlarning Alloh nazdidagi eng hurmatlirog‘ingiz taqvodorrog‘ingizdir. Alloh Bilguvchi va Ogohdir”,<sup>8</sup> deb marhamat qilgan.

Alloh barchamizga O‘zini tanishdek baxtni nasib qilsin. Yurtimiz tinch, xalqimiz farovon bo‘lsin, o‘qish va izlanishdan hech ham tolmaylik.

---

<sup>8</sup> Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. 2-juz. Hujurot surasi, 13-oyat. – T.: Sharq. 2008. – B.766.

## MARKAZIY OSIYODA BO‘LGAN NEMIS TADQIQOTCHILARI

**M.B. YAKUBOVA,**  
*SamDU o‘qituvchisi*

Markaziy Osiyo va G‘arbiy Yevropa xalqlari o‘rtasidagi madaniy, iqtisodiy, siyosiy aloqalar ko‘p asrlik tarixga ega. Yevropalik tadqiqotchilarning Markaziy Osiyoga qiziqishi O‘rta asrlardan tortib yangi davrga qadar ham susaymagan<sup>1</sup>. Natijada Markaziy Osiyoning geografiyasi, tarixi, etnografiyasiga oid qimmatbaho ilmiy materiallar jamlangan. Ushbu hududda bo‘lgan ingliz va fransuzlar bilan bir qatorda nemis millatiga mansub shaxslar ham talaygina edi<sup>2</sup>.

Nemis tadqiqotchilari XIX asr oxiri XX asr boshlarida Germaniya imperiyasi hukumati hamda Rossiya imperiyasi buyurtmalariga binoan Turkiston o‘lkasini tadqiq qilish uchun safar qilgan<sup>3</sup>. Turkiston bilan qiziqqan tadqiqotchilari turli soha vakillari edi. Ularning orasida tabiatshunoslar, harbiy topograflar, zabitlar, injener-muhandislar hamda sharqshunos va etnograflarni uchratish mumkin edi<sup>4</sup>. Ularni birlashtiruvchi sabab shundan iborat ediki, ushbu shaxslarning barchasi oliy ma’lumotli bo‘lib, Berlin, Vyurtsburg, Gyottingen, Yena, Magdeburg, Drezden va boshqa oliy gohlarda tahsil olgan.

<sup>1</sup> Зияева Д.Х. Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX – XX аср бошлари). – Т.: 2018; Ўзбекистон табиий соҳаларига оид илмий экспедициялар тарихидан. – Т.: 2019. – Б.10-12.

<sup>2</sup> Werner W. Das Kaiserreich Ostindien und die angrenzenden Gebirgsländer, nach den Reisen der Brüder Schlagintweit und anderer neuerer Forscher dargestellt. – Berlin: 1880. – S.10-28.

<sup>3</sup> Hedin S. Die geographisch-wissenschaftlichen Ergebnisse meiner Reisen in Zentralasien 1894-1897. – Leipzig: 1904.– S.100-130.

<sup>4</sup> Schlagintweit M., Ueber den Himalaya. Die Expedition der Brüder Schlagintweit nach Indien und Zentralasien 1854-1858. – Berlin: 1860.– S.20-27.

Tadqiqotchilarning qariyb barchasi o‘z taassuroti va tadqiqoti asosida asarlar, memuarlar nashr qildi. Ular Turkistonning ijtimoiy – iqtisodiy va siyosiy tarixiga oid ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan. Bugungi kunda ushbu nashrlar Yevropaning turli kutubxonalarida saqlanib, tadqiqotchilar uchun muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. Ushbu mavzu Germaniyada ham katta qiziqish uyg‘otmoqda<sup>5</sup>. O‘zbekiston ilmiy doiralari ham xorijiy tadqiqotlar ustida samarali faoliyat olib bormoqda. Professor D.X.Ziyoyeva tashabbusi bilan O‘zbekiston tarixini tadqiq etishda ingliz, fransuz, nemis va xitoy tilidagi manbalarni jalgilib, turli kollektiv monografiyalar nashr qilindi<sup>6</sup>.

Turli sabablar bilan birinchilardan bo‘lib Markaziy Osiyoga kelib qolgan nemislardan bavariyalik askar Ioxan Shiltbergerni tilga olish mumkin. U 1396 yil turk va 1402 yil Anqara jangidan so‘ng Amir Temur qo‘shtiniga asirga tushadi. Asirlikdagi hayotini o‘z esdaliklarida bataffsil yozib qoldirgan. Ushbu esdaliklardan Amir Temur vafotidan keyingi taxt uchun kurash va temuriylar davridagi etnografik holat haqidagi ma’lumotlarni olish mumkin<sup>7</sup>. Ikkinchisi diplomat Sigismund fon Gerbershteyn, kayzer Maksimilian I ning buyrug‘i bilan 1517 va 1526 yillarda Moskva knyazligida bo‘ladi, o‘zbek va qozoq xalqlari haqida ma’lumot beradi<sup>8</sup>.

1635 yil Adam Orlearius (Adam Oelschlegel) Golshteyn-Gottdorf gersogi Fridrix III (1616-1659)ning savdo karvoni tarkibida Moskvaga, Volga bo‘yi va Kaspiy dengizi orqali Eronga sayohat qiladi. U yozib qoldirgan sayohatnoma bir necha marotaba qayta nashr etilgan bo‘lib, Ashtarxon va

<sup>5</sup> Torma F. Turkestan-Expeditionen. Zur Kulturgeschichte deutscher Forschungsreisen nach Mittelasien (1890-1930). – Bielefeld: 2011. – S.11-18.

<sup>6</sup> Зияева Д.Х. Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар (XIX – XX аср бошлари). – Т.: NuraFshon business. 2022. – В.364-381.

<sup>7</sup> Hans Schiltbergers Reisebuch. Verlegt bei Guido Pressler. – Wiesbaden: 1969.

<sup>8</sup> Herberstein Sigmund Freiher. Moscouiter wunderbare historien. – Basel: 1563; Esmagambetov K.L. Что писали о нас на Западе. – Алма-Ата: 1992.

Kaspiy bo‘yi hududining geografiyasi, aholisi, xo‘jaligi va savdo aloqalariga oid bataffsil ma’lumotlar keltirilgan<sup>9</sup>. Pyotr I davrida iqtisodiy va harbiy-strategik jihatdan Kaspiy dengizi va Transoxaniyaning (Amudaryo va Sirdaryo oralig‘i) sistematik o‘rganilishi boshlangan.

Keyinchalik hududni geografik, etnografik, tabiatshunoslik jihatdan o‘rganishga xizmat qilgan ilmiy ekskursiyalar, diplomatik elchiliklar va boshqa missiyalar tashkil etilgan. Bularning orasida nemis va kelib chiqishi nemis millatiga mansub bo‘lganlar ham bor edi. 1715-1717 yillarda Amudaryo bo‘ylari va Xivaga foziali yurish uyushtirgan Aleksandr Bekovich-Cherkasskiy zabitlari orasida Brandt ismli shturman (yo‘l boshlovchi) bo‘lgan<sup>10</sup>. 1860 yillarda xonliklarga muntazam harbiy yurish uyushtirilgunga qadar turli missiyalarda yetakchi yoki muhim vazifalarni bajargan nemis yoki kelib chiqishi nemis bo‘lgan shaxslar juda ko‘p edi.

XVIII va XIX asr boshlarida Peterburgdagi Imperator Fanlar akademiyasiga chaqirilgan tabiatshunos Samuel Gottlib Gmelin (1744-1774), dorishunos, tibbiyotchi, kimyogar Yohan Gottlib Georg (1729-1802), berlinlik zoolog Petr Simon Pallas (1741-1811), shular qatorida Aleksandr fon Humbold (1769-1859) qozoq va turkman dashtlarini kezib chiqib, qiziqarli ma’lumot qoldirgan<sup>11</sup>.

XIX asr oxirlarida Germaniyaning Halle shahridagi

<sup>9</sup> Liszkowski Uwe: Adam Orlearius’ Beschreibung des Moskauer Reiches, (“Ruslar va Rossiya nemislar nigohida” – “Russen und Russland aus deutscher Sicht” jurnali) – Muenchen: 1985. – B.231.

<sup>10</sup> Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, ч.1, 1715-1856. Сост. О.В.Маслова. – Т.: 1955. – С.13.

<sup>11</sup> Gmelin Samuel Gottlieb: Reise durch Russland zur Untersuchungen der drei Natur-Reiche. – St.Petersburg: 1784; Georgi Johann Gottlieb. Beschreibung aller Nationen des Russischen Reichs, ihrer Lebensart, Religion, Gebrauche, Wohnungen, Kleidungen und uebrige Merkwuerdigkeiten. – St.Petersburg: 1780; Pallas Petr Simon. Reise durch verschiedene Provinzen des Russischen Reichs in einem ausfuerlichen Auszuge. – Frankfurt/Leipzig: 1771,1776; Alexander von Humbold. Central Asien Untersuchungen ueber die Gebirgsketten und die vergleichende Klimatologie. – Berlin: 1843-1844; Reise durchs Baltikum nach Russland und Sibirien 1829. – Darmstadt: 1984.

Universitetda faoliyat yuritgan sharqshunos olim, ensiklopedist Samuel Fridrix Gyunter Val (1760-1834) o‘sha davrda Markaziy Osiyo haqidagi barcha nashrlarni ilmiy qayta ishlab chiqqan. U nafaqat yunon va lotin mualliflarini, balki arab, shom, arman tillaridagi asarlarni ham o‘rgandi.

Tatarlar va Buxoro o‘zbeklari haqida Yohan Gotfred Herder o‘zining “Ideen zur Philosophie der Geschichte der Menschheit” ko‘p jildlik nashrning 6-kitobida qiziqarli ma’lumotlar keltirgan<sup>12</sup>. Keyinchalik Germaniyaning Dorpat shahrida tibbiyot professori Eduard Eversamn (1794-1860) graf Georg von Meyendorf (1795-1863) bilan birga 1820 yilda Rossiya imperiyasi elchiligi tarkibida Buxoroga kelgan. Zoolog Eduard I Ichvald (1795-1876), kimyogar va dorishunos Fridman Gobel taxminan 1825/26 yoki 1834 yillarda Orol va Kaspiy dengizi o‘rtasidagi hududlarning tabiiy, yer osti boyliklarini o‘rgangan<sup>13</sup>. Botanik olim 1842 yil Xiva elchiligi a’zosi Teodor Fridrix Julius Basinger (1817-1862) ham o‘z esdaliklarini qoldirgan. Uning ma’lumotlari Karl Ernest fon Bayer va Gregor fon Helmerssen tomonidan nashr qilingan “Beitraege zur Kenntnis des Russischen Reiches” to‘plamida chop etilgan<sup>14</sup>. Ushbu to‘plamda dorpatlik (Germaniyadagi shahar nomi) general Grigoriy Fedorovich Gens (asli Georg Gerhard Gons, 1787-1845) tomonidan ko‘p yillik izlanishlar hamda ekspeditsiyalar, o‘z kuzatishlari natijasida Transoxaniya (Amudaryo va Sirdaryo

<sup>12</sup> Herder J.G. Ideen zur Philosophie der Geschichte der Menschheit. II. Theil. – Riga/Leipzig: 1785. “Deutsche National Literatur. Historisch kritische Ausgabe” Joseph Kuerschner. 1-jild. 2-qism. – Tokio: Tuebingen. 1974. – B.213.

<sup>13</sup> Eversmann E.E. Reise von Orenburg nach Buchara. – Berlin: 1823; Meyendorf G. Reise nach Orenburg und nach Bochara im Jahre 1820. – Jena: 1826; Eichwald E. Reise auf dem Kaspischen Meere und in den Caukasus. – Dorpat: 1838; Michael Kemper., A. von Kuegelgen., Dmitriy Yermakov. Muslim Culture in Russia And Central Asia from the 18<sup>th</sup> to the Early 20<sup>th</sup> centuries. – Berlin: 1996. – B.418-428.

<sup>14</sup> Basinger Theodor Julius: Naturwissenschaftliche Reise durch die Kirgisensteppe nach Chiva. – Leipzig: 1848.

oralig‘i) xonliklari haqida batafsil ma’lumotlar keltirgan<sup>15</sup>.

Markaziy Osiyoda bo‘lgan nemislar yaxlit bir guruhni tashkil etmagan. Ular Boltiq bo‘yi, Germaniya, Avstriya va Shvetsiyadan Rossiya imperiyasiga ko‘chib o‘tgan yoki ancha vaqtidan buyon bu yerda o‘troqlashgan oilalar yoki alohida shaxslardan iborat bo‘lgan. Aksariyat hollarda bular Rossiya imperiyasi hududida tug‘ilib, rus fuqarosiga aylangan, til va madaniy jihatdan moslashgan, lekin butkul aralashib ketmagan nemislardir. Ko‘pchiligi o‘z ism-shariflarini slavyan ismlariga almashtirgan. Asli kelib chiqishi Boltiqbo‘yi nemislaridan bo‘lgan Vilgelm Bartold rus sharqshunosi Vasiliy Vladimirovich Bartoldga (1869-1930) aylangani juda mashhur misol. Ular qisman ruslashib ketgan. Ayniqlisa, bu holat harbiylar safida yaqqol ko‘zga tashlanadi.

1873 yilda Rossiya imperiyasining Xivaga qarshi yurishida ishtirok etgan Gyugo Shtumning guvohlik berishicha, uning kolonnasida nemis tilida so‘zlashgan bir zabit bo‘lgan. U ham bo‘lsa Gyok-tepa (Ko‘ktepa)ni zabit etib ma’lum-u mashhur bo‘lgan general Skobelev edi. XIX asr ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoni va umuman Sharqni Rossiyada ilmiy tadqiq etishda asli kelib chiqishi nemis bo‘lgan olimlar juda ko‘pchilikni tashkil etadi. Avvalambor numizmat olim Kristian D.Fren (1782-1851), mashhur V.V.Bartold bilan bir qatorda uning akademik ustozи Viktor R.Rozen (1849-1908) nomlarini keltirish lozim. U Alfred fon Kremer (1889 yilda vafot etgan) ning shogirdi bo‘lib, uning uslubiy yangiliklarini o‘rgangan va davom ettirgan olim. U rus islomshunosligida pozitivism asoschisi hamda Rus imperiyasida zamонавиј sharqshunoslik yetakchilaridan edi. Tilshunos Aleksandr Eduardovich Shmit

<sup>15</sup> Nachrichten ueber Chiva, Buchara, Chokand und den nordwestlichen Theil des chinesischen Staates, gesammelt von dem Praesidenten der asiatischen Grenz-Commission in Orenburg, General-Major Gens, bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von Gr.V. Helmersen. – St.Peterburg: 1839; Helmersen Gr. Reise nach dem Ural und der Kirgisesteppe, in den Jahren 1833 und 1835. – St.Peterburg: 1841.

(1871-1939), islomshunos Aleksandr Lyudvigovich Kun (1840-1888), sharqshunos Petr Ivanovich Lerx (1828-1884), mashhur etnolog tarixchi va turkolog Vasiliy Vasilevich Radlov (1837-1918)lar ham shu maktabdan chiqqan.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash joizki, Markaziy Osiyo haqida nemis tadqiqotchilarining ko‘plab xabarları, sayohat va ilmiytadqiqotlari chop etilgan. Bundan tashqari, Markaziy Osiyo haqidagi ma’lumotlar chet tillardan nemis tiliga o‘girilgan materiallalar bilan ham to‘ldirilgan.<sup>16</sup>

XIX asr o‘rtalarida Markaziy Osiyoga ko‘plab diplomatik safarlar va ilmiy ekskursiyalar tashkil etilgan va ular asosida keyinchalik nemis va boshqa xorijiy tillarda juda muhim ilmiy tadqiqotlar chop etildi<sup>17</sup>.

Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olingan Markaziy Osiyoga olimlardan tashqari harbiylar, publisistlar hamda sayohatchilar oqimi yana ham ko‘paydi. Markaziy Osiyo uchun Britaniya va Rossiya imperiyasi o‘rtasidagi raqobat, tabiiyki, Germaniyada ham qiziqish o‘yg‘otgan. Ushbu hudud Rossiya imperiyasi tomonidan egallangach, ko‘plab nemislar tez orada yangi rus yerlariga ko‘chib kelgan. Nemislarning Rossiya imperiyasidagi klassik o‘rnashgan hududlaridan Turkiston juda uzoqda joylashgan bo‘lsa-da, Markaziy Osiyoni tadqiq etishda, armiyada, Rossiya imperiyasining boshqaruv apparatida xizmat qilgan nemislar juda ko‘pchilikni tashkil etgan.

<sup>16</sup> Rytchkov Peter. Orenburgische Topografie oder umstaendliche Beschreibung des Orenburgischen Gouvernement. – Riga: 1772; Alexander Lehmann’s Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842. – St.Peterburg: 1852; Etzel Anton v./Wagner, Hermann. Reise in den Steppen und Hochgebirgen Sibiriens und der angrenzenden Laendern Central-Asiens. – Leipzig: 1864.

<sup>17</sup> Bogdanov Modest. Uebersicht der Reisen und naturhistorischen Untersuchungen im Aralo-Kaspi-Gebiet, seit dem Jahre 1720 bis zum Jahr 1874, RR Bd.VIII (1876), 145-159,440-459,558-576; Salemann C. Centralasien, “Wissenschaftlicher Jahresbericht ueber die morgenlaendischen Studien” Brockhaus – Leipzig: Bd.8 (1876); Штейнберг Э.Л. Первые исследователи Каспия (XVIII-XIXвв.) – Москва: 1949.

## СҮФИЗМ ГНОСЕОЛОГИЯСИННИГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Э. УЛУҒМУРОДОВ,  
*Самдчи ўқитувчиси*  
Шахзода ОРТИҚОВА,  
*Самдчи талабаси*

Билиш муаммоси сўфизмнинг энг муҳим томонини ташкил этади. Мўътадил сўфизм таълимотига кўра гностик (ориф)нинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш – ҳақиқатни билишдан иборат. Бу мақсадга ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида инсон ўзида илохий унсурлар мавжудлигини, Оллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканини тушуна бошлайди. Бироқ билишнинг бу даражасига етиш учун одам ўзини бутунлай ўзлигини англашга баҳшида этиши лозим. У сўфийча турмуш тарзини танлаши, шунингдек, ҳақиқат сари йўл тутган кишиларга қўйиладиган айрим бошқа талабларни бажариши даркор. Мўътадил сўфизм вакиллари қаторига Хориси Муҳосибий, Абулқосим Кушайрий, Абу Ҳомид Ғаззолий ва бошқалар киради. Улар сўфий шариат чизигидан четга чиқмаслиги, унинг барча сўzlари ва ишлари Қуръони карим ақидалари ва Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В.) ҳадисларига мувофиқ бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар. “Ваҳдати вужуд” (борлиқнинг бирлиги) нуқтаи назарида турувчи сўфийлар сўфизмнинг ашаддий тарафдорлариdir. Улар Ҳақиқат (Аллоҳ) ва табиатни бир деб қарайди.

Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир. Инсон бу эмансипация занжирида охирги бўғинни эгаллайди. У нафақат Ҳақиқат (Аллоҳ)ни билиш даражасига етади, балки ўзи ҳам Ҳақиқат – “Аллоҳ”га айланади. Сўфийликнинг бу тариқати вакиллари яширин, сирли нарсаларни билишни афзал кўриб, шариат ақидалари ва меъёрларини тан олмаган. Сўфизм Аллоҳни табиат билан узвий деб қарайди. Уни инсонни курсаган ташқи дунёда, мавжуд ҳар бир нарса билан тенглаштиради ва уларда Аллоҳнинг сиймоси, моҳиятини кўриб, табиат, атроф муҳит сари, унинг сирларини очиш томон, бу яширин ҳодисаларнинг ҳар бирида илоҳий ҳақиқат белгиси, моҳиятини топиш ва билиш мақсадида муайян қадам ташлайди. Сўфизмнинг Аллоҳни билиш назариясида билиш усуллари ва воситалари сифатида ваҳий ва илҳом амал қиласиди. Бу ерда сезгилар ва ақл билиш воситалари сифатида ишламайди.

Аллоҳни билишга фақат Унинг қарами ва нури ёрдамида муваффақ бўлинади. Мутлақ ҳақиқатнинг тагига етиш йўлидан борувчи одам (ориф) ўз олдига ҳақиқатни билиш вазифасини қўйган фаол индивидга айланади ва узоқ изланишлар, турли мистик босқичлар, мақомлардан ўтиш ва ўзликни англаш натижасида ўзида мутлақ ҳақиқат (Аллоҳ)ни топади ва етук инсонга айланади. Сўфизм таълимотига кўра, ҳақиқатнинг тагига етиш учун одам ўз ички дунёси, қалбини ҳар хил дунёвий қусурлардан фориғ этиши лозим. Бунга эришиш учун у бир қанча маънавий босқичлар ёки сўфийлар таъбири билан айтганда мақомлардан ўтиши даркор. Билиш ва маънавий саёҳат йўлида одамга унинг тафаккури йўл кўрсатади.

Кўрсатилган босқичларнинг ҳар биридан ўтиш натижасида одам ахлоқий ва маънавий жиҳатдан такомиллашади ва

ҳақиқатни билишга яқинлашади. Қуйида энг умумий мақомлардан айримларига қисқача тавсиф беріб ўтамиз. Мақом (арабча “иком” сўзидан) жой, ўрин, манзил деган маъноларни англатади. Сўфийлар учун мақом ҳар бир сўфий ҳақиқатнинг тагига етиш, Аллоҳ жамолига эришиш учун босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар маъносида келади. Тавба – одам бу босқичда баркамолликка эришиш ва Аллоҳга яқинлашишга монелик қилувчи сўзлар ва амаллардан ўзини тийиши лозим. У афсус-надомат чекади, ўз гуноҳлари ва хулқ-автори учун тавба-тазарру қилади. Ўз хатоларига иқор бўлади ва ҳаётни бошидан бошлишга ҳаракат қилади. Тавбанинг уч даражаси – тавба, инобат ва авбат мавжуд. Тавбат – барча мусулмонлар манзили, инобат – авлиёлар манзили, авбат эса – пайғамбарлар даражаси ҳисобланади. Вараъ (мўминлик) – одам ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка ҳаракат қилиши лозим. Вараъ уч хил бўлади: биринчisi – бехуда гапларни айтишдан ўзини тийиш ва бирорларнинг гапига аралашмаслик; иккинчisi – ҳар хил шубҳалардан ўзини олиб қочиш, шубҳали ва таъқиқланган ниятлардан четда туриш; учинчisi – ёмон ва ахлоққа зид қилмишлардан ўзини тийиш. Зухд (таркидунёчилик) – ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик, камтарона ҳаёт кечиришдан бошланади. Факр (камбағаллик) – одам оз нарсага қаноат қилиши ва Мұхаммад пайғамбар (С.А.В.) нинг камбағаллик – менинг фахрим, деган сўзларига амал қилиши лозим. У шариатнинг барча талабларини бажариши – ҳимматли бўлиши ва камбағалларга хайр-садақа қилиши даркор. Сабр - ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш. Таваккал (ишониш) – ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, фақат у берадиган ризққа умид боғлаш. Ризо (розилик) – шариатнинг барча қоидаларига ва Аллоҳнинг ўз бандаларига нисбатан барча амалларига рози бўлиш.

Шуқр (миннатдорлик) – одам ўз миннатдорлигини тили ва қалби билан изҳор этиши шарт. Ўзликни англаш жараёнида одам юқорида қайд этилган мақомлардан ташқари шариат (ислом диний қонунлари тўплами), тариқат (сўфийларнинг маънавий етуклик йўли) ва ҳақиқат (маънавий баркамолликнинг олий даражаси) босқичларидан ҳам ўтиши талаб этилади. Шариат босқичида инсон ислом диний қонунларининг барча талабларини бажариши, бошқача айтганда, ислом динининг беш устунига риоя қилиши шарт. Шариат тариқатга йўл кўрсатувчи босқич ҳисобланади.

Тариқат одамнинг Аллоҳни билиш йўлидаги маънавий ҳаётини англатади. Ҳақиқатнинг тагига этишнинг сўфийлик йўлини танлаган ҳар бир инсон ўзининг шахсий, ўзига хос, бетакрор маънавий дунёсига эга бўлади. Тариқат босқичида ҳақиқатга эришиш йўлини тутган одам ўз қалбини барча ёмон хислатлардан фориг этиши лозим ва фикрларида ҳақиқатни билишдан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Ҳақиқат сўфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англатади. Сўфийлар доим шариатга риоя қилиш лозим, деб ҳисоблаган ва дин талабларини бажарган, бироқ улар ҳеч қачон динни дорматик маънода тушунмаган ва шариатни факат расм-русумлардан иборат деб ҳисобламаган. Илк сўфийлар шариат ва ҳақиқат ўргасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилган. Кейинги сўфийлар, масалан, Абу Бакр аз-Закок ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, диний ақидаларни рад этиш ҳамда одам шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга эришганидан кейингина ўзининг “ҳақиқий борлиғи”ни касб этиши, ҳақиқат билан бирикиши, ўзи ҳам ҳақиқатга айланиши ҳақидаги таълимот сўфизм ривожланишининг кейинги босқичлари маҳсули сифатида ваҳдати-вужуд

(борлиқнинг бирлиги), яъни мистик пантеизм ҳақидаги таълимот асосчилари саналган Боязид Бистомий, Ҳаллож ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган. Шундан келиб чиқиб, Абу Ҳомид Фаззолий сўфизмни пантеизмдан тозалашга ҳаракат қилди ва бунга муваффақ бўлди. Фаззолий фикрига қўра, “ҳар қандай маънавий покланишлардан қатъий назар, инсон ҳеч қачон Худога айлана олмайди”. Бу билан у сўфизм ва пантеизм ўртасида ўзига хос “хитой девори” ўрнатди.

Ибн Арабий фалсафаси серқатлам бўлиб, уни кўп сонли кичик тизимлардан иборат яхлит соҳа сифатида тавсифлаш мумкин. Бундай кичик тизимлардан учтасини қайд этиш лозим бўлиб, уларни ифодалашда қулайлик яратиш учун философемалар деб аташ таклиф қилинади (бунда философема деганда тегишли фалсафий кичик тизимнинг қисқача баён этилган асосий мантиқий мазмуни тушунилади): Европа фалсафий анъанасида фойдаланилган тилга жуда яқин тилда яратилган философема. Уни айни ҳолда рационалистик философема деб номлаш мумкин (убирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, замон каби категориялар ва атамалардан фойдаланади); тилини бадиий тил деб белгилаш мумкин бўлган, бироқ нафақат эстетика жабҳасини, балки онтология ва натурфалсафанинг рационалистик тили билан бир борлиқни тавсифловчи философема (унинг категориялари – муҳаббат, интилиш, эҳтирос, муҳтожлик, гўзаллик ва ҳ.к.); ниҳоят, “мистик” тилда яратилган философема (категориялари: завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё ва ҳ.к.). Ҳар бир философема, бинобарин, муҳокама қилинаётган муаммо уч ечимининг ҳар бири Ибн Арабийда билишнинг алоҳида усулига таянади. Шу сабабли ечимларнинг ҳар бири бўйича тегишли билиш усулининг қисқача тавсифини

келтириш ўринли деб ўйлаймиз. *Муаммонинг оқилона-мантиқий ечими: шартлардан ечим сари.*

Иbn Арабий билишнинг уч турини кўрсатади. Билишнинг бу турлари бир-биридан амалга ошириш усули (билимни олиш технологияси), воситаси (моддий аъзоси – билиш қуроли) ва натижалари (олинган билимнинг мазмуни) га кўра фарқ қиласди. Шунга қарамай, уларнинг обьекти бир–бiri билан ўзаро боғланган борлик, инсон ва Худо. Объектнинг бундай хусусияти бизга билишнинг учала турини ҳам фалсафий билишга киритиш имконини беради, унинг бирлиги эса уларни таққослаш учун асос бўлади, обьектив мезон вазифасини бажаради.

Билишнинг биринчи усули – оқилона-мантиқий билиш. Унинг воситаси – ақл, амалга ошириш усули – силлогизмлар ёки далиллар орқали чиқарилган хulosалар тарзидаги мантиқий мулоҳазалар. Кўриб турганимиздек, Иbn Арабий Аристотель мантиқи билан таниш: у тўғри силлогизмни тузиш учун зарур шартларни тавсифлайди<sup>1</sup>, мантиқан тўғри мулоҳаза юритиш учун далиллар ва хulosалар занжири изчилбўлиши, бирон-бирбўғинда узилмаслигилозимлигини кўрсатади ва ўзи исботлашнинг мантиқий методларини кўп карра қўллайди. Мантиқий билиш Иbn Арабий учун қимматсиз эмас, у дунёни билишга хизмат қиласди<sup>2</sup>. “Файласуфнинг барча билими ҳам сохта эмас, у нимададир ҳақ бўлиши мумкин, айниқса, пайғамбар ҳам шу ҳақда сўз юритган бўлса... Сен файласуф динсиз яшайди, деб айтишинг мумкин, бироқ унда диннинг йўқлиги файласуфнинг бутун таълимоти сохта эканини исботламайди: буни ақл асослари билан ҳар қандай ақл

<sup>1</sup> Қаранг: Иbn Араби. Геммы мудrosti. – M.: – Бейрут: 1980. – С.116-117.

<sup>2</sup> Иbn Араби. Геммы мудrosti. – M.: – Бейрут: 1980. – С.120-121. 26. Ўша ерда. – Б.198. 27. Ўша ерда. – Б.20.

эгаси англаб етади”<sup>3</sup>. “Ақл асослари” (аввал ал ақл) – бу кейинчалик Декарт қайд этувчи интуитив жиҳатдан аниқ ва шак-шубҳасиз оқилона хақиқатлардир. Ибн Арабий фикрига кўра, оқилона билим инсон танасини бошқарувчи инсон жонига керак: у жоннинг дунё ҳақидаги билими муқаррар унсуридир<sup>4</sup>. Оқилона билим (илм)нинг қиммати Ибн Арабийда шубҳа уйғотмайди: “Нарсани билиш, ҳеч шубҳасиз, уни билмасликдан маъқулроқдир”<sup>5</sup>. Силлогизмлар орқали оқилона билиш бизга дунё ҳақида тўғри билим беради: у масалан, рангли ойна орқали ўтган ёруғлик ойна рангини касб этса-да, ўз ҳолича рангсиз эканини, Қуёш кўзга кичкина бўлиб кўринса-да, аслида Ердан бир неча марта катталигини аниқлаш имконини беради. Тўғри силлогизм тузиб, дунёнинг борлиги замирида сабаб ётишини аниқлаймиз. Билишнинг оқилона-мантиқий методидан файласуф бизни қизиқтирувчи муаммони ечиш учун фойдаланади, бироқ бунинг учун мантиқий мулоҳазалар занжирида мутлақо боқий илоҳий моҳият тушунчаси “бошланғич нуқта”, дунёда бўлиб турган ўткинчи номукаммал моҳият категорияси эса – “пировард нуқта” хисобланади ёки аксинча. Худодан дунёга ёки дунёдан Худога бундай мантиқий ҳаракат қилиш натижасида муаммонинг рационалистик ечими топилиши лозим: дунёга нисбатан трансцендент илоҳий моҳият айни вақтда унга ичдан хос бўлиши, унинг борлиги субстанционал асосини ташкил этиши даркор. Бу биз ё дунёни тавсифловчи муҳим категорияларни трансцендент илоҳий моҳият тушунчасидан чиқаришимиз, ё дунёда мавжуд ўткинчи моҳият категориясини асос қилиб олиб, трансцендент илоҳий моҳият борлигини келтириб чиқаришимиз лозимлигини

<sup>3</sup> Ибн Араби. Мекканские откровения. – М.: – Бейрут: 1989. – С.32.

<sup>4</sup> Ибн Араби. Мекканские откровения. – М.: – Бейрут: 1989. – С.32.

<sup>5</sup> Ўша ерда. – Б.38.

англатади. Шундай қилиб, муаммонинг ечими оқилона мантиқий методлар ёрдамида топилиши мумкин. Билишнинг иккинчи усули – муаммони мушоҳада юритиш йўли билан ечиш: ечимдан шартлар сари. Мушоҳада юритишни билиш усули сифатида ўрганаар эканмиз, дунё ва илохий моҳиятнинг узвий бирлиги ва айни вақтда илохий моҳиятнинг трансцендентлиги унинг учун муқаррар ҳолдир, деб айтишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, бу бирлик айниийлик эмас: бошқача айтганда, бу дунё ва илохий моҳиятнинг фарқланган бирлигидир. Ҳар қандай нарса ва ҳодисада мушоҳада юритиш сезилувчи ва идрок этилувчи ташқи – зоҳир жиҳатларни ва сезгиларга ҳам, ақлга ҳам яширин ички (ботин) маънони аниқлаш имконини беради. Бу яширин маъно борлиқнинг биринчи асоси, илохий моҳиятнинг дунёга ичдан хослигининг негизи ва айни вақтда мушоҳада обьекти ҳисобланади. Яширин маънони англаш – нарсаларда, дунёда Худони бевосита кўриш демакдир. Мушоҳада юритиш жараёнида билиш субъекти ўзининг билиш обьектидан онтологик мустақиллигини сақлаган ҳолда у билан бирикади, уни бутун вужуди билан англаб етади. Бунга билиш субъекти бўлган инсонда ҳам “яширин маъно” мавжудлиги имконият яратади. У ягона ва узвий бўлгани учун билиш обьекти билан “ички моҳият” жиҳатидан бирикиш имконияти юзага келади, “ташқи моҳият”да эса субъект ва обьектнинг алоҳидалиги сақланиб қолади. Мушоҳада юритиш йўли билан олинган билим рационалистик тилдан фарқ қилувчи алоҳида тилда баён этилади. Мушоҳада юритиш, моҳият эътибори билан, бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат бўлгани учун бу тилни бадиий тил деб аташ мумкин. Бу тилда ёзилган матнда қисмнинг мазмунини англаб етиш учун (хар қандай бадиий асарда бўлганидек) аввал бутуннинг мазмунини англаб

етиш лозим. Ваҳоланки, фан тилида ёзилган матнда қисмларни тушунмасдан бутунни тушуниш мумкин эмас. Ибн Арабий философемаси “бадиий” тилда ёзилган бўлиб, мушоҳада юритишга асосланади ва уни биз шу тил номи билан эстетик философема деб атамиз. Билишнинг учинчи усули – муаммони мистик йўл билан ечиш: шартлар ва ечим айнийдир. Бу ерда билиш оқилона-мантиқий ва мушоҳада юритиш йўли билан билишдан мутлақо бошқача шартлардан келиб чиқади. Бу билиш субъекти ва обьектининг айнийлик шартидир. Билиш субъекти – бу айнийликка эришгач, ўзининг субъектлик моҳиятини йўқотади; субъект ва обьект ўртасидаги тафовут йўқолади, билувчи билинувчига айланади, билувчи ҳам, билинувчи ҳам йўқолиб, факат ягона универсал қолади. Бу ҳолат “фано” ҳолати, субъектив ўзликнинг “ҳалок бўлиш”, йўқолиш ҳолати деб аталади. Мистик билиш жараёнини тавсифлар экан, Ибн Арабий гирдоб (хиро) образидан фойдаланади. “Хиро” сўзи “саросималик” деган маънони ҳам англатади. Бу ўзига хос саросималик, ҳамма нарсада Аллоҳни кўрувчи, Ягонани кўпликда, кўпликни Ягонада, “аниқни яширин, яширинни аниқ, шунингдек, бошқа зиддиятли нарсаларни” кўрувчи сўфийнинг саросималигиdir. “Бироқ бу йўқотган ёки тушунмайдиган одамнинг саросималиги эмас”. Бу саросималик мистик билиш йўлига эндиғина кираётган одамни қамраб олади; сўнгра, мистик билиш жараёнида саросимага тушган одам, Ибн Арабий тавсифига кўра, “қутб атрофида айлана ҳаракат қиласи ва ундан узоқлашмайди”. Бу қутб – Худо: гирдоб образининг маъноси шундан иборатки, бу гирдоб ҳаракатининг боши йўқ, аниқроғи, қайд этилган аниқ бир бошланиш жойи мавжуд эмас: исталган нуқтадан, дунёning ҳар қандай нарсасидан бошлаш мумкин, бироқ охири бор, бу – қутб, борлиқ

гирдобининг маркази: билиш доиралари муқаррар тарзда ягона Худога олиб келади. Гирдоб бутун борлиқни ўз комига тортади. Унинг ичиди, марказда туриб биз йўлимиз мўлжалдан фарқ қиласлигини, йўлни қаерда бошлаган бўлсак, ўша ерда – Худода тугатганимизни кўрамиз. Биз илоҳий моҳиятнинг дунёга нисбатан трансцендентлиги ва имманентлиги муаммоси ечимининг уч вариантини кўриб чиқдик. Ечимнинг биринчи йўлини қисмдан бутун сари йўл, мантиқий мулоҳаза юритишдан бошланувчи йўл деб белгилаш мумкин. Бунда илоҳий моҳият ёки дунё “қисм” деб, муаммонинг изланаётган ечими эса – “бутун” деб олиниши мумкин. Иккинчи йўл бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат: биз ечим мавжудлигини фараз қилдик, у қандай билиши лозимлигини (“бутун”ни) кўрсатдик ва сўнг уни таҳлил қилдик, трансцендент-имманент муаммо ечишган шароитда илоҳий моҳият ва дунё қандай бўлиши лозимлигини кўришга ҳаракат қилдик. Ниҳоят, ечимнинг учинчи варианти қисмлар ва бутуннинг айнийлигини, мутлақо ва барча йўналишларда айнийликни: қисмларнинг бир-бири билан, уларнинг ҳар бири ва иккаласининг бутун билан айнийлигини қайд этади. Биринчи ҳолда трансцендентлик ва имманентлик муаммосининг ечими топилмади, иккинчи ҳолда у ўз ечимини топиш учун дуализмни қабул қилишни талаб этди, учинчи ҳолда эса у ечишмайди, балки ўз асосини йўқотади. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган сўфийлик таълимотининг назарий асосларидан бирини Худо, дунё ва инсоннинг ўзаро нисбати муаммоси ташкил этади. Бу бош муаммо талқинида сўфийларни икки йўналиш – теистик ва пантеистик йўналишларга ажратиш мумкин. Аллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси деб эътироф этилган, инсондан ташқарида турган, дунё узра юксалган ва билиш мумкин эмас, деб

эълон қилинган бўлса, сўфийлар таълимоти монотеизм шакл-шамойилини касб этган, дунё ва Худо тушунчалари тенглаштирилган тақдирда бундай таълимот пантеистик деб ҳисобланган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётнинг мазмунини Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришишга интилишда кўрган ва Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим – шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим – тариқат жараёнида юз беради, деб ҳисоблаган. У шариат Куръони карим ва ҳадисларни билишдан келиб чиқувчи диний қонун-қоидалар тўплами эканидан келиб чиқкан. Тариқат одам Ҳақиқатга эришиш учун қайси босқичлардан ўтиши, Аллоҳни англаш ва у билан бирикиш учун қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди. Бунда билиш жараёнида шариатдан тариқатга ўтиш дархол юз бермайди. Фақат шариатни ўзлаштириш ва унинг талабларини бажариш орқали Ҳақиқат йўлидан жадалроқ ва самаралироқ бориш мумкин. Одам билишнинг ҳар бир босқичи (мистик йўл манзиллари)дан олдинма-кетин ўтиб, ўз мақсадига яқинлашади. Сўфизм назарияси ва амалиёти онгнинг ташқидан ичкига, очиқдан яширинга саёҳатини назарда тутади. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат эзотерик (яширин, мистик) фан, у ҳаммага очиқ эмас, уни фақат ўзини Ҳақиқатга бахшида этган одамлар англаб етиши мумкин, деб ҳисоблаган. Сўфизмда мистик билиш замирида “Ўзини билган одам ўз Аллоҳини билади”, деган тамойил ётади. Ўзини ўзи билиш орқали Аллоҳни билиш мақсадга эришишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимотнинг асосида “Дил ба ёр-у, даст ба кор”, яъни “Кўнгил ёрда, қўл – ишда”, деган шиор ётади. Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, Шарқда ўз тафаккур услуби, билимларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг ўз механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи

**«Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари:  
изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар»**

ўз мўлжаллари мавжуд. Шарқ таълимотлари ва тафаккур услубини Шарқ амалиёти ва тажрибасидан олинган Шарққа хос усуллар ва методлар ёрдамида тушуниш ва ички томондан англаб этиш мумкин.

## Y.E.BERTELS ASARLARIDA JOMIY FALSAFIY QARASHLARI TAHLILI

**Ma'ruf G'OVSIDINOV,**  
*SamDCHTI o'qituvchisi*

Akademik Yevgeniy Eduardovich Bertelsning ilmiy ijodi turk, fors-tojik, tasavvuf adabiyoti va turli-tuman mavzular bilan xarakterlanadi. U Sharq mutafakkirlari ma'naviy merosi, ularning madaniyati tarixi bo'yicha e'tiborga molik ishlarni amalga oshirgan yirik olim hisoblanadi. Uning tadqiqot yo'nalishi juda keng bo'lib, asarlarida fors-tojik va turk filologiyasi umumiy manzarasi, o'zaro ta'siri qiyosiy tadqiq etilgan. Sharqshunos olim Y.E.Bertelsning ilmiy faoliyatini uning tasavvuf tarixi, falsafasi hamda adabiyotini o'rganish jarayonida kundalik hayotning barcha jabhalarini qamrab oluvchi mavzular egallaydi. Shuni alohida takidlash joizki, olimning ilmiy izlanishlarida Jomiy hayoti va ijodini o'rganish asosiy mavzulardan biri hisoblangan.

Jomiy tasavvuf g'oyalari ta'siri ostida "Fusus-ul-hikam" ("Hikmatlar durdonalari"), "Naqdu-n-nusus" ("Nusus tanqidi"), "Salamon va Absol" she'rlarini, "Ashiat al-lamaot" (Yarqiroqlik nurlari), "Nafohat al-uns" ("Do'stlik shabadalari"), "Yusuf va Zulayho", "Layli va Majnun", "Sharhi ruboiyot" ("Risolai sharhi ruboiyot", "Sharhi ruboiyot fi isboti vahdat al-vujud") kabi risolalarni yozgan. Naqshbandiylik birodarligi boshqa so'fiylik yo'nalishi singari o'z mohiyatiga ko'ra juda murakkab va ziddiyatli ta'limot bo'lib, u ham din, ham falsafa unsurlarini o'z ichiga oladi<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> История таджикской философии. С древнейших времен до XV в. Т.3.– Душанбе: Дониш. 2013. – С.459.

Jomiy tasavvuf nazariyotchisi bo‘lmagan, ammo naqshbandiylik ta’limoti g‘oyalari ta’sirida uning asosiy qoidalariga to‘la javob beradigan mislsiz she’riy asarlar yaratgan. Shu bilan birga, u tasavvufga oid chuqur falsafiy she’riyatga nazariy qoidalar va tamoyillar bilan emas, balki asarlari bilan kirib keldi. Mutafakkir uchun she’riyat falsafiy-axloqiy, badiiy-estetik va madaniy-falsafiy maqsadga erishish vositasi edi. Jomiy she’riyatidan o‘z davrinning eng qiyin falsafiy, axloqiy va estetik savollariga javob topish mumkin. Uzoq zamonlardan buyon she’riyat va falsafa o‘rtasida chuqur tortishuvlar bo‘lganiga qaramay, Jomiy o‘z iste’dodi va mahorati tufayli “haqiqatni bilish” va koinot sirlarini ochib berish uchun she’riyat va falsafa bilan “hamkorlik” qildi. Mutafakkir uchun she’riyat falsafaning dastlabki pallasidagi o‘ziga xos umumiy borliqning ostonasi bo‘ldi<sup>2</sup>.

Y.E.Bertels Jomiyning tasavvuf falsafasiga oid qarashlari shakllanishida Ibn al-Arabiylar ta’limoti ahamiyati katta ekanini takidlaydi. Jomiy aynan Ibn al-Arabiylar g‘oyaviy qarashlaridagi hayot tarzining falsafiy jihatlarini bilishga intilar edi. Jomiy buni musulmon olamining o‘ziga xos siymolaridan biri, mashhur shayx Muhiddin Ibn al-Arabiyning (1165-1240) falsafiy qarashlaridan topdi<sup>3</sup>.

Ibn al-Arabiylar asarlarida juda muhim ko‘rsatmalar mavjud edi. Jomiyning shogirdi Abdulg‘afur Lorining xabar berishicha, shoir bu asarlarni o‘rganishga kirishganidan so‘ng unga to‘liqroq aniqlik krita boshladi. Shogirdining so‘zlariga ko‘ra, Jomiy: “agar bu eshik menga ochilsa, men uning ma’nosini butun olamga ochib beraman”, deydi. U odamlar xohlagan tarzda uni osongina tushunsin, deb hatto bir marta qasam ham ichadi. Jomiyning Al-Arabiylar ta’limotini mukammal tushunishga kirishgan, ammo

<sup>2</sup> Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма (опыт критического анализа). – Душанбе: Дониш. 1987. – С.76.

<sup>3</sup> Navoi. Rus tilidan I.Mirzayev tarjimasi. – S.: SamDU. 2010. – B.173.

buning uchun aftidan, uzoq vaqt sarflagan. Jomiy qalamiga mansub “Hirodnoma Iskandariy” va Navoiyning “Saddi Iskandariy” asarlarini qiyosiy tahlil qilish o‘ziga xos xulosa chiqarishga asos bo‘ladi. Navoiy o‘z asarlarida bir tomondan “Hirodnama”da keltirilgan ayrim boblarni o‘rnini to‘ldirish yoki almashtirish orqali Iskandar hayotidan kelib chiqadigan hodisalar o‘rtasidagi bog‘liqlikni to‘la va mukammal aks ettiradi. Ikkinchi tomondan Navoiy naqshbandiylik tariqatida muhim bo‘lgan, Jomiy nazaridan chetda qolgan “Safardar vatan” tushunchasiga alohida e’tibor beradi. Jomiy asarida Iskandar to‘g‘risidagi avvalgi dostonlardan farqli o‘laroq jismoniy va ma’naviy sayohatni bir-biriga qarama-qarshi qo‘yib, tasavvufdagi bir qator tushunchalarni izohlab o‘tadi. Jomiyning “Hirotnoma”sida Iskandar timsolida dunyo kezuvchidan ko‘ra, ayniqsa, ichki yo‘lni, ya’ni insoniylikdan farishtalikka qadar yo‘l tutgan odamni ko‘rish mumkin. Jomiy asaridagi mazkur “o‘zini anglash” tomon harakat qilish Naqshband qarashlariga to‘g‘ri keladi.

Naqshbandiylik ta’limotida falsafiy masalalarga unchalik katta e’tibor berilmagan. Bu ta’limot eng avvalo, hayotda asosiy qoidalarni qo‘llashga qaratilgan. Jomiyning boshqa mutasavvuflardan farqi shundaki, u asosan tasavvufni amaliy jihatlariga e’tibor qaratgan. Bizning fikrimizcha, Jomiy oldida tasavvufning amaliy jihatlaridan tashqari, tobora siyosiy tus ola boshlagan naqshbandiylikka falsafiy ruh berish uchun uning ilmiy asoslarini qayta ko‘rib chiqish vazifasi turar edi.

Jomiyning arab tilida bitilgan “Sharhi Fusus ul-hikam” nomli asari Ibn al-Arabiyning falsafiy-irfoniy yo‘nalishda bitilgan “Fusus ul-hikam”ga sharh sifatida yozilgan. Y.E.Bertelsning takidlashicha, “Fusus ul-hikam” murakkab, tushunish juda qiyin majoziy hamda ramziy ma’nolarga boy asar bo’lgani uchun

o’sha davrdayoq unga izoh yozish ehtiyoji yuzaga kelgan. Sharh yozish an’anasini birinchi bo‘lib, Ibn al-Arabiyning izdoshi Sadriddin Kuniyaviy boshlab bergan. A.Afsahzodning takidlashicha: “Fusus ul-hikam” asari tili va yozilishi jihatdan o’ta murakkabligi uchun Sadriddin Kuniyaviyning sharhi asosida o‘qilar edi<sup>4</sup>.

Falsafa olamida ulkan nufuzga ega bo‘lgan ushbu asarga Jomiy tomonidan yozilgan sharh “Fusus ul-hikam”ning o‘nga yaqin mashhur sharhlari qatorida tilga olinadi. Y.E.Bertels Jomiy falsafiy qarashlariga Ibn al-Arabiyning ta’sirini quyidagicha izohlaydi: “Jomiy dunyoqarashining falsafiy asosini aynan Ibn al-Arabiy nazariy g‘oyalari tashkil qiladi<sup>5</sup>.

Nemis sharqshunos olimi Karl Brokelmanning qayd etishicha, “Fusus ul-hikam” asariga o‘ttiz beshga yaqin sharh yozilgan. Shu o‘rinda takidlab o‘tish kerakki, Jomiy tomonidan yozilgan sharhda turli xil janrlarda uchraydigan didaktik yo‘nalish kuchli bayon qilingan. Jomiyning yana bir falsafiy asari “Lavome’ fi sharhi qasidai Mimiyyai hamriyai Foriziya” bo‘lib, Ibn Foriziyning “Qasidai hamriya” asariga bag‘ishlab yozilgan sharhdir. Uning muqaddima qismida “vahdat-ul vujud” bosqichlari, muhabbat va haqiqat mohiyati haqida bahsmunozara yuritiladi. Jomiy “Qasidai hamriya” asariga sharh yozishda Ibn al-Arabiyning qarashlarini asos qilib olganini aytadi. Mutafakkir tomonidan yozilgan yana bir falsafiy asar “Risolat fil-vujud”(Risolat ul-vujudiyat yoki Risolai vajiza dar tahqiq va isboti vojib ul-vujud) bo‘lib, u asar juda kichik hajmga ega. Bu asarda “Vahdat-ul vujud” va uning mohiyatiga doir turli mulohazalar mavjud. Ushbu asar asosan faylasuflar, mutakallimlar ruhiyatiga yaqinroqdir. Asarning yozilgan yili aniq emas, lekin “Kulliyot”dagi asarlarning yozilish tartibiga

<sup>4</sup> A’loxon Afsahzod. Naqd va barrasii osor va sharhi ahvoli Jomiy. – B.183.

<sup>5</sup> Bertels Y.E. Navoiy. Monografiya./ Tarjimon I.K.Mirzayev. f.f.d., prof. –T.: Tafakkur qanoti. 2015. – B.186.

e'tibor qaratsak, asar "Sharhi ruboiyot"dan avval yozilgan deb aytish mumkin.

Y.E.Bertelsning fikriga ko'ra, Navoiyning ustozi va do'sti Jomiy bir kuni unga o'ziga tegishli uchinchi devonini sovg'a qiladi. Navoiy o'z navbatida Jomiyga shu vaqtgacha faqat Amir Xusrav tomonidan inson umrining fasllariga xos devon tuzgani haqida so'zlaydi. Natijada Jomiyda ham shunday yo'l tutish istagi paydo bo'ladi. Shoir o'z devonlarini "Fotihat ush-shabab" (Ibtido yoki yangilik, o'spirinlik), "Vositat ul-iqd" (Marjon o'rtasidagi dur), "Hatimat ul-hayot" (Hayot intihosi) deb nomlaydi. Jomiy ham Navoiyga o'z sherlarini shunday nomlashni maslahat beradi. Navoiy esa o'z asarlarini "G'aroyib us-sig'ar" ("Yoshlik ajoyibotlari") (17-20 yoshlar atrofida yozilgan sherlar), "Navodir ush-shabob" ("Yigitlik nodirliliklari"), "Badoye' ul-vasat" ("O'rtal yosh badialari"), "Favoyid ul-kibar" ("Keksalik foydalari") deb nomlaydi. Demak, bu o'xshashliklar Jomiy ijodining Navoiy qarashlariga qay darajada ta'sir ko'rsatganini bildiradi. Bu nomlarning yaqinligi mutafakkirlar ijodining umumiy xarakteridan dalolat beradi<sup>6</sup>.

Mutafakkirning boshqa bir kitobi "Tahqikul masohib" ("Diniy-huquqiy maktablarbo'yicha tadqiqotlar") bo'lib, sharqiy peripatetika, mutakallimlar va so'fiylarning ilohiy mohiyat to'g'risidagi qarashlari, Xudoning sifatlari haqidagi falsafiy-mistik va metafizik tushunchalarini o'z ichiga oladi. Uning axloqiy-falsafiy janrdagi yana bir she'ri – "Yusuf va Zulayho" bo'lib, asarda ular haqida hikoya qilinadi. Ammo keyinchalik odamlar orasida u yangi xususiyatlar kasb etib, "Jomiy aziz deb nomlagan Misr zodagonlari Pantefriya rafiqasi Zulayhoning yorqin, umidsiz, og'riqli sevgisi haqidagi hikoya"ga aylandi<sup>7</sup>.

6 Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Восточной литературы.

7 Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Наука. 1988. – С.101.

Jomiy yuqori martabali insonlarning mashvaratlarida “Iskandarning donishmadlik kitobi”dan parchalar o‘qir edi. Ushbu asarda Jomiy diniy qarashlarining o‘ziga xos jihatlari aks etgan. Dostonning boshida Allohga murojaat tarzida yozilgan bir bayt keladi. Uning ma’nosni quyidagicha edi: “Sen botin va zohir bo‘lganining uchun vujudim, qalbim, borlig‘im va ko‘zlarim nimani ko‘rgan bo‘lsa, hammasi Sensan”, deb Yaratganga yuzlanadi. Bu so‘zlarni u yoki bu ma’noda islom diniga putur yetkazish deb tushunmaslik kerak<sup>8</sup>.

Jomiy har qanday ixtiloflardan holi yagona islomni qo‘llab-quvvatlaydi. Diniy konfessiya ichidagi nizolarni o‘z nuqtai-nazaridan tanqid qiladi. Bu baytda Jomiy birodarlik, tenglik, tinchlik, ahillik kabi g‘oyalarni targ‘ib va tashviq qiladi. Har xil tilda so‘zlashuvchi yoki turli mazhabga mansub xalqlar va qabilalar o‘rtasida adovat qo‘zg‘ovchi, taraqqiyotning ashaddiy dushmanlari hamda nifoq soluvchilarga g‘azab bilan xitob qiladi. Shu bilan birga, mazkur baytda diniy bag‘rikenglik g‘oyasi ham ilgari surilgan. U muridlarga ustozlik qilishdan ham qat’yan voz kecha boshladi. Bu ea Jomiy asarlarida o‘z aksini topdi. O‘sha davrda mashhur shayxlarga mo‘jizaviy nom berish odati mavjud bo‘lib, bu ilohiy kuchlar mavjudligiga ishora edi. Jomiyning muhim fazilatlaridan biri uning bu kabi qarashlarni qabul qilishi va tan olishi edi<sup>9</sup>.

Jomiy o‘z falsafiy g‘oyalarida diniy bag‘rikenglikni targ‘ib qiladi. U shogirdi va do‘sti Alisher Navoiyning siyosiy faoliyatini qo‘llab-quvvatladi. Uning nuqtai-nazariga ko‘ra, falsafiy ta’lim Xudoni bilishning tasavvufga oid haqiqatini izlovchiga ochib bera olmaydi. Bu borada u o‘z davridan kelib chiqib, murosasizlikning kategorik jihatini qisman o‘ziga singdirgan va so‘fiylikka mutlaq ustunlik bergen. Falsafa tanqidiga kelsak,

<sup>8</sup> Arzimurodovich B.D. The problem of lexico-syntactical stylistic devices //Web of Scientist: International scientific research journal. – Т. 3. – №. 4. 2022. – P.631-635.

<sup>9</sup> Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. Том 4. –М.: Наука. 1965. – С.236.

Jomiyning falsafiy qarashlari so‘fiy tafakkurining yana bir klassik namoyondasi – Mahmud Shabistoriy qarashlari bilan o‘xhashligini ko‘rsatadi. Uning falsafiy qarashlarni tanqid ostiga olishi haddan tashqari ratsionalistik bilimlar tufayli emas, balki borliqni bilishdagi usullari samarasizligi tufayli edi. Jomiyning fikricha, faqatgina Payg‘ambarimiz Muhammad (S.A.V)ning muattar nafasigina Allohga olib boruvchi yo‘ldir.

## ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР ҲИКМАТЛАРИ

Э.Т. РАҲМАТОВ,  
*Самарқанд давлат университети  
таянч докторанти*

Диёrimiz ислом тасаввуфи бешикларидан бири саналади. VIII-XI асрларда ислом оламининг бошқа йирик марказлари сингари Марказий Осиёда ҳам тасаввуфнинг назарий ва амалий асослари шаклланди. Кейинчалик бутун ислом дунёсига кенг тарқалган яссавия, хожагон – нақшбандия, кубровия, ишқия каби сўфийлик тариқатлари вужудга келди. Булар орасида ижтимоий фаол тасаввуф таълимоти сифатида тарқалган нақшбандия таркидунёчилиқдан воз кечиб, меҳнатсеварлик ва ҳалол турмуш тарзини яратиш билан ажралиб туради. Шу асосда тариқат аҳолининг кенг қатлами ва катта ҳудудга тарқалганини гувоҳи бўламиз.

Хожа Алоуддин Аттор Валий ҳаёти ва маънавий меъросини ўрганиш давомида шунга амин бўламизки, Темурийлар даврида фақат марказий йирик шаҳарлар эмас, шаҳар қўрғонларининг ҳам ижтимоий–иқтисодий ва маънавий жиҳатдан нуфузи ортди.

Мовароуннаҳрда: Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шахрисабз), Хўжанд, Тошкент, Шоҳрухия, Ахсикат, Андижон, Ўзган, Ўтрор, Термиз, Урганч, Ҳисори Шодмон шаҳарлари йирик шаҳарлар сифатида тан олинса, куйидаги шаҳарлар ҳам девор билан қўрғон қилиб ўралган йирик аҳоли маркази сифатида қайд этилган. Оқсанор (Хатлон вилояти маркази), Ҷағон (Ҷағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой, Хива

(Хивоқ), Кот, Дизак, Ўратепа, Сифнок, Сайрам, Ашпара кабилар кўпроқ шаҳар-қўргон сифатида тилга олинади. Булардан ташқари, нисбатан кичикроқ шаҳарлар ҳам бўлган. Улар унча катта бўлмаган ёки кичик шаҳарлар деб тилга олинади. Халқаро савдо муносабатлари таъсирида шаҳарлар тез ўсади.

1419-1422 йилларда Хитойга борган темурийлар элчилари, ушбу элчиликда бевосита қатнашган Ғиёсиддин Нақошнинг сафар кундалигида қайд этилишича, ватанларига қайтиш чоғида, Қошғардан ўтгач, Андугон довонида уч гурухга бўлиндилар: биринчи гурух Фаргона водийси орқали Самарқандга, иккинчи гурух Помир тоғлари орқали Бадахшонга ва учинчи гурух Қоратегин, Ҳисори Шодмон, Чагониён, Термиз ва Балх орқали Ҳиротга йўл олади. Демак, XV асрда Чагониён Буюк Ипак йўлининг битта муҳим тармоғида жойлашган эди, дейиш мумкин.

XIV аср охири – XV аср давомида Чагониён вилояти Мавороуннаҳрнинг муҳим маданий-маърифий гўшаларидан бўлган. XIV аср 90-йилларида нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Алоуддин Аттор Бухородан Чагониённинг Дехинав қишлоғига келади ва умрининг охирги ўн йилини шу ерда ўtkазади. У Чагониёнда нақшбандийликни тарғиб қилиб, атрофига мурид-мухлислар жамлади. Қадимги Чагониёндан тахминан олти километр шимоли-шарқда жойлашган Дехнав (ҳозирги Денов шаҳри) XVIII-XIX асрларда шу номдаги беклик марказига айланган. Унинг қўргони ва мадрасаси ҳозиргacha сақланган.

Маълумки, Ҳожагон-Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ривожлантирилиб, унинг вафотидан сўнг халифалари Муҳаммад Порсо (1348-1420), Алоуддин Аттор ва бир қатор мурид-мухлислар томонидан давом эттирилди. Бу ҳақда бир қанча асарлар ёзилиб, нақшбандия

тариқати ёзма меросидан ўрин олди. Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи Қудсия”, “Фасл ул-Хитоб”, Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий “Анис ат-толибин” (XIVаср охири), Муҳаммад Бокир “Мақомати Хожа Нақшбанд” (XV аср боши), Мавлоно Яъқуб Чархий (ваф.1447) “Мухтасар дар баёни силсилаи нақшбандия”, “Рисолаи Унсия”, Фахриддин Али ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашоҳат айн ал-ҳаёт” (XVI аср боши) каби асарлари шулар жумласидандир.

“Рашоҳат айн ал-ҳаёт” асарида ёзилишича, Хожа Алоуддин Атторнинг Бухорода яшаб, илм ўргангани, Баҳоуддин Нақшбанд уни ўзига куёв ва мурид қилиб олгани ҳақида хабар берилган. Муҳаммад Бокирнинг “Мақомати”да ҳам Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Алоуддин Атторни тарбия қилиб, сулукка олиб киргани айтилган. Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” китобида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд қўпинча Алоуддин Атторни ўз ёнларида олиб юриб тарбият қилганлари ва аста-секин мурид-мухлисларини тарбият қилишни унга топшириб борганлари, ул улуғ зотнинг вафотларидан кейин эса Алоуддин Аттор муршидлик вазифасини қабул қилгани ҳам ёзилган. Хожа Муҳаммад Порсо ўз вақтида Хожа Алоуддин Аттор ҳақида “Мақомати шайх Алоуддин Аттор” номли маҳсус рисола ҳам ёзгани маълум.

Хожа Алоуддин Аттор нақшбандия тариқатининг ёзма меросдан ўрин олишида саъй-ҳаракатлар кўрсатган. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг, у кишининг ҳаёти ва нақшбандия тариқати таълимоти ҳақида бир неча асарлар ёзилишида Хожа Алоуддин Аттор қўпинча бош-қош бўлиб турган. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси Муҳаммад Порсо ўзининг “Рисолаи қудсия” асарини бевосита Алоуддин Аттор таклифига кўра ёзишга киришганини айтади. Салоҳибн Муборакҳам ўзининг “Анис

ат-толибин” номли асарини Алоуддин Аттор топшириғига кўра ёзганини, у киши рухсат этган ҳикояларгина китобга киритилганини таъкидлаган ва уларнинг кўпи “хожа Алоуддин айтмишлар” деб бошланади. Бундай услуб Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Хожа Нақшбанд” асарида ҳам сақланган. Айрим ҳикоялар Алоуддин Аттор сұхбатида бўлганлар номидан берилган.

Алоуддин Аттор шахсан ўзи асар ёзмаган дея қатъий тўхтамга кела олмаймиз, чунки Омонулло Бўриев тадқиқотларига кўра, Алоуддин Атторнинг ўз қаламига мансуб асар борлиги ҳам қайд этилди. Бу рисола ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасидаги тасаввуфга оид асарлардан бири бўлиб, у ерда 890-ракам билан белгиланган мажмуа таркибида ва унинг 1276 ва 197а варақларидан ўрин олган. Рисола форс тилида.

Рисолада қисқа киришдан сўнг қуйидаги тўртлик берилган.

*Лаззати дарди мусулмониям дех,  
Нестийи нафси зулмониям дех.  
Куфр кофирро-у, дин диндорро,  
Зарраи дардат дили Атторо.*

Мазмуни:

*Мусулмонлик дарди лаззатин бергил менга,  
Зулмат нафс йўқлигин бергил менга,  
Куфр кофир учун, дин диндор учун,  
Аттор дили учун, бир зарра дардингни (бергил).*

Мазкур мисралар машхур мутасаввуф олим Фаридиддин Аттор қаламига мансуб бўлса-да, ушбу рисолада

умуман Хожагон-Нақшбандия тариқатининг мақсади ва Ҳақ висолига етишишда соликнинг олдига қўйилган вазифалар, унинг ҳолати, мashaққатлари ҳақида сўз боргани эътиборидан, Хожа Алоуддин Аттор қаламига мансуб дейишимиз мумкин.

Унда зикр айтишнинг тартиби, дилни зикрга тайёрлаш, пирга эътиқоднинг сабаби, Ҳаққа муҳаббат каби тушунчаларга таъриф берилган. Бу йўлда солик учун бир қанча талаблар қўйилган:

- Ҳақ бандаларига арз-шикоят қилмасин;
- Иложи борича бирорнинг оғирини енгил қилсин;
- Ҳеч кимга оғирини туширмасин;
- Ўзини ҳаммадан кам кўрсин;
- Халқдан таъмани бутунлай узсин;
- Имкони борича бирорга фойда келтирсин.

Куръон ва ҳадисларни ўқишининг ҳам фойдаси қўплиги айтилган. Асарнинг ёзилган йили аниқ кўрсатилмаган, лекин матн мазмунидан унинг Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин ёзилганини билиш мумкин. Чунки муаллиф бир жойда Баҳоуддин Нақшбанд исмларини ёзганда, “Аллоҳ у кишининг руҳларини муқаддас этсин” деган иборани ишлатади (166а-варак), Бошқа бир жойда кексайиб қолганини эслатади. (167а-варак). Демак, асар 1390-1400 йиллар оралиғида, Чағониёнда ёзилган дейиш мумкин. Чунки Алоуддин Аттор шу йилларда Чағониёнда яшаган.

Хожа Алоуддин Аттор ҳижрий 802 йил, ражаб ойининг 20-санаси (милодий 1400 йил, 18-март)да вафот этган, қабри Денов шаҳридаги катта зиёратгоҳ саналади. Халқ эҳтиром билан “Шайх Аттор Валий”, “Сармазор” қабристони деб тилга олади. Қадимдан ҳайит намозлари ўқилгани сабабли қишлоқ “Намозгоҳ” деб ҳам аталади.

Темурийлар даврида Чагониён тасаввуф ва маърифат аҳли йигиладиган маънавият маскани бўлган дейиш мумкин.

Алоуддин Атторнинг олтин ўгитлари:

– Ўзингни одобли санашинг одобингдаги хатодир. Адабсизнинг хатоси унда манманлик намоён бўлиши ва ўзини одобли санашдир.

– Улуг машойихлар қабрининг зиёратидан нечоғлик фойда олишинг уларни қанчалик танишингга боғлиқдир. Киши учун уларнинг сурати эмас, сифати муҳимдир. Уларни зиёрат этиш ҳам Аллоҳга юзланиш ва юзланишни яхшилаш учун бўлмоғи лозимдир. Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин Нақшбанд) муборак тилларидан кўп ўтар эди:

*Ту токай гўри мардонро парасти,  
Ба гирди кори мардонро гирд рости.*

(Сен қачонгача авлиёлар қабрига топинасан,

Авлиёлар амалидек иш қилки, ўсасан).

(яъни азиз авлиё ва олимлар қабрини зиёрат этиш билан охират қуни муқаррарлиги, бу дунё ўткинчилиги ва улардан ибрат олишни мулоҳаза этмоқ лозим.)

– Ташингда халққа, ичингда эса Аллоҳга тавозуъ (хурмат сақлаш ва камтарлик )қил. Халққа тавозуъ ҳам аслида Аллоҳга тавозуънинг белгиси бўлади, шу маънога кўра, улар Аллоҳ құдрати ва ҳикматининг намоён бўлиш ўрнидир.

– Кишидаги умидворлик шундан пайдо бўладики, у ўз иш ва феълларидағи камчиликларни доимий ва ҳар лаҳзада текшириб, мулоҳаза қилиб туради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тариҳий-географик лавҳалар) – Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б.186.

2. Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т.: 1991. – Б.44.
3. Бўриев О. Нақшбандия тариқати тарихига оид янги асар// “Шарқшунослик” тўплами, №8 – Т.: 1997. – Б.18-27.
4. Раззоқов F., Раҳимов К. Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Т.: Ўзбекистон. 2020. –Б.168.
5. Чўтматов Ж. Алоуддин Аттор. – Термиз.: Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. 2021. – Б.62.

## СИДДИҚИЙ – АЖЗИЙ ҚАРАШЛАРИДА ВАТАН МАДХИ

**Набижон ҲАҚҚУЛОВ,**  
*Самарқанд давлат чет тиллар институти таянч докторанти*

Маърифатпарвар-жадид боболаримизнинг маънавий меросини тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқик этиш орқали уларнинг миллий тикланиш ва ёшлар тарбиясидаги маънавий-маърифий ва ижтимоий-фалсафий ўрнини асослаб бериш айни муддаодир.

Жадидлар жамиятдаги идора усулини, қадимчиликка асосланган диний мактаблар ва мадрасалардаги ўқитиш ва тарбиялаш тизимини танқид қилди, янги усулдаги мактабларда дунёвий фанларни ўқитди, Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ўзаро алоқалар ўрнатди ва мустамлакачиликка қарши чиқиб, янгича тарихий-ижтимоий муҳитни вужудга келтирди. Шундай шароитда улар миллат равнақи, мустақиллиги, истиқтоли учун кураш олиб борди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал

қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”<sup>1</sup>.

Шу ўринда, маърифатпарвар-жадид Сиддиқий–Ажзийнинг маърифатпарварлик ғоялари контексти орқали жадидларнинг ёшларни тарбиялашда таълимдан фойдаланишдаги ёш авлодни ишлаб чиқаришда ва Туркистон жамиятининг маданий ҳаётида фаол қатнашишга жалб қилишдаги ташкилотчилик ролини аниқлаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

“Миллат, маърифат, озодлик тантанаси учун курашмоқни ҳаёт маслаги, умр мазмуни”, деб белгилаган Саидаҳмад Сиддиқий–Ажзий Туркистонда илм-фан ва фазлу адаб устувор бўлишини орзу қилди<sup>2</sup>. Унинг маърифатпарварлик фаолияти асосан икки йўналишда кечди:

- 1) асарлари орқали илмий ирфонни тарғиб этиш;
- 2) янги усул мактаблари очиб, миллат болаларини ўқитиши орқали амалий натижаларга эришиш мумкинлиги ғоясини илгари суради.

Сиддиқий – Ажзийнинг “Иборат ойнаси” (“Миръоти ибрат”) асарининг асосий ғоявий мазмуни Ватан озодлигини тарғиб қилиш, мавжуд жамият иллатларини кескин танқид остига олиш ва давр янгиликларини жорий этишга қаратилган. Сиддиқий – Ажзий юртнинг истиқлоли ва истиқболи тўғрисида фикр юритиб, Самарқанднинг ўзи яшаган даврдаги асл қиёфасини хаёлий бир воқеа (афсона) орқали ёритиб беради. Шоирнинг жамият

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 – сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият. 2017.– Б.184.

<sup>2</sup> Шаймардонов Т. Сиддиқий - Ажзийнинг маърифатпарварлик фаолияти // Бадиий нутқ ва услугуб муаммолари мавзусидаги халқаро анжуман материаллари. 2020 йил 25 сентябрь. – Фарғона: 2020. – Б.171.

ривожланишининг истиқболи тўғрисидаги мулоҳазалари чуқур ижтимоий-фалсафий мазмунга эгадир. Унингча, ҳозирги авлод тарихнинг шундай бир босқичида турибдики, унинг фаровон жамият қуриши, истиқболга эришуви ёки ҳалокатга маҳкум бўлиши айни пайтда танлайдиган йўлига боғлиқдир. Сиддиқий – Ажзий халқ, миллат янгича турмуш тарзини танлаши лозимлигини, ҳозирги пайтдаги яшаш тарзи мутлақо ярамаслигини эътироф этади.

Сиддиқий – Ажзий асарларида асосан Ватан келажаги ва тақдири масаласи кун тартиби мавзусида кўтарилган. Ўз замондошлари орасида биринчилардан бўлиб, зулм туфайли (“яди бедод”) Ватаннинг хору-зорликка дучор бўлганлигини афсус-надоматлар билан ифодалайди<sup>3</sup>.

Унинг эътироф этишича, зулм дастидан Ватан ҳоли хароб бўлди. Фитна, фисқу-фасод туфайли ақли расо халқ ғамға ботди. Натижада одамларнинг юзи, ойдаги доғларга ўхшаб қолди. Ватан ва халқнинг бундай аҳволга тушиб қолишига сабаб қўнгли қора, калтабин, келажакни кўра олмайдиган кишиларнинг мавжудлигидир.

Шоир Ватан харобаларини ислоҳ қилиш учун интизор эканини, бунинг учун эса шунчаки кўр-кўrona эмас, балки ягона маслак, эътиқод асосида чинакам иттифоқ бўлиб бирлашиш ғоясини илгари сурди:

*Маризи иттиҳодам, анжуман базми табибимдур,  
Банинг шўро шароби боиси дафъи хуморимдур<sup>4</sup>.*

Шу ўринда таниқли мұнаққид Вадуд Махмуднинг “Ажзий

<sup>3</sup> Амриддинова Д.Т. Самарқанд жадидчилик мактаби. Монография. – Т.: Наврӯз. 2017. – Б.51.

<sup>4</sup> Танланган асарлар (Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Сўфизода). Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муалифлари: Қосимов Б., Ахмедов С., Долимов У. – Т.: Маънавият. 1999. – Б.139.

Шарқ шеърий шаклига ўз ижтимоий-адабий қарашларини олиб кирганини, шу орқали миллатни илм-маърифатга, ўзлигини англашга, хуллас, маънавий юксалишга ундаган”<sup>5</sup>, деган фикрлари диққатга сазовордир.

Қайсики, Сиддиқий – Ажзийнинг умумий бирликка эришиш, миллатни такомиллаштириш ва исломни ривожлантириш, ўқишиш ва мактаб-маориф соҳасини ислоҳ қилиш, илм ва хунарни ўрганиш, иқтисодий ва маънавий аҳволни яхшилаш тўғрисидаги фикрлари Вадуд Маҳмуднинг эътиборини тортди ва булар ўз даврида илғор фикрлашнинг намунаси, деб эътироф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар маънавиятини юксалтиришда юртимиздаги жадид ҳаракатининг йирик намояндаси Сиддиқий – Ажзий ижтимоий-фалсафий тафаккур меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>5</sup> Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). –Т.: Маънавият. 2007. – Б.36.

# YANGI O'ZBEKISTONDA FUQAROLIK JAMIYATINI QURISHDA ERKINLIK G'OYASINING AHAMIYATI

Aziz SHADMONOV,  
*SamDChTI tayanch doktoranti.*

Har bir inson tug'ilgandan boshlab ma'lum huquq va erkinliklarga ega bo'ladi. Ular tabiiy yoki asosiy deb ataladi. Erkinlik insonlar uchun eng qimmatli ne'matdir. Harakat erkinligiga ega inson o'zini namoyon qilishi, kimligini va bu dunyodagi o'rni qayerda ekanini tushunishi mumkin.

“Erkinlik” tushunchasi jamiyatning barcha sohalarida mavjud. Masalan, inson va fuqaro, shaxsiy, iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy erkinliklar. Dunyodagi barcha narsa singari erkinlik va huquqlar ham himoyaga muhtojdir. Huquq – bu davlat tomonidan qabul qilingan yoki ruxsat etilgan, huquqbuzarlikdan himoyalangan inson erkinligi o'lchovini ifodalovchi, umumiyligi majburiy va rasmiy belgilangan normalar tizimidir<sup>1</sup>.

Shunday qilib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 13-moddasida “O'zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko'ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi. Demokratik huquq va erkinliklar Konstitutsiya va qonunlar bilan himoya qilinadi<sup>2</sup>. Biroq bizning huquq va erkinliklarimiz nafaqat milliy huquqiy sohada, balki xalqaro miqyosda ham, masalan, 1948 yilda qabul

<sup>1</sup> Алексеев С.С., Архипов С.И., Корельский В.М., Леушин В.И. Теория государства и права: учебник для юридических вузов и факультетов. Изд. 3-е. – М.: Норма. 2005. –С.187–192.

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2017.

qilingan Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasida ham o‘z ifodasini topgan.<sup>3</sup>

Yangi axborot davri bo‘sag‘asida axborot olish huquqi huquq va erkinliklar tizimida tobora muhim rol o‘ynamoqda. Bizning barcha faoliyatimiz bilimga asoslanadi, shundan boshlab tegishli xatti-harakatlar turini tanlaymiz. Qanchalik ko‘p ma’lumotga ega bo‘lsak, shunchalik katta imkoniyatlar rivojlanishini kuzatishimiz mumkin. U yoki bu vaziyatda qanday harakat qilish kerak, cheklangan resurslardan qanday qilib unumli foydalanish kerak? Bu masalalarning yechimi avval olingan va tahlil qilingan axborot qatlidan kelib chiqadi. Binobarin, inson uchun axborot hayotiy ahamiyatga ega, chunki usiz to‘liq faoliyat ko‘rsata olmaydi va oldida turgan muammo va vazifalarni hal qilishning ko‘plab yo‘llari orasidan tanlay olmaydi.

So‘z erkinligidan foydalanadigan, faol harakatga chaqiradigan, ommaga motivatsiya bilan ta’sir qiladigan shaxslar tashkilotlar va kasaba uyushmalari uchun mos. Yorqin shiorlar, va’dalar, ajoyib notiqlik – bularning barchasi o‘zi vakillik qilayotgan ijtimoiy guruh manfaatlari va huquqlari uchun kurashuvchi fuqarolik jamiyatni institutining qurolidir. Fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda shuni hisobga olish kerakki, ba’zida bu jamiyatni ijtimoiy tashkil etishning erishilgan darajasi sifatida tushuniladi. Bunda shaxs o‘z huquq va erkinliklari, davlatga nisbatan shaxsiy manfaatlarini anglab yetadi.

Bunday tashkilotning qonuniy asoslari bo‘lishi kerak. Shunday qilib, so‘z erkinligi va axborot olish huquqini qonuniy tartibga solish asoslari O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 29-moddasida mustahkamlangan. Ushbu moddada bu haqda quyidagicha keltirilgan: “Har kim fikrlash, so‘z va e’tiqod

<sup>3</sup> Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi (BMT Bosh Assambleyasi tomonidan 1948 yil 10-dekabrda qabul qilingan).

erkinligi huquqiga ega. Har kim o‘zi istagan axborotni izlash, olish va uni tarqatish huquqiga ega, amaldagi konstitutsiyaviy tuzumga qarshi qaratilgan axborot va qonun bilan belgilangan boshqa cheklashlar bundan mustasnodir. Fikr yuritish va uni ifodalash erkinligi faqat davlat siri va boshqa sirlarga taalluqli bo‘lgan taqdirdagina qonun bilan cheklanishi mumkin”. Konstitutsiyamizning II bo‘lim 29-moddasidan ma’lumki, Yangi O‘zbekistonda huquq va erkinliklar xalqaro huquqning umume’tirof etilgan tamoyillari va normalariga muvofiq to‘liq tan olingan va kafolatlangan.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining 1948 yilda qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasining 19-moddasida mustahkamlab qo‘yilgan ana shunday me’yor va tamoyillarni ham ko‘rib chiqamiz. Unda so‘z erkinligi va axborot olish huquqi quyidagicha bayon qilingan: “Har kim o‘z fikrini bildirish va o‘z fikrini erkin ifoda etish huquqiga ega, bu huquq har qanday ommaviy axborot vositalari orqali va davlat chegaralaridan qat’i nazar, o‘z fikriga aralashish va izlash, olish, axborot va g‘oyalarni tarqatish erkinligini o‘z ichiga oladi”<sup>4</sup>.

Shunday qilib, so‘z erkinligi asosiy hisoblanadi. Haqqoniylar axborotni aniqlash va undan foydalanishga erishish adolatli fuqarolik jamiyatini barpo etishning eng muhim vositasidir.

Dunyoda sodir bo‘layotgan voqealar to‘g‘risida ma’lumot izlashda, aksariyat hollarda aholi ommaviy axborot vositalariga murojaat qiladi. O‘zbekistonda ommaviy axborot vositalari faoliyati 2007 yil 15-yanvarda qabul qilingan “Ommaviy axborot vositalari to‘g‘risida”gi Qonun bilan tartibga solinadi. “Reklama to‘g‘risida” shuningdek, boshqa normativ-huquqiy hujjatlar belgilangan tartibda qabul qilingan huquqiy hujjatlardir. Yuqoridagi qonunga muvofiq, ommaviy axborot vositalari

<sup>4</sup> Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi (BMT Bosh Assambleyasi tomonidan 1948 yil 10-dekabrda qabul qilingan).

davriy bosma nashr, internet nashri, telekanal, radiokanal, teleko‘rsatuv, radiodastur, videoko‘rsatuv, kinoxronika dasturi va davriy nashrning boshqa shakllarini o‘z ichiga oladi.

Biroq biz mamlakatdagi ommaviy axborot vositalarining sanab o‘tilgan turlariga mutlaq ishonch bilan ishonishimiz mumkinmi? degan savol tug‘iladi. Faktlar buzib ko‘rsatilmasligining kafolati qayerda? Davlat tomonidan nazorat qilinadigan manbalar ko‘pligi barchaga ma’lum. Davlat tuzilmalari ma’lum bir tarzda mamlakatdagi fakt va hodisalarning e’lon qilinishini nazorat qiladi. Agar bu ularning siyosatiga zid bo‘lsa, ularning “qo‘polligi” darajasiga qarab ommaviy axborot vositalariga bosim o‘tkazish ehtimoli yuqori. Bu umuman davlat har qanday ma’lumotni oshkor qilishni taqiqlaydi, degani emas. Chunki O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 67-moddasiga muvofiq, “senzuraga yo‘l qo‘yilmaydi”<sup>5</sup>.

Yuqorida aytilgan fikrlarning barchasidan shunday xulosa kelib chiqadiki, inson axborot olish huquqida nisbatan passiv pozitsiyani egallamaslik, kuzatuvchan va faol bo‘lish, har qanday faktlarga ko‘z yumishga yo‘l qo‘ymaslik kerak.

Boshqa ma’lumot manbalari haqida gapirganda, global Internet, xususan, ushbu resurs orqali ijtimoiy tarmoqlarga, taniqli odamlarning bloglariga, “jonli jurnallarga” tashrif buyurish imkoniyatini eslatib o‘tish kerak. Ushbu manbalarga murojaat qilsak, har qanday ma’lumotni olishimiz mumkin. Blogerlar va faol internet foydalanuvchilari o‘z sahifalariga iloji boricha ko‘proq o‘quvchilarni jalb qilish uchun o‘z fikrini qat’iy bildiradi. Bu Konstitutsiyada e’lon qilingan va demokratik jamiyatning asosi bo‘lgan so‘z erkinligi, degan fikr paydo bo‘lishi mumkin.

Shunday qilib, biz fuqarolik jamiyati rivojida so‘z erkinligi va axborot olish huquqining ahamiyati va alohida

<sup>5</sup> O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2017.

o‘rnini baholashga harakat qildik. Fuqarolik jamiyati davlat muammolariga xayrihohlik bilan munosabatda bo‘lishga va ularni mustaqil ravishda hal qilish yo‘llarini topishga qodir bo‘lgan tashabbuskor, irodali fuqarolarga tayanadi. Biroq, axborot erkinligi ta’milanmasa, ularning barchasi sodir bo‘lmaydi. Jamiyat davlatda amalga oshirilayotgan islohot va qayta qurishlar haqida bilishi va o‘z fikrini bildirishi kerak.

## АРАБ МУСУЛМОН ТАФАККУРИДА КАМОЛОТГА ЕТГАН ИНСОН МАСАЛАСИ

Иноят ЭШПУЛАТОВ,  
*БухДУ мустақил изланувчиси*

Бугунги кунда инсоният тамаддуни янги босқичга кўтарилиб, сифат ўзгаришлари кузатилаётган бир даврда шарқ фалсафий меросининг жаҳон ҳалқлари маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришдаги вазифаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунё ҳамжамиятида ёшларни маънавий-ахлоқийғояларорқалиумуминсонийқадриятларга бўлган позитив муносабатини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фалсафий тафаккур тарихига салмоқли ҳисса қўшган Форобий, Ибн Сино ва Ғаззолий таълимотидаги етуклик босқичлари, фанлар таснифи ва унинг инсон камолотига таъсири, ўзини англаш структураси, комил инсон ғоясини таҳлил қилиш “эгоизим”, “ахлоқий бузуқлик”, “ксенофобия” каби иллатларга қарши курашда конструктив аҳамият касб этади.

Араб-мусулмон мутафаккирлари инсоннинг камолотга эришиш жараёнида Ислом одоб-ахлоқига амал қилган ҳолда, Аллоҳга иймон келтирган шариат қонун-қоидалари шахснинг юксак ахлоқий баркамол бўлишига имкон яратади, деб ишонади. Ислом маданиятида ҳукмрон бўлган яқинлашиш тенденциясига кўра, уни доимо Худодан ўрганиш истаги ислом маданияти билан суғорилган деб таърифлаш мумкин.

Ўрганишдан мақсад илоҳий ҳикматга эришишдир.

Бинобарин, Шарқ перипатетиклари учун фалсафа устозлар билимини идрок этиш, уни рухни такомиллаштириш жараёнига киритиш ҳисобланади. Чунки моҳиятни билмасдан, уни такомиллаштиришни назарда тутган<sup>1</sup>.

“Камолотга эришиш доирасида “Устоз – шогирд” назарияси пайдо бўлади. Бу муаммо Қуръоннинг муқаддас матнларидан келиб чиқади. Бу ерда Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) га “ўқинг” даъвати дастлаб “Устоз – Худо, Шогирд – инсон” муносабатини белгилаган. Сўфийлар бу таълимотни иррационал тафаккур доирасида ишлаб чиқсан. Комиллик деганда мавжуд бўлган ҳамма нарса тўғрисида ўзлаштирилган, тўлиқ билим, қолаверса, комил инсон оддий одамга етиб бўлмайдиган (масалан, сўфий домла “Комил” мақомига эга бўлган) яширин илмларга эга бўлиши тушунилган”<sup>2</sup>.

Қийинчиликларга сабр-тоқат, адолат меъёрларига риоя қилиш – бу араб-мусулмон ўрта асрларида инсон ахлоқига хос бўлган хусусиятлардир. Ҳаётга ҳушёр муносабат, эҳтиёткорлик ва тежамкорлик – бу ахлоқий фазилатларни тўлдиради, уларга амалий хусусият беради.

Араб-мусулмон мутафаккирларининг устоз билан алоҳида муносабати бор. Уларнинг фикрича, устоз чуқур ҳурматга сазовордир, чунки у келажак авлодларга яхшилик ва нурни етказади. Шунинг учун ўқувчи камтар бўлиши ва Устозини ҳурмат қилиши керак. Пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.): **“Илм ўрганинглар ва жиiddий, ҳурмат билан**

<sup>1</sup> Курмангалиева Г.К. Исторический опыт философской коммуникации: восточный перипатетизм и древнегреческая классика // Информационно-аналитический журнал Саясат. 2006.– № 11 (ноябрь). – Алматы: 2006. – С.10–14.

<sup>2</sup> Сейтахметова Н.Л. Проблема Камал (ун) в философии Абу Насра аль-Фараби // Наследие аль-Фараби и мировая культура: материалы Международного Конгресса Наследие аль-Фараби и мировая культура. 28–29 сентября, 2000. Гл. редактор А.Н.Нысанбаев. – Алматы: Компьютерно-издательский центр ИФиП МОН РК. 2001.– С.211.

*ва сукутда ўрганинглар. Сенга таълим берәётганларга тавозели бўл, олимларга кибрли бўлма”, деганлар. Дарҳакиқат, араб-мусулмон файласуфлари таълимотида илм олиш инсон бурчи ва қадр-қиммати саналади. У бутун умри давомида билимга интилиши керак. Бу фазилат ҳар бир инсонда қадрланади.*

“Устоз-шогирд” муносабатларидаги энг муҳим унсурлардан бири “билим” (илм) бўлиб, у ҳар доим мусулмон цивилизациясида тузилмани шакллантирувчи элемент бўлиб келган. Ўрта аср араб-мусулмон Шарқида бу тушунчани таҳлил қилишга маҳсус монографиясини бағишилаган таникли америкалик шарқшунос олим Франц Розентал уни “Билимлар ғалабаси” деб атагани бежиз эмас. У ўз асарида: “Исломда билим тушунчаси бошқа цивилизацияларда тенги бўлмаган аҳамият касб этган”<sup>3</sup>, деб ёзади. Розенталнинг фикрича, “Агар... Исломга назар ташласак, метафизик, ахлоқий ва илмий билимлар, қолаверса, жамиятнинг қудратли қуроли сифатидаги билимлар ҳамиша бир хилда намоён бўлмаган. Лекин улар доимо мавжуд бўлган ва ҳаракат қилган. Улар барча инсоний ва илоҳий амалларни бошқарадиган “билим” деб номланган инсоний-илоҳий сифатнинг бир қисми сифатида кўрилган”.

Араб-мусулмон таълими ўзининг келиб чиқишида “адаб”, маъноси “тарбия, яхшитарбия, одоб” биринчи ўриндатуради. Домла, албатта, билимли, маърифатли инсон бўлиши керак эди. Адаб туфайли араб-мусулмон цивилизацияси классик даврида ижтимоий ва маданий ҳаётда фавқулодда муҳим рол ўйнаган мусулмон зиёлилари аста-секин вужудга келди ва шаклланди. Ўша даврнинг кўзга кўринган муаллифларидан

<sup>3</sup> Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука. 1978. – С.324.

бири Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа (ваф.756) “Кичик Адаб” ва “Буюк Адаб” деб номланган иккита китоб ёзган. Улардан биринчиси одамларнинг камчиликларини тузатишга ва импулсларни жиловлашга ундейди. Муаллифнинг фикрича, “фақат оқилона мўътадиллик инсонни баҳтга олиб боради”. “Буюк Адаб” ҳукмдорлар ва сарой аъёнларини тарбиялашга қаратилган эди. “Ибн ал-Муқаффа ҳукмдорнинг илмий маслаҳатчисига алоҳида ўрин ажратади. Ҳукмдорлар ёш йигитлар каби ҳар бир ишни амалга оширишга иштиёқманд бўлгани учун, уларни ёлғон қадамлардан фақат билимдон маслаҳатчи қутқара олади. Донишманд подшоҳни сўз билан тарбиялаши, ҳикматга ўргатиши, ноҳақ ишларининг олдини олишга мажбурдир. Олим донишмандларнинг сўzlари ҳукмдорларга мажбурий бўлиши керак, токи улар золим бўлиб қолмасинлар. Олимлар ҳукмдорлар руҳини ботиллик, ҳокимият ва шафқатсизлик, очкӯзлик ва зўравонлик ишқибозлиги касалликларидан даволашга чақирилган шифокорлардир. Улар ҳукмдорларга олижаноблик ва саҳоватпешаликни сингдириши керак. Уларнинг таъсирида ҳукмдор ўз фуқароларининг эҳтиёжларига эътиборли бўлиши ва улар учун адолатли қонунлар ўрнатиши керак”.

Бу ерда яхшилик деганда одамларнинг характер ва хулқатворида яхши хусусиятлар мавжудлиги тушунилади. Инсон мутлақ яхшилик ҳақидаги билимга ва шу орқали ўзининг тўлиқ камолотига эришади. Шарқ мутафаккирлари шу тариқа шахснинг инсонпарвар, баркамол ривожланиши foяларини илгари сурган ҳолда, инсон табиатининг моҳиятига кириб боришга ҳаракат қилган. Улар инсоннинг ижтимоий моҳиятига алоҳида аҳамият берган. Таълимнинг асосий мақсади, энг аввало, инсоннинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллашга интилишида кўринади. Улар бундай уйғунлик меъёри эди.

Сўфий амалдорларининг мақсади илмга йўл очувчи тажриба ортириш эди. Шу билан бирга, сўфийлик анъаналарида таълим олишнинг зарурий шарти устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар жараёни бўлиб, у субъект-субъект муносабатларининг аҳамиятини очиб беради. Демак, машғулотнинг дастлабки босқичида талабанинг асосий вазифаси – билимдон мавжудотнинг энг юқори даражаси сифатида Устоз образига кўникишdir.

Сўфийлик Шарқнинг бошқа маънавий анъаналари каби таълим-тарбия жараёнига, устоз ва шогирд ролига ўзига хос ёндашувни ўзида мужассам этган бўлиб, устоз ва талаба ўртасида шундай ҳиссий алоқа ўрнатишда ётади. Ташқи таассурот ва ички идрок ўртасида боғлиқлик зарур. Сўфий тафаккури ишқ-муҳаббатга асосланиб, инсон имкониятларини рўёбга чиқариш, энг аввало, унинг ички дунёси, ўзини ривожлантириш ва камолотга етиши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, сўфийнинг эволюцияси унинг ўзида ҳам, жамият билан муносабатларида ҳам содир бўлади.

“Устоз ва шогирд” муносабатлари ривожида забардаст мутафаккир ва шоир Жалолиддин Румийнинг алоҳида ўрни бор. Унинг чинакам сўфийлик хусусиятларидан бири шундаки, у деярли ҳар қандай одамга маълум нарсага эришиш имкониятини қолдиради. Тасаввух тараққиётини белгиловчи унсурлардан бири ишқдир. Инсонни ва бутун инсониятни комиллик сари етакловчи омилдир. Ҳолбуки, севги нур билан чамбарчас боғлик. Бу омилларнинг ҳар бири бир-бирини мустаҳкамлайди, лекин камолот йўлидан ўз-ўзидан ўтиб бўлмайди. Шунинг учун, шогирд энг бошиданоқ доно раҳбар назоратида бўлади, охир-оқибат у уни озод қиласади. Энди у ўз устида ишлашда давом этиб, бошқаларга ўргатади.

Индивидуал кечинма ўз “мен” чегарасидан чиқиб, ўз-үзини енгіб бормоқда ва сўфийлик ана шундай мажозий ижро билан инсон камолоти мавзусига ҳамоҳангдир. Бу борада сўфийлик анъаналаридағи “Устоз ва шогирд” муносабати камолотта эришишда қўл келиши мумкин. Масалан, тасаввуфда келтирилган масаллар, ривоятлар, ташбеҳлар Устознинг оғзи орқали шогирдга айтилади. Унинг тушунчасини, вазиятга қарашини кенгайтиради, хатти-ҳаракатини маълум бир томонга йўналтиради.

Демак, сўфий устозлари томонидан ишлаб чиқилган таълимот шахсни ахлоқий тарбиялашга қаратилган. Бу борлиқ сирларига эришишга имкон беради, унга ҳеч қаҷон бошқа воситалар ва усууллар билан эришиб бўлмайди. Шунингдек, у тушуниб бўлмайдиган нарсаларни англаб етишнинг ягона тажрибаси. Тасаввуф шогирднинг ўзини ўзи билиши ва унинг маънавий юксалишини, яъни қалбнинг покланиш йўлини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Устоз ҳеч нарса қилмайди ёки айтмайди, лекин атрофдаги ҳамма нарса севги билан қопланган. Унинг хузурида ҳеч қандай савол йўқ бўлиб, улар ўз-ўзидан ҳал қилинади. Улар Устозга яқинлашиб, дуо учун таъзим қиласи. Сўфийлик тамойилларига кўра, ҳар қандай одам Устоз бўлиши мумкин. Сиз шунчаки ички манба билан, ўзингиздаги Худо билан, ҳар кимда мавжуд нур орқали алоқа ўрнатишингиз лозим. Биз ўз ички овозимизни тинглашимиз керак, ундан қочишга ҳаракат қилмаймиз.

“Шарқда тарбия ва таълим нафақат турли мақсадларни кўзламайди, балки Ғарбда бўлгани каби турли йўналишларга ҳам ажралмаган. Бундан ташқари, бу ерда таълим таълимга бўйсунади. Бу ерда билимнинг ўзига хос ҳодисаси умуман йўқ. Одам шунчаки билишни эмас, балки бўлишни ўрганади. Инсон кўп нарсани билимдан эмас, балки

билидиган одамдан ўрганиши мумкин. Шарқда Устознинг юксак мавқеи шундан. Албатта, билимлар биргаликда шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, араб-мусулмон мутафак-кирларининг барча таълимоти Устоз ва шогирд ўргасидаги шахсий мулоқот руҳи билан сугорилган. Араб-мусулмон Шарқининг “Устоз-шогирд”га нисбатан кўп асрлик анъанаси комил инсон шаклланишида ўзига хос инсоний муносабатга таянишdir.

# ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА НАСАФ ВОҲАСИ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Асилбек ХЎЖАЁРОВ,  
*Қарши давлат университети  
тадқиқотчиси*

Ўрта асрларда яшаган буюк алломалар мислсиз даҳосининг маҳсули ўлароқ юзага келган беқиёс илмий меросни янги тамойиллар асосида тадқиқ этиш, улар томонидан яратилган илмий қашфиётларнинг жаҳондаги ўрнини белгилаш бугунги кундаги долзарб илмий масалалардан биридир.

Марказий Осиё халқларининг иқтисодий-маданий омиллари эзгулик, бунёдкорлик ва умуминсоний тараққиётга хизмат қилиб, улар минтақамиз цивилизациясининг бош ғояси сифатида бугунги кунда ҳам амалда бўлиб келмоқда. Шунингдек, аждодларимиз асос солган ўлмас ғоялар изчил давом этмоқда. Чунки, ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолияти самарали таъсирининг маҳсулидир.

Сўнгги даврда Марказий Осиё ва қўшни худудларда олиб борилган тарихий, археологик ва этнографик тадқиқотлар ушбу минтақанинг қадимги Шарқ цивилизацияси шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутганини кўрсатувчи кўплабашёвий далилларни юзагачиқарди. Уларга асосланиб, “Марказий Осиё цивилизацияси”, “Ўрта Осиё

цивилизацияси”, “Турон ёки Туркистон цивилизацияси” каби тарихий тушунчалар илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда [1:3]

“Ренессанс” сўзи – французча “Renaissance”, итальянча – “Rinascimento” – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш – деган маъноларни англатади [2:305]. “Уйғониш” атамаси илк бор XVI асрда меъмор, мусаввир ва санъат тарихчиси Жорж Вазари (1511-1574) томонидан Гарбий Европада буржуа муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичи сифатида белгиланган тарихий даврни тавсифлаш учун қўлланган. Ушбу атаманинг биз билдирган маъноси фаранг тарихчиси Жюль Мишле (1798-1874) томонидан XIX асрда жорий қилинди [3:269-270].

“Мусулмон Ренессанси” тушунчалари тарих фанига таникли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876-1946) томонидан XX аср бошларида киритилган (1909). Олим “Шарқ” атамасини тарихий мазмунда ишлатиб, Ўрта Ер денгизидан то субконтинентгача бўлган юртларни ва унинг IX-XII асрлардаги маданияти юксакларга кўтарилганини кўзда тутган. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир [4:203].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман” [5, 253-б.], деб таъкидлади.

Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илмий ижодда доктринализм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнон-

рим) маданиятига қайтиб, уни тиклаш; бойитиш; черков схоластикасидан кутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш, инсон эрки, хурфикарлилк учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожлантирилди [6:10].

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида ҳам буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Газзолий, Азизиддин Насафий, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеъриятда Абу Абдулло Рӯдакий, Абулқосим Фирдавсийлар баракали ижод қилган [7:57]. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Тарихий манбаларда “Ислом маданиятининг олтин асли” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан И мом Бухорий, И мом Термизий, И мом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин ан-Насафий каби улуғ мутафаккирлар бутун мусулмон оламига донг таратган эди.

Ҳақиқатда ўрта асрларда Мовароуннахрда дунёвий ва диний илмларнинг оламшумул тараққиётига, Ўрта асрлар Ренессансига асос солинишига бу ўлка аҳолисининг катта қисми шаҳарларда яшashi, шаҳарларда инсонларнинг илмий, маданий, маънавий ҳамда диний фаолияти учун яратилган муҳит, Сомонийлар ва Қорахонийлар сулолалари ҳукмронлиги даврида бу ўлқада бир неча юз йил давом этган тинчлик ва осойишталик сабаб бўлган.

Мовароуннахр шаҳарларидан бири қадим Насафнинг илм-маърифатда Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдан қолишмайдиган жиҳатлари кўп бўлгани боис “Насафий” нисбали олимлар ўз асарлари билан нафақат Мовароуннахр, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонган.

VII аср охири - IX аср бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари вужудга келган. Шунингдек, бу ерда тафсир соҳаси ҳам IX асрда ёк йўлга қўйилган. Бунда, айниқса, Иброҳим ибн Маъқил Санжоний, Муҳаммад ибн Наср Насафий каби олимлар етакчилик қилган.

Ушбу мактаблардамусулмоноламинингтурлиўлкаларидан келган талабалар сабоқ олар эди. IX асрда Муъоз ибн Яъқуб Насафий, Халаф ибн Сулаймон Дириздахий, X асрда Асад ибн Ҳамдавайҳ Варсиний, Аҳмад ибн Муҳаммад Тадёний, Муҳаммад ибн Осим Устуғдодизий, Абдуроҳман ибн Муҳаммад Астрободий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий, XII асрда Абу Бақр Насафий, XIII-XIV асрларда Азизиддин Насафий, Лутфуллоҳ Насафий Кайдоний каби ўнлаб олимлар бутун ислом оламида шуҳрат топди. Кейинги асрларда ҳам бу илмий анъана муваффақият билан давом эттирилди.

Буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бухорий Насафнинг Баён маҳалласида маълум бир муддат бўлган ва у ерда шогирдларига таълим берган. Унга бу пайтда Офурон қишлоғидан дўсти Абу Муҳаммад Жибрил ибн Авн яқиндан ёрдам берган. У ҳам ўз навбатида, ҳадис илмида пешқадамлардан бири эди. Абу Наср Аҳмад (ваф.1157): “Катта бобом Абу Наср даврида кўпгина олимлар Насафнинг қишлоқ ва ноҳияларидан эдилар” [8:229], деб Насафнинг атрофларидан олимлар кўп етишиб чиққанини айтади.

Насаф IX-X асрларда ўзига хос илмий марказга айланиб

улгуради. Абу Жаъфар ал-Мустағифиийнинг маълумот беришича, Ҳасрда Насафда “Мажлиси тадрис”, яъни халқаро илмий конгресс – мажлис ўтказилган. Ўша давр ислом олимлари илм тарқатишда икки услубдан фойдаланган. Бири масжидларда ўтказиладиган фиқҳий масалаларга доир илмий мажлислар, мунозара ва сұхбатлар бўлса, иккинчиси, уйларда ёки маҳсус жойларда ўтказиладиган баҳс-мунозаралардир. Бу “Мажлиси тадрис”лар узоқ вақт давом этар, унга мусулмон оламиининг етук олимлари таклиф этиларди. Унда олимларнинг маълум бир мавзудаги янги қарашлари, изланишлари баён этилар ва баҳоланар эди. Мана шундай мажлисга балхлик мўтазилийлар йўлбошчиларидан бири Абул Қосим Каъбавий (ваф.931) ҳам ташриф буюрган [9:318-319].

Насафга қарашли Офурон (Оброн), Кожар, Балад (Пўлоти), Фудина каби манзиллардан этишиб чиққан олимлар ўз даврида илм-фан тараққиётида катта из қолдирган.

Хуллас, ҳозирги пайтда буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап ушбу имкониятлардан самарали фойдалана олишимизга боғлиқ. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-үн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қиласи. Бунинг учун, энг аввало, минглаб истеъоддли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мавлонов Ў. Марказий Осиёning қадимги йўллари. – Т.: Академия. 2008. – Б.432.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Т.: ЎзМЭ ДИН. 2004. – Б.704.

3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т.: Hilol – Nashr. 2019. – Б.440.
4. Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари. – Т.: Шарқ. 2011.
5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ж. –Т.: Ўзбекистон. 2018. – Б.508.
6. Исломилов И., Шаропов А. Тарих атамалари лугати. – Т.: Akademnashr. 2013. – Б.560.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. –Т.: ЎзМЭ ДИН. 2005. – Б.704.
8. Абдулкарим Самъоний. Насабнома. Таржимонлар – Бухорий А.Р. ва Раҳимов К. –Бухоро.: Бухоро. 2003.
9. Равшанов П. Қарши тарихи. – Т.: 2006.

# ИСЛОМ ДИНИДА ВА ДУНЁВИЙ ДАВЛАТДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАЛАРИ

Сайёра ХАШИМОВА,  
*СамДУ илмий тадқиқотчи*

Ислом дини меҳр-шафқат, инсонийлик, тенглик ва инсонларни адолатга даъват этувчи диндир. Ислом дини жисмоний имкониятида нуқсони борларга ҳеч қандай мақом ёки азоб, азизлик ёки хорликни белгилаб бермаган. Ислом динида Аллоҳга бўлган имон, ихлос, диёнат, қалб поклиги каби сифатлар билан инсоннинг мақомини белгилаб беради. Ислом динида жисмоний имкониятнинг чекланиши Аллоҳ томонидан берилган дард ва синов сифатида баҳоланади. Улар ўзининг аҳволидан нолимаслиги, сабр қилиши, агар Аллоҳ томонидан берилган синовлардан муваффақиятли ўтиб олса, абадий дунёда буюк мақомга эришиши таъкидланади. Ислом динида ҳар бир инсон қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар Аллоҳ билан қалбан боғланиши кераклиги уқтирилади. Ислом ҳаққоният ва инсонийлик дини бўлиб, инсонларни поклик, хушхулқлик, ҳаё, инсоф, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик каби эзгу фазилатларга даъват этади.

Ислом дини инсоннинг имконияти чекланган ёки чекланмаганига эмас, балки унинг илмга асосланган эътиқод ва ибодати орқали оққўнгил, тоза виждонли ва ҳақиқий мусулмон бўлиб тарбияланишига асосий эътибор қаратади.

Жисмоний имконияти чекланган инсонни юксак маънавиятли, руҳи кучли ва матонатли қилиб тарбиялашда ислом дини ва қадриятларининг тутган ўрни ва аҳамияти мухимдир. Ислом дини инсонларни ёрдамга муҳтоҷ, ожиз одамларга ёрдам беришга чақиради. “Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг”,<sup>1</sup> дейилади ҳадисларда. Ислом дини инсоннинг бошига ғам-ташвиш тушганда одамларни унга ёрдам беришга чақиради. Ҳадисларда келтирилган: “Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади”<sup>2</sup>, деган фикр бевосита имконияти чекланган ва ҳаётда кўпгина қийинчиликларга дуч келган ногирон инсонларга ҳам тааллуқлидир.

Куръони карим “Абаса” сурасининг 1-оятидан 11-оятигача Муҳаммад (С.А.В.)нинг кўзи ожиз одам билан учрашуви ва бу масалага ислом динининг муносабати масаласи баён қилинган. 1. (**Муҳаммад алайҳиссалом) юзини буриштириди** (Расулуллоҳ Макка аҳлиниң энг обрўли мушрикларидан бири билан суҳбатлашиб, уни имонга даъват қилиш билан банд бўлиб турганларида, янги мусулмон бўлган Абдуллоҳ ибн Умми Мактум исмли кўзи ожиз бир одам ёnlарига келиб, Ҳазратдан турли саволларни сўрайверади. Бундан аччиқлари келган Пайғамбар алайҳиссалом унга бир қараб, қовоқларини соладиларда, юзларини буриштириб, ўғирилган ҳолда яна суҳбатларини давом эттираверадилар. Аммо кишининг саволлари жавобсиз қолди. Аллоҳ таолога бу ишлари маъқул бўлмади. Бу суранинг аввалги қисмида Ҳақ таоло Ўз пайғамбарини шу ҳодиса туфайли бироз койиб, огоҳлантиради) **ва орқасига ўғирилди. 2. Бунинг сабаби**

<sup>1</sup> Ахлок-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан. 1990. – Б.32.

<sup>2</sup> Ўша китоб. – Б.42.

унинг ҳузурига кўзи ожиз одамнинг келиши эди. 3. (Эй Мұхаммад!) Қаердан ҳам билардинг, балки у покланиб кетар. 4. ёки (Сендан эшитган) панду насиҳат унга фойда берган бўлар эди. 5. Аммо бадавлат кишига бўлсачи, 6. Сен юзингни унга қаратиб, сухбатига мутасадди бўлмоқдасан. 7. Ваҳоланки, унинг (имонга келиб) покланиши Сенинг зиммангга вожиб эмас эди. 8. Сенинг ҳузурингга саъй-ҳаракат қилиб, 9. Аллоҳдан қўрққан ҳолда келган одамга эса, 10. Сен парво қилмадинг. 11. Йўқ, йўқ! (Сен асло бундай қилмагин!). Ҳақиқатан, Қуръони карим оятлари панду насиҳатдан иборатдир<sup>3</sup>. Келтирилган оятларда ислом динида бой-бадавлат, соғлом инсон билан (гарчи мушрик бўлсада) ногирон, кўзи ожиз инсон (мусулмон) бир-биридан ажратилмайди. Улар учун энг зарур нарса уларнинг имонга келиши, покланиши экани кўрсатилади.

Ислом дини ва исломий қадриятлар Ўзбекистондаги янгиланиш жараёнида урф-одат, анъана, удумлар, маросимлар билан боғлиқ бўлиб, жамиятдаги одоб-ахлоқ, тарбия жараёнларига, имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган инсонларга нисбатан инсоний, меҳр-шафқатли муносабатни шакллантиришга асосий эътиборни қаратса, давлат томонидан олиб борилаётган сиёsatда, ахолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ногиронлиги мавжуд фуқароларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: “Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик.

<sup>3</sup> Қуръони карим. – Т.: Шарқ. 1991. – Б.10.

Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиласарга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди. Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Бу раҳамаларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала”<sup>4</sup>, деб таъкидлади.

2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича вазифалар белгиланди. 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиниб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳимлигига эътибор қаратилди:

- ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;
- кам таъминланган оиласарга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;
- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтоҷ аёллар, ёшлар ва ногиронлиги мавжуд шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан “Темир дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан

<sup>4</sup> <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-o'zbekiston-xalqiga-murojaatnomasi>

интеграция қилиш<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда 2020 йил 15 октябрь куни Президент томонидан янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Ушбу Қонун билан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари белгилаб берилди. Шунингдек, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти янада такомиллаштирилди ва имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга оид қатор масалалар Қонун даражасида белгиланди. Қайд этиш лозимки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи билдирилган ва Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланган эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ташаббуси доирасида Ўзбекистон Парламенти томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди. Мазкур Конвенция ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлиdir. У мавжуд шароитлардан фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, эндилиқда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар

---

<sup>5</sup> <https://www.lex.uz/docs/5841063>

хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликнинг ҳам миллий, ҳам халқаро асослари мавжуд. Галдаги долзарб масала – ушбу нормаларда белгиланган вазифаларнинг самарали ижро этилишидан иборат. Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) манзилига ҳам ногиронлиги бўлган шахслар томонидан кўплаб мурожаатлар келиб тушади ва улар шахсан Омбудсман назоратига олинади. 2020 йилги мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, имконияти чекланган шахслар қўпинча ногиронликни белгилашда ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларни келтириб чиқарувчи омилларнинг мавжудлиги ва иш топишда тўсиқлар борлигидан норози бўлиб мурожаат килган. Қолаверса, аризалар орасида уй-жой ажратишдаги имтиёзлардан фойдаланиш ва маҳсус аравача, протез ва бошқа воситаларни бепул ажратилишида кўмак сўраб мурожаат этишган. Алоҳида қайд этиш керакки, бу каби масалалар 2022 йил кучга кирган Ўзбекистон Республикаси “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқлари тўғрисида”ги Қонуни билан ўз ечимини топиши кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти янада такомиллаштирилиб, текширувдан ўтказиш тиббий хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан 10 кун ичida бепул амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, имконияти чекланганларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қатор масалалар ҳам Қонун даражасида белгиланди. Қонунда ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт иншоотлари, дам олиш, шунингдек, туристик обьектлардан бепул фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастури доирасида тегишли чоралар кўриши ва бошқа хуқук ва имтиёзлар белгиланди.

шу билан бирга, Қонун билан ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта маҳсус ва профессионал таълим олишини кафолатлаш, бунда имконияти чекланган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилиш умумий сонининг 2 фоизи миқдорида қўшимча қабул квотаси ажратилиши ва бошқа шу каби қатор имтиёзлар ва хуқуқлар мустаҳкамланди.

Ушбу қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра инсонни камситишга йўл қўймаслик тамойили ўз ифодасини топган. Унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш ҳолатлари, шунингдек, ногиронлиги мавжуд шахсларнинг обьектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш таъкиқланиши кўрсатилган.

Имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг таълим олиши, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, ижтимоий ҳимояланиши қонун йўли билан кафолатланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эга”<sup>6</sup>, дейилган бўлса, Конституциянинг 45-моддасида: “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хуқуқлари давлат ҳимоясидадир”<sup>7</sup>, дейилган.

Ўзбекистонда имконияти чекланган фуқароларни таълим билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида инклузив таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизmlарини

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Адолат. 2021. – Б.11.

<sup>7</sup> Ўша китоб. – Б.12.

такомилаштириш масаласига эътибор қаратилмоқда. Бу масалада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигига ҳам эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлиснинг Инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган шароитларни яратиш бўйича барча нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишланшга тайёрлигини эътироф этмоқда. Омбудсман институти билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, унинг доирасида аҳолининг ногирон қатламларига тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши учун кўмаклашиш, меҳнатга жалб этиш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, ушбу йўналишда хукуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ҳамкорликда ишланмоқда. Омбудсман институти томонидан мамлакатимизда ногиронлик соҳасида фаолият юритаётган 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда жойларда янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, имконияти чекланган шахсларнинг хукуқий саводхонлигини ошириш билан бирга, ушбу хужжатнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунда “Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади”, деб таъриф берилган. Ногиронлик касалликка ёки инсон танаси

аъзоларининг функциялари бузилишига тенглаштирилган. Аммо БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида “Ногиронлик — тана функциялари бузилган инсонлар ҳамда муносабат ва инфратузилма билан боғлиқ тўсиқлар орасидаги ўзаро алоқа натижасида вужудга келадиган ҳолат”, деб таъкидланган. Бошқача айтганда, бу нафақат инсон танасининг нуқсонлари, балки қулай атроф-муҳит йўқлиги ва бундай одамларнинг жамият ҳётида иштирок этишига қаршилик қилаётган тўсиқлар ва салбий стереотипларни ўзида ифодалайди.

Хозирда Ўзбекистонда ногиронлиги бор одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазифасига киради. Бу эса ногиронлик тушунчасини тиббий муаммо сифатида англаб, уни “тиббийлаштиришга” олиб келади. Ногиронлиги бор одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш аслида ижтимоий муаммо бўлиб, ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган фуқароларнинг таълим олиши, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, ижтимоий ҳимоя қилиниши, спорт билан шуғулланиши ва бошқалар учун кенг имкониятлар яратилиши талаб қилинади.

Ногиронлиги бор одамларнинг фаол ҳёти ва уларнинг манфаатлари, фаолияти ҳақида телевизион дастурлар, фильмлар, ижтимоий видеолар олиниб, уларнинг ижобий образларини кўрсатиш зарур. Оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятида фақат ногиронлар учун жамоатчиликнинг раҳмини келтириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишни рағбатлантиришдан иборат деб ҳисобламасдан, асосан, одамнинг ўз касаллигини енгишда қандай жасоратли эканини ёритиши ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Ногиронлиги бор одамлар, айниқса, болалар учун ўз ҳётида турли соҳаларда муваффақият қозонган инсонлар

ҳақидаги маълумотларнинг ёритилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ижобий тажриба ва ютуқлар ёритилса, ногиронлиги бўлган шахслар бошқалардан ўрнак олиб, ўз олдига маълум мақсадни қўяди ва уни амалга оширишга ҳаракат қиласади. Ушбу ҳолатда инсонда ижобий мотивация пайдо бўлади. Инсон ўзининг ҳаёт йўлини белгилашга ҳаракат қиласади.

Кундалик ҳаётда ногиронлиги мавжуд бўлган инсон ногирон бўлмаган инсонга нисбатан кўпроқ муваффакиятга эришиши мумкин. Бунинг учун эса маҳаллий ҳокимият, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан турли маънавий-маърифий, санъат, спорт соҳасидаги тадбирларни ташкил қилиш ижобий натижа беради. Шунингдек, имконияти чекланган фуқароларни ўзини тўлақонли шахс сифатида тасаввур қилиши учун имконият яратилади.

МАЪРИФАТПАРВАР САИД  
РИЗО АЛИЗОДА ФАЛСАФИЙ  
ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

У. НАЗАРОВ,  
*Самдчти тютори*

Жадид маърифатпарварлиги моҳият эътиборига кўра, миллий маориф тизимини тубдан ислоҳ этишдан бошланган бўлса-да, мазкур даврда юзага келган ҳар бир ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ўзгаришлар силсиласи жадидлар таъсири доирасида бўлган. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, усули жадид мактабларини очиш замерида ҳам сиёсий масала – истиқлол, миллатни мустамлака зулмидан озод қилиш масаласи ётарди. Шу билан бирга, бу жараён Туркистон аҳолисини тараққий топган, фаровон миллатлар қаторида кўриш ғояси билан чамбарчас боғлиқ эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, шўролар даврида жамиятшунос олимлар томонидан бу оқим фаолияти энг кўп ноилмий талқин қилинган. Уларнинг кўплаб намояндалари, раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ман этилган давр ҳам мана шу вақтга тўғри келади.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда шаклланган таълим фалсафаси – бу жадид маърифатпарварларининг миллий педагогик фаолият ва таълим асослари, унинг мақсадлари ва идеаллари, педагогик билимлар методологияси, янги рус-тузем мактаблари тизимини яратиш усулларини таҳлил қилувчи тадқиқот соҳаси сифатида талқин қилинади. Шу боисдан ҳам таълим

фалсафаси бу даврдаги ижтимоий-институционал шаклга эга бўлган соҳа сифатида жадидларнинг таълим дастури мақсад ва вазифалари, тамойилларини ўзида акс эттирган, десак хато қилмаган бўламиз.

Сайд Ризо Ализода (1887-1945)нинг маърифий ва фалсафий карашлари “Қалам аҳлларига даъват”, “Илми ҳисоб” китобларида ўз ифодасини топди. Бу дарслик ва ўқув кўлланмаларда у таълим ва тарбияга оид янги ғоялар, ижтимоий-педагогик фикрларни илгари сурган.

Россия империяси мустамлакачилиги даврида ҳалқ таълимининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида Туркистонижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий ҳаётида жиддий инқирозлар юз берди. Шу боисдан ҳам бир гурух жамиятшунос олимлар XX аср бошида Туркистонда ялпи саводсизлик ҳукм сурган деган ғояни илгари суради. Тарихчи оlimа Н.И.Алимова эса бу ҳолатларни тарихни сохталаштиришга уриниш деб атаб, бу даврда Туркистон ўлкасидаги мактаблар сони чор Россияси вилоятлариникига нисбатан кўп бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бу худуддаги мактаблар сони билан у ерда бериладиган таълимнинг сифатини фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш ўринлидир. Мактаблар сони билан аҳоли саводхонлиги ўртасидаги уйғунликнинг мутлақо йўқотилиши сабабларидан бири, Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман томонидан маҳаллий ҳалқ таълимига нисбатан қўлланилган “эътиборсиз қолдириш” сиёсатининг маҳсулидир. Шу боисдан ҳам ўша даврда Туркистон худудида яшовчи аҳолининг учдан икки қисмини даштликларда яшовчи кўчманчи чўпон ва йилқичи оилалари ташкил этганини ҳисобга олсак, уларнинг таълими назорат

<sup>1</sup> Алимова Н.И. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1867-1917). т.ф.н. дис. – Т.: 2004. – Б.11.

қилинмагани ҳам ўлка халқи саводхонлиги даражасига кескин салбий таъсир кўрсатганига амин бўламиз. Чор амалдорлари мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида авваламбор, таълим жараёнидан четда қолдирилган аҳолини зимдан ўз томонига оғдириш сиёсатини мақсад қилиб олган эди. Тарихий манбалардан келиб чиқиб айтиши мумкинки, бундай маҳаллий аҳолига таълим-тарбия беришдан кўзланган асосий мақсад, уларни руслаштириш бўлган<sup>2</sup>.

С.Ализода кўпгина асарларида Туркистондаги таълим тизими, айниқса, бошланғич таълим тӯғрисида танқидий фикрларни билдиради. У таълим тизимининг дунё даражасидан ниҳоятда орқада қолганини афсус билан таъкидлайди. С.Ализода эски ва янги мактабдаги ўқитиш тизимини таққослаб, эски мактабларда ўқув ишининг асосий шакли сифатида дарс мавжуд эмас, деб ҳисоблайди.

Туркистон тарихига назар ташлар эканмиз, минтаقا халқлари хаётида ҳеч қайси ҳаракат жадидчилик сингари улкан ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий таъсир кучига эга бўлмаганига гувоҳ бўламиз. Жадид ҳаракати XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон минтақаси, Кавказ, Крим, Татаристон ва бошқа халқлар хаётида муҳим аҳамият касб этган.

Самарқанд жадидларидан биринчилардан бўлиб *Сиддиқий — Ажзор Ватанни жаҳолат, зулм ва қарамликдан озод қилиш масаласини ўртага қўйди*. Унинг асарларидағи миллий истиқлол ва истиқбол ғоялари 1916 йилда Самарқандни ларзага келтирган Даҳбет қўзғолонининг қатнашчиларига таъсирини кўрсатган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки қўзғолончиларнинг кўпчилиги Сиддиқийдан таълим ва тарбия олган эди.

---

<sup>2</sup> Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг хорижий тадқиқотчилари. – Т.: Mumtoz so‘z. 2016.

Самарқанддаги жадидчилик муҳитида яшаб ўтган кўплаб намояндалар мавжуд бўлиб, улар XX аср Туркистон тараққиёти учун салмоқли ишларни амалга оширган. Улар Ҳожи Муин, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Камий, Сиддиқий–Ажзий, Рожий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов ва бошқа кўплаб буюк жадидлар номини зикр этишимиз мумкин. Яна шундай жонкуяр жадидларимиздан бири шубҳасиз, Саид Ризо Ализода эди.

Саид Ризо Ализода 1887 йил 15 февралда Самарқандда Мирмаҳсум Ализода оиласида дунёга келади. У Абулқосим ал-Ганжийнинг янги усул мактабида саводини чиқарди. Кейинчалик шу мактабда муаллимлик ҳам қилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг яқин сафдошларидан бўлган Саид Ризо Ализода ўша даврда жадидлар томондан ташкил этилган “Таржимон”, “Ойина”, “Туркистон хабарлари”, “Шулаи инқилоб”, “Зарафшон”, “Камбағаллар товуши”, “Мулла Мушфиқий” (форсча) каби кўплаб газета ва журналларда ўз мақолалари билан (1910-1937 йиллар) қатнашди. У ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳеч иккиланмасдан қаламга олди. “Ҳамма бадбахтлик ва разолат, қашшоқлик биз туркистонликларни қоплаб олиши сабаби замона мадрасаларининг удуми ва мактабларнинг ситamu фақирлигидадур”<sup>3</sup>, деб ёзади Саид Ризо Ализода “Ойина” журналининг 1913 йил 15 ноябрдаги 3-сонида. “Мактаб ва мадраса ислоҳоти бизга зарур” номли мақоласида эса “Ҳамма басират арбобларга ошкор ва возеъдирким, ҳар бир миллат, ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сиёсатининг равнақи ва сиёсатига боғлиқдир. Самарқанд ва унинг атрофида 150 минг ортиқ нуфӯзи бўлиб, мусулмонлардан қанча тожир, судгар, қанча мағозачи, контрчи бор? Қаерда духтири, муаллим, муҳандис ва муншийдирки, бизга сув ва

<sup>3</sup> Раҳимов F.X. Саид Ризо Ализода абадияти. – Т.: Шарқ. 2017. – Б.4-5.

ҳаводай зарурдир”<sup>4</sup>, дейди. Самарқандда ўша даврда қанча иш ўрнига эҳтиёж борлиги аниқ сонлар билан маълум қилинмоқда ва ундан қайси касблар учунлигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Ўша давр муҳим ижтимоий муаммоларни кўрсатиб берган. Сайд Ризо Ализоданинг орзуси барча тараққийпарвар жадидлар каби Туркистонни озод ва ҳур замонавий Оврупа давлатлари қаторида кўриш эди. Бу мақсад йўлида у кўлидан келган барча ишларни қилишга ҳаракат қилди.

Маърифатпарвар С.Ализода фақатгина маърифат тарқатиш йўли билангина ижтимоий тузумни қайта қуриш, эксплуататор синфларни йўқотиш мумкин эмаслигини яхши тушунган. Унинг бу ҳақдаги фикрлари “Бухоро воқеалари тўғрисида” мақоласида ўз аксини топган. С.Ализода Бухоро замини қолоқлик ва нодонлик билан тўлиб-тошганидан афсус-надомат чекади.

Жадидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар ўрин олган. Буларни ҳал этиб амалга оширишда муҳим омил сифатида исломнинг модернизациялашуви, уни қотиб қолган ақидалардан тозалаш, фан ва илғор технология ютуқларини эгаллаб бориш муаммолари майдонга чиқади.

Сайд Ризо Ализоданинг қарашларида замонавий илмларни эгаллаш динга хилоф эмас, аксинча диннинг талаби экани Куръони карим оятлари ва ҳадислар орқали исботлаб берилган. Шунинг билан бир қаторда у Туркистон ҳалқининг қолоқлик сабабларини аниqlашга ҳаракат қилган. Хусусан, Оврўпача дунёвий ишларни эгалламаслик қолоқликнинг бош сабабчиси, деб тушунган. Унинг фикрича,

---

<sup>4</sup> Раҳимов Ф.Ҳ. Сайд Ризо Ализода абадияти. – Т.: Шарқ. 2017. – Б.6.

ўша даврда ҳатто кўзга кўринган дин уламоларининг ҳам дунё воқеаларидан бехабарлиги, ислом билан дунёвий тараққиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида етарлича тасаввурга эга эмаслиги миллатни жаҳолат ботқоғига етаклаган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунёвий илмлар инсониятнинг барча қатламлари, миллат ва элатлари томонидан яратилган ва асосан мантиқ ва тажриба синовидан ўтган билимлар бўлиб, улар бирон-бир гуруҳ ёки дин (миллат) манфаатлари билан чегараланмаган ва ундан барча халқлар teng фойдаланиш мумкин эди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайд Ризо Ализода мамлакатни ривожлантириш, уни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида кўриш учун, энг аввало, ёшларни илм-маърифатли қилишга киришган. У ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилган.

## ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ ЯНГИ РЕНЕССАНС МЕЗОНИ

Баҳодир ЭШБЕКОВ,  
*СамДЧТИ тадқиқотчиси*

Хар бир халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёни миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Жамиятимиз ана шундай ижтимоий ҳодисани бошидан кечирмоқда.

Учинчи Ренессанс сари илдамлашимизда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини янада кучайтириш лозим. Бугун шиддат билан ривожланаётган давр одамлар онгига фақат яратувчилик ва бунёдкорлик, юрт тараққиёти учун дахлдорлик ҳисси билан яшашни таъминланишида бевосита оммавий ахборот воситаларига ниҳоятда улкан ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Биргина илм-фан ривожида инсонларнинг ижтимоий-фалсафий тафаккурини замонавийлик билан бойитиб бориш, ахборот майдонидаги ролини янгилаш, бу борада қилинган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада кучайтириш муҳимдир. Албатта, кишилик жамияти тараққиёти давридан маълумки, аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш ниҳоятда муҳимдир.

Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий

салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтингчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафкуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўринишларига чалғимаслиги керак. Тарих сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Учинчи Ренессанс фояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оқсан дарёси яна оқишини астойдил истайди. Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, ёшлар онгига етказиш керак. Учинчи Ренессанс биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса, таълим-тарбия тизимига жиддий эътибор қаратишни билдиради.

Газета, журнал, телевидение, радио ёки электрон оммавий ахборот воситаларида дунё илм-фани тамаддунида муносаб хиссаси бўлган ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг бой ва бебаҳо илмий, маънавий, тарихий мероси ҳақида туркум мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, эфирга узатилмоқда. Ёшларимизга буюк аждодларнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой маънавий мероси ҳақида қанча кўп маълумот берсак, уларни аждодларимизга муносаб қилиб тарбияласак, бу ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Қайси давлатда илм-фанни ривожлантиришга эътибор қаратилган бўлса, у тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олган.

Янги ривожланиш даврини бошлаш учун, аввало, унга муҳит яратилиши, одамларнинг тараққиёт сари ҳаракатларини бирлаштириш, ғоявий бирликни таъминлаш лозим.

Бугун жамиятнинг қай бир соҳасига қараманг, ривожланиш ва янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Айниқса, узоқ қишлоқ ва овуллардаги ўзгариш ва бунёдкорликлар, инсон дунёқарашининг ўзгараётгани кишини қувонтиради. Албатта, жамият ижтимоий фалсафий тафаккурини шаклантиришда оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари ва ижтимоий тармоқлар ўрни бекиёс.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент халқаро инвестициявий форумида сўзлаган нутқида “Оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги энг муҳим ютуғимиз шуки – биз жамиятимизда “ёпиқлик муҳити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамоиллари асосида барпо этмоқдамиз”<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидлади. Бу эса очиқликка юз тутаётган мамлакатимизда оммавий ахборотвоситалари вакилларининг касбий маҳорати ҳам тараққиётга ҳамоҳанг равишда ортиб бораётганидан далолат беради. Бу эса матбуот, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида чуқур мулоҳазали ва таҳлилий материалларнинг берилишига, фуқароларда ижтимоий-фалсафий дунёқараашнинг шакланиши ва уларнинг ижтимоий фаоллиги таъминланишига хизмат қиласиди.

Айни шиддат билан ривожланаётган даврда исло-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Халқаро конгресс марказидаги биринчи Тошкент халқаро инвестициявий форумида сўзлаган нутқи //<https://mehnat.uz/uz/news/halqaro-kongress-markazida-birinchi-toshkent-halqaro-investiciyaviy-forumi-uz-ishini-boshladi>

ҳотларнинг туб моҳиятини кенг оммага эркин, очик ва холис ёритилиши уларнинг тўғри фикрлаши, мулоҳаза қилиши ва хулоса чиқаришида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бу эса жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда асосий тамойиллардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари, кучли сиёсий иродаси туфайли мамлакатимиз ўзининг очиқлик ва шаффофлик сиёсатини олиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистон очиқ ҳозир. Энди олдингидек чегараларни ёпмаймиз, интернет ёпилмайди. ОАВга яна бир бор миннатдорлик билдиromoқчиман. Улар билан мулоқот қилмаган раҳбарларнинг келажаги бўлмайди. Катта синовлардан ўтяпмиз. Айримлар ОАВнинг саволларига, ОАВ муҳитини яратишга чидамаяпти. Адолат овозини эшитишни ҳоҳламаяпти. Лекин мажбур бўлади ёки хайрлашамиз”<sup>2</sup>. Бу фикрлар барча учун муҳим мантикий хуросалар чиқаришга, борлиқ ҳақиқати билан инсон руҳиятини бирлаштириб яшашга хизмат қилади.

Умуман олганда, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши барча соҳалар учун ижобий аҳамият касб этиб, жойлардаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини бермоқда. Бу эса ҳар бир раҳбар ва ходимларнинг масъулият билан ўз вазифаларини бажаришга ундейди. Бу вазифаларни бажаришда ҳар бир шахс ўзининг фуқаролик бурчи орқали фалсафий иродасини намоён этиб, одамларни бирлаштиришга, эзгуликка интилса, ижобий ютуқларга эришиб боради.

Таъкидлаш жоизки, жамият ривожи ва давлатни бош-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 1 октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар” кунига байрам табриги // Халқ сўзи, 2020 йил. 30 сентябрь.

қариш, ижтимоий адолатни қарор топтирища бевосита матбуот ва оммавий ахборот воситалари муҳим омилга айланмоқда. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик ва шаффофлик сиёсати халқимиз учун катта имкониятлар яратиб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминламоқда. Бу эса, ўз ўрнида, давлат ва жамият ҳётида ўта муҳим аҳамият қасб этувчи ижтимоий адолатнинг қарор топиши, мамлакатнинг тинчлик ва осойишталигини таъминлаш, барқарор ва жадал суръатларда ривожланиши йўлидаги стратегик тамоили ҳисобланади. Шу ўринда машҳур немис файласуфи ва хуқуқшунос олими Иммануэль Кантнинг қўйидаги фалсафий фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Адолат йўқ жойда кишилар ҳёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди”<sup>3</sup>.

Матбуот, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилаётган материаллар инсон онги-шуурига, унинг дунёқараши ва ижтимоий-сиёсий фаоллигига таъсир этар экан, албатта, бой тарихий-маънавий меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни умрбоқийлигини таъминлашга қаратилган ва бугунги кун талабидан келиб чиқсан ҳолда долзарб мавзудаги маҳсулотларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бу эса эркинлик, ошкоралик, очиқлик шунчаки тухфа эмас, берилаётган материалнинг таъсирчанлигини инобатга олган ҳолда хуқуқий, мафқуравий оқибатларини ҳисобга олиш ва шу асосда фаолият юритиш лозимлигини кўрсатади.

---

<sup>3</sup> “Odillik mezoni” илмий-амалий, хуқуқий журнали. З-сон. 2018. – Б.41.

## QO‘QON XONLARI ARXIVINING O‘ZBEKISTON TARIXINI O‘RGANISHDAGI O‘RNI

Bunyod ESIRGAPOV,  
*SamDCHTI tyutori*

Qo‘qon xonlari arxivini o‘zining tarkibiga ko‘ra tipik xo‘jalik arxivi deb ham hisoblash mumkin. Ularda yerga egalik qilish va yerdan foydalanish, ayniqsa, in’om etilgan yoki xazinaga tegishli yerlar, “mulki xos” yoki “amiriyy” va Xudoyorxonning qo‘riq yerlari, shaxsiy yerlar – “mulkiyat”, beklarga taqdim etilgan yerlar, boshqa ko‘chmas muklar va merosiy yerlarning taqsimlanishi bilan bog‘liq nihoyatda katta ma’lumotlar keltirilgan. Davlat va jamoa yerlaridan foydalanish bo‘yicha materialllar nisbatan ozchilikni tashkil etadi. Arxiv hujjatlarini o‘rganish natijasida ulardan foydalanishning umumiyy shartlari, davlat va jamoa yerlarining asta-sekinlik bilan shaxsiy yerlarga aylanib borganini kuzatish mumkin.

1962 yilga qadar<sup>1</sup> M.Ye.Saltikov-Shedrin nomidagi Davlat jamoat kutubxonasida saqlangan XIX asr Qo‘qon xonlarining arxivi, imperator Jamoat kutubxonasiga 1876 yilda kelib tushgan edi. Ular Qo‘qon xonligi Rossiya imperiyasi tarkibiga qo‘sib olinishi bilan sharqshunos olim A.L.Kun tomonidan Turkiston general-gubernatori K.P.fon Kaufmanga topshirilgan. Ma’lumki, A.L.Kun Qo‘qon xonlari arxivini tadqiq qilish bilan shug‘ullamagan, balki uni faqat imperiya mas’ullariga yetkazib beruvchi vazifasini bajargan, xolos. Arxiv Peterburgga

<sup>1</sup> 1962-yilda Qo‘qon xonlarining arxivi O‘zSSR Arxiv boshqarmasiga qaytarilgan. Butun arxivning mikrofilm mi M.Ye.Saltikov-Shedrin nomidagi Davlat jamoat kutubxonasida saqlanmoqda.

jo‘natilishidan oldin Qo‘qonda va Toshkentda uni tadqiq qilish bilan N.N.Pantusov shug‘ullangan edi. U Qo‘qon xonlari arxivni tarkibining qisqacha sharhini tayyorlagan. Ushbu sharh “Qo‘qon xonlarining arxivni” sarlavhasi ostida “Turkestanskiy vedomosti” gazetasining 1876 yil 12-sonida nashr etilgan edi.

N.N.Pantusovning yozishicha, Qo‘qon xonlarining arxivni mingga yaqin “daftarlar”dan iborat bo‘lib, ularda statistika, masjid va madrasalarining vaqf mulklari, soliq va o‘lponlarning yig‘ib olinishi, ulardan ozod etilgan kishilarning ro‘yxati va boshqa muhim ma’lumotlar keltirilgan. N.N.Pantusovning ta’kidlashicha, arxivning ahamiyatli qismi 1875 yil Qo‘qon xonligida boshlangan alg‘ov-dalgo‘vlar paytida talon-taroj qilingan, xon devonxonanasining sobiq amaldorlari tomonidan ataylab yo‘qotilgan. Shuning uchun ko‘pchilik daftarlarning boshlanishi va tugashi bilan bog‘liq betlar saqlanib qolmagan. Shuni takidlash lozimki, Davlat jamoat kutubxonasiiga kelib tushgan daftarlarning umumiyligi soni 151 tani tashkil etadi. Aftidan ularning katta qismi Qo‘qon xonligining o‘rnida tashkil etilgan Farg‘ona viloyatida ma’muriy faoliyatni yo‘lga qo‘yish uchun muhim manba sifatida Toshkentda qoldirilgan bo‘lishi mumkin. Chunki Turkiston general-gubernatorligi tarkibida Farg‘ona viloyati tashkil etilgan dastlabki yillarda unda soliqlar va o‘lponlarni yig‘ish bo‘yicha eski tizim saqlanib qolgan edi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, Qo‘qon xonlarining arxivni uzoq vaqtgacha tadqiqotchilarga ma’lum bo‘lmasligi. Faqat 1939 yilda P.P.Ivanov Xiva xonlarining arxivini saralash vaqtida Farg‘ona vodiysi o‘tmishiga oid bo‘lgan fors tilidagi ahamiyatli hujjalarning chiqib qolgani haqida eslatib o‘tadi<sup>2</sup>. 1951 yilda esa M.Yu.Yuldashev, “Jamoat kutubxonasi arxivlarni saralash va o‘rganish vaqtida Xiva xonlari arxivni bilan birgalikda, Qo‘qon xonlarining arxivni saqlanayotganini aniqladik”, deb ta’kidlab

<sup>2</sup> Иванов П.П. Архив хивинских ханов. Записки. – М.1939. – С.9.

o‘tadi.

Qo‘qon xonlari arxivini rejali ravishda saralash va o‘rganish 1952 yildan boshlangan. Shuni ta’kidlash lozimki, bu paytda arxivning saqlanishi achinarli holatda edi. Daftarlarning katta qismi yirtilgan, siyohlar o‘z rangini yo‘qotib, o‘qib bo‘lmas darajaga kelib qolgan edi. Hujjatlarning bir qismi ingichka ip bilan o‘ralgan bo‘lib, xon devonxonasida qanday saqlangan bo‘lsa shunday holatda turgan. Daftalardan ayrim hujjatlar alohida ajratib olingan va ipga tizilgan edi. Mutaxassislarning fikricha, bu Qo‘qon xonligida hujjatlarni saqlashning usullaridan biri bo‘lgan. Yoki keyinchalik arxiv xodimlari yoxud tadqiqotchilaridan biri tomonidan amalga oshirilgan bo‘lishi ham mumkin. Shuningdek, hujjatlar chang va boshqa tashqi ta’sirlar natijasida ancha kir bosgan edi. Natijada arxivdagi barcha hujjatlarni restavratsiya qilish va tozalash zarurligi masalasi ko‘tariladi. Bu vazifa esa jamoat kutubxonasining Restavratsiya bo‘limi xodimi Ye.X.Trey va uning yordamchilariga topshirilgan.

5026 ta varaq va 151 ta daftardan iborat bo‘lgan arxiv hujjatlarini restavratsiya qilish va tozalash ishlari ikki yil davom etdi. Shundan keyingina bu qimmatli hujjatlarni saralash, tasniflash (sistemalashtirish) va har bir hujjatni alohida sharhlash imkoniyati paydo bo‘ladi.

Qo‘qon xonlarining arxiviga oid hujjatlarni dastlabki saralash va tasniflash davomida uning tor xoronologik doirasi aniqlana boshladi. Ma’lum bo‘lishicha, arxiv hujjatlarining asosiy qismi Xudoyorxonning uchinchi hukmronligi davri, ya’ni 1866-1875 yillarga oid edi (Xudoyorxon Qo‘qon xonligini tanaffuslar bilan 1845-1858, 1862-1863, 1866-1875 yillarda boshqargan). Qo‘qon xonlarining arxividagi bu xronologik sanalarni N.N.Pantusov ham o‘zining yuqorida qayd etilgan maqolasida keltirib o‘tgan edi. Arxiv hujjatlari bilan yaqindan tanishish

natijasida ularning orasida Xudoyorxonning otasi Sheralixon hukmronligi davri (1842-1845) va uning o‘gay ukasi Mallaxon hukmronligi davriga (1858-1862) oid ba’zi hujjatlarning tasodifan kirib qolgani va saqlangani aniqlanadi<sup>3</sup>. Hujjatlarning asosiy qismi XIX asr 60-yillari oxiri va 70-yillari boshiga oid bo‘lib, Xudoyorxonning uchinchi hukmronligi davriga to‘g‘ri keladi. Shuni ta’kidlash lozimki, hujjatlarning 1/4 qismi hech qanday sanaga ega emas, shuning uchun ularning hammasini ham Qo‘qon xonligining aniq qaysi davriga tegishli ekanini aniqlash imkonni bo‘lmagan.

Qo‘qon xonlari arxiv hujjatlarining sinchkovlik bilan o‘rganilishi XIX asr ikkinchi yarmi, asosan, Xudoyorxon hukmronligi davri Qo‘qon xonligining ichki va tashqi siyosati, bu davrda xonlikda sodir bo‘lgan o‘zgarishlar va voqealar xususida bahs yuritish imkonini bermoqda. Manbalar va hujjatlarga qarab aytadigan bo‘lsak, 1845-1875 yillar, ya’ni Xudoyorxon hukmronligi davri (tanaffuslar bilan bo‘lsa-da) Qo‘qon xonligida murakkab siyosiy vaziyat hukm surgan davr sifatida tavsiflanadi. Bu davrda xonlikning mustaqilligiga daxl solayotgan Buxoro amirligiga qarshi kurash olib borildi, muhim strategik ahamiyatga ega O‘ratepa bekligini xonlikka tobe etish uchun urushlar amalga oshirildi. Bu yillarda xonlikning shimoliy va shimoli-sharqiy viloyatlari Rossiya imperiyasi tomonidan tortib olindi va 1867 yilda ularning o‘rnida Turkiston general-gubernatorligi tashkil etildi. Xonlikning o‘zida esa ko‘chmanchi chorvador va o‘troq aholiga mansub yer egalari va aslzodalar o‘rtasida hokimiyat uchun ayovsiz kurash borar, ularning har biri taxtga o‘z nomzodini ilgari surardi. Bunday holat Xudoyorxonning ikki marta (1858 va 1863 yillarda) taxtdan voz kechishiga sabab bo‘lgan edi. Xonlik aholisi esa

---

<sup>3</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.6.

hukmron tabaqa zulmi ostida qolgan bo‘lib, bu son-sanoqsiz norozilik chiqishlari va xalq qo‘zg‘olonlarining ko‘tarilishiga olib kelgan edi.

Shuni ham ta’kidlash lozimki, XIX asr ikkinchi yarmi O‘rta Osiyo xonliklari tarixida tovar-pul munosabatlarining kuchaygani bilan ham xarakterlanadi. Bu birinchi navbatda Rossiya imperiyasida kapitalizmning taraqqiy etishi, uning Sharqqa tomon kengayib borishi va O‘rta Osiyo xonliklari tashqi savdo munosabatlarining o‘sishi bilan bog‘liq edi. Bunday vaziyatda Qo‘qon xonligi mustaqilligini har qanday yo‘l bilan bo‘lsa-da saqlab qolishga harakat qilgan Xudoyorxon podsho hukumatiga mumkin bo‘lgan hamma yon berishlarni amalga oshira boshlaydi.<sup>4</sup> Birinchi navbatda u Qo‘qon xonligida rus savdogarlari uchun katta imtiyozlar beradi, bu esa o‘z navbatida xonlikda tovar-pul munosabatlarining rivojlanishida muhim ahamiyat kabs etgan. Tovar-pul munosabatlarining rivojlanishi esa xonlikda soliq va o‘lponlarning mahsulotdan pul shakliga o‘tkazishni tezlashishiga olib keldi.

Bu davr Qo‘qon xonligi uchun soliq va majburiyatlarni oldindan to‘lash yoki sotib olish bilan xarakterlidir. Shuningdek, yerga nisbatan xususiy mulkchilikning kengayganini kuzatish mumkin. Xon ham o‘z yerlarini kengaytirishga harakat qilib, buni nafaqat o‘zlashtirilgan yerlar hisobiga, balki daryolar va ko‘llar bo‘yida joylashgan qo‘riq yerlar orqali ham ko‘paytirishga harakat qilganiga guvoh bo‘lamiz. Xon qo‘riq yerdan ham unumli foydalanishga harakat qilar ekan, ularni aholiga “qo‘riq” yerlar sifatida mol boqish, o‘tin tayyorlash va qamish g‘amlash uchun ijara ga bera boshlaydi. Cho‘llarda mavjud saksovul esa xonlikdagi asosiy yonilg‘i manbai bo‘lib, ular ham xonning shaxsiy mulki deb e’lon qilingan va maxsus “qo‘riqchi”larning

<sup>4</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.8.

nazorati ostida edi. Ular shuningdek, aholidan cho'llardagi saksovulni tergani uchun “panjiyak” deb nomlangan o‘lponni yig‘ib olish bilan ham shug‘ullangan. Xonlikda mavjud yaylovlar esa ko‘chmanchi chorvadorlarga ijaraga berilgan. Soliqlar va to‘lovlar orqali Xudoyorxon o‘z xazinasini yanada boyitishga harakat qilar, Qo‘qon xonligini qulashi arafasida esa xon xazinasida to‘plangan bo‘ylikning umumiy qiymati 7 mln. rublni tashkil etgan<sup>5</sup>.

Arxiv hujjatlarining o‘rganilishi natijasida shu narsa ma’lum bo‘ldiki, Xudoyorxonning uchinchi hukmronligi davrida (1866-1875) soliqlar, o‘lponlar va davlat majburiyatları ikir-chikirlarigacha ishlab chiqilgan. Xon tomonidan shuningdek, yangi soliqlar va majburiyatlar joriy etilgan bo‘lib, bularga, masalan, yarim qo‘riq yerlarda yashovchilar uchun o‘ting‘amlash majburiyati, nikohdan o‘tganlik uchun maxsus to‘lovlarni kiritish mumkin. Ungacha bu xil to‘lovlar nikoh bitimlarini tuzgan qozilar tomonidan undirilar va ularning shaxsiy daromadi hisoblanar edi. Xonlikda shuningdek, barshchinaga yaqin ishlab berish majburiyati ham keng qo‘llanilgan. Ularning orasida sug‘orish inshootlarini ta’mirlash va tozalash, “panjiyak” solig‘iga tortilganlarning o‘tin tashib berishi va xonning shaxsiy yerlarida qishloq xo‘jalik ishlarini bajarish eng asosiyлari hisoblangan. Soliqlar va mehnat majburiyatlarining butun og‘irligi mehnatkash ommaning gardaniga tushar, chunki din va davlat xizmatchilari, xo‘jalar va sayyidlar, saroy a’yonlari, xonning yaqin qarindoshlari ulardan ozod etilgan bo‘lib, harbiy xizmatchilar esa maxsus imtiyozlarga ega edi.

Shuningdek, asosiy soliqlardan biri “xiroj” va yerdan foydalanganlik uchun pul solig‘i sifatida olingan “tanobona” haqida ma’lumotlar ham arxiv hujjatlarida nihoyatda

<sup>5</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.9.

ко‘рчилекни ташкіл етади. Архив хуҗатларини о‘рганиш натижасыда хирој солиг‘ини сотиб олиш, я’ни бир ўзбек тарифидан убориш, деҳқончилик мавсуми охирда деҳқонлардан ўппасига ўйғиб олиш жарояни – ижара тизимининг қандай исхлананинни ҳам кузатиш мүмкін. Бунда мазкур тизимнинг исхлаш тартиби ва хирој солиг‘идан озод етилган ижтимоий тоифаларнинг ро‘yxати ҳам көлтириб о‘тілган. Танобона солиг‘ини ўйғиб олишда ҳам шудди шу тизимнинг исхлананинни ко‘ршиш мүмкін<sup>6</sup>. Бундан ташқари, архив материаллари солиqlardan тушган даромадларнинг хон ва унингbeklari томонидан қандай сарфлангани асосан Marg‘ilon хокими Султон Муродбек қо‘шини ва beklik о‘рдаси сарф-хараятлари ҳақида ҳам ма’лум xulosalar чиқарыш имконини беради.

Чо‘ллarda saksovulning qurigan shoxlaridan o‘tin g‘amlash majburiyati – “panjiyak” ҳақида ҳам архив материалларida батасыл ма’лумот беріб о‘тілган. Бұ Majburiyatdan келдігін даромаднинг барчасы то‘ғ‘ридан то‘ғ‘ри хон xazinasiga тушган bo‘lib, унинг бир қисми Qo‘qondan ancha uzoqda joylashgan hududlarda pul ko‘rinishida, Farg‘ona vodiysining o‘zida esa ўйғи‘лган о‘tinning 1/5 ulushi hisobida natura shaklida undirilgan.

Qolgan soliqlar va davlat majburiyatлари ҳақида esa faqat tasodifiy хуҗатлар saqlanib qolgan, xolos. Masalan, chorvadorлар va savdogarlardan undirilgan “zakot” солиг‘ининг тартиби ҳақида айрым хуҗатлarda айрым қайдлар көлтириб о‘тілган. Bozorлarda undirilgan soliqlar va majburiyatлар, мeroсni қayta taqsimlash bo‘yicha undirilgan to‘lov – “tarakona” yoki nikohдан o‘tganlik учун undirilgan to‘lov – “nikohona” ҳақида ҳам деярли m’lumotlar saqlanmagan<sup>7</sup>. Natijada ularни undirish тартиби va қандай fuqarolarning ularдан озод етилгани ҳақида aniq

<sup>6</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.11.

<sup>7</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.6.

tasavvurga ega bo‘lishimiz imkonsiz bo‘lib qolmoqda. Qo‘qon xonlarining arxivi bilan ilk tadqiqot ishlarini amalga oshirgan N.N.Pantusovning fikricha, yuqorida nomi keltirilgan soliqlar va to‘lovlar haqidagi ma’lumotlar arxiv hujjatlarida mavjud bo‘lgan. Faqat ular Peterburgga jo‘natilmagan, balki kerakli statistik materiallar sifatida Toshkentda qoldirilgan.

Arxiv materillarida Qo‘qon xonligida qo‘shinlarning tashkil etilishi, ularni oziq-ovqat va kiyim-kechak bilan ta’minalash, harbiy amaldorlarning ta’minoti va qurol-yarog‘ ishlab chiqarish bo‘yicha ham qimmatli ma’umotlar keltirilgan. Shuningdek, xon o‘rdasi va Xudoyorxonning shaxsiy xo‘jaligi haqida ham ma’lumotlar ko‘philikni tashkil etadi.

Xonlikdagi konlar (asosan qo‘rgo‘shin konlari), neft qazib olish, undan kerosin ishlab chiqarish, xonga tegishli g‘isht tayyorlovchi pechlar va gugurt ishlab chiqarish bo‘yicha ma’lumotlar berib o‘tilgan.

Saqlanib qolgan hujjatlarning ko‘philigi Marg‘ilon hokimi Sulton Murodbek o‘rdasi xo‘jaligining tashkil etilishi bilan bog‘liq edi. Ularni o‘rganish Qo‘qon xonligi eng oliy amaldori bo‘lgan bekning xo‘jaligini eng mayda detallarigacha tiklash imkonini beradi. Shuningdek, bek o‘rdasi xo‘jaligi, shaxsiy saroyi, unda amalga oshirilgan qurilishlar, xizmat qilgan amaldorlar va xizmatchilar haqida ham ko‘plab hujjatlar aniqlangan. Biroq bekning shaxsiy xo‘jaligi, uning yerlari va daromadi haqida ma’lumotlar arxiv materiallarida deyarli uchramaydi. Bu o‘z navbatida Marg‘ilon hokimi darajasidagi beklarning shaxsiy xo‘jaligi muhokamaga qo‘yilmagani bilan izohlanadi.

Materiallarning ko‘philigi Xudoyorxonning Qo‘qon yaqinida joylashgan Yer-Masjididdagi va Marg‘ilon bekligidagi chek yerlariga bag‘ishlangan.

Qo‘qon xonlari arxivi materiallari o‘zining tor doiradagi

xronologiyasi va geografiyasiga ega bo‘lishiga qaramasdan, xonlikning iqtisodiy tarixini o‘rganishda mukammal va beba ho manbalardan hisoblanadi. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, arxiv materiallari nafaqat O‘rta Osiyo xonliklarining, balki O‘rta va Yaqin Sharq davlatlari ijtimoiy-iqtisodiy tarixining alohida masalalarini o‘rganishda katta ahamiyatga egadir.

Arxivda Qo‘qon xonligining moddiy madaniyati, jumladan, kiyim-kechak, taqinchoqlar, poyafzallar, matolar va boshqalar bo‘yicha ham katta hajmdagi materiallar mavjud bo‘lib, ular etnograflar uchun qimmatli manba sifatida xizmat qilishi mumkin. Bundan tashqari, arxiv materiallari O‘rta Osiyo xonliklari diplomatiyasini o‘rganish bo‘yicha ham qimmatli manbalardan biridir.

Quyida arxiv materiallarida keltirilgan hujjatlardan ayrimlarining nomlari va ularning qisqacha mazmuni bilan tanishishimiz mumkin. Ayrim hujjatlarning nomlari (masalan, xon farmoyishi – “*muboraknomma*” yoki tilxat – “*pattai rasad*”) boshqa hujjatlarning matnidan olingan. Yerga oid ba’zi hujjatlarni esa nomlashning iloji bo‘lmadi<sup>8</sup>.

1. “**Inoyatnoma**” (arab.fors.) – in’om yorlig‘i, imtiyoz huquqi to‘g‘risidagi yorliq;

2. “**Muboraknoma**” (arab.fors.) – “ilohiy yorliq”, shuningdek, “**Marhamatnoma**” (arab-fors.) – “shafqatyorlig‘i” deb nomlangan. Xonning amri yoki farmoyishi, ba’zan uning ishonchli vakili va oila a’zolarining farmoyishi;

3. “**Patta**” (o‘zb.fors.) – hozirda chek, talon, bilet ma’nolarini anglatuvchi bu ibora Qo‘qon xonligida rasmiy farmoyish, moliyaviy hujjat sifatida hisobotlarga kiritilgan;

4. “**Patta-i rasad**” (fors.o‘zb.) – pul olish uchun tilxat yoki patta (kvitansiya);

<sup>8</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука. 1968. – С.6.

**5. “Daftar”** (arab. qayd, reestr) – soliq va to‘lovlarni undiruvchilar, xo‘jalik ishlarini yurituvchi amaldorlar, xazinadorlar, saroy ma’murlarining qaydlari keltirilgan maxsus daftalar. Daftalar asosan Qo‘qon qog‘oziga yozilgan;

**6. “Jam’ daftar”** (arab) – yakuniy, xulosaviy qaydlar. Ularda asosan xiroj solig‘ining undirilishi va ulardan tushgan daromadlarning sarflanishi bilan bog‘liq ma’lumotlar qayd etilgan;

**7. “Namgo‘y ro‘yxat”** (arab.fors.) – ro‘yxat. Bunday ro‘yxatlardan Qo‘qon xonlarining arxivida bor-yo‘g‘i ikki dona saqlangan bo‘lib, ularda chorvador va savdogarlardan zakot solig‘ining undirilishi va uning tartibi bilan bog‘liq ma’lumotlarni uchratish mumkin. Shuningdek, bu turdagi ro‘yxatlar ularning qoralama varianti ham bo‘lishi mumkin;

**8. “Ariza”** (arab.) – arz yoki ariza atamasi quyi darajadagi fuqaroning o‘zidan yuqori mavqedaga turgan shaxsga yoki amaldorga og‘zaki yoki yozma murojaatini bildiradi. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, Qo‘qon xonligida barcha arizalar xonga murojaat qilishdan boshlangan;

**9. “Xat”** (arab.) – shuningdek, “raqima”, “ruq’a”, “kitobot”, “maktub” deb ham nomlangan. Arxiv materiallarida keltirilgan xatlarda asosan Qoq’on xonligining xo‘jaligiga oid masalalar muhokama qilingan;

**10. “Xabar”** (arab.) – chiqish xati. Xon devonxonasining joylardagi amaldorlarga, soliq yig‘uvchilarga yoki boshqa mas’ul kishilarga jo‘natgan rasmiy xatlari.

Shuningdek, arxiv materiallarida “chek yerlar”, “qo‘riqxonalar” (qo‘riq yerlar) xo‘jaligi, harbiy amaldorlar va boshqa shaxslarning soliqlardan ozod etilishi bo‘yicha qator hujjatlar keltirilgan bo‘lib, ularning XIX asr ikkinchi yarmida qanday nomlanganini aniqlash imkonni bo‘lmadi. Shuning uchun bunday hujjat va daftalar hozirgi paytdagi nomlanishi

(yer hujjatlari, xabarlar, in’om yorliqlari, qaydlar, chiqish xatlari, estlatmalar, farmoyishlar, buyruqlar, amrlar, ro‘yxatlar, arznomalar, iltimosnomalar) bilan keltirilgan bo‘lib, keyin ularning mahalliy nomlari, tarkibi, sanasi, daftar yoki hujjatlar guruhining miqdori va hajmi haqidagi ma’lumotlar berib o‘tiladi<sup>9</sup>.

Xulosa qilib aytganda, Qoq’on xonlarining arxivi katalogining umumiyligi tarkibi bilan tanishib chiqadigan bo‘lsak, tizimli tamoyil asosida tuzilgan bo‘lib, bo‘limlarga ajratib chiqilgan. Har bir bo‘lim boblardan iborat, boblarda esa alfavit tartibida hujjatlar va daftarlarning nomlari va ularning ta’rifi berilgan.

“Harbiy unvonga ega kishilarni tanobona solig‘idan ozod etilishi” deb nomlangan bobda sanalari qo‘yilgan hujjatlarning ko‘pligi bois materiallarni joylashtirishning xronologik tamoyiliga amal qilingan.

---

<sup>9</sup> Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука.1968. – С.13.

# “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ” ГОЯСИННИНГ ИНСОНПАРВАР МОҲИЯТИ

Барно МАТЧАНОВА,  
ЎзМУ мустақил изланувчиси

Миллий мустақиллик ўзбек халқи онги ва тафаккурида туб бурилиш ясади. Энди халқ эски коммунистик мағкурадан тамомила воз кечиши, унинг ўрнига миллатнинг, халқнинг манфаатларини ўзида тўла акс эттирадиган, миллий тараққиётга рух берадиган, шу йўлда халқни бирлаштирадиган мағкурага эҳтиёж сеза бошлади. Давлат ва жамиятдаги айримлар учун кутилмаган, бошқалар томонидан кутилган парчаланиш жамиятга маънавий бўшлиқни олиб келди. Бу пайтда миллий бирлик, яхлитлик шу халқ учун, айниқса, давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, амалда мустаҳкамлаш учун ниҳоятда зарур эди. “Миллий истиқлол мағкураси ўз-ўзидан ёки кимнингдир субъектив ихтиёри, хоҳишига кўра пайдо бўлиб қолмайди. Улар биринчи галда миллатнинг онги, дунёқараши, ўзлигини ва туб манфаатларини англаши, келажак тараққиёт ҳақидаги тасаввuri, интилиши, турмуш тарзи мазмунини такомиллаштириш истаклари ва режалари, маданий меросга ва замонавий қадриятларга муносабати билан боғлиқ<sup>1</sup>.

Миллат ўз идеаллари асосида бирлашиш тенденциялари фақат бизнинг замонамизнинг ўзига хос хусусиятларими ёки улар объектив ва бир-бирининг ўрнини босувчи ягона жараённинг таркибий қисмларими, ижтимоий-маданий

<sup>1</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият. 2002. – Б.6.

тараққиётнинг энг муҳим омилими? Ижтимоий-маданий кучлар ва интилишларни мужассамлаштирганда устунлик нима? Бу жараёнда миллий юксалиш ғоялари қандай ўрин тутади? Саволларга жавоб топиш учун жамиятни бирлаштирувчи ва ижтимоий тизимни ташкил этишга қодир ғояларни ўрганиш долзарбдир. Ҳозирги маънавий инқироз, асосан, аниқловчи маъноларни йўқотишида ифодаланади, бу муқаррар равишда якуний қиймат йўналишларини қидиришни тақозо қиласди. Бу изланишда одамлар диний, сиёсий, миллий тараққиёт ғояларига мурожаат қиласди, бу ғоялар баъзан миллатчилик, диний фундаментализм ва экстремизмда мужассамлашган радикал талқинларни олади. Ўёки бу қадрият, йўл-йўриқ ёки етакчи ғояни танлаш нафақат алоҳида жамиятлар ва маданиятларнинг кейинги ривожланишини олдиндан белгилаб беради, балки бутун инсоният тақдирига ҳам таъсир қиласди.

Бугунги кунда вужудга келган виртуал оламни қуриш ва ахборот урушлари салтанати замонавий жамиятдаги мафкуравий таъсир механизmlарини аниқлаштиришни истисно қилмайди, аксинча, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида ҳеч қандай мафкура давлатники сифатида ўрнатилмаслиги ёки ҳеч бир мафкура ва қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги қайд қилинган. Шундай бўлса-да, бу тадқиқот мавзусининг долзарблигини инкор этмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу моддани киритиш “Совет тоталитаризми билан хайрлашиш” даври билан боғлиқ эди. Чунки коммунистик мафкура ва партия-давлат мафкуравий институтлари билан боғлиқ барча нарсалар фақат салбий контекстда тушунилган. Юқорида айтилганларнинг барчаси, бизнинг фикримизча, мавжуд вазиятни долзарб тадқиқот муаммоси сифатида изоҳлашга имкон беради.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳам таъкидлари бор: “Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз<sup>2</sup>. Шу маънода аввалимбор, тадқиқотнинг асосий тушунчалари бўлган миллий ғоя, миллий мафкура, миллий юксалиш мафкураси қаби атамаларни аниқлаштириш лозим. Демак “миллий ғоя” атамаси миллий ўзига хосликка нисбатан яқинда пайдо бўлган, шунинг учун ҳам уни кўпинча миллий мафкура, қадриятлар тизими ва бошқа элементлар билан аралаштириб юборишади.

Хўш, миллий ғоя нима? Бизнингча, “миллий ғоя” терминининг ўзи фалсафадан келиб чиқкан. Файласуф ва тарихчиларнинг фикрича, миллий ғоя муайян халқнинг ўтмишда, ҳозирги ва яқин келажакда мавжудлигини тушунирувчи маънолар йиғиндисидир. Миллий ғоя маълум бир халқнинг нима учун ўзининг тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганини миллий хусусиятларга (масалан, менталитет, халқ характери, халқнинг ҳокимият билан муносабати, ҳокимиятнинг бошқа мамлакатлар билан муносабати ва хоказо) мурожаат қилиб тушуниради. Шунингдек, миллий ғоя миллатнинг нима учун ҳозир борлигини ва унинг келажакдаги миссиясини тушуниради. Масалан, инсонпарварлик қадриятларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ёки анъаналарни сақлаш ва бошқалар. Миллий ғоя шахсга ҳам, бутун гурухга ҳам бошқа халқлар вакилларига нисбатан ўз миллий ўзига хослигини шакллантириш имконини беради, у фарқларни таъкидлайди ва инсон нима билан

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон. 2021. – Б.293.

фаҳрланиши мумкинлигини кўрсатади. “Хақиқий миллий истиқлол ғояси турли синфлар, табақалар, ижтимоий гурухлар, катламлар манфаатларидағи умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни, ҳалқнинг орзусини акс эттирувчи ғоядир. Ушбу сифатда у миллатнинг жипслигини, консолидациясини таъминловчи, ўзлигини англатувчи маънавий омилдир”<sup>3</sup>.

Миллий ғоянинг тарихи XVIII аср охири XIX аср бошларида бошланган ва у немис фалсафаси туфайли, хусусан, Иоганн Готфрид Гердер ва Георг Вильгельм Фридрих Гегель асарларидан пайдо бўлди. Гердер сўнгги маърифат даврининг энг нуфузли файласуфларидан бири, илоҳиётшунос ва маданият тарихи билимдони эди. Бу замин унга кейинчалик “миллий ғоя” деб аталадиган тушунччанинг шаклланишига маънавий-гуманистик ёндашиш имконини берди. Гердернинг фикрига кўра, асл миллий ўзликни шакллантириш, биринчи навбатда, маданият ва санъатнинг турли шакллари, дин, фольклор ва кўп йиллар давомида ҳалқнинг миллий қадриятларини тўплаган бошқа шакллар орқали содир бўлади. Шу билан бирга, миллий маънавиятга садоқат ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос тарихий йўлини белгилаб беради, ички бой ва ранг-баранг миллий маданиятининг шаклланишига ҳисса қўшади. Бу ғоя XVIII аср охирида Германия учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб, ўша пайтда мамлакат парчаланиб кетган, жамиятни маданий йўналишлар бўйича тўплаш ва бирлаштириш, худудий тарқоқликни бартараф этишда миллий ғоялар илк бор тилга олина бошлаган, ҳалқни бирлаштириш учун ижобий маънодаги этник миллатчилик зарур эди.

Фалсафий асарларда Гегель миллий ғояга ўхшаш нарса ҳам бор, фақат муаллифнинг ўзи бу прототипни “ҳалқ руҳи”

<sup>3</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. –Т.: Маънавият. 2002. – Б.7.

(Вольксгейст) деб атаган. Халқ рухи мутлақ руҳнинг (энг олий тирик мавжудот – Худо) проекцияси ҳисобланади ва эмпирик тарзда одамлар ёки миллат юзида намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг ўз Вольксгейсти бор ва уларнинг ўзаро таъсири орқали бу “халқ руҳлари” тарихни ҳаракатга келтиради ва одамлар қўли билан тарихий воқеаларни яратади. Айнан Гегель ғоялари кейинчалик XIX асрда кўплаб халқларнинг миллий ғоялари шаклланишига туртки берди. Аммо жамият тараққиёти, унинг ичидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиши билан миллий ғоянинг ўзи ҳам ўзгарди. Дастрраб, миллий ғоя тарқоқ жамиятни дин каби бир-бирига маҳкам ёпиширадиган, лекин айни пайтда, нафақат Худога, балки умумий маданий заминга ҳам ёқадиган “елим” бўлиб хизмат қилди. Аммо XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, миллий ғоя нафақат инсонпарварлик қадриятлари, балки халқнинг ўзи кўз ўнгидаги миллий белгиларни ўстирган мифологиялар билан тўлдирила бошлади. Миллий ғоя вектор эмас, балки сиёсий тузум қуролига айланганидан кейин баъзи халқларнинг танлаб олингани, бошқалари эса фойдасизлиги ҳақидаги ғоялар ҳам осонликча илдиз отди ва бу икки жаҳон уруши каби аянчли оқибатларга олиб келди. “Агар сохта ғоя асосида шаклланган мафкура расмий давлат мақомини олса, унда бутун маънавий ҳаётни, адабиёт ва санъатни, ижоднинг барча турларини қаттиқ назорат қилишга, уларни белгилаб қўйилган андозаларга тиқишига ҳаракат қиласи. Натижада маънавият, маданият умуман ижтимоий ҳаёт бир томонлама ривожланади. Тафаккур ва эътиқод эркинлигига путур етади”<sup>4</sup>.

Миллий ғоя кўпинча мафкура билан чалкашиб кетади. Уларнинг иккаласи ҳам умумбашарий қадриятларга эга

---

<sup>4</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият. 2002. – Б.8.

қадриятлар тизимини ифодалайди ва улар ҳам миллий бўлиши мумкин. Аммо бу маънолар системаси миқёси даражасида ҳам фарқлар мавжуд. Мафкура жамият ҳаётининг турли субъектлари: одамлар, гурухлар, жамоалар, ижтимоий синфлар, сиёсий партияларнинг идеаллари ва қадриятларини ифода эта оладиган ғоялар мажмуаси, мураккаб тизим, яъни миллий ғоя миллий мафкуранинг бир қисми бўлиши мумкин. “Ғоя мафкуранинг қалби, руҳи, ўзаги десак, мафкурани бу руҳнинг, қалбнинг мураккаб тузилмадан иборат, ўсувчан, ўзгарувчан ва айни пайтда барқарор вужуди, дейиш мумкин<sup>5</sup>.

Шу маънода миллий ғоя янада кенгроқ ва бир маъноли. Дастреб, бу ўзини маълум бир миллат билан таништирган ҳар бир киши учун бир хил даражада мухим деб тахмин қилинади, аммо бугунги кунда кўплаб файласуфлар миллий ғояларни инклюзивликка йўналтириш зарурати ҳақида гапирмоқда - шунга ўхшаш талаб атрофдаги аҳоли миграциясининг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди.

Мафкура тушунчасига файласуф олимлар турли таърифлар берган бўлиб, уларнинг шакли ва мазмuni хилма-хилдир. Ж.Туленов, К.Юсупов, З.Фафуровларнинг қайд қилишларича: “Мафкура... кенг маънода... муайян бир жамиятдаги мавжуд ҳар бир социал гурух, миллат ва элат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари мафаатини ифодаловчи ва уларга хос ғоялар тизимини ташкил этади ва ўзининг ранг-баранглиги билан ифодаланади... Тор маънода мафкура жамиятимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг умумий муддаоларини ифодаловчи ва уларнинг бошини бириктириб, битта асосий мақсадга, яъни республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга

<sup>5</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият. 2002. – Б.12.

ундайдиган ғоялар, билимлар йиғиндисини ташкил этади”<sup>6</sup>.

Мафкурадаги энг қиммат нарса – бу унинг функционаллигидир. Шуни эътироф этишимиз керакки, бу асосан сунъий равишда ишлаб чиқилган мифологик тафаккур, индивидуал архетипик образлар кучларини сафарбар этиш ва ҳақиқат манзарасини соддалаштириш, ижтимоий муносабатларнинг бойлигини “биз” ва “улар” қарама-қаршилигига камайтириш, бу шахсиз жамоавий онгдир. У ўсиб бориши билан шахснинг онгсизлиги астасекин устун бўлишига, ижтимоий хатти-ҳаракатларда мафкурачилар томонидан белгиланадиган механик қарор қабул қилишга олиб келадиган шахсий онг атрофиясидир. Мафкура, шубҳасиз, иллюзияларни, хаёлларни ва кўпинча ишнинг ҳақиқий ҳолатини қасдан сохталаштиришни ўз ичига олади. Аммо иккинчиси, асосий нарса эмас. Мафкурачиларнинг мавқеи улар жамоаси, партияси ва ташкилотининг ижтимоий мавқеи билан белгиланади ва ушбу ҳолатлар туфайли улар ўзларининг қизиқишлирини объектив ҳақиқат, ўтаadolатли деб белгилайди. Мафкуравий мақсад – ижтимоий қатlam, сиёсий гурӯх, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш иродасини ифода этувчи тушунча. “Мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадларни фарқлаш лозим<sup>7</sup>.

Мафкура мақсадлар, идеаллар ва хатти-ҳаракатларнинг меъерий стандартларини белгилайди, улар шахснинг қайд этилган хусусиятлари унга тизимли инқирозни бошдан кечираётган томонидан идрок этилиб, ҳар бир кишининг

<sup>6</sup> Туленов Ж., Юсупов К., Ғафуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари – Т. Ўзбекистон. 1993. – Б.13.

<sup>7</sup> Фалсафа комусий лугати. – Т.: Шарқ. 2004. – Б.444.

шахс сифатида ўз эркинлигидан воз кечиши ва фуқаронинг янги сифатида, унинг мустақил ишлашини истисно қиласиган сиёсий тузилма хужайраси мақомини қабул қилиши керак.

Давлатимизраҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганикаби: Жамиятимизда ахоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, “**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юрганда садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир<sup>8</sup>.

Мустақилликнинг илк даврида Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини танлаш тӯғрисида одамларнинг фикрларини ўрганиш бунга мисолдир. Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, аҳолининг аксарияти демократик дунёвий давлатчилик шаклини танлади. Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий онгининг амбиваленциясини социализм ва капитализмга муносабат каби муҳим қадриятлар йўналишида кўриб чиқилганида айrim гуруҳларнинг эски социалистик турмуш тарзини қўмсаши кўзга ташланди. Ушбу ҳолат мамлакатда режалаштирилган ислоҳотларни мураккаблаштиради.

Бу эса жамиятимизда содир бўлаётган мафкуравий ўзгаришларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Бу сиёсатчилар ҳам ҳиссиётларга, ҳам инсон онигига мурожаат қилишади, шунингдек, манфаатларни англаш ва ҳимоя қилиш учун даъво қилишади, аммо энг муваффақиятли манфаатларни ифода этиш принципини янада чукурроқ тушунадиган, уларни биргаликда ҳаётнинг мақсадлари ва воситаларига айлантирадиган сиёсий дастур бўлиши

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халк сўзи, 2020 йил, 24 январь.

мумкин. Пухта ўйланган мафкура ва профессионал тарғиботсиз бундай дастурни амалга ошириш имкони йўқ. Шу билан бирга, жамият мафкураси ва тарғиботи, уни жамоатчилик онгига етказиш воситаси сифатида, мураккаб ижтимоий заминни ҳисобга олиш керак – бу экзистенциал тартибнинг таҳдидлари ва қўрқувлари, яъни оила, яқинлари ҳаёти учун қўрқув, ижтимоий муносабатларни жиноийлаштириш натижасида келиб чиқади. Шу билан бирга, Ўзбекистон демократия сари интилаётган ҳар қандай мамлакат сингари, барча мафкуралар учун умумий бўлган, бирортасидан қониқмаган ҳолатлари кўзга ташлана бошлади.

Агар ҳақиқатан ҳам замонавий жамиятда ҳақиқий модернизация ҳақида кутилаётган бўлса, у хоҳ либерал, хоҳ социалист ва ёки бошқа аҳолидан қўллаб-қувватлайдиган барча мафкуралар мавжудлик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Ўша пайтда уларнинг қайси бири (уларнинг турлари ва комбинацияларини) кўпроқ қўллаб-қувватлангани, қайси бири тарози босгани фақат ижтимоий ва сиёсий кучларнинг ҳақиқий мувозанатини акс эттирувчи сайловлар бу саволга жавоб бериши мумкин эди. Бу каби тенденциялар мустақилликни дастлабки даврида президентлик сайловларида ҳам яққол намоён бўлди.

Маълумки, ғоявий танлов мажбурийлик эмас, зўравонлик ёки фирибгарлик йўли билан жамият зиммасига юкланмасдан, эркин бўлиши керак. Бу танлов ҳамма тан олган ва ҳеч ким томонидан бузилмаган ягона ҳуқуқий макон доирасида амалга оширилганда гина мумкиндир. Бундай макон яратилганда гина мафкура масаласи, яъни уларнинг қайси бири мамлакат манфаатларига жавоб беради – якуний қарорни қабул қилиши мумкин. Бу даврда Ўзбекистонга нафақат мафкуравий, балки ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам

ўйлашга қодир сиёсий бирлашмалар зарурлиги ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритиш лозим.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда қарор топган мафкуралар ва замонавий ўзбек сиёсати қийин муаммоларни ҳал қилиши керак: ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши шароитида эркинлик ва адолат мувозанатини қандай таъминлаш, ички муаммоларни ҳал қилиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш учун кучли давлат ва ҳокимият зарурлигини қандай қилиб ишончли тарзда асослаш керак. Жаҳондаги кучли ижтимоий технологияларнинг илғор тажрибасидан қандай самарали фойдаланиш ва уларни ўзбек халқининг тарихий анъаналари билан бирлаштириш зарур. Нафақат мафкура ва сиёсатнинг, балки ўзбек жамияти демократик тараққиётининг келажаги ушбу муаммолар қай тарзда ҳал қилинишига боғлиқ.

Ислоҳотлар жараёнида ижтимоий хулқ-атворнинг учта асосий мотивацион комплекси шаклланди. Улар сиёсий маконда эмас, балки кундалик ҳаётнинг микротизимларида жамланган. Биринчи комплекс шахсий алоқалар ва муносабатларнинг, шу жумладан оилавий муносабатларнинг меркантилизацияси, ҳокимият ва жамоат фикри раҳбарларининг тўғридан-тўғри алоқа мухитида ўзгариши, ишончсизлик туйғуларининг кундалик ҳаётга кириб бориши билан боғлиқ.

Иккинчи комплекс ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар жараёнида шахсий ютуқлар билан боғлиқ: тижорат ёки сиёсий таваккалчилик шароитида ғалаба қозониш, пул ва капитални мувваффақиятли инвестициялаш, юқори сифатли хизматлардан фойдаланиш ва истеъмол имкониятларидан фойдаланиш, халқаро алоқаларни киритиш. Буларнинг барчаси эркинлик ва мафкура танловида ҳам жамият учун катта имконият яратади.

Учинчи комплекс сиёсий ҳақиқатларни рад этиш ва шахсий ҳаётга чекиниш билан боғлиқ. Бу сиёсат, ислоҳотлар ёки бирон бир ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятга алоқадор бўлмаган, дунёнинг ўзига хос манзарасини тиклаш билан боғлиқ.

Ушбу учта мотивация мажмуаси орасидаги тафовут ҳақиқатнииррационализация қилишучунзаруршароитларни яратди, уларнинг моҳияти ҳам воқеалар, ҳам фактлар билан боғлиқ қарама-қарши маъноларнинг тўқнашуви ва сиёсий майдонда юзага келадиган ҳаракатлардир. Натижада худди шу белгилар тўғридан-тўғри қарама-қарши тарзда қабул қилинадиган ва баҳоланадиган вазият юзага келади. Бундай вазиятда одамлар бир-бирини тушунишни тўхтатадилар, жамиятда эса тенгиззлик, ички парчаланиш бошланади.

## IMOM BUXORIYNING BARHAYOT MEROSI

**D.O. GULAMOVA,**  
*Osiyo xalqaro universiteti magistranti*

Hadis ilmining sultoni Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy (810-870) to‘plagan benazir meros – Payg‘ambar alayhissalomning sahih (ishonchli) hadislari mana qariyb o‘n ikki asrki butun insoniyatni hidoyat yo‘liga boshlab kelmoqda. Buyuk vatandoshimizning hayotiy va ilmiy faoliyati jahon miqyosida chuqur o‘rganilib, alloma haqida turli tillarda yuzlab ilmiy va ommabop asarlar yaratilgan. Mana shulardan biri suriyalik olim ash-Shayx Muhammad Jamoluddin al-Qosimiyy ad-Damashqiyning (1866-1914) “Hayot al-Buxoriy” (Al-Buxoriyning hayoti) nomli asari bo‘lib, unda allomaning ibratli hayoti va ilmiy salohiyati haqida qimmatli ma’lumotlar keltirilgan. Arab tilida yozilgan bu asarda Imom al-Buxoriyning buyuk fazilati – quvvai hofizasi va xotirasining aql bovar qilmaydigan darajada kuchli bo‘lgani aytilgan. Shosh (Toshkent)ning taniqli muhaddislaridan biri Hoshid ibn Ismoil ibn Iso ash-Shoshiy al-G‘azzol (vaf.875) shunday yozgan: “Imom al-Buxoriy o‘spirinlik chog‘ida biz bilan birga Basra mashoyixlaridan hadislar eshitardi. Hammamiz ustozlardan eshitganlarimizni darhol yozib borardik, al-Buxoriy esa hech narsa yozmasdan faqat eshitib o‘tirardi. Shu tariqa o‘n olti kun o‘tgach, u bizdan: “Nazаримда ко‘п hadis yozib yubordilaring, qani menga yozganlaringni ко‘rsatinglar-chi?”, deb qoldi. Biz yozgan hadislarimizni hisoblab ko‘rsak, o‘n besh mingdan ortiq hadis yozib olgan ekanmiz. Shunda al-Buxoriy ularning

hammasini yoddan aytib berdiki, hatto ustozlardan yozib olgan hadislarimizdagi yo‘l qo‘yilgan ba’zi xatolarni uning yoddan aytganlariga qarab tuzatib ham oldik”<sup>1</sup>.

Muhammad ibn al-Azhor as-Sijistoniy ismli olim shunday degan: “Ustoz Sulaymon ibn Harbning (vaf.839) ilmiy saboqlarida qatnashardim. Muhammad al-Buxoriy ham bizlar bilan hadislar eshitardi-yu, lekin u sira yozmasdi. Shunda talabalardan birining g‘ashi kelib: “Muhammad nega sira yozmaydi?”, deb so‘rab qoluvdi, unga: “U o‘z yurti Buxoroga qaytgandan keyin yodidan yozadi”, deb javob qilgandilar”<sup>2</sup>.

Abdulloh ibn Adiy ibn Abdulloh ibn Imom Buxoriy asarlari xususida so‘z yuritganda, al-Qastaloniy fikrini keltirib o‘tish kifoya, ya’ni: “Imom Buxoriy asarlari quyosh yetgan joygacha yetib bordi. Dunyoning hamma joyini egalladi. Uning fazlini hech kim inkor qilolmaydi. Asarlarining eng ulug‘i – “Al-Jome’ as-sahih”dir. Shu kungacha Imom Buxoriyga nisbat berilib kelinadigan asarlar sirasiga quyidagilar kiradi:

1. “Al-Jome’ as-sahih” (“Ishonchli to‘plam”).
2. “Al-Adab val-mufrad” (“Adab durdonalari”).
3. “Raf al-yadayn fi as-sola” (“Namozda qo‘lni ko‘tarish haqida”).
4. “Al-Qiroa xalf al-imam” (“Imomning ortidan namoz o‘qish”).
5. “Birr al-validayn” (“Ota-onaga yaxshilik qilish”).
6. “At-Tarix al-kabir” (“Katta tarix”).
7. “Al-Avsat” (“O‘rtta tarix”).
8. “As-Sag‘ir” (“Kichik tarix”).
9. “Xalq afal al-ibad” (“Bandalar fe’lllarining yaratilishi”).
10. “Az-Zua’fa” (“Zaiflar”).
11. “Al-Musnad al-kabir” (“Katta musnad”).
12. “At-Tafsir al-kabir” (“Katta tafsir”).

<sup>1</sup> Uvatov U., Muhammadiyev O. Barhayot ajdodlarmiz. – T.: Tafakkur. 2019. – B.28.

<sup>2</sup> O’sha asar. – B.28.

13. “Al-Ashriba” (“Ichimliklar”).
14. “Al-Hiba” (“Sovg‘a”).
15. “Asmoi as-sahoba” (“Sahobalar ismlari”).
16. “Al-Vuxdon” (“Yakkalik”).
17. “Al-Mabsut”.
18. “Al-Ilal” (“Illatlar”).
19. “Al-Kunya” (“Kunyalar”).
20. “Al-Favoid” (“Foydalar”).
21. “Qazoya as-sahoba” (“Sahobalar muammolari”).

Bu kitoblarning ba’zilari qo‘lyozma holida saqlanayotgan bo‘lsa, ayrimlari nashrdan chiqqan, yana boshqalari bizgacha yetib kelmagan. Ular faqat imomlarning rivoyatlarida qayd etilgan, xolos. Ayniqsa, hozirda dunyoning turli institutlarida ushbu asarlarni o‘rganishga qiziqish yanada ortishi barobarida ularni ilm ahliga va keng ommaga taqdim qilish ishlari ham amalga oshirilmoqda.

Bu kitoblar ichida eng ulug‘i, shubhasiz, “Al-Jome’ as-Sahih” (“Ishonchli to‘plam”) bo‘lib, u Allah taoloning kitobi – Qur’oni karimdan keyingi o‘rinda turadi. Ushbu kitob xalq orasida tarixda ham, hozirda ham “Sahihi Buxoriy” nomi bilan mashhur. Muhtaram Prezidentimiz ham “**Imom Buxoriy o‘z ahamiyatiga ko‘ra islom dinida Qur’oni karimdan keyingi eng mo‘tabar kitob hisoblangan “Sahihul Buxoriy”ning muallifi sifatida butun dunyoda tan olingan**”, deb ta’kidlagan. Ibn Xajar “Fath al-Boriy” asari muqaddimasida Imom Buxoriy mazkur asarni “Al-Jome’ as-sahih al-musnad min hadis Rasululloh (S.A.V.) va sunanihi va ayyomihi” (“Rasululloh (S.A.V.) hadislari, sunnatlari va hayotlaridan sahih isnodli muxtasar to‘plam”) deb nomlagan. Ammo asar “Sahih al-Buxoriy” nomi bilan mashhur. Bunday shuhrat topishiga sabab, tafsir, fiqh va boshqa diniy ilmlar borasida sahih rivoyatlar keltirilganidir. To‘plam 97 bob, 4000 takrorsiz hadislardan iborat, jami 7082

hadis kiritilgan. Ushbu asar bizgacha Imomning shogirdi – Muhammad ibn Yusuf al-Firabriy (845-932) tomonidan rivoyat usulida, so‘ng asldan ko‘chirish yo‘li bilan yetib kelgan. Asarning qo‘lyozma nusxalari hozirda dunyoning ko‘pgina kutubxonalarida saqlanadi. Jumladan, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomli Sharqshunoslik institutida ham to‘plamning turli yillarda ko‘chirilgan 10 dan ortiq nusxasi saqlanadi. Bu nusxalar ichida mo‘tabari XIV asrda ko‘chirilganidir. Ammo dunyodagi eng qadimiy nusxasi IX asrning oxiri X asr boshlarida roviylarning 3-avlodi tomonidan ko‘chirilgan nusxa bo‘lib, u Marokash davlat kutubxonasida saqlanadi. Asrimizga kelib asar ko‘plab nashriyotlarda chop etilgan. Yurtimizda ushbu to‘plam birinchi bor 1974 yilda Imom Buxoriyning 1200 yillik to‘yi munosabati bilan Toshkentda chop etilgan, keyin 1991-95 yillar oralig‘ida asarning o‘zbek tilidagi tarjimalari Qomuslar bosh tahririysi tomonidan nashr etilgan.

Yevropaliklardan dastlab Kreyzon ismli olim “Sahih al-Buxoriy”ni ingliz tiliga tarjima qilgan. Bu tarjima 1879 yilda Belk shahrida o‘n jildda nashr etilgan.

Shuningdek, Imom Buxoriyning bu asari 1935 yilda ingliz allomasi Muhammad Asad (islomni qabul qilgach u shu ismni olgan) tomonidan muxtasar izoh va hoshiyalar bilan ikki jildda nashr etilgan. Ushbu tarjima haqida o‘z vaqtida qator olimlar tomonidan yaxshi fikr-mulohazalar bildirilgan edi. “Sahih al-Buxoriy”ni ingliz tiliga doktor Muhammad Muhsinxon ham tarjima qilib nashr ettirgan. Imom al-Buxoriy asarining katta bir qismi nemis tiliga ham tarjima qilinib, 1936 yil Kembrijda bepul nashr etilgan.

“Sahih al-Buxoriy”ning dastlabki ikki jildi Ahmad Naim tomonidan turk tiliga tarjima qilingan. 1939 yilda va undan keyin Komil Miyros degan olim bu tarjimani oxiriga yetkazib,

1928 yilda Istanbulda nashr ettirgan.

“Sahih al-Buxoriy” fransuz tiliga O.Xodas va V.Marsuys degan olimlar tomonidan 1903-1914 yillarda tarjima qilingan bo‘lib, besh jilddan iborat ushbu asar tegishli hoshiyalar, izohlar va fahorislar bilan 1984 yilda Parijda nashr etilgan.

Imom Buxoriy ma’naviy merosi Yangi O‘zbekistonda Uchinchi Renessans poydevorini qurishda yoshlarni barkamol qilib tarbiyalovchi bebahо xazinadir.

## G‘ARB FALSAFIY-HUQUQIY TAFAKKURIDA TABIIY HUQUQ VA G‘OYALAR RIVOJI

Nozima ABDUG‘AFUROVA,  
*O‘zMU magistranti*

Bugungi kunga kelib konstitutsiyaviy huquq nazariyasi doirasida bir tomondan “tabiiy huquq” va ikkinchi tomondan “inson huquqlari” o‘rtasidagi real munosabatlarning qiziqarli va murakkab muammosi yuzaga keladi. Shubhasiz, bu tushunchalardan birining o‘rnini ikkinchisi bilan almashtirib bo‘lmaydi. Aristotelning falsafiy tizimi Platonning deduktiv tizimi bilan, birinchi navbatda, Aristotelning entelxiya konsepsiyasi orqali genetik aloqaga ega edi<sup>1</sup>. Davlatning maqsadi haqidagi bu ta’limotni, menimcha, Akvinskiy ta’limoti deb hisoblash mumkin. Shu nuqtai nazardan, T.Gobbs obyektiv ma’noda butun G‘arb tabiiy huquq an’analarini buzuvchidir, u to‘g‘ri va noto‘g‘ri ijobjiy huquqni farqlash uchun misol yoki mezondir degan edi.

T.Gobbs, bir tomondan, Sitseron va Akvinskiy davridan boshlangan an’anaga sodiq qoladi. Unga ko‘ra “fuqarolarning ijtimoiy bog‘liqligi” g‘oyasi va “lex” tushunchasi har qanday huquqiy tartibning asosi hisoblanadi. Boshqa tomondan, T.Gobbsning fikricha, “tabiat holati” hech qanday ijtimoiy majburiyatlarning yo‘qligini nazarda tutgani sababli, “tabiiy huquq” tushunchasi avvalgi ma’nosini yo‘qotadi va hatto o‘z-o‘zidan ziddiyatli bo‘ladi. Biroq Gobbs “tabiiy huquq” tushunchasidan butunlay voz kechmaydi, faqat “shaxsiy

<sup>1</sup> Аристотель. Метафизика / пер. А. Кубицкого. – М.: Эскимо. 2006. – С.608.

erkinliklar shaklidagi “tabiiy huquqlar” ularning shu taxlitda mustahkamlanishidan oldin paydo bo‘lgan”, deydi. T.Gobbsning fikricha, hamma odamlar urush va tartibsizlikni emas, balki tinchlik va hamjihatlikni izlashlari tabiiy. Ammo xavf-xatar yuzaga kelgan paytda odamlar o‘z hayotini va molmulkini barcha mavjud vositalar bilan himoya qilishlari ham tabiiydir. Boshqacha qilib aytganda, tabiiy huquq erkinliklari tarixi uning nazariyasidan ancha oldin paydo bo‘lgan.

Bizningcha, hozirgi vaqtida bu fanning arzimas haqiqati, ammo Gobbs davrida bunday emas edi. T.Gobbs inson huquqlari inqilobi, chunki u obyektiv tabiiy huquqning avvalgi (antik-katolik) an’anasini tabiiy inson huquqlari nazariyasiga aylantirdi.

Mutafakkirlar tomonidan odatda tabiiy huquq – bu har bir insonning o‘z tabiatini, ya’ni o‘z hayotini saqlab qolish uchun o‘z xohishiga ko‘ra vakolatlaridan foydalanish va o‘z hukmiga binoan har qanday narsani qilish erkinligidir. Erkinlik deganda, so‘zning aniq ma’nosiga ko‘ra, tashqi to‘siqlarning yo‘qligi tushuniladi, bu ko‘pincha odamni o‘zi xohlagan narsani qilish huquqidan mahrum qilishi mumkin. Lekin ular insonga qoldirilgan hokimiyatdan uning hukmi va aqli bilan buyurilgan narsaga muvofiq foydalanishga to‘sqinlik qila olmaydi.

Tabiiy huquq – bu aql bilan topilgan amr yoki umumiy qoidadir. Qonun va huquq o‘rtasidagi farqni bilish uchun qonun va huquqni farqlash kerak, garchi bu mavzuda tadqiqot olib boruvchilar odatda bu tushunchalarni chalkashtirib yuborsa ham. Chunki huquq qilish yoki qilmaslik erkinligidan iborat bo‘lib, qonun u yoki bu narsani belgilaydi va majburlaydi<sup>2</sup>.

Jon Lokk liberal mafkuraning asoschisi sifatida Gobbsning radikalizmiga moyil emas, ayniqsa, bu tabiiy huquqning klassik nazariyasiga nisbatan aniqroq seziladi. Bir tomondan, Lokk

<sup>2</sup> Гоббс Т. Левиафан / Т. Гоббс. – М.: Мыслъ. 2001. – С.49-50.

Gobbs pozitsiyasi (o‘zini o‘zi himoya qilish huquqining tabiiy qonundan ustunligi) va Aristotel, Sitseron-Akuinas ruhidagi tabiiy huquqning klassik konsepsiyasi o‘rtasida murosaga erishmoqchi bo‘lib, axloqiy burch va “shaxsiy huquq” tushunchasining farqlarini postulatsiya qiladi. Boshqa tomondan, liberal mafkuraga xos individualizm Lokkni Gobbsning individning individlar jamoasidan oldin bo‘lishi haqidagi asosiy prezumpsiyasiga amal qilishga majbur qiladi. Lokkning fikricha, “tabiat holati”dagi individlar erkin va tengdir. Ular o‘zлari xohlaganicha qilishlari mumkin (Gobbsning ixtiyoriy individualizmiga yon berish), faqat “tabiat qonuni” (tabiiy huquq haqidagi klassik ta’limotga imtiyoz) chegaralarida. Hatto “tabiat holatida” ham odamlar boshqalarning tabiiy huquqlarini hurmat qilish majburiyatiga ega. Qaysidir ma’noda Lokk Gobbsdan ham radikalroqdir.

Shunday qilib, Lokkning fikricha, ijtimoiy shartnoma tufayli vujudga keladigan har qanday siyosiy jamoa umuman hokimiyatdagi monarxning ixtiyoriy imperiyasi emas, balki uchta asosiy (davlatdan oldingi) huquqlarning himoya qilinishini ta’minalashi kerak bo‘lgan siyosiy tashkilotdir. Bu yashash huquqi, shaxsiy erkinlik huquqi va mulk huquqlaridir. U bilan pozitiv huquq tabiiy huquqni umuman “majbur qilib” chiqarmaydi, aksincha, “tabiat qonuni”ga xizmat qiladi. U “to‘g‘ri” deganda axloqiy jihatdan joiz bo‘lgan narsani qilish (yoki qilmaslik) liberal erkinligini tushunadi, ya’ni ijtimoiy jihatdan maqbul yoki u (subyektiv) tabiiy huquqni mulk huquqiga kamaytirilishi mumkin deb hisoblaydi.

Mulk huquqi tushunchasi an’anaviy tarzda liberal individualizm ruhida talqin qilinadi va Lokkning o‘zi bunday talqin uchun juda muhim dalillar keltiradi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, “mulk huquqi” “barcha mulkdorlar” davlatining asosiy “ziyoratgohi” bo‘lib, unda barcha mulkdor bo‘lmaganlar,

eng yaxshi holatda, mulkdorlarga nisbatan xizmat vazifasini bajaradi, eng yomoni, ular ko‘proq asosiy huquqlar: yashash huquqi va shaxsiy erkinlik huquqi nuqtai nazaridan cheklovlargacha kelishi mumkin. Qizig‘i shundaki, konstitutsiyaviy huquqning ichki ta’limotida Lokkning asosiy triadasi saqlanib qolgan bo‘lsa-da, u sezilarli rasmiy o‘zgarishlarga duch keldi. Birinchidan, bu triadaga inson qadr-qimmati tamoyilini kiritish muammosi bor edi.

O‘tgan asrning oxirida sodir bo‘lgan ijtimoiy-siyosiy munosabatlarning o‘zgarishi ko‘plab jamiyatlardagi huquqiy ta’limotni modernizatsiya qilish jarayonini davom ettirdi. O‘tgan davr tajribasini hisobga olgan holda huquq haqidagi zamonaviy g‘oyalarni ishlab chiqish, huquqiy tushunishning yangi modellarini yaratish hozirgi davrda huquq nazariyasi shakllanishining eng muhim bosqichini tashkil etadi. Shunuqtai nazardan qaraganda, huquqiy tushunchaga nisbatan o‘tmishda shakllangan yondashuvlarni batafsil tahlil qilish huquqiy atamaning zamonaviy tushunchalarini qayta ko‘rib chiqish va shakllantirish uchun juda muhim ekan. Eng qadimgi, hali ham talab qilinadigan va shu bilan birga to‘liq ma’lum bo‘lmaganlaridan biri – bu tabiiy huquq tushunchasidir. Uni bir vaqtning o‘zida bir necha fanlar, jumladan, huquqshunoslik, falsafa va siyosatshunoslik o‘rganmoqda.

Aytish kerakki, tabiiy huquq nazariyasi, mubolag‘asiz, deyarli barcha davlatlarda huquqiy fikrning rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatdi. Biroq bu nazariya barcha ilmiy jamoatchilik vakillari tomonidan tan olinmaydi va uning xalqaro huquqiy hodisalarga qo‘llanilishi ham inkor etiladi. Bundan tashqari, bu holda uning mavjudligi e’tiborga olinmaydi.

Huquqning tabiiy konsepsiysi asosi, inson tabiiy huquqlari to‘g‘risidagi ta’limot qayerdan kelib chiqadi? Bir so‘z bilan aytganda, allaqachon uch yuz yildan ortiq bo‘lgan ijtimoiy-

siyosiy fikrning liberal demokratik an'anasidir. XVII-XVIII asrlarda G'arb dunyosidagi inqiloblar davrida tabiiy huquq va inson huquqlari g'oyalari ko'plab buyuk pedagog va mutafakkirlar tomonidan qo'llab-quvvatlandi va rivojlantirildi. Masalan, Gollandiyada – Spinoza va Gyugo Grotius, Angliyada – Jon Lokk va Tomas Gobbs, Fransiyada – Volter va Jan-Jak Russo, AQSHda – Aleksandr Gamilton va Tomas Jefferson, Rossiyada – Aleksandr Radishchev va boshqalar<sup>3</sup>.

Bungacha inson huquqlari muhim narsa sifatida qabul qilinmas edi. Qadimgi Rim va Yunonistonda huquqlar shaxsning muayyan ijtimoiy guruh yoki sinfga mansubligi bilan belgilanadi. Bundan tashqari, agar inson biron bir ijtimoiy guruhga mansub bo'lmasa, unda u umuman huquqqa ega emas edi. Shu sababli, ko'pgina an'anaviy jamiyatlarda surgun eng oliy jazo hisoblangan. Tabiiy huquqlar nazariyasi rivojiga J.Lokk salmoqli hissa qo'shib, insonning tabiiy huquqlari tizimiga yashash, erkinlik va mulk huquqini kiritdi. Ikkinci jahon urushidan keyin, ma'lum ma'noda, fashistlar Germaniyasi va sobiq SSSRda mavjud bo'lgan huquqiy pozitivizm konsepsiyasiga javob sifatida jahon hamjamiyati qayta tiklangan tabiiy huquq nazariyasini shakllantirdi. Ushbu nazariya doirasida inson huquqlari ideallari Yevropa Kengashi, BMT kabi xalqaro tashkilotlar faoliyatida amalga oshirila boshlandi<sup>4</sup>.

Shunday qilib, inson huquqlarining qadr-qimmati kategoriyasi ham faqat falsafiy-axloqiy kategoriyadan konstitutsiyaviy-huquqiy kategoriyaga aylantirildi. Inson huquqlarining tabiiy konsepsiyasining asosiy postulatlari quyidagilardan iborat: insonning huquq va erkinliklari unga hech kim tomonidan berilmaydi: na Xudo tomonidan, na davlat tomonidan.

<sup>3</sup> Михайлов А.М. Идея естественного права: история и теория. – М.: Юрлитинформ. 2010 – С.11.

<sup>4</sup> Фролова Е.А. Теория естественного права (историко-теоретический аспект) // Вестник Московского университета. Серия: Право. – №2. 2013 – С.71-77.

Uning birovni maqtashga, huquq va erkinliklari uchun o‘zini qarzdor his qilishiga hojat yo‘q. Bu huquqlar unga faqat inson bo‘lgani uchun tegishli – ular tug‘ilish huquqidir. Ular uning tabiatini va tabiatining aksidir va shuning uchun ular tabiiy nom oldilar<sup>5</sup>[6/71]. Insonning tabiiy huquqlari hech qanday tarzda qonuniylashtirilishi shart emas. Ular obyektiv ravishda mavjud va har bir aniq shaxsga – bu huquqlarning egasiga bog‘liq emas.

Huquqlar bir necha avlodga ega. Biroq faqat birinchi avlodning huquqlari eng yaxshi himoyalangan. Shu bilan birga, huquqlarning vorisligi konsepsiyasini ko‘rib chiqish doirasida ikkita potensial imkoniyat ajratiladi:

1. E’tirof etish kerakki, standartlar umuman mavjud emas, chunki fuqarolik va huquqlarga nisbatan ikkinchi va uchinchi avlod huquqlarini ishlab chiqish mumkin emas.

2. Huquqlarning barcha avlodlari bir xil darajada muhim, ammo o‘ziga xos xususiyatlarga ega ekanini tan olish, keyin ikkinchi va uchinchi avlod huquqlari uchun “qattiq standartlar”dan vaqtincha voz kechish, ularni qanday qilib bosqichma-bosqich birlashtirish haqida o‘ylash lozim.

Ikkinci yo‘Ining muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga mehnat huquqlarini himoya qilishdagi muvaffaqiyat misol bo‘la oladi. Shunday qilib, biz ish haqi haqida emas, balki allaqachon jamoaviy bitim tuzish, kasaba uyushmalarini tuzish, samarali huquqiy himoya olish, ya’ni aniq standartlar belgilanishi mumkin bo‘lgan narsalar va hokazolar haqida gapirmoqdamiz. Birinchi avlod huquqlarini obyektiv ravishda fundamental deb atash mumkin. Bu ularsiz boshqa huquqlarning mavjudligi mumkin emasligi bilan izohlanadi. Faqat birinchi avlod huquqlariga tayangan holda, jamoat manfaatlarini samarali va tinch yo‘l bilan himoya qilish mumkin. Birinchi avlod huquqlarisiz tegishli huquqiy bazani yaratish mumkin bo‘lmash edi. Shuning

<sup>5</sup> Фролова Е.А. Теория естественного права (историко-теоретический аспект)// Вестник Московского университета. Серия: Право. – №2. 2013 – С.71-77.

uchun ham xalqaro miqyosda inson huquqlariga nisbatan ko‘plab yondashuvlar asosiy inson huquqlariga – birinchi avlod huquqlariga rioya qilish muammosiga eng muhim rolni beradi. Ushbu huquqlarning muhimligiga qaramay, dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida ularning qo‘pol ravishda buzilishi holatlari hali ham qayd etilgan. Insonning tabiiy huquqlari muammosi bir necha asrlar davomida hal etilmagan va amaliyot shuni ko‘rsatadiki, yaqin kelajakda aniq real yechim paydo bo‘lmaydi. Lekin umid bor, muammoni yanada oshkor qilish va jamoatchilikka tarqatish status-kvoni o‘zgartirishga yordam berishi mumkin.

Tabiiy huquq tushunchasi ikki huquq tizimining - tabiiy va pozitivlikning mavjudligiga asoslanadi. Yusnaturalistlar (tabiiy huquq tarafdarlari shunday deyiladi), tabiiy huquq va pozitiv huquqqa qarama-qarshi bo‘lib, huquqni (ijobiy huquqni) haqiqiy bo‘laman narsa (sifat jihatidan ham, mohiyat jihatidan ham, hodisa sifatida ham haqiqiy emas) deb hisoblaydilar, tabiiy huquq esa yagona qonun sifatida talqin etiladi, ya’ni haqiqiy qonun (mohiyatning ajralmas birligi va haqiqiy qonun hodisasi sifatida). Demak, huquqning tabiiy konsepsiyasiga xos bo‘lgan huquqiy dualizm to‘g‘risidagi qoida ikki xil, lekin bir vaqtning o‘zida harakat qiluvchi huquqning turlari (navlari) g‘oyasi hisoblanadi: tabiiy va pozitiv huquq. Doimiy jusnaturalistlar tabiiy huquq foydasiga pozitiv huquqni haqiqatda inkor etadilar va suveren milliy davlat (yoki boshqacha qilib aytganda, pozitiv huquqni o‘rnativchi hokimiyat) o‘rnini milliy hokimiyatlar (stoiklar fikricha, kosmopolis) egallaydi.

Huquqning tabiiy konsepsiysi huquq hokimiyat tartibi degan pozitivistik tushunchalarga zid keladi. Jusnaturalizm kontekstida huquq tabiat tomonidan berilgan va tabiatan vijdon va aql kabi vositalar tufayli harakat qiladi. Haqiqiy qonun tabiiy qonundir<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> Медушевская Н.Ф. Естественное право как дар и обязанность // Юридический мир.– №7. 2010. – С.24-29.

Pozitiv huquq tabiiy huquqqa zid kelmasligi va unga mos kelishi kerak. Huquqning tabiiy konsepsiysi tarafdorlari tabiat, jamiyat va xudoning tabiiy huquq (huquqiy normalar) manbalari sifatida faoliyat yuritishidan kelib chiqadi. Yusnaturalistlar tabiiy huquqning manbasini qonun chiqaruvchining irodasida emas, balki inson ongida ko‘rganlar. Masalan, ayrim mamlakatlar tabiiy huquq maktabi vakillarining fikricha, huquqning manbai inson ongidan kelib chiqadigan axloq normalari, axloqiy huquq, erkinlik, tenglik va adolat tamoyilidir. Shuning uchun ham qonun chiqaruvchining (qonun) huquqi va irodasi bir-biriga mos kelmasligi, balki bir-biriga zid kelishi ham mumkin. Shuni ta’kidlash kerakki, tabiiy huquqni tushunishda birlik yo‘q.

# **YANGILANAYOTGAN JAMIYATIMIZDA “MILLIY YUKSALISH” KONSEPSIYASINING AHAMIYATI**

**Islombok SODIQOV,**  
*O‘zMU magistranti*

Mustaqillikning dastlabki yillardanoq milliy-ma’naviy an’analaramiz va jahon tajribasini o‘zida mujassam etgan taraqqiyot modeli va milliy g‘oyasi yaxlit ta’limot sifatida shakllantirilib, hayotga izchil tatbiq etila boshlandi. Yillar mobaynida takomillashib kelgan bu nazariya, bir tomondan, insoniyat oldida ko‘ndalang bo‘lib turgan umumbashariy masalalarining yechimini, ikkinchi tomondan, O‘zbekistonning taraqqiyot yo‘lini belgilab berdi. Shu ma’noda, uning umumbashariy, mintaqaviy va milliy xususiyatlari mavjud. Misol tariqasida ushbu ta’limotning hozirda asosiy tushunchalari bo‘lgan O‘zbekiston – Yagona vatan, “Xalq boy bo‘lsa, davlat ham boy va qudratli bo‘ladi”, “Xalq bizdan rozi bo‘lsa, ishimizda unum va baraka bo‘ladi”, “Adolat – qonun ustuvorligida”, “Uchinchi Renessans” kabi g‘oyalar mamlakatimizda yangi ma’naviy makon, taraqqiyotning yangi davri shakllanayotganini tasdiqlaydi. “Albatta, erishayotgan barcha yutuqlarimiz, inson qadri ulug‘ bo‘lgan diyor – Yangi O‘zbekistonni barpo etish yo‘lidagi dastlabki natijalardir. Biz bunyodkor xalqimiz bilan birga bunday ezgu ishlarni davom ettiramiz va oldimizga qo‘ygan katta-katta marralarga albatta erishamiz”<sup>1</sup>.

Mamlakatimiz taraqqiyot yo‘lining ustuvor tamoyillarini hamda milliy-ma’naviy rivojlanishning asl mezonlarini

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

belgilaydigan tushunchalardir. Shu bilan birga, bu g‘oyalar mintaqamiz va jahon xalqlarining umumiy intilishlari, orzu-umidlari va tub manfaatlari mos keladi. Chunki dunyoda, jumladan, Markaziy Osiyo mintaqasida yashaydigan barcha xalqlar va millatlar ham vatanim ravnaq topsin, yurtim tinch va hayotimiz farovon bo‘lsin, deb orzu qiladi. O‘z vaqtida buyuk mutafakkir Abu Nasr Forobiy ham fozil davlat haqidagi fikrlarida odamlar, avvalo, tinch-totuvlikda yashashlari lozimligini ta’kidlagan: “Odamlarga nisbatan ularni birlashtirib turuvchi ibtido – insoniylikdir. Shu tufayli odamlar odamzod turkumiga oid bo‘lgani uchun ham o‘zaro tinchlikda yashamoqlari lozim”<sup>2</sup>.

Zamon talablari va insoniyatning azaliy ehtiyojlariga javob beradigan bunday yaxlit ta’limotning O‘zbekistonda vujudga kelishi tasodifiy hol emas, balki bu xalqimizning asrlar davomida sayqallanib kelgan ma’naviyati, ma’rifati hamda ilmiy salohiyatining mantiqiy natijasidir. T.Fayzullayev qayd etganidek, mustaqillikni “bugungi kunimiz nuqtai nazaridan katta mas’uliyat, ayni chog‘da majburiyat deb his qilmog‘imiz kerak. Binobarin, mustaqillikni asrash, mustahkamlash oson vazifa emas, uning yuki og‘ir. Jahon tarixida xalqlar va mamlakatlarning siyosiy mustaqilligini qo‘lga kiritgandan keyin uning mas’uliyatini ko‘tara olmay, yana yirik davlatlarga qaram bo‘lib qolganliklarini ko‘rsatuvchi misollar oz emas”<sup>3</sup>.

Barkamol avlod – jamiyat taraqqiyotida hal qiluvchi kuch. Shuning uchun ham mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq jismonan sog‘lom va ma’nan yetuk yosh avlodni tarbiyalash davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Yoshlarning barcha sohalarda huquqlarini himoya qilish maqsadida mamlakatimizda tegishli tashkiliy-huquqiy asoslar to‘liq shakllantirilib, ular doimiy ravishda takomillashtirilmoqda.

<sup>2</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Ф.Фулом. 1993. – Б.160.

<sup>3</sup> Файзуллаев Т. Мустақиллик фояси: генезиси ва ривожланиши. // Жамият ва бошқарув. З-сон. 1998. – Б.29.

Qabul qilingan barcha qonunlar, me'yoriy hujjatlarda sog'lom avlodni shakllantirish shart-sharoitlarini to'liq qondiradigan tizimni yaratish, uning salohiyatini namoyon etish, yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishni ta'minlash, zamonaviy texnologiyalarga ega bo'lish g'oyalari aks ettiriladi.

Demokratik jamiyat qurish jarayonida yoshlarning alohida o'rni bor. Bugungi kunda mamlakatimiz aholisining oltmis foizidan ko'prog'ini tashkil etuvchi yoshlar vaqt o'tishi bilan bu jamiyatda hal qiluvchi kuchga aylanishi kerak. Mamlakatimiz va o'zbek millatining kelajagi uchun uning jahon taraqqiyotidagi o'rni ko'p jihatdan Vatan va xalq farovonligi uchun xizmat qilayotgan yoshlarga bog'liq. Ma'naviy va jismonan barkamol avlodni tarbiyalash – umummilliy vazifadir. Biz Yangi O'zbekistonni "ijtimoiy davlat" tamoyili asosida qurishni maqsad qilyapmiz. Buni Konstitutsiyada mustahkamlashimiz kerak.

Ijtimoiy davlat – bu eng avvalo, inson salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun teng imkoniyatlar, odamlar munosib hayot kechirishiga zarur sharoitlar yaratish, kambag'allikni qisqartirish, demakdir. Shu bois, birinchi navbatda, e'tiborni Yangi O'zbekiston uchun eng katta investitsiya bo'lgan ta'limni qo'llab-quvvatlashga qaratamiz"<sup>4</sup>.

Jamiyat taraqqiyotini ta'minlash uchun har bir xalq, millatning tarixiy shakllangan va alohida xalq sifatida mavjudligining asosi bo'lgan ma'naviy dunyosi, borliq va jamiyatga munosabati va o'ziga xosligini saqlab qolish muhim shartlardan biri hisoblanadi. Shu bois jamiyatning har bir a'zosi o'zi mansub bo'lgan xalq ma'naviyatining tarixiy ildizlari, bosqichlari, mazmun-mohiyatini bilishi, uning ma'naviy qiyofasi mustahkam, turli yot ta'sirlar

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

oqibatida o‘zgaruvchan bo‘lmasligi zarur. Keyingi yillarda amalga oshirilgan ilmiy kuzatishlar shuni ko‘rsatmoqdaki, “ommaviy madaniyat”, “demokratiyani eksport qilish”, “dunyo odami” singari oqimlar ta’sirida jamiyat a’zolarining bir qismida ma’naviy qarashlar, xatti-harakatlar, axloqiy me’yorlar chegaralari o‘zgarmoqda. Bu asta-sekinlik bilan milliy o‘zlikning darz ketishiga va jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy jihatdan tashqi ta’sirlar ostida yashashiga, pirovard natijada tanazzulga olib keladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o‘z ma’ruzasida quyidagi g‘oyani ilgari surdi: “Albatta, biz mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarlarni egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega bo‘lgan yoshlarni tarbiyalash bo‘yicha katta ishlarni amalga oshirmoqdamiz. Ammo xolisona tan olib aytadigan bo‘lsak, bugungi kunda butun dunyoda aholining, birinchi navbatda, yoshlarning ongi va qalbini egallah uchun qanday keskin kurash borayotganini, diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, “ommaviy madaniyat” kabi tahdidlar kuchayayotganini hisobga oladigan bo‘lsak, farzandlarimiz tarbiyasi, ma’naviy-ma’rifiy sohadagi ishlarimizni bir zum ham susaytirmasdan, aksincha, ularni yangi bosqichga ko‘tarishimiz zarur”. Davlat rahbarining ushbu g‘oyaviy qarashlari O‘zbekiston davlatining ma’naviy-ma’rifiy siyosat sohasida kelgusidagi ustuvor yo‘nalishini aniq belgilab berdi. Natijada 2017 yil 28-iyulda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko‘tarish to‘g‘risida”, 2019 yil 3-mayda “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorlari hamda “O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida milliy g‘oyani rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoyishi

qabul qilindi<sup>5</sup>.

Bugungi kunda dunyoda globallashuv jarayonlari kuchayib, tinchlik va barqarorlikka qarshi yangi tahdid va xatarlar tobora ko‘payib bormoqda. Bunday murakkab va tahlikali vaziyat sohada amalga oshirilgan ishlarni tanqidiy baholab, uning faoliyatini zamon talablari asosida takomillashtirishni taqozo etmoqda. Xususan, oila, mahalla va ta’lim muassasalarida yoshlar tarbiyasi, chekka hududlar va mahallalarda uyushmagan yoshlar bilan maqsadli g‘oyaviy-tarbiyaviy ishlarning yuzaki tarzda olib borilayotgani, jinoyatchilik, diniy ekstremizm va terroristik harakatlarga adashib qo‘silib qolish, milliy qadriyatlarga e’tiborsizlik, erta tur mushqurish, oilaviy ajralishlar kabi salbiy holatlarning oldini olishga qaratilgan targ‘ibot ishlarining aksariyat hollarda kutilgan natijani bermayotgani bu masalalarga jiddiy e’tiborni talab etmoqda<sup>6</sup>.

Mamlakatimizda yangi zamonning shiddatkor sur’ati va o‘ziga xos taraqqiyot mantig‘i, tez o‘zgarayotgan dunyoqarash, mamlakatning xalqaro imidji, bugungi hayat ruhi, yangi maqsadlarni nazarda tutadigan milliy g‘oyani rivojlantirish konsepsiysi ishlab chiqilmoqda. Bu konsepsiya – O‘zbekiston taraqqiyoti yangi bosqichining asosiy maqsad va vazifalari, mamlakatning bugun va kelajakda baxtli va farovon yashashiga qaratilgan Harakatlar dasturini belgilab beradi. U asosan O‘zbekiston Respubлиka Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan “Ma’naviy yo‘nalishlarimiz iqtisodiy yo‘nalishlardan o’n qadam oldinda yurishi kerak. Ana shunda

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришини янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришини янги босқичга кўтариш тўғрисида” (2017 йил 28 июл). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

biz hozirda qilayotgan katta-katta rejalarimiz, dasturlarimiz amalga oshadi” degan tamoyil va O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi talablari asosida amalga oshiriladi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida milliy g‘oyani rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoyishida “mamlakatimiz tinchligi, jamiyatimiz barqarorligi, umuminsoniy, milliy va diniy qadriyatlarimizga qarshi qaratilgan, milliy o‘zlikni anglash, xalqimizning asrlar davomida shakllangan hayot tarzini barbod qilishga yo‘naltirilgan mafkuraviy tahdidlarga qarshi kurashishning samarali usul va vositalarini ishlab chiqish, qo‘llash ishlari zamon talabidan ortda qolayotgani” alohida ta’kidlandi.

O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida amalga oshirilayotgan islohotlar xalqning ezgu niyatları va yuksak salohiyatini ro‘yobga chiqarishda eng yaxshi imkoniyat yaratdi. Harakatlar strategiyasi asosida kechayotgan shiddatli islohotlar xalqning kelajakka ishonchini mustahkamlash, uni buniyodkorlik ishlariga safarbar qilish, jamiyatda uchrayotgan illatlar, xususan, loqaydlik, mas’uliyatsizlik, boqimandalik, hasadgo‘ylik va korrupsiya kabi holatlarga qarshi kurashishga undovchi ijtimoiy buyurtmani shakllantirdi. Jamiyatda “Xalq davlat organlariga emas, davlat organları xalqqa xizmat qilishi kerak”, “Inson manfaatlari hamma narsadan ulug“”, “Xalq boy bo‘lsa, davlat ham boy va qudratli bo‘ladi”, “Xalq bizdan rozi bo‘lsa, ishimizda unum va baraka bo‘ladi”, “Adolat – qonun ustuvorligida”, “Ma’naviyat bo‘lmagan joyda hech qachon adolat bo‘lmaydi!”, “Bu dunyoda insonlarning dardu tashvishlarini o‘ylab yashash – odamiylikning eng oliy mezonidir” tamoyillari joriy qilindi.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, O‘zbekiston taraqqiyotining hozirgi bosqichida “Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish

sari” degan ulug‘ maqsad bosh g‘oya sifatida maydonga chiqmoqda. Ushbu maqsad va vazifalardan kelib chiqib, yangi ishlab chiqilayotgan milliy g‘oyada quyidagi tamoyillarni qamrab olish maqsadga muvofiqdir. Ya’ni, aholining turli qatlamlarida jamiyatda yuz berayotgan islohotlar, o‘zgarishlarga munosabatning bir-biridan keskin farq qilishiga yo‘l qo‘ymaslik, jamiyatning barcha bo‘g‘inlariga haqqoniy, to‘g‘ri axborotlarning bir tekisda yetkazilishini ta’minalash va boshqalar.

Yangi O‘zbekiston strategiyasi har birimizdan yangicha tafakkur uslublari va zamonaviy dunyoqarash tamoyillarini shakllantirishga alohida e’tibor qaratishimizni taqozo etmoqda. Shu bilan birga, jamiyat hayoti va davlat qurilishi takomillashib, hayotimiz va unga munosabatimiz o‘zgarib borayotgani ham bu boradagi tasavvurlarimiz yangilanishining ma’naviy mezoniga aylanmoqda. “Qanchalik qiyin bo‘lmasin, tanlagan yo‘limizdan hech qachon ortga qaytmaymiz. Ko‘zlagan marralarimizga albatta yetamiz. Bu yo‘lda niyati ulug‘, qalbi pok, mehnatkash xalqimizga tayanamiz. Bir tanu bir jon bo‘lib harakat qilsak, men ishonaman, el-yurtimiz intilayotgan Yangi O‘zbekistonni, albatta, barchamiz birgalikda bunyod etamiz”<sup>7</sup>.

Yangi jamiyat, yangi ma’naviy makon barpo etishda umuminsoniy qadriyatlar va milliy an’analarga tayanish, Yangi O‘zbekiston g‘oyasi va Taraqqiyot strategiyasi asosida hayot kechirish, bu boradagi omillar va tamoyillar mazmun-mohiyatini kishilar ongiga singdirish bugungi tafakkur o‘zgarishlari jarayonining tamal toshiga aylanmoqda.

Bu o‘rinda 2023 yilning “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim” yili deb e’lon qilinishi inson qadrini yuksaltirish, uning haq-huquqlarini himoyalash, orzu-umidlarini ro‘yobga chiqarish borasida amalga oshirilishi ko‘zda tutilayotgan ustuvor

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

tamoyillar va dolzARB vazifalar bu yo‘nalishda ham ong va tasavvurlarimizni o‘zgartirishini alohida ta’kidlash joiz.

Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari konsepsiyasini amalga oshirishda Prezidentimiz tomonidan yaratilgan nazariy-metodologik asoslarga tayangan holda, ushbu yo‘nalishda ro‘y berayotgan jarayonlarni chuqur tahlil qilish va ba’zida uchrayotgan muammolarni zudlik bilan yechishning samarali yo‘llari hamda usullaridan foydalanishni davrning o‘zi taqozo etmoqda.

# XIX АСР ОХИРИ XX БОШЛАРИ БУХОРО АМИРЛИГИДА ЖАДИДЛАРНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА МУНОСАБАТИ

Мухаббат САМАДОВА,  
*Турон Зармед университети  
талабаси*

Авваламбор, “дин” сўзининг маъноси нима? Дин ақлли инсонларни хайрли ва эзгу ишларга етаклайди, фақат яхшиликка бошлайди. Ейиш, ичиш, ухлаш моддий эҳтиёж бўлганидек, дин ҳам маънавий эҳтиёждир. Ислом дини инсоният динидир. Ислом динининг фикр, ҳаёт ва виждан бобида ўз қарашлари мавжуд. Инсоният мушкулларини кетказадиган тамойилларни ўртага қўяди.

Кўхна Бухоро ҳам ўзининг кўп сонли мадрасалари билан ном таратган қадимий макондир. У турли ерлардан илм таҳсили учун талабалар ташриф буюрадиган шаҳар ҳисобланган. Бу анъана кейинги асрларда ҳам давом этиб келган. Шу сабабли аксарият муаллифлар Бухоро ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг шу жиҳати билан таърифлаган. Хусусан, аштархонийлар даври муаррихи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) Бухоронинг илм тарқатувчи марказ сифатидаги хизматини шундай баҳолайди: “Олимларнинг қўплигидан, уни олимлар ва илм-фан булоғи деб атайдилар”. Бухорога XIX асрда сафар қилган Е.К.Мейендорф эса Бухоронинг ислом оламида тутган ўрнини қуидагича таърифлайди: “Ўзининг қўплаб мактаблари, олимлари ҳамда муқаддас қадамжолари сабабли мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланган. Эҳтимол шунинг учун у “шариф” номига сазовор

бўлгандир”<sup>1</sup>. Рус сайди Н.Хаников ўз эсдаликларида Бухорони йирик илм-фан ва маърифат, диний билимлар маркази сифатида таърифлаб: “Бухоро илм тарқатувчи марказ ҳисобланган ва ҳисобланади”, дейди. Ж.Кунитс ҳам Бухорони “араб-эрон маданиятининг қалъаси”, Марказий Осиёнинг юз йиллик тарихидаги “Исломнинг юраги”, 250 масжид ва мадрасалар маркази деб атаган<sup>2</sup>.

Яна бир тарихчи олим, Колумбия университети профессори Эдвард Оллворт “Замонавий ўзбеклар”<sup>3</sup> китобида жадидларнинг дин ва маданият соҳасидаги фаолияти ҳақида сўз юритар экан, ислоҳотчилар ҳаракати диндан юз ўгиришни кўзламаганини таъкидлайди. Маърифатпарвар Беҳбудий ислом хукуқи – фикхни эътиrozга йўл қўймайдиган тарзда талқин қилувчи муфтий бўлган. Жадид-маърифатпарварларининг яна бир ёрқин вакили Мунаввар қори ҳам диний мактабда таълим олган ва масжидда домла бўлган. Шу тариқа жадидлар динни жоҳилликка қарши кураш йўли билан ҳимоя қилишга ишонган руҳонийларнинг янги вакиллари эди. Аммо шунга қарамасдан, эски мактабдагилар жадидларни, уларнинг ўқувчиларини ва ота-оналарини коғир деб эълон қилди. Консерваторларга тил ўрганишнинг ёдлатиш ўрнига кўлланаётган фонетик усули ёқмас эди. Улар яна математика, география, табиатшунослик ва тарих ўқитилишига ҳам қарши бўлиб, уларни исломга хилоф фанлар деб ҳисоблар эди. Беҳбудий бунинг тескарисини исботлашга уринар ва

<sup>1</sup> Мейендорф Е.К .Путешествие из Оренбурга в Бухару .– М.: 5791 .– С.79.

<sup>2</sup> Kunits J. Dawnover Samarkand. The rebirth of Central Asia . – New York: 5791 .– P.23; Джурабаев Д.Х. Изучение политической истории Бухарского эмирата в советский и постсоветский периоды // Историография, исторические источники, методы исторического исследования. – С.51.

<sup>3</sup> Зайнаб Мухаммад-Дост – Магистр Международных Отношений Вестминстерского университета. Независимый аналитик. Лондон. Великобритания. Эдвард Оллворт. Современные узбеки. Часть 2. 2019. – С.81.

тариҳни билмасликни гуноҳ деб билар эди.

Бухоролик Икром домла таҳаллуси Мулла Икромча бўлган, асл исми Муҳаммад Икром ибн Абдусалом 1847 йилда Бухорода таваллуд топган бухоролик уламолардан, муфти ва мударрис. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғояларига қўшилиб, мадрасалардаги эски таълим тизимини танқид қилган. Шунингдек, у таълимни ислоҳ қилиш, унинг янги технологияларини ишлаб чиқиш йўлларини излаган. Бундан ташқари, уни амалга ошириш учун муфти сифатида Бухородаги жадид мадрасаларини янгидан ислоҳ қилишга ҳаракат қилган, янги усул мактабларини мулла Абдураззок бошчилигидаги қадимчилар гурухларидан ҳимоя қилган. 1910 йилда “Бедорин хобидаган ва огаҳи нодонон” (“Уйқудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг огоҳ бўлиши”) рисоласида Бухородаги амирлик тузумидан норозилик кайфиятлари акс эттирилган. Ушбу рисоласидан сўнг (1912-1914 йй.) Икром домла Бухородан сургун қилиниб, Пешкуга қози қилиб жўнатилган. Бухорода 1917 йил апрел намойишидан кейин Икром домла Ғузорда қамоққа олинади. БХСР тузилгач, қисқа мuddат маъмурий идораларда хизмат қиласди.

Икром домла Бухорода кўплаб шоирларга, жумладан, Айнийга устозлик ва ҳомийлик қилган. Файзула Хўжаев ва Айний ўзларининг Бухоро инқилоби тарихига бағишлиланган асарларида Икром домланинг тараққийпарварлик фаолиятига юксак баҳо беришган<sup>4</sup>.

Бухоролик маърифатпарварлар ўз давридаги таълим-тарбияжараёнининг камчиликларигажиддий эътиборберган ҳолда, ўзининг инсонпарвар ва прогрессив фикрларини олға

<sup>4</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. 1-ж. – Т.: 1963; Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Т.: 1997.

сурган. Чунки ўша даврдаги таълим-тарбия масалалари хукмрон тузумнинг мақсадлариiga бўйсундирилган эди. Бу даврда мавжуд бўлган таълим-тарбияни икки асосий турга ажратиш мумкин:

1. Диний таълим-тарбия;
2. Дунёвий таълим-тарбия.

Диний билимлар мадрасаларда, диний мактабларда ўқитилар эди. Мадрасаларда бундан ташқари зарур бўлган бошқа илмларнинг – мантиқ, грамматика, табобат ва ҳисобкитобнинг бошланғичи ҳам ўқитилган.

Бу билимлар дин арбобларини ўз замонаси учун “маърифатли” кишиларни етиштириш учун кифоя қиласи деб ҳисобланган. Лекин замоннинг илмга ташна, маърифатга интилган, эркин фикрли илғор кишилари бундай таълим билан қаноатланмай, ўз билимларини, асосан, мустақил ўқиши, илмли кишилардан ўрганиш орқали мустаҳкамлаганлар. Маълум соҳани чуқур билган олимлар ўз тажрибаларига суюниб дарс берганлар.

Маърифатпарварлар нафақат юксак маърифат, балки юксак маънавият дурдоналарини ўрганиш, улар асосида ўз шахсий фазилатларини ҳам ҳар томонлама сийқаллаши натижасида буюк мутафаккирларимиз нафақат аник фанлар ҳамда диний билимларда, балки инсонни комилликка етишишига замин яратувчи бошқа соҳалардаги билимларга ҳам катта эътибор берган. Бухоролик маърифатпарварлар инсоннинг шаклланиши, унинг шахс бўлиб етишишида айниқса маънавий ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбияланишига алоҳида эътибор қаратган. Жасурлик, дадиллик, дўстоналий, сахийлик, ростгўйлик ва шу каби турли феъл-атворнинг хусусиятлари ва ахлоқий фазилатларга таъриф бериш билан бирга, маърифатпарварлар инсонни тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблар эди.

Инглиз тарихчиси Оллвортнинг “Замонавий ўзбеклар” китобида ёзилишича, Беҳбудий исломни шахсий ва ижтимоий тарзда сунистеъмол қилишни (жумладан, баччабозлик, спиртли ичимликлар ичиш ва эътиқоддан воз кечиши) танқид қиласи ва янги илоҳиётшуносларга зарурат борлигини айтади. Фитратнинг дастлаб форс, кейинчалик туркий тилда ёзилган “Мунозара” мақоласи бутун Марказий Осиёга тарқалади. Муаллиф унда Бухоронинг дин арбоблари жоҳиллигини танқид қиласи. Фитратнинг бошқа бир асари “Ҳинд сайёҳи баёноти”да оиладаги зўравонлик, тамагирлик ва шариатни сунистеъмол қилиш муаммолари хақида фикр юритилади. Маърифатпарларнинг даврий нашрлари наркотиклар қабул қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, аёлларнинг тенгсиз аҳволи ҳамда тўй ва дағн маросимларидағи исрофгарчилик қораланди.

Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларидағи Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига эътибор берсак, марифатпарварлик мафкураси, демократик ва миллий-ватанпарварлик ҳаракатларининг ғоявий мазмунини ташкил этганини кўрамиз. Ерли халқлар орасида мустамлакачиликка қарши маърифатчилик ғоялари тарқала бошлади. Ана шундай вазиятда жадид ҳаракати ривож топа бошлади.

“Жадидлар ташқи цивилизация – тамаддун ва дунёдаги янгиланишлар ҳақидаги билимни бошқаларга ўргатишга ҳаракат қилиб, на анъанавий, на рус-тузем мактаблари ҳақиқий тараққиёт йўлини таклиф қилмаётган пайтда янги усулдаги мактаблар оча бошлади”, деб ёзади тарихчи олим, Колумбия университети профессори Эдвард Оллворт “Замонавий ўзбеклар”<sup>5</sup> китобида.

<sup>5</sup> Зайнаб Мухаммад-Дост – Магистр Международных Отношений Вестминстерского университета. Независимый аналитик. Лондон. Великобритания. Эдвард Оллворт.

Оллворт жадидларнинг дин ва маданият соҳасидаги фаолияти ҳақида сўз юритар экан, ислоҳотчилар ҳаракати диндан юз ўгиришни кўзламаганини таъкидлайди, аксинча улар исломни ақидапарастликдан ҳимоялаш асосида модернизациялаш ва динга оқилона ёндашиш ҳақидаги гуманистик қарашларни миллий ўзликни англаш омили эканига оид ғояларни илгари сурадилар.

Фикримизга хуроса ясар эканмиз, Бухоролик жадидлар ислом дини доирасидан чиқмай, ўзларидан олдин ўтган маърифатпарварлар каби динни янги шароитларга мослаштиришга ҳаракат қилди. Буларнинг ҳаммасига улар ислоҳотларни амалга ошириш ва маорифни ривожлантириш орқали эришмоқчи бўлган эди. Бирок 1920 йилда Бухорони “қизил армия” босқинидан кейин бизнинг урфодатларимизни, анъаналаримизни, динимизни, ҳаттоқи миллатимизни йўқ қилиш йўлида бўлган шўро ҳукумати халқни зўравонлик билан ушлаб турди.

# **THE PROBLEM OF MALNUTRITION AMONG YOUNG CHILDREN ON THE AFRICAN CONTINENT AND THE RELATIONSHIP BETWEEN VARIOUS INFECTIOUS DISEASES IN THE REGION**

**Bekmurod AMRULLAYEV,**

*student of Bukhara DUPI*

**Nusrat MIRZAYEV,**

*student of Bukhara DUPI*

In the countries of the world today, the problem of malnutrition among young children is one of the main problems on the agenda. Rich rural groups lead a farming lifestyle that allows them to survive only on the very limited resources provided by their land. The food resources they have are lacking in several essential nutrients, so malnutrition is more common among these people, pastoral people and other people with other animal-based diets. Compared to the average American diet, rural South African groups such as the Bantu eat a diet with less than half the fat content.[30]

A lack of fat is often accompanied by a lack of protein. A lack of protein in the South African diet can lead to severe nutritional deficiency “kwashiorkor.” Studies have been conducted comparing the frequency of kwashiorkor among five African groups: Maasai, Kikuyu, Batussi, Bahutu, Pieraerts and Wakamba. The Masai are a pastoral people who eat milk and sometimes meat. The Wakamba, Kikuyu and Bahutu are non-pastoral agricultural people who grow the food they eat. Batussi people, herders, consume a lot of cheese milk. The Pieraert

people are lake dwellers who eat fresh fish and dried fish.

As a result of the study, kwashiorkor disease was not detected among the Masai, Batussi, Pieraert and a small part of the Bahutu, who grow beans in addition to vegetables and grains.

However, many cases of kwashiorkor have been found among the Wakamba, Kiyuku, and Bahutu, who eat only grains and vegetables. This suggests that people in South Africa, whose lifestyles are based on agriculture, are at high risk of malnutrition. Outside of devastated rural areas, South Africans live in the evenings and others in poverty-stricken conditions with access to only a high-starch, low-protein diet. A diet that is not usually eaten in South Africa is based on the staples of rice, porridge and maize. Poverty. Malnutrition is the main cause of poverty. According to the 2000 statistics, 50% of South Africa's population is below the poverty line. South Africa's GDP per capita is \$11,000, but 21% of people live on a day or less. In 2008, 27.9% of youth between the ages of fifteen and twenty-four were unemployed, and the overall unemployment rate was even higher (33.2%). The unemployment rate stems in part from South Africa's unstable macroeconomic status, which is still effectively under control despite modern efforts. Economic instability at the national level creates income instability for many Africans, which is reflected in reduced food and beverage purchases. Statistics show that the share of income spent on food and drink in South Africa has fallen dramatically from 27.4% in 2000 to 16.6% in 2005. These statistics are reflected in the poverty-stricken South African households where major food suppliers must change their food consumption patterns to cope with economic instability. This is a harmful change that disrupts nutrition. According to 2008 statistics, South Africa is the third most unequal economy in the world. Widespread poverty in Africa can be traced to many factors. UNICEF says

the main causes of malnutrition are “lack of adequate care for vulnerable groups such as household security, maternal and child care, health, education, water and environment and adequate human services, such as sanitation and housing. According to the World Factbook, listed apartheid South Africa according to its impact, Apartheid caused many of these problems, especially housing, health and education helped create the lim Issues such as education (i.e. poor school performance, poor cognitive development) are directly related to malnutrition in children.

Apartheid and colonialism from South Africa, other African countries. South Africa has many rich natural resources like diamonds and gold. When diamonds and gold were discovered between 1867 and 1886, instead of creating vast wealth for the African people, it caused widespread dispersal. Boers (Dutch settlers). After their arrival, the Dutch forced black farmers to leave their land either as share owners or as farm workers. Subjugation from non-native groups South Africa a Republic. This period of subjugation eventually led to apartheid in South Africa in 1948 with the establishment of the National Party (the ruling political party at the time).

In the 1960s, apartheid-based governments created African reserves where blacks could live and have opportunities. “separate development.” Although the majority of South Africans were (and continue to be) black, reserves violated a disproportionately small amount of land (13% of South Africa). The reserves were geographically isolated and had poor health, infrastructure and irrigation systems. Although the first multi-ethnic elections in 1994 brought an immediate end to Apartheid, the harmful effects of Apartheid in South Africa are still felt today [38].

Today, the poorest South African provinces are the provinces that cover the former reserves of Africa (Eastern Cape, Limpopo

Province and KwaZulu-Natal). These areas are particularly famous for their high levels of malnutrition compared to South Africa's high indicators. These Black areas have the highest rate of AIDS in South Africa - 13.6% of Black Africans in South Africa are infected with HIV, while only 0.3% of white people living in South Africa are infected.

72% of South Africa's population is considered poor, with 86.9% living in chronic poverty in rural areas KwaZulu-Natal lives in rural areas. While people living in affluent urban areas have a good nutritional status, people in rural and agricultural areas in South Africa do not have the most adequate diets. This is because affluent urban residents have better education and access to food. While their rural, chronically poor counterparts are less educated, less literate, and have limited access to food. In 1997, 900,000 households in official reserves had no arable land, 1.4 million had no livestock other than chickens, and 770,000 households had neither arable land nor any other livestock. Unfortunately, many farmers who owned livestock had to sell their livestock to overcome poverty. All these lead to food insecurity among the rural poor, thereby leading to nutrient deficiencies.

Treatment since the 1990s, the first Millennium Development Goal of the United Nations was made to eliminate world hunger and malnutrition. According to the United Nations, there are some steps that could be particularly helpful in combating malnutrition. It is estimated that by increasing the intake of vitamins A and C and improving breastfeeding practices, the world 2.4 million children's lives could be saved every year across South Africa. Since then, various programs have been established in South Africa to help achieve this, all with varying degrees of success. Integrated nutrition program in line with the United Nations' mission, the South African Ministry of Health established the

Integrated Nutrition Program in 1995. The INP focuses primarily on helping people at risk of malnutrition: children six years of age and younger, pregnant women, and lactating women. The main foci of INP are breastfeeding promotion, growth monitoring and promotion, food fortification, micronutrient supplementation, management of severe malnutrition in hospital, nutritional rehabilitation in communities and nutrition management during illness. addresses the crisis by providing nutrition education, nutrition counseling services, and support for specific diseases and indirect health services.

Since the establishment of the INP in 1995, the South African Code of International Marketing of Breast-milk Substitutes has promoted breastfeeding. The Code established the World Health Organization and UNICEF during the thirty-third World Health Assembly [46]. Focuses on feeding malnourished infants through the facilitation of breastfeeding and the appropriate use of breastfeeding substitutes only when absolutely necessary. Unfortunately, there has been a lull in code legislation. If adopted, intensive training should be developed for health workers in line with national breastfeeding guidelines so that they can refer individuals who are skeptical about the benefits of breastfeeding to their children. Extension of benefits for pregnancy and maternity leave should be promoted to provide sufficient time and funds.

INP implemented growth monitoring in South Africa through the following measures: provision of growth cards to all caregivers of children under two years of age, continuous monitoring of growth and malnutrition, counseling of caregivers and growth. However , there are various shortcomings in Africa's approach to monitoring and promoting growth. These include inaccurate weight assessment, lack of weight determination, inadequate training of nurses to detect deficiency, failure to provide growth

charts to all infants, and insufficient communication with caregivers.

To directly address nutrient deficiencies, the INP established a mandatory food fortification program in 2003, which is linked to a micronutrient supplementation program [45]. However, the programs have not achieved the expected levels of success [45]. The Food Fortification Program created a food fortification mix that was incorporated into cornmeal and other complementary foods. The high folate content of the mixture eliminates folate deficiency. Since 1995, the food fortification program has mandated the iodization of salt. This seems to have stopped the incidence of iodine deficiency. However, any micronutrients that are not present in the food fortification mixture may still lead to overeating. Unfortunately, micronutrient supplementation programs have found it difficult to provide all of the micronutrient deficiencies to those in need. The software faces various limitations in the form of supply, supplement quality, bio-availability, distribution and compatibility. For example, the vitamin A supplement program has been criticized for struggling to reach the most vulnerable: children and postpartum women. By 2050, the world's population is expected to reach 9.7 billion, resulting in the poorest countries still live 7 years less than the United Nations estimates. In response to Covid:19 and to address these risks, the Food and Agriculture Organization calls on countries to:

Meeting the food needs of the population in need of social protection, developing social protection programs, continuing global food trade, maintaining internal supply chain mechanisms, and increasing small farmers' food production support. Food security and malnutrition are at greater risk than ever in Africa and Asia. The 2015/2016 drought that hit Africa has since pushed them back, but the continent is making slow recoveries,

but the drought still exists. The INP failed to recognize the challenges of managing severe malnutrition in hospital. South African hospitals admit many children with severe malnutrition, but most of these children die easily was supposed to provide better mortality rates, but under-diagnosis of malnutrition-related deaths remains high. A significant decrease in mortality was observed.

To address the problem of nutritional supplementation at the community level, the INP helped establish a short-term program called the Nutrition Supplementation Program (formerly the PEM Scheme) [45]. This program has become very effective due to the well-trained nutritionists assisting it. However, various shortcomings remain. The program struggled with community-based interventions and proper outreach and enrollment of all malnourished children without abusing resources for malnourished children. If the Child Support Grant were extended to cover all families of malnourished children, it would be possible to enroll children at risk in hospitals, clinics and other places involved in growth monitoring.

Nutritional management during illness is another way to address malnutrition by INP. South Africa's Ministry of Health has adapted to this situation by promoting integrated management of childhood diseases and promoting proper nutrition management. UNICEF, together with the World Health Organization, established IMCI to improve child survival in low-resource areas. IMCI aims to achieve this by managing common childhood illnesses and improving nutrition and immunization practices. There are a variety of vague generalities that make it difficult to know for sure. This is problematic because the majority of sick children in South Africa are never seen by a nutritionist, so they have no other way of learning about proper nutrition.

Epidemiology affects individuals whose “food and nutrient intakes consistently do not meet individual requirements”. According to this definition, malnutrition is a widespread problem in South Africa. In 2000, 39% of the country’s population suffered from malnutrition. This problem mostly affects children, especially young children. South Africa’s malnutrition problem is typical of other countries’ malnutrition problems, as South Africa is predominantly a young country, with one-third of the population under 15 years of age. Thus, in 2000, 25% of pre-school children and 20% of primary school students in South Africa suffered from malnutrition, which means that the future population of South Africa is at risk of malnutrition. Malnutrition in South Africa problem can be assessed separately by the deviation of each child’s weight from the average weight for his age. According to the World Health Organization, the deviation from the average weight of children under five years of age in South Africa decreased from 31.5% to 8.7% from 1994 to 2008. Malnutrition can be assessed individually by deviating height from the average height for each child’s age. This is because malnutrition stunts growth. The World Health Organization showed that over a thirteen-year period (1995 to 2008), the deviation from the average height of children under five in South Africa was slightly from 28.7% to 23.9%. The decrease in the deviation indicates that the problem of malnutrition in South Africa has decreased in recent years. However, it remains a widespread problem, especially in the Eastern Cape and Limpopo region. These two areas are particularly poor and rural compared to the rest of South Africa. According to UNICEF, although 84.5% of South Africans have access to piped water, only 62.4% of Eastern Cape residents have piped water.

Also, while only 13.6% of South African households do not

have a toilet, 30% of Eastern Cape residents do not have a shower. Similar statistics apply to the rural areas of the Limpopo province in the north of South Africa. The prevalence of malnutrition in Limpopo is so widespread that a 2005 study found that 48% of children in the Limpopo region were stunted [60]. Thus, the high level of poverty and the rural status of these two areas are reflected in high levels of malnutrition. Significant progress has been made in efforts to reduce child mortality worldwide. The number of deaths of children under the age of 5 in the world decreased from about 12 million in 1990 to 6.9 million in 2011; and the global under-five mortality rate has fallen by 41 percent since 1990 – from 87 deaths per 1,000 live births in 1990 to 51 in 2011. The leading causes of death among children under 5 years of age are pneumonia (18 percent), preterm labor (14 percent), diarrhea (11 percent), complications during childbirth (9 percent) and malaria (7 percent). Globally, more than a third of children under 5 are malnourished. Africa has also seen some progress over the decades. Compared to other regions, sub-Saharan Africa has seen a faster decline in under 5 mortality, with the annual rate of decline doubling between 1990-2000 and 2000-2011[4]. However, child mortality rates in sub-Saharan Africa are still remembered. In 2011, under-5 mortality (WHO, 2012) was estimated by the region alone, which equates to 9,000 children dying every day and six children dying every minute [1]. Of the 3 million newborn deaths worldwide, approximately 1.1 million are in sub-Saharan Africa (WHO, 2012) [1]. The highest child mortality rates are in sub-Saharan Africa, where 1 in 9 children die under the age of 5; and one in 16 children in South Asia. Lack of essential nutrients and trace elements

Provided; Considering that vitamin A is very important for the proper functioning of the visual system and for maintaining immune protection, its deficiency remains a health problem.

An estimated 250,000 to 500,000 vitamin A-deficient children become blind each year, half of whom die within 12 months of losing their sight. This deficiency accounts for 350 million cases of blindness and 670,000 deaths worldwide (WHO, 2001). In Africa alone, it contributes to 23% of child deaths. In 2009, the low prevalence of serum retinol, associated with vitamin A deficiency, was 37.7 percent in Ethiopia, 49 percent in Congo, and 42 percent in Madagascar. The direct causes of this deficiency are the low level of consumption of animal products, the level of bioavailability of vitamin A in cereal diets, the consumption of green leaves with low leaves. lipid increased demand for vitamin A and increased body demand due to infections that often affect African children (Manga, 2021). Equally troubling levels are present in zinc deficiencies, and this has serious adverse effects on growth, risk and severity of infection, and levels of immune function. Although the true prevalence is unclear, zinc deficiency is recognized as one of the major risk factors for morbidity and mortality. It contributes to more than 450,000 deaths per year in children under 5, especially in sub-Saharan Africa. It covered 57 percent of children under 5 in Senegal, 72 percent in Burkina Faso, and 41.5 percent in Nigeria in 2004. In children, the main causes of this deficiency are a lack of easily absorbed zinc in foods (such as meat, poultry, seafood) and an overconsumption of foods that inhibit zinc absorption, such as grains, roots and tubers which is one of the staples of Africa.

Disadvantages iodine, on the other hand, disrupts the synthesis of thyroid hormones, which are essential for the normal development and proper functioning of the brain and nervous system, as well as for saving body heat and energy. Iodine deficiency leads to endemic disease Goethe and cretinism among them; At the same time, retardation of mental and physical development. Globally, 1.6 million people are at

risk of iodine deficiency diseases and 50 million children are affected by them. About 100,000 children are born with mental retardation every year, most of them in Africa. This is due to low consumption of iodine-rich foods (such as seafood) and excessive consumption of foods that cause bitterness, especially cassava, which is a staple in Central Africa.

Anemia is very common in Africa, especially among young children, mainly due to a diet low in animal-based foods and high in fiber-rich grains, tannins and phytates inhibiting iron absorption. In 2006, approximately 67.6 percent of children under the age of 5, and a total of 83.5 million children, were anemic [8]. Through its effects on metabolic processes such as oxygen transport, oxidative metabolism and cell growth, iron deficiency also delays growth and development. It weakens the immune system and increases susceptibility to infection, delays motor development, and reduces concentration (impairs cognitive and behavioral abilities). It therefore prevents 40-60% of African children from developing their full mental capacity. In addition, the 26 health risks reported by the WHO Global Burden of Disease Project rank ninth in terms of years of life lost due to iron deficiency.

### **List of used literature:**

1. Marope P.T., Kaga Y. Dalillarga qarshi sarmoyalar: erta yoshdagi bolalarni parvarish qilish va o‘qitishning global holati (PDF). –Parij.: YuNESKO. 2015. –B.170-182.
2. YuNISEF. Dunyo bolalarining holati: bolalarni omon qolishi. –Nyu-York: YuNISEF. 2008.
3. BMTning bolalar o‘limini baholash bo‘yicha idoralalararo guruhi. Bolalar o‘limining darajasi va tendensiyalari. –Nyu-York: YuNISEF. 2012.

4. YuNISEF. Dunyo bolalarining holati: nogiron bolalar. – Nyu-York: YuNISEF. 2013.
5. Manga L.D. Senegallik 12 yoshdan 59 yoshgacha bo‘lgan bolalarda A vitamini holatini va uning belgilovchilarini baholash. Magistrlik dissertatsiyasi. Chex Anta Diop universiteti. Senegal. 2011.
6. Beye M.F. 12 oydan 59 oygacha bo‘lgan o‘g‘il bolalar va qizlarda sink holati, uning oziq-ovqat va sog‘lig‘ini aniqlash omillarini baholash. Magistrlik dissertatsiyasi. Chex Anta Diop universiteti. Senegal. 2011.
7. Kupka R., Ndiaye B., Sall M.G., Camara B. Senegal yod yetishmasligini nazorat qilish uchun kurashmoqda. Yod buzilishini nazorat qilish bo‘yicha xalqaro kengash (ICCID) Axborot byulleteni. № 40. 2012.
8. Sy M. Senegallik 12 yoshdan 59 yoshgacha bo‘lgan bolalarda temir va uning aniqlovchilari holatini baholash. Magistrlik dissertatsiyasi. Chex Anta Diop universiteti. Senegal. 2011.
9. Bolalar hayotini saqlab qolish bo‘yicha Bellagio tadqiqot guruhi. Bolaning omon qolishi: tugallanmagan inqilob. –Lanset: 2003.
10. Habimana. Afrikadagi bolalar salomatligi bilan bog‘liq mintaqaviy vaziyat. –Brazzavil: Kongo. 2009.
11. Bolalarni saqlab qolish seriyasi. –Lanset: 2003.
12. Murtazoyev Sh. The spiritual heritage of Abu Hafs Umar Suhrawardi and it’s significance for the contemporary world. Central Asian journal of social sciences and history volume: 2 issue: 3 march. 2021 (ISSN: 2660-6836). [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=x31yD6sAAAAJ&citation\\_for\\_view=x31yD6sAAAAJ:2osOgNQ5qM](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=x31yD6sAAAAJ&citation_for_view=x31yD6sAAAAJ:2osOgNQ5qM) EC.
13. Sharipova O., Murtazoyev Sh., Dehqonov B., Gulomova

M. The issues of human and humanity in the teaching of Abdukhaliq Gijduvani. Journal of Critical Reviews. 2020. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=x31yD6sAAAAJ&citation\\_for\\_view=x31yD6sAAAAJ:d1gkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=x31yD6sAAAAJ&citation_for_view=x31yD6sAAAAJ:d1gkVwhDpl0C)

14. Murtazoyev Sh. On the manuscript of “Avariful-maarif” (Those people recognizing enlightenment) of Shakhabuddin Umar Sukhravardi. International journal on integrated education. – T. 2. – №. 5. – P.166-169. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/198>

15. Murtazoyev Sh. American journal of Social and humanitarian research “Shihabuddun al-Suhrawardi’s views on sufism and his scientific heritage in Central Asia” Vol 3, no 6 of jun., 2022 <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1181>.

# **CLASSIFICATION OF MILITARY-LEGAL ISSUES IN THE MANAGEMENT OF AMIR TEMUR'S ARMY**

(IN THE EXAMPLE OF TEMUR'S LAWS)

**Nafosat AKTAMOVA,  
Shahzoda MAQSUDJONOVA,**  
*students Bukhara State Pedagogical Institute*

Along with famous scientists and statesmen, the past of the Uzbek nation is decorated with famous military commanders such as Mahmud Ghaznavi, Sotuq Bugrokhon, Jalaluddin Manguberdi, Amir Temur, Babur, Shaibani Khan, Ubaidullah Khan the First, Abdullah Khan the Second. But the military-legal issues in the countries where these generals worked, excluding the period of Amir Temur, it can be said that very little has been studied. Military campaigns and military law during the time of Amir Temur attracted the attention of experts in this field, and some scientific works were written about it. For example, M.I. Ivanin, a member of the military-scientific committee of the general staff of the Russian Empire, wrote the work “О военном искусстве и завоеваниях монголо-татарских, среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане” in 1836-1845. This work was published in a military magazine. The author completed and revised this work in 1874. The book was published in full in 1875 by the military-scientific committee of the General Staff in St. Petersburg. The main basis of this work was the “TuzuklariTemur” and other historical sources. The military art of the peoples of Central Asia was

introduced to be taught in military schools of Russia based on this work. 1. Since the state of Amir Temur was a military-nobility state based on a medieval sole rulership, the main part of “Tuzuklar” was devoted to military law, and the same issues in the work attracted the attention of scholars. Timur’s kingdom finally had a large army and its supply system. Temur himself was considered the supreme commander-in-chief, and in his absence, the vice-chief amir, amirul-Umara, was in charge of the work of the troops. According to “Tuzuklar”, five people received this title: Amir Khudoidad, governor of Badakhshan, Amir Joku, ruler of Balkh and Hisar, as well as Amir IkuTemur, Amir Sulaymonshah, Temur’s son-in-law, Amir Muayyadlar from the Orlot clan. According to the rule, the people who received the title of Amir ul-Umara were considered to be governors of border districts, military and civil rulers of regions under their control. 2 At the next level were four beklarbegi. Amir Temur says that people’s unity, unity, cohesion are of great political and legal importance. “I gathered brave and intelligent young men around me” he writes in “Tuzuklar”. All of them had the same goals, opinions, words and deeds. If they decided to do something, they would not give up on it until they finished it”. It is known that in our society, which is building an independent, democratic-legal state, ideas about the highest positions of statehood and their guidance are now being formed and developing. We believe that in improving them, it is necessary to rely on works like “Tuzuklar”, which have been tested by the times. For example, Amir Temur praised the holders of high positions as “Khosul-Khos”, i.e. the characteristic of the special ones, in the “Tuzuklari” of Temur, and appointed three hundred and thirteen of his servants to the position of emir, according to the “Tuzuk of Emirship and Rulership”. He says that they are people of pure origin, pure lineage, intelligent, valuable, brave,

enterprising, alert, careful, and think things through. An emir, a high official must have so many qualities. Now, the other side of the matter is that one can expect everything from life, especially when a high-ranking being with such qualities is injured during a battle. The owner takes this aspect into account and appoints a deputy to each emir. At first glance, this is a simple matter for today, but the deputies are honored as “muntazirul-amarat” - candidates for the emirate. Therefore, they believe in the next day and work. Trust is one of the important pillars of statehood. Sahibgiron often repeats that if the emirs and high-ranking officials do not believe in the future, they will undermine the foundations of the state. He emphasizes that people who are worthy of emirship and rule have such confidence. He believes that only a person who knows the secrets of battle, how to break the enemy's army, who can lead the army into battle without losing his temper when the war is heated, and who can quickly repair a defect in the army ranks, is worthy of emirship and rulership. Amir ul-umaro, who can be his successor, considers a person who can command the entire army with pride and majesty and punish those who oppose him worthy of such a high position. The emirs were divided into emirs of 1-12 degrees, who, depending on their level, commanded 1-12 thousand troops and were subordinate to each other from the bottom to the top. During the war, they were considered the deputies of the amirulumaros. Emirs of rank were the chiefs of Temur's special servants, and they were emirs who came from 12 clans who received the stamp. The rest of the emirs were from 28 unmarked clans and were simply referred to as emirs or ulus, district emirs. A total of 313 people have been awarded this title. If we look at the power of the emirs who have a governorship or governorship from the point of view of state law, where they were governors, they were also civil and military authorized persons. In the

uluses and hokimitas, the administrative apparatus was formed, these bodies were more involved in the collection and distribution of taxes, judicial affairs, and the provision of the army. During the march, the emirs of the ulus and district had to collect one horseman from each tent (otov), one horseman from each two huts (kapa, chayla) and one horseman from each settled population. The structure of the army is based on the system of tens, headed by ten chiefs, hundred chiefs, and thousand chiefs. Severe punishments were imposed on those who disobeyed the orders of their superiors in the troops during the march."The sentence of the commander of a thousand was imposed on the commander of a hundred, that of a commander on a commander of ten, and that of a commander of ten on his subordinates, and those who did not follow it were punished". The duties of chiefs, both among the military and among the raiyat, consisted in punishing the disobedient, expelling those who failed to fulfill their duties, and electing others in their place. Amir Temur banned it because he did not like physical punishment, and he believed that the chief, whose power was weaker than the whip and the stick, was not worthy of the position he held. His instructions and opinions on military law are astonishing with their evenness and precision as if a necklace were strung on a string. According to the order of emirs, one of them was appointed viceroy to the other, the first emir was the viceroy of the second, thus the eleventh - twelfth emir, in turn, the twelfth emir was considered the viceroy of Amir ul-Umar, and he was the viceroy of Sahibqiran. As we read the following order, we witness that the genius of Amir Temur illuminated the deep layers of the essence of the matter. For example, he forbids assigning the work of a tithe to a centurion, and the work of an emir to an emir ul-Umar. But it is said that if any of the emirs is interested and asks for a job, he can be assigned a task. The

system of raising them from the lowest level to the highest rank is also quite perfect: those who showed heroism in battle won the right to the rank of tenth in the first rank, to the rank of centurion in the next, and to the rank of thousand in the third. If one of the lieutenants shows bravery, the soldiers who were first assigned to the regiment, but who stood out in self-defense, were excluded from this. In “Tuzuklar”, the system of military crimes and punishments in this regard is expressed in special rules: – “If any soldier turns away from the war and flees, let him be deprived of our favor; – if they were forced to retreat, let them accept the apology; – if he panicked, let them follow him; – any soldier who runs away after running a sword against the enemy and is wounded, let them praise him and note that he is wounded; – when he reaches the age of old age while serving in a military service, he should not be deprived of his honor and should not be demoted, let him get useful advice from them. In this regulation, we see that Amir Temur introduced allowances for soldiers for the first time in the history of military law: “– if a soldier is captured, do not kill him; “If any of my soldiers come to our shelter, let them trust such a soldier and cherish him, because he was loyal to his master and saved the right to eat.” 2 Such rulings and regulations did not arise by themselves, they all relied on Amir Temur’s life experiences and were formed based on them. If a soldier oppresses his subordinates, that is, he goes beyond the scope of service, then the soldier himself is handed over to the victims. If senior and local chiefs oppress people of a lower level than themselves, it is stipulated that they will be fined according to their property beyond the scope of their authority. Here, in the first case, the cop can be punished as much as the victim wants. The big and local chiefs got away with paying fines for their crimes. In the second article of “Tuzuklar”, that is, in the part of military law, special attention

was paid to the rules of maintaining the army. It is permissible to accept this as a matter of course, because in order to maintain a centralized state, the strict and just application of military laws was the first and foremost necessity. What aspects are mainly paid attention to in maintaining security? This is in several “Tuzuklar”, including; to keep a watch; giving ulufa (haq) to the soldier; payment to the police; increasing the level of soldiers and armor; procedures for granting ulufa to sons and grandsons; which is clearly expressed in the laws of giving gifts and gifts. Amir Temur puts justice in the first place even in the creation of rules for maintaining the Sipoh. When he prefers to call one servant from among ten people, he establishes it by law, and says that in choosing a servant, he will take into account his experience, justice, bravery and courage more than the other nine servants. He also says that nine people should choose the head of the ten. The above fair rules are also taken into account in the election of centurion and thousand. Amir Temur’s policy of paying ulufa (salary) to the soldiers is a proof of his deep knowledge of the economy of his time. “Ordinary soldiers”, – it is said in “Tuzuklar”, – should be paid according to the price of the horse on which they are riding, provided that they fulfill their duties properly. The second is that the salary was assigned not because of his service, but on the condition that he could fulfill his duties. This is very important. Because the soldier must receive his salary honestly, then his food and drink are considered honest, only then he is considered to have fulfilled his duty to the Motherland, obeyed the law and obeyed it. This is also strictly defined by law in “Tuzuklar”. Now, the first issue is that each of the sipohs was given a salary at the price of a horse. At that time, the price of a horse was expensive, and money, whether it was appreciated or not, never affected the salary of a sipoh. Certain procedures were also strictly followed

in determining the salary, that is, the salary of the tenths was ten times higher than that of their subordinates, that of the centurions was twice as high, and that of the thousandths was three times higher. The appointment of ulufa was not made to the farmer, but they received ulufa with the approval of the tenth head of the centurion, the centurion of the thousand head, and the thousand head of the emir ul-maro.

### **List of used literature:**

1. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат.  
– Т.: F.Ғулом. 1996. – Б.88.
2. Абдураззок Самарқандий. Матлаи Саъдайин ва Мажмай ал-Бахрайн. 2-жилд, 1-қисм. – Т.: Фан. 1969.
3. Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ. 2001. – Б.121.
4. Темур тузуклари. // Шарқ юлдузи. 1989; Темур тузуклари// Адабиёт ва санъат. 1991. – Б.144.
5. Темур тузуклари. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1996. – Б.344.
6. Темур тузуклари. – Т.: Шарқ. 2005. – Б.160.
7. Kenjayev S.N. Amir Temur davlati va Xitoy (Min) imperiyasi o‘rtasidagi savdo aloqalari tarixidan //“O‘tmishga nazar” 4-jild, 10-son. – Т.: 2021. – Б.67-74.
8. Кенжаев С.Н. Амир Темур ва Хитой давлати ўргасидаги ҳарбий муносабатлар ўзаро тўқнашув хавфининг вужудга келиши// ЎзМУ хабарлари, 1/9. –Т.: 2022. –Б.18-21.
9. Kenjayev S.N. Amir Temurning Xitoy (Min davlati) harbiy yurishga tayyorgarlik jarayonlari va uni keltirib chiqaruvchi omillar // Sohibqiron yulduzi. №3(49). – Qarshi: 2022. – Б.25-30.
10. Kenjayev S.N. Amir Temurning Xitoy bilan munosabatlari va Tayzi o‘g‘lon faoliyati// Science and education scientific journal. Volume 3. Issue 5. – Т.: – Б.1493-1497.

11. Kenjayev S.N. Trade and economic relations between Amir Temur's state and the Min dynasty// International symposium of young scholars. – USA. 2021. –P.480-481.
12. Kenjayev S.N. Factors of Amir Temur's military march to China and the international political situation//Euro Asian conference on analytical research. German. 2021.– P.115-117.
13. Кенжав С.Н. Хитой сари юришга тайёргарлик жа-раёнлари ёхуд Амир Темур ҳаётининг сўнги кунлари. // “Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби” мавзуси-даги республика илмий - амалий конференция материалла-ри. – Бухоро: 2022. – Б.52-57.

## АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА САРОЙ МАЛИКАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Севинч ОРЗИҚУЛОВА,  
Шохинабону ПЎЛАТОВА,  
*БухДУ ПИ талабалари*

Амир Темур бошлаб берган бунёдкорлик ишлари унинг ворислари томонидан давом эттирилди. Темурий шаҳзодалардан тортиб, нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимларию айрим маликаларгача ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини бунёдкорлик ишларига сарфлади.

Самарқанд бинокорлик қўламиning кенглиги катта шаҳарсозлик ишлари бажарилишини тақозо этарди. Айрим хиёбон ва майдонлар янгича қиёфага эга бўлди. Чорсу бозорини Оҳанин дарвозаси олдидаги янги меъморий мажмуа билан қулай туташтириш учун янги ҳиёбонлар барпо этилди. Меъморий хусусиятлари яққол намоён бўлган бу янги қурилиш анъанавий савдо растасининг ўзига хос намунасидир. Умуман бозорлар, улардаги дўкон, устахона ва ҳар хил бинолар шаҳарнинг меъморий қиёфасини белгилайди. Ҳозирги Регистон яқинида Амир Темур малика Туман оқа<sup>1</sup> бегим учун қурдирган Тоқи Телпакфурушон деб аталувчи гумбазли бозор биноси бўлган<sup>2</sup>.

Хожа Аҳмад мақбараси – Шоҳи Зинданинг энг юқорисидаги гумбазли чорси хонадан иборат бино. Таşқи

<sup>1</sup> Туман оҳа (Хайрунисо, Туман оқа, Кичик хоним), (таваллуди 1366 й.), малика, Амир Темурнинг хотини, Қазонхоннинг невараси.

<sup>2</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. –Т.: Шарқ. 2001. – Б.149.

пештоқнинг сиркор безаклари ниҳоятда юксак санъаткорона бажарилган. Бу бинони XIV асрнинг 60-йилларида меъмор Фахрали бунёд этган. Шоҳи Зинда меъморий мажмуасидаги бир-биридан ажойиб мақбаралар Амир Темур авлодлари, хусусан, унинг опаси Қутлуғ Туркон оқа, синглиси Ширинбека оқа, малика Ўлжой Туркон оқа, қариндошларидан Шод Мулк оқа каби аёллар осойиш топган манзиллардир<sup>3</sup>.

Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Захириддин Мухаммад Бобур ўз рисолаларида Самарқанддаги Боги Шамол, Боги Дилқушо ва Ҳирот саройининг ҳашаматли деворий расм безаклари ҳақида сўз юритган. Уларда Амир Темурнинг буюклигини тараннум этиш мақсадида Соҳибқиронваунинг сулоласи сиймолари, саройзиёфатлари, жаҳонгирнинг ҳаёт лавҳалари, Амир Темурнинг хуштабиат ёки қаттиққўл одам сифатидаги суратлари, унинг ўғил неваралари, жанг саҳналари, шаҳар ва қалъаларни қамал қилиш тасвири, хонимлар ва аслзодалар иштирокидаги дабдабали қабуллар, олимлар билан сухбатлар, совға-салом тақдим этиш лаҳзалари, овчилик, маликалар иштирокидаги лавҳалар, давлат ишлари билан шуғулланиш дақиқалари тасвирланган. Баъзан воқеалар туркум расмларда намоён бўлган: “Дарвоҷе ... унинг жасоратларини билмайдиганлар расмни ўз кўзлари билан кўриб, бамисоли ўзлари қатнашаётгандек тасаввур этишлари мумкин”, деб изоҳлайди Ибн Арабшоҳ. Шундай қилиб, монументал рассомликда Амир Темур хукмронлигининг буюклиги ранг-баранг жанрларда портрет, жанг манзаралари, сарой ҳаёти тасвирланган лавҳаларда тараннум этилди. Бундай расмларда саройга хос мулизамат ва муомала, инсон хулқига хос гўзал фазилатлар, давлатни бошқаришдаги

---

<sup>3</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. –Т.: Шарқ. 2001. – Б.150.

денишмандлик, олижаноблик яққол ифодасини топган<sup>4</sup>.

Аёллар мўғуллар андозасига кўра кенг либосларда, баланд бош кийимларида тасвиrlenган. Маликаларнинг ўзига хос бош кийими, елкага тушган жиҳоз<sup>5</sup>, жига билан ўралган кенгроқ либослари Амир Темур даври аслзодаларига хосдир. Улуғбек даврида Самарқандда бу либосларни тикиш давом этган. Бу даврда Ҳирот ва Шерозда уларни эсдан чиқариб юборган эди. Шунинг учун ҳам ушбу шаҳарлар миниатюра мактабларида бу либослар учрамайди<sup>6</sup>.

Тўй ва байрамлар ҳашаматли саройларнинг кенг ички саҳнлари ва айвонларида, Соҳибқироннинг, малика ва шаҳзодаларнинг боғларида ҳам ўтказилган, албатта. Аммо аксарият ҳолларда шаҳар майдонларида, регистонларда, табиат қўйнида – яйловларда, дарё ва анҳорларнинг соҳилларида, маҳсус сайилгоҳларда ўтказилган. Бунга сабаб шуки, тўй ва байрамларда оддий фуқароларгина эмас, минглаб аскарлар, уларнинг оиласлари, шунингдек, хизматда бўлган қуролсозлар, эгар-жабдуқчилар, темирчилар, мисгарлар, савдогарлар ҳам қатнашган. Жанговар спорт беллашувлари, майдон ўйинлари ва томошалари турида тоифа кишиларни, ижрочи ва томошабинларни бирлаштириб, ўзига хос тенглик ва хуррият оламини яратган<sup>7</sup>.

Темурбек Самарқанд таҳтини эгаллагандан сўнг малика Бибихонимга уйланди. Шундан сўнг Хуросон мамлакатини эгаллади ва Самарқанд билан Хуросон амирликларини бирлаштириб, ўзининг давлатини тузишни бошлади<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ. 2001. – Б.174.

<sup>5</sup> Убрус деб аталган.

<sup>6</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ. 2001. – Б.177.

<sup>7</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ. 2001. – Б.184.

<sup>8</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигохида. Масъул мухаррир ва сўзбоши муаллифи академик А.Саидов. Таржимон У.Жўраев. – Т.: Zamin nashr. 2019. – Б.112.

## UCHINCHI RENESSANS ASOSINI YARATISHDA YETUK KADRLARNI TAYYORLASH MASALALARI

Zumrad KENJAYEVA,  
*“INTILISH” Respublika axborot ta‘lim markazi,  
Buxoro viloyat bo‘limi boshligi*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMTning 72-sessiyasida so‘zlagan nutqida “Sayyoramizning ertangi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo‘lib kamolga yetishi bilan bog‘liq. Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o‘z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratishdan iborat”<sup>1</sup>, degan edi. Ta’kidlash joizki, Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti sifatida birinchi imzolagan qonun hujjati ham aynan yoshlar masalasi bilan bog‘liq edi.

Mamlakatimizda inson tarbiyasiga ijobiy munosabat azaliy an’analarga ega. IX-X asrlardan buyon katta va kichik shaharlarda ko‘plab maktab va madrasalar faoliyat ko‘rsatgan. Birinchi oliy o‘quv yurtining ham ko‘p asrlik tarixi bor. Keyingi davrda tarixchilar, olimlar, xalqaro ekspertlar hozirgi Samarqand davlat universiteti poydevoriga birinchi tosh O‘rta asrlarda qo‘yliganini va universitet Madrasai oliy Mirzo Ulug‘bek vorisi ekanini ta’kidladi. Ushbu madrasalarda tahsil olgan buyuk ajdodlarimizdan bizga 100 mingga yaqin qo‘lyozma va toshbosma meros qolgan. So‘nggi yillarda Prezidentimiz tashabbusi bilan mamlakatimizga yuzlab qo‘lyozma qaytarildi.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ 72-сессиясида сўзлаган нутки // <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeevbmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

Bundan tashqari, ajdodlarimizning ko‘plab kitoblari topilib, tegishli ilmiy muassasalarga o‘tkazildi. Iqtisodchilarning hisob-kitobiga ko‘ra, bugungi kunda dunyo boyligining 16 foizini ishlab chiqarish, 20 foizini tabiiy resurslar tashkil etadi. Dunyo aholisi ega bo‘lgan boyliklarning qolgan 64 foizi bevosita inson salohiyati, odamlarning bilim va tajribasi bilan bog‘liq. Shu ma’noda, rivojlangan taraqqiyot yo‘lidan borayotgan va har jabhada yuqori ko‘rsatkichlarga ega bo‘lgan mamlakatimiz har tomonlama yetuk, bilimli va tajribali kadrlarga muhtoj.

Iste’dodli yoshlarni aniqlash, ularni tarbiyalash masalasining davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgani yurtimizda ijobiy tajriba to‘planishiga imkon berdi. Shu o‘rindan kidlashjoizki, iste’dodli yoshlarni izlash va ularni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan ishlarni amalga oshirishda davlat tashkilotlari bilan bir qatorda nodavlat tashkilotlari ham faol ishtiroy etmoqda. Masalan, yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlaridan biri yoshlarning iste’dod va qobiliyatini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgani, ayniqsa, ahamiyatga molikdir. Ta’kidlash joizki, ta’lim, fan, texnika, axborot texnologiyalari, madaniyat, san’at, sport, tadbirkorlik sohalaridagi iste’dodli va iqtidorli yoshlarni rag‘batlantirish, ularning tashabbusini qo‘llab-quvvatlash – bu tashkilotning dolzarb vazifalaridan biri sifatida belgilangan.

Yoshlarning bilim darajasi, kasbiy malakasi, ma’naviy va ruhiy barkamolligi kabi fazilati va ijtimoiy sifatlari jamiyatning rivojlanish darajasiga salmoqli ta’sir ko‘rsatmoqda. Aholining turmush sharoitini yaxshilash, hayotdan rozi bo‘lib yashashiga erishish bugungi zamonaviy davlatchilik taraqqiyotidagi muhim ko‘rsatkichdir.

Talabalar masalasini o‘rganish kishilik jamiyatni, ijtimoiy munosabatlar, millatlar va davlatlar, madaniyat va sivilizatsiyalar bilan chambarchas bog‘liqdir. Chunki yoshlar masalasi, birinchidan, sivilizatsiya vujudga kelgandan beri mavjud va

barcha tarixiy rivojlanish bosqichlarida ular bilan yonmayon keladi. Ikkinchidan, tafakkur tarixida barcha faylasuflar, mutafakkirlar, davlat arboblari, shoiru adiblar farzand, yoshlar masalasiga oid o‘z qarashlarini bayon qilgan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston yoshlari forumida ta’kidlab o‘tganidek, “Biz yurtimizda qanday islohotlarga qo‘l urmaylik, avvalo, siz kabi yoshlarga, sizlarning kuch-g‘ayratingiz, azmu shijoatingizga suyanamiz. Barchangiz yaxshi bilasiz, bugun o‘z oldimizga ulkan marralar qo‘yganmiz. Ona Vatanimizda Uchinchi Renessans poydevorini yaratishga kirishdik. Biz oila, maktabgacha ta’lim, maktab va oliy ta’limni hamda ilmiy-madaniy dargohlarni bo‘lg‘usi Renessansning eng muhim bo‘g‘inlari deb hisoblaymiz. Shu sababli ayni ushbu sohalarda tub islohotlarni amalga oshirmoqdamiz. Ishonamanki, mamlakatimiz taraqqiyotining yangi poydevorini yaratishda sizlar singari fidoyi va vatanparvar yoshlarimiz faol ishtirok etib, munosib hissa qo‘shadilar”<sup>2</sup>.

Ma’lumki, milliy o‘z-o‘zini anglash – har bir millat (elat) ning o‘z-o‘zini real sub’yekt, muayyan moddiy va ma’naviy boyliklarning egasi, yagona til, urf-odatlar, an’analar, qadriyatlar va davlatga mansubligini, manfaatlar hamda ehtiyojlar umumiyligini tushunib yetishidir<sup>3</sup>.

Mafkuraviy immunitet bu –insonning o‘z istak-orzu, maqsad-tilishlariga mutlaqo zid, yot, zararli, begona mafkuraviy tahdidlarga qarshilik ko‘rsata olish salohiyati. “Mafkuraviy immunitet – “Falsafa: qomusiy lug‘at”da ma’naviy barkamol, irodasi baquvvat, iymoni butun shaxsni tarbiyalashda, har qanday reaksiyon, buzg‘unchi xarakterdagi g‘oyaviy

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумидаги маъruzasi // [https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagannutqi\\_197662](https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagannutqi_197662).

<sup>3</sup> Ҳикматлар хазинаси. – Т.: Faafur Fulom. 1993. – Б.69; Фалсафа: қомусий лугат. –Т.: Шарқ. 2014, – Б.160.

tashabbuslarga bardosh bera oladigan yoshlarni tarbiyalashda qo‘l keladi” deyilgan. Bolaga ilk yoshidan boshlab nima yaxshi, nima yomon, ularga qanday munosabat bildirish kerak, degan savollarga asoslangan bog‘cha, maktab tarbiyasi, undan keyin ijtimoiy tarbiya yo‘lga qo‘yilsagina har bir millat sog‘lom, ishonchli, mustahkam immunitetga ega bo‘ladi.

Barkamol avlodni tarbiyalash g‘oyasi milliy va umuminsoniy xarakterga ega bo‘lib, u bashariyatni ma’naviyat va ma’rifatga, ezgulik va yuksaklikka olib boruvchi komillik sari yo‘ldir. Shu sababli ham insoniyat paydo bo‘ldiki, shaxs masalasi kishilar, oilalar, jamoalar, davlatlar oldida muhim muammo bo‘lib kelmoqda va ular turli yo‘l bilan amalga oshirilmoqda. “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturining bosh masalalaridan biri – yosh avlodni barkamol etib tarbiyalashdan iborat. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev ta’kidlaganidek: “Yoshlar o‘z davrining talablari bilan uyg‘un bo‘lsin, lekin ayni paytda o‘zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug‘ zotlarning avlodimiz, degan da’vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o‘zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan”<sup>4</sup>.

Shu jihatdan ham barkamol shaxsni tarbiyalash, o‘zining ma’naviy, ma’rifiy, tashkiliy-uslubiy, ijtimoiy-iqtisodiy jihatlari bilan murakkab va mas’uliyatli jarayonlari kundan kunga takomillashib bormoqda. Barkamol shaxsni shakllantirishda uzluksiz ta’lim tizimining o‘rni va roli beqiyosdir. Demak, bugungi kunda barkamol avlodni voyaga yetkazish davlat siyosati darajasida amalga oshirilmoqda. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, tarbiya shaxs kamolotining uzluksizligi va uzviyligini muvaffaqiyatli ta’minlaydi.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзудаги анжумандада сўзлаган нутки. – Т.: 2017.

Sog‘lom hayot, turmush tarzi, e’tiqod va barkamollik kabilar shaxs faoliyatining asosiga aylanadi. Shaxs faoliyatining mazmunida milliy qadriyatlarga sadoqat, jamiyatdagi tinchlik, xotirjamlikni saqlashga ongli munosabatda bo‘lish, tinch va farovon hayotni yaratish, ijtimoiy ma’naviyatni yuksaltirishga intilish kabi omillar asosiy o‘rin egallaydi. Shu sababli bugungi yoshlar dunyoqarashida millat, ona tuproq, ona vatan, xalq va uning tarixiy ildizlari asosidagi boy milliy-ma’naviy merosimiz haqidagi ma’lumotlar rivojlanib bormoqda.

Yoshlar ongida millat, milliy axloq, milliy g‘urur, milliy tarbiya, milliy salohiyat, vatan tuyg‘usi, vatan qayg‘usi, vatan sog‘inchi va shu kabi tushunchalarini singdirib borish, ularning milliy dunyoqarashini kengaytirish tarbiya jarayonining asosiy omillaridan hisoblanadi. Shu jihatdan ham yoshlar kamolotida milliy o‘zlikni anglash, milliy ong, milliy g‘urur, o‘zbek millati, milliy-ma’naviy kamolot tushunchalarini shakllantirish imkonini yaratadi. Natijada yoshlarimiz muntazam ravishda kamol topib, jamiyat taraqqiyotining poydevori sifatida faoliyat ko‘rsatmoqda. Bu ishda o‘qituvchi, tarbiyachi va ta’lim sohasida mas’ul xodimlarning xizmati kattadir. Chunki tarbiyachi tarbiyalanuvchilarining barkamol shaxs bo‘lib yetishishida har tomonlama ta’sir ko‘rsatadi.

Tarbiyachi o‘quvchilar jamoasining tarbiyaviy darajasini o‘rganib, unga ta’sir ko‘rsatish mahoratiga ega bo‘lishi lozim. Arastu tarbiya uch narsaga ehtiyoj sezadi: iste’dodga, ilmga va mashqqa degan edi. Ana shu g‘oyalarga asoslangan holda tarbiyachilar quyidagilarga amal qilishi lozimdir:

- tarbiyada ulg‘ayayotgan inson shaxsini oliv ijtimoiy qadriyat deb tan olish, o‘ziga xosligini hurmat qilish, ijtimoiy-huquqiy va erkinligini etiborga olish;

- milliylikning o‘ziga xos an’ana, vositalariga tayanish, jahon madaniyatining ilg‘or tajribalariga asoslanish.

O‘quvchilar faoliyatida tarbiyaviy jarayonning asosini tashkil qilish, qiziqarli, to‘laqonli bolalar yosh jihatlariga mos hayotiy iqlimni yaratish, mehnat, xayriya, ijtimoiy foydali, ko‘ngilochar va shunga o‘xshash tadbirlarni tashkil etishi lozim.

O‘qituvchi Vatanni sevadigan, insonparvar, ma’naviy axloqiy barkamol shaxsni shakllantirishga e’tibor berishi lozim. Demak, o‘qituvchi jamiyat hayotida yetakchi o‘rin tutuvchi murakkab shaxs strukturasiga ega insonning kasbiy qiyofasidir. Ijtimoiy turmushning barcha sohalarida erishilgan yutuqlarning zamirida uning mehnat natijalari yotadi. O‘qituvchining pedagogik muomala madaniyati, psixologik vaziyatlarni e’tiborga olish mahorati kuchli bo‘lishi kerak.

Yuksak saviyali tarbiyachilargina xalq orzusidagi barkamol shaxsni tarbiyalaydi. Xalqimizda tarbiyachilik san’ati qadimdan rivojlangan. Sharq mutafakkirlari, pedagog olimlar barkamol insonni yetishtirish uchun tarbiya naqadar zarurligini, uning mohiyati va mazmunini asoslab bergen.

Ilm insonni yuksaklik sari olib boradi. Abdulla Avloniy aytganidek: “Ilm insonlarning madori, hayoti, porloq kelajagi, rahbari, najotiga aylangan”. Ilm inson uchun g‘oyat oliv va muqaddas fazilatdir. Shuning uchun avvalambor, ilmli, tarbiyali bo‘lmoq har bir yosh insonning burchi. Shu maqsadda ko‘nglida eng oliv orzularni jamlab, o‘qituvchi ter to‘kib ishlaydi. Ularning mehnatini hurmat qilib, bergen bilimini egallamoq kerak. Behbudiy aytganidek: “Dunyoda turmoq uchun dunyoviy fan va ilm lozimdir”. Ibn Sino ta’kidlaganidek: “Kimga qanday pandu nasihat qilsang, unga avvalo o‘zing amal qil”.

Tarbiyaviy ishlarni tashkil qilishning milliy va nazariy asoslari mavjud bo‘lib, o‘qituvchi o‘z faoliyati jarayonida:

- mustaqillik tufayli o‘zbek xalqining milliy, diniy g‘oyalarining keng ro‘yobga chiqishi;
- ma’rifatparvarlik va jadid harakatining tarixiy asoslari;

- ona tilimiz va uning softligini asrash;
- xalqimiz yaratgan milliy urf-odat va an'analarimizdan keng foydalanish;
- Qur'oni karim va hadislarda inson kamoloti haqidagi g'oyalarini yoshlarga o'rgatish.

Yuqoridagi yo'naliishlardan bizga ma'lumki, buyuk ajdodlarimiz yuksak taraqqiy topgan davlat barpo etgani va bu mamlakatda "Kuch adolatda" degan bosh shior davlat siyosati va jamiyat hayotining asosi bo'lganini yaxshi bilamiz. Bu g'oya odamlarga kuch bergen, ularda insof diyonat, ezgulikka ishonch uyg'otgan. Chunki jamiyatdaadolat barqaror bo'lsa, millat hech qachon adashmaydi. Adolat – biz qurayotgan jamiyat mezoni bo'lishi kerak. Albatta, bunda o'qituvchining bilimi, mahorati beqiyosdir.

O'qituvchining bilim darajasi sharqona fikr yurita bilishi, ish bilan harakatning birligi maktab o'quvchilarining ijodiy fazilatini takomillashtirishda muhim o'rinn tutadi. Shaxsning har tomonlama kamolga erishishi, bu uning ayrim qirralari yoki xislatlarining to'laqonligini, jismoniy, axloqiy, siyosiy, estetik qarashlari yig'indisini o'z ichiga oladi. Yoshlarni falsafiy dunyoqarashga tayyorlash, hayot mazmunini tushunib olishga ko'maklashish, o'z-o'zini idora va nazorat qila bilishni shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

Bunday o'zbek xalqi mentalitetiga xos xususiyatlar nafaqat islomiy qadriyatlarni, balki milliylikni ham qamrab olgan holda ma'naviyatni boyitishga xizmat qilgan. Buning uchun yoshlarimiz bilan ko'proq gaplashish, ularning qalbiga qulq solish, dardini bilish, muammolarini yechish uchun amaliy ko'mak berishimiz kerak<sup>5</sup>.

Davlatning qudratini belgilaydigan qator omillardan biri, shubhasiz, ma'nan yetuk, jismonan sog'lom, har tomonlama

---

<sup>5</sup> "Халқ таълими" журнали. 2018 йил, 1-сон.

barkamol avlodni voyaga yetkazishdir. Shu ma'noda, bugungi kunda mamlakatimizda sog'lom avlodni tarbiyalash naqadar muhim, mas'uliyatli vazifa ekani barchamizga ayon. Yoshlarga, bolalarga e'tibor, darhaqiqat, kelajakka qo'yilgan sarmoyadir. Kuchli fuqarolik jamiyatiga asoslangan huquqiy-demokratik davlat qurish farzandlarimizning faol ishtiroki, qo'llab-quvvatlashi orqaligina to'laqonli amalga oshadi. Shunday ekan, ma'naviyati yuksak, chuqur bilimli, zamonaviy fikrlaydigan, intellektual rivojlangan va professional tayyorgarlikka ega o'g'il-qizlarni tarbiyalash buyuk kelajagimizni ham ta'minlashiga shubha yo'q.

Buyuk bobokalonimiz Qaffoli Shoshiy o'zining mashhur "Javomi ul-karim" kitobida Payg'ambarimiz (S.A.V)ning "Ne'matlar haqida gapirishlik shukr qilishlikdir" degan so'zlarini keltirgan. Yaratgan bizlarga ato etgan behisob ne'matlarni yodda tutish, uni o'z vaqtida qadrlay olish o'sha ne'matlarning davomiyligiga sabab bo'ladi. Shunday ekan bugungi kundagi mavjud imkoniyatlar, yangiliklardan bahramand bo'lib, shukronalik bilan kelajakka yo'nalsak, buyuk o'tmishimizning munosib davomchilari bo'la olamiz.

**“МАҢАВИЙ МЕРОС ВА  
Ш РЕНЕССАНС АСОСИНИ ЯРАТИШ  
МАСАЛАЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР,  
ТАДҚИҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР”**

*Халқаро илмий конференция түрлами*

“Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази”  
нашриёти – 2023. 612 бет.

**МУСАХХИХЛАР:**

Санжарбек Джуманов,  
Аслиддин Мустафоев

**САҲИФАЛОВЧИ-ДИЗАЙНЕР:**

Муҳаммадиқбол Шукуров

Нашриёт лицензияси: АА № 0010 / 06.05.2019 й.

Босишига рухсат этилди: 20.02.2023 й.

Офсет босма қофози. Қофоз бичими 70x100  $\frac{1}{16}$   
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Босма табоги 34. Адади: 100 нусха. Буюртма 20/02.  
Баҳоси келишилгандархда.

**“МАЬНАВИЙ МЕРОС ВА  
III РЕНЕССАНС АСОСИНИ ЯРАТИШ  
МАСАЛАЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР,  
ТАДҚИҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР”**

*Халқаро илмий конференция тұплами*



**ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

141306, Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани,  
Хўжа Исмоил шаҳарчаси. Тел.: (0366) 240-20-11  
X/p: 2021 2840 3008 1645 9001 // Swift code: НБФАУ32Х

E-mail: [bukharicenter@gmail.com](mailto:bukharicenter@gmail.com)

**WWW.BUKHARI.UZ**